

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ

Қисқа маълумотнома

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2006

26.89я2 М2млакатшунослик.

Ж-39

Ўлкашунослик

Тузувчилар:

Ш. Эргашев, Т. Бобоматов, Н. Турсунов, К. Аҳмедов,
Ш. Шониёзов, Н. Сахиев, У. Бобоматов, Н. Сариқулов

Масъул муҳаррир:

тарих фанлари доктори А. Ҳазратқулов


Такризчилар:

тарих фанлари доктори, профессор Р. Фармонов,
тарих фанлари номзоди, доцент У. Туйчиев,
география фанлари номзоди, доцент Ф. Пардаев

Тарих фанлари номзоди

Ш. Эргашевнинг умумий таҳрири остида

Ю-32146/291



Жаҳон мамлакатлари:

Қисқа маълумотнома /масъул муҳаррир А. Ҳазратқулов. — Т.: «Шарқ», 2006 — 384 б.

ББК.26.89.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бosh таҳририяти, 2006.

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан буён ўтган вақт ичида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига, дунё сиёсати майдонида ўз мустақил овозига эга бўлган давлат сифатида тан олинди. Республикамиз Президенти И. А. Каримов олиб бораётган оқилона ташқи сиёсат туфайли юртдошларимиз жаҳон мамлакатлари бўйлаб эркин сафар қилиш имкониятига эга бўлдилар.

«Жаҳон мамлакатлари» деб аталган ушбу китобда дунёнинг 222 та давлати тўғрисида қисқа маълумотлар тўпланган. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси, кейин эса чет мамлакатлар алифбо бўйича жойлаштирилган. Ҳар бир давлат тўғрисидаги маълумотлар давлатнинг расмий номи, пойтахти, ҳудуди, аҳолиси, тили, дини, пул бирлиги кабилар билан бошланади. Географик жойлашуви ва табиати, давлат тузилиши, сиёсий партиялари, иқтисоди, транспорт коммуникациялари ва тарихига эса кенгроқ ўрин берилган. Бунинг сабаби давлатлар ҳақидаги фақат расмий, сиёсий маълумотлар билан чекланиб қолмасдан, балки ўқувчи учун қизиқарли маълумотларни ҳам беришга ҳаракат қилинди. Айниқса, табиати ва тарихини ёритишда бунга катта эътибор берилган.

Ҳозир адабиётларда кенг қўлланиладиган қисқартма сўзлар бу ерда ҳам шундай ишлатилган. Масалан, МДҲ — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, АҚШ — Америка Қўшма Штатлари, м. а. — милоддан аввалги кабилар. Айтилганидек, бу сўзлар муомалада кенг қўлланилганлиги сабабли уларга алоҳида изоҳ бериш лозим топилмади.

Барча давлатлар ҳақидаги маълумотлар бир хил тузилишга эга, бироқ айрим давлатлар (масалан, Россия, АҚШ, Хитой) тўғрисида маълумотларнинг кўплиги сабабли уларга китобда кенгроқ ўрин берилган.

Умуман, бундай нашрлар рус, инглиз тилларида анчагина бўлишига қарамасдан, ушбу китоб ўзбек китобхонларида қизиқиш уйғотади, деган умиддамиз.

ЎЗБЕКИСТОН

Расмий номи — Ўзбекистон Республикаси. Пойтахти — Тошкент. Худуди — 447400 км². Аҳолиси — 25100000 киши (2001). Давлат тили — ўзбек. Дини — ислом. Пул бирлиги — ўзбек сўми.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Осиёдаги давлат. Шимол ва ғарбда Қозоғистон (чегаранинг узунлиги — 2203 км), жанубда Туркменистон (1621 км) ва Афғонистон (137 км), жануби-шарқда Тожикистон (1161 км), шарқда Қирғизистон (1099 км) давлатлари билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги — 6221 км. Ўзбекистон рельефига кўра текислик ва адир-тоғ қисмларга бўлинади. Худудининг 4/5 қисмини текисликлар, аксари Турон пасттекислиги ишғол қилган. Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбида Устюрт платоси, марказий қисмининг шарқида Қизилқум саҳроси жойлашган. Турон пасттекислиги шарққа томон давом этиб, тоғлар орасига кириб борган: шимолда — Мирзачўл, ўрта қисмида — Қарноб чўли ва Қарши чўли жойлашган. Бу чўллар бора-бора тоғолди қия текисликларига қўшилиб кетади. Фарғона, Оҳангарон водийлари, Сангзор-Нурота сойлиги, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё сойликлари тоғлар орасида жойлашган текисликлардир. Ўзбекистон ҳудудидаги тоғлар Тянь-Шань ва Ҳисор-Олой тоғ тизмаларига киради. Тизмаларнинг баландлиги 4000 м дан зиёд. Ҳисор тизмасида жойлашган чўққи (4683 м) Ўзбекистоннинг энг баланд нуқтасидир. Асосий дарёлари: Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Чирчиқ, Оҳангарон. Йирик кўллари: Орол денгизи (глобал экологик муаммо), Айдаркўл. Табиий газ, нефть, кўнғир кўмир, тошкўмир, олтин, қумуш, мис, қалайи, молибден, марганец, хром, вольфрам, висмут, уран, флюорит, гранит, мрамор, оҳақтош, каолин, топаз, феруза, амитист, тоғ хрустали, халседон, яшма, нефрит, амазонит, родонит, мрамор оникси Ўзбекистон қазилма бойликларини ташкил этади.

Иқлими — иссиқ, қуруқ, континентал. Жануби субтропик минтақага киради. Ўзбекистон ҳудудида 120

оилага мансуб 3700 га яқин турдаги ёввойи ўсимликлар учрайди. Чўлларда жузгун, саксовул, илоқ, қуёнсуяқ, черкез, қумарчиқ, биюргун, шувоқ, туяпайпоқ, қолган худудларда тоғолча, ёнғоқ, писта, арча, заранг, дўлана, тол, терак, омонқора, сувқалампир, баргизуб, зира, қизилпойча, зирк, кийикўт ва бошқа ўсимликлар ўсади. Юмронқозиқ, қумсичқон, қўшоёқ, бўри, тулки, жайрон, сайғоқ, бўрсиқ, тўнғиз, морхўр, архар, айиқ, барс, чиябўри, суғур, сассиққўзан, бир неча тур илон, калтакесак, захарли ҳашаротлар, бургут, қора тасқара, қумой, болтаютар, қирғовул, каклик, бедана ва бошқалар ҳайвонот оламини ташкил этади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат таркибига 12 та вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси киради. Ўзбекистон ўз мустақиллигини 1991 йил 31 августда эълон қилган. Миллий байрами — 1 сентябр (Мустақиллик куни). Ижро этувчи ҳокимият Президент (давлат бошлиғи) ва Вазирлар Маҳкамасини бошқарадиган Бош вазирга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият Сенат (юқори палата) ва Қонунчилик палатаси (қуйи палата)дан иборат икки палатали парламент — Олий Мажлисга тегишли. Сиёсий партиялари: Халқ демократик партияси, Адолат социал-демократик партияси, Миллий тикланиш демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси, Ўзбекистон либерал-демократик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Сўнгги йилларда ҳукумат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсат бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни кенгайтиришга, молиявий ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, миллий валютани мустаҳкамлашга қаратилган. Чет эл инвестициялари кириб келишига имкониятларнинг яратилиши ишлаб чиқаришнинг тараққий этишига туртки бўлди. Саноатнинг ривожланган тармоқлари: рангли металлургия, тўқимачилик, ёнилғи, кимё, озиқ-овқат, қурилиш, машинасозлик, автомобилсозлик, самолётсозлик. Пахта, буғдой, шоли, турли мева ва сабзавотлар, полиз маҳсулотлари етиштирилади. Чорвачилик ривожланган. Тола, табиий газ, рангли металлар, кимё ва нефть кимёси маҳсулотлари, автомобиль, мева ва сабзавотлар, қорақўл терилари экс-

порт қилинади. Асосий савдо ҳамкорлари: МДХ давлатлари, Германия, Япония, ХХР, Жанубий Корея.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 7000 км дан ошиқ, автомобиль йўллари — 80 000 км.

Тарихи. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида м. а. I минг йилликдаёқ дастлабки қулдорлик давлатлари — Хоразм, Бақтрия, Суғд, Парфия вужудга келади. М. а. VI асрда аҳамонийлар Ўрта Осиёнинг кўпчилик ерларида маҳаллий аҳолининг қаршиликига қарамай (Широқ, Тўмарис) ўз ҳокимиятини ўрнатди. М. а. 329—327 йилларда македониялик Искандар бу ҳудудларни ўз империяси таркибига қўшиб олади. Маҳаллий аҳолининг босқинчиларга қарши энг йирик кўзғолонига суғд лашкарбошиси Спитамен бошчилик қилади. Искандарнинг вафотидан сўнг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудлари славкийлар давлати таркибига киради. М. а. 250 йилда Грек-Бақтрия подшолиги ташкил топади. М. а. II асрда Қанғ, Парфия, Фарғона давлатлари вужудга келади. Грек-Бақтрия подшолиги тоҳарлар томонидан тор-мор этилгандан сўнг Тоҳарлар давлати ташкил топади. I—IV асрларда Ўрта Осиё, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ҳудудларида Кушон подшолиги мавжуд бўлган. V асрда Эфталитлар давлати, VI аср ўрталарида Турк хоқонлиги ташкил топади. VIII асрда Ўрта Осиё Араб халифалиги томонидан забт этилади. Ўрта Осиё халқлари араб ҳукмронлигига қарши муттасил кураш олиб боради (Ғурак, Дивашти, Шарик, Муқанна, Рофеъ ибн Лайс кўзғолонлари). Кўзғолонларни бостиришда катта хизмат кўрсатган тоҳирийлар, сўнгра сомонийларга ҳокимият топшириб қўйилади. IX аср охирида сомонийлар Ўрта Осиё ҳудудларини мустақил бошқара бошлайди. X аср охири — XI асрларда Ўрта Осиёда Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар давлатлари мавжуд бўлган. XII асрда Хоразмшоҳлар давлати юксалади. IX—XII асрларда Ўрта Осиёда илм-фан тараққиёти юксак даражага кўтарилади. Ибн Сино, Беруний, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Фөробий каби қомусий олимлар, Нажмиддин Кубро, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий каби тасаввуф намояндалари етишиб чиқади. 1218—1221 йилларда мўғуллар маҳаллий аҳолининг қаттиқ қаршиликига қарамай (Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик) Ўрта Осиёни босиб олади. 1238

йили Бухорода мўғуллар истибдодига қарши Маҳмуд Торобий бошчилигидаги йирик халқ қўзғолони бўлиб ўтади. 1370 йилда Амир Темур Самарқандда ҳокимиятни қўлга киритиб, йирик марказлашган давлат ташкил этади. Ўттиз беш йиллик ҳукмронлиги даврида Амир Темур катта ҳудудларни забт этиб, улкан империяга асос солади. Амир Темур вафотидан сўнг (1405) Мовароуннаҳрда темурийлар ўртасида тахт учун кураш кечади. 1409 йили Самарқанд тахтига Улуғбек ўтиради. Темурийлар Мовароуннаҳрда XVI асргача ҳукмронлик қилади. Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида ҳунармандчилик, меъморчилик ва адабиёт равнақ топади, илм-фан юксалади, савдо ривожланади. 1500 йили Дашти Қипчоқдан кўчманчи ўзбеклар хони Муҳаммад Шайбонийхон Самарқандга ҳужум қилади. Унга қарши Самарқанд тахти учун Заҳириддин Муҳаммад Бобур кураш олиб боради. Бир неча самарасиз уришишлардан сўнг Бобур Афғонистонга кетишга мажбур бўлади ва 1525 йили Ҳиндистонга юриш уюштириб, у ерда Бобурийлар империясига асос солади. XVI асрда Ўрта Осиёда иккита хонлик — Бухоро хонлиги ва Хива хонлиги вужудга келади. Шайбонийлардан Абдуллахон II (1534—1598) узоқ урушлардан сўнг парчаланиб кетган Мовароуннаҳрни бирлаштиради. 1599 йили Мовароуннаҳрда ҳокимият аштархонийлар (1599—1753) сулоласига ўтади. 1740 йили Эрон шоҳи Нодиршоҳ Бухорони эгаллайди ва Бухоро 7 йил Эронга тобе бўлади. 1753 йили Бухорода ҳокимият манғитлар сулоласининг биринчи амири Муҳаммад Раҳим қўлига ўтади. XVIII аср бошларида Қўқон хонлиги ташкил топади. XIX асрнинг иккинчи ярмидан Россия Ўрта Осиёга бостириб кира бошлайди. 1873 йилга келиб Ўрта Осиёдаги учта давлат ҳам Россияга қарам бўлади. 1917 йилги октябрь тўнтаришидан сўнг Қўқон мухторияти ташкил топади, лекин большевиклар томонидан қурол кучи билан тугатилади. Ўтган асрнинг 20-йиллари ярмигача большевиклар ва миллий-озодлик ҳаракати ўртасида кескин кураш кечади. 1924 йилда СССР таркибидаги Ўзбекистон ССР ташкил топади. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилади. Мустақиллик йилларида президент И. Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш ва демократик ислохотлар йўлидан дадил бормоқда.

АВСТРАЛИЯ

Расмий номи — Австралия Иттифоқи. Пойтахти — Канберра. Ҳудуди — 7682300 км². Аҳолиси — 19400000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — англиканлар (26%), католиклар (26%), протестантлар (20%), православлар (4%). Пул бирлиги — австралия доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Австралия материги Тасмания ва унинг ёнидаги майда оролларда Ернинг Жанубий ярим шарида жойлашган давлат. Шимолда Тимор денгизи, Арафур денгизи ва Торрес бўғози, жанубда — Босса бўғози ва Ҳинд океани, шарқда — Маржон денгизи, ғарбда — Ҳинд океани билан туташиб кетган. Австралия сатҳи асосан текисликлардан иборат, баланд тоғ массивлари йўқ. Мамлакат шарқда, шимолдаги Кейп-Йоркдан жанубдаги Босс кўрфази ва Тасмания оролида давом этган умумий узунлиги 3300 км бўлган Катта сув айирувчи тизма жойлашган. Тизма Нью-Ингленд ясси тоғи, Мовий ва Австралия тоғларидан ташкил топган. Мамлакатнинг энг юқори нуқтаси Костюшко (2228 м) тоғи.

Иқлими — субэкваториал, тропик ва субтропик. Ўсимлик дунёси бой — 20000 дан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд. Мамлакат шимоли асосан тропик ўрмонлар билан қопланган. Жанубда, Австралия ҳудудининг ўзида 500 турдан ортиқ акациялар ўсади. Ҳайвонот дунёси ҳам бой бўлиб, бу ерда ўрдакбурун, кенгуру, халтали ҳайвонларнинг бошқа гурларини, денгизларда аюла, денгиз илони, медуза каби жониворларни учратиш мумкин.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — федерал парламентар давлат. Ижро этувчи ҳокимият — Британия монархи, генерал-губернатор, премьер-министр. Қонун чиқарувчи ҳокимият — икки палатали федерал парламент (Сенат, Депутатлар палатаси). Федерация 6 штатдан иборат: Жанубий Австралия, Ғарбий Австралия, Янги Жанубий Уэльс, Виктория, Квинсленд, Тасмания ҳамда Шимолий Ҳудудлар ва Австралия пойтахти федерал ҳудуди. Сиёсий партиялари: Австралия миллий партияси, Австралия лейбористик партияси, Австралия либерал партияси, Австралия демократик партияси

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Австралия бозор иқтисоди юқори ривожланишга эга бўлган аграр-индустриал мамлакат. Саноатнинг ривожланган соҳалари: машинасозлик, тоғ-кон, кимё саноати, озиқ-овқат, пўлат қуйиш. Қишлоқ хўжалиги асосан экспортга ихтисослашган. Чорвачилик ривожланган. Асосий савдо ҳамкорлари: Хитой, Япония, Миср, Индонезия, МДХ мамлакатлари.

Тарихи. Австралия аборигенларининг аجدодлари бу қитъага 40000 йил муқаддам кўчиб келганлар. Австралия ҳудудида европаликлар келгунига қадар чорвачилик, деҳқончилик ва темир нималигини билмаган абориген қабилалари истиқомат қилишарди. Уларнинг асосий машғулоти термачилик ва овдан иборат эди. XVIII аср охирида мамлакат ҳудудида 300000 абориген яшаган. 1606 йили голландиялик денгизчи В. Янсзон европаликлардан биринчи бўлиб Австралия қирғоқларига етиб келади. 1643 йилда яна бир голланд денгизчиси А. Тасман мамлакатнинг шимолий қирғоқлари ва Тасман оролини ўрганиб чиқди. 1770 йилда инглиз капитани Ж. Кук Австралиянинг шарқий қирғоқларига келиб тушди ва қитъани Британия мулки деб эълон қилди. XVIII аср охирида Австралияда биринчи инглиз манзилгоҳи — Сидней шаҳрига асос солинди. Англия Австралия ҳудудидан маҳбусларини сургун қилиш жойи сифатида фойдаланди. 1901 йил 1 январидан Англиядан доминион мавқеини олган Австралия Иттифоқи ташкил топди. I жаҳон уруши даврида Австралия қўшинлари Франция ва Яқин Шарқда олиб борилган ҳарбий ҳаракатларда иштирок этди. Урушдан сўнг Австралия Науру оролига эга бўлди. 1931 йилда Австралия Вестминстер статутига кўра ташқи ва ички сиёсатда тўла мустақилликни қўлга киритди. Австралия II жаҳон уруши даврида антигитлерчилар иттифоқи тарафида туриб жанг қилди. 1967 йилда барча аборигенларга фуқаролик ҳуқуқлари берилди.

АВСТРИЯ

Расмий номи — Австрия Республикаси. Пойтахти — Вена. Ҳудуди — 83500 км². Аҳолиси — 8100000 киши (2001). Давлат тили — немис. Дини — католиклар (86%), протестантлар (5,5%), бошқа динлар (8,5%). Пул бирлиги — евро.

Географик жойлашуви ва табиати. Австрия Марказий Европада жойлашган давлат бўлиб, жанубда Италия ва Словения, жануби-ғарбда Швейцария, ғарбда Германия ва Лихтенштейн, шимолда Чехия, шарқда Венгрия, шимоли-шарқда Словакия давлатлари билан чегарадош. Мамлакат ҳудудининг 75% ини Шарқий Альп тоғлари ва тоғолди ҳудудлари эгаллаган. Энг баланд нуқтаси — Глокнер тоғи (3797 м). Альп тоғлари шимолда Тироль ва Зальцбург Альпларидан ҳамда жанубда Циллертал ва Карник Альпларидан иборат. Ҳудуднинг қолган қисмини Дунай дарёси яқинида жойлашган текисликлар ташкил этади.

Иқлими — мўътадил-континентал. Австриянинг текислик қисмида иқлим иссиқ ва нам. Мамлакатнинг асосий сув ресурслари: Дунай дарёси ва Нейзидлер-Зе ҳамда Боден кўллариدير. Асосий фойдали қазилмалари: темир рудаси, нефть, ёғоч, алюминий, кўрғошин, мис, тошкўмир ва кўнгир кўмир.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Австрия 9 федерал ҳудудларга бўлинган федератив республика. Федерал ороллари: Бургенланд, Каринтия, Вена, Юқори Австрия, Қуйи Австрия, Зальцбург, Штирия, Тироль, Форарльберг. Давлат бошлиғи президент, аммо янроқ этувчи ҳокимият бошлиғи Министрлар Кенгаши раиси — канцлер. Икки палатали парламент (Федерал йиғин) Федерал Кенгаш ва Миллий Кенгашдан ташкил топган. Сиёсий партиялари: Австрия социал-демократик партияси, Австрия халқ партияси, Коммунистик партия, Яшил муқобиллик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Австрия миллийлаштирилган саноат ва ижтимоий таъминотнинг кенг тизимига эга бўлган ривожланган иқтисодга эга давлат. Саноат тармоқларидан қуйидагилар ривожланган: металлургия, машинасозлик, озиқ-овқат, тўқимачилик, тери-пойабзал, энергетика, целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш. Шу билан бир қаторда туризм ва банк иши ҳам ривожланган. Қишлоқ хўжалигининг асосий йўналишлари: озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бошоқли маданий ўсимликлар, мевалар, картошка, қандлавлaғи етиштириш, чорвачилик ва паррандалар боқиш. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕҲ мамлакатлари, Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари, Япония, АҚШ.

Автомобиль ва темир йўл транспорт коммуникацияларидан ташқари ички сув йўлларидан кема қатновлари кенг йўлга қўйилган.

Тарихи. 3000 йил муқаддам замонавий Австрия ҳудудида иллирий қабилалари истиқомат қилишган. М. а. V асрда кельт қабилалари бостириб кирди ва уларнинг иллирийлар билан ассимиляцияси юз берди. Ундан сўнг м. а. XV асрда мамлакат ҳудудлари римликлар томонидан босиб олиниб, рим провинциялари Греция ва Паннония таркибига қўшилди. VI—VII асрларда замонавий Австрия ҳудудларига герман ва қисман славян қабилалари кириб кела бошлади. Шу даврда у Франклар давлати таркибига киради. 955 йилда Австрия ҳудудида Шарқий марка (маркграфлик) ташкил этилди. 1156 йилда Генрих II мустақил Австрия герцоглигини ташкил этди. Австрияда Габсбурглар сулоласининг ҳукмронлиги бошланди. 1699 йилда Австрия (австрия-турк урушидан сўнг) Венгриянинг бир қисмини, Трансильванияни, Хорватия ва Словенияни таркибига қўшиб олди. Шундан сўнг, 1714 йилда австрияликлар учун ғалаба билан тугаган «Испан тахти учун уруш»дан сўнг, Габсбурглар империяси таркибига Жанубий Нидерландия ва Шимолий Италиядаги ерлар кирди. XVIII аср охирлари — XIX аср бошларида Австрия Францияга қарши ғарбий иттифоқларда иштирок этди. 1867 йилда Австрия империяси дуалистик монархия — Австрия-Венгрия империясига айланди. Сараевода Австрия тахти меросхўри эрцгерцог Фердинанднинг 28 июн 1914 йилда ўлдирилиши оқибатида I жаҳон уруши бошланди. 1918 йилда урушда мағлубиятга учраган Австро-Венгрия империяси бир қатор майда мустақил давлатларга бўлиниб кетди. 1918 йилда Австрия республикаси ташкил топгани эълон қилинди. 1919 йилда Сен-Жермен тинчлик сулҳи замонавий Австрия чегараларини белгилаб берди. 1938 йил март ойида немис қўшинлари Австрияни босиб олади ва унинг Германияга қўшилиши («аншлюс») рўй беради. II жаҳон урушида Австрия герман рейхининг бир қисми сифатида иштирок этди. 1945 йилда мамлакатга СССР, АҚШ, Англия ва Франция қўшинлари кириб келди. Венада 1955 йилда мустақил ва демократик Австрия давлатининг тикланиши тўғрисида Давлат шартномаси имзоланди. 1955 йилнинг октябрида Австрия парламенти Австриянинг доимий

бетарафлиги тўғрисидаги қонунни қабул қилди. 1966 йилда Австрия Европа Ҳамжамиятига аъзо бўлиб кирди.

АЛБАНИЯ

Расмий номи — Албания Республикаси. Пойтахти — Тирана. Худуди — 28748 км². Аҳолиси — 3400000 киши (2001). Давлат тили — албан. Дини — мусулмонлар (70%), православлар (20%), католиклар (10%). Пул бирлиги — лек.

Географик жойлашуви ва табиати. Болқон ярим оролининг ғарбий қисмида, Жануби-Шарқий Европада жойлашган давлат. Шимолда ва шимоли-ғарбда Сербия ва Черногория, шарқда Македония, жануби-шарқда ва жанубда Греция билан чегарадош. Ғарбда Адриатика денгизи, жануби-ғарбда Ион денгизи сувлари қирғоқларини ювиб туради. Қирғоқ бўйининг марказий қисмини текисликлар, худуднинг қолган қисмини Шимолий Албан Альплари, Кораби ва Томори тизмалари эгаллайди. Албанияда континентал — Ўрта ер денгизи иқлими ҳукм суради. Албания худудининг учдан бир қисмини ўрмонлар ва бутазорлар қоплаган, тўртдан бир қисми эса тоғ яйловларидан иборат. Аҳоли кам яшайдиган жойларда бўри, шоқол, қобон ва қирғоқ бўйларида турли қушларни учратиш мумкин.

Давлат тuzилиши, сиёсий партиялари. Давлат тuzилиши — демократик республика. Маъмурий-худудий бўлиниши — 26 рети (вилоят). 1912 йил 28 ноябрда Туркия I Болқон урушида мағлубиятга учрагандан сўнг Усманийлар империясидан озод бўлиб, мустақиллигини эълон қилган. Миллий байрами 28 ноябр — Мустақиллик куни. Бир палатали парламенти — Халқ йиғини. Энг нуфузли сиёсий партиялари: Албан социалистик партияси (АСП), Албания демократик партияси (ДП), Албан республика партияси (РП), Инсон ҳуқуқлари учун иттифоқ (Омония, ИНР).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. 40 йилдан ортж вақт давомида мамлакат иқтисоди марказдан ретжалаштириш ва ишлаб чиқариш воситалари давлат мулки ҳисобланиши тамойилларига асосланганди. 1991 йилдаги сайловларда ғалаба қозонган янги демократик ҳукумат «шок терапияси» ва мамлакат иқти-

содини тубдан ислоҳ қилиш дастурини қабул қилади. Саноатнинг асосий тармоқлари: тоғ-кончилик, озиқ-овқат, енгил саноат, нефть, кимё, металлургия, гидроэнергетика. Қишлоқ хўжалиги ЯММнинг 55% ини таъминлайди. 1994 йили ЯММ миқдори 3,8 млрд. (жон бошига — 1100) долл. бўлган. Асфальт, нефть ва нефть маҳсулотлари, металл ва металл рудаси, электр энергияси, мева ва сабзавотлар, тамаки экспортга чиқарилади. Мамлакатга машиналар, асбоб-ускуналар, темир ва пўлат маҳсулотлари, тўқимачилик, фармацевтика, кимёвий ўғитлари импорт қилинади. Асосий савдо ҳамкорлари: Италия, собиқ Югославия давлатлари, Германия, Чехия, Словакия.

Темир йўллар қурилиши сустривожланган (543 км), автомобиль йўллари узунлиги — 18450 км. Асосий портлари: Дуррес, Саранда, Влера.

Тарихи. М. а. VII асрда греклар ҳозирги Албания ҳудудида ўз колонияларини тузган. Албания Македония, Рим (м. а. II аср) ва Византия (м. а. IV аср) империялари таркибига кирган. IX асрда мамлакат Болгария қироллиги, XI асрдан эса яна Византия таъсирида бўлган. 1425 йилдан Усманийлар империясининг бир қисми ҳисобланган. Туркиянинг I Болқон урушидаги мағлубиятидан сўнг 1912 йили Албания мустақилликка эришган. 1939 йили Албанияни фашист Италияси босиб олади. 1946 йили эса Албания Халқ Республикаси эълон қилиниб, коммунистик тузум ўрнатилди ва кўп йилларга Албания бошқалар учун ёпиқ мамлакатга айланади. 1976 йилда мамлакат Албания Халқ Социалистик Республикаси, 1991 йил апрелида эса Албания Республикаси деб эълон қилинади.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ

Расмий номи — Америка Қўшма Штатлари. Пойтахти — Вашингтон. Ҳудуди — 9363200 км². Аҳолиси — 284500000 киши (2001). Давлат тили — инглиз, (испан, француз, немис, итальян, поляк, португал, арман, араб, ҳинд тиллари ҳам кенг тарқалган). Дини — протестантлар (53%), католиклар (26%), яҳудийлар (2% га яқин), православлар (2% га яқин), мусулмон динига эътиқод этувчилар (2% га яқин). Пул бирлиги — АҚШ доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Шимолий Америкадаги давлат. Шимолда Канада (чегара узунлиги — 8893 км, Шимолий Американинг шимоли-ғарбида жойлашган Аляска штатининг Канада билан чегараси узунлиги — 2477 км), жанубда Мексика (3326 км) билан чегарадош. Мамлакат ғарбда Тинч океани, шарқда Атлантика океани, жанубда Мексика кўрфази билан туташиб кетган. Ундан ташқари, АҚШга Гавай ороллари, Гуам ороли, Шарқий Самоа, Виргин ороллари ҳамда Куба оролидаги Гуантанамо ғарбий базаси қарашлидир. Чегараларнинг умумий узунлиги — 12248 км. Қирғоқ бўйлаб чегара узунлиги — 19924 км. АҚШ майдони жиҳатдан дунёда Россия, Канада ва Хитойдан кейин тўртинчи ўринда туради. АҚШ тоғлар ва бепоён текисликлар мамлакати. Мамлакат рельефининг ғарбий қисми тоғли, шарқий қисми эса текисликлардан иборат. Мамлакат ҳудудининг ярмига яқинини тоғ тизмалари, тоғ текисликлари ва Кордильер ясси тоғлари эгаллаган. Кордильер тоғларининг юқори чўққиси баландлиги 4000 м бўлган Уит (4419 м) ҳисобланади. Шарқда Аппалачи тоғлари жойлашган. Уларнинг баланд нуқтаси — Митчел (2037 м). Мамлакат ва Шимолий Американинг юқори нуқтаси Мак-Кинли тоғи (6199 м) Аляскада жойлашган. Қитъанинг энг паст жойи Калифорниядаги Ўлим водийси (денгиз сатҳидан — 86 м пастда) ҳисобланади. Кордильер ва Аппалачи тоғлари орасида Марказий ва Улуғ кенг ички водийлари ҳамда Мексика паст-текисликлари ястаниб ётибди. Асосий дарёлари Миссисипи, Миссури, Оҳайо, Колорадо, Колумбия ва Юкон ирмоқлари билан бирга мамлакатнинг шимоли-шарқида Буюк, Юқори Мичиган, Гурон, Эри, Онтарио кўллари тизими мавжуд. Мамлакатда кўп сонли музликлар даври кўллари бор. Юта штатида жойлашган Катта Шўр кўл ҳам музликлар даврида вужудга келган. АҚШ қуйидаги фойдали қазилмалар захираларига эга: кўмир, табиий газ, нефть, олтин, уран, мис, қўрғошин, темир, алюминий рудалари, фосфоритлар. Ҳайдаладиган ерлар бутун ҳудуднинг 20%, ўрмонлар ва даштликлар 29%, ўтлоқ ва яйловлар 26% ини ташкил қилади.

Иқлими — кескин континентал. Ўсимлик дунёси жуда бой. Бу ерда иқлим зоналарининг ўзгаришига қараб флора ҳам ўзгариб боради. Бу ерда мох ва лишайниклардан тортиб пальма ва секвойя дарахтларигача мав-

жуд. Ҳайвонот олами ҳам турфа, у ҳам флора каби иқлим зоналарининг ўзгаришига қараб ўзгариб боради.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — федератив республика. Мамлакат таркибига 50 та штат (Айдахо, Айова, Алабама, Аляска, Аризона, Арканзас, Виржиния, Вашингтон, Ғарбий Виржиния, Висконсин, Вайоминг, Вермонт, Гавайя, Дэлавер, Жоржия, Иллинойс, Индиана, Калифорния, Колорадо, Коннектикут, Канзас, Кентукки, Луизиана, Мэн, Мэриленд, Массачусетс, Мичиган, Миннесота, Миссисипи, Миссури, Монтана, Небраска, Невада, Нью-Гэмпшир, Нью-Жерси, Нью-Мексика, Нью-Йорк, Оҳайо, Оклахома, Орегон, Пенсильвания, Род-Айленд, Шимолий Каролина, Шимолий Дакота, Теннесси, Техас, Флорида, Жанубий Каролина, Жанубий Дакота, Юта ва Колумбия округи. АҚШга қарам ҳудудлар: Бейкер ороли, Хоуленд ороли, Кингем-Риф, Шарқий Самоа, Гуам, Жарвис, Жонстон атолли, Мидуэй, Навасса ороллари, Пальмира атолли, Пуэрто-Рика, Виргиния ороллари, Уэйн ороллари. АҚШ 1776 йил 4 июлда мустақилликка эришди (илгари Англия мустамлакаси). Миллий байрамлари: 4 июл — Мустақиллик куни, 22 феврал — Жорж Вашингтон туғилган кун, 11 ноябр — Уруш қаҳрамонлари куни. Қонунчилиги инглиз умумий ҳуқуқига асосланган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — Президент. У 4 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Сенат ва Вакиллар палатасидан ташкил топган икки палатали парламент — Конгресс амалга оширади. АҚШда асосий иккита йирик партия мавжуд: Республикачилар ва Демократлар.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. АҚШ илғор индустриал ва саноатнинг юқори диверсификациясига эга давлат бўлиб, нефть саноати (дунёда иккинчи ўринда), металлургия (алюминий, қўрғошин, мис ишлаб чиқариш бўйича энг йирик давлат), машинасозлик, аэрокосмик, кимё, электрон, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш ва бошқа саноат соҳалари кенг ривожланган. ЯММ 1994 йилда 67,384 млрд. долларни ташкил этган (аҳоли жон бошига — 25850 долл., индустриал мамлакатлар орасида энг юқори). Қулай иқлим шароити ва унумдор ерларининг мавжудлиги қишлоқ хўжалиги ривожланишига яхши омил яратади. Чорвачилик маҳсулотлари ҳам турфа (дунёда гўшт маҳсу-

лотларини ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринда). Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — маккажўхори, соя, сорго (учаласини етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринда), буғдой (учинчи ўринда), шакарқамиш (иккинчи ўринда), тамаки (иккинчи ўринда), пахта (учинчи ўринда), картошка. Шу билан бир қаторда АҚШ балиқ овлаш ҳажми бўйича ҳам илғор мамлакатлардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг катта қисми бошқа мамлакатларга экспорт қилинади. Қўшма Штатлар ташқи савдо ҳажми бўйича дунё мамлакатларидан олдинда. Асосий савдо ҳамкорлари: Фарбий Европа мамлакатлари, Канада, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 240000 км. Дунёдаги энг замонавий автомобиль йўллари тармоғига эга бўлиб, умумий узунлиги — 6365590 км (улардан 88641 км тез юришга мўлжалланган трассалар), сифати бўйича ҳам олдинги ўринда. Ички сув йўлларининг умумий узунлиги — 41009 км. Мамлакатнинг асосий портлари: Анкоридж, Бостон, Гонолулу, Лонг-Бич, Лос-Анжелес, Майами, Норфолк, Янги Орлеан, Нью-Йорк, Портленд, Сан-Франциско, Хьюстон, Корпус-Кристи, Филадельфия.

Тарихи. Ҳиндулар истиқомат қилган ҳозирги АҚШ ҳудудига европаликлар илк бор XVI асрда келишган. Шимолий Американинг мустамлакалаштирилиши оқибатида XVIII асрга келиб бу ерда учта таъсир зонаси таркиб топди: испанлар — Флоридада, Техасда ва Тинч океани соҳилларида, французлар — Буюк Кўллар ва Луизианада, инглизлар — Атлантика соҳиллари бўйларидаги ҳудудларда. 1774 йилда 13 британ мустамлакаси мустақиллик учун кураш бошлаб, 1776 йил 4 июлда АҚШ ташкил топиши билан тугади. Ж. Вашингтон ва Б. Франклин томонидан тузилган демократик давлатнинг асосий тамойиллари билан бирга штатларнинг кенг ҳуқуқлари ҳамда кучли федерал ҳокимият тамойиллари чамбарчас боғланиб кетган Конституция 1787 йил 17 сентябрда қабул қилинди. XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШ ҳудудларининг кенгайтирилиши янги ерларни харид қилиш билан бирга (французлардан Луизианани, испанлардан Флоридани) ўзга давлатларнинг колонияларини босиб олиш воситасида амалга оширилди. Янги ерларни колонизация қилиш маҳаллий ҳиндуларни бўйсундириш йўли билан олиб

борилди. Шимолий ва Жанубий штатлар ўртасида иқтисодий ва маданий қарама-қаршиликлар 1781 йилда федерациядан ажраб чиқишни эълон қилган 11 та жанубий штатлар Конфедерациясининг ташкил этилишига олиб келди. Фуқаролар уруши бошида бир қатор муваффақиятларни қўлга киритган жанубликлар охиروқибат маълумиятга учраб, Шимол ғалаба қозонди ва федерация сақлаб қолинди. 1867 йилда АҚШ Россиядан Аляскани ва Алеут ороллари харид қилди. XIX аср охири — XX аср бошларида Европа ва бошқа қитъалардан кўплаб муҳожирлар кўчиб келиши оқибатида АҚШ иқтисодий қудратли давлатга айланди. Марказий Америка, Кариб ҳавзаси мамлакатлари ва Тинч океанида ўз таъсир зоналарини фаоллик билан кенгайтириб борган АҚШ узоқ вақтгача Европада бўлиб ўтаётган воқеаларга нисбатан бетарафликни сақлаб келди. АҚШ 1917 йил 4 апрелда I жаҳон урушига қўшилиб, уруш тугаганидан сўнг Сенат Версаль шартномаси қарорларини қўллашдан бош тортди. Урушдан кейинги мамлакат иқтисодининг тез суръатлар билан ўсиши 1929 йилда Буюк депрессия — либерал иқтисоднинг чуқур инқирози даври билан алмашинди. Инқироз ишлаб чиқаришнинг қисқариши ва ишсизлар сонининг кескин кўпайишига олиб келди. Япон самолётлари Пёрл-Харбордаги Америка ҳарбий базасини бомбардимон қилишганидан сўнг АҚШ 1941 йил 7 декабрда II жаҳон урушига қўшилди. АҚШ кўшинлари Японияга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Бу тўқнашувларнинг асосий қисми Тинч океани ҳудудларида ва денгизларда содир бўлган. Техрон конференциясидан (1943) сўнг АҚШ Франциянинг Атлантика ҳудудларига кўшин киритиб, Германияни тор-мор қилишда иштирок этди. Японияга қарши Тинч океани ороллари ва Жануби-Шарқий Осиёда муваффақиятли ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган АҚШ 1945 йил 6 августда Япониянинг Хиросима, 9 августда эса Нагасаки шаҳарларига атом бомбасини ташлади. Урушдан сўнг АҚШ Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодини тиклашга (Маршалл режаси) ва Европа ҳамда дунёнинг бошқа ҳудудларида коммунистик таъсирнинг ёйилишига қаршилик («совуқ уруш») кўрсатиб келди. Мамлакат ичида 40-йиллар охири — 50-йиллар бошларида коммунистик партияга мойилликда гумон

қилинган фуқаролар АҚШ ҳокимияти томонидан таъқиб остига олинди. Урушдан кейинги йилларда АҚШ тўғридан-тўғри ёки билвосита бир қатор йирик халқаро можароларда иштирок этди (Кариб инқирози, Вьетнам уруши, араб-исроил уруши). АҚШ қўшинларининг Вьетнамдаги урушда иштирок этишига қарши бошлаган пацифистлар (урушга қарши) ҳаракати қора танли аҳолининг ирқий сегрегация (камситилиш) қилинишига қарши курашнинг бошланишига тўғри келди. Қора танлилар ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашнинг тинч усулларини тарғиб қилган Мартин Лютер Кинг 1968 йил апрелида ўлдирилди, аммо унинг сиёсий фаолияти қора танлиларнинг Америка жамияти интеграциясига сезиларли таъсир кўрсатди. 70-йилларда АҚШда рўй берган асосий воқеалардан бири бу «Уотергейт можароси» билан боғлиқ бўлиб, президент Никсоннинг истеъфога чиқишидир. Ж. Картер президентлиги даврида АҚШ Хитой билан муносабатларини яхшилаб, Миср ва Исроил ўртасида сепарат тинчлик сулҳининг имзоланишига кўмаклашди. Бироқ АҚШнинг Техрондаги элчихонасидан гаровга олинганларни озод қилиш операциясининг муваффақиятсизлик билан тугаши демократик партиянинг сайловларда мағлубиятга учраши ва мамлакат президенти этиб 1980 йили Р. Рейганнинг сайланишига олиб келди. Р. Рейган Совет Иттифоқи ҳукумати билан бошлаган музокаралари 1989 йилда президентлик лавозимида уни алмаштирган Ж. Буш томонидан давом эттирилиб, қуролланиш пойгасининг чекланишига ва «совуқ уруш»нинг тугашига олиб келди. Ташқи сиёсатдаги муваффақиятларига қарамасдан (Қувайтнинг Ироқ қўшинларидан озод қилиниши), республикачилар 1992 йилги сайловларда мағлубиятга учради.

АҚШнинг янги президенти Билл Клинтон даврида мамлакатнинг ташқи фаоллиги 1997 йилда Исроил ва Фаластин Озодлиги Ташкилоти ўртасида тинчлик сулҳининг имзоланишида ўз аксини топиб, унга кўра Исроил Фаластиннинг автономияга бўлган ҳуқуқини тан олди. Шу билан бир қаторда АҚШ Югославия можаросида тинчлик муносабатларини ўрнатиш жараёнида фаол иштирок этди. Бироқ серблар ва хорватлар ҳамда Босния инқирозини четдан аралашувсиз ҳал қилишга эришилган бўлса-да, Югославиянинг Косово

вилоятида яшовчи албанлар муаммосини ҳал этиш учун АҚШ ва унинг НАТО бўйича иттифоқчилари ҳарбий куч ишлатишга мажбур бўлди. Косоводаги инқирозни тўхтатиш учун Югославия ҳарбий ва фуқаролик объектларининг бомбардимон қилиниши дунёнинг кўпгина мамлакатларида эътироз ҳамда қаршиликни вужудга келтирди. 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йоркдаги портлашлардан сўнг президент Ж. Буш маъмуриятининг 2001 йилдан Афғонистонда ва айниқса 2003 йилдан Ироқда олиб бораётган ҳарбий ҳаракатлари тобора жаҳон жамоатчилигининг норозилигига сабаб бўлмоқда.

АНГИЛИЯ

(Ангилья, Ангуилла)

Расмий номи — Буюк Британия мулки Ангилья (Ангуилла). Пойтахти — Валли. Ҳудуди — 96 км². Аҳолиси — 11147 киши (1998). Давлат тили — инглиз. Дини — христианлик. Пул бирлиги — шарқий кариб доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Кариб денгиздаги Ангилья (Ангуилла) ва Сомбреро оролларида ва Кичик Антил ороллариининг шимолий қисмида жойлашган давлат. Ангилья оҳактошли ва маржон қоялар билан ўралган паст ороллардан иборат.

Иқлими — тропик пассатли ва иссиқ. Иккиламчи тропик чўл-биёбонлар билан қопланган. Кемирувчилар ва қушларнинг бир қанча турлари яшайди.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — 1982 йилда қабул қилинган конституция бўйича ҳудуд ўз ички бошқарувига эга. Буюк Британия қироличаси томонидан Б. Канти губернатор этиб тайинланган. Ҳукумат бошлиғи — Ижроия Кенгашининг Бош министри. Маъмурий жиҳатдан бўлинмаган. Сиёсий партиялари: Ангилья бирлашган партияси, Ангилья Халқ Иттифоқи.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодининг асосини денгиз овчилиги, чет эл туризми ташкил этади. Картошка, нўхат, маккажўхори, жўхори етиштирилади. Қўй, эчки, чўчқа боқилади. Балик, денгиз қисқичбақаси овланади. Четга қисқичбақа, туз, жун чиқарилади. Асосий савдо ҳамкорлари — АҚШ, Тринидад ва Тобаго, Буюк Британия.

Тарихи. 1493 йилда Ангилья оролларига Х. Колумб экспедицияси келиб тушган. Дастлабки аҳоли пунктларига 1631 йилда голландлар томонидан асос солинган. XVII асрда Ангилья англизлар мустамлакасига айлантирилган. XVIII асрда Франция оролни 2 марта босиб олиш учун уринган. 1882 йили Буюк Британия Ангильяни мустамлакалари Сент-Китс ва Невис оролларига маъмурий жиҳатдан бирлаштирди. 1958—1962 йилларда бу оролар Вест-Индия федерацияси таркибида бўлди, 1967 йилда эса «Буюк Британияга қўшилган давлат» мақомини олди. Шу йили май ойида Ангилья Сент-Китс ва Невисдан ажралганлигини эълон қилди. 1969 йил февралда Буюк Британиянинг тан олишини талаб қилиб, бир томонлама тартибда ўзини мустақил республика деб эълон қилди. 1976 йилда оролга қисман ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи берилди. 1980 йилда англиз парламенти қабул қилган қонунга биноан Ангилья Сент-Китс ва Невис оролларида расмий ажралди. Ангилья ва Британия Виргин ороллари 1981 йил 18 июнда ташкил топган Кариб ҳавзаси давлатлари оиласи, Шарқий Кариб давлатлари ташкилотига аъзо бўлиб қўшилди.

АНГОЛА

Расмий номи — Ангола Республикаси. Пойтахти — Луанда. Ҳудуди — 1246700 км². Аҳолиси — 12300000 киши (2001). Давлат тили — португал. Дини — католиклар (65%), протестантлар (20%), мажусийлар (10%). Пул бирлиги — кванза.

Географик жойлашуви ва табиати. Африканинг жануби-ғарбидаги давлат. Жанубда Намибия (чегара узунлиги — 1376 км), шарқда Зоир (2511 км) ва Замбия (1110 км), шимолда Конго (201 км) билан чегарадош. Ангола ғарбда Атлантика океани билан туташган. Мамлакатнинг асосий қисмини баландлиги денгиз сатҳидан 1000—1500 м бўлган Ангола ясеи тоғлиги эгаллаган. Энг юқори нуқтаси — Моко тоғи (2620 м). Анголанинг Конго, Замбези, Касан ва бошқа дарёлари тоғлардан бошланади. Ангола нефть, олма, темир рудаси, фосфат, мис, олтин, уранга бой.

Иқлими — экваториал-муссонли ва тропик пассатли. Мамлакат жанубига хос бўлган чўл ўсимликлари,

шимолда саванналар ва қуюқ тропик ўрмонлар билан тугайди. Анголада Африка қитъасида учрайдиган барча йирик ҳайвонлар яшайди: фил, жирафа, каркидон, зебра, антилопа, шер, гиппопотам ва ҳ.к.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Маъмурий-ҳудудий жиҳатдан 18 та вилоятга бўлинган. Мустақиллигини Португалиядан 1975 йил 11 ноябрда олган. Қонунчилиги фуқаролик ҳуқуқининг португал тизими ва маҳаллий урф-одатларга асосланган. Миллий байрами — Мустақиллик куни 11 ноябрда нишонланади. Бир палатали парламенти — Миллий ассамблея. Анголада 30 дан ортиқ партиялар қайд қилинган.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида банд. Саноатнинг муҳим соҳаси нефть қазиб олиш бўлиб, ЯММнинг 60% ини ташкил қилади (1994 йили аҳоли жон бошига 620 долл.ни ташкил қилган). Нефть, суюлтирилган газ, олмос, қаҳва, балиқ — давлат бюджети киримининг асосий экспорт маҳсулотлари ҳисобланади. Асосий савдо ҳамкорлари — АҚШ, МДХ давлатлари, Куба, Португалия, Бразилия. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан қаҳва, буғдой, пахта, шакарқамиш, маниока, тамаки экспортга чиқарилади.

Темир йўлларининг узунлиги — 3189 км, автомобиль йўллари — 73828 км. Асосий портлари — Луанда, Нгенза-Каболо, Лобиту, Кабинда.

Тарихи. Ангола португалияликлар томонидан 1482 йил кашф этилган. XIX асрдан бошлаб Португалия мамлакат ичкарасини эгалланга киришади. Замбези ва Конго ораллигини ўрганиб чиққан португалиялик саёҳатчи Серпа Пинту 1889 йили Мозамбик губернатори лавозимига тайинлангандан кейин Анголани Мозамбикка қўшиб олишга уриниши муваффақиятсизликка учрайди. XX аср бошларида Ангола Португалиянинг мустамлакаси, 1951 йилдан — денгизорти ҳудуди, 1955 йилдан — Португалия вилояти. 1961 йилда бошланган миллий-озодлик кураши 1975 йили мустақил Ангола Халқ Республикаси тузилиши билан якунланди. СССР қўллаган Ангола озодлиги учун Халқ ҳаракати ва АҚШ қўллаб турган УНИТА ташкилоти ўртасидаги қарама-қаршилик фуқаролар урушига олиб келди. Бу урушда Жанубий Африка ва

Куба ҳам иштирок этган. 1991 йили тинчлик шартномаси имзоланган, ammo президент сайловларида Душ Сантуш галаба қозониши яна фуқаролар уруши бошланишига сабаб бўлган.

АНДОРРА

Расмий номи — Андорра князлиги. Пойтахти — Андорра-ла-Велья. Худуди — 468 км². Аҳолиси — 100000 киши (2001). Давлат тили — каталан. Дини — католик. Пул бирлиги — евро.

Географик жойлашуви ва табиати. Европанинг жануби-ғарбида жойлашган (Шарқий Пиреней) давлат. Жанубда ва ғарбда Испания (чегара узунлиги — 65 км), шарқ ва шимолда Франция (60 км) билан чегарадош. Мамлакат худуди асосан қояли тоғлардан иборат, энг юқори нуқтаси — Кама Педроса тоғи (2946 м). Кўп миқдорда музлик даврида ташкил топган кўллар мавжуд. Табиий бойликлари: гидроэнергия, минерал сув, темир рудаси, кўрғошин, ёғоч.

Иқлими — мўътадил.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — суверен парламент князлиги. Андорра иккита князь — Франция президенти ҳамда Испания епископининг маҳаллий вакиллари томонидан бошқарилади. Бир палатали парламенти — Водийлар Бош Кенгаши. Суд ҳокимияти қуйидагича тақсимланган: фуқаролик ишларини Перпиньян (Франция)даги Андорра Олий суди ёки епископ Урнельский черков суди (Испания) ҳал қилса, жиноий ишларини — Судлар Трибунали. Биринчи сиёсий партия — Демократик иттифоқ — 1976 йилда ташкил топган.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Андорра иқтисодининг асосини туризм ташкил қилади (йилига 13 млн. турист). Сигаретлар, сигаралар ва мебель ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Экинга яроқли ер камлиги учун озиқ-овқатнинг асосий қисми импорт қилинади. Чорвачиликнинг асосий тури — қўйчилик. ЯММ 1992 йили 760 000 (жон бошига — 14 000) долларни ташкил қилган. Асосий савдо ҳамкорлари — Франция ва Испания.

Темир йўллари йўқ. Автомобиль йўлларининг узунлиги — 96 км.

Тарихи. Андорра тарихий манбаларда 805 йилда дастлаб тилга олинган. XIII асрда граф Фуа (Франция) ва каталон епископи Урнель бошқарувига ўтади. Испания ва Франция протекторати остида бўлган Андорра 1993 йилда мустақил давлат деб эълон қилинади.

АНТИГУА ВА БАРБУДА

Пойтахти — Сент-Джонс. Худуди — 442 км². Аҳолиси — 65 176 киши (1995). Давлат тили — инглиз. Дини — протестантлик. Пул бирлиги — шарқий кариб доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Вест-Индияда Кариб денгизининг шарқий қисмида жойлашган орол-давлат. Мамлакат Антигуа, Барбуда ва деярли кимсасиз Редонда оролларида иборат. Маржон оролларида вулқонлар бор. Табиий бойликлари кам.

Иқлими — тропик.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. 1981 йил 1 ноябрда Буюк Британиядан мустақилликка эришган (1 ноябр — Миллий байрами). Давлат бошлиғи — Британия монархи номидан генерал-губернатор бошқаради. Икки палатали парламент юқори (Сенат) ва қуйи (Вакиллик палатаси) палаталардан иборат. Сиёсий партиялари — Антигуа лейбористлар партияси, Бирлашган прогрессия партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Туризм иқтисоднинг муҳим соҳаларидан бўлиб (ЯММ 17%), 1993 йилда 400 млн. (жон бошига — 6000) долл.ни ташкил қилди. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Буюк Британия, Канада, Япония, Хитой ва Кариб давлатлари. Қишлоқ хўжалиги ЯММнинг 5% ини беради, пахта, мева ва сабзавотлар етиштириш, чорвачилик ривожланган.

Темир йўлларининг узунлиги — 64 км, автомобиль йўллари — 240 км.

Тарихи. Антигуа ва Барбуда ороллари Колумб томонидан 1493 йилда кашф этилган бўлиб, испан мустамлакасига айланди. 1632 йили Буюк Британия бошқаруви ўрнатилади, 1967 йилда Британиянинг таркибий қисмига айланди. 1981 йилда мустақилликка эришган Антигуа ва Барбуда Британия Ҳамдўстлиги аъзоси бўлиб қолган.

АНТИЛЬ ОРОЛЛАРИ

Расмий номи — Антиль ороллари (Нидерландия мулки). Пойтахти — Виллемстад. Худуди — 800 км². Аҳолиси — 200000 киши (2001). Давлат тили — нидерланд. Дини — католиклар (85%), протестантлар (15%). Пул бирлиги — нидерландия антиль гульдени (флорин).

Географик жойлашуви ва табиати. Венесуэладан шимолроқда, Кариб денгизи ҳавзасида жойлашган Нидерландия мулки. Таркибига Бонайре, Кюрасао, Саба, Синт-Эстатиус ва Сен-Мартен оролининг жанубий қисми киради. Кюрасао ва Бонайре дўнгликлардан, маржонли қоялардан иборат ороллардир. Кюрасао оролида фосфат конлари, Сен-Мартен ва Бонайре оролларида туз конлари мавжуд.

Иқлими — субэкваториал. Жанубий оролларда қуруқ ўрмонлар ва ксерафит ўсимликлар билан қопланган чангалзорлар мавжуд. Бонайре оролида фламинголар ва ноёб қушларнинг колониялари бор.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. 1954 йилги Нидерландия қироллиги мақомига кўра Антиль ороллари қиролликнинг бир қисми бўлиб, ички ишларда мухториятга эга. Нидерландия қироличасининг шахсий вакили губернатордир. Ҳукумат раҳбари — Бош вазир. Ҳар бир оролда маҳаллий бошқарув органи — вице-губернатор, кенгаш ва ҳукумат мавжуд. Сиёсий партиялари: Антиль ислоҳот партияси, Миллий халқ партияси, Янги Антиль ҳаракати, Кюрасао демократик партияси, Озодлик ишчи fronti, Бонайре ватанпарварлари иттифоқи, Сен-Мартен демократик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодиётининг асосини чет эл туризми ташкил этади. Нефтни қайта ишлаш соҳаси ривожланган. Тўқимачилик, целлюлоза-қоғоз, озиқ-овқат, тамаки, спиртли ичимликлар ишлаб чиқарувчи саноат қорхоналари мавжуд. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Нидерландия, Буюк Британия, Венесуэла, Канада.

Тарихи. XV аср охирларида оролларга дастлаб испанлар келишди. 1630—1640 йилларда ороллар голландлар томонидан, кейинчалик испанлар, инглизлар, французлар томонидан истило қилинган. 1816 йилдан

Нидерландия мулкига айланган. 1954 йилдан Нидерландия қироллигининг ўз-ўзини бошқарувчи ҳудудидир. Илгари ҳудуд таркибига Аруба ороли ҳам кирган. Бироқ 1986 йил 1 январдан Аруба ороли Нидерландия қироллиги таркибидаги алоҳида ҳудудга айланган.

АОМИНЬ

Расмий номи — Хитойнинг маъмурий маркази Аоминь (Португал Макао). Маъмурий маркази — Аоминь. Ҳудуди — 15,51 км². Аҳолиси — 400000 киши (1992). Давлат тили — португал. Дини — буддистлар (45%), католиклар (7%). Пул бирлиги — патака.

Географик жойлашуви ва табиати. Ушбу собиқ португал мустамлакаси ҳозирги кунда Хитойнинг қисми ҳисобланади. Аоминь ярим оролида жойлашган, Жануби Хитой денгизи билан ўралган.

Иқлими — субтропик.

Давлат тuzилиши, сиёсий партиялари. Давлат бошқаруви — Португалия денгизорти автоном ҳудуди. Қонунчилиги Португалия фуқаролик ҳуқуқи тизимига асосланган. Миллий байрами 10 июн — Португалия куни. Давлат бошлиғи — Португалия президенти ҳисобланиб, унинг номидан губернатор иш юритади. Иккита асосий сиёсий партияси мавжуд: Аоминь манфаатлари ҳимояси Ассоциацияси ва Аоминь демократик маркази.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Иқтисодининг асосий соҳалари — туризм (бунга қимор бизнеси ҳам киради, ЯММ 25%) ва пиротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш. 1991 йилда ЯММ 3,1 млрд. (аҳоли жон бошига — 6900) долл.ни ташкил қилди. Асосий савдо ҳамкорлари: Хитой (Аоминни озиқ-овқат, чучук сув ва электроэнергия билан таъминлайди), АҚШ, Япония ва Гонконг.

Темир йўллари йўқ. Битта автомобиль йўли ва битта кўприк бор. Порти — Макао.

Тарихи. Макао шаҳрига 1557 йилда асос солинган. 1987 йил шартномасига биноан Аоминь (бошқа номи — Макао) 1999 йил 20 декабрда Португалия тасарруфидан Хитойга ўтиши кўрсатилган эди. Қўшма декларацияда Хитой Макоонинг ижтимоий-иқтисодий тизи-

мини Макао унинг юрисдикциясига ўтгандан кейин 50 йил давомида ўзгартирмаслик мажбуриятини ўз зим-масига олди.

АРГЕНТИНА

Расмий номи — Аргентина Республикаси. Пойтахти — Буэнос-Айрес. Худуди — 2778417 км². Аҳолиси — 34292742 киши (1995). Давлат тили — испан. Дини — католик. Пул бирлиги — песо.

Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Американинг жанубий қисмида жойлашган. Жанубда ва ғарбда Чили (чегара узунлиги — 5150 км), шарқда Бразилия (1224 км) ва Уругвай (579 км), шимолда Боливия (832 км) ва Парагвай (1880 км) чегарадош. Шарқ ва жанубда Атлантика океани жойлашган. Уругвай ва Буюк Британия билан ҳудудий келишмовчиликлар мавжуд. Чили ва Аргентина чегарасида Анд тоғлари мавжуд. Жанубий Американинг энг баланд чўққилари — Аконкагуа тоғи (6959 м), Мерседарио тоғи (6770 м). Тинчоқар дарё ва ўсимликларга бой Гран-Чако текислиги; Парана ва Уругвай дарёлари ўртасидаги Аргентина Месопотамияси; Патагония чўллари Аргентинанинг шимолидан жанубигача жойлашган. Йирик дарёлари: Парана, Парагвай, Рио-Саладо, Рио-Колорадо. Фойдали қазилмалари — қўрғошин, рух, қалайи, мис, темир рудаси, нефть, уран. Ҳайдаладиган ерлар — 9%, ўтлоқ ва яйловлар — 52%, ўрмон ва бутазорлар ҳудуднинг 22% ини эгаллаган.

Иқлими — тропик, субтропик ва мўътадил. Мамлакат қарағай, кедр, эвкалипт, пальма каби дарахтларга бой. Аргентина шимолида маймунлар, пума ва ягуарлар, оцелот ва тапирлар кўп. Қушлардан тўтиқуш, фламинго ва колибри учрайди. Шарқдаги лампаларда тулқилар, ёввойи мушуклар, кийиклар кўп тарқалган.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Маъмурий-ҳудудий бўлиниши: 22 провинция, 1 миллий ҳудуд ва пойтахт федерал округи. 1816 йил 9 июлда Испаниядан мустақил бўлиб ажраб чиққан. Миллий байрамлари: 25 май — Май инқилоби куни (1810) ва 9 июл — Мустақиллик куни. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Парла-

менти икки палатали — юқори (Миллий конгресс) ва қуйи (Депутатлар палатаси). Нуфузли сиёсий партиялари: Хустисиалистлар партияси (ХП), Фуқаролар радикал иттифоқи (ФРИ), Демократик марказ иттифоқи (ДМИ), Консерватив партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Соноатнинг асосий соҳалари: озиқ-овқат, автомобиль, тўқимачилик, кимё ва нефть кимёси, металлургия, матбуот. Қишлоқ хўжалиги (бу ерда балиқ ови ҳам киради) ЯММнинг 8% ини беради. Етиштириладиган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — буғдой, сорго, соя, шакарқамиш. ЯММ 1994 йили 207,8 млрд. (жон бошига — 7900) долл.ни ташкил қилган. Аргентина буғдой ва мол гўшти экспорт қилувчи дунёдаги 5 энг йирик давлатлар қаторига киради. Мамлакатга машина ва асбоб-ускуналар, химикатлар, металл, ёнилғи ва ҳ.к. импорт қилинади. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Бразилия, Германия, Боливия, Япония, Италия.

Темир йўлларининг узунлиги — 34572 км, автомобиль йўллари — 208350 км. Денгиз портлари: Буэнос-Айрес, Ла-Плата, Баня-Бланка.

Тарихи. Аргентина испаниялик Диас де Солис томонидан 1516 йилда кашф этилганда бу ерда кам сонли ҳинду қабилалари яшаганлар. 1536 йилда асос солинган Буэнос-Айрес ҳудуди Перу вице-қироллигига қўшиб олинган эди. Ҳозирги кунда Аргентина, Парагвай, Уругвай ва Боливия жойлашган ҳудудда 1776 йили Ла-Плата вице-қироллиги ташкил топган. 1810 йилда кўзғолон кўтарган креол аҳолиси вице-қиролни тахтдан ағдариб, Ла-Плата бирлашган провинциялар мустақиллигини эълон қилади. 1816 йилда испан қўшинлари узил-кесил мағлубиятга учрайдилар. 1826 йилда Ла-Плата бирлашган провинциялари Аргентина Федератив Республикаси деб аталади. XX асрда бир қатор ҳарбий тўнтаришлар амалга оширилиб, оқибатда ҳокимиятга 1946—1955 ва 1973—1974 йилларда Аргентинада ҳукмронлик қилган Х. Д. Перон келади. 1982 йилда Мальвин (Фолкленд) ороллари масаласи бўйича ҳарбий тўқнашувда Буюк Британиядан мағлубиятга учраган Аргентинада ҳарбий хунта ағдарилиб, 1983 йилдан ҳокимият тепасига фуқаролик ҳукумати келади.

АРМАНИСТОН

Расмий номи — Арманистон Республикаси. Пойтахти — Ереван. Ҳудуди — 29800 км². Аҳолиси — 3557284 киши (1995). Давлат тили — арман. Дини — христианлик. Пул бирлиги — драм.

Географик жойлашуви ва табиати. Ғарбий Осиё (Кавказорти)даги давлат. Шарқда Озарбайжон (чегара узунлиги 566 км), ғарбда Туркия (268 км), жанубда Озарбайжон (Нахичевань, 221 км) ва Эрон (35 км), шимолда Грузия (164 км) билан чегарадош. Тоғли Қорабоғ муаммоси бўйича Озарбайжон билан жиддий ҳудудий келишмовчиликлар мавжуд. Арманистон баландлиги денгиз сатҳидан 1700 м бўлган Арман ясси тоғлигида жойлашган тоғли ўлка. Энг юқори нуқтаси — Арарат тоғи (4090 м). Арманистонда юздан ортиқ кўллар бор. Энг йириги — майдони 1200 км² бўлган Севан кўли. Йирик дарёлари — Каспий денгизига қуйиладиган Аракс ва Кура. Мамлакат минерал булоқлари билан машҳур. Унча кўп бўлмаган олтин, молибден, мис, цинк захиралари бор. Кўп миқдорда қурилиш тошлари мавжуд. Ҳайдаладиган ерлар ҳудуднинг 17%, яйлов ва ўтлоқлар 20% ини ташкил қилади.

Иқлими — қуруқ континентал. Арманистоннинг тоғолди ҳудудлари ўрмонлар, тоғлар эса альп яйловларидан иборат. Миллий қўриқхоналарда кўнғир айиқ, ёввойи чўчқа, шоқол ва бошқа ҳайвонлар учрайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.

Давлат тузилиши — демократик республика. 1920 йил 29 ноябрда тузилган Арманистон Республикаси 1922 йил 30 декабрда СССР таркибига кирган. 1991 йили Арманистон мустақиллиги тўғрисидаги Декларация имзоланган. Миллий байрами 28 май — Мустақиллик куни. Давлат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи органи бир палатали парламент — Олий Кенгаш. Энг нуфузли сиёсий партиялари: Арман умуммиллий ҳаракати, Либерал-демократик партия, Республика партияси, Христиан-демократик партия, Дашноқдутьон ва ҳ.к.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Иқтисоднинг асосий соҳалари: рангли металлургия, машинасозлик, кимё, металлни қайта ишлаш, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш. Қишлоқ хўжалигида ишчи кучининг

31% и банд. Цитрус мевалар, пахта етиштирилади; чорвачилик ривожланган; машхур коньяк ва вино турлари ишлаб чиқарилади. ЯММ 1994 йили 8,1 млрд. (жон бошига — 2290) долл.ни ташкил қилган. Экспортга машиналар ва транспорт ускуналари, қора ва рангли металл, кимёвий ўғитлар чиқарилади. Асосий савдо ҳамкорлари — МДХ давлатлари.

Темир йўлларининг узунлиги — 840 км, автомобиль йўллари — 11300 км.

Тарихи. Ҳозирги Арманистон ҳудудидаги дастлабки давлат тузилмаси — Урарту (м. а. XIII аср). Мамлакат кўп йиллар давомида оссурияликлар, VII асрда эса маҳаллий аҳоли билан аралашиб арман миллатига асос солган ҳинд-европа қабилалари босқинига дучор бўлган. Янги давлат Аҳамонийлар, Искандар Зулқарнайн, Рим империяси ҳукмронлиги остида бўлган. VII—XV асрларда Арманистонга араблар, византияликлар, салжуқий турклар, мўғул-татарлар ҳужум қилишган. XVI—XVIII асрларда мамлакатни Эрон ва Туркия бўлиб олади, XIX аср бошларида Арманистоннинг шарқий қисми Россияга қўшиб олинади. Арманларнинг Туркияга қарши миллий-озодлик кураши жараёнида 1894—1896 йиллари ва 1915—1916 йиллари бу миллат оммавий қирғин қилинган (2 миллион армани ҳалок бўлган). Арманистон 1922—1991 йилларда СССР таркибида бўлди. 1991 йилда мустақилликка эришди.

АРУБА

Расмий номи — Аруба давлати. Пойтахти — Ораньестад. Ҳудуди — 193 км². Аҳолиси — 65974 киши (1995). Давлат тили — голланд. Дини — католик (82%). Пул бирлиги — аруба флорини.

Географик жойлашуви ва табиати. Кариб денгизининг шарқий қисмида Кичик Антиль ороллари-нинг бирида жойлашган Вест-Индиядаги давлат. Ўсимлик дунёси унчалик бой эмас.

Иқлими — субэкваториал.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Нидерланд қироллигининг собиқ автоном қисми бўлган Аруба 1966 йилда мустақилликка эришган. Қонунчилиги нидерланд фуқаролик ҳуқуқи тизимига асосланган. Миллий

байрами 18 март — Аруба байроғи куни. Давлат бошлиғи — голланд монархи (унинг номидан губернатор иш юритади). Асосий сиёсий партиялари: Халқ сайлов ҳаракати ва Аруба халқ партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодининг муҳим секторларидан бири — туризм. Оффшор банк бизнеси, нефть тозалаш ва юк сақлаш ҳам ривожланган. Қишлоқ хўжалиғи алоэ етиштириш, уй ҳайвонларини боқиш ва балиқ овлашдан иборат. ЯММ 1993 йилда 1,1 млрд. (аҳоли жон бошига — 17000) долл.ни ташкил қилган. Асосий савдо ҳамкорлари — АҚШ ва ЕҲ давлатлари.

Темир йўллари йўқ. Автомобиль йўлларининг узунлиғи 380 км. Денгиз портлари: Ораньестада, Сент-Николас.

Тарихи. XV асрда испанлар Антиль ороллариини кашф этганидан сўнг Аруба дастлаб Испания, кейин Голландия мустамлакасига айланади. 1986 йили орол мухторият мақомига, 1996 йилдан эса мустақилликка эга бўлади.

АФҒОНИСТОН

Расмий номи — Афғон Исломи давлати. Пойтахти — Кобул. Ҳудуди — 652090 км². Аҳолиси — 21251821 киши (1995). Давлат тили — дорий (50%) ва пуштун (35% аҳоли сўзлашади). Дини — ислом. Пул бирлиги — афғони.

Географик жойлашуви ва табиати. Осиёнинг жануби-ғарбидаги давлат. Жанубда Покистон (чегара узунлиғи 2430 км), ғарбда Эрон (936 км), шимолда Тожикистон (1206 км), Туркменистон (744 км) ва Ўзбекистон (137 км), шарқда Хитой (76 км) билан чегарадош. Тоғлар мамлакат ҳудудининг 75% ини эгаллайди. Асосий тоғ тизими — Ҳиндикуш, Афғонистоннинг шимоли-шарқида жойлашган. Афғонистоннинг энг юқори нуқтаси — Новшак тоғи (7475 м). Шимоли ва жануби-ғарбида Бақтрия, Регистон, Дашти-Марго текисликлари мавжуд. Йирик дарёлари — Амударё, Гильменд, Герируд, Кобул. Фойдали қазилмалари — табиий газ, нефть, кўмир, мис, олтингургурт, цинк, темир рудаси, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар. Ҳайдаладиган ерлар — 12%, яйлов ва ўтлоқлар — 46%, ўрмон ва бутазорлар — 3%.

Иқлими — континентал, субтропик. Мамлакатда чўл ва чала чўл ўсимликлари кўп, 1800 м дан баландликда нинабаргли ўрмонлар, жанубда эса хурмо ва цитрус дарахтлари ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тоғ эчкиси, бўри, шоқол, айиқ, оху, тулки, ёввойи мушуклар учрайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат бошлиғи — президент. Давлат 30 вилоятга бўлинган. Мустақилликка 1919 йил 19 августда эришган. Миллий байрамлари: 19 август — Мустақиллик куни, 4 май — Хотира куни. Қонун чиқарувчи ҳокимият — бир палатали парламент. Асосий сиёсий партиялари: Афғонистон Ислом жамияти, Афғонистон Ислом партияси ва ҳ.к.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисоди асосан қишлоқ хўжалигига йўналтирилган. ЯММ 1989 йили 3 млрд. (жон бошига — 92) долл.ни ташкил қилган. Экспортга табиий газ, мева ва ёнғоқ, қўлда тўқилган гиламлар, мовут, пахта, қоракўл чиқарилади. Озиқ-овқат ва нефть маҳсулотлари импорт қилинади. Саноати суст ривожланган. Қишлоқ хўжалигида натурал хўжалик ҳукмронлик қилади.

Темир йўлларининг узунлиги — 24,6 км; автомобиль йўллари — 21000 км; асосан Амударёдан ўтадиган сув йўллари узунлиги — 1200 км (500 тоннагача бўлган кемалар сузиши мумкин).

Тарихи. Эрон, Хитой ва Ҳиндистонга борадиган йўлларда жойлашган Афғонистон Искандар Зулқарнайн, ҳиндлар, форслар, араблар, мўғул-татарлар, Бобур томонидан забт этилган эди. 1747 йилда Аҳмадшоҳ бошлиқ дастлабки афғон давлати тузилади. Дурронийлар сулоласи 1818 йилгача, аниқроғи, Буюк Британия Афғонистонни ўз назорати остига олгунга қадар ҳукмронлик қилган. 1919 йилда ҳокимиятни эгаллаган Омонуллохон Совет Россияси ёрдамида мустақиллигини эълон қилади. 1929—1973 йилларда ҳокимият Нодиршоҳ сулоласи қўлида бўлган. 1978 йилги навбатдаги ҳарбий тўнтаришдан сўнг ҳокимият тепасига келган Муҳаммад Тараққий Афғонистонни демократик республика деб эълон қилади. 1979 йили ҳокимият тепасига келган Бабрак Кармални қўллаш учун совет қўшинларининг «чекланган контингенти» мамлакатга киритилади. 1986 йилда унинг ўрнига Нажибулло келади. Афғон қуролланган муҳолифатчиларига қарши ку-

рашда 15000 совет аскарлари ҳалок бўлган. 1989 йилда совет кўшинлари Афғонистондан чиқарилгандан кейин ҳам ҳукумат ва мужоҳидлар ўртасидаги кураш давом этган. Покистон ёрдамида ҳокимият Толибон ислом ҳаракати қўлига ўтади. 2001—2002 йилларда АҚШ бошчилигида толибонларга қарши олиб борилган антитеррористик ҳаракат натижасида ҳокимият демократик фуқаролар ҳукумати қўлига ўтди. Ҳозирги кунда президент этиб Ҳамид Карзай сайланган.

БАГАМ ОРОЛЛАРИ

Расмий номи — Багам Ороллари Ҳамдўстлиги. Пойтахти — Нассау. Ҳудуди — 13864 км². Аҳолиси — 300000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — католиклар (26%), англиканлар (21%), бошқа конфессиялар (18%). Пул бирлиги — багам доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Вест-Индияда, 700 дан ортиқ оролларда ва кўплаб (2500 та атрофида) Флорида қирғоқларидан Кубанинг шарқий қирғоқларигача чўзилиб кетган маржонли қояларда жойлашган давлат. Йирик ороллари: Нью-Провиденс, Андрос. Катта Багама, Катта Абако, Кичик Абако, Берри ва бошқалар. Багам оролларида рельефи текис бўлиб, унча баланд бўлмаган тепаликлар денгиз сатҳидан 60 метргача баландликда жойлашган.

Иқлими — тропик, пассат. Оролларда дарёлар йўқ, лекин денгиз билан тутшиб турадиган кўплаб шўр кўллар бор. Ороллар табиий ресурслардан туз, бўр, ароматикларга бой. Ороллар асосан саванна ва тўқайлар билан қопланган. Қарағайли ўрмонлар бор. Йирик ороллардан Андрос ва Катта Абакода қимматбаҳо дарахт турлари (қизил, сариқ, темир) бор, доимий яшил тропик ўрмонлар сақланиб қолган. Қирғоқ бўйларида кокос пальмалари ўсади. Багам оролларида ҳайвонот дунёси камбағал, асосан, қушлар кўп, кўршаппалак, калтакесак, илонлар учрайди. Денгизда турли бадиқлар, қисқичбақа ва моллюскалар кўп.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Багам ороллари Буюк Британия раҳбарлигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. БМТ ва ХВФ аъзоси. Давлат бошлиғи — Британ монархи, унинг номидан генерал-губернатор иш юритади. Ҳукумат бошлиғи — премьер-

министр. Қонун чиқарувчи органи Сенат ва Йиғилиш палатасидан иборат — икки палатали парламент. Ассосий сиёсий партиялари — Тараққиёт либерал партияси, Озод миллий ҳаракат.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Давлат иқтисодиётининг асосини чет эл туризми ва банк оффшори ташкил этади. Мамлакат дунёнинг илғор молия марказларидан биридир. Солиқ имтиёзлари мавжудлиги боис кўплаб компаниялар Багам оролларида ўз банкларини очишган. Туризм индустриясидан ташқари саноатнинг қуйидаги соҳалари ривожланган: нефтни қайта ишлаш, фармацевтика, цемент, туз ишлаб чиқариш ва ромлар тайёрлаш. Қишлоқ хўжалигида шакарқамиш, помидор, ананас, цитрус мевалар етиштирилади; балиқ овлаш ва денгиз маҳсулотларини қайта ишлаш ривожланган. Ёғоч тайёрланади. Экспорти: нефть маҳсулотлари, кимё-саноат маҳсулотлари, туз, балиқ, ром. Импорти: машина ва транспорт ускуналари, бензин ва нефть маҳсулотлари, тўқимачилик маҳсулотлари. Ассосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Дания.

Темир йўллари йўқ, мамлакат иқтисодида ундаги кўплаб автомобиль йўлларининг аҳамияти катта.

Тарихи. Қадимда мамлакат ҳудудига дастлаб ҳиндулар келиб жойлашган. Ороллар 1492 йилда Х. Колумб томонидан кашф қилинган. Олдин Испания колонияси, 1783 йилдан эса Буюк Британия колониясига айлантирилган. 1964 йили мамлакатга ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи берилди. 1973 йили Багам ороллари мустақил давлатга айланди, лекин Британ Ҳамдўстлиги таркибида қолди.

БАНГЛАДЕШ

Расмий номи — Бангладеш Халқ Республикаси. Пойтахти — Дакка. Ҳудуди — 143998 м². Аҳолиси — 133500000 киши (2001). Давлат тили — бенгал, инглиз. Дини — ислом. Пул бирлиги — така.

Географик жойлашуви ва табиати. Осиё жанубида жойлашган давлат. Жануби-шарқда Мьянма, ғарбда, шимолда ва шарқда Ҳиндистон билан чегарадош. Бенгал кўрфази мамлакатнинг жанубини юйиб туради. Бангладеш — текисликлардан иборат мамлакат.

Уни кўп сонли дарёлар кесиб ўтади. Улардан энг йирик-лари — Ганг ва Брахмапутра. Мамлакат майдонининг 1/10 қисмини Читагонг тепаликлари эгаллаган. Банланд тоғи — Модок-Муал (1003 м).

Иқлими — субэкваториал, муссонли. Ҳудуднинг 14% ини тропик ўрмонлар эгаллаган, пальма ва манго дарахтлари кенг тарқалган. Ҳайвонот дунёси бой. Бу ерда маймун, лемур, бенгал йўлбарси ва айиқ, чиябўри, йўл-йўл сиртлон, тўнғиз, фил, тимсоқ каби жониворларни учратиш мумкин. Қушларнинг 700 дан зиёд тури ва илонлар кенг тарқалган.

Давлат тuzилиши ва сиёсий партиялари.

Бангладеш Буюк Британия бошқараётган Миллатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирувчи парламентар республика. Давлат бошлиғи — парламент томонидан 5 йил муддатга сайланадиган президент. Ҳукумат бошлиғи — премьер-министр. Бангладеш 19 округ таркибига кирувчи 4 вилоятга бўлинган. Асосий портлари: Кхулна, Читагонг. Сиёсий партиялари: Бангладеш миллий партияси, Халқ лигаси. Миллий партия, Бангладеш миллатчилар партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Бангладеш — аграр мамлакат. Тамаки, чой, шакарқамиш етиштирилади. Асосий маданий ўсимликлари: гуруч, буғдой, дуккаклилар. Саноат тармоқларидан тўқимачилик, қоғоз, шакар, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Металлга ишлов бериш, металлургия, цемент, нефтни қайта ишлаш заводлари фаолият кўрсатмоқда. Булардан ташқари кemasозлик, озик-овқат, авто ва радио йиғиш корхоналари ҳам мавжуд. Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, АҚШ, Япония, Сингапур.

Тарихи. Бенгал қабилалари Қуйи Ганг водийсига м. а. 1000 йилда кириб кела бошладилар. Кейинчалик Ванга давлати ташкил топди. XVI асрда Бангладеш исломни тарқатган Буюк Мўғуллар ҳукмронлиги остида қолади. 1757 йилда мамлакат инглиз мустамлакачилари ҳукмронлигига итоат этишга мажбур бўлди. 1947 йилда Шарқий Бенгалия ҳудудлари Покистонга қўшиб юборилди. «Бенгаллар ери» (Бангладеш) 1971 йилда мустақил Халқ республикаси деб эълон қилинди. 1975 йилда ҳарбий ҳолат тартиби эълон қилинади. 1978—1979 йиллари фуқаролик бошқаруви тикланади. 1982 йилда ҳар-

бий тўнтариш оқибатида мамлакатда ҳарбий тузум ўрнатилди. 1996 йилда мамлакат ҳокимияти бетараф ҳукуматга топширилди.

БАРБАДОС

Расмий номи — Барбадос. Пойтахти — Брижтаун. Ҳудуди — 430 км². Аҳолиси — 300000 киши (2000). Давлат тили — инглиз. Дини — протестантлар (67%), католиклар (4%). Пул бирлиги — барбадос доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Барбадос Кариб денгизининг шарқидаги шу номли оролда жойлашган давлат. Орол рельефи текисликлардан иборат. Орол юзаси қирғоқдан марказга қараб терасса шаклида кўтарилган. Денгиз сатҳидан 340 м баландликда жойлашган (Хилаби — Барбадоснинг энг юқори чўққиси).

Иқлими — тропик, пассатли. Ёғингарчилик ва тўфонлар тез-тез бўлиб туради. Табиий захиралари: нефть, табиий газ, балиқ. Тропик ўсимликлар билан қопланган. Ҳайвонот олами камбағал: маймунлар, қурбақа, қуён, мангуст, бир неча қуш турлари учрайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Барбадос Буюк Британия Ҳамдўстлиги таркибига киради. БМТ, ХВФ, АДТ аъзосидир. Давлат раҳбари — Буюк Британия монархи номидан иш юритувчи генерал-губернатор. Ҳукумат раҳбари — Бош вазир. Қонун чиқарувчи органи — икки палатали парламент (Сенат ва Умумпалата). Ҳудудий жиҳатдан 11 маъмурий туманга бўлинган. Асосий сиёсий партиялари: Миллий демократик партия, Демократик лейбористлар партияси, Барбадос лейбористлари партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодиётининг асосини шаҳар ишлаб чиқариши ва чет эл туризми ташкил этади. Туризм индустрияси Кариб денгизи ҳавзасидаги аҳолининг юқори турмуш даражасини таъминлаб бермоқда. Енгил, озиқ-овқат саноати, табиий газ ва нефть қазиб олиш саноати ривожланмоқда. Балиқ овлаш ривожланган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Канада, Буюк Британия, Кариб денгизи ҳавзаси давлатлари.

Иқтисодиёт учун автомобиль йўллари катта аҳамиятга эга. Темир йўллари йўқ. Асосий порти — Брижтаун.

Тарихи. Қадимда оролда аравак ва кариб қабила-

лари яшаган. Орол 1536 йили португалиялик Педро Кампош томонидан кашф қилинди. 1625 йилдан Барбадос Британия мустамлакасига айланди. Африкадан келтирилган қўллар ҳисобига тамаки ва шакар инлаб чиқариш саноати вужудга келди. 1834 йилда қўллик бекор қилинган. 1961 йили орол ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга бўлди. 1966 йили Буюк Британиядан тўлиқ мустақилликка эришди, лекин Британия Ҳамдўстлиги таркибида қолди.

БАҲРАЙН

Расмий номи — Баҳрайн. Пойтахти — Манама. Ҳудуди — 695,15 км². Аҳолиси — 700000 киши (2001 йил). Давлат тили — араб. Дини — ислом. Пул бирлиги — баҳрайн динари.

Географик жойлашуви ва табиати. Яқин шарқда жойлашган давлат. Форс кўрфазининг шимоли-ғарбий қисмида Саудия Арабистони ва қатор давлатлар қирғоқлари билан чегарадон 33 та оролдан иборат. Уларнинг орасида энг йириги Арабистон ярим ороли билан узунлиги 25 км га яқин бўйин воситасида боғланган Баҳрайн оролидир. Баҳрайн оролининг узунлиги 25 км, эни 16 км ни ташкил этади. Ороллар материк ва маржонли келиб чиқишга эга. Тупроқ қатламида оҳақтош кенг тарқалган. Ҳудуднинг катта қисмини чала чўллар эгаллаган. Архипелагнинг юқори нуқтаси — Жабал-ад-Духан (134 метр). Баъзи ороллар Баҳрайн ва Мухаррар билан тўғонлар (дамба) воситасида боғланган.

Иқлимми — тропикдан субтропикка ўтувчи. Оазисларда финик пальмалари ўсади. Ҳудуднинг катта қисми тропик чўллардан иборат. Илонлар, чаёнлар, кемирувчи ва шоқоллар кенг тарқалган.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — монархия. Давлат бошлиғи — Амир Шайх. Ҳукумат бошлиғи премьер-министр — Шайх. Сиёсий партиялар йўқ. Сиёсий ташкилотлари: Баҳрайн халқ fronti, Баҳрайн миллий-озодлик fronti.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисодининг асосини нефть қазиб олиш ва уни қайта ишлаш ташкил этади. Кема таъмирлаш, цемент ва бошқа корхоналар билан бир қаторда ҳунар-

мандчилик ҳам тараққий этган. Кимё саноати ҳам ривожланган, алюминий эритилади. Маданий ўсимликлардан маккажўхори, бугдой, арпа етиштирилади. Эчки, қўй, эшак ва зебусимон сигирлар боқилади.

Асосий савдо ҳамкорлари — Буюк Британия, Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Австралия.

Тарихи. М. а. 3 минг йилликда замонавий Баҳрайн кучли савдо империяси ҳисобланган Дилмуннинг маркази бўлган. М. а. 1600 йилларда Дилмун инқирозга юз тутди. Баҳрайн м. а. 600 йилда Бобил таркибига, IV—VI асрларда Сосонийлар давлати таркибига киради. VIII асрда эса Баҳрайн Араб халифалиги ҳукмронлиги остида қолди. IX—X асрларда Баҳрайн Уммавийлар империяси, кейинчалик Аббосийлар давлати таркибида бўлди. XIII асрда Баҳрайн маълум муддатга мустақилликни қўлга киритди. 1487 йилда Баҳрайн ва Моҳара ороллари уммонлик қабилалар томонидан босиб олинди. 1536 йилдан 1602 йилгача оролларни португаллар назорат қилишди. XVIII аср ўрталарида Баҳрайнда уни ҳозирги кунда ҳам идора этаётган Ал-Халифа уруғи вужудга келди. XIX асрда Баҳрайн инглизлар назорати остида эди. 1971 йил 14 августда Баҳрайн мустақилликка эришди.

БЕЛИЗ

Расмий номи — Белиз. Пойтахти — Бельмопан. Ҳудуди — 22963 км². Аҳолиси — 300000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — католиклар (60%), протестантлар (35%). Пул бирлиги — белиз доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Белиз Марказий Американинг шимоли-шарқида жойлашган давлат. Шимоли-ғарбда Мексика, ғарбда ва жанубда Гватемала билан чегарадош. Шарқда Кариб денгизи билан туташ. Белиз ҳудудининг катта қисмини захкаш паст-текисликлар эгаллаган, жануби-ғарбида Майя тоғлари жойлашган. Энг юқори нуқтаси — Виктория чўққиси (1122 м).

Иқлими — пассатли, тропик. Асосий дарёлари — Белиз, Рио-Онда. Табиий ресурслардан фақат ёғоч ва балиқни кўрсатиш мумкин. Тоғлар ва тепаликлар тропик ўрмонлар билан қопланган. Чўл-биёбонлар ҳам уч-

райди. Ҳайвонот дунёси турли хил ягуар, буғу, тапирлар, қушларнинг кўп миқдордаги турларидан иборат.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Белиз давлати Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига қиради. Давлат бошлиғи — Британия монархи. Ҳукумат бошлиғи — премьер-министр. Қонун чиқарувчи ҳокимият — икки палатали (Сенат ва Вакиллар палатаси) Миллий Кенгаш. Давлат ҳудудий жиҳатдан 6 та маъмурий округга бўлинади. Йирик партиялари: Халқ бошлиғи партияси, Бирлашган демократик партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Белиз — аграр давлат. Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти — шакарқамиш. Цитрус мевалар ва банан етиштирилади. Саноат тармоқларидан енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланган. Савдо, чет эл туризми ва қурилиш ривожланмоқда. Экспорти: шакар, цитрус мевалар, банан, денгиз маҳсулотлари, мато ва ундан тайёрланган маҳсулотлар. Импорти: машина ва транспорт жиҳозлари, минерал ёқилғи, кимёвий саноат маҳсулотлари, фармацевтик моллар, тикувчилик маҳсулотлари. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Буюк Британия, Канада, Мексика.

Тарихи. Ҳозирги Белиз ҳудудларида IV асрдан X асргача Майя цивилизацияси ҳукмронлик қилган. XVI асрда Белиз испанлар томонидан босиб олинган ва испан мустамлакаси деб эълон қилинган. Кейинроқ, XVII асрда бу ерга инглизлар келди ва бу ерда биринчи инглиз мустамлакасига асос солинди. Улар ўрмонларни кесиш билан фаол шуғулландилар ва янги ерлар оча бошладилар. Плантацияларда ва қимматбаҳо ёғоч тайёрлашда инглизлар негр-қуллар меҳнатидан фойдаландилар. Испанлар қувиб чиқарилди. 1862 йилда бу ҳудуд Британ Гондураси номи билан Британия мустамлакаси деб эълон қилинди. 1964 йилда Белиз тўла ички ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини олди. Белиз 1981 йилгача Америка қитъасидаги Британиянинг охириги мустамлакаси бўлди. 1981 йил сентябрида давлат мустақил деб эълон қилинди.

БЕЛОРУССИЯ

|| *Расмий номи — Беларусь Республикаси. Пойтахти — Минск. Ҳудуди — 207600 км². Аҳолиси —*

|| 10000000 киши (2001). Давлат тили — белорусь ва рус. Дини — православ (80%), католик (15%). Пул бирлиги — белорусь рубли.

Географик жойлашуви ва табиати. Шарқий Европада жойлашган давлат. Шимоли-ғарбда Литва ва Латвия, шарқда — Россия, жанубда Украина, ғарбда Польша давлатлари билан чегарадош.

Мамлакат ҳудуди, асосан, текисликлардан иборат. Тепаликлар кам учрайди, улардан Минск тепалиги (345 м) алоҳида ажралиб туради. Иқлими мамлакатнинг деярли ҳамма жойида бир хил. Асосий дарёлари — Днепр, Припять, Березина, Ғарбий Двина, Неман, Сож. Мамлакатда Нарочь, Освей, Свитязь каби йирик кўллар бор. Табиий қазилма бойликлари: калийли ва тошли тузлар, кўмир, нефть, темир рудаси, торф. Белорусда кенг баргли ўрмонлар кенг тарқалган бўлиб, улар мамлакат ҳудудининг 1/3 қисмини эгаллаган. Белорусь ўрмонларида 28 турдаги дарахтлар (улардан энг кўп тарқалганлари — қарағай, арча, қайин ва шумтол), 70 турдан ортиқ бутазор ва яримбутазорлар учрайди. Мамлакат ҳудудида жуда кўп доривор ўсимликлар — арчагул, итбурун, зира, марваридгуллар ўсади. Белорусь ҳайвонот дунёси 50 турдан ортиқ йиртқичлар (лось, чўчқа, бўри ва бошқ.), 200 турдан ортиқ қушлардан иборат. Шунингдек, Беловеж Пушаси деб аталадиган миллий кўриқхонада зубрлар ва кам учрайдиган ботқоқ тошбақаси ҳам бор.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президент республикаси. Давлат бошлиғи — президент. Ҳукумат бошлиғи — премьер-министр. Қонун чиқарувчи ҳокимият республика кенгаши ва Вакиллар Палатасидан иборат парламент — Миллий йиғинга тегишли. Мамлакат 6 та: Брест, Гомель, Гродно, Минск, Могилёв ва Витебск вилоятларига бўлинган. Йирик сиёсий партиялари: Белорусь бирлашган демократик партияси, Белорусь социал-демократик партияси, Белорусь халқ фронти, Белорусь коммунистик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Саноатнинг асосий тармоқлари: автомобилсозлик ва трактор машинасозлиги, радиоэлектроника, ускунасозлик, енгил, кимё, озиқ-овқат саноатлари, ҳарбий техника ишлаб чиқариш. Қишлоқ хўжалиги асосан донли экин-

лар, картошка, сабзавотлар етиштиришга ҳамда гўшт ва сут ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Экспорти: машинасозлик маҳсулотлари, кимё ва озиқ-овқат маҳсулотлари. Импорти: саноат ва озиқ-овқат хом ашёси. Асосий савдо ҳамкорлари: Россия, Украина, Польша, Германия, Литва.

Тарихи. VII асрдан бошлаб ҳозирги Беларусь ҳудудларида славян қабилаларидан дреговичлар, радимичлар, кривичлар истиқомат қилганлар. IX асрда Беларусь ерлари Киев Руси таркибига кирди. Дастлабки шаҳарлар — Минск (1087), Витебск, Пинск, Брест XI асрда пайдо бўлди. XII асрда феодал тарқоқлик бошланган бир вақтда бир қатор майда князликлар: Полоцк, Турово-Пинск, Гродно, Минск ва бошқалар вужудга келди. XIV асрда бутун Беларусь ерлари Литва Буюк князлиги таркибига кирди. 1569 йили поляк-литва давлатларининг бирлашуви оқибатида Речь Посполита давлати ташкил топди, Беларусь ҳам ўз-ўзидан бу давлат таркибига кирди. XVII асрдан бу ҳудудлар Оқ (Белая) Русь деб атала бошлади ва 1795 йили Россия империяси таркибига қўшиб олинди. I жаҳон уруши даврида мамлакат деярли тўлиқ немис қўшинлари томонидан оккупация қилинди. 1918 йили Белоруссия Халқ Республикаси эълон қилинди, бироқ тез орада большевиклар уни йўқ қилишди. 1919 йили Совет Белоруссияси тузилди. Польша 1920 йили вақтинча Белоруссия ҳудудларини босиб олди ва 1921 йилги совет-поляк «Рига тинчлик сулҳи»га кўра унга Ғарбий Белоруссия ҳудудлари ўтди. 1922 йил 30 декабрда СССР ташкил топди, Белоруссия ССР унинг таркибига кирди. 1939 йили СССР ва Германия ўртасидаги сепарат келишувлар натижасида Ғарбий Белоруссия республика таркибига қайтарилди. II жаҳон урушида, 1941—1944 йилларда Беларусь ерлари немис босқинчиларига қарши жанг майдонига айланди. Урушда мамлакатнинг 2,5 млн. аҳолиси қириб ташланди, йирик шаҳарлари — Минск, Брест, Витебск, Могилёв вайрон қилинди, 9 мингдан ортиқ қишлоқлар ёндириб юборилди. Уруш вақтида мамлакат ҳудудида 1100 та партизан отрядлари (375000 жангчи) ҳаракат қилди. 1944 йилнинг ёзида Белоруссия совет қўшинлари томонидан озод қилинди. 1945 йили Белоруссия СССР таркибиде ҳозирги ҳудудларига эга бўлди. СССРнинг парчаланиши оқибатида

1991 йилнинг 25 августида мустақил давлат — Белоруссия эълон қилинди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Белоруссия жиддий иқтисодий ва сиёсий қийинчиликларни бошдан кечирди. Натижада, аҳолининг турмуш даражаси сезиларли даражада пасайди. Шунга қарамасдан, ҳозирги кунда Белорусда иқтисодий ва сиёсий аҳвол барқарорлашиб бормоқда.

БЕЛЬГИЯ

Расмий номи — Бельгия Қироллиги. Пойтахти — Брюссель. Худуди — 30500 км². Аҳолиси — 10300000 киши (2001). Давлат тили — фламанд, француз, немис. Дини — католик. Пул бирлиги — евро.

Географик жойлашуви ва табиати. Европанинг шимоли-ғарбида жойлашган давлат. Бельгия шимолда Нидерландия, шарқда Германия, жануби-шарқда Люксембург, жануб ва жануби-ғарбда Франция билан чегарадош. Ғарбий қирғоқлари Шимолий денгиз билан туташган. Бельгияни уч географик ҳудудга бўлиш мумкин, булар: соҳилбўйи текислиги, марказий ясси тоғ ва Арденн тепаликлари. Соҳилбўйи текисликлари мамлакатнинг шимоли-ғарбида жойлашган бўлиб, қумли тепаликлар ва тўғонлар воситасида денгиздан ажратиб олинган ер майдонларидан иборат. Марказий ясси тоғликлар пасттепаликлардан иборат унумдор жойлардир. Арденн тепалиги мамлакатнинг жануби-шарқида жойлашган бўлиб, ўртача баландлиги 460 м ни ташкил этади. Бельгиянинг энг юқори нуқтаси — Арденндаги Ботранж тоғи (694 м).

Иқлими — мўътадил. Мамлакатнинг асосий дарёлари — Шельда ва Маас. Фойдали қазилмалардан кўмир, табиий газ мавжуд. Кенг баргли ўрмонларда эман, бук, граб каби дарахтлар ўсади. Кўриқхоналар ва табиат парклари кўп. Ҳайвонлардан: қобон, куён, ўрмон сичқонлари, олмахон, охуларни учратиш мумкин. Вальдшнеп, тустовуқ, ўрдак, каклик каби қушлар мавжуд.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Ижро этувчи ҳокимият монарх ва Вазирлар Маҳкамаси бошлиғи — премьер-министрга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент (юқори палата — Се-

нат ва Вакиллар палатаси)дан иборат. Мамлакат 9 провинциядан ташкил топган, булар: Антверпен, Брабант, Шарқий Фландрия, Фарбий Фландрия, Льеж, Лимбург, Люксембург, Намюр, Эно. Сийсий партиялари: Социалистик партия, Социал-христианлар партияси, Фламанд либераллари ва демократлари партияси, Бельгия коммунистлари иттифоқи.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Асосий саноат тармоқлари — озиқ-овқат, кимё, металлургия, металлни қайта ишлаш, машинасозлик, тўқимачилик, ойна ишлаб чиқариш (ойна ва тошойна экспорти бўйича дунёда етакчи ўринда туради). Қишлоқ хўжалигида қанд лавлаги, мева ва сабзавотлар, бугдой етиштирилади. Чорвачилик ҳам ривожланган. Бельгия Европада йирик сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилардан биридир. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕҲ мамлакатлари, АҚШ.

Асосий портлари: Антверпен, Брюгге, Гент, Остендс ва Зебрюгге.

Тарихи. Мамлакат ҳудудида қадимда белг қабилалари истиқомат қилишган. М. а. 57 йилда Бельгия Цезарь томонидан босиб олинди ва Рим империяси таркибига кўшилди. Ўрта асрларда Бельгия ҳудудлари (Брабант герцоглиги, Фландрия, Люксембург графликлари) тарихий Нидерландия таркибига кирган. XVI асрдаги Нидерландия буржуа инқилоби Бельгия ҳудудида мағлубият билан яқунланди. Испан мероси учун олиб борилган урушлар оқибатида Бельгия Австрия Габсбурглари ҳукмронлиги остига ўтди. 1813—1830 йилларда мамлакат Нидерландия қироллиги таркибида бўлди. 1830 йилдаги Бельгия инқилоби мустақил Бельгия қироллигининг эълон қилинишига олиб келди. Тез орада унинг умрбод бетарафлиги эълон қилинди. 1908 йилда Бельгия мустамлака мулк — Бельгия Конгосига, 1922 йилда эса Руанда-Урунду мандатига эга бўлди. I ва II жаҳон урушлари даврида Бельгия ҳудудлари немис кўшинлари томонидан ишғол қилинган. 1960 йилда Бельгия Конгога, 1962 йили эса Руанда-Урундуга мустақиллик берди. 1949 йилдан буён Бельгия НАТО аъзоси. Брюсселда Европадаги қўшма Қуролли кучлар Бош қўмондонлиги ва НАТО кенгаши штаб-квартиралари жойлашган. 1958 йилда Бельгия Нидерландия ва Люксембург билан божхона иттифоқчилиқ шартномалари-

ни имзолайди. XX асрнинг 60—70-йилларида Бельгиядаги фламандлар ва валлонлар ўртасидаги муносабатлар кескинлашуви оқибатида вазият бирмунча мураккаблашди. 1993 йилда ушбу можаро конституцияга ўзгартириш киритилишига олиб келди ва унга кўра Бельгия федератив давлат бўлиб, Фландрия ва Валлония ўз ҳукуматларига эга бўлиш ҳуқуқини қўлга кириштирди.

БЕНИН

Расмий номи — Бенин Республикаси. Пойтахти — Порто-Ново. Ҳудуди — 112622 км². Аҳолиси — 6600000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — мажусийлар (70%), христианлар (15%), мусулмонлар (15%). Пул бирлиги — африка франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Ғарбий Африкада жойлашган давлат. Шимолда Буркина-Фасо, Нигер, шарқда Нигерия, ғарбда Того давлатлари билан чегарадош. Жанубий соҳиллари Гвинея кўрфазидан туташган. Мамлакат юзаси жанубда пастликдан, шимолда ясси тоғликдан, шимоли-ғарбда Атакора тоғларидан иборат. Асосий дарёси — Веме.

Иқлими — экваториал ва субэкваториал. Мамлакатда мрамар ва нефть захиралари мавжуд. Ҳудуднинг катта қисми саванналар, жанубда, дарё бўйларида нам тропик ўрмонлар билан қопланган. Ҳайвонлардан фил, антилопа, қўтос, маймун, тимсоҳлар мавжуд. Қушларнинг кўплаб турлари тарқалган.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Бенин 6 та вилоятга бўлинган. Сиёсий партиялари: «Бенин Тикланиши», Демократик янгиланиш партияси, Алафия — янгиланиш ва ривожланиш учун ҳаракатлар Фронти.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Бенин — аграр мамлакат. Қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат, тўқимачилик корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Чорвачилик ривожланган. Пахта, ерёнғоқ, қаҳва етиштирилади. Асосий савдо ҳамкорлари: Марокаш, Франция, Португалия, АҚШ, Хитой, Гана, Италия, Голландия, Нигерия, Кот-д'Ивуар.

Асосий порти: Котону.

Тарихи. XV асрда Бениннинг қирғоқ ҳудудларига европаликлар кириб келди ва уни қул савдосининг йирик туманларидан бирига айлантирди. Бенин ҳудудида вужудга келган Дагомея давлати тўғрисидаги биринчи маълумотлар XVII асрга оиддир. 1890 йилларнинг бошида Дагомея француз истилочилари томонидан босиб олинди. XIX аср охирларида Бенин ҳудуди инглиз мустамлакачилари томонидан босиб олиниб, кейинчалик Нигерия мустамлакаси таркибига қўшиб юборилди. Дагомея 1904 йилда француз мустамлакаси бўлиб қолди ва ҳозирги кунгача Франция мамлакатининг асосий савдо ҳамкори бўлиб қолмоқда. 1960 йил 1 августидан Бенин Дагомея республикаси номи остидаги мустақил давлатдир. 1960—1972 йилларда мамлакатда 10 та ҳукумат алашиб, 5 та ҳарбий тўнтариш бўлиб ўтди. 1972 йилда ҳокимият тепасига Ҳарбий-инқилобий ҳукумат келди. 1990 йил мартдан мамлакат Бенин Республикаси деб атала бошланди. 1990 йил декабрида янги конституция қабул қилинди.

БЕРМУД ОРОЛЛАРИ

Расмий номи — Бермуд ороллари (Буюк Британия мулки). Пойтахти — Гамильтон. Ҳудуди — 53 км². Аҳолиси — 63000 киши (2000). Давлат тили — инглиз. Дини — христианлик. Пул бирлиги — бермуд доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Ороллар Атлантика океанининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган, 360 та атрофидаги ороллар ва қоялардан иборат, улардан 20 тасида одам яшамайди. 10 та орол ўзаро кўприклар билан бирлашиб асосий орол — Мэйн-Айлендни ташкил этади. Ороллар текисликлардан иборат.

Иқлими — тропик, иссиқ. Табиий ўсимликлари сақланиб қолмаган. Қайта экилган тропик ўсимликлар ва дарахтлар бор. Майда кемирувчилар кўп. Қушларнинг бир қанча турлари (тўтиқуш, денгиз қушлари), ҳашаротлар бор.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — Буюк Британия мулки. Давлат бошлиғи — Буюк Британия қироличаси томонидан тайинланадиган, ташқи сиёсат, мудофаа, полиция, ички

хавфсизлик масалалари билан шуғулланадиган губернатор. Маъмурий-ҳудудий жиҳатдан 9 округ ва 2 муниципалитетга бўлинади. Сиёсий партиялари: Бирлашган Бермуд партияси, Лейбористик тараққиёт партияси, Миллий либерал партия.

Иқтисоди ва транспорт коммуникациялари. Иқтисодининг асосини чет эл туризми ташкил этади. Бермуд ороллари муҳим молиявий марказдир. Оролларда 6 мингдан ортиқ чет эл компаниялари рўйхатга олинган. Бермуд ороллари рўйхатга олинган чет эл кемаларининг ҳажми жиҳатидан 5-ўринни эгаллайди. Кемаларни таъмирлаш, қайиқлар ясаш, фармацевтик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қурилиш материаллари корхоналари фаолият юритади. Картошка, қарам, помидор, банан, гуллар етиштирилади. Балиқчилик ривожланган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Буюк Британия, Венесуэла.

Тарихи. Ороллар 1522 йилда испан денгиз сайёҳи Х. Бермудес томонидан кашф этилган. 1609 йилда оролларга инглизлар келиб жойлаша бошлади. 1684 йилда бу ҳудудлар Англия мустамлакасига айланди. 1968 йилда оролларга ички ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи берилди. 1989 йилда Британия ҳукумати Бермуд оролларига мустақиллик бериш талабини рад этди. 1995 йил август ойида ўтказилган референдумда аҳолининг кўпчилиги қисми қарам ҳудуд мақомини сақлаб қолиш учун овоз берди.

БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ

Расмий номи — Бирлашган Араб Амирликлари. Пойтахти — Абу-Даби. Ҳудуди — 83657 км². Аҳолиси — 3300000 киши (2001). Давлат тили — араб. Дини — ислом. Пул бирлиги — дирҳам.

Географик жойлашуви ва табиати. Арабистон ярим оролида жойлашган, етти араб давлатидан иборат федерация. Жануб ва ғарбда Саудия Арабистони (чегара узунлиги — 457 км), шимолда Уммон (410 км), шимоли-ғарбда эса Қатар билан чегарадош. Шимолда Форс кўрфази, шарқда Уммон кўрфази билан туташиб кетган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 1318 км. Мамлакат ландшафтида текисликлар устунлик қилади. Унумсиз қирғоқ текисликлари қумли барханларга ай-

ланиб боради. Мамлакат ичкарасидаги йирик майдонлар чўллар ва шўрхок ерлардан иборат. Шарқда Хожар тоғ чўққилари жойлашган (баландлиги 1127 км). БАА учун чўл ўсимликлари дунёси хосдир: янтоқ ва чўл иқлимга чидамли ўтлар. Мамлакатнинг сугориладиган майдонларида ёввойи ва хўжалик мевали дарахтлари — хурмо, акация ўстирилади. Ҳайвонот дунёсида кийик, қуён, илон ва калтакесакларнинг ҳар хил турлари учрайди. Форс ва Уммон кўрфази сувлари балиққа бой.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Марказий ҳокимияти махсус ваколатларга эга бўлган амирликлар федерацияси. Федерацияга етти араб амирликлари: Абу-Даби, Ажиман, Дубай, Рас-ал-Хайма, Уммал-Кавайн, Шаржа ҳамда Ал-Фужайра киради. БАА 1971 йил 2 декабрда мустақилликка эришди. Мустақилликка қадар у Буюк Британия протекторати (қарам давлати) ҳисобланиб, унинг олдинги номи Шартномавий Уммон бўлган. Буюк Британия БААга мустақиллик берган кун (1971 йил 2 декабр) Миллий байрам — Федерациянинг ташкил топган куни сифатида нишонланади. Ижро этувчи ҳокимият президентга ҳамда ҳукмдорларнинг Олий Кенгашига тегишлидир. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали Федерал Миллий Кенгаши амалга оширади. Сиёсий партиялар мавжуд эмас.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисоди нефть ва газ экспортига асосланган. 1973 йилда дунёда нефть харид нархининг кескин кўтарилиши мамлакатдаги иқтисодий аҳволнинг вақтинчалик ўзгаришига олиб келди. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 5% и банд бўлиб, етиштириладиган маҳсулотлар қуйидагилар: хурмо, сабзовотлар, тарвуз, парранда, сут маҳсулотлари ва балиқ. Мамлакат ўз ички озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг чорак қисминигина таъминлайди. Асосий савдо ҳамкорлари: Япония, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 2000 км (1800 км асфальт ётқизилган йўллар). Мамлакатнинг асосий портлари: Абу-Даби, Дубай, Шаржа, Ал-Фужайра.

Тарихи. XIX аср охириларигача БАА Уммон тарки-

бида бўлган. 1892 йилда Арабистон ярим оролининг шарқий қисмида жойлашган Араб давлатлари федерацияси Форс кўрфазидagi денгиз қароқчиларига қарши курашиш мақсадида Буюк Британия билан келишув имзолади. 1971 йил, яъни БАА давлат мустақиллиги эълон қилингунга қадар у Буюк Британия протекторати эди.

БОЛГАРИЯ

Расмий номи — Болгария Республикаси. Пойтахти — София. Ҳудуди — 110912 км². Аҳолиси — 8100000 киши (2001). Давлат тили — болгар. Дини — православлар (85%), мусулмонлар (13%). Пул бирлиги — лев.

География жойлашуви ва табиати. Болқон ярим оролидаги Жануби-Шарқий Европа давлати. Шимолда Руминия, ғарбда Югославия ва Македония, жанубда Греция ва Туркия билан чегарадош. Шимолда Қора денгиз билан туташган. Ҳудудининг катта қисмини тоғ ва тепаликлар эгаллаган. Мамлакат марказида шимоли-ғарбдан Қора денгизгача чўзилган Болқон тоғлари жойлашган. Жанубда Родопи тоғлари, жануби-ғарбда эса мамлакатнинг энг юқори нуқтаси Мусала чўққиси (2925 м) жойлашган Рила тоғлари мавжуд. Болқон тоғларининг жанубий ёнбағирлари ва Родопи тоғлари орасида Мерица дарёси водийи ястаниб ётибди.

Иқлими — мўътадил континентал. Асосий дарёлари: Дунай, Искар ва Марица. Фойдали қазилмалардан бокситлар, мис, кўрғошин, кўмир, ёғоч мавжуд. Мамлакат ҳудудининг катта қисмини ўрмонлар эгаллаган. Водийларда баргли, тоғларда эса игнабаргли ўрмонлар устунлик қилади. Ҳайвонлардан қуён, тулки, қобон, бўрсик, юмронқозик, кийик, оҳу кабилар мавжуд.

Давлат тuzилиши, сиёсий партиялари. Болгария — президентлик республикаси. Давлат бошлиғи — президент. Ижро этувчи ҳокимият премьер-министр бошчилигидаги Министрлар Кенгашига тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Халқ йиғини томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари: Демократик кучлар иттифоқи, Болгария социалистик партияси, Халқ иттифоқи, Ҳуқуқ ва эркинликлар учун ҳаракат.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Ривожланган саноат соҳалари: машинасозлик, металлургия, озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё, ёғочни қайта ишлаш. Машинасозлик халқ хўжалигининг муҳим тармоғидир. Машинасозлик корхоналари республиканинг кўпгина шаҳарларида қурилган, улардан энг йириклари — София, Варна, Гуса, Бургос, Пловдив. Болгария минерал ресурслар билан нисбатан яхши таъминланган. Қишлоқ хўжалиги Болгария ЯММнинг 1/8 қисмини ташкил этиб, иқтисодий фаол аҳолининг 1/5 қисмини иш билан банд қилган. Донли экинлар учун ҳайдаладиган ерларнинг 3/5 қисми ажратилган. Маккажўхори, шоли, арпа, буёдой экилади. Техникавий ўсимликлардан жанубда экиладиган тамакига ва кунгабоқарга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, мамлакат помидор ва узумнинг йирик экспортчиларидан бирidir. Сўнгги йилларда туризм ҳам яхши ривожланмоқда. Асосий савдо ҳамкорлари — Россия, Германия, Италия, Туркия, Греция.

Асосий портлари: Бургос, Варна.

Тарихи. М. а. VIII асрда замонавий Болгария ҳудудида фракияликлар қабилалари истиқомат қилишган. М. а. VII асрда мамлакат қирғоқларида грек шаҳарлари — Аполлония (замонавий Созопол), Одессос (замонавий Варна), Месембри (замонавий Несебир)га асос солинди. I асрда бу ерларнинг Рим томонидан босиб олинishi оқибатида Рим провинциялари Мезия ва Фракия ташкил топди. 395 йили Рим империяси инқирозга юз тутганидан сўнг бу икки провинция Византия империяси таркибига кирди. VI асрдан бошлаб мамлакатга славян қабилалари кириб кела бошлади. 680 йилда хон Аспарух бошчилигида биринчи болгар қироллиги ташкил этилди. Византия янги давлатни тан олди. 894 йилда ака-ука Кирилл ва Мефодийлар славян ёзувини киритдилар. 1014 йилда Византия императори Василий II Болгарбойца Беласица ёнидаги жангда болгар қўшинларини тор-мор қилди. Тез орада мамлакат Византия таркибига қўшилди. 1187 йилда мустақил иккинчи Болгар қироллиги ташкил этилди. XIV аср охирида Болгария турклар томонидан ишғол қилинди. 1878 йили рус-турк уруши оқибатида мамлакатнинг шимолий қисмида мустақил Болгар князлиги ташкил топди. Жанубий қисми — Шарқий Румелия Туркиянинг автоном

провинцияси эди. 1885 йилдаги туркларга қарши кўтаришган Пловдив қўзғолони мамлакатнинг бирлашишига олиб келди. 1908 йилда Болгария Туркиядан тўла мустақиллигини эълон қилиб, қироллик сифатида қайта ташкил этилди. I жаҳон урушида Болгария Германия тарафида туриб уруш олиб борди ва бунинг оқибатида Жанубий Добружа худудини бой берди. 1940 йили фашистик давлатлар билан ҳамкорлик шартномасини имзолади ва Жанубий Добружани Руминиядан қайтариб олди. 1941—1944 йилларда Болгария II жаҳон урушида фашистик блок тарафида иштирок этди. 1944 йилда мамлакатга совет қўшинлари кириб келди. Шу вақтда Софияда давлат тўнтарилиши ўтказилиб, янги тузилган ҳокимият Германияга қарши уруш эълон қилди. 1946 йилда монархия йўқ қилиниб, Болгария Халқ Республикаси ташкил топганлиги эълон қилинди. Болгария 1949 йилда ЎИЁК (СЭВ)га, 1955 йилда Варшава Шартномаси уюшмасига аъзо бўлиб кирди. 40 йилдан ортиқ вақт давомида мамлакатда Тодор Живков бошчилигидаги коммунистик тузум ҳукмронлик қилди. 1990 йилда бу тузум ағдарилиб, Болгария демократик ҳукуматини ташкил этиш жараёни бошланди. 1991 йилда янги конституция қабул қилиниб, мамлакат номи Болгария Республикаси деб ўзгартирилди.

БОЛИВИЯ

Расмий номи — Боливия Республикаси. Пойтахти — Сукре (расмий ҳукумат жойлашган шаҳар Ла-Пас). Ҳудуди — 1098581 км². Аҳолиси — 8500000 киши (2001). Давлат тили — испан. Дини — католиклар (95%), протестанлар (5%). Пул бирлиги — боливиано.

Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Американинг марказий қисмида жойлашган давлат. Боливия шимолда ва шарқда Бразилия, жануби-шарқда Парагвай, ғарбда Чили ва Перу, жанубда Аргентина давлатлари билан чегарадош. Боливиянинг жануби-ғарби Анд тоғларида жойлашган. Иккига ажралган тоғ тизмаси Ғарбий ва Шарқий тоғ тизмаларига ажралган бўлиб, уларнинг орасида денгиз сатҳидан 4000 м баландликда жойлашган Пуна ясси тоғлиги мавжуд. Ғарбда паст тоғлар, сўнган вулқонлар занжири бор. Шу ерда дунёдаги энг сирли тоғ кўли Тити-

кака жойлашган. Шарқда Анд тоғларининг энг юқори чўққилари Иллимани (6682 м), Анкоума (6550 м), Иллампу (6485 м) жойлашган.

Иқлими — тропик, субэкваториал. Асосий дарёлари: Бенин Маморе, Десагуадеро, Мадейра (Амазонканинг йирик ирмоғи). Боливияда кўллар кўп бўлиб, уларнинг орасида Титикака ва Поопо энг катталари ҳисобланади. Боливияда фойдали қазилмалардан қалайи, рух, кумуш, олтин, мис, қўрғошин, вольфрам, сурма, табиий газ, нефть захиралари мавжуд. Судралиб юрувчи ҳайвонлар, қушлар ва ҳашаротлар ҳам кенг тарқалган.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.

Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Шунингдек, ижро этувчи ҳокимият Вазирлар Маҳкамасига ҳам тегишлидир. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали — Сенаторлар ва Депутатлар палатасидан иборат Миллий Конгресс томонидан амалга оширилади. Боливия 9 департаментдан иборат республика. Сиёсий партиялари: Миллий инқилобий ҳаракат, Сўл инқилобий ҳаракат, Миллий демократик фаолият, «Бирдамлик» фуқаролик иттифоқи.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Боливия табиий ресурсларга бой бўлишига қарамадан Лотин Америкасидаги иқтисодий жиҳатдан энг қолақ мамлакатлардан бири. Асосий саноат тармоқлари — тоғ-кон ва табиий газ қазиб олиш. Қалайи, вольфрам, сурма, рангли металлларни қазиб олиш бўйича Боливия дунёда биринчи ўринлардан бирида туради. Нефтни қайта ишлаш, металлга ишлов бериш, тўқимачилик саноати, шунингдек, тамаки ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш ривожланган. Маданий ўсимликлардан картошка, шоли, бошоқдилар, шакарқамиш, қаҳва ўстирилади. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Аргентина, Бразилия, Перу, Чили, Япония, ЕҲ мамлакатлари.

Автомобиль ва темир йўлларида ташқари ички сув йўллари ҳам мавжуд.

Тарихи. Титикака кўлининг жанубида қадимда инкларгача бўлган даврда Тиахуанако давлати мавжуд бўлган. Бу давлат X асргача гуллаб-яшнаган. XIII асрда давлатни аймора ҳиндулари, кейинчалик замонавий Боливия ҳудудини инклар ишғол қилди. XVI асрда испанлар босиб олиб, Боливия Перу вице-қироллиғи тар-

кибига кирди. 1825 йилда мустақиллик учун кураш раҳбари Симон Боливар қўшинлари испанлар устидан ғалаба қозонди. 1964 йилда ҳарбий тўнтариш амалга оширилди. Ҳарбий хунта билан курашиш учун инқилобий ҳаракат ташкил этилиб, унга Эрнесто Че Гевара бошчилик қилди. Мамлакатда бир неча маротаба давлат тўнтаришлари бўлиб ўтади ва 1982 йилдагина ҳокимиятни демократик ҳукумат эгаллайди.

БОСНИЯ ВА ГЕРЦЕГОВИНА

Расмий номи — Босния-Герцеговина. Пойтахти — Сараево. Ҳудуди — 51129 км². Аҳолиси — 3400000 (2001). Давлат тили — серб-хорват. Дини — ислом (40%), православ (31%), протестантлик (4%), католик (2%). Пул бирлиги — ягона пул бирлиги йўқ, муомалада югославия динари, хорватия кунаси, евро.

Географик жойлашуви ва табиати. Европанинг жануби-шарқида, Болқон ярим оролида жойлашган. Шимолда ва ғарбда Хорватия билан, шарқ ва жанубда Югославия билан чегарадош. Ҳудудининг 90% ини тоғлар эгаллайди. Жануброқда пасттоғликлар ва ҳосилдор тоғ даралари баландлиги 2000—2400 м бўлган Динор ясси тоғлигига айланади. Текисликлар шимолда Сава дарёси бўйида мавжуд.

Иқлими: марказда — мўтадил континентал, соҳил бўйида — субтропик. Асосий дарёлари: Врбас, Неретва, Босна, Ува. Табиий бойликлари: кўмир, лигнит, темир рудаси, бокситлар. Мамлакатнинг асосий қисми Ўрта ер денгизи ўсимликлари, баргли ва игнабаргли дарахтлар билан қопланган. Ўрмонларда силовсин, бўри, айиқ, тулки, оху ва муфлонлар яшайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузуми — президент республикаси. Давлат ва ҳукумат раҳбари — президент. Ижро этувчи ҳокимият президент, шунингдек, етти аъзодан иборат Босния-Герцеговина президиумига тегишли. Қонун чиқарувчи олий органи — икки палатали Миллий Ассамблея. Асосий маъмурий-ҳудудий бирлиги — обшчина (мамлакат 109 обшчинага бўлинган). Асосий сиёсий партиялари: Муслмон демократик ҳаракат партияси, Серб демократик партияси, Хорват демократик ҳамдўстлиги.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Мамлакат улкан қазилма бойликлар захираларига эга. 1991—1992 йиллардаги уруш натижасида иқтисодиётда кескин тушкунлик юз берди. Ҳозирда саноат ишлаб чиқариши жуда паст даражада. Нисбатан кўмир, кимё, электр энергиясини ишлаб чиқариш, асбобускуна ясаш, ёғочни қайта ишлаш саноатлари ривожланган. Темир, кўмир, бокситлар қазиб олинади. Бошоқли ўсимликлар, тамаки, турли мевалар етиштирилади. Экспорти: қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, кимё саноати маҳсулотлари, темир рудаси, ёғоч. Импорт: машина ва ускуналар, ёқилғи. Асосий савдо ҳамкорлари: МДҲ ва Шарқий Европа давлатлари.

Тарихи. I асрда мамлакатнинг қадимги қабилалари — иллирияликлар римликлар томонидан босиб олинади ва Далмация провинциясига айлантирилади. V асрда ост-готлар, 535 йилда эса Византия ҳукмронлиги ўрнатилган. VII асрга келиб бу ҳудудларда славян қабилалари ўрнашадилар. XII асрда Босния мустақил феодал князлиги вужудга келди. 1448 йилда мамлакатнинг жанубий ҳукмдорларидан бири ўзини мустақил Герцеговина герцоги деб эълон қилди. XV асрнинг иккинчи ярмида Босния ва Герцеговина турклар томонидан босиб олинди. 1875—1878 йилларда туркларга қарши йирик халқ қўзғолони бўлиб ўтди. 1878 йили Босния-Герцеговина ҳудудлари Австро-Венгрия таркибига киритилди. 1908 йилда австрияликлар мамлакатни аннексия қилдилар. 1914 йили Сараевода Австрия тахт вориси эрц-герцог Ф. Фердинанд ўлдирилиши билан I жаҳон уруши бошланади. 1918 йилда Босния ва Герцеговина серблар, хорватлар ва словенлар қироллиги таркибига киритилди (1929 йилдан Югославия). II жаҳон уруши даврида фашистлар томонидан оккупация қилинган. 1945 йилдан Югославия Халқ Федератив Республикаси таркибида. 1991 йил 15 октябрда Босния-Герцеговина мустақиллик декларациясини эълон қилди. Шу даврдан серблар, хорватлар ва босниялик мусулмонлар ўртасида фуқаролар уруши авж олди. 1992 йилда давлатга БМТ қўшинлари киритилди. 1995 йили Парижда можарони тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисида Париж битими имзоланди.

БОТСВАНА

Расмий номи — Ботсвана Республикаси. Пойтахти — Габороне. Худуди — 582 минг км². Аҳолиси — 7 600 000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — мажусийлар (50%), христианлар (50%). Пул бирлиги — пула.

Географик жойлашуви ва табиати. Ботсвана Африканинг жанубида жойлашган. Шимол ва ғарбда Намибия, шимоли-шарқда Замбия ва Зимбабве, жанубда ва жануби-шарқда Жанубий Африка Республикаси давлати билан чегарадош. Ботсвана юзаси текис мамлакат бўлиб, жануби-ғарбий қисмини Калахари чўли эгаллаган.

Иқлими — субтропик. Асосий дарёси — Лимпопо. Қазилма бойликлардан олмос, мис, кўмир, темир рудаси, кумуш, табиий газ мавжуд. Чўл саванналарида ўсадиган ўсимликлар флорасини ташкил этади. Ҳайвонот дунёсида арслонлар, жирафа, зебра, антилопа, фил, чиябўри, сиртлонлар, тимсоҳ, туяқушларни учратиш мумкин. Илонлар ва калтакесаклар ҳам кўплаб учрайди.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Ботсвана 10 та вилоятга бўлинган. Аҳолисининг катта қисми Лимпопо дарёси оқими бўйлаб чўзилган тор водийда яшайди. 100 мингга яқин киши кўчманчи ҳаёт кечиради. Сиёсий партиялари: Ботсвана демократик партияси, Ботсвана миллий fronti.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Ботсвана тоғ-кон саноати ривожланаётган аграр мамлакат. Олмос, никель, марганец, мис рудалари қазиб олинади. Чорвачилик яхши ривожланган. Қишлоқ хўжалигида сорго, маккажўхори ва бошқа маданий ўсимликлар етиштирилади. Асосий савдо ҳамкорлари: Лесото, Намибия, ЖАР, Свазиленд, Буюк Британия, АҚШ ва бошқа Европа мамлакатлари.

Тарихи. Ботсвана элати XVII аср ўрталарида яшган қабила бошлиғи Масило бошчилик қилган халқдан уларнинг асосий қабилалари келиб чиққан деб ҳисоблайдилар. XIX аср ўрталарида Ботсвана туб аҳолиси бушменларни бўйсундириб, уларга тегишли бўлган ҳудудларни эгаллаган. 1820—1870 йилларда Ботсвана ўз ҳудудларини кенгайтираётган треккер-африканер-

лар ўртасида қабилалараро можаролар бўлиб турди. 1876 йилда қabila бошлиғи Кхама ва бошқа қabila бошлиқлари Жанубий Африкадаги Буюк Британия комиссарига ўз халқларини Британ ҳомийлигига олишни сўраб мурожаат қилишди. 1895 йилда шу ҳудуднинг жанубий қисми Кап мустамлакасига қўшилган бир вақтда шимолий ҳудудлар инглиз протекторати мақомини сақлаб қолди. 1966 йилгача мамлакат Бечуаналенд номи билан инглиз протекторати эди. 1966 йил 30 сентябрида мамлакат мустақилликка эришиб, номланишини ҳам ўзгартирди ва Ботсвана деб атала бошлади. 1998 йил президент Масире истеъфога чиққанидан сўнг мамлакатни собиқ вице-президент ва молия министри Фестус Могае бошқариб келмоқда.

БРАЗИЛИЯ

Расмий номи — Бразилия Федератив Республикаси. Пойтахти — Бразилиа. Ҳудуди — 8511965 км². Аҳолиси — 171800000 киши (2001). Давлат тили — португал. Дини — католик. Пул бирлиги — реал.

Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Американинг шарқий ва марказий қисмида жойлашган давлат. Жанубий Америка ҳудудининг деярли ярмини эгаллаган қитъадаги энг йирик давлатдир. Шимолда Венесуэла, Гайана, Суринам, Француз Гвианаси, шимоли-ғарбда Колумбия, ғарбда Перу, Боливия, Парагвай, Аргентина, жанубда Уругвай давлатлари билан чегарадош. Шимолий ва шарқий қирғоқлари Атлантика океани билан туташган. Мамлакат рельефини Бразил ясси тоғликлари, жанубий баландлик қисмини чўкмалар, тепаликли текисликлар, дарё водийлари ва Шимолий Амазония водийси эгаллаган. Амазонка дарёси ҳавзаси Бразилия майдонининг 1/3 қисмидан ортиқроғини эгаллаган бўлиб, дунёдаги чучук сув захираларининг 1/5 қисмини ташкил этади. Мамлакат шимолида Гвиан ясси тоғликлари жойлашган. Бразилиянинг энг юқори нуқтаси ҳам айнан шу ерда бўлиб, бу Пико-де Неблина (3014 м) тоғидир.

Иқлими — Бразилия турли иқлим зоналарда жойлашган. Ғарбда — экваториал, шарқда ва марказда — субэкваториал, шарқда — тропик, жанубда — субтропик. Асосий дарёлари: Амазонка, Парана, Сан-Фран-

сиску, Уругвай, Парагвай. Табиий бойликлардан: темир рудаси, қўрғошин, алюминий, уран, марганец, нефть, кўмир, табиий газ ва ёғоч захиралари мавжуд. Ўсимлик дунёси ҳам жуда бой бўлиб, 4000 турдан зиёд дарахтлар мавжуд. Ҳайвонлардан маймунлар, ягуар, пума, тулки, чумолихўрларни учратиш мумкин. Илонлардан анаконда, боа бўғма илони, бушмастер (заҳарли илон)лар учрайди. Дарёларидан хавфли ҳисобланган пиранья ва кайманлар мавжуд.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали — Сенат ва Депутатлар палатасидан ташкил топган Миллий Конгресс амалга оширади. Бразилия 26 та штат ва 1 та пойтахт федерал округига бўлинган республикадир. Сиёсий партиялари: Бразилия социал-демократик партияси, Бразилия демократик ҳаракат партияси, Меҳнаткашлар партияси, Либерал фронт партияси, Миллий қайта тикланиш партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Бразилия бозор иқтисоди муносабатларининг юқори ривожланиш даражасига эга бўлган аграр-индустриал мамлакат. Саноатининг ривожланган соҳалари қуйидагилардан иборат: машинасозлик (автомобилсозлик ва самолётсозлик), электрон ҳисоблаш техникаси, металлургия, кимё, ёғочни қайта ишлаш, тўқимачилик, қаҳва, шакарқамиш, цитруслар, соя, какао, гуруч, маниока ўстирилади ва ишлов берилади. Чорвачилик ривожланган. Қорамол, чўчқа, қўй, йилқи боқилади, паррандачилик яхши ривожланган. Бразилия қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Асосий савдо ҳамкорлари: Лотин Америкаси мамлакатлари, АҚШ, ЕҲ мамлакатлари, Осиё мамлакатлари.

Автомобиль, темир йўл транспорти ва дарё кема қатновлари мамлакат иқтисодида муҳим ўрин тутади. Асосий портлари: Форталеза, Сальвадор, Рио-де-Жанейро, Порту-Алегри, Парамарибо.

Тарихи. Қадимда Бразилия ҳудудида ҳинду қабилаларидан тупи-гуаранлар, кариблар, араваклар, пано, гелар истиқомат қилишган. Португаллар томонидан Бразилия ҳудуди кашф қилингандан сўнг Португалия уни мустамлакага айлантирди. Маҳаллий аҳоли шакарқа-

миш плантацияларида ишлатилган. Африкадан олиб келинган негрлар ҳам қулларга айлантирилган. XIX аср бошларида Наполеон урушлари даврида Португалия қироли Жоао VI Бразилияга қочиб келиб, бу ерда португал империясига асос солди. 1782 йилда қирол ватанга қайтди, Бразилияда эса унинг ўрнига ўғли Педро I қолиб, мамлакатни идора қилишни бошлади. Тез орада Бразилия мустақил давлат деб эълон қилинди. 1888 йили мамлакатда қуллик бекор қилинди, 1891 йилда эса Бразилия Қўшма Штатлари номини олган федератив республика ташкил топганлиги эълон қилинди. 1930 йили ҳокимиятни ҳарбий хунта эгаллади. Бир қатор ҳарбий тўнтаришлардан сўнг 1985 йилда ҳокимият тепасига фуқаролик ҳукумати келди ва мамлакат демократик ривожланиш йўлига ўтди.

БРУНЕЙ

Расмий номи — Бруней Доруссалом. Пойтахти — Бандар — Сери-Бегаван. Ҳудуди — 5765 км². Аҳолиси — 300000 киши (2001). Давлат тили — малай, инглиз. Дини — ислом. Пул бирлиги — бруней доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Жануби-Шарқий Осиёдаги Калимантан оролининг шимолида жойлашган давлат. Шимолий соҳиллари Жанубий Хитой денгизи билан туташган. Мамлакатни иккига бўлиб турадиган Саравак (Малайзия) штати билан чегарадош. Мамлакат ҳудуди шимол ва жанубда тепаликлар билан ўралган соҳилбўйи пастликларидан иборат.

Иқлими — муссон экваториал. Қазилма бойликлардан нефть ва табиий газ конлари мавжуд. Мамлакат ҳудудининг 75% ини тропик ўрмонлар эгаллаган. Ҳайвонот дунёсида маймун, кийик, тўнгиз, тропик капаларни учратиш мумкин.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — мустақил султонлик. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик аъзоси. Давлат бошлиғи — султон. Сиёсий партиялари: Бруней миллий демократик партияси, Бруней халқ партияси (барчаси тақиқланган).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисоди ривожланган бўлиб, унинг асосини нефть қазиб олиш, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ва нефтни қайта ишлаш ташкил этади. Шоли,

сага палмаси каби маданий ўсимликлар ўстирилади. Чорвачилик ривожланган. Дарёларида кема қатновлари йўлга қўйилган. Савдо ҳамкорлари: ЕҲ мамлакатлари, Жанубий Корея, Япония, Сингапур, АҚШ, Малайзия, Таиланд.

Тарихи. Султонликка XV асрда асос солинган ва у ўз таркибига бутун Борнео оролини ҳамда унинг атрофидаги майда ороллارни жамлаган эди. 1888 йилда Бруней инглиз протекторати бўлиб қолди. 1959 йилнинг янги конституцияси Буюк Британияни Бруней мудофааси ва ташқи алоқалари учун жавобгар бўлишга мажбур қиларди. 1984 йили мустақиллик эълон қилинди. 1991 йилда Бруней Кўшилмаслик ҳаракати аъзоси бўлди.

БУРКИНА-ФАСО

Расмий номи — Буркина-Фасо Республикаси. Пойтахти — Уагадугу. Аҳолиси — 12300 000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — ислом (50%), мажусийлар (40%), католиклар (10%). Худуди — 274122 км². Пул бирлиги — африка франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Ғарбий Африкадаги давлат. Шимол ва ғарбда Мали, шарқда Нигер, жанубда Бенин, Того, Гана, Кот-д’Ивуар давлатлари билан чегарадош. Буркина-Фасо худудининг катта қисмини кенг ясси тоғлик эгаллаган. Бобо-Диуласодан ғарбда қумтошдан ясси тоғ қад кўтарган. Шу ерда мамлакатнинг йирик дарёлари — Қора, Оқ ва Қизил Вольта жойлашган. Қора Вольтадан ташқари қолган дарёларнинг барчаси кема қатнови учун яроқсиздир.

Иқлими уч асосий даврлар мавжудлиги билан характерланади — салқин-қуруқ (ноябрдан — мартгача), иссиқ-қуруқ (мартдан — майгача), иссиқ-нам (йилнинг қолган қисмида). Мамлакат худудининг ўсимлик дунёсига баланд ўтли саванналар хосдир. Баъзи жойларда акация ва бутазорлар устунлик қилувчи ўрмонлар учраб туради. Ўрмонлар мамлакат майдонининг 9% ини эгаллаган. Ҳайвонот дунёси бой бўлиб, бу ерда фил, антилопа, маймун ва тимсоҳларни учратиш мумкин. Зарарли ҳашаротлар ҳам кўплаб учрайди, булар — цеце пашшаси, безгак чивинлари, термит ва чигирткалар.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Давлат бошлиғи — президент. Буркина-Фасо 45 та вилоят (провинция)га бўлинган. Буркина-Фасо доимий ва сезиларли эмиграция мамлакати. 700 мингдан ошиқ киши кўчманчи ҳаёт кечиради. Сиёсий партиялари: Халқ fronti, Прогрессив ватанпарварлар миллий конвенти — Социал-демократик партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Буркина-Фасо — аграр мамлакат. Марганец, симоб, олтин, фосфатлар, никель, мармар қазиб олинади. ёғоч ишлаб чиқарилади. Тўқимачилик, тери-пойабзал, гўшт тайёрлаш, ёғ-мой, пахта тозалаш корхоналари мавжуд. Дарёларда балиқ овлаш кенг йўлга қўйилган. Ерёнгоқ, шакарқамиш, пахта етиштирилади. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, Кот-д'Ивуар, Италия, Таиланд, Тайвань, Нигер, Нигерия.

Тарихи. XI асрда гамбагилик келгинди қабилалар Юқори Вольта текисликларига бостириб киришади. Аста-секинлик билан улар кучли сиёсий уюшмага эга бўлган марказий ва шарқий текисликлардаги деҳқончилик қабилаларини бўйсундирдилар. Аммо ғарбий туманлардаги замонавий бобо, лобе ва грусиларнинг ажлодлари босқинчиларга қаршилик кўрсата олдилар. Вақт ўтиб келгиндилар маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетиб, уларнинг дини ва тилини қабул қилишди. Кейинчалик босқинчиларнинг авлодлари Моси Ятенга, Угадугу, Тенкодого ва Фадан-Гурма давлатларининг ҳукмрон доирасини ташкил этди. XIV—XVI асрларда Ятенга давлатининг қуроли кучлари Мали ва Сонгай давлатлари ҳудудининг бир қисмини ишғол қилди. XVI асрда мосилар уларни бўйсундириш ва мажбуран исломлаштиришга интилан сонгайликлар ҳужумларини қайтарди. 1895 йилда Ятенга давлати устидан назорат ўрнатилганидан сўнг француз қўшинлари моронаба қўшинларини тор-мор қилиб, унинг мулкларини босиб олди. 1897 йилда Фада-Гурма қироллиги ҳукмдори француз протекторатига ўтди. Шу даврнинг ўзида французлар гкуси, бобо, лобе халқларига тегишли ерларни ишғол қилди. Шунга қарамай, 1903 йилгача лобелар мустамлакачиларга қарши тинимсиз кураш олиб борди. 1904—1919 йилларда Юқори Вольта француз колонияси бўлган Юқори Сенегал-Нигер таркибида, 1919 йилдан эса алоҳида колонияга ажратиб юборилди. 1932

йилда жаҳон иқтисодий инқирози шароитида колониялар бошқарувига ажратилаётган харажатларни қисқартириш мақсадида Франция Юқори Вольта ҳудудларини ўзининг кўшни колониал мулклари ўртасида бўлиб юборди. 1960 йил 5 августда мамлакат мустақиллиги эълон қилиниб, унинг президенти М. Ямеого бўлди. 1966 йилда ҳарбий тўнтариш даврида М. Ямеого ҳокимиятдан четлаштирилди. 1970 йилда янги конституция қабул қилинди. 1974 йилда президент Ламизана ҳокимиятни ўзлаштириб, ўзини-ўзи премьер-министр лавозимига тайинлади. Шу йил охиридаги Мали билан кечган чегара можароси қуроли тўқнашувларга олиб келди ва 1975 йилда икки тарафнинг тинчлик келишувини имзолаш билан барҳам топди. 1980 йилда полковник Сайе Зербо Ламизанани ҳокимият тепасидан четлаштириб, Ҳарбий кенгаш бошлиғи сифатида бутун давлат ҳокимиятини ўз зиммасига олди. 1982 йилда Зербо ҳарбий тўнтариш натижасида ағдарилди ва майор Уэдраого бошчилигида Миллатни қутқариш кенгаши ташкил этилди. 1987 йил 15 октябрда Буркина-Фасонинг янги президенти бўлган Б. Компаоре бошчилик қилган ҳарбий тўнтариш оқибатида Санкара ағдарилди ва ўлдирилди. Янги конституция 1991 йил 11 июнда қучга кирди. 1997 йилда Компаоренинг кўрсатмасига кўра конституцияга ўзгартириш киритилиб, президентни қайта сайлашга нисбатан қўйилган конституциявий чекланиш олиб ташланди.

БУРУНДИ

Расмий номи — Бурунди Республикаси. Пойтахти — Бужумбура. Ҳудуди — 27834 км². Аҳолиси — 6200000 киши (2001). Давлат тили — француз, кирунди. Дини — католиклар (73%), мажусийлар (32%), протестантлар (5%). Пул бирлиги — бурунди франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Шарқий Африкада жойлашган давлат. Шимолда Руанда, шарқда ва жанубда Танзания, ғарбда Конго Демократик Республикаси билан чегарадош. Ғарбий чегарасининг бир қисми Танганьика кўли бўйлаб ўтган. Мамлакат худудининг катта қисмини асосан сланец ва қумтошдан иборат бўлган ясси тоғлиқлар эгаллаган. Энг юқори нуқтаси — Хеха тоғи (2670 м).

Иқлими — субэкваториал. Табиати ўзига хос бўлиб, ясси тоғли ҳудудларида акациялар ва пальмалар учрайдиган саванналар ҳукмрон. Баъзи жойларда парк ўрмонлари учрайди. Ҳайвонот дунёси бой бўлиб, бу ерда фил, тимсоҳ, қоплон, бегемот, ёввойи чўчқа каби ҳайвонларни учратиш мумкин. Қушлар ҳам кўп. Қазилма бойликларидан: уран, никель, мис, кобальт, ванадий, торф мавжуд.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Давлат бошлиғи — президент. Ҳукумат бошлиғи — премьер-министр. Бурунди 15 вилоятга бўлинган. Сиёсий партиялари — Бурунди демократия тарафдорлари fronti, Миллий бирдамлик ва тараққиёт партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Бурунди аграр мамлакат. Ёғочни қайта ишлаш, тўқимачилик, цемент ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиғи хом ашёсини қайта ишлаш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Балиқчилик, чорвачилик, қаҳва, чой, пахта етиштирилади. Асосий савдо ҳамкорлари: Бельгия, Франция, Германия, Танзания, Япония, АҚШ.

Тарихи. Тва пигмейлари Бурундининг туб аҳолиси ҳисобланади. Тваларнинг катта қисмини ассимиляция қилган хутулар XIV асрда пайдо бўлган. XV асрда тутсилар қирлик келганидан сўнг Руандадаги каби бу ерда ҳам қироллик ташкил этилди. XIX асрнинг 80-йилларида Бурунди (бу даврда Урунди) Руанда билан бирга немислар томонидан ишғол қилиниб, Герман Шарқий Африкаси таркибига қўшилди. Биринчи жаҳон урушидан сўнг Бельгияга Руанда-Урунди ҳудудлари бошқарув мандати топширилди. 1962 йил 1 июлда Бурунди конституцион монархия сифатида мустақилликка эришди. 1966 йилги ҳарбий тўнтаришдан сўнг мамлакат республика деб эълон қилинди. 1990 йилларда давлатда хуту ва тутсилар ўртасида ҳарбий тўқнашувлар бошланди.

БУТАН

Расмий номи — Бутан Қиролиғи. Пойтахти — Тхимпху. Ҳудуди — 47000 км². Аҳолиси — 900000 киши (2001). Давлат тили — дзонг-ке. Дини — махаян буддавийлигининг ламаистик шакли. Пул бирлиги — нгултрум.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Осиё жанубида, Малайнинг шарқида жойлашган давлат. Шарқда, жанубда ва жануби-ғарбда Ҳиндистон, шимолда ва шимоли-ғарбда Тибет билан чегарадош. Тоғли мамлакат. Шарқий Ҳимолайнинг жанубий қисмини эгаллаган. Энг баланд тоғи — Жамолхари (7314 м).

Иқлими — тропик. Дарёлари Брахмапутра ҳавзасига тегишлидир. Мамлакат кальций карбити, гипс захира-ларига эга. Графит, мис, қўрошин, тошқумир, вольф-рам казиб олинади. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат майдонининг 2,8% ини ташкил этади. Тоғ чўққилари қор билан қопланган. Брахмапутра ирмоқлари водий-сида бананлар ўсади. Ҳайвонот дунёсида маймун, йўлбарс, ҳимолай айиқлари, кийик, фил каби ҳай-вонларни учратиш мумкин.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Дав-лат 8 та вилоятга бўлинган. Давлат тузилиши — кон-ституциявий монархия. Давлат бошлиғи — қирол. Ҳуку-мат бошлиғи — Министрлар Кенгаши раиси. Сиёсий партиялар расман мавжуд эмас.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисоди натурал хўжалик ва феодал муносабатлари устун бўлган аграр мамлакат. Тоғлардаги экин майдон-ларида манго, бошоқдилар, цитрус ўсимликлар, ана-нас етиштирилади. Ҳунармандчилик ривожланган бўлиб, устахоналарда совуқ қурол, гилам, мато тўқув-чилиги, ёғочга ишлов бериш амалга оширилади. Тоғ-кон ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта иш-лаш корхоналари фаолият юритмоқда. Асосий савдо ҳамкорлари: Ҳиндистон, Яқин Шарқ мамлакатлари, Европа мамлакатлари, Сингапур.

Тарихи. Замонавий Бутан ҳудуди м. а. VIII асрда Ҳиндистон ҳукмронлиги остига ўтди. XVI асрда Бутан Тибет ҳукмдорларига бўйсунди. 1774 йилда замонавий Бутан ҳудудида яшаган халқлар Хитой ҳукмронлиги остида қолди. XIX асрда инглизлар бостириб кирди. 1907 йилда Тонгси ҳукмдори Угиен Вангчук монарх деб эълон қилинди ва ўз сулоласига асос солди. 1949 йилда Бутан Ҳиндистондан мустақиллик олди. 1954 йил-да ўз парламентини ташкил этди. 1998 йилда қирол ўз ваколатларининг бир қисмидан Миллий Ассамблея фойдасига воз кечди.

БУЮК БРИТАНИЯ

Расмий номи — Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги. Пойтахти — Лондон. Худуди — 244100 км² (Шотланд ороллари билан бирга). Аҳолиси — 60000000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — протестантлик (90%). Пул бирлиги — фунт стерлинг.

Географик жойлашуви ва табиати. Европанинг шимоли-ғарбида, Британ оролларида жойлашган давлат. Буюк Британия оролида Англия, Шотландия ва Уэльс жойлашган. Шимолий Ирландия Ирландия оролининг шимолий қисмида жойлашган. Шимолда Ирландия билан чегарадош, ғарбда Атлантика оксани, шарқда Шимолий денгиз, жануби-шарқда Буюк Британияни Европадан ажратиб турадиган Ла-Манш бўғози билан тутаниб кетган. Англия худудида Пеннин тоғлари (энг юқори нуқтаси — Скэйфел-Пайк (978 м) жойлашган. Пеннин тоғларидан жанубда ва Уэльсдан шарқда Марказий ва Жанубий Англиянинг катта қисмини эгаллаган кенг текислик жойлашган. Минтақанинг чекка жанубида Дортмур тепаликлари (денгиз сатҳидан 610 м) бор. Асосий дарёлари: Темза, Северн, Тайн, Мерс. Шимолий Ирландиянинг катта қисмини текисликлар эгаллаган бўлиб, марказида Британ оролларидаги энг йирик кўл — Лох-Несс (майdonи — 390 км²) жойлашган. Шимолий Ирландиянинг энг баланд нуқтаси Мури тоғларидаги Слив-Донорд (852 м) чўққисидир. Шимолий Ирландиянинг энг йирик дарёлари: Фойл, Юқори Бон ва Қуйи Бон. Шотландия худудлари асосан тоғлардан иборат, бироқ уни ўз навбатида уч қисмга бўлиш мумкин: шимолда Хейландс, марказда Сентрал Лоупендс ва жанубда Сазен Апплендс. Шотландиянинг асосий дарёлари: Клойд, Тей, Форс, Твид, Ди ва Спей. Кўп сонли кўллар орасида Лох-Несс, Лох-Тea ва Лох-Кэтринлар алоҳида ажралиб туради. Уэльс ҳам Шотландия каби тоғли худуд, бироқ тоғлар бу ерда унчалик баланд эмас. Асосий тоғ тизмаси Уэльс марказидаги Кембри тоғларидир. Уэльснинг йирик дарёлари — Ди, Уск, Тейфи. Энг йирик кўли — Бала.

Иқлими — юмшоқ ва нам. Фойдали қазилмалардан Шимолий денгиздан қазиб олинадиган нефть ва газ конларига, шунингдек, кўмир ва оҳактош конларига

эгаллик қилади. Буюк Британиянинг 77% ерлари деҳқончилик учун яроқлидир. Англиянинг ўсимлик дунёси анча камбағал, ўрмонлар фақат 4% ҳудудини эгаллаган. Ҳайвонот дунёсида кийик, тулки, қуён ва бўрилар кўплаб учрайди. Қушлардан каклик, кабутар, қарға ва бошқалар кўп тарқалган. Кўллар ва дарёларда турли балиқлар кўп.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — парламентар монархия. Давлат бошлиғи — қирол (қиролича). Монарх қонун лойиҳаларини тасдиқлайди, титул ва унвонлар беради, бироқ амалда фақат рамзий ҳокимиятга эга. Олий қонун чиқарувчи органи — Жамоа палатаси (630 депутат) ва Лордлар палатаси (1000 та зодагонлар ва диний пэрлар)дан иборат парламент. Олий ижроия органи — премьер-министр бошчилигидаги Министрлар Кабинети. Буюк Британия маъмурий жиҳатдан 4 та маъмурий-сиёсий қисм (тарихий провинциялар)дан: Англия (39 графлик, 6 метрополия графлиги ва Катта Лондон), Уэльс (8 графлик), Шотландия (9 район ва 3 орол ҳудудлар), Шимолий Ирландия (26 округ)лардан ташкил топган. Мэн ва Норманд ороллари устидан алоҳида назорат ўрнатилган. Буюк Британияга қарам ҳудудлар: Ангилья, Бермуд ороллари, Ҳинд океанидаги британ ҳудудлари, Британ Виргин ороллари, Кайман ороллари, Фолкленд ороллари, Гибралтар, Жерси, Гернси, Мэл ороли, Монтсеррат, Питкерка ороллари, Муқаддас Елена ороли, Жанубий Жоржия ва Жанубий Сандвич ороллари, Теркс ва Кайкос ороллари. Қарам ҳудудлар ҳозиргача Буюк Британиянинг денгизорти мулклари деб номланиб, улар тўлиқ мустақил давлат ҳисобланмайди. Шунга қарамасдан улар ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқига ва қонунчилик органларига эга. Асосий сиёсий партиялари: Консерваторлар партияси, Лейбористлар партияси, Либерал демократлар партияси. Шотланд миллий партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Буюк Британия иқтисоди ривожланган давлат бўлиб, жаҳондаги саккизта энг ривожланган давлатлар қаторига киради. Мамлакат саноатида қазиб олиш соҳалари алоҳида аҳамият касб этади. Ўз ҳудудидаги шахталарнинг ёпилиши ва кўмир қазиб олишнинг қисқариши билан бир вақтда Шимолий денгиздан нефть ва газ

қазиб олиш кўпайтирилмоқда. Саноатнинг бошқа тармоқларидан транспорт машинасозлиги (автомобилсозлик, кемасозлик), аэрокосмик саноат (АҚШ ва Франциядан кейин учинчи ўринда)да оддий ва ҳарбий самолётлар, вертолётлар ва авиадвигателлар ишлаб чиқарилади, озиқ-овқат саноати (машҳур шотланд вискиси, жун ва сут ишлаб чиқарилади), умумий машинасозлик (қишлоқ хўжалиги техникаси, станоклар, тўқимачилик асбоб-ускуналари), электроника ва электротехника (компьютерлар, дастурлаштириш, процессорлар, суперкомпьютерлар, телекоммуникация воситалари, тиббиёт анжомлари, маиший техника), кимё саноати (дори ишлаб чиқариш — жаҳонда 4-ўринда, агрохимия, парфюмерия, янги материаллар ва биотехнология), металл ишлаб чиқариш, целлюлоза-қоғоз саноат соҳалари юксак тараққий этган. Замонавий саноатнинг тараққиёти юксак технологияларнинг тараққий этганлиги билан белгиланади. Буюк Британия илмий-техникавий потенциал даражаси бўйича Европада энг юқори ўринни эгаллайди. Мамлакат олимлари олган Нобель мукофотлари сони бўйича АҚШдан кейин 2-ўринни эгаллайди. Буюк Британия меҳнат захираларининг 12% и молия секторида банд. Лондон жаҳон молия маркази сайёрамизнинг молия пойтахти ҳисобланади. Шунингдек, Манчестер, Кардифф, Ливерпуль, Эдинбург шаҳарлари ҳам йирик молиявий марказлардир. Аҳамияти бўйича 2-ўринда турадиган соҳа — туризм. Бу соҳада меҳнатга лаёқатли аҳолининг 7% и банд бўлиб, йилига 8 млрд. доллардан ошиқ даромад келтирилади. Лондон дунёнинг йирик туристик маркази ҳисобланади. Буюк Британиянинг қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз эҳтиёжларининг фақат ярминигина қоплайди. Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари: буғдой, тарик, қанд лавлаги, арпа. Мамлакатдаги чорвачилик соҳасига аср бошларида тарқалган эпидемия сезиларли даражада зарар етказди. Экспорти: саноат маҳсулотлари, ёқилғи, кимё саноати маҳсулотлари, озиқ-овқат. Импорти: саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕҲ мамлакатлари, АҚШ.

Буюк Британия илғор мамлакатлар қатори ривожланган транспорт инфраструктурасига эга. Евротуннелнинг очилиши мамлакатнинг материк билан алоқасини

янада яхшилади. Асосий портлари: Абердин, Белфаст, Бристоль, Кардифф, Дувр, Глазго, Ливерпуль, Лондон, Манчестер, Плимут, Саутгемптон.

Тарихи. М. а. VIII асрдаёқ оролларга кельт-бриттлар келиб жойлашган эдилар. 43 йилда Британия Рим империяси таркибига кирди. VI асрда бир нечта мустақил феодал қироллик ва графликлар ташкил топди. Бриттларнинг бир қисми Франциянинг шимолига келиб жойлашди. VIII асрда норманнлар асосан Даниядан тез-тез мамлакат қирғоқларига ҳужум қилиб турдилар. Улар оролнинг шимоли-шарқий қисмини эгаллаб олишга муваффақ бўлишди. IX асрда қирол Эгберт катта ҳудудларни бир давлатга бирлаштирди ва бу давлат Англия деб атала бошлади. 1066 йили Буюк Британиядаги майда қиролликлар норманн саркардаси Вильгельм томонидан босиб олиниб, ягона давлатга бирлаштирилди. 1265 йили тарихда дастлабки инглиз парламенти тузилди. 1338 йили Англия Францияга қарши юз йиллик урушга кирди. Бу уруш 1453 йилга қадар давом этди. Бу уруш тугаши билан Англия тахти учун урушлар («гуллар уруши») бошланиб, 1485 йили Тюдорлар сулоласининг ғалабаси билан якунланди. 1588 йили «Енгилмас Армада»нинг (испан флоти) яқсон қилиниши Англияни денгизда асосий ҳукмрон давлатлар қаторига олиб чиқди. XVII аср бошларида Англия ўзининг Янги дунёдаги мустамлакаларига эга бўлди. 1603 йили шотланд қироли Яков VI Яков I номини олиб инглиз тахтига ўтириши билан амалда Шотландия ва Англия битта давлатга бирлашди. Бироқ Буюк Британия қироллиги 1707 йили бирлашиш тўғрисидаги ҳужжат имзолангандан кейингина эълон қилинди. Шу пайтдан бошлаб Лондон ягона давлат пойтахтига айланди. 1642—1649 йилларда Стюартлар билан парламент ўртасидаги тортишувлар қонли фуқаролар урушининг бошланишига олиб келди. Натижада Оливер Кромвель бошчилигида республика эълон қилинди. Монархия тез орада қайта тикланди, бироқ қиролнинг ҳуқуқлари сезиларли даражада камайиб, амалда ҳокимият парламент қўлига ўтди. 1651 йили Ирландия, 1652 йили эса Шотландия босиб олинди. Британ колониал империяси асосан XVIII асрда шаклланди. XVIII аср охирларида Буюк Британия Америкадаги 13 та мустамлакасидан ажралди, бироқ Канада ва Ҳиндистонда

мустаҳкамланиб олди. 1805 йили Трафальгар яқинида адмирал Нельсон томонидан испан-француз флотининг яксон қилиниши билан Буюк Британия «денгизлар хўжайини»га айланди. 1793—1815 йилларда Англия Францияга қарши урушларда интирок этди. 1815 йили инглиз саркардаси герцог Веллингтон прусс қўшинлари билан бирга Ватерлоо яқинидаги жангда Наполеон устидан йирик ғалабага эришди. Шундан сўнг мамлакатда бутун юз йил давомида тинчлик ҳукм сурди. Айнқса, қиролича Виктория (1837—1901) даврида Буюк Британия мулклари жуда кенгайди. Англия Антанта таркибида I жаҳон урушида фаол иштирок этди. Уруш натижасида мамлакат Африка ва Осиёдаги немис колонияларининг бир қисмини қўлга киритди. 1931 йили Британ Миллатлар Ҳамдўстлиги тузилди. 1939—1945 йилларда Англия II жаҳон урушида қатнашди. 1947 йили Ҳиндистон ва Покистонга мустақиллик берди. 1949 йили эса мамлакат НАТОга аъзо бўлди. 1982 йили Фолкленд ороллари учун Англия Аргентина билан тўқнашувга борди. Қисқа давом этган жанговор ҳаракатлардан сўнг инглизлар бу ҳудудлар устидан ўз назоратларини ўрнатдилар. 1979—1990 йилларда консерваторлар ҳукумати Маргарет Тетчер бошчилигида иқтисодий ислоҳотлар ўтказди. 1997 йили умумий сайловларда Лейбористлар партияси ғалаба қозонди ва Тони Блэр премьер-министр лавозимини эгаллади.

ВАНУАТУ

Расмий номи — Вануату Республикаси. Пойтахти — Порт-Вила. Ҳудуди — 14800 км². Аҳолиси — 200000 киши (2001). Давлат тили — бислама, инглиз, француз. Дини — протестантлар (58%), католиклар (15%) ва бошқалар. Пул бирлиги — вату.

Географик жойлашуви ва табиати. Тинч океаннинг жануби-ғарбий қисмидаги Янги Гибрид оролларида жойлашган Океания давлати. Вануату давлати ўз ичига 80 дан ортиқ оролни қамраб олган бўлиб, улардан йириклари — Эспириту-Санто, Малакула, Амбрим, Эфате, Эфраманго. Ороллар сатҳи келиб чиқishi вулқонли бўлган тоғлар билан қопланган. Жами 60 дан ортиқ вулқон мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари ҳамон ҳаракатдадир.

Иқдими — нам, тропик. Асосий табиий захиралари: марганец, олтин, кумуш, мис, балиқ, ёғоч, нефть. Шамолли шарқий сўқмоқлари нам тропик ўрмонлар билан қопланган. Оролларда кемирувчилар, калтаке-сақлар, тошбақалар, қуш ва ҳашаротлар мавжуд.

Давлат тuzилиши, сиёсий партиялари. Вануату давлати Буюк Британия раҳбарлигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирувчи республика. Давлат бошлиғи — президент, ҳукумат бошлиғи — премьер-министр. Мамлакат маъмурий жиҳатдан 6 провинцияга бўлинган. Пойтахти Эфате оролида жойлашган. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали Миллий ассамблеядан иборат. Сиёсий партиялари: Миллий бирлашган партия, Вануату партияси, Янги халқ партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисодининг асосини қишлоқ хўжалиғи ташкил этади. Маданий ўсимликлардан какао, кофе, копра, банан, ямс, маниок, мевалар, шоколад дарахти ўстирилади. Иқтисоднинг бошқа соҳаларидан балиқчилик ва туризм ҳам ривожланган. Чорвачилик ривожланмоқда. Саноат суст ривожланган бўлиб, корхоналар асосан қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини қайта ишлашга, ёғоч ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Асосий савдо ҳамкорлари: Нидерландия, Япония, Австралия, Янги Зеландия, Янги Каледония. Транспорт коммуникацияларида автомобиль йўллари мавжуд. Асосий порти — Порт-Вила.

Тарихи. Ороллар аҳолиси аجدодлари м. а. III минг йилликларда Осиёдан кўчиб келишган. 1774 йилда ороллар португаллар томонидан кашф қилинди. XVIII асрда ороллар машҳур инглиз денгизчиси Ж. Кук томонидан ўрганилди. XIX асрда оролларни француз ва инглизлар мустамлакага айлантиришди. 1887 йилда Янги Гибрид ороллари бошқариш учун француз ва инглиз комиссияси ташкил этилади. 1906 йилда ушбу комиссия кондоминиум деб атала бошлади. 1980 йил 30 июлда ўз мустақиллигини эълон қилди.

ВАТИКАН

Расмий номи — Давлат-шаҳар Ватикан. Пойтахти — Ватикан. Ҳудуди — 0,44 км². Аҳолиси — 900 киши (2001). Давлат тили — итальян ва лотин. Дини — католиклар (100%). Пул бирлиги — евро.

Географик жойлашуви ва табиати. Италиянинг пойтахти Рим шаҳрининг ғарбий қисмида (Монте Ватикано тепалигида), католик черкови бошлиғи Рим папасининг резиденцияси ҳудудида жойлашган кичик давлат.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — мутлақ теократик монархия. Давлат бошлиғи — ҳозир Рим папаси Бенедикт XVI бўлиб, унга Ватикандаги мутлақ ҳокимият тегишлидир. Рим папаси йўқлигида Ватиканга Авлиё Рим черкови камерленги раҳбарлик қилади. Шунингдек, Ватикан ўз ҳукумати — Рим қурясига эга.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Ватикан йирик капитал маблағлари, бир қатор компания ва банкларнинг акциялари, Италия, Испания, Германия ва Лотин Америкаси мамлакатларидаги йирик кўчмас мулкларнинг эгаси ҳисобланади. Ватиканнинг маблағлари АҚШда 50 млрд. доллардан ортиққа баҳоланган. Даромадининг бошқа манбалари — миллий католик черковларининг бадаллари, почта маркалари, тангалар, сувенирлар ишлаб чиқариш ва сотишдан тушадиган маблағлардир. Ватикан турли мамлакатларда 50 дан ошиқ тилда 1,5 минг хилдан ортиқ газета ва журналлар нашр қилади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларига ўз радиоэшиштиришларини тарқатади.

Тарихи. XIV асрда Римда папанинг доимий қароргоҳи жойлашган қаср қурилган. XVIII—XIX асрларда Италияда мустақил теократик давлат сифатида Папа вилояти мавжуд эди. Ватикан ўз номини 1870 йилда Рим папасининг қароргоҳи бўлиб келган сарой номидан олган. 1871 йили италиян ерлари бирлаштирилиб, папа диний ҳокимиятдан маҳрум этилди. 1929 йилда тузилган Латеран битимларига кўра Ватикан Рим папасининг қароргоҳига айланди. Ватиканга Римда ва унинг ташқарисидаги ўнлаб бинолар тегишлидир. Ватикан ўз байроғи, валютаси, армияси, радиостанцияси ва газеталарига эга. Кардинал Йозеф Ратцингер 2005 йил апрелида Бенедикт XVI номи билан Рим папаси этиб сайланди.

ВЕНГРИЯ

Расмий номи — Венгрия Республикаси. Пойтахти — Будапешт. Ҳудуди — 93032 км². Аҳолиси — 10000000 киши (2001). Давлат тили — венгр. Дини —

|| католиклар (68%), протестантлар (25%). Пул бирлиги — форинт.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Европада жойлашган давлат. Шимолда Словения, шарқда Руминия, шимоли-шарқда Украина, жанубда Сербия, Хорватия ва Словения, ғарбда Австрия билан чегарадош. Венгрия худуди асосан текисликлардан иборат. Венгр-словак чегарасининг бир қисмини ташкил қиладиган Дунай кескин жанубга бурилиб, мамлакатни икки қисмга ажратади. Ўрта Дунай текислиги Дунай дарёсидан шарқда жойлашган бўлиб, шимолини Венгриянинг энг юқори нуқтаси — Кекеш тоғи (1015 м) жойлашган Альп чўққилари эгаллаган. Ғарбда баланс бўлмаган Мешек ва Бакони тоғлари ҳамда Марказий Европадаги энг йирик кўл — Балатон жойлашган.

Иқлими — мўътадил, континентал. Асосий дарёлари: Дунай, Тиса. Фойдали қазилмалардан: боксит, кўмир, табиий газ мавжуд. Баргли ўрмонлар мамлакат худудининг 17% ини эгаллаган. Эманзорлар асосан ўрта тоғлик районларида сақланиб қолган. Ҳайвонот дунёсида тулки, қуён, ёввойи чўчқа, кийиклар мавжуд. Қушлардан лайлак, турна ва ёввойи ўрдакларни кўплаб учратиш мумкин.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Венгрия — парламентар республика. Ижро этувчи ҳоқимият президентга ва премьер-министр бошчилигидаги ҳукуматга тегишлидир. Қонун чиқарувчи ҳоқимият бир палатали парламент — Давлат йиғини томонидан амалга оширилади. Венгрия 19 вилоятга бўлинган бўлиб, мамлакат пойтахти Будапешт алоҳида мақомга эга. Мамлакатда 50 дан ортиқ сиёсий партия ва уюшмалар рўйхатга олинган бўлиб, улардан энг йириклари — Венгрия демократик форуми, Христиан-демократик халқ партияси, Эркин демократлар иттифоқи, Венгрия социалистик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Венгрия — аграр-индустриал давлат. Ривожланган саноат соҳалари: машинасозлик (автомобилсозлик, локомотив-кемасозлик), асбоб-ускунасозлик (алоқа воситалари, ЭҲМ, тиббиёт анжомлари), кимё, енгил (тўқимачилик, пойабзал) ва озиқ-овқат саноати. Мамлакатда кўп миқдорда бокситлар қазиб олинади (Европада 2-ўринда). Марганец ва темир рудаси конлари

ҳам кўп. Мамлакатда қора ва рангли металлургия корхоналари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Кимё саноати турли хил ўғитлар, пластмасса, синтетик материаллар ва дори-дармонлар ишлаб чиқаради. Тўқимачилик, тикувчилик ва пойабзал саноати ҳам ривожланган. Озиқовқат ишлаб чиқарувчи корхоналар мамлакат ҳудуди бўйлаб кенг тарқалган. Қишлоқ ҳўжалиги экинлари мамлакат ҳудудининг 75% ини эгаллайди. Бугдой, тарик, маккажўхори, қанд лавлаги, картошка, кунгабоқар, мевалар етиштирилади. Узумчилик ва боғдорчилик кенг тарқалган. Бу ерда тайёрланадиган тоқай винолари дунёга машҳур. Чорвачилик йирик шохли қорамоллар ва чўчқаларни боқишга ихтисослашган. Йилқичилик ривожланган. Парранда боқиш муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда туризм яхши ривожланмоқда. Асосий савдо ҳамкорлари: Германия, Австрия, Италия, Россия, Нидерландия.

Асосий дарё портлари: Будапешт, Дунайварош.

Тарихи. М. а. I аср охирида замонавий Венгрия ҳудуди Паннония провинцияси сифатида Рим империяси таркибига кирди. IV асрда Рим империясининг инқирозидан сўнг Паннонияга V—IX асрларда хунлар, вестготлар, аварлар бостириб киришган. 1000 йилда Иштван I бошчилигида Биринчи Венгр қироллиги ташкил топди. XIII асрда Венгр қироллиги ўзаро урушлар ҳамда татарлар босқинлари (1241) оқибатида заифлашиб қолди. XVI асрда Венгрия ўз мустақиллигини йўқотди. 1526 йили Мохач ёнидаги жангда венгр кўшинлари турклар томонидан тор-мор қилинди. Турклар Буда шаҳрига бостириб кириб, уни талон-тарож қилишди. Мамлакат икки қисмга бўлиниб, ғарбий қисми Габсбурглар, шарқий қисми эса 1541 йилда Усманийлар империяси ҳукмронлиги остига тушиб қолди. XVII аср охирида турклар ҳозирги Венгрия ҳудудидан сиқиб чиқарилади ва у бутунлай Габсбурглар ҳукмронлиги остига тушиб қолади. 1867 йилда Австро-Венгрия қироллиги ташкил этилади. 1914 йилда Австро-Венгрия I жаҳон урушига кирди. Уруш тугаганидан сўнг 1918 йил октябрида мамлакатда инқилоб бошланди, натижада Венгрия мустақил республика деб эълон қилинди. 1919 йил 21 мартда ҳокимият Бела Кун бошчилигидаги Социалистик партия қўлига ўтди. 1919 йил августида румин кўшинлари Пештни босиб олишди. 1920 йилда

эса адмирал Хортининг диктаторлик режими ўрнатилди. 1941 йилда Венгрия II жаҳон урушига Германиянинг иттифоқчиси сифатида кирди. 1946 йил 1 февралда Венгрия республика деб эълон қилинди. Венгриянинг ҳозирги чегаралари 1947 йилги Париж тинчлик шартномасига кўра ўрнатилган. 1949 йилда мамлакат янги конституция ва янги — Венгрия Халқ Республикаси деган номга эга бўлди. 1956 йил октябрида Ракошнинг коммунистик режимига қарши кўзғолон кўтарилди, бу кўзғолон совет кўшинлари томонидан бос-тирилди. 1989 йили коммунистлар ҳокимиятдан четлаштирилди ва мамлакат Венгрия Республикаси деб эълон қилинди. 1999 йилдан Венгрия НАТОнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди.

ВЕНЕСУЭЛА

Расмий номи — Венесуэла Республикаси. Пойтахти — Каракас. Ҳудуди — 912100 км². Аҳолиси — 24600000 киши (2001). Давлат тили — испан. Дини — католик. Пул бирлиги — боливар.

Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Америкадаги давлат. Жанубда Бразилия, ғарбда ва жануби-ғарбда Колумбия, шарқда Гайана давлатлари билан чегарадош. Шимолий қирғоқлари Кариб денгизи ва Атлантика океани билан туташган. Мамлакатнинг шимоли ва шимоли-ғарбида Кариб Андлари тоғ занжирининг Сиерра-де-Периха, Кордильера-де-Мерида тизмалари жойлашган. Венесуэланинг энг юқори нуқтаси — Боливар чўққиси (5007 м). Мамлакат марказида Ориноко пастлиги, жануби-шарқда Гвиана текис тоғликлари жойлашган. Тоғ тизмалари орасида ботиқлар ва чўкмалар кўп бўлиб, у ерларда кўллар ҳосил бўлган. Йирик кўллари — Маракайбо ва Валенсия.

Иқлими — субэкваториал. Асосий дарёси — Ориноко (ирмоқлари билан). Мамлакат нефть, табиий газ, темир рудаси, олмос, олтин, кумуш, мис, рух, титан, марганец захираларига эга. Венесуэланинг доимий яшил ўрмонларида қимматбаҳо дарахт турлари мавжуд. Ҳайвонот дунёсида маймун, айиқ, ялқов, чумолихўрларни учратиш мумкин.

Давлат тuzилиши ва сиёсий партиялари. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Ижро этувчи

ҳокимият Министрлар Кенгашига ҳам тегишлидир. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали — Сенат ва Депутатлар палатасидан ташкил топган Миллий Конгрессдан иборат. Ҳар бир штатнинг ўз қонун чиқарувчи йиғини мавжуд. Венесуэла — республика, 22 та штатга бўлинган. Сиёсий партиялари: Демократик фаолият, Социал-христиан партияси, Миллий бирдамлик.

Иқтисоди ва транспорт коммуникациялари.

Мамлакат иқтисодининг асосини нефтни қайта ишлаш саноати ташкил этади. Нефть қазиб олишдан келадиган фойда давлат бюджетига тушадиган даромаднинг асосий қисмини ташкил этади. Қўйидаги саноат соҳалари ривожланган; темир рудасини қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш, нефть кимёси, металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат, автомобилсозлик. Маккажўхори, дуккакдилар, шакарқамиш, шоли, сорго, картошка, сабзавотлар, қаҳва, банан етиштирилади. Чорвачилик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳам кенг йўлга қўйилган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Бразилия, Колумбия, Япония, Италия, Германия.

Тарихи. 1498 йилда Х. Колумб ҳозирги Венесуэла ерларини кашф қилди. XVI асрдан бошлаб испанлар мамлакатни мустамлака қила бошлайди. 1567 йилда мамлакат пойтахти Каракасга асос солинди. XVIII асрнинг биринчи ярмида Венесуэла Испания вице-қироллигининг таркибий қисмига айланди. XIX аср бошларидан мустақиллик учун кураш бошланди. Мустақиллик учун курашга Симон Боливар раҳбарлик қилди. Бир қатор ғалабалар ва мағлубиятлардан сўнг Венесуэла тўла мустақилликни 1830 йилда қўлга киритди. XX аср ўрталаригача мамлакатда ҳарбий тўнтаришлар ва инқилоблар бўлиб турди. 1958 йилдагина мамлакатда фуқаролик демократияси ўрнатилди. Мамлакат иқтисоди нефть экспорти ҳисобига тез суръатлар билан ривожланди. 1974 йилда нефть саноати миллийлаштирилди. 1980 йилларнинг ўрталарида мамлакатда молиявий-иқтисодий инқироз бошланиб, оммавий намойишларга, иш ташлашларга олиб келди. 1990 йилларда бир қатор ҳарбий тўнтаришларни амалга ошириш учун ҳаракатлар бўлиб, уларнинг барчаси ҳукумат қўшинлари томонидан бос-тирилди.

ВИРГИН ОРОЛЛАРИ

Расмий номи — Виргин ороллари (АҚШ). Пойтахти — Шарлотта-Амалия. Худуди — 355 км². Аҳолиси — 121000 киши (2000). Давлат тили — инглиз. Дини — христианлик (католиклар, баптистлар). Пул бирлиги — АҚШ доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Виргин ороллари Шимолий ва Жанубий Америка оралиғида, Пуэрто-Рико оролидан шарқда, Кичик Антиль ороллари шимолий қисмида жойлашган, АҚШга қарашли ҳудуд. Виргин ороллари таркибига 50 дан ортиқ ороллар киради. Улардан энг йириклари: Сент-Томас, Сент-Жон, Санта-Круз. Оролларда оҳақтошли, шунингдек, кристалли ва вулқонли даҳалар ҳам бор.

Иқлими — тропик. Доимий яшил тропик ўрмонларнинг қолдиқлари бор. Қолган ҳудудлар қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ҳисобланади. Ҳайвонот дунёсида маймунлар ва колибри, тўти каби қушлар бор.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — ороллар устидан умумий назоратни АҚШ Ички ишлар вазирлиги амалга оширади. Ижроия ҳокимият губернаторга тегишли, маъмурий жиҳатдан 3 та оролга бўлинган. Пойтахти Шарлотта-Амалия Сент-Томас оролида жойлашган. Сиёсий партиялари: АҚШ Демократик ва Республикачилар партияларининг бўлимлари, Фуқаролар мустақиллиги ҳаракати.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодининг асосини чет эл тизими ташкил қилади. Дунёдаги энг йирик нефтни қайта ишлаш заводларидан бири Сен-Кроа оролида жойлашган. Чорвачилик ва балиқчиликни ривожлантириш учун чора-тадбирлар кўрилмақда. Четдан келтириладиган деталлардан соатлар йиғиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ром ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Қишлоқ хўжалигида сорго, шакарқамиш, мева ва сабзавотлар етиштирилади. Четдан нефть хом ашёси, саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат келтирилади. Четга нефть маҳсулотлари, шакар, ром, цитрус мевалар, қаҳва экспорт қилинади. Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, Канада, АҚШ, Пуэрто-Рико.

Тарихи. Колумб экспедицияси 1493 йили оролларга келган. Дастлабки аҳоли пунктлари 1625 йили

Санта-Круз оролида англиз ва француз мустамлакачилари томонидан барпо қилинган. Турли вақтларда ороллар устидан англизлар, французлар, испанлар ўз назоратини ўрнатган. 1733 йили оролларни данияликлар сотиб олишди (1754 йили расмий равишда Дания мустамлакаси деб эълон қилинди). 1672 ва 1683 йилларда данияликлар Сент-Томас ва Сент-Жон оролларини ҳам мустамлакага айлантирган эди. Данияликлар ҳукмронлиги даврида Сент-Томас ороли савдо марказига (шунингдек, қул савдосининг ҳам), Сент-Жон ороли эса шакарқамиш плантацияларига айлантирилиб, уларда қуллар ишлатилган. Қуллик мавжуд бўлган даврда (1848 йилгача) оролга 28 минг негр қуллар келтирилган. Дания ороллар устидан 1917 йилга қадар (Наполеон урушлари давридаги қисқа даврни ҳисобга олмаганда) эгаллик қилиб келди. Шундан сўнг Дания бу оролларни АҚШ га 25 миллион долларга сотди. 1932 йили оролда яшовчиларга АҚШ фуқаролиги берилди. Бу ерда АҚШ ҳарбий базаси қурилган. 1973 йили Виргин ороллари АҚШ конгрессининг депутатлар палатасига I та депутат ўтказишга муваффақ бўлган (лекин овоз бериш ҳуқуқига эга эмас).

ВИРГИН ОРОЛЛАРИ

(Буюк Британия)

Расмий номи — Виргин ороллари (Буюк Британия мулки). Пойтахти — Род-Таун. Ҳудуди — 153,4 км². Аҳолиси — 20000 киши (2000). Давлат тили — англиз. Дини — протестантлик. Пул бирлиги — шарқий кариб доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Виргин ороллари 400 дан ортиқ ороллардан иборат (улардан 16 тасида одам яшайди). Улардан энг катталари Тортола, Виржин-Горда, Анегада. Виргин ороллари Кичик Антиль оролларининг шимолий қисмида, Пуэрто-Рикодан шарқда жойлашган. Ороллар оҳақтошлар билан қопланган.

Иқлими — тропик. Доимий яшил тропик ўрмонларнинг қолдиқлари бор, қолган ерлари қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар. Маймун, колибри, тўти, денгиз қушлари яшайди.

Давлат тузилиши, сиёсий тартиблари. Давлат тузилиши — Буюк Британия мулки, алоҳида ҳудуд. Давлат бошлиғи — молия, ички хавфсизлик, мудофаа бошқаруви, ташқи сиёсат, давлат хизмати, ҳуқуқ тартибот тизимини бошқарадиган, Буюк Британия қиролчаси томонидан тайинланадиган губернатор. Сиёсий партиялари: Виргин ороллари партияси, Бирлашган партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодининг асосини чет эл туризми ташкил этади. Цемент, ром, енгил саноат, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолият кўрсатади. Кокос ёнғоғи, банан, шакарқамиш, сабзавотлар етиштирилади. Имporti: машина ва жиҳозлар. Экспорти: ром, балиқ, қум, шағал, мевалар, чорвачилик маҳсулотлари. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Пуэрто-Рико, Виргин ороллари (АҚШ).

Тарихи. 1493 йилда Х. Колумб экспедицияси оролга келиб тушган. Европаликлардан биринчилардан бўлиб голландлар (1648) яшай бошлаганлар. Англияликлар дастлаб 1666 йилда оролга келган. Улар келиши билан қуллар меҳнатига асосланган плантациялар хўжалиги ривожлана бошлаган. Қулчилик тугатилгунига қадар (XIX аср ўрталарида) оролга етти минг негр қуллар келтирилган. 1762 йилдан Буюк Британиянинг расмий мустамлакаси. 1960 йилда расман алоҳида ҳудуд деб эълон қилинди. 1967 йилда оролга чегараланган ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи берилди.

ВЬЕТНАМ

Расмий номи — Вьетнам Социалистик Республикаси. Пойтахти — Ханой. Ҳудуди — 329600 км². Аҳолиси — 78700000 киши (2001). Давлат тили — вьетнам. Дини — буддавийлар (55%), мажусийлар (23%), даосийлар (12%), католиклар (10%). Пул бирлиги — донг.

Географик жойлашуви ва табиати. Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган давлат. Фарбда Камбоджа ва Лаос, шимолда Хитой билан чегарадош. Шарқий ва жанубий соҳиллари Жанубий Хитой денгизи билан туташган. Вьетнам Ҳиндихитой ярим оролининг шарқий қисмида жойлашган. Мамлакат 4 та физик-географик ҳудудга бўлинган. Шимолда жойлашган Юннан тоғли-

гида мамлакатнинг энг юқори нуқтаси — Фон-Си-Пан (3143 м) тоғи жойлашган.

Иқлими — шимолда субтропик, жануби-шарқда ва марказида тропик муссонли. Мамлакатнинг асосий дарёлари — Меконг ва Хонгха бўлиб, улар Жанубий Хитой денгизига қуйилади. Мамлакат ҳудудида темир рудаси, марганец, бокситлар, кўмир захиралари мавжуд. Денгиз шельфларида нефть ва газ конлари топилган. Тоғли ҳудудларда тропик ўрмонларининг катта бўлмаган майдонлари сақланиб қолган. Бу ерда кенг баргли бамбук, лиана, баньян каби дарахтлар ўсади. Вьетнам ҳудудида фил, айиқ, йўлбарс, кийик, маймун, қуён, олмахон каби ҳайвонларни учратиш мумкин. Тимсоҳ, илон, калтакесақлар кенг тарқалган.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Мамлакат ҳудудий жиҳатдан 61 та провинцияга бўлинган. Мамлакат аҳолисининг 90% и Хоника ва Меконг дарёлари ҳавзасида яшайди. Давлат тузилиши — республика. Давлат бошлиғи — президент. Ҳукумат бошлиғи — премьер-министр. Сиёсий партияси — Вьетнам коммунистик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисоди давлат, кооператив ва хусусий секторлардан таркиб топган. Вьетнам Жануби-Шарқий Осиёнинг «Янги индустриал мамлакат»лари қаторига киради. Саноатнинг тоғ-кон, металлургия, энергетика, асбоб-созлик тармоқлари ривожланмоқда. Нефть, апатитлар, хромитлар, қалайи, вольфрам қазиб олинади. Мамлакат ўз-ўзини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлашга эришди. Шоли, шакарқамин, чой, қаҳва, пахта, батат, тропик мева ва сабзавотлар етиштирилади. Асосий савдо ҳамкорлари: Хитой, Япония, Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань, Таиланд, Россия.

Тарихи. Мамлакат ҳудудида м. а. 300 йилда Донгсон давлати гуллаб-яшнади. М. а. 111 йилда Вьетнам Хитой томонидан босиб олинди. 939 йилда хитойликлар мағлубиятга учраб, дастлабки вьетнам сулоласига асос солинади. 1471 йилда Шимолий ва Жанубий Вьетнамнинг бирлашиш жараёни бошланди. 1858 йилда Франция томонидан Вьетнам босиб олинди. 1930 йилда Хо Ши Мин коммунистик партияни ташкил этди ва мустақиллик учун кураш бошлади. 1946 йилда Вьетнам французлар ва уларнинг мустамлакачилик сиёса-

тига қарши кураш бошлади. 1954 йилда Женева келишувига асосан Вьетнам 17-параллел бўйлаб иккига бўлинди. Шимолни коммунистлар, жанубни АҚШ қўллаб-қувватлади. 1964 йили Шимол қўшинлари АҚШ нинг кичик кемаларига ҳужум қилганидан сўнг ҳарбий ҳаракатлар бошланиб кетди. 1973 йилда АҚШ қўшинлари Вьетнамдан олиб чиқилди.

1992 йилда янги конституция қабул қилинди. 1995 йилда Вьетнам АҚШ билан дипломатик муносабатларини қайта тиклади.

ГАБОН

Расмий номи — Габон Республикаси. Пойтахти — Либревиль. Ҳудуди — 267667 км². Аҳолиси — 1200000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — христианлик (60%), мажусийлик (39%), ислом (1%). Пул бирлиги — африка франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Африканинг ғарбида жойлашган давлат. Шарқда ва жанубда Конго (чегара узунлиги — 1903 км), шимолда ва ғарбда Камерун ва Экваториал Гвинея билан чегарадош (648 км). Ғарбда Габон Атлантика океанига туташиб кетган. Асосий йирик дарёси — Огове. Асосий табиий бойликлари — нефть, уран, олтин, темир рудаси, марганец. Ҳудудининг 78% и намлик даражаси юқори бўлган тропик ўрмонлар билан қопланган. Габон ҳудудининг деярли ўртасидан экватор кесиб ўтади.

Иқлими — нам ва иссиқ. Ҳайвонот дунёси ўта бой ва хилма-хил. Фил, кўтос, антилопа, қоплон ва бошқалар шулар жумласидандир.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президентлик республикаси. Мамлакат 9 вилоятдан иборат. Габон 1960 йилнинг 17 августда ўз мустақиллигига эришган. 17 август Миллий мустақиллик куни сифатида байрам қилинади. Давлат бошлиғи — президент. Ҳукумат ва Бош вазир президент томонидан тайинланади. Қонун чиқарувчи олий органи бир палатали парламент — Миллий Мажлис. Мамлакатда 70 дан ошиқ сиёсий партиялар мавжуд. Уларнинг энг йириклари — Габон Демократик Партияси, Габон Тараққиёти Партияси ва Миллий Уйғониш ҳаракати.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Йирик миқдордаги табиий бойликларга эга бўлганлиги сабабли Габон Африканинг ривожланган давлатларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётнинг етакчи соҳаси нефть экспортидир. Бундан ташқари саноатнинг бошқа соҳалари — ёғочни қайта ишлаш, тўқимачилик, кон ишлари яхши ривожланган. Қишлоқ хўжалигида асосан шакарқамиш, какао, банан, маккажўҳори ва шоду етиштирилади. Экспортга нефть, марганец, тонкўмир, уран хом ашёси чиқарилади. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, АҚШ ва Япония. Йирик портлари: Либревиль, Порт-Жангиль.

Тарихи. Бугунги Габон ҳудуди XV асрда португаллар томонидан очилган. Габонни мустамлакалаштириш жараёни унинг 1889 йилда француз Конгосига қўшилиши билан якунланди. Габон 1910 йилда Француз Экваториал Африкасининг таркибий қисмига айланди. 1960 йилда Габон ўз мустақиллигига эришди.

ГАИТИ

Расмий номи — Гаити Республикаси. Пойтахти — Порт-о-Пренс. Ҳудуди — 27750 км². Аҳолиси — 7000000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — христианлик (95%). Пул бирлиги — гурд.

Географик жойлашуви ва табиати. Гаити — Кариб денгизи ҳавзасидаги Гаити оролининг ғарбий қисмида жойлашган давлат. Шарқда куруқлик орқали оролининг шарқий қисмида жойлашган Доминикан Республикаси билан чегаралаш. Жанубда Кариб денгизи, шимолда Атлантика океани билан туташган. Ғарбдан тор бўғоз Гаитини Кубадан ажратиб туради. Гаити ҳудуди асосан тоғ тизмаларидан иборат бўлиб, энг баланд чўққиси — Ла-Сель (2680 м). Дарёлари унча катта бўлмаган тоғ дарёлари бўлиб, улар асосан 2 та — Гуаямук ва Артибоните. Ҳудудида иккита йирик кўл — Соматр ва Плигр мавжуд бўлиб, улар шўр сувли. Асосий табиий бойликлари: мис, молибден, боксит, олитин ва қумуш.

Иқлими — тропик. Ўсимлик дунёси ўта бой ва хилма-хил. Ғарбий ҳудудлари ўрмон ва бутазорлар, тоғли ҳудудлари эса тоғ ўрмонлари билан қопланган. Гаитида пальманинг бир неча тури учрайди. Мапу дарахти ва

антиль эманнинг баландлиги 30 м гача етади. Бундан ташқари, қизил дарахтнинг қимматбаҳо навлари ҳам сақланиб қолган. Гаити ҳайвонот дунёсининг асосий қисми инсон томонидан қириб ташланган. Шу сабабли унинг ҳудудида йирик жонзотлар деярли сақланиб қолмаган. Соҳил ҳудудларида йирик денгиз тошбақаларини учратиш мумкин.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 9 та департаментга бўлинган. Гаити 1804 йил 1 январда ўз мустақиллигини қўлга киритган. Давлат бошлиғи — президент. Энг йирик сиёсий партиялари: Ўзгаришлар ва Демократия миллий fronti, Демократияни тиклаш ҳаракати, Гаити коммунистлари бирлашган партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Гаити ғарбий ярим шарнинг энг қоқоқ ва қашшоқ аграр давлатларидан бири ҳисобланади. Мамлакат табиий бойликларнинг йирик захирасига эга бўлишига қарамай, саноат ўта суст ривожланган. Саноат бутунлай хорижий сармоя назоратида. Қишлоқ хўжалиги умумий миллий маҳсулотнинг 40% ини етказиб беради. Унинг асосини қаҳва, пахта, шакарқамиш, какао, тамаки етиштириш ташкил этади. Қишлоқ аҳолисининг деярли ярмини ерсиз деҳқонлар ташкил этади. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ ва Франция.

Тарихи. Гаити 1492 йилда Христофор Колумб томонидан кашф қилинган ва Эспаньола номи билан Испаниянинг биринчи мустамлакаси ҳамда Лотин Америкасидаги испан экспансиясининг асосий марказига айланган. Маҳаллий ҳиндулар бутунлай қириб ташланган ва оролдаги плантацияларда ишлатиш учун Африкадан қўллар олиб келинган. XVII аср ўрталарида орол иккига бўлинди ва шарқий қисми (ҳозирги Доминикан республикаси) Испания мустамлакаси, ғарбий қисми эса (ҳозирги Гаити) Франция мустамлакасига айланди. 1791 йилда Туссен Лувертьюр бошчилигидаги қўллар қўзғолони кўтарилди. Туссен Лувертьюр 1802 йилда ўзининг асир қилинишигача бутун Гаитини бошқарди. 1804 йили Гаити Европа давлатлари мустамлакалари ичида ўз мустақиллигини қўлга киритган биринчи давлат бўлди. 1811 йили мамлакатда монархия ўрнатилди. 1820 йилда — Республика. 1849 йилда — Империя деб эълон қилинди. 1859 йилда Гаитида яна Республика бошқа-

руви ўрнатилди. 1915 йили мамлакатга АҚШ қўшинлари бостириб кирди ва 1934 йилгача бошқарувни ўз қўлларига олишти. Шундан сўнг 1986 йилгача Гаитида бошқарув диктаторлик йўли билан амалга оширилди. 1986 йили ҳарбийлар ҳокимиятни ўз қўлларига олишти. 1994 йилдан ҳокимият фуқаролик ҳукумати қўлига ўтди.

ГАЙАНА

Расмий номи — Гайана Кооператив Республикаси. Пойтахти — Жоржтаун. Ҳудуди — 214969 км². Аҳолиси — 700 000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — индуизм (54%), христианлик (27%). Пул бирлиги — гайана доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Американинг шимолий қисмида жойлашган давлат бўлиб, жанубда ва ғарбда Бразилия, шимоли-ғарбда Венесуэла ва шарқда Суринам давлатлари билан чегарадош. Шимолда Гайана Атлантика океани билан туташган. Марказий ва жанубий ҳудудларини Гвиан ясси тоғликлари эгаллаган. Энг баланд чўққиси Рорайма (2772 м). Мамлакат замини боксит, олтин, оломос каби табиий бойликларга бой.

Иқлими — субэкваториал. Ўсимлик дунёси ўта хилма-хил. Гайана ҳудудида дунёнинг бошқа жойларида кам учрайдиган қизил дарахт ва темир дарахти ўсади. Ҳайвонот дунёси бўйича Гайана дунёнинг энг бой давлатидан бири деса бўлади. Унинг ҳудудида дунёнинг бошқа ҳудудларида ўта ноёб ҳисобланган 100 дан ортиқ тур мавжуд. Тимсоҳ ва маймунларнинг энг ноёб турларини Гайанада учратиш мумкин.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Британ Ҳамлўстилиги аъзоси. Мамлакат 10 та округга бўлинган. Гайана 1966 йил 26 майда Британия истибдодидан чиқиб, ўз мустақиллигини эълон қилган. 1970 йилнинг 23 февралда Гайана республика деб эълон қилинган. Ижро ҳокимияти президент ва Бош вазир бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи олий органи бир палатали парламент — Миллий мажлис. Асосий сиёсий партиялари: Халқ тараққиёти партияси (ХТП), Халқ Миллий Конгресси (ХМК).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Гайана аҳоли жон бошига тушадиган даромади бўйича дунёнинг энг қашшоқ давлатларидан бири. Электроэнергетика соҳасининг сустривожланганлиги ва электр қувватининг етишмаслиги халқ хўжалигининг ривожланишига жуда катта тўсиқ бўлмоқда. Саноатнинг асосий соҳаси — тоғ-кон саноати ҳисобланади. Гайана аграр давлат бўлганлиги сабабли, мамлакат халқ хўжалиги ҳаётида қишлоқ хўжалиги асосий ўринни эгаллайди. Қишлоқ хўжалигида асосан шакарқамиш ва шולי етиштирилади, бундан ташқари банан, қаҳва ва цитрус мевалари етиштириш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, АҚШ, Япония.

Тарихи. Туб аҳолиси ҳиндулар ҳисобланган Гайана XVII асрга келиб Голландия истибдодига тушиб қолди. 1914 йилда Буюк Британия мулкига айланди. 1831 йилдан бутунлай Британия мустамлакасига айлантирилди. II жаҳон урушидан кейин мустамлакаларда юзага келган ўзгаришлар туфайли, 1953 йилда Буюк Британия Гайанага ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини берди. 1966 йилда эса унинг мустақиллигини тан олди.

ГАМБИЯ

Расмий номи — Гамбия Республикаси. Пойтахти — Банжул. Худуди — 10402 км². Аҳолиси — 1400000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — ислом. Пул бирлиги — даласи.

Географик жойлашуви ва табиати. Гамбия Ғарбий Африкада жойлашган давлат. Жанубда, шимолда ва шарқда ягона Сенегал билан чегарадош. Ғарбда Атлантика океани билан туташган. Мамлакат майдони асосан текисликлардан иборат. Энг йирик дарёси — Гамбия.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 6 та маъмурий вилоятга бўлинган. Ижро ҳокимияти президентга тегишли. Қонун чиқарувчи олий органи — бир палатали парламент. Гамбия 1965 йилнинг 18 феврилида ўз мустақиллигини эълон қилган. Асосий сиёсий партиялари: Миллий Тараққиёт партияси, Гамбия Халқ партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Табиий ресурсларнинг етишмаслиги ва деҳқончиликнинг ривожланиши учун табиий шароитнинг ўта ноқулайлиги Гамбияни дунёдаги энг қашшоқ мамлакатлардан бирига айлантирган. Мамлакат саноати ўта заиф ривожланган. Қишлоқ хўжалиги ЯММнинг 30% ини етиштириб беради. Экспортга чиқарадиган маҳсулотларининг 75% ини турли ёнғоқлар ва ёнғоқ маҳсулотлари ташкил этади.

Тарихи. Бугунги Гамбия ҳудудлари XIII—XV асрларда Мали империяси таркибига кирган. XV аср охири ва XVI асрда Сонгай империяси бу ерларни ўз таркибига қўшиб олган. XV асрда илк бор португаллар Гамбия соҳилларига келиб жойлашган. XVIII асрга келиб португалларни инглизлар Гамбиядан сиқиб чиқаришди. Версаль шартномасига кўра Гамбия 1888 йилда Буюк Британия мулки деб эълон қилинди. Гамбия 1965 йил 18 февралда мустақилликка эришди. 1881 йил 12 декабрда Гамбия ва Сенегал ўртасидаги ўзаро келишувга кўра бу икки давлат Сенегамбия эркин конфедерациясига бирлашди. Лекин 1989 йили бу келишув бекор қилинди.

ГАНА

Расмий номи — Гана Республикаси. Пойтахти — Аккра шаҳри. Ҳудуди — 238305 км². Аҳолиси — 19 00000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — аҳолининг асосий қисми маҳаллий турли динларга эътиқод қилади, қолган қисми христианлик ва ислом динларига эътиқод қилишади. Пул бирлиги — седи.

Географик жойлашуви ва табиати. Гана Ғарбий Африкада жойлашган давлат. Шарқда Того, шимолда ва шимоли-ғарбда Буркина-Фасо, ғарбда Кот-д'Ивуар давлатлари билан чегарадош. Жанубда Гана Атлантика океани билан туташган. Гана ҳудудининг асосий қисми текисликлардан иборат. Мамлакатнинг шарқида дунёнинг энг катта сунъий кўлларида бири ҳисобланган Вольта кўли жойлашган. Гана ҳудудидаги йирик дарёлар: Қора Вольта, Оқ Вольта ва Вольта дарёлариدير. Олтин, саноат олмоси, боксит, марганец, ёғоч, балиқ ва каучук бу мамлакатнинг асосий бойликларидан ҳисобланади. Соҳилбўйи ўсимлик дунёси унчалик бой эмас. Асосан паст бўйли бутазорлар ва

баобаб дарахтларидан иборат. Марказий ҳудудлардаги ўрмонзорларда қизил ва қора дарахтнинг турли навлари ва пахта дарахти ўсади. Гананинг ҳайвонот дунёси ўта хилма-хил. Саванна ўрмонзорларида исер, қоплон, антилопа, фил, турли маймунларни ва сувли ҳудудларда тимсоҳ ва бегемотларни учратиш мумкин.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президентлик республикаси. Мамлакат 10 та вилоятга бўлинган. Гана 1957 йилнинг 6 мартида ўз мустақиллигини қўлга киритган. Давлат бошлиғи — президент. Йирик сиёсий партиялари: Миллий Демократик Конгресс (МДК), Халқ Ватанпарвар партияси (ХВП).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Хўжаликнинг асосий тармоғи қишлоқ хўжалиғи. Қишлоқ хўжалиғи Гана умумий миллий маҳсулотининг 50% ини етиштиради. Гана какао экспорти бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Бундан ташқари, экспортга олтин, боксит, алюминий, ёғоч ва балиқ маҳсулотларини чиқаради. Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, АҚШ, Германия ва Япония.

Тарихи. Ҳозирги Гана ҳудудларида европаликлар томонидан кашф қилингунгача Догомба ва Мампруси қиролликлари мавжуд бўлган. 1471 йили португаллар Гана қирғоқларидаги ўзларининг биринчи қўналғаларига асос солишган. Кўп йиллар давомида Гана Африка қитъасидаги қул савдосининг маркази бўлиб келган. 1642 йилга келиб португаллар голландлар томонидан Ганадан бутунлай сиқиб чиқарилди. 1871 йилгача Гана Голландия мустамлакаси бўлиб қолди. 1871 йилда Англия Ганани Голландиядан сотиб олиб, Олтин қирғоқ деб номлади. 1957 йилда Гана мустақилликка эришди. 1960 йили республика деб эълон қилинди.

ГВАДЕЛУПА

Расмий номи — Гваделупа (Франциянинг «денгизорти департаменти» ва региони). Пойтахти — Бастер. Ҳудуди — 1800 км². Аҳолиси — 500000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — христианлик. Пул бирлиги — француз франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Кариб денгизидagi Кичик Антиль ороллари архипелагида жойлашган давлат. Гваделупа ороли ва унга яқин

бўлган бир қатор ороллар (Мари-Галант, Дезирад, Ле-Сент, Сен-Бартелми, Птит-Тер ва Сен-Мартен оролининг шимолий қисми)дан ташкил топган. Гваделупа ороли вулқонли келиб чиқишга эга. Тор бўйин оролнинг икки қисмини — Бас-Тер ва Гранд-Терни бирлаштириб туради.

Иқлими — тропик, пассат. Тоғлари нам тропик ўрмонлар билан қопланган. Ҳашаротларнинг ноёб турлари, денгиз ҳайвонлари, қушлар мавжуд.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — Франциянинг «денгиз орти департаменти» ва региони. Департаментни кенг ваколатларга эга бўлган Француз ҳукумати вакили — префект бошқаради. Гваделупа ҳудуди уч округга бўлинган. Халқаро аэропорти Резе Пуэнт-а-Питрадан 3 км узоқликда жойлашган. Сиёсий партиялар: Француз социалистик партияси, Гваделупа коммунистик партияси, Гваделупа прогрессив демократик партияси ва бошқалар.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Ҳудуд иқтисодиётининг асосини энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва туристларга хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Ром, алкаголсиз ичимликлар, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Кокос ёнғоқлари, шакарқамиш, банан, ананас, бақлажон етиштирилади. Денгиз балиқлари ва ҳайвонлари овланади. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, Германия, Япония, АҚШ, Италия, Мартиника.

Тарихи. Гваделупа 1493 йилда Х. Колумб томонидан кашф қилинган. 1635 йилда орол Франция мустамлакасига айланди. XVII—XVIII асрлар давомида Африкадан банан ва шакарқамиш плантацияларида ишлатиш учун олиб келинган қуллар бу ерга истиқомат учун жойлаштирилган. 1816 йилгача Франция Англияга қарши бу ҳудуд эгаллиги учун кураш олиб борди. 1848 йилда қуллик бекор қилинди 1946 йилда ороллар ҳудуди «денгизорги департаменти» статусини олди. 1973 йилда эса Франция региони деб эълон қилинди.

ГВАТЕМАЛА

Расмий номи — *Гватемала Республикаси. Пойтахти — Гватемала. Ҳудуди — 108889 км². Аҳолиси —*

|| 13000000 киши (2001). Давлат тили — испан. Дини — христианлик (70%). Пул бирлиги — кетсаль.

Географик жойлашуви ва табиати. Гватемала — Марказий Америка давлати. Шимол ва ғарбда Мексика, шарқда Белиз, жануби-шарқда Сальвадор ва Гондурас давлатлари билан чегарадош. Жанубда Гватемала Тинч океани билан туташган. Мамлакат шимол ясси тоғлардан, марказий вилоятлари эса тоғли ҳудудлардан иборат. Энг йирик тоғ тизмаси — Сьерра-Мадреда бир қанча ҳаракатдаги вулқонлар мавжуд. Мамлакатнинг энг юқори нуқтаси Тахумулько вулқони (4220 м). Энг йирик дарёси — Мотагуа. Гватемалада кўрғошин, никель, вольфрам, кумуш ва нефтнинг унчалик катта бўлмаган захиралари мавжуд.

Иқлими — тропик. Мамлакат ҳудудининг ярми доимо яшил ўрмонлар билан қопланган. Ўсимлик дунёси ўта хилма-хил бўлиб, дунёнинг бошқа жойларида учрамайдиган ўсимликлар Гватемала ўрмонларида мавжуд. Ҳайвонот дунёси бўйича Гватемала Марказий Американинг энг бой давлатларидан биридир. Унинг ўрмонларида тропик ҳайвонот дунёсининг барча турларини учратиш мумкин. Қушларнинг 2000 дан ошиқ тури мавжуд.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президентлик республикаси. Мамлакат 22 та департаментдан иборат. 1821 йил 15 сентябрда Гватемала ўз мустақиллигига эришди. Давлат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи олий органи бир палатали парламент — Миллий Конгресс. Энг йирик сиёсий партиялари: Миллий Марказ Иттифоқи (ММИ), Христиан Демократик Партия (ХДП), Гватемала Меҳнат Партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Гватемала қолоқ аграр мамлакат ҳисобланади. Ялпи миллий маҳсулотнинг 30% ини қишлоқ хўжалиги етиштириб беради. Асосий қишлоқ хўжалик экинлари: қаҳва, пахта, шакарқамиш ва банан. Импортга асосан шакар чиқаради. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Мексика, Япония.

Тарихи. Бугунги Гватемала ҳудудида милоннинг III асрида Майялар империяси ташкил тошган. Империянинг гуллаб-яшнаш даври VII — IX асрларга тўғри келади. 1513 йили испанлар Гватемала ҳудудларини кашф қилинди ва бу ерларда ўзларининг талончилик

урушларини олиб боришди. 1821 йили Гватемала ўз мустақиллигини эълон қилган бўлса-да, 1847 йилгача Мексика ҳомийлиги остида бўлди. 1985 йилда биринчи марта эркин демократик сайловлар ўтказилди ва ҳокимият фуқаро ҳукумати қўлига ўтди.

ГВИАНА

Расмий номи — Гвиана (Франция «денгизорти департаменти» ва региони). Пойтахти — Кайенна. Худуди — 91000 км². Аҳолиси — 200000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — католик. Пул бирлиги — франция франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Американинг шимоли-шарқида, Атлантика соҳилида жойлашган давлат. Суринам билан ғарбда, Бразилия билан жанубда ва шарқда чегарадош. Гвиана марказида ясси тоғлиқлар мавжуд, шимолда текислик, жанубда эса тоғлар билан ўралган.

Иқлими — иссиқ, экваториал. Атлантикага қараб кўплаб дарёлари оқади. Худуд олтин, боксит захираларига бой. Гвиана худудининг 96,7% и ноёб турлаг и ўрмонзорлар билан қопланган.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Сиёсий тузуми — регион, Франциянинг «денгизорти департаменти». Регион бошлиғи: Франция Республикаси Префекти. Бош Кенгаш Раиси. Гвиана 20 округга (кантон), округлар эса коммуналарга бўлинган. Сиёсий партиялари: Франция сиёсий партияларининг маҳаллий бўлимлари, Гвиана демократияси иттифоқи, Гвиана халқ миллий партияси, Гвиана социалистик партияси, Валвари комитети, Тараққиёт кучлари.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Гвиана — иқтисодий қолоқ мамлакат. Олтин қазиш, электр қуввати ишлаб чиқиш, ёғочни қайта ишлаш саноат корхоналари мавжуд. Балиқ овлаш — иқтисоднинг илғор тармоғидир. Чорвачилик, бошоқли ўсимлиқлар, сабзавот, гуруч, маниок, банан, ананас, шакарқамиш етиштирилади. Гвиана ўзининг Куру (Kourou) космодромидан Ариане ракеталарини Европа Космик Агентлиги дастурлари асосида учиради. Йирик шаҳарлари: Куру, Сен-Лоран-дю-Марони. Портлари: Кайенна, Дегра-де-Канн. Ромамбо халқаро аэропорти мавжуд.

Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, Германия, Италия, Нидерландия, Тринидад ва Тобаго, АҚШ, Япония.

Тарихи. 1499 йили испанлар томонидан кашф қилинган. 1604 йилдан Франция мустамлақчилигига асос солинди. Бу ҳудудлар учун Испания билан Нидерландия, Бирлашган Британия, Португалия урушлар олиб борган. 1817 йилдан Франция мулкига айланди. XVIII аср охири — XX аср ўрталаригача Гвианага француз сиёсий маҳбуслари сургун қилинганлар. Гвианага 1946 йили Франциянинг денгизорти департаменти, 1975 йили регион мақоми берилди. Гвианада ҳанузгача мустақиллик учун кураш давом этмоқда.

ГВИНЕЯ

Расмий номи — Гвинея Республикаси. Пойтахти — Конакри. Ҳудуди — 245857 км². Аҳолиси — 7600000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — ислом (70%). Пул бирлиги — гвинея франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Ғарбий Африкада жойлашган давлат. Жанубда Сьерра-Леоне ва Либерия, шарқда Кот-д’Ивуар, шимолда Гвинея-Бисау, Сенегал ва Мали билан чегаралашган. Ғарбда Гвинея Атлантика океанига туташган. Соҳилбўйи текисликларини ҳисобга олмаганда мамлакат ҳудуди асосан паст тоғлар ва тепаликлардан иборат. Энг йирик дарёлари: Гамбия ва Бафинг. Гвинеянинг энг баланд нуқтаси Нимба тоғи ҳисобланади (1752 м). Мамлакат заминида боксит, темир рудаси, олтин, олмос ва уран каби табиий бойликларнинг захиралари мавжуд. Гвинея ҳудуди Ғарбий Африкада энг кўп ёғин ёғадиган ҳудуддир. Ўсимлик дунёси жуда хилма-хил. Бу ерда пальманинг ноёб навлари ўсади. Ҳайвонот дунёси ҳам жуда бой. Гвинея ҳудудида Африка табиатига хос бўлган барча ҳайвонларни учратиш мумкин.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Гвинея 1958 йилнинг 2 октябрида Франциядан мустақилликка эришган. Давлат бошлиғи — президент. 1984 йилнинг 3 апрелида республика деб эълон қилинган. Йирик сиёсий партиялари: Гвинея Халқ Бирлашуви, Янгиланиш ва Тараққиёт партияси, Гвинея Халқи Иттифоқи.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Йирик миқдордаги қазилма бойликлар захирасига эга бўлишига қарамасдан, Гвинея дунёдаги қашшоқ давлатлардан бири бўлиб келмоқда. Жаҳон боксит захираларининг 27% и Гвинея ҳудудида жойлашган бўлиб, уни ишлаб чиқариш бўйича Гвинея жаҳонда 2-ўринда туради. Қишлоқ хўжалиги балиқчилик ва ўрмончилики ҳам қўшиб ҳисоблаганда ялпи миллий маҳсулотнинг 40% ини етказиб беради. Асосий қишлоқ хўжалик экинлари: шоли, қаҳва ва цитрус мевалар. Саноат умумий миллий маҳсулотнинг 27% ини етказиб беради. Гвинеяда тоғ-кон ишлари яхши ривожланган, умумий экспорт маҳсулотларининг ярмидан кўпини боксит ва алюминий экспорти ташкил этади.

Тарихи. Гвинея ҳудудининг бир қисми XV асргача Гана ва Мали давлат бирлашмаларининг таркибига кирган. XVIII аср охирида кўчманчи фульбеларнинг ҳарбий давлати ташкил топди. 1893 йилдан Гвинея Франциянинг мустамлакасига айланди. 1958 йили Гвинея ўз мустақиллигини эълон қилди. 1966 йилда Франция унинг мустақиллигини тан олди.

ГВИНЕЯ-БИСАУ

Расмий номи — Гвинея-Бисау Республикаси. Пойтахти — Бисау. Ҳудуди — 36125 км². Аҳолиси — 1200000 киши (2001). Давлат тили — португал. Дини — аҳолининг 65% и турли хил маҳаллий динларга эътиқод қилади. Мусулмонлар 30%, христианлар 5% ни ташкил этади. Пул бирлиги — гвинея-бисау песоси.

Географик жойлашуви ва табиати. Африка қитъасининг шимоли-ғарбида жойлашган давлат. Шарқда ва жанубда Гвинея, шимолда Сенегал билан чегарадош. Ғарбда Атлантика океани билан туташган.

Иқлими — субэкваториал. Мамлакатнинг шарқий қисмлари саванна ўрмонзорлари билан қопланган. Ўрмонзорларда тўнғиз, қоплон, қўтос ва маймунларнинг турли хилини учратиш мумкин. Ботқоқлик ва сувли ҳудудларда бегемот ва тимсоҳлар мавжуд. Инсон ҳаёти учун хавfli бўлган цеце пашшаси ва шунга ўхшаш ҳашаротлар гуфайли баъзи ҳудудлар яшашга яроқсиз.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 8 округдан таш-

кил топган. Гвинея-Бисау 1973 йил 24 сентябрда Португалия истибдодидан чиқиб, ўз мустақиллигини эълон қилган. Ижро ҳокимияти Давлат Кенгаши раиси ва Вазирлар Кенгаши раисига тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият Миллий Халқ Йиғини ва Давлат Кенгашига тегишли. Сиёсий партиялари — Ижтимоий янгиланиш партияси, Гвинея ва Кабо-Верде мустақиллиги Африка партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Гвинея-Бисау дунёнинг қашшоқ давлатларидан биридир. Халқ хўжалигининг асосий соҳаси қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. Ялпи миллий маҳсулотнинг 50% ини қишлоқ хўжалиги етиштириб беради. Асосий экинлари: шоли, ёнғоқ, маккажўхори ва пахта. Мамлакат ўз-ўзини озиқ овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлай олмайди. Саноати эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан чегараланган. Асосий савдо ҳамкорлари: Португалия, Испания, Сенегал.

Тарихи. IX—XIII асрларда бугунги Гвинея-Бисау ҳудудлари Гана қироллиги таркибига кирган. XIII—XV асрларда Мали қироллиги уни ўз таркибига киритган. XV асрга келиб бу ерлар Сонгай қироллигига қараган. Гвинея-Бисау 1146 йилда португаллар томонидан кашф қилинган. XVIII асрга келиб Европа давлатлари бу ҳудудларни мустамлака қилиш учун курашиб келишди. 1879 йилда мамлакат Португалия мустамлакаси деб эълон қилинди. 1966 йилда бошланиб кетган озодлик кураши 1974 йили Гвинея-Бисау Республикасининг ташкил топиши билан якунланди.

ГЕРМАНИЯ

Расмий номи — Германия Федератив Республикаси. Пойтахти — Берлин. Ҳудуди — 357041 км². Аҳолиси — 82200000 киши (2001). Давлат тили — немис. Дини — христианлик. Пул бирлиги — евро.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Европада жойлашган давлат. Жанубда Австрия ва Швейцария, ғарбда Нидерландия, Бельгия, Люксембург ва Франция, шарқда Польша ва Чехия, шимолда Дания билан чегарадош. Бундан ташқари, шимолда Германия соҳиллари Шимолий денгиз ва Болтиқ денгизи билан туташган. Германиянинг шимолий ҳудудлари асосан те-

кисликлардан иборат. Марказий Германия адирлар ва дарё воҳаларидан ташкил топган бўлиб, мамлакат жанубида Альп тоглари бўй чўзган. Мамлакат шимолида, Болтиқ денгизда Германияга қарашли бўлган шимолий ва шарқий Фризск ороллари ва Шимолий денгизда Фемарн ва Рюген ороллари жойлашган. Германиянинг энг баланд нуқтаси Зюгшпитце тоғларидир (2963 м). Энг йирик дарёлари: Рейн, Рур, Мозель, Дунай, Эльба. Энг йирик кўли: Боден кўлидир. Мамлакат табиий қазилма бойликларга ўта бой.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — Федератив Республика. Германия 16 та федерал ерларнинг бирлашувидан ташкил топган. Булар: Баден-Вюртемберг, Бавария, Берлин, Бранденбург, Бремен, Гамбург, Гессен, Мекленбург-олд Померания, шимолий Рейн-Вестфалия, Рейнланд-Пфальц, Саар, Саксония, Саксония-Анхальт, Қуйи Саксония, Шлезвиг-Гольштейн, Тюрингия. Марказлашган мустақил Германия давлати 1871 йил 18 январда ташкил топган. Давлат бошлиғи — президент. Лекин ижро ҳокимияти федерал канцлер раҳбарлигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият Бундестаг деб номланади. Энг йирик сиёсий партиялари: Христиан-Демократик иттифоқ (ХДИ), Озод Демократик партия (ОДП), Германия Социал-Демократик партияси (ГСДП), Миллий Демократик партия (МДП).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Германия дунёнинг ривожланган ва молиявий жиҳатдан бой давлатларидан биридир. Лекин Шарқий ва Фарбий Германиянинг иқтисодий ривожланишида маълум бир зиддиятлар мавжуд. Бунга асосий сабаб ГДР ва ГФР хўжалигининг 1990 йилгача турли сиёсий тузумларда ривожланганлигидир. 1990 йилнинг 3 октябрида ягона Германия ташкил топганидан сўнг бу зиддиятларга барҳам бериш мақсадида ГФР ГДР хўжалигига 390 млрд. марка сарфлади. 1994 йилда ЯММ 1,3446 трлн. долларни ташкил этди. Саноатнинг ривожланган соҳалари: металлургия, кимё, автомобилсозлик, кemasозлик ва электротехника. Германия автомобилсозлик ва кemasозлик бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Қишлоқ хўжалиги умумий миллий маҳсулотнинг 15% ини етказиб беради. Чорвачилик айниқса яхши ривожланган. Қишлоқ хўжалигидаги асосий экинлар: қанд лавлаги, картошка ва

бошоқли экинлар. Германия ўз халқининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг 90% ини ички имкониятлар ҳисобидан қоплайди. Асосий савдо ҳамкорлари: Россия, АҚШ ва ЕҲ давлатлари.

Тарихи. Қадимда бугунги Германия ҳудудларида турли герман қабилалари яшашган. Бу қабилалар V асрда Римни мағлубиятга учратиб, Рим империяси инқирозига сабаб бўлишган. Римнинг инқирозидан сўнг франк қабилалари сардори Хлодвиг ҳозирги Франция ва Жануби-Ғарбий Германия ҳудудларида франклар давлатига асос солди. Бу давлат Буюк Карл ҳукмронлиги йилларида бутун герман ерларини ўз таркибига қўшиб олди. 843 йили франклар империяси парчalandи ва унинг шарқий ҳудудларида герман қироллиги ташкил топди. Лекин кўп ўтмай немис князларининг ўзаро низолари натижасида заифлашиб инқирозга учради. X асрда Саксон сулоласи Муқаддас Рим империясига асос солди. Фридрих I Барбаросса ҳукмронлиги йилларида империя ҳудудлари кенгайди. Кўп йиллик ўзаро курашлардан сўнг 1438 йили Габсбурглар хонадони ҳокимиятга келди. XVI асрда Мартин Лютер томонидан амалга оширилган реформация диний қарашларга кўра мамлакатни парчалади. Диний низолар Евангелия иттифоқи ва Муқаддас Лига ўртасида «30 йиллик уруш»нинг бошланишига сабаб бўлди (1618—1648). Уруш натижасида мамлакат 350 та майда давлатчаларга бўлиниб кетди. 1815 йили 39 та немис давлатчаларини ўз ичига олган Герман конфедерацияси ташкил топди. Марказлашган немис давлатининг ташкил топишига Пруссия канцлери Отто фон Бисмарк ўзини жуда катта ҳиссасини кўшди. У 1871 йилда Пруссия қироли Вильгельм I ни Германия императори деб эълон қилди. Германия 1914 йилги I жаҳон урушининг бошланиши сабабчиларидан бири бўлди. Урушдан мағлуб давлат сифатида чиқди. 1918 йил 9 ноябрда император Вилгельм II тахтдан ағдарилди. Германияда Веймар республикаси эълон қилинди. 1933 йили Гитлер бошчилигидаги фашистлар ҳокимиятни қўлга олишди. 1939 йил 1 сентябрда Германиянинг Польшага ҳужуми билан II жаҳон уруши бошланиб кетди. Германия II жаҳон урушини ҳам мағлубият билан якунлади. 1945 йилда АҚШ, Англия, Франция ва СССР назорати остидаги тўрт қисмга бўлинди. 1949 йили унинг ҳуду-

дида ГДР ва ГФР давлатлари ташкил топди. 1990 йил 3 октябрда бу икки давлат ягона Германияга бирлашди. 1991 йил 20 июнда Берлин Германиянинг пойтахти деб эълон қилинди. 2005 йил декабрида бўлиб ўтган сайловларда Германия тарихида биринчи мартаба аёл канцлер Ангела Меркел сайланди.

ГИБРАЛТАР

Расмий номи — Гибралтар (Буюк Британия мулки). Пойтахти — Гибралтар. Худуди — 6,5 км². Аҳолиси — 29500 (2001) киши. Давлат тили — инглиз. Дини — католиклар (75%), қолган қисми протестантлар, мусулмонлар ва яҳудийлар. Пул бирлиги — гибралтар фунт стерлинги.

Географик жойлашуви ва табиати. Гибралтар Пиреней ярим оролининг жанубий қисмида жойлашган Буюк Британияга қарашли ерлар ҳисобланади. Қуруқлик орқали шимолда фақат Испания билан чегарадон. Шарқда Ўрта ер денгизи, жануб ва ғарбда Гибралтар бўғози ва Атлантика океани билан туташ. Гибралтар ҳудудлари ҳали ҳам Испания ва Буюк Британия ўртасидаги низоли ерлар ҳисобланади.

Давлат тuzилиши, сиёсий партиялари. Давлат тuzуми — конституцион монархия. Давлат бошлиғи — Британия қироличаси томонидан тайинладиган губернатор. Сиёсий партиялари: Гибралтар Лейбористлар партияси, Британия Гибралтари Демократик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Гибралтар асосан денгиз портларидан иборат бўлиб, унинг иқтисоди Британия томонидан бериладиган ҳарбий-иқтисодий ёрдам билан белгиланади.

Тарихи. Бугунги Гибралтар ҳудудлари 711 йилда араблар томонидан босиб олинган. 1462 йилда Гибралтарни улардан испанлар тортиб олишади. 1704 йилда Гибралтар Буюк Британия томонидан истило қилинади. 1713 йили Утрехт шартномасига кўра Гибралтар Буюк Британия назоратидаги ерлар деб эълон қилинади. I ва II жаҳон уруши йилларида бу ҳудудлар Британиянинг ҳарбий денгиз базаси сифатида хизмат қилди.

1967 йили БМТнинг талаби билан ўтказилган референдумда Гибралтар халқи Испания билан қўшилишдан бош тортиди.

ГОНДУРАС

Расмий номи — Гондурас Республикаси. Пойтахти — Тегусигальпа. Ҳудуди — 112 100 км². Аҳолиси — 6700000 киши (2001). Давлат тили — испан. Дини — католик. Пул бирлиги — лемпира.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Америкада жойлашган давлат. Жанубда Никарагуа, ғарбда Гватемала ва Сальвадор билан чегарадош. Шимолда ва шарқда Кариб денгизи, жануби-ғарбда Тинч океани билан туташган. Мамлакат ҳудуди асосан Комаягуа, Монтесильос, Опалака каби ясси тоғликлардан иборат. Энг баланд нуқтаси Селаке чўққиси (2865 м). Кариб денгизи соҳиллари текисликлардан иборат. Асосий дарёлари: Улда, Агуан, Патука. Асосий табиий бойликлари: олтин, кумуш, мис, қўрғошин, темир рудаси, цинк, ёғоч ва балиқ.

Иқлими — тропик. Ўсимлик дунёси ўта хилма-хил. Бу ерда пальма, қизил дарахт, каучук дарахти каби турли дарахтлар ўсади. Ҳайвонот дунёсида тропик иқлимга хос бўлган деярли барча ҳайвонлар учрайди. Ягуар, қоплон, маймунларнинг турли хиллари шулар жумласидандир.

Давлат тuzилиши, сиёсий партиялари. Давлат тuzуми — президентлик республикаси. Мамлакат 18 та департаментдан иборат. 1921 йил 15 сентябрда Испания истиблодидан озод бўлиб, ўз мустақиллигини эълон қилган. Давлат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Миллий Конгрессга тегишли. Асосий сиёсий партиялари: Гондурас Либерал партияси (ГЛП), Гондурас социалистик партияси (ГСП), Христиан-Демократик партия (ХДП).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Гондурас ғарбий ярим шарнинг қашшоқ давлатларидан биридир. Экспортга чиқарадиган маҳсулотлари асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳисобланади. Асосий қишлоқ хўжалик экинлари: банан, қаҳва, шакарқамиш, тамаки, шоли. Деҳқончилик қилинадиган ерларнинг асосий қисми йирик ер эгалари — латифундистларга тегишли. Аҳолининг 9% и тоғ-кон ишларида меҳнат қилади. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Германия, Япония. Йирик портлари: Пуэрто-Кортес, Тела, Трухильо, Ла-Сейба.

Тарихи. Гондураснинг жанубий соҳиллари 1502 йилда Христофор Колумб томонидан кашф қилинган. 1523 йилда Альварадо бошчилигидаги испан конкистадорлари томонидан истило қилинган. 1790 йилда Гондурас Гватемала билан бирлаштирилган. 1821 йили мустақилликка эришгач, Марказий Америка бирлашган провинциялари таркибига кирган. Фақатгина 1839 йили мустақил давлат шакллантирилди. XX асрда Гондурас бир неча ҳарбий диктатура ва қонли урушларни бошидан кечирди. 1969 йилда Сальвадорга қарши уруш ҳаракатлари олиб борди. 1981 йилдан фуқаро ҳукумати ҳокимиятни ўз қўлига олди. 1997 йил ноябрида бўлиб ўтган сайловларда Карлос Роберто Флорес Факкуссе президент этиб сайланди.

ГОНКОНГ

Расмий номи — Сянган алоҳида маъмурий ҳудуди. Пойтахти — Гонконг (Сянган). Ҳудуди — 1075 км². Аҳолиси — 7300000 киши (2001). Давлат тиллари — хитой ва инглиз. Дини — бу ерда дунёдаги деярли барча динлар бор. Пул бирлиги — гонконг доллари, хитой юанига ўтилмоқда.

Географик жойлашуви ва табиати. Гонконг Хитойнинг махсус ҳудуди ҳисобланади. Унинг ҳудуди асосан Цзюлун ярим ороли ва атрофидаги ороллардан ташкил топган. Соҳиллари Жанубий Хитой денгизига туташган.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. 1997 йилдан Буюк Британия назоратидан Хитой ҳудудига ўтди. 1984 йил Хитой ва Буюк Британия ўртасида тузилган шартномага мувофиқ Хитой таркибидаги махсус ҳудуд статусини олган. Бунга кўра Хитой Гонконгда мавжуд ижтимоий, иқтисодий тузумни 50 йилгача ўзгартирмаслик мажбуриятини олган. Ижро ҳокимияти губернатор ва унинг ҳукуматига тегишли. Асосий сиёсий партиялари: Сянган Лейбористлар партияси, Ўз-ўзини бошқарин Демократик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Қазилма бойликларнинг деярли йўқлигига қарамай, Гонконг иқтисоди яхши ривожланган. Айниқса, тўқимачилик саноати ва кemasозлик соҳалари тараққий этган. Ҳудудининг 8% и деҳқончилик учун яроқли ерлар

ҳисобланади, шунга қарамасдан, ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги йўқ. Экспортга асосан тайёр кийимлар, мато, электр асбоблари ва соат чиқаради. Асосий савдо ҳамкорлари: Хитой, АҚШ, Япония, Тайвань.

Тарихи. Гонконг 1842 йилги Нанкин шартномасига қўра Хитой томонидан Буюк Британияга берилган. Инглизлар Гонконгни йирик савдо портига айлантиришди. Натижада бу ердаги иқтисодий аҳвол кескин яхшиланди. 1898—1899 йилларда Британия Хитойдан 99 йил муддатга ижарага олган ҳудудларини ҳам Гонконгга қўшди. 1941 йил Гонконг японлар томонидан босиб олинди. Лекин II жаҳон урушида Япониянинг мағлубиятидан сўнг у яна Буюк Британия назоратига ўтди. 1997 йил Хитойнинг махсус ҳудуди сифатида Хитой давлати таркибига қўшилди.

ГРЕНАДА

Расмий номи — Гренада. Пойтахти — Сент-Жоржес. Ҳудуди — 344 км². Аҳолиси — 100000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — католик ва протестантлик. Пул бирлиги — шарқий кариб доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Кариб денгизи ҳавзасида жойлашган давлат. Мамлакат ҳудуди Гренада ороли, Жанубий Гренадин архипелагининг бир неча ороллари ва Кичик Антиль ороллари-дан ташкил топган. Бу оролларнинг барчаси вулканик ороллар бўлганлиги учун кичик-кичик тоғликлардан иборат. Энг баланд нуқтаси — Сент-Катерин тоғи (840 м).

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузуми — конституцион монархия. Британ Ҳамдўстлиги аъзоси. Гренада 1974 йил 7 февралда Буюк Британиядан мустақилликка эришган. Давлат бошлиғи Британия томонидан тайинланадиган генерал-губернатор. Ижро ҳокимияти Бош министр бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали парламент — Сенат ва Вакиллар палатаси амалга оширади. Асосий сиёсий партиялари: Миллий Демократик Конгресс, Гренада Бирлашган Лейбористлар партияси, Миллий партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Гренада аграр кишлоқ хўжалик давлати. У мускат ёнғоғи етиштириш ва уни экспорт қилиш бўйича дунёда иккинчи ўринда туради. Саноат яхши ривожланмаган. Туризм асосий даромад манбаи ҳисобланади. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Буюк Британия, Тринидад ва Тобаго.

Тарихи. Гренада ороли испанлар томонидан 1498 йили кашф қилинган. 1650 йилда Франция мустамлакасига айланттирилган. 1762 йили Буюк Британия Гренадани ўз мулкига айланттирди. 1967 йилдан Британ Ҳамдўстлиги аъзоси. 1974 йил 7 февралда мустақиллигини эълон қилган.

ГРЕНЛАНДИЯ

Расмий номи — Гренландия. Пойтахти — Нуук (Готхоб). Ҳудуди — 2175600 км². Аҳолиси — 59 300 киши (1998). Давлат тили — гренланд, дат. Дини — католик. Пул бирлиги — дания кронаси.

Географик жойлашуви ва табиати. Гренландия дунёдаги энг йирик орол — Канада ороллариининг шимоли-ғарбида, Шимолий Муз ва Атлантика океанлари оралиғида жойлашган. Мамлакатнинг асосий қисмини музлик қоплаган. Музлик ҳажми — 2,6 млн. км².

Иқлими — қирғоқ бўйлаб субарктик, арктик; орол марказида — континентал арктик. Мамлакатнинг асосий қисмини эгаллаган тундрада мох, лишайник ҳамда бошқа арктик ўсимликлар ўсади. Буқа, бўри, тулки, оқ айиқ, қуён, лемминг, гага, чағалай, буғулар учрайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — ўз-ўзини бошқарадиган Дания ҳудуди. Давлат раҳбари — Дания қироличаси номидан Олий комиссар (ригсомбудсман). Гренландия 18 коммунага ажралган 3 инспекторатга бўлинади. Йирик шаҳри — Сисимют (Хольстенберг). Сиёсий партиялари: Сиумут (Олға), Инуит атакватигиит (Инуит жамоаси), Атассут (Бирлик).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Гренландия иқтисодининг асосини балиқчилик ва балиқни қайта ишлаш корхоналари ташкил этади. Денгиз ҳайвонларини овлаш йўлга қўйилган. Балиқ овлаш флотига эга. Орол қўрғошин, рух, уран, нефть, газ, торий, хром, молибден, олтин, кумуш, тошкўмир, мис, никель, темир рудаларига бой. Асосий савдо ҳамкорлари: Дания, Швеция, Буюк Британия, Франция, Япония.

Тарихи. 875 йилларда орол исландиялик денгизчи Гунбьорн томонидан кашф қилинган. 982 йили норвегиялик Эрик Рауда («Малла») оролни ўрганиб, Гренландия — «Яшил ер» деб ном берди. 983 йилда оролнинг жанубида 1-норманн колонияларига асос солинди. XI асрда маҳаллий аҳоли — эскимослар христианликни қабул қилдилар. 1262 йилдан XVIII аср бошларигача Гренландия Норвегия мулки бўлган. 1721 йилдан Дания оролда истилочилик ҳаракатларини бошлади. 1814 йилдан 1953 йилгача Даниянинг расмий мустамалкаси эди. 1978 йили Дания фолькетинги (парламенти) оролнинг ички мухториятини тан олди ва бу ҳолат 1979 йил 1 майдан кучга кирди.

ГРЕЦИЯ

Расмий номи — Греция Республикаси. Пойтахти — Афина. Ҳудуди — 131957 км². Аҳолиси — 10900000 киши (2001). Давлат тили — грек. Дини — православ. Пул бирлиги — евро.

Географик жойлашуви ва табиати. Греция (Юнонистон) Европанинг жануби-шарқида, Болқон ярим оролининг жанубий қисми ва Эгей, Иония ҳамда Ўрта ер денгизи оролларида жойлашган давлат. У шимолда Болгария ва Македония, шимоли-ғарбда Албания, шимоли-шарқда Туркия билан чегарадош. Жанубда Ўрта ер денгизи, шарқда Эгей денгизи, ғарбда Иония денгизи сувлари Греция соҳилларини ювиб туради. Крит, Эвбея, Родос, Лесбос ва бир нечта ороллар Греция ҳудудининг 1/5 қисмини ташкил этади. Ҳудудининг 2/3 қисми тоғли ҳудудлар ҳисобланади. Энг баланд нуқтаси Олимп тоғи, баландлиги — 2917 м. Асосий дарёлари: Альякмон, Ахелос, Стримон, Нестос. Асосий қазилма бойликлари: нефть, боксит, никель. Ўрмонлар мамлакат ҳудудининг 10—11% ини ташкил этади. Тоғлар игна баргли дарахтлар билан қопланган.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 13 та епархиядан ташкил топган. Епархиялар ўз навбатида 52 та номларга бўлинган. Греция 1830 йил Усмонли турклар истибдодидан озод бўлиб, ўз мустақиллигини эълон қилган. Давлат бошлиғи — президент. Ижро ҳокимияти президент ва Бош министрға тегишли. Қонун чиқарув-

чи олий орган — бир палатали парламент. Асосий сиёсий партиялари: Янги Демократия, Умумгрек социалистик ҳаракати, Греция Коммунистик Партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Туризм Греция иқтисодининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Греция халқ хўжалигида саноатнинг озиқ-овқат, кимё, тўқимачилик ва металлургия тармоқлари яхши ривожланган. Қишлоқ хўжалигида асосан қанд лавлаги, тамаки, узум ва картошка етиштирилади. Мамлакат гўшт ва сут маҳсулотларидан ташқари барча озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлайди. Асосий савдо ҳамкорлари: Германия, Италия, Франция ва Буюк Британия.

Тарихи. Бугунги Греция ерларида м. а. 3 минг йилликдаёқ юксак ривожланган маданият ва цивилизация вужудга келган. М. а. XII асрда Грецияга дорийлар бостириб кирган. Пелопонесс урушларидан сўнг (м. а. 431—404 йй.) Болқон ярим оролида Македониянинг роли кескин ошди. Македония ҳукмдори Филипп II бутун Греция ерларини ўзига бўйсундирди. Унинг ўғли Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) Миср ва Ҳиндистонгача бўлган ерларни босиб олиб, улкан империяни вужудга келтирди. М. а. II асрда Греция Рим империяси истибдодига тушиб қолди. Қадимги Рим империяси инқирозидан сўнг Византия бутун Болқон ярим оролини ўз назоратида сақлаб қолди. IX асрда Грецияни араблар истило қилишди, орадан кўп ўтмай, X асрда болгарлар босиб олишди. XV асрга келиб, Византия инқирозидан сўнг, 1460 йилда Греция Усмонли турклар империясининг таркибий қисмига айланди. 1830 йили Турклар Греция мустақиллигини тан олди. 1924 йили Греция Республика деб эълон қилинди, 1935 йили эса монархия қайта тикланди. 1941 йили Германия Грецияни босиб олди. 1945 йили, уруш тугаганидан сўнг, Грецияда ҳукумат кўшинлари ва коммунистлар ўртасида фуқаролар уруши бошланиб кетди. Уруш 1949 йилгача давом этди. 1967 йил 21 апрелда мамлакатда ҳарбийлар давлат тўнтаришини амалга оширди. 1973 йили ҳарбийлар монархияни бекор қилишди. 1974 йили ҳарбийлар ҳокимиятдан четлаштирилди. Шу йили ўтказилган референдумда Греция халқи республика учун овоз берди. 1975 йилда янги республика конституцияси қабул қилинди.

ГРУЗИЯ

Расмий номи — Грузия Республикаси. Пойтахти — Тбилиси. Худуди — 69700 км². Аҳолиси — 5500000 киши (2001). Давлат тили — грузин. Дини — православ. Пул бирлиги — лари.

Географик жойлашуви ва табиати. Грузия Ғарбий Осиёда жойлашган давлат. У шимолда Россия, жанубда Туркия, Арманистон ва Озарбайжон билан чегарадош. Ғарбда Қора денгиз билан туташган. Мамлакат майдонининг 80% и тоғлиқлардан иборат. Энг баланд нуқтаси Шҳара тоғи (5068 м). Қора денгиз соҳилларида Колхида пасттекислиги ястаниб ётади. Асосий дарёлари: Кура ва Риони. Қазилма бойлиқлари: марганец, мис, кўмир ва нефть.

Иқлими — субтропик.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президентлик республикаси. Давлат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи олий органи — бир палатали парламент. Мамлакат 66 та маъмурий ҳудудларга бўлинган. Бундан ташқари 2 та мухтор республика — Абхазия ва Ажария ҳам Грузия таркибига киради. Мамлакат 1991 йил 9 апрелда ўз мустақиллигини қўлга киритган. Асосий сиёсий партиялари: Грузия Демократик Иттифоқи, Грузия Халқ Фронти, Республика партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Грузия — аграр-индустриал давлат. Собиқ Иттифоқнинг тарқалиши ва унинг собиқ аъзолари билан сиёсий-иқтисодий алоқаларнинг ёмонлашуви ҳамда мамлакатдаги фуқаролар уруши Грузия иқтисодига ўз салбий таъсирини ўтказди. Саноатнинг кўпгина соҳаларида ҳалигача ҳам инқироз ҳолати кузатилмоқда. Мамлакат қишлоқ хўжалигида экиладиган экинларнинг 50% ини бошоқли экинлар ташкил этади. Лекин қишлоқ хўжалигининг энг асосий экини чойдир. Грузия экспортининг асосий қисмини ҳам чой ташкил этади. Бундан ташқари, тоғ ёнбағирларида узумчилик яхши ривожланган. Асосий савдо ҳамкорлари: Россия, Арманистон, Туркия ва Озарбайжон.

Тарихи. М. а. VI—IV асрларда бугунги Грузия ҳудудларида икки давлат — Колхида ва Иберия давлатлари ташкил топган. Орадан кўп вақт ўтмай бу давлатлар

форслар томонидан истило қилинди. Улардан кейин м. а. IV аср охирларида Александр Македонский бу ерларни босиб олди. М. а. I асрга келиб Ғарбий Грузия Рим империяси, Шарқий Грузия эса форслар томонидан истило қилинди. IV асрда Грузия христиан динини қабул қилди. VII аср охирларида бу ерларга араблар бостириб кирди. Бағрат III (974—1014) ҳукмронлиги йилларида шарқий ва ғарбий ҳудудлар бирлаштирилди. Довуд IV (1073—1125) даврида Тифлис араблардан озод қилинди. Қиролича Тамара (1184—1213) даврида Грузия Каспийгача бўлган ерларни эгаллади. XIV асрнинг 2-ярмида бу ерларни соҳибқирон Амир Темури ишғол қилди. Темури давлатининг инқирозидан сўнг Грузия форслар ва турклар ўртасида уч аср давомида торгишувли ҳудуд бўлиб қолди. 1786 йили Грузия Россияга ёрдам сўраб мурожаат қилади. 1801 йили Россия Грузияни ўз таркибига қўшиб олди. 1921 йилда Грузия Совет Республикаси деб эълон қилинди. Собиқ Иттифоқ инқирозидан сўнг 1991 йил 9 апрелда Грузия ўз мустақиллигини эълон қилди.

ГУАМ

Расмий номи — Гуам (АҚШ мулки). Маъмурий маркази — Аганья. Ҳудуди — 541 км². Аҳолиси — 160000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — католик. Пул бирлиги — АҚШ доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Гуам худди шу ном билан аталадиган Тинч океанининг ғарбий қисмидаги Мариан ороллариининг энг йирик оролида жойлашган. Орол баландлиги 405 метргача етадиган ва океанга яқинлашган сари пасайиб борадиган маржон қатламларидан ташкил топган ясси тоғликдан иборат. Ясси тоғликларнинг рельефи ҳамма жойда ҳам текисликдан иборат бўлмай, баъзи жойларида ботиклар ҳам бор.

Иқлими — тропик. Оролнинг флорасини асосан панданус, нон дарахтлари ҳамда мангр дарахтлари ташкил этади. Соҳил бўйларида 20—50 км масофагача кокос пальмалари ва турли буталар ўсади. Гуамнинг ҳайвонот дунёси бой эмас. Оролнинг фаунасини сайроқиқ қушлар ташкил этади. Сут эмизувчилар йўқ. Соҳил бўйидаги сувларда турли балиқлар кўп.

— **Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.** Гуам АҚШ нинг «қўшилмаган ҳудуди» ҳисобланади. Оролга ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи берилган. Аҳолиси АҚШ фуқаролари ҳисобланади, бироқ уларнинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқи йўқ. Гуам АҚШ Конгресси Вакиллари палатасида икки йилга сайланадиган бир делегатга (овоз бериш ҳуқуқсиз) эга. Бошқарув бошлиғи — губернатор. У маҳаллий аҳоли томонидан 4 йилга сайланади. Қонун чиқарувчи орган бир палатали Қонун чиқарувчи мажлис бўлиб, унинг йигирма бир аъзоси маҳаллий аҳоли томонидан ҳар икки йилда сайланади. Сиёсий партиялари — оролда АҚШ нинг Республикачилар ва Демократлар партияларининг маҳаллий бўлимлари фаолият юритади.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисоднинг асосини туризм ташкил этади. Орол иқтисодидаги муҳим ўринни АҚШ нинг ҳарбий объектларидан келадиган даромадлар эгаллайди. Орол аҳолиси машғул бўлган қишлоқ хўжалиғи аҳолининг эҳтиёжларини қопламайди. Сабзавот ва мевалар етиштирилади. Чорвачилик ривожланмоқда. Аҳоли олиб келинадиган хом ашёда ишлайдиган озиқ-овқат ва энгил саноат корхоналари ҳамда турмуш электроникасини йиғиш корхоналарида банд. Электр энергияси ишлаб чиқарилади. Экспорти: кийим-кечак, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари, электроника. Имporti — озиқ-овқат, ёқилғи (импортнинг 50% и атрофида). Асосий савдо шериклари: АҚШ, Япония, Тайвань.

Тарихи. Европаликлардан биринчи бўлиб Гуамни Ф. Магеллан 1521 йилда ўзининг биринчи ер атрофидаги саёҳати даврида кашф этади. 1563 йилдан орол Испания мустамлакаси. 1568 йилда Гуамда дастлабки миссионер иезуитлар ўрнашади. Европаликлар томонидан олиб келинган касалликлар ҳамда қаттиқ эксплуатация натижасида маҳаллий аҳоли юз мингдан (1521 йил) 5 минггача (1741 йил) қисқаради. 1898 йилги Испан — Америка урушида оролни АҚШ эгаллаб олади. II жаҳон уруши даврида Гуам Япония томонидан босиб олинади (1941). 1944 йилнинг июл, августида ўтказилган ҳарбий операция натижасида орол яна АҚШ тасарруфига ўтади. АҚШ Конгресси томонидан 1950 йилда қабул қилинган Гуам оролининг асосий қонунига асосан оролга ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқи бери-

лади. Унинг аҳолисига АҚШ фуқаролиги берилиб, улар миллий сайловларда қатнаша олишмайди. Ҳозирги кунда Гуам АҚШнинг Тинч океанидаги стратегик ҳарбий базасидир. Оролда Апра-Харбор ҳарбий денгиз ва Андерсен авиация базалари жойлашган.

ДАНИЯ

Расмий номи — Дания Қироллиги. Пойтахти — Копенгаген. Ҳудуди — 43075 км². Аҳолиси — 5400000 киши (2001). Давлат тили — дат. Дини — лютеранлар — 91%, католиклар — 2%. Пул бирлиги — дания кронаси.

Географик жойлашуви ва табиати. Дания Европа қитъасининг шимоли-ғарбида, Ютландия ярим ороли ва унинг атрофидаги оролларда жойлашган давлат. Жанубда Германия билан чегарадош. Жануби-шарқда Балтиқ денгизи, ғарбда Шимолий денгиз билан туташган. Мамлакат шимолида Скагеррак бўғози жойлашган, шарқида Каттегат ва Эрусунн бўғозлари Данияни Швециядан ажратиб туради. Бундан ташқари, Гренландия ва Фарер ороллари ҳам ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган Дания Қироллиги ерлари ҳисобланади. Дания майдони асосан текисликлардан иборат. Асосий табиий бойликлари: нефть, табиий газ, туз ва балиқ.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Мамлакат 14 та автономларга бўлинган. Давлат бошлиги — Дания Қироличаси. Ижро ҳокимияти Бош министр бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият Қиролича ва бир палатали парламент — фолькетингга тегишли. Асосий сиёсий партиялари: Дания Социал-Демократик партияси, Консерватив Халқ партияси, Радикал Сўл партия, Христиан Халқ партияси.

Иқтисоди, транспорт қолмуникациялари. Дания дунёнинг саноати яхши ривожланган давлатларидан биридир. Қишлоқ хўжалиги ҳам юксак ривожланган технологиялар билан таъминланган. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли Дания умумий аҳолисининг 6% ини ташкил этади. 1994 йили Даниянинг ЯММ 103 млрд. долл.ни ташкил этди (жон бошига 19860 долл.). Дания қишлоқ хўжалиги ўзининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлайди. Қиш-

лоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари: картошка, дон, қанд лавлаги, гўшт ва сут маҳсулотлари. Данияда ба-ликчилик ҳам жуда яхши ривожланган. Асосий савдо ҳамкорлари: Швеция, Норвегия, АҚШ ва ЕҲ давлат-лари.

Тарихи. Бугунги Дания ҳудудидаги илк давлатлар VI асрда ташкил топган. XI асрда Англия ва Норвегия ҳам Дания назорати остига тушиб қолди. Дания қиро-ли Свен II XI асрда христиан динини қабул қилди. XIV—XV асрларга келиб Данияга Германиянинг таъ-сири кучайди. XVII асрда Болтиқ денгизда ҳукмрон-лик учун Дания ва Швеция ўртасида давом этган ку-раш Даниянинг мағлубияти билан якунланди. 1849 йили Дания конституцияси қабул қилинди ва конституцион монархия давлати деб эълон қилинди. Конституция қирол ҳокимиятини анча чеклади. 1915 йили Дания аёллари сайлаш ҳуқуқига эга бўлишди. Дания ўз бета-рафлигини сақлашга ҳаракат қилса-да, 1940 йилнинг 9 апрелида немис фашистлари уни босиб олади. 1945 йил 5 майда Дания озод қилинди.

ДОМИНИКА

Расмий номи — Доминика Ҳамдўстлиги. Пойтах-ти — Розо. Ҳудуди — 751 км². Аҳолиси — 100 000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — като-ликлар (80%), протестантлар (15%). Пул бирлиги — шарқий кариб доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Кариб ҳавзасида, кичик Антиль ороларининг Доминика оро-лида жойлашган орол давлати. Майдони тоғликлардан иборат. Энг баланд нуқтаси — Дъяблотен вулқони (1447 м).

Иқлими — тропик. Тоғ ёнбағирлари тропик ўрмон-лар билан қопланган. Ҳайвонот дунёси асосан қушлар-дан иборат.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Дав-лат тузилиши — парламент республикаси. Мамлакат 10 та приходдан иборат. Булар: Сент-Анн, Сент-Да-вид, Сент-Жорж, Сент-Жон, Сент-Жозеф, Сент-Люк, Сент-Марк, Сент-Патрик, Сент-Питер, Сент-Пол. До-миника 1978 йил 3 ноябрда Буюк Британиядан муста-қиллигини эълон қилган. Ижро ҳокимияти — прези-

дент ва Бош вазирга тегишли. Қонун чиқарувчи олий органи бир палатали парламент — Вакиллар Палатаси.

Асосий сиёсий партиялари — Доминика Озодлиги партияси, Доминика Бирлашган Меҳнаткашлари партияси, Доминика Лейбористлар партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Мамлакат халқ хўжалигининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Саноат асосан майда корхоналардан иборат. Қишлоқ хўжалиги банан, манго, кокос ёнғоғи ва цитрус меваларни етиштириб беради. Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, АҚШ ва Кариб ҳавзаси давлатлари.

Тарихи. Доминика 1493 йили Христофор Колумб томонидан кашф қилинган. Шу вақтда у Испания мулкига айланди, сўнгра Франция мустамлакаси бўлди. 1763 йили Буюк Британия назоратига ўтди. 1967 йилда Британ Ҳамдўстлиги аъзоси бўлди. 1978 йили Доминика ўз мустақиллигини эълон қилди.

ДОМИНИКАН РЕСПУБЛИКАСИ

Расмий номи — Доминикан Республикаси. Пойтахти — Санто-Доминго. Ҳудуди — 48442 км². Аҳолиси — 8600000 киши (2001). Давлат тили — испан. Дини — католиклар (95%). Пул бирлиги — доминикан песоси.

Географик жойлашуви ва табиати. Кариб ҳавзасида, Гаити оролининг шарқий қисмида жойлашган давлат. Ғарбда ягона Гаити билан чегарадош. Жанубда Кариб денгизи, шимолда Атлантика океани билан тунаниб кетган. Шарқда Мона бўғози Гаити оролини Пуэрто-Рико оролидан ажратиб туради. Мамлакат ҳудудида бир нечта тоғ тизмалари мавжуд. Уларнинг энг йириги Кордильера Сентраль тоғ тизмаси бўлиб, энг баланд нуқтаси Дуарте чўққиси (3175 м). Мамлакат жануби-ғарбида Энрикильо кўли жойлашган бўлиб, у денгиз сатҳидан 46 м пастдир. Асосий дарёлари: Шимолий Яке, Жанубий Яке, Артибоните.

Иқлими — денгиз тропик иқлими. Ҳайвонот дунёси унчалик бой эмас. Асосан денгиз тошбақалари, кемирувчилар ва бошқа ҳашаротлардан иборат.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Давлат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи олий органи икки палатали

Сенат ва Депутатлар палатасидан иборат бўлган Миллий Конгресс. Мамлакат 26 та провинция ва 1 та миллий округдан иборат. Асосий сиёсий партиялари: Озодлик Демократик партияси (ОДП), Доминикан Инқилобий партияси (ДИП).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодининг асосини ташкил этади. Экспортга чиқарадиган асосий маҳсулотлари: тамаки, қаҳва, какао ва шакарқамиш. Саноат фақатгина қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналардан иборат. Охирги йилларда туризм ўта яхши ривожланмоқда. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Пуэрто-Рико.

Тарихи. Гаити ороли 1492 йилда Христофор Колумб томонидан кашф қилинган, Колумб бу ерларни Эспаньола деб атади. Лотин Америкасининг испанлар томонидан босиб олинishi айнан Доминикан Республикаси худудларидан бошланади. 1697 йили Гаити ороли Франция ва Испания ўртасида тақсимланди. Оролнинг шарқий қисми Испания қироли ҳокимияти остида қолди. Мамлакат 1822 йилда ўз мустақиллигини эълон қилган бўлса-да, фақатгина 1844 йилга келиб ҳақиқий мустақилликка эришди. 1978 йил сайловлари натижасида демократик фуқаро ҳукумати шакллантирилди.

ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ

Расмий номи — Жанубий Африка Республикаси. Пойтахти — Претория. Худуди — 1223410 км². Аҳолиси — 43600000 киши (2001). Давлат тили — инглиз, африкаанс, коса, зулу ва сесото. Дини — христианлик. Пул бирлиги — жанубий африка ранди.

Географик жойлашуви ва табиати. Африканинг жанубидаги давлат. Шимолда Ботсвана (чегара узунлиги 1840 км), Намибия (855 км), Мозамбик (491 км), Свазиленд (130 км) ва Зимбабве билан чегарадош. Мамлакат шарқда Лесото қироллиги (909 км) жойлашган. Ғарбда Атлантика океани, жануб ва шарқда Ҳинд океани билан туташган. Чегарасининг умумий узунлиги — 4750 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 2798 км. Мамлакат ясси тоғликда жойлашган. Шарқда мамлакатнинг энг баланд нуқтаси — Каткин чўққиси (3660 м) жойлашган Аждар тоғлари ётади. Жанубда

Кап товлари жойлашган. Ғарбда Намиб саҳроси, шимоли-ғарбда Калахари саҳросининг жанубий қисми жойлашган. Асосий дарёлари — Оранжевая ва Лимпопо. Қазилма бойликлари: олтин, уран, олмос, платина, хром, кўмир, темир рудаси, табиий газ, марганец, никель, қалай, фосфатлар. Ҳайдаладиган ерлар ҳудудининг 10% ини, яйлов ва ўтлоқлар 65% ини эгаллайди.

Иқлими — тропик. Пальма, баобаб, алоэ, темир дарахт, қизил дарахти, кап самшити, хушбўй дарахт ўсади. Арслон, қоплон, жирафа, бегемот, эндемик турдаги қушлар, оқ каркидон, муқаддас ҳайвон — зулухамемон, питонлар ҳайвонот оламини ташкил этади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 9 провинцияга бўлинган. ЖАР мустақилликка 1910 йилнинг 31 майида эришган (аввал Буюк Британия мустамлакаси бўлган). 31 май — Миллий байрам (Республика эълон қилинган кун). Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи олий органи — парламент. Парламент оқлар учун Йигилиш палатасидан, ранглилар учун Вакиллар палатасидан, ҳиндлар учун Делегатлар палатасидан иборат. Йирик сиёсий партиялари: Миллатчилик партияси, Африка миллий конгресси, Демократик партия, Консерватив партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. ЖАР Африка қитъасидаги иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган давлатлардан биридир. ЯММ 1994 йилда 194 млрд. долл.ни ташкил этди (аҳоли жон бошига — 4420 долл.). Иқтисоднинг асоси — тоғ-кон саноати (платина, олтин, хром ишлаб чиқариши бўйича дунёда етакчи). Машинасозлик, металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат саноатлари ҳам ривожланган. Умумий саноат ишлаб чиқариши ЯММ нинг 40% ини ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида (ЯММ нинг 5% и) чорвачилик ривожланган. Маккажўхори, буғдой, шакарқамиш етиштирилади. Мамлакат озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини ўзи қоплайди. Асосий савдо шериклари: Буюк Британия, Италия, Япония, АҚШ, Германия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 2638 км, автомобиль йўллари — 188309 км (54013 км га тош ётқизилган). Асосий портлари: Дурбан, Кейптаун, Порт-Элизабет.

Тарихи. Ҳозирги ЖАР ҳудудига дастлаб бушменлар,

кейинчалик готтентотлар ўрнашган. 1488 йилда португал денгизчиси Диас Яхши Ният бурнини кашф этади. 1652 йилда голландлар Жанубий Африка соҳилларида ўз мустамлакаларига асос солишади. Булар 1834—1839 йилларда Трансвааль ҳамда Оранжевая республикаларига асос солишади. Инглизларнинг Трансваалга 1877 йилда хужум қилиши биринчи инглиз-бур урушини келтириб чиқаради ва бу урушда Буюк Британия мағлубиятга учрайди. Лекин иккинчи инглиз-бур урушидан сўнг 1902 йилда инглизлар бурлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатади. 1910 йилда Кап, Наталь, Трансвааль ва Оранжевайдан иборат федерация тузилади ва Британия доминиони деб эълон қилинади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Жанубий Африка Иттифоқи (1961 йилдан ЖАР)нинг ҳукумати апартеид сиёсатини эълон қилади. Мамлакатнинг африкалик аҳолиси норозиликлари, жаҳон ҳамжамиятининг мамлакат ҳукуматини иқтисодий санкциялар билан сиқувга олиши 1989 йилда апартеид сиёсатининг тугатилишига олиб келди 1992 йилда дастлабки демократик сайловларда Нельсон Мандела ғолиб чиқади. 1999 йилда бўлиб ўтган сайловларда Т. Мбеки президент этиб сайланди.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ

Расмий номи — Корея Республикаси. Пойтахти — Сеул. Ҳудуди — 98480 км². Аҳолиси — 48800000 киши (2001). Давлат тили — корейс. Дини — христианлик (48%), буддавийлик (47%). Пул бирлиги — вона.

Географик жойлашуви ва табиати. Шарқий Осиёда, Корея ярим оролининг жанубидаги давлат. Шимолда Корея Халқ Демократик Республикаси билан чегарадош (чегаранинг узунлиги — 238 км). Жанубий Корея ғарбда Сариқ денгиз, шарқда Япон денгизи билан тутшиб кетган. Жануби-шарқда мамлакатни Япониядан Корейс бўғози ажратиб туради. Соҳилининг узунлиги — 2413 км. Мамлакат рельефи асосан қир ва тоғлардан иборат. Асосий тоғ тизмаси шарқий соҳилга параллел жойлашган Шарқий Корея тоғларидир. Мамлакатнинг энг баланд нуқтаси Чезуда оролида жойлашган Хала-сан тоғи ҳисобланади. Жанубий ва ғарбий соҳиллар текисликлардан иборат. Асосий дарёлари Нехтонган ва Ханган. Асосий қазилма бойликлари:

вольфрам, темир, марганец, мис, олтин, кумуш. Ҳайдаладиган ерлар ҳудуднинг 21% ини эгаллайди.

Иқлими — мўътадил муссон. Эман, бамбук, арча, қарағай, терак, қайрағоч, оққарағай ўсади. Ҳайвонот оламида йўлбарс, қоплон, силовсин, айиқни учратиш мумкин.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 9 провинцияга бўлинган. Сеул ва Пусан шаҳарлари алоҳида маъмурий мақомга эга. Корея Республикаси 1948 йилнинг 15 августда мустақил деб эълон қилинган. Миллий байрами — Мустақиллик куни. Ижро этувчи ҳокимият — президент (давлат бошлиғи) ва Бош вазир раҳбарлигидаги Давлат кенгашига тегишли.

Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Миллий мажлис томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Демократик либерал партия, Демократик партия, Бирлашган халқ партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Жанубий Кореянинг сўнгги ўн йилликдаги иқтисодий ўсиши жаҳондаги юқори ўринлардан бирини эгаллайди. ЯММ 1994 йилда 508,3 млрд. долл.ни ташкил этди (аҳоли жон бошига — 11 270 долл.). Саноати электро-техника, тўқимачилик, озиқ-овқат ишлаб чиқаришга асосланган. Асосий қишлоқ хўжалиги (ЯММ нинг 11% ини) маҳсулотлари — шоли, арпа, батат, соя. Ўрмон хўжалиги ва балиқчилик ҳам ривожланган. Асосий савдо шериклари: АҚШ, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 6763 км, автомобиль йўллари — 63200 км, ички сув йўллари — 1609 км. Асосий портлари: Пусан, Мокпхо.

Тарихи. М. а. II—I асрларда ҳозирги Корея ҳудуди Хитой мустамлакаси бўлган. М. а. 37-йилда Корея ярим-оронининг шимолий қисмида Когур давлати вужудга келади. Жанубий қисми эса Пэкчи ва Силла қиролликларига бўлинади. X аср охирида корейс давлати Корё сулоласи ҳокимияти остида бирлаштирилади. 1321 йилда Кореяни мўғуллар босиб олишади. Ли сулоласи ҳукмронлиги даврида (1392—1910) мамлакатга японлар (XVI аср) ва манчжурлар (XVIII аср) бостириб киришади, XIX асрда эса Корея Хитой, Япония, Россия ўртасидаги можароли ҳудудга айланади. 1910 йилда Япония томонидан босиб олинган Корея японларга қарши

курашни 1938 йилда бошлайди ва 1943 йилда мустақилликка эришади. Лекин 38-параллел бўйлаб мамлакат икки қисмга — совет ва америка қўшинларининг оккупацион ҳудудларига айланади. 1948 йилда Корея икки давлатга — шимолда КХДР, жанубда Корея Республикасига бўлинади. 1950—1953 йилларда икки корейс давлати ўртасида уруш ҳаракатлари содир бўлди. Жанубий Корея 1965—1972 йилларда Вьетнам билан бўлган ҳарбий воқеаларга аралашади. 1980 йилда генерал Чон Ду Хван мамлакатда ўз диктатурасини ўрнатади. 1978 йилда диктатура тугатилиб, биринчи демократик сайловларда Ро Де У президентликка сайланади. Президентликдан кетгандан сўнг Ро Де У ва унинг маслакдошлари коррупция ва молиявий товламачиликда айбланадилар. XXI аср бошларида Корея Республикасида иқтисодий инқироз вужудга келди.

ЖИБУТИ

Расмий номи — Жибути Республикаси. Пойтахти — Жибути. Ҳудуди — 23200 км². Аҳолиси — 600000 киши (2001). Давлат тили — француз ва араб тиллари. Дини — ислом. Пул бирлиги — жибути франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Жибути Шимоли-Шарқий Африкадаги давлат. Жанубда ва ғарбда Эфиопия билан, шимолда Эритрея билан, жануби-шарқда Сомали билан чегарадош. Шарқда Аден кўрфазига билан туташган. Жибути ҳудуди ясси тоғлар, чўл ва ярим чўллардан иборат.

Иқлими — қуруқ ва иссиқ тропик.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президентлик республикаси. Давлат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи Олий орган бир палатали парламент — Миллий Мажлис. Қонунчилиги француз умумий ҳуқуқи ва ислом дини қонунлари асосида амалга оширилади. Асосий сиёсий партиялари: Тараққиёт учун Халқ Бирлашмаси, Демократик Янгиланиш партияси, Миллий Демократик партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат хўжалигининг асосий таянчи унинг стратегик жойлашув ўрнидир. Жибути Африканинг эркин савдо ҳудуди деб эълон қилинганлиги унинг портлари орқали халқаро савдонинг ривожланишига қулай шароит яратиб бермоқда.

Тарихи. XIX асрнинг 2-ярмидан Обок портини эгаллаган французлар Жибутини ўз мустамлакаларига айлантириш ҳаракатини бошлаб юбордилар. 1886 йили мамлакат Сомалининг Француз қирғоғи номи билан Франция мустамлакасига айлантирилди. 1946 йилдан Франциянинг «денгиз ортидаги ерлари» номини олди. 1958 йили ўтказилган референдумда Жибути халқи мустақиллик учун овоз берди. 1967 йилда Франция билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида ўзини «Афар ва Иссалар француз ҳудуди» деб эълон қилди. 1977 йили Жибути ўз мустақиллигини эълон қилди. Шу йили Араб давлатлари лигасига аъзо бўлиб кирди.

ЖАЗОИР

Расмий номи — Жазоир Халқ Демократик Республикаси (ЖХДР). Пойтахти — Аль-Жазоир. Ҳудуди — 2381741 км². Аҳолиси — 31624000 киши (2001). Давлат тили — араб. Дини — ислом (99%). Пул бирлиги — жазоир динари.

Географик жойлашуви ва табиати. Шимолий Африкадаги давлат. Ғарбда Марокко (чегара узунлиги — 1559 км) ва Ғарбий Сахара (42 км), жанубда Нигер (956 км), Мали (1376 км), Мавритания (463 км), шарқда Ливия (1982 км) ва Тунис (965 км) билан чегарадош. Шимолда Ўрта ер денгизи жойлашган. Энг юқори нуқтаси — Тахат тоғи (2918 м). Дарёлари жуда кам. Фойдали қазилмалари: нефть, табиий газ, фосфатлар, темир рудаси, уран, қўрғошин, цинк. Ҳайдаладиган ерлари ҳудуднинг 3%, ўтлоқ ва яйловлар 13%, ўрмон ва бутазорлар 2% ини ташкил қилади.

Иқлими — субтропик, тропик. Мамлакат ҳудуди асосан чўллардан иборат бўлганлиги сабабли ўсимлик турлари унчалик кўп эмас. Атлас ва Ахаггар тоғларида пўкак дуб ўсади. Ҳайвонлардан шоқол, гиена, антилопа, қуёнлар учрайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президент республикаси. Мамлакат 48 та вилоятларга бўлинган. 1830—1962 йилларда Жазоир Франция мустамлакаси бўлган. 1962 йил 5 июл кuni ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги Эвиан шартномасига асосан қуроли кураш тўхтатилди ва Жазоир ўз

мустақиллигини эълон қилди. Қонунчилиги француз ва ислом қонунларига асосланган. Миллий байрами 1 ноябр — Инқилоб куни (1954), Давлат бошлиги — президент, қонун чиқарувчи ҳокимият — бир палатали парламент — Миллий халқ мажлиси. Асосий сиёсий партиялари: Халоскорлик Миллий Фронти (ХМФ), Социалистик кучлар фронти (СКФ).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Иқтисоднинг асосий тармоқлари — нефть ва газ қазиб олиш (табиий газ қазиб олиш бўйича жаҳонда 5-ўринда). 1973—1974 йилларда нефть нархининг кескин ошиши иқтисодининг юксалишига ва саноатлаштириш дастурини молиялашга имкон яратди. Нефть ва газ нархининг тушиши, иқтисодни марказлаштирилган бошқарув тизимининг камчиликлари мамлакатни 1988 йилда ижтимоий ва иқтисодий инқирозга учратди. 1993 йил сентябрида ҳокимият тепасига келган янги ҳукумат ислохотларини жадаллаштириш ва иқтисодини қайта қуришни ўзининг асосий вазифаси деб билди. 1994 йилда ЯММ 97,1 млрд. долл.ни ташкил қилди (аҳоли жон бошига 3480 долл.). Нефть ва табиий газни қазиб олишдан ташқари саноатнинг енгил, тоғ-қон, нефть кимёси, озиқ-овқат соҳалари кенг ривожланган. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 22% и қишлоқ хўжалигида банд. Арпа, бугдой, узум, цитрус мевалари, сабзавотлар ва зайтун етиштирилади. Экспортга чиқариладиган асосий маҳсулот — нефть ва табиий газ (жами экспорт маҳсулотларининг 97% ини ташкил қилади). Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, Италия, Германия ва АҚШ.

Темир йўлларининг узунлиги — 4733 км, автомобиль йўллари — 80000 км. Асосий денгиз портлари: Жазоир, Аннаба, Арзев, Бижая, Мостаганем, Оран, Скикда.

Тарихи. М. а. XII асрда Жазоирнинг ҳозирги ҳудудининг Ўрта ер денгизи қирғоқларида истиқомат қилган финикияликлар кейинчалик Карфаген таъсири остига тушиб қолади. М. а. III асрда барбар қабиласининг сардори Масинисса Карфаген ва Рим ўртасидаги урушдан фойдаланиб, дастлабки Жазоир давлати — Нумидия қироллигини тузади. М. а. I асрдан милодий V асргача Жазоир Рим империяси таркибига кирган. 429 йилда бу ерни вандаллар босиб олгандан сўнг барбарлар бир қатор мустақил майда давлатларга асос солишади. VII асрда Жазоирни араблар босиб олиб, бар-

барлар исломни қабул қилишади ва Шимолий Африка Халифалик таркибига киради. XIII асрда христиан ва мусулмон барбар қабилалари ўртасидаги кураш натижасида мамлакат учга бўлинади. XVI асрда бир қатор Жазоир портларини испанлар эгаллашади. Жазоирлик христианлар Испания протекторатига ўтишган бўлса, мусулмонлар Усманийлар империясига мурожаат этишади ва испанларни мамлакатдан қувиб чиқаришади. XVII аср давомида жазоирликлар Урта ер денгизида қароқчилик қилишади. 1816 йили инглиз-голланд, 1824 йили инглиз флоти жазоирлик денгиз қароқчилари билан жанг қилишади. 1830 йил 5 июлда Жазоирни французлар босиб олишади ва 1834 йилда турклар таъсирига бутунлай барҳам беришади.

1954—1962 йиллардаги озодлик урушлари натижасида 1962 йил 1 июл кўни Жазоир мустақил давлатга айланади. 1992 йилдаги сайловларда ислом фундаменталистлари галаба қозонишганда сайлов натижалари ҳукумат томонидан бекор қилинади. Бунга жавобан Ислам қутқариш fronti Жазоир ҳудудида яшовчи чет эл фуқароларига қарши террорчилик ҳаракатларини уюштиришади.

ЗАМБИЯ

Расмий номи — Замбия Республикаси. Пойтахти — Лусака. Ҳудуди — 752614 км². Аҳолиси — 9445723 киши (1995). Давлат тили — инглиз. Дини — аҳолисининг ярмидан кўпроғи христиан, қолганлари ислом, индуизм динларига эътиқод қилади. Пул бирлиги — замбия квачаси.

Географик жойлашуви ва табиати. Африканинг жанубий қисмида жойлашган. Шимолда Танзания (чегара узунлиги — 338 км) ва Зоир (1930 км), ғарбда Ангола (1110 км), жанубда Намбия (233 км), Зимбабве (797 км), шарқда Малави (837 км), жануби-шарқда Мозамбик (419 км) билан чеградош. Умумий чегара узунлиги — 5664 км. Кўллари — Бангвеулу, Мверу, қисман Танганьика ва Кариб. Асосий дарёлари: Луанва, Замбези, Кафуэ. Фойдали қазилмалари: мис, кобальт, зумрад, олтин, кумуш, уран, рух, кўмир, марганец, кўрғошин рудаларига бой.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президент республикаси. Маъмурий жиҳатдан 9 та провинция (вилоят)га бўлинади. 1964 йил

24 октябрда мустақилликка эришган. 24 октябр Мустақиллик куни — миллий байрами ҳисобланади. Давлат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи олий орган — икки палатали парламент (Миллий Ассамблея (юқори палата)) ва вакиллар палатаси (қуйи палата).

Асосий сиёсий партиялари: Кўппартияли демократия учун ҳаракат (КДУҲ) партияси, Миллий мустақиллик бирлашган партияси (ММБП).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси паст. ЯММ 1994 йил 7.9 млрд. (аҳоли жон бошига 860) долл.ни ташқил этди. Мис қазиб олиш ва қайта ишлаш ишлаб чиқаришда асосий ўрин тутади. Иқтисоднинг асосий муаммоларидан бири давлат ташқи қарзларининг кўплиги. Асосий савдо ҳамкорлари — ЕҲ, Япония, Жанубий Африка, АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 1273 км. Автомобиль йўллари — 36370 км. Ички сув йўллари — 2250 км. Асосий порти — Мпулунгу.

Тарихи. Ҳозирги Замбия ҳудудида илк давлатлар (Баротсе, Лунда) XVII—XIX асрлар пайдо бўлди. XIX аср охирларида Замбия ҳудудида Британия ҳукмронлиги ўрнатилди ва Шимолий Родезия деб атала бошланди. Шимолий Родезия 1953 йили Родезия ва Ньясаленд Федерациясига киритилди. 1963 йилда Федерация бўлиниб кетганидан кейин Шимолий Родезия 1964 йил 24 октябрда мустақил Замбия Республикасига айланди.

ЗИМБАБВЕ

Расмий номи — Зимбабве Республикаси. Пойтахти — Хараре. Ҳудуди — 390300 км². Аҳолиси — 11400000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — синкретизм, христианлик (25%). Пул бирлиги — зимбабве доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Африка қитъасининг жанубий қисмида жойлашган давлат. Мозамбик билан шимолда ва шарқда (чегара узунлиги — 1231 км), шимолда Замбия (794 км), жанубда ЖАР (225 км), жануби-ғарбда ва ғарбда Ботсвана билан чегарадош. Умумий чегара узунлиги — 3066 км. Деярли бутун мамлакат ҳудудини Матабеле ва Мошона ясси тоғликлари эгаллаган. Мамлакатнинг энг баланд нуқтаси — Иньянгани тоғи (2595 м). Асосий дарёлари —

Лимпопо ва Замбези. Фойдали қазилмалари: хром, олтин, никель, мис, темир рудаси, кўмир, ванадий, литий, қалайи, асбест.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президент республикаси. 1980 йил 18 апрелда мустақилликка эришган. 18 апрел Миллий байрам — Мустақилликнинг эълон қилиниши. Давлат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи олий орган — бир палатали парламент. Асосий сиёсий партиялари: Зимбабве миллий Африка иттифоқи — Сиёсий фронт (ЗМАИ-СФ), Зимбабве консерватив альянси (ЗКА), Зимбабве бирлик ҳаракати (ЗБК).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Зимбабве Африка қитъасининг иқтисодий жиҳатдан бирмунча ривожланган мамлакатларидан биридир. Ялпи миллий маҳсулот 1994 йилда 17,4 млрд. (аҳоли жон бошига 15800) долл.ни ташкил этди. Иқтисоднинг асосини тоғ-кон ва қайта ишлаш саноати ташкил этади. Қишлоқ хўжалиғи ҳам иқтисоднинг муҳим тармоғидир. Асосий савдо ҳамкорлари — Буюк Британия, ЖАР, Германия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 2745 км, автомобиль йўллари — 85237 км. Асосий порти (дарё порти) — Кариба.

Тарихи. XII—XVII асрларда ҳозирги Зимбабве ҳудуди Монатапа давлати бўлган. XIX аср охирларида мамлакатни Родезия деб атаган инглизлар пайдо бўлади. 1923 йилда Жанубий Родезия Британия мустақилликка айлантиради. 1953 йилдан 1963 йилгача Родезия ва Ньясаленд Федерацияси таркибига киритилади. 1979 йили Зимбабве (мамлакатнинг янги номи)да парламентга сайловлар бўлиб ўтди ва африкаликлар парламентда кўп ўринга эга бўлдилар. Лекин мамлакатнинг тўлиқ мустақилликка эришиши учун партизан уруши 1980 йил 17 апрелгача давом этди.

ЗОИР

Расмий номи — Зоир Республикаси. Пойтахти — Киншаса. Ҳудуди — 2345410 км². Аҳолиси — 53600000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — католиклар (50%), протестантлар (20%), кибангистлар (12%), мусулмонлар (10%). Пул бирлиги — зоир.

Географик жойлашуви ва табиати. Зоир Марказий Африкадаги давлат. Жанубда Замбия (чегара узунлиги — 1930 км), жануби-ғарбда Ангола (2511 км), ғарбда Конго (2410 км), шарқда Уганда (765 км), Брунди (233 км) ва Руанда (217 км), шимолда Марказий Африка Республикаси (1577 км) ва Судан билан чегарадош. Мамлакат чегарасининг умумий узунлиги — 10271 км. Мамлакат ҳудудининг марказий ва ғарбий қисмларини ясси тоғлиқлар ва тоғ тизмалари билан ўралган Конго дарё водийси эгаллайди. Киву кўлидан шимолда вулқонли тоғлар жойлашган. Жануби-шарқда Катанга, жануби-ғарбда Ангола ясси тоғлиқлари жойлашган. Зоирда кўллар кўп: Танганьика, Киву, Мобуте-Сесе-Секо, Мверу. Фойдали қазилмалари: мис, боксит, темир рудаси, кўмир, олмос, олтин, кумуш, нефть, рух, марганец, уран, қалайи, кобальт, кадмий.

Давлат тузилиши ва сиёсий патриялари: Давлат тузилиши — президентлик республикаси. Маъмурий жиҳатдан 10 та вилоятга бўлинади. Мустақилликка 1960 йил 30 июнда эришган. Давлат бошлиғи — президент, қонун чиқарувчи олий органи — бир палатали парламент. Асосий партиялари: Инқилобий халқ ҳаракати (ИХХ), Федералистлар ва республикачилар иттифоқи (ФРИ), Зоир Демократик социал-христиан партияси (ЗДСХП).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Бой фойдали қазилмаларга эга бўлишига қарамасдан Зоир Африканинг қолоқ давлатларидан бири бўлиб қолмоқда. ЯММ 1994 йили 18 млрд. (жон бошига — 440) долл.ни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги иқтисоднинг асосини ташкил этади. Саноатнинг кўзга кўринган тармоқлари — тоғ-кончилик, олмос қазиб олиш ва уни қайта ишлаш. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Бельгия, Франция, ЖАР.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 5138 км, автомобиль йўллари — 146500 км, ички сув йўллари — 15000 км. Портлари: Бома, Банана, Матади.

Тарихи. Ҳозирги Зоир ҳудуди XV аср охирида Боконго қироллиги ҳукмронлиги даврида европаликлардан биринчи бўлиб португаллар томонидан очилган. Лекин 1875 йил Бельгия қироли Леопольд Г. М. Стэнли бошчилигидаги Конго экспедициясини жўнатади ва 1882 йил Халқаро Конго ассоциациясини ташкил

этиб, мамлакатни мустамлакага айлантиради. 1908 йили ҳозирги Зоир ҳудудида Бельгия Конгоси номи билан Бельгия мустамлакаси ташкил этилди. 1960 йилда Бельгия Конгоси мустақил давлат деб эълон қилинади. 1965 йили ҳокимиятни қўлга киритган генерал Мобуту 1971 йили мамлакат номини Зоир Республикаси деб эълон қилади. 1997 йилдан бошлаб Конго Демократик Республикаси номини олди.

ИНДОНЕЗИЯ

Расмий номи — Индонезия Республикаси. Пойтахти — Жакарта. Ҳудуди — 1919400 км². Аҳолиси — 206100000 киши (2001). Давлат тили — индонез. Дини — мусулмонлар (87%), протестантлар (6%), католиклар (3%), буддистлар (3%). Пул бирлиги — индонезия рупияси.

Географик жойлашуви ва табиати. Индонезия Республикаси Жануби-Шарқий Осиёдаги давлат. Дунёдаги энг катта Малай архипелагининг 17,5 минг ороли ва Янги Гвинея (Ғарбий Ириан) оролининг ғарбий қисмида жойлашган. Индонезия ҳудудининг ярмидан кўпроғи ўртача баланд ва пастқам тоғлардан, Янги Гвинеяда қисман баланд тоғлардан (энг баланд жойи — 5029 м), қолган қисми аллювиал текисликлардан иборат. Оролда 400 дан ортиқ вулқон бор, шундан 100 таси ҳаракатдаги вулқонлардир. Тектоник ҳаракатлар тинмаган. Тез-тез кучли zilзила бўлиб туради. Нефть, кўмир, темир, марганец, қалайи рудалари, боксит, мис, қўрғошин, рух, алюминий, никель ва фосфат конлари бор.

Иқлими — Индонезиянинг катта қисмида экваториал. Ява оролининг шарқий ва Кичик Зонд оролларида субэкваториал. Энг йирик дарёлари — Капуас, Барито, Харри, Компар, Муси, Мамберамо, Дигуль.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Индонезия — унитар республика. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи олий орган — Халқ Маслаҳат Конгресси. Амалдаги конституцияси 1945 йил 18 августда қабул қилинган. Ижроия ҳокимиятни президент ўзи тайинлаган ҳукумат билан бирга бошқаради. Асосий сиёсий партиялари: Бирлик ва тараққиёт партияси, ИДП Миллий мандат партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Индонезия — аграр-индустриал мамлакат. Қишлоқ хўжалиги Индонезия иқтисодининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Меҳнатга яроқли аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ хўжалигида банд. Табиий каучук ва пальма ёғи ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Тропик дарахт ёғочидан ясалган буюмлар, тамаки, чой, қаҳва, зиравор-дориворлар, шунингдек, балиқ ва денгиз маҳсулотлари етказиб берувчи энг катта давлатдир. Асосий донли экинлари — шоли, маккажўхори. Чорвачилигида қорамол, чўчқа, эчки, қўй, йилқи, парранда боқилади. Индонезия ҳудудининг 65% и ўрмон билан қопланган бўлиб, қимматбаҳо ёғоч тайёрланади. Кончилик саноати бюджет тушумларининг анча қисмини таъминлайди. Йилига ўртача 576 млн. баррель нефть қазиб олинади. Индонезия суюлтирилган табиий газни четга чиқаришда дунёда биринчи ўринда, қалайи қазиб олишда иккинчи ўринда, никель қазиб олишда тўртинчи ўринда туради. Маҳсулот ишлаб чиқариш саноатининг асосини истеъмол моллари: газлама, чарм буюмлар, рўзғорбоп кимёвий маҳсулотлар, озиқ-овқат ташкил этади. Шоли оқлаш, тамаки, қанд-шакар, чой, ёғ, ип-газлама, жун, қурилиш материаллари, фармацевтика ва полиграфия, кондитер корхоналари ва минерал ўғит, шина заводлари бор. Юксак технологияга асосланган тармоқлар: кема-созлик, самолётсозлик, нефть кимёси, автомобиль йиғиш, радиоэлектроника ривожланмоқда. Индонезияда денгиз транспорти етакчи ўринда. Асосий савдодаги ҳамкорлари: Япония, АҚШ, Сингапур, Германия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 6964 км, автомобиль йўллари — 119500 км, ички сув йўллари — 21579 км. Портлари: Танжунгприон (Жакарта порти), Сурабая, Палембанг, Баликпапан, Ужунган.

Тарихи. Индонезия қадимий маданият марказларидан биридир. М. а. II асрга оид ёдгорликлар сақланган. Ява, Малайя оролларида Тарума ва Калинга, Суматрада Малайю ва Шривижайя давлатлари ташкил топган. Уларда ҳиндуйлик ва буддавийлик тарқала бошлади. VII асрда бир неча майда давлатлар бирлашиб, Шривижайя империясига айланди. VIII асрнинг биринчи ярмида Явада Матарам давлати пайдо бўлди. 1025 йили Шривижайя инқирозга учради. XI асрнинг 40-йилларида Матарам Кедири (XIII асрдан Сингасари) ва Жан-

гола давлатларига бўлиниб кетди. XIII аср охирида Сингасари емирилиб, унинг ўрнида Мажапахит империяси ташкил топди (1293 — тахм. 1520). XIV асрда Ҳиндистон ва Малаккадан Индонезияга ислом дини кириб келди. XVI асрдан Мажапахит империяси мусулмон султонликларига бўлиниб кетгач, Индонезия ҳудудига европаликлар (португаллар, голландлар) кириб кела бошлади. 1602 йилда голландлар Индонезияда Ост-Индия компаниясига асос солди. 1811 йили Индонезияни инглизлар босиб олди. 1814 йилги Англия-Нидерландия битимига кўра Индонезия Нидерландия қўлига ўтди. 1942—1945 йилларда Индонезияни Япония босиб олди. Япония II жаҳон урушида мағлубиятга учрагач, мамлакат мустақил Индонезия Республикаси деб эълон қилинди (1945 йил 17 август). 1945 йил 6 сентябрда Индонезияга инглиз, кейинроқ голланд қўшинлари бостириб кирди. 1949 йил ноябрда Голландия Индонезия мустақиллигини тан олишга мажбур бўлди. Бироқ Индонезия 16 ҳудудга бўлиниб ташланди. Мамлакат «Индонезия Қўшма Штатлари» номи билан юритила бошланди, Голландия Ғарбий Ирианни ўз қўл остида сақлаб қолди. 1950 йил 6 августда Индонезия унитар давлат деб эълон қилинди. 1953 йил 1 майда Ғарбий Ириан Индонезия Республикаси таркибига қўшиб олинди.

ИОРДАНИЯ

Расмий номи — Иордания Ҳошимийлар подшоҳлиги. Пойтахти — Оммон. Ҳудуди — 89 206 км². Аҳолиси — 5200000 киши (2001). Давлат тили — араб. Дини — ислом давлат дини ҳисобланади. Пул бирлиги — иордан динари.

Географик жойлашуви ва табиати. Иордания Яқин Шарқда, Осиёнинг ғарбий қисмида жойлашган. Иордания шарқда ва жанубда Саудия Арабистони (чегара узунлиги — 728 км), шарқда Ироқ (181 км), ғарбда Исроил (238 км) ва Фаластин (97 км), шимолда Сурия (375 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги — 1619 км. Иордания маъмурий жиҳатдан 12 муҳофазат (вилоят)га бўлинади. Иорданиянинг аксар қисми шарқдан ғарбга томон баландлашиб борадиган ясси тоғлиқлардан иборат. Жанубдаги Рам тоғи Иорданиянинг энг баланд нуқтаси (1764 м). Мамлакат-

нинг ғарбий қисмида меридиан чизигига параллел ҳолда йўналган чуқур ботиқ воҳа — Ҳор (Ал-Ҳор) ва унинг давоми Водий ал-Араб жойлашган. Ҳор минтақасида Иордан дарёси водийси ва Ўлик денгиз ўрин олган. Бу минтақанинг ҳар икки томонида Сурия-Фаластин тоғлари қад ростлаб туради. Йирик шаҳарлари: Оммон, Аз-Зарқа, Ирбид, Ал-Халил.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари.

Иордания — конституцион монархия. 1952 йил 8 январда қабул қилинган конституцияга амал қилади. Давлат бошлиғи — Малик (подшоҳ) бўлиб, у қонун чиқарувчи ва ижрочи ҳокимият соҳасида катта ҳуқуққа эга. Қонун чиқарувчи ҳокимият — подшоҳ ва Миллат мажлиси (парламент). У сенат ва депутатлар палатасидан иборат. Сенатни подшоҳ 4 йилга тайинлайди. Депутатлар палатаси тўғридан-тўғри ва овоз бериш йўли билан 4 йилга сайланади. Ижроия ҳокимиятни подшоҳ ўзи тайинлайдиган ҳукумат — Вазирлар Кенгаши орқали амалга оширади.

Иқтисоди ва транспорт коммуникациялари.

Иордания иқтисодиётида хизмат кўрсатиш, саноат, қишлоқ хўжалиғи ва сайёҳлик соҳалари ривожланмоқда. Иордания фосфат ва ишқор (поташ), мис ва марганец захираларига ва унчалик йирик бўлмаган нефть конларига эга. Кончилик, энергетика, тўқимачилик саноатлари ривожланган. Иқтисодиётида кончилик саноати муҳим аҳамиятга эга. Фосфорит экспорти бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Мамлакат минерал тузларга ҳам бой. Шунингдек, бром, магний оксиди ҳам қазиб олинади. Мис рудаси, марганец, уран, темир рудаси ҳам бор. Булардан ташқари, Иордания ерлари каолин, гипс, оҳақтош, кварцли қумлар, доломит, бентонит, дала шпати конларига ҳам бойдир. Иорданияда совитгич, газ плиталар, аккумуляторлар ишлаб чиқарадиган заводлар, курилиш моллари, мебель корхоналари бор. Доридармон, сигарета, кулолчилик буюмлари, пойабзал, тўқимачилик моллари ҳам ишлаб чиқарилади.

Қишлоқ хўжалиғи иқтисодиётда юқори мавқега эга эмас. Мамлакат ҳудудининг атиги 5—6% и ҳайдалади-ган ерлардир. Чорвачилик оқсоқ тармоқ ҳисобланади. Асосан қорамол, қўй ва эчки боқилади. (Ем-хашак етишмайди, яйловлар кам.)

Иордания четга асосан фосфат, фосфатли ва калийли ўғитлар, ишқор, цемент, мрамор, аккумуля-

торлар, тўқимачилик буюмлари, парафин, лок бўёқлар, тозалаш моддалари, қандолатчилик маҳсулотлари, кимёвий моллар чиқаради. Четдан машина, асбоб-ускуна, нефть ва нефть маҳсулотлари, гўшт, суг маҳсулотлари олинади. Асосий савдо ҳамкорлари — араб давлатлари, АҚШ, Италия, Япония, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 619 км. Автомобил йўлларининг узунлиги — 7500 км. Асосий порти — Акаба.

Тарихи. Ҳозирги Иордания ҳудудида дастлаб кананейларнинг сомиё қабилалари яшаган. М. а. бир минг йилликда бу ҳудуднинг бир қисми Исроил ва Яҳудия подшоликлари таркибида бўлган. М. а. бир минг йиллик охирида қадимги араб давлати — Набатейя подшолиги вужудга келди. Иордания милодий II асрнинг 30-йилларидан Рим, IV асрдан Византия империяси, VII асрдан Араб халифалиги қўл остида бўлди. XI—XV асрларда салибчилар, салжуқийлар, Миср мамлуклари бос-тириб кирди. X асрнинг бошидан 1918 йилгача Усмонли турк империяси таркибида бўлди. Мамлакат I жаҳон уруши даврида араб кўзғолончи ва ватанпарварлари томонидан озод қилинди. Сўнг Сурия ҳудуди билан бирга амир Файсал қўл остига ўтди. 1920 йилда Британия мандатидаги Фаластинга қўшилди. 1921 йилда Иордан дарёсининг шарқий қисмида ҳошимийлар сулосасидан бўлган амир Абдуллоҳ раҳбарлигида Транс-иордания амирлиги ташкил топди. Амирлик устидан Англия назорати ўрнатилди. 1946 йил 25 майда Транс-иордания Иордания номи билан мустақил давлат, амир Абдуллоҳ (2004 йили вафот этди) эса унинг подшоҳи деб эълон қилинди.

ИРЛАНДИЯ

Расмий номи — Ирландия Республикаси. Пойтахти — Дублин. Ҳудуди — 70,3 минг км². Аҳолиси — 3840000 киши (2001). Давлат тили — ирланд ва инглиз. Дини — аҳолисининг аксарияти католиклар, бир қисми протестантлар. Пул бирлиги — евро.

Географик жойлашуви ва табиати. Ирландия Европанинг ғарбида, Ирланд оролларида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан 26 графликка бўлинади, улар 4

тарихий вилоятга бирлашади. Шимолда Буюк Британия (Шимолий Ирландия) (чегара узунлиги — 360 км) билан чегарадош. Шарқда Ирланд денгизи, бошқа томондан Атлантика океани билан туташ. Ирландия ҳудудининг ярмидан кўпини марказий текислик эгаллаган. Чекка қисмларида паст ва ўртача баландликдаги тоғлар бор. Жануби-ғарбида Керри тоғи (1041 м) Ирландиядаги энг баланд тоғдир. Ирландияда торфнинг катта захиралари, тошкўмир, кўрғошин, рух, мис, фосфорит бор.

Иқлими — мўтадил океан. Йирик дарёси — Шаннон. Йирик шаҳарлари: Дублин, Корк, Лимерик.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Ирландия — республика. 1937 йил 29 декабрда қабул қилинган ҳамда 1972 ва 1999 йилларда тузатишлар киритилган Конституцияга амал қилади. Давлат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи олий органи — Миллий парламент (икки палатали: вакиллар палатаси ва сенат). Ижрочи ҳокимиятни вакиллар палатасининг таклифига биноан президент томонидан тайинланадиган ҳукумат амалга оширади. Асосий сиёсий партиялари: Фианна фойл («Омад аскарлари»), Фине гал (Бирлашган Ирландия), Ирландия лейбористлар партияси, Ирландия коммунистик партияси, Демократик сўл партия, Тараққийпарвар демократик партия, Ирландия ишчилари партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Ирландия — индустриал мамлакат. Кончилик саноати ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш тармоқлари етакчи ўринда. Металлургия, машинасозлик, электротехника, нефть, кимё қурилиши ашёлари конлари бор. Торф қазиб олиш ва ундан фойдаланиш соҳасида дунёда олдинги ўринда туради. Чорвачилик мамлакат қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланади: бу тармоқ ялли қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 88% ини беради. Унинг 80% и экспорт қилинади. Денгиз флоти ривожланган. Асосий портлари — Дублин, Керк. Ирландия четга машина ва асбоб-ускуналар, қорамол, озиқ-овқат, кимё, тўқимачилик маҳсулотлари чиқаради. Четдан транспорт воситалари, нефть ва бошқалар келтирилади. ЯММ 1994 йилда 49,8 млрд. (аҳоли жон бошига — 14060) долл.ни ташкил этади. Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, Германия, Франция, АҚШ ва Россия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 1947 км, автомобиль йўллари — 92294 км. Денгиз портлари — Дублин, Корк, Уотерфорд.

Тарихи. Ирландия ҳудудида инсон м. а. 6 минг йилликдан буён яшайди. М. а. I асрда кельт қабилалари кўчиб келиб, маҳаллий аҳоли билан қўшилиб кетган. V асрда христиан дини тарқалган. 1921 йилда Англия-Ирландия битимига мувофиқ Ирландиянинг жанубий қисми мустақил деб эълон қилинди ва Англия назоратидаги доминион ҳуқуқини олди. 1937 йилги янги конституция «Эйре мустақил давлати» деб эълон қилди. 1949 йили Ирландия мустақил Республика деб эълон қилинган бўлса ҳам, мамлакатнинг шимолий қисми (Ольстер)да мустамлакачилар ҳукмронлиги сақланиб қолди.

ИРОҚ

Расмий номи — Ироқ Республикаси (Аль-Жумҳурия ал-Ироқия). Пойтахти — Бағдод. Ҳудуди — 434924 км². Аҳолиси — 23 600 000 киши (2001). Давлат тили — араб тили. Дини — ислом (95%), христианлар (3%). Пул бирлиги — ироқ динари.

Географик жойлашуви ва табиати. Ироқ Осиёнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган давлат. Шимолда Туркия, шарқда Саудия Арабистони ва Кувайт, ғарбда Иордания ва Сурия билан чегарадош. Мамлакатнинг жанубий соҳиллари Форс қўлтиғи билан туташган. Мамлакатнинг шимолий қисми Аль-Жазра Арман тоғликлари ва Туркия билан чегарадош ҳудудларда жойлашган. Бу ҳудуднинг энг баланд нуқтаси — 2135 м. Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида кенг водий ястаниб ётади. Фротнинг ғарбий тарафидан водий Сурия чўлларига тутайиб кетган.

Иқлими — континентал. Мамлакатнинг марказий қисмида хурмо ва терак дарахтлари ўсади. Ироқнинг катта қисмини чала чўл ва чўлларга ўтиб борувчи текисликлар эгаллаган. Тоғли ҳудудларда нинабаргли буталар бор. Ироқ ҳайвонот дунёси ранг-барангдир: мамлакатнинг ўрмон ва чўлларида оху, антилопа, гепард, шер, бўри, чиябўри, қуён ва бошқа ҳайвонларни учратиш мумкин.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилишига кўра — президентлик республикаси.

Ироқ 18 та вилоятдан иборат. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Сиёсий партиялари: Курдистон демократик партияси, Ироқ коммунистик партияси, Араб социалистик уйғониш партияси, Курдистон партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Ироқ — аграр-индустриал давлат. Иқтисодининг асосини нефть қазиб олиш ташкил этади. Нефтни қайта ишлаш, цемент, тўқимачилик, тери-пойабзал, озиқ-овқат саноати ривожланган. Кимё-фармацевтика, шиша, электротехника, афтомобиль йиғувчи корхоналар, қишлоқ хўжалиғи машинасозлиғи заводлари ишлаб турибди. Нефть хом ашёси, фундуқ, қуруқ мевалар асосий экспорт маҳсулотлари ҳисобланади. Оғир машинасозлик ва мудофаа саноати маҳсулотлари, транспорт жиҳозлари, темир, пўлат, асосий саноат маҳсулотлари, ғалла, озиқ-овқат маҳсулотлари импортда муҳим ўрин тутди. Асосий савдо ҳамкорлари: Иордания, Туркия, Бразилия, Япония, Нидерландия, Испания, Франция. Асосий порти: Басра.

Тарихи. Қадимги Ироқ ҳудудида м. а. IV минг йилликда Шумер давлати ташкил топган. М. а. III минг йилликдан I минг йилликкача бу ҳудудда Аккад, Бобил ва Оссурия давлатлари мавжуд бўлган. М. а. 539—331 йилгача бу ҳудудлар Аҳамонийлар империяси таркибига, кейин 200 йил давомида Александр Македонский империяси таркибида бўлган. Ундан сўнг яна форслар ҳукмронлиғи остига қайтган. VII асрда бу ҳудудларни араблар босиб олган. XIII асрда эса мўғул босқинчилари бу ерларга бостириб кирди. XVI асрдан XX асргача Ироқ Усмонийлар империясининг таркибий қисми бўлиб келди. 1916 йили Буюк Британия бу ҳудудларни истило қилди. 1932 йили Ироқ ўз мустақиллигини қўлга киритди, лекин орадан кўп ўтмай 1941—1945 йилларда Буюк Британия, Эрон, Покистон ва Туркия жамоавий хавфсизлик тўғрисидаги «Бағдод пакти»ни имзолашди. 1958 йили монархия ағдарилиб, Ироқ «Бағдод пакти»дан чиқди. 1963 йили АҚШ нинг қўллаб-қувватлаши билан Ироқда ҳарбий давлат тўнтариши амалга оширилди. 1980 йили Ироқ ва Эрон ўртасида уруш бошланиб кетди. 1988 йили уруш тўхтатилиб, 1990 йили Эрон билан тинчлик шартномаси имзоланди. Шу йили Ироқ Қувайт ҳудудига бостириб кирди. БМТ Ироқ билан савдо алоқаларига эмбарго эълон қилди. 1991 йилда

АҚШ бошчилигидаги НАТО ҳарбий кучлари Ироққа қарши «Сахродаги бўрон» деб номланган ҳарбий операцияни бошлади. 1994 йили Ироқ Қувайтга нисбатан ўз даввосидан воз кечди. 1998 йили қуролланишни назорат қилиш бўйича БМТ махсус комиссияси мамлакат худудидан чиқариб юборилди. Бу Форс кўрфази АҚШ ҳарбий кучларининг тўпланишига асос бўлди. 2003 йилнинг март ойида АҚШ ва Буюк Британия Саддам Ҳусайнни ҳокимиятдан ағдариш мақсадида Ироққа қарши ҳарбий операцияларни бошлади. натижада С. Ҳусайн ҳокимиятдан ағдарилиб, деярли бутун Ироқ худуди АҚШ назорати остига ўтди. 2005 йилда бўлиб ўтган сайловларда Жалол Талабани президент этиб сайланди.

ИСЛАНДИЯ

Расмий номи — Исландия Республикаси. Пойтахти — Рейкьявик. Худуди — 103000 км². Аҳолиси — 300000 киши (2001). Давлат тили — исланд. Дини — лютеранлар (95%), протестантлар (2%), католиклар (1%). Пул бирлиги — исланд кронаси.

Географик жойлашуви ва табиати. Исландия Атлантика океанининг шимолий қисмидаги Исландия оролида жойлашган. Орол юзасини вулқонли тоғлиқлар, кўп сонли муз билан қопланган тоғли массивлар эгаллаган. Оролда 200 дан ортиқ вулқонлар қайд этилган, уларнинг кўплари — Гекла, Лаке, Аскья ва бошқалар ҳаракатдаги вулқонлардир. Гидроэнергия ресурслари ва балиқ мамлакатнинг асосий табиий ресурслари ҳисобланади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилишига кўра — парламентар республика. Маъмурий жиҳатдан 23 округга бўлинади. 1944 йил 17 июнда Даниядан ажралиб, мустақилликка эришган. (Миллий байрами — Республика эълон қилинган кун.) Ижро этувчи ҳокимиятни президент (давлат бошлиғи) ва ҳукуматни бошқарадиган премьер-министр бошқаради. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали (юқори ва қуйи) парламент (Альтинг)дан иборат. Асосий сиёсий партиялари: Мустақиллик партияси (МП), Прогрессив партия (ПП), Исландия социал-демократик партияси (ИСДП), Халқ иттифоқи (ХИ).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисоди амалий жиҳатдан балиқчилик ва

балиқни қайта ишлаш билан чекланган. Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — картошка ва шолғом. Қўйчилик ва сут етиштирадиган чорвачилик ҳам ривожланган. ЯММ 1994 йилда 4,5 млрд. долл. (аҳоли жон бошига — 17250 долл.)ни ташкил этди. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕҲ мамлакатлари, Норвегия, АҚШ, Япония.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 12343 км. Денгиз портлари: Кеблавик, Рейкьявик, Сейдисфьордюр.

Тарихи. Исландия ерлари VIII асрда ирланд монахлари томонидан очилган, 865 йилда эса бу ҳудудларга норвеглар кўчиб келган. 930 йилда мустамлакачилар оролда республика барпо этдилар. Тахминан 1000 йилда мамлакатда дастлабки христиан миссионерлари пайдо бўлди. 1262 йилда Исландияда Норвегия қироллиги ҳукмронлиги ўрнатилди. 1537 йилдан 1944 йил майигача Дания қарамоғида бўлди. 1944 йил 17 июлда мустақил Республика деб эълон қилинди.

ИСПАНИЯ

Расмий номи — Испания қироллиги. Пойтахти — Мадрид. Ҳудуди — 504,70 минг км². Аҳолиси — 40037000 киши (2001). Давлат тили — испан. Дини — кўпчилиги католиклар. Пул бирлиги — евро.

Географик жойлашуви ва табиати. Европанинг жануби-ғарбида Пиреней ярим оролида жойлашган Ўрта ер денгизидаги Балеар, Атлантика океанидаги Канар ороллари, Африканинг шимолий қирғоғидаги Сеута ва Мелилья шаҳарлари ва унга ёндош Велесде-ле Гомера, Алу Семас, Чафаринос ороллари ҳам Испанияга қарашли. Ғарбда Португалия (чегара узунлиги — 1214 км), шимолда Франция (623 км) ва Андорра (65 км), жанубда Гибралтар (1,2 км) билан чегарадош.

Испания субтропик минтақада жойлашган. Ҳудудининг аксар қисми ясси тоғлик, ўртача баландликдаги тизмалар, ясси тоғликлар ва пасттекисликлардан иборат. Сьерра-Невадо тизмасидаги Муласен тоғи (3478 м) Испаниядаги энг баланд тоғдир.

Мамлакатнинг асосий дарёлари: Тихо, Эбро, Гвадалквивир, Деэро, Гвадиана ва бошқалар. Испанияда уран, мис, симоб, қўрғошин, темир, вольфрам, қалайи, олтин, кумуш, маргимуш, марганец конлари бор. Ҳудуд-

нинг 31% и экин экиладиган ерлар, 31% и ўрмонлар ва бутазорлар, 21% и ўтлоқ ва яйловлардан иборат.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Маъмурий жиҳатдан 17 мухтор ҳудудга, улар ўз навбатида эликта вилоят (provincia)га бўлинади. Миллий байрами 12 октябр — Испан миллати куни. 1492 йилдан бошлаб мустақил давлат. Давлат бошлиғи — қирол (1975 йил 22 ноябрдан Хуан Карлос I), унинг ҳуқуқи конституция билан чегараланган. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Генерал Кортеслар (парламент) амалга оширади. Кортеслар икки палата — Депутатлар Конгресси ва Сенатдан иборат. Ижрочи ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади. Ҳукумат раисини қирол парламентнинг иккала палатаси раислари билан маслаҳатлашиб тайинлайди. Асосий партиялари: Испания социалистик ишчи партияси (ИСИП), Халқ партияси (ХП), Испания коммунистик партияси (ИКП), Баскларнинг миллатпарвар партияси (БМП), Каталония демократик конвергенцияси (КДК), Валенсия Иттифоқи (ВИ).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Испания — аграр-индустриал мамлакат. ЯММда саноатнинг улуши 23%, қишлоқ хўжалигининг улуши 35%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 60% дан ортади. ЯММ 1994 йилда 515,8 млрд. (аҳоли жон бошига 13120) долл.ни ташкил этган. Саноатида оғир саноат етакчи ўринда туради. Машинасозлик, автомобилсозлик, кemasозлик, электротехника, станоксозлик, кимё саноати ривожланган. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — деҳқончилик.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 14378 км, автомобиль йўллари — 324 минг км. Портлари: Картахена, Альхесирас, Барселона, Бильбао, Санта-Крус-де-Тенерифе, Вито, Кадис, Ла-Корунья, Малага, Сантаньер, Таррагона, Валенсия, Хихон, Алектанте, Альмерия.

Асосий савдо ҳамкорлари: ЕҲ мамлакатлари, АҚШ.

Тарихи. М. а. VII асрдан Испаниянинг жанубий ва шарқий соҳил бўйлари финикияликлар ва юнонлар томонидан ўзлаштирила бошланган. М. а. 7000—5000 йилларда Ўрта ер денгизи соҳилида иберлар маданияти пайдо бўлди. М. а. III аср охирларида Испания ҳудудининг кўп қисми Карфаген қўл остига ўтди. М. а. II аср бошларига келиб римликлар карфагенликларни си-

қиб чиқардилар. Маврлар 711—718 йилларда Пиреней ярим ороллари нинг кўп қисмини босиб олдилар ва бу қисмлар Дамашқ халифалиги қўл остига ўтди. 756 йилда мустақил давлат — Курдоба амирлиги, 929 йилда эса Курдоба халифалиги тузилди. X—XI асрларда мусулмонлар Испанияси бир неча мустақил давлатларга бўлиниб кетди. 1212 йилда маврларга қарши ҳужум (Реконкиста) натижасида Арагона, Кастилья ва бошқа испан қиролликлари вужудга келди. Кастилья ва Арагония битта қиролликка бирлашиб (1469 йил), мамлакатни 1492 йилда маврлардан озод қилди. Испания қироллиги XVI асрда гуллаб-яшнади, Жанубий ва Марказий Америкада мустамлакаларни кенгайтирди. 1580 йилда Португалияни забт этди, лекин XVII асрда кўп ҳудудларидан ажралди. 1640 йилда Португалия, 1648 йилда Нидерландия, 1649 йилда эса Артуа ва Русильон провинцияларини Францияга бой берди. XIX аср бошларида мамлакат Наполеон қўшинларидан озод қилинди. Ўша пайтда испанлар Жанубий ва Марказий Америкадаги деярли барча мустамлакаларидан ажралди. XIX асрда Испанияда абсолют ҳокимият тарафдорлари ва либераллар ўртасида кураш бўлиб ўтди. 1923 йилда давлат тўнтариши натижасида мамлакатда диктатура ўрнатилди. 1931 йилда Испания Республика деб эълон қилинди. Қирол Альфонс XIII тахтдан воз кечмай, мамлакатни тарк этди. 1936 йилда Халқ fronti ҳокимият тепасига келгач, фуқаролар уруши авж олди ва 1939 йилда мамлакатда Франко фашистик режимини ўрнатилиши билан тугалланди. 1975 йилда Франко вафотидан кейин Испанияда конституцион монархия ўрнатилди. 1976 йилда мамлакатда парламент тизими жорий этилди, 1978 йилда янги Конституция қабул қилинди.

ИСРОИЛ

Расмий номи — Исроил давлати. Пойтахти — Тель-Авив. Ҳудуди — 20770 км². Аҳолиси — 5433134 киши (1995). Давлат тили — иврит, шунингдек, араблар яшайдиган ерларда араб тили. Дини — иудаизм (82%), ислом (14%), христиан (2%). Пул бирлиги — шекель.

Географик жойлашуви ва табиати. Исроил давлати Жануби-Ғарбий Осиёда жойлашган. Шарқда Иордания, шимолда Ливан, шимоли-шарқда Сурия, жануби-ғарбда Миср, шарқда ва жануби-ғарбда Фаластин билан чегарадош. Бу давлатни шартли равишда бир неча қисмга ажратиш мумкин. Галилей ясси тоғлиги, Мерон тоғи (1208 м), Эсраелон водийси, Самарий ва Яхудий тепаликлари (ясси тоғ), Негев чўли ва қирғоқ текисликлари. Мамлакатнинг асосий дарёси — Иордан. Фойдали қазилмаларидан мис, фосфор, олтингургурт, марганец, кам миқдордаги нефть ва газ захираси ҳам бор. Экин экиладиган ер мамлакат майдонининг 17%, яйлов майдони эса 40% ини ташкил этади.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — парламентар республика. Мамлакат 6 та округдан иборат: Марказий, Хайфа, Қуддус, Шимолий, Жанубий, Тель-Авив. Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва премьер-министр раҳбарлигидаги ҳукуматга қарашлидир. Қонун чиқарувчи олий органи — Кнессет (бир палатали). Асосий сиёсий партиялари — Ликуд, Авода (меҳнат).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодни бошқаришда давлат асосий рол ўйнайди. Табиий ресурсларининг чегараланганлигига қарамасдан, кейинги ўн йилликларда Исроилда қишлоқ хўжалиги ва саноат жадал суръатлар билан ривожланмоқда. ЯММ 1994 йилда 70,1 млрд. (аҳоли жон бошига 13880) долл.ни ташкил этди. Саноат тармоқларидан олмосларни қирралаш, тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё, ғарбий ва транспорт жиҳозларини ишлаб чиқариш, юқори технологияли электроника кабилар мавжуд. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ялпи ички маҳсулотнинг 3% ини ташкил этади. Цитрус мевалари, сабзавотлар, пахта, чорва маҳсулотлари етиштирилади. Экспортнинг асосий қисмини олмос ташкил этади. Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, юқори технологияли жиҳозлар экспорт қилинади. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, ЕҲ мамлакатлари, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 600 км. Автомобиль йўллари — 4750 км. Асосий портлари — Ашдот, Хайфа.

Тарихи. 1948 йил 18 майда яхудийлар томонидан ҳозирги Исроил давлати ташкил этилди. Ушбу давлат

жаҳоннинг кўпгина давлатлари томонидан дарҳол тан олинди, лекин бу давлатнинг ташкил топиши қўшни давлатларда норозиликни келтириб чиқарди. Оқибатда 1947—1948 йиллардаги биринчи араб-исроил зиддияти юзага келди. Урушда Исроил янги ҳудудларни қўлга киритиб, ғолиб чиқди. 1956 йилда Сувайш каналининг национализация қилиниши ва Мисрнинг араб давлатлари билан шартнома тузиши натижасида Исроил Мисрга қарши уруш бошлади ва бу уруш Исроил қўшинларининг Синай ярим оролидан чиқиб кетиши билан якунланди. 1967 йил июнида Исроил Миср, Сурия ва Иорданияга қарши уруш бошлаб, Синай ярим ороли, Ғазо сектори, Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги ерлар, Қуддуснинг араблар яшайдиган қисми, Жўлан тепаликларини қўлга киритди. 1973 йил октябрида Миср ва Сурия Исроилга қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. Исроил Синай яриморолидан ажралди. 1979 йил мартада Кэмп-Дэвид битими (1978 йил сентябр, АҚШ) асосида Миср ва Исроил ўртасида тинчлик шартномаси тузилди. 1982 йил июнида Исроил Ливанга бостириб кирди ва Байрутни бомбардимон қилди. 1982 йилда Рабин бошчилигидаги лейбористлар ҳукумат тепасига келгач, тинчликни йўлга қўйиш жараёни бошланди. 1993 йилда Исроил ҳукумати ва Фаластин Озодлик ташкилоти ўртасида Фаластин автономиясини назарда тутган тинчлик шартномаси имзоланди. 2005 йилда Ғазо сектори ва Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидан яҳудий аҳолиси олиб чиқиб кетилди.

ИТАЛИЯ

Расмий номи — Италия Республикаси. Пойтахти — Рим. Худуди — 3011230 км². Аҳолиси — 57800000 киши (2001). Давлат тили — итальян. Дини — аҳолисининг асосий қисми протестантлар, қолганлари мусулмонлар, яҳудийлар. Пул бирлиги — евро.

Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Европада, Апеннин яриморотида жойлашган. Шимолда Австрия (чегара узунлиги — 430 км) ва Швейцария (740 км), шимоли-ғарбда Франция (488 км), шарқда Словения (199 км) билан чегарадош. Сардиния, Сицилия, Эльба ороллари ва бир қанча кичик ороллар ҳам Италияга қарашли. Италия ҳудуди жанубда ва ғарбда

Ўрта ер денгизи, шарқда Адриатика денгизи билан тугаш. Чегарасининг умумий узунлиги — 1899,2 км. Худудининг 80% и тоғ ва қирлардан иборат. Италиянинг шимолида Альп тоғлари жойлашган. Альп ва Апеннин тоғлари оралиғида По дарёси водийси билан Ломбард текислиги жойлашган. Ҳаракатдаги вулқонлар кўп. Улар орасида Везувий (1277 м) ва Этна (3323 м) Сицилия оролида жойлашган. Италиянинг асосий дарёлари — По ва Тибр. Мамлакатда кўллар кўп, асосийлари Гарда, Лаго-Маджоре, Комо. Асосий фойдали қазилмалари: симоб, мармар, ишқор, кўмир, олтингургурт, кам миқдорда табиий газ ва нефть. Ҳайдалалиган ерлар мамлакат худудининг 32%, ўрмон ва бутазорлар 22%, яйлов ва ўтлоқлар 17% ини ташкил этади.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — парламентар республика. Маъмурий жиҳатдан 20 вилоятга бўлинади. Италия 1961 йил 17 мартда мустақил давлатга айланган. Миллий байрами июннинг биринчи якшанбаси — Республиканинг эълон қилиниши. Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва премьер-министр раҳбарлигида ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент — Сенат ва Депутатлар палатасидан иборат. Асосий сиёсий партиялари: Италия халқ партияси (ИХП), Италия социалистик партияси (ИСП), Сўл кучлар демократик партияси (СКДП).

Иқтисоди ва транспорт коммуникациялари. Ҳозирги кунда Италия ЯММ (998,9 млрд. долл.) ва унинг аҳоли жон бошига (17180 долл., 1994 й.) тақсимланиши бўйича Европанинг етакчи мамлакатларидан бири ҳисобланади. Саноатнинг асосий тармоқлари: автомобилсозлик (дунёда 5-ўринда), кимё саноати, металлургия, пўлат эритиш, озиқ-овқат саноати, тўқимачилик, кийим-кечак ва пойабзал ишлаб чиқариш. Қишлоқ хўжалиги гўшт ва сут маҳсулотларидан ташқари мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиради. Италияда хизмат кўрсатиш ва туризм ривожланган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕҲ мамлакатлари, АҚШ, ОПЕК мамлакатлари.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 20011 км, автомобиль йўллари — 294410 км, ички йўллари — 2400 км. Денгиз портлари: Анкона, Венеция, Генуя,

Сардиния, Специя, Ливорно, Неаполь, Палермо (Сицилия), Таранто, Триест.

Тарихи. Италия тарихи м. а. X асрда бу ерда яшаган турли қабилалар (лигурлар, этрусслар, лотинлар ва бошқалар), греклар ва финикияликлар маданиятига катта таъсир кўрсатган этрусслар маданияти билан бошланади. Лотинлар томонидан м. а. VIII асрда асос солинган Римни м. а. VI асрда этрусслар забт этдилар ва кўплаб буюк меъморий ёдгўрликларини барпо этдилар. Этрусслар Римдан қувиб чиқарилгандан кейин республика ўрнатилди, асосий сиёсий кураш эса рим аристократияси (патрицийлар) ва плебейлар ўртасида кечди. Ҳақиқатда Рим ўзининг ташқи душманлари билан ҳам кураш олиб бориб, м. а. III асрда бутун Апеннин ярим оролини забт этди. М. а. 264—118 йилларда Рим Сицилия, Греция, Македонияни, Осиё ва Африкадаги бир қанча худудларни ўз провинцияларига айлантириб, мустамаккаларини кенгайтирди. Фуқаролар уруши давридан кейин Октавиан Август Республикани империяга айлантирди. II асрдан кейин буюк империя инқирозга юз тутди бошлади. IV асрда христианлик дини тарқалди. IV аср охирида қадимги Рим вестготлар ҳужумларига қарши турулмади, 410 йилда шаҳар талон-тарож қилинди. 476 йилда эса охириги Рим императори Ромул тахтдан ағдарилди. VI—VIII асрларда мамлакат шимоли лангобардлар томонидан ишғол этилган бўлса, жануб қисми Византия империяси таркибига киритилди. IX—X асрларда Италиянинг шимолий қисми герман императорлари ҳукмронлигига ўтди. Лекин XV асрда Италия шаҳарлари ривожланиб, Европанинг етакчи молиявий ва савдо марказларига айланди. XVI—XVIII асрларда қудратли Европа давлатлари Италиядаги тарқоқликдан фойдаланиб, мамлакат ички ишларига фаол равишда аралашар эдилар. Наполеон урушлари даврида Италия Франция томонидан оккупация қилинди. Италия озодликка эришгандан кейин мамлакатда тарқоқлик давом этди ва Австрия таъсирига тушиб қолди.

1851 йилда Сардиния қироли Виктор Эммануил II томонидан Италияни битта давлатга бирлаштириш учун бошланган ҳаракат 1870 йилда ягона Италия давлатининг ташкил топиши билан якунланди (Рим 1870 йил 2 октябрда мамлакат пойтахти деб эълон қилинди). I жаҳон уруши даврида Италия Антанта томонида

бўлди, лекин Австро-Венгрия империяси таркибидаги ерларни қайтариб олишга муваффақ бўла олмади. Миллатчилик кайфиятининг ўсиши, иқтисодий инқироз ва ишсизлик натижасида ҳокимият тепасига қирол Виктор Эммануил III қўллаб-қувватлаган Муссолини бошчилигидаги фашистик партия келди. 1840 йил 10 июнда Италия Германия томонида II жаҳон урушига кирди. Италияда фашистик режим 1945 йилгача, диктатор Муссолинининг партизанлар томонидан қатл этилишигача (28 апрел) давом этди. 1946 йил 2 июнда Италия республика деб эълон қилинди. Утказилган ислохотлар натижасида Италия дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига кирди.

КАБО-ВЕРДЕ

Расмий номи — Кабо-Верде Республикаси. Пойтахти — Прая. Худуди — 4033 км². Аҳолиси — 408000 киши (2001). Давлат тили — португал. Дини — католиклар (98%). Пул бирлиги — кабо-верде эскудоси.

Географик жойлашуви ва табиати. Ороллар асосан вулқонлардан ҳосил бўлган. Қирғоқлари тик ва қояли, қулай табиий гаванлари кам. Рельефи асосан тоғли. Энг баланд чўққиси — 2829 м.

Иқлими — тропик, пассат. Дарёлари кам, бот-бот курғоқчилик бўлиб туради. Усимликлар чўл ва чала чўлга хос. Ҳайвонот турлари оз. Денгиз қушлари кўп.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Кабо-Верденинг амалдаги конституцияси 1992 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент. Ижроия ҳокимиятни президент ва Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат бошқаради. Сиёсий партиялари: Демократия учун ҳаракат. Кабо-Верде мустақиллиги Африка партияси, Социал-демократик партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисоднинг ривожланмаганлиги мамлакатда табиий ресурсларнинг камлиги билан боғлиқ. ЯММ 1994 йилда 360 минг (аҳоли жон бошига 395) долл.ни ташкил этди. Савдо, денгиз ва ҳаво транспорти хизмат кўрсатиш ЯММнинг 67% ини ташкил этади. Иқтисоднинг асосий тармоғи балиқчилик. Асосий савдо ҳамкорлари: Португалия, Испания, АҚШ, Франция.

Темир йўллари йўқ, автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 2250 км. Асосий порти — Минделу.

Тарихи. 1456 йилда португаллар томонидан кашф этилган Яшил бурун ороллари 1494 йили Португалия мустамлакасига айланган. 1585 йилда уни Испания эгаллаб олди, 1640 йилда эса яна Португалия қўл остига ўтди. 1951 йилда Португалиянинг денгиз ортидаги вилояти мақомини олган. Кабо Верде 1975 йили мустақилликка эришган. Миллий байрами 5 июл — Мустақиллик куну.

КАЙМАН ОРОЛЛАРИ

Расмий номи — Кайман Ороллари (Буюк Британия мулки). Пойтахти — Жоржтаун. Худуди — 259 км². Аҳолиси — 34800 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — протестантлик. Пул бирлиги — кайман ороллари доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Катта Кайман, Кичик Кайман, Кайман-Брок ороллари Ямайка оролининг шимоли-ғарбида, Кариб денгизида, Марказий ва Жанубий Америка ўртасида жойлашган.

Иқлими — тропик пассатли. Қимматбаҳо дарахтлардан иборат ўрмонзорлар мавжуд. Фаунаси асосан денгиз ҳайвонларидан иборат (акула, тошбақа, омар ва ҳ. к.).

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Кайман ороллари Буюк Британия мулкидир. Мамлакат бошқарувини қиролича номидан губернатор амалга оширади. Худуд 8 та туманга бўлинади. Сайловлар давомида 2 норасмий ташкилот — «Фурур» ва «Бирлик» ҳаракат қилади.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодиёт асосини туризм ташкил этади. Молия ва банк секторларидан ороллар маъмурияти 40% даромад олади. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш каби корхоналар ҳам мавжуд. Балиқчилик ривожланган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Буюк Британия, Канада, Германия, Коста-Рика. Йирик порти — Жоржтаун. Иккита халқаро аэропорт — Оуэн-Роберте ва Жерард-Смит мавжуд.

Тарихи. 1503 йили Х. Колумб томонидан кашф қилинган. 1670 йилда Испания ороллари Англияга топширди. Кайман ороллариغا Ямайкадан аҳоли кўчиб кела бошлаган. 1863—1962 йилларда ороллар расман Ямайка таркибида бўлган. Амалдаги конституция 1972 йилда қабул қилинган.

КАМБОДЖА

Расмий номи — Камбоджа Қироллиги. Пойтахти-Пномпень. Ҳудуди — 181035 км². Аҳолиси — 13100000 киши (2001). Давлат тили — кхмер. Дини — тхерева-да (буддавийлик). Пул бирлиги — риель.

Географик жойлашуви ва табиати. Жануби-Шарқий Осиёдаги давлат. Шарқда ва жануби-шарқда Вьетнам (чегара узунлиги — 1228 км), ғарбда ва шимоли-ғарбда Таиланд (803 км), шимоли-шарқда Лаос (541 км) билан чегарадош. Жануби-ғарбда Таиланд (Сиам) қўлтиғига туташ. Чегарасининг умумий узунлиги — 2572 км. Мамлакат ҳудудининг катта қисми текисликдан иборат. Меконг дарёсининг қуйи қисмида пасттекисликлар бор. Жануби-ғарбда Кравань (энг юқори нуқтаси — 1813 м) тоғлари жойлашган. Асосий дарёси — Меконг. Энг катта кўли — Тонлесап. Фойдали қазилмалари: қимматбаҳо тошлар, марганец, фосфорит, темир рудаси (кам миқдорда). Экин экиладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 16%, ўрмон ва бутазорлар 76% ини ташкил этади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Мамлакат маъмурий жиҳатдан 19 провинция (вилоят) ва 2 та автоном шаҳарга бўлинган. 1949 йил 9 ноябрда мустақилликка эришган. Миллий байрами — Мустақиллик куни, яна бир миллий байрам 7 январ — Озодлик куни (1979 йил). Давлат бошлиги — қирол, ижро этувчи ҳокимиятни премьер-министр амалга оширади. Конун чиқарувчи олий орган бир палатали парламент — Миллий кенган. Асосий сиёсий партиялари: Камбоджа суверенитети, мустақиллиги, бетарафлиги, тинчлиги ва ҳамкорлиги учун ягона миллий фронт (КСМБТХУЯМФ), Камбоджа халқ партияси (КХП), Буддистлар либерал-демократик партияси (БЛДП).

Иқтисоди ва транспорт коммуникациялар. Мамлакатда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар, ҳарбий ва сиёсий тўнтаришлар натижасида деярли издан чиққан иқтисодиёт секин-аста тикланиб бормоқда. ЯММ 1994 йилда 6,4 млрд. долл. (аҳоли жон бошига — 630 долл.)ни ташкил этди. Мамлакат иқтисодиётининг асосий тармоғи — қишлоқ хўжалиги. Ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳамда

балиқ ва ёғочни қайта ишлаш билан чекланган. Асосан каучук, гуруч, ёғоч экспорт қилинади. Асосий савдо ҳамкорлари: Вьетнам, МДҲ мамлакатлари, Шарқий Европа мамлакатлари, Япония, Ҳиндистон.

Темир йўларининг умумий узунлиги — 655 км, автомобиль йўллари — 34100 км. Денгиз портлари: Кампот, Пномпень.

Тарихи. Ҳозирги Камбоджа ҳудудида илк давлатлар милоднинг I асрида пайдо бўлган. Улардан энг каттаси Фунань қироллиги бўлиб, у VI асрда Тонлесап қироллигига қарам бўлиб қолди. 802 йил Тонлесапнинг шимолида бутун мамлакат ва қўшни мамлакатларни ўзига бўйсундирган Коббужадеш қироллиги ташкил топди. XV аср бошларида мамлакат Сиам ва Вьетнам қўшинларининг босқинига дучор бўлди. Франция камбоджаликларнинг Сиам ва Вьетнамга қарши курашида ёрдам берди ва 1863 йили Камбоджани ўз протекторати деб эълон қилди. 1940—1945 йилларда японлар босқини остида бўлган Камбоджа 1949 йилда ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга бўлди, 1953 йилда эса тўлиқ мустақил давлатга айланди. 1993 йилда янги конституция қабул қилинди. Н. Сианук бошлиқ монархия тикланди.

КАМЕРУН

Расмий номи — Камерун Республикаси. Пойтахти — Яунде. Ҳудуди — 475440 км². Аҳолиси — 15800000 киши (2001). Давлат тили — инглиз ва француз. Дини — христианлик (53%), мажусийлик (25%), ислом (22%). Пул бирлиги — африка франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Ғарбий Африканинг жанубида жойлашган давлат. Ғарбда Нигерия (чегара узунлиги — 1690 км), шарқда Марказий Африка Республикаси (797 км) ва Чад (1094 км), жанубда Конго (523 км), Экваториал Гвинея (189 км), Габон (298 км) билан чегарадош. Ғарбида Биафра кўрфази жойлашган, шимолда Чад кўлига тор чиқиш йўлига эга. Қирғоқ бўйлаб Камерун вулқони қад кўтарган текислик жойлашган. Мамлакат марказида шимолга қараб пасайиб борган Адамова тоғлиги жойлашган. Камеруннинг асосий дарёлари — Санага, Бенуэ. Асосий табиий ресурслари: нефть, темир рудаси, боксит, ёғоч, гидроресурслар.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президент республикаси. Маъмурий жиҳатдан 10 та провинцияга бўлинади. 1960 йил 1 январда мустақилликка эришган. Қонунчилик француз умумий фуқаролик ҳуқуқига асосланган. Миллий байрами 20 май — Мустақиллик байрами (1972 йил 20 майда Камерун Республикаси ва Шарқий Камерун бир давлатга бирлашди). Давлат бошлиги — президент. Қонун чиқарувчи олий орган бир палатали парламент — Миллий мажлис. 70 дан ортиқ сиёсий партияларидан асосийлари — Камерун халқи демократик бирлиги (КХДБ), Демократик ва ривожланиш учун миллий иттифоқ (ДРУМИ), Камерун халқлари иттифоқи (КХИ), Социал демократик фронт (СДОР), Камерун демократик иттифоқи (КДИ).

Иқтисоди ва транспорт коммуникацияси. Камерун нефть захираларига бойлиги сабабли экваториал Африкада аҳоли жон бошига тушадиган даромаднинг юқорилиги билан ажралиб туради. 1994 йилда ЯММ 15,7 млрд. (жон бошига — 1200) долл.ни ташкил этди. Нефтни қайта ишлаш саноатидан ташқари ёғочга ишлов бериш, озиқ-овқат, енгил ва тўқимачилик саноатлари ҳам ривожланган. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга яроқли аҳолининг кўп қисми банд бўлиб, мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини деярли тўлиқ таъминлайди. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция ва АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 1003 км, автомобиль йўллари — 65000 км. Асосий порти — Дуала.

Тарихи. Камерун португаллар томонидан XV аср охирларида очилган. XIX аср охирларида Германия Камерунни ўзининг протекторати деб эълон қилди. 1916 йилда иттифоқчилар томонидан эгаллаб олингандан кейин мамлакат ҳудуди Франция ва Буюк Британия томонидан бўлиб олинди, 1945 йилдан бошлаб БМТ васийлигида Франция ва Буюк Британия томонидан бошқарила бошланди. Франция Камерунни 1958 йил ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини, 1960 йилда Шарқий Камерун Франциядан мустақилликни қўлга киритди. Британия Камерунни 1961 йилда референдум натижаларига кўра икки қисмга бўлиниб шимолий қисми Нигерияга, жанубий қисми Шарқий Камерунга қўшилди, натижада Камерун Федератив Республикаси таш-

кил топди. 1972 йилдан бошлаб Бирлашган Камерун Республикаси, 1984 йилдан эса Камерун Республикаси деб юритила бошланди.

КАНАДА

Расмий номи — Канада. Пойтахти — Оттава. Худуди — 9970610 км². Аҳолиси — 31000000 киши (2001). Давлат тили — инглиз ва француз. Дини — католиклар (46%), протестантлар (25%), шунингдек, православлар, мусулмонлар, индуистлар, буддистлар. Пул бирлиги — канада доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Шимолий Америкадаги давлат. Жанубда ва шимоли-ғарбда АҚШ билан чегарадош. Шарқда Атлантика океани, ғарбда Тинч океан, шимолда ва шимоли-шарқда Шимолий муз океани билан туташ. Чегарасининг умумий узунлиги — 8893 км. Худудининг катталиги бўйича дунёда иккинчи (Россиядан кейинги) ўринда туради. Мамлакат худудини шартли равишда тўрт қисмга ажратиш мумкин: мамлакат худудининг деярли ярмини эгаллаган, мамлакатнинг шарқий қисмида жойлашган, ясси тоғликлар ва текисликлардан иборат Канада қалқони; ғарбда жойлашган Канада Кордильерлари; мамлакатнинг жануби бўйлаб Муқаддас Лаврентий дарёсигача чўзилган текисликлар; шу дарё водийси ортида ва мамлакатнинг шарқда қад кўтарган Аппалачи тоғ тизмаси. Канада — кўллар ўлкаси. Улардан энг катталари: Юқори — дунёдаги энг катта суви чучук кўл, Катта Айиқ кўли — дунёда энг катта 10 та кўлнинг бири, Катта Асир (Большое Невольничье) кўли, Виннипег, Гурон, Эри, Онтарио. Асосий дарёлари: Муқаддас Лаврентий, Саскачеван, Юкон, Фрейзер. Мамлакат ер ости бойликлари қуйидаги фойдали қазилмалар: никель, қалайи, мис, олтин, кумуш, кўрғошин, молибден, кўмир, нефть ва табиий газга бой. Хайдаладиган ерлар мамлакат худудининг 5%, ўрмон ва бутазорлар 35% ини ташкил этади, шимолда доимий музликлар катта қисмни эгаллаган.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — парламентар федерация. Унинг таркибига 10 та провинция (Альберта, Британ Колумбияси, Квебек, Манитоба, Янги Шотландия, Нью-Брансуик, Ньюфаундленд, Онтарио, Саскачеван, Юкон) ва

2 та ҳудуд (Шимоли-Фарбий ҳудудлар, Лабрадор) ки-
ради. 1867 йил 1 июлда мустақилликни қўлга киритган
(Буюк Британиядан). 1982 йилгача Буюк Британия кон-
ституцияси амалда бўлган. Ҳозирги кунда парламенти
асосий қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.
Қонунчилик умумий англиз ҳуқуқига асосланган. Кве-
бек провинциясида қонунчилик француз қонунчили-
гига асосланган. Миллий байрами 1 июл — Канада
куни. Ижро этувчи ҳокимият премьер-министр бошчи-
лигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳоки-
мият 2 палатали парламент — Сенат ва Жамоа палата-
сидан иборат. Асосий сиёсий партиялари: Тараққий-
парвар консерватив партия (ТКП), Либерал партия
(ЛП), Янги демократик партия (ЯДП).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Канаданинг иқтисоди юқори ривожланган. Табиий ва
ишчи ресурсларига бой, замонавий ишлаб чиқариш
саноатига эгаллиги жиҳатдан дунёда биринчи ўнликда
туради. ЯММ 1994 йилда 639,8 млрд. (жон бошига 22760)
долл.ни ташкил этди. Саноатнинг асосий тармоқлари:
нефть, газ, целлюлоза-қоғоз, ёғочни қайта ишлаш,
рангли металлургия, автомобилсозлик. Канада ғалла
етиштириш ва экспорт қилиш бўйича етакчи ўринда.
Балиқ ва балиқ маҳсулотлари экспорт қилиш унинг
ташқи савдосида муҳим ўрин тутди. Асосий савдо ҳам-
корлари: АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 97389 км,
автомобиль йўллари — 884272 км, ички сув йўллари —
3000 км. Асосий портлари: Галифакс, Квебек, Сент-
Джонс, Ванкувер денгизи портлари, Тандер-Бей ва
Торонто кўл портлари.

Тарихи. Канада қирғоқларига европаликлардан би-
ринчилардан бўлиб, IX—X асрларда викинглар борган.
Лекин Канаданинг очилиши венециялик денгизчи Жо-
ванни Каботто номи билан боғлиқ. Каботто англиз
хизматида бўлиб, 1497 йилда Ньюфаундленд оролига
келиб тушади. Лекин янги ерларни фаол ўзлаштириш-
ни французлар бошлаб беради. Жак Картье 1534—1536
йилларда Муқаддас Лаврентий дарёси водийсини тад-
қиқ этади. 1608 йилдан эса Канадани мустамлакага
айлантириш бошланади, бу ҳудуд ўша пайтда янги
Франция деб аталган. 1663 йилда маҳаллий ҳинду қаби-
лалари билан яхши муносабатда идора қилиш мақсади-

да янги мустамлакада қироллик бошқаруви ўрнатилди. XVII аср охирларида Буюк Британия Канада ҳудудлари учун рақобатлаша бошлади. Бу рақобат XVIII асрнинг иккинчи ярмида авж олди ва Француз армияси мағлубиятга учраб, Янги Франция ҳудудларида Англия ҳуқуқини тан олди. 1867 йилда Канада Британия доминионига айланди. 1931 йилдан Канада Британия Ҳамдўстлиги таркибидаги тўлиқ мустақил давлатга айланди.

КЕНИЯ

Расмий номи — Кения Республикаси. Пойтахти — Найроби. Ҳудуди — 582600 км². Аҳолиси — 29800000 киши (2001). Давлат тили — инглиз ва суахили. Дини — аҳолисининг деярли ярми маҳаллий мажусийлар, христианлар (35%), мусулмонлар, ҳиндуизм. Пул бирлиги — кения фунти.

Географик жойлашуви ва табиати. Кения Африка қитъасининг шарқий қисмидаги давлат. Ғарбда Уганда (чегара узунлиги — 933 км), шимолда Эфиопия (830 км) ва Судан (232 км), шарқда Сомали (682 км), жанубда Танзания (769 км) билан чегарадош. Шарқда Ҳинд океани билан туташ. Чегарасининг умумий узунлиги — 3446 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 536 км. Кения Шарқий Африка ясси тоғлигининг шимоли-шарқий қисмини эгаллайди. Марказда энг баланд нуқтаси 5199 м бўлган Кения тоғи ва тоғ тизмалари жойлашган. Асосий дарёлари: Гана (Ози) ва Галана. Мамлакат ҳудудида Рудольф кўли ва қисман Виктория кўли жойлашган. Асосий фойдали қазилмалари: олтин, баритлар, ёқут, оҳақтош.

Иқлими — экваторнинг юқори қисмида иссиқ ва қуруқ, жанубий қисми уч иқлимли зонага бўлинади. Соҳил бўйларида сернам иқлим, тоғли ерларда мўътадил иқлим, Виктория кўли ҳавзасида эса иссиқ, сернам иқлим. Кенияда акация, сутлама, бошоқли ўсимликлар ўсади. Тропик ўрмонли ҳудудларда раусония, дрипетис, кап каштани, қора арча ўсади. Кениянинг миллий паркларида антилопалар, оҳулар, зебралар подаси сақланган, шунингдек, филлар, жирафалар, шерлар, қоплонлар, қўтослар, каркидонлар ҳам бор. Қушларнинг тури кўп: туяқушлар, котиб қуш, тувалоқлар, марабулар, калхатлар, қизил ғозлар ва ҳ.к.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президентлик республикаси. Маъмурий жиҳатдан 7 провинция ва пойтахт округига бўлинади. Кения мустақилликни 1963 йил 12 декабрда қўлга киритган (12 декабр Миллий байрам — Мустақиллик куни). Ижро этувчи ҳокимият президент — давлат ва ҳукумат бошлиғи қўлида. Қонун чиқарувчи ҳокимият — бир палатали парламент Миллий Ассамблея. Асосий сиёсий партиялари: Кения миллий Африка Иттифоқи (КМАИ), Демократияни тиклаш учун форум (ДТУФ), Демократик партия (ДП).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Кения иқтисоди барқарор ривожланиб бораётган кам сонли Африка давлатларидан биридир. ЯММ 1994 йилда 33,1 млрд. долл. (аҳоли жон бошига — 1170 долл.) ташкил этди. Иқтисодининг етакчи тармоғи — қишлоқ хўжалиғи. Асосий маҳсулотлари қаҳва, чой, шоли, галла, пахта, шакарқамиш. Асосий савдо ҳамкорлари — ЕХ, Африка давлатлари, АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 2650 км. автомобиль йўллари — 64590 км. Асосий портлари — Момбаса, Ламу.

Тарихи. Кения ҳудудларини VIII асрда араблар ўз мустамлакаларига айлантирдилар. XI—XV асрларда бу ерда шаҳар давлатлари ташкил топди. XV аср охиридан ҳозирги Кения ҳудуди араблар ва португаллар ўртасидаги кураш майдонига айланди. XVII аср бошларида Кения ҳудудларидаги барча шаҳар-давлатларни ўзига бўйсундирган Уммон салтанати 1894 йилда Британия протекторатига айланди. Мамлакат ҳудуди 1920 йилда Кения номи билан Британия мустамлакаси бўлиб қолди. 1952 йилда маҳаллий қабилалар қўзғолонларининг авж олиши оқибатида инглизлар 1961 йилда Кениянинг ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқини тан олишга мажбур бўлдилар. 1963 йилдан бошлаб Кения Британия Ҳамдўстлиги таркибидаги мустақил давлат ҳисобланади.

КИПР

Расмий номи — Кипр Республикаси. Пойтахти — Никосия. Ҳудуди — 9251 км². Аҳолиси — 900000 киши (2001). Давлат тили — грек ва турк тиллари. Дини —

|| православлар (78%), мусулмонлар (18%). Пул бирлиги — кипр фунти ва турк лираси.

Географик жойлашуви ва табиати. Кипр — Ўрта ер денгизининг шарқий қисмидаги Кипр оролида жойлашган давлат. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 648 км. 1974 йил Туркия оккупацияси натижасида оролнинг шимолий қисми 2 қисмга: греклар зонаси ва турклар зонасига бўлинди, шунингдек, Буюк Британияга тегишли 2 та ҳарбий база жойлашган катта бўлмаган зона ҳам бор. Орол бўйлаб шарқдан ғарбга томон иккита тоғ тизмаси чўзилган. Улар орасида тепаликлар билан қопланган текислик ётади. Мамлакатнинг энг баланд тоғи — Олимп (1952 м). Асосий табиий ресурслари: мис, хром, туз, гипс, мрамор, асбест, ёғоч, охра. Ҳудудининг 40% и ҳайдаладиган ерлар, 18% и ўрмонлар ва бутазорлар, 10% и ўтлоқ ва майсазорлардан иборат.

Иқлими — субтропик. Ўрмонларнинг ваҳшийларча йўқотилиши натижасида ўрмонлар фақатгина Троодос тоғларидагина қолган. Бу ерда кипарис, алепп қарағайи, эман, кедр, каштан, доимий яшил бута, маквес ўсади. Орол фаунасининг бой эмаслиги, ўрмонли массивларнинг камлиги билан боғлиқ. Ҳамма ерда тулки ва қуёнларни учратиш мумкин. Калтакесак ва илонлар, қушлардан мойқурт, тўрғай, қалдирғочлар кўп. Кипр сув билан ўралгани туфайли балиққа бой.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилишига кўра — президентлик республикаси. Кипрлик турклар томонидан эълон қилинган Шимолий Турк Республикаси жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмаган. Маъмурий ҳудудий жиҳатдан 6 та шаҳарга бўлинади. Лимасол, Ларнака, Пафос греклар қисмида, Кирения, Морфу, Фамогуста турклар қисмида. Кипр 1960 йил 16 августда мустақил республикага айланган. Греклар қисмида 1 октябр — Мустақиллик куни. Кипрнинг турклар қисмида Миллий байрам — 15 ноябр. Президент — давлат ва ҳукумат бошлиғи. Кипрнинг турклар қисмида ўз президенти, премьер-министри ва Вазирлар Кенгаши бор. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Вакиллар палатаси. Кипрнинг греклар қисмида ўз парламенти — Республика Мажлиси фаолият кўрсатади.

Асосий сиёсий партиялари: Демократик йиғилиш, Либераллар партияси, Кипр меҳнаткаш халқининг прогрессив партияси, Демократик партия, Марказнинг ягона демократик иттифоқи.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Саноатнинг бирмунча ривожланган тармоқлари (ЯММнинг 14% и) тоғ-қончилик, енгил машинасозлик, озиқ-овқат, нефтни қайта ишлаш саноати, кимёвий ўғитлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш. Кипрда хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланган (ЯММнинг 53% и), туризм жадал суратда ривожланмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги асосий тармоқлар: узум ва цитрус меваларга ишлов бериш. ЯММ 1994 йилда Кипрнинг греклар қисмида 7,3 млрд. долл.ни ташкил этди. Кипрнинг турклар қисмида иқтисод бирмунча секинлик билан ривожланмоқда. Ялпи миллий маҳсулот — 510 млн. долл. (аҳоли жон бошига — 3500 долл.)ни ташкил этди. Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, Греция, Германия.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 10780 км. Портлари: Кирения, Ларнока, Лимасол, Пафос, Фамагуста.

Тарихи. Кипр м. а. III минг йиллик бошларидаёқ сурияликлар ва анатолияликларга маълум эди. М. а. XVI асрда орол мисрликлар томонидан босиб олинганидан кейин м. а. 1450 йилдан мамлакат тарихида эллинлар даври бошланди. М. а. IX—VIII асрларда Кипр мустақил давлатга айланган. Лекин м. а. 707 йилдан бошлаб оссурияликлар, мисрликлар ва форслар томонидан навбатма-навбат забт этилган. Александр Македонский империяси инқирозга учрагандан кейин Кипрда Птолемейлар ҳукмронлик қилди. 58 йилдан Кипр Рим провинциясига, 395 йилда Византия империяси қисмига айланди. Орол араблар томонидан оккупация қилингандан кейин 632—864 йиллар давомида Кипр 1191 йилгача яна Византия империяси ҳукмронлигига ўтди. 1192—1489 йилларда Кипр ва Куддус қироллиги, бундан кейин 1571 йилгача Венеция мустамлакаси, 1898 йилдан — Британия мустамлакаси. 1960 йили Кипр мустақилликка эришди, лекин ҳудудий яхлитлигини сақлаб қола олмади. 1974 йилда турк қўшинларининг оккупацияси натижасида иккига бўлиниб кетди.

КИРИБАТИ

Расмий номи — Кирибати Республикаси. Пойтахти — Байрики. Худуди — 717 км². Аҳолиси — 100000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — католиклар (50%), протестантлар (46%). Пул бирлиги — австралия доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Тинч океаннинг ғарбий қисмидаги Гилберт, Феникс Лайн ва Ошен оролларида жойлашган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 11,43 км. Орол асосан қоялар билан ўралган ҳалқа шаклидаги маржонлар ороли кўринишига эга. Асосий табиий бойликлари: фосфоритлар, копра.

Иқлими — экваториал. Жанубий оролларида асосан паст бўйли бутазорлар, шимолда баланд бўлмаган дарахтлар ўсади. Ҳайвонот дунёси камбағал. Калтакесак кўпроқ учрайди, асосан, денгиз қушлари, фрегатлар, баклан (қора бузоқ)лар ва бошқалар бор.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилишига кўра — республика, ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга. Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. Мамлакат 6 округга бўлинади. Мустақилликка 1979 йил 12 июлда (Буюк Британиядан) эришган. 12 июл Миллий байрами — Мустақиллик куни. Расмий жиҳатдан давлат бошлиғи — Буюк Британия қироличаси. Лекин ижро этувчи ҳокимият президент (давлат ва ҳукумат бошлиғи)га тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Ассамблея палатаси. Асосий сиёсий партиялари: Миллий-прогрессив партия, Христиан-демократик партияси, Либерал партия, Янги ҳаракат партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Ишлаб чиқариш ва экспортдаги асосий маҳсулотлар: копра ва балиқ маҳсулотлари. Ялпи миллий маҳсулот 1993 йилда 62 млн. долл. (аҳоли жон бошига — 800 долл.)ни ташкил этди. Асосий савдо ҳамкорлари: Австралия, Япония, Янги Зеландия.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 640 км. Портлари: Банаба, Тарава.

Тарихи. Нукунау ороли 1765 йили инглиз денгизчиси Ж. Байрон, Гилберт ва Эллис ороллари Гилберт ва Маршаллар томонидан 1788 йилда кашф этилган. 1892 йилда ороллар Британия протекторатига, 1915 йил-

да Буюк Британия мустамлакасига айланади. Эллис ороллари 1975 йилда ажралиб чиқиб, 1978 йилда мустақил Тувалу давлати деб эълон қилинади. Гилберт ороллари Британия Ҳамдўстлиги таркибида 1979 йилда мустақилликни қўлга киритди.

КОЛУМБИЯ

Расмий номи — Колумбия Республикаси. Пойтахти — Богота. Ҳудуди — 1141748 км². Аҳолиси — 43100000 киши (2001). Давлат тили — испан. Дини — католик (95%). Пул бирлиги — колумбия песоси.

Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Американинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган. Жанубда Перу (чегара узунлиги — 2900 км.) ва Эквадор (590 км), шарқда Венесуэла (250 км) ва Бразилия (1643 км), шимолда Панама (225 км) билан чегарадош. Колумбия ғарбда Тинч океани (соҳил чизиги узунлиги — 1448 км), шимолда Кариб денгизи (1960 км) билан туташ. Чегарасининг умумий узунлиги — 7418 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 3208 км. Мамлакат ҳудудини икки қисмга: ғарбий қисм — тоғли ва шарқий қисм — текисликларга бўлиш мумкин. Ғарбий қисмда учта тоғ тизмаси: Ғарбий Кордильера, Марказий Кордильера ва Шарқий Кордильера жойлашган. Шимолда Сьерра-Невада-де-Санта-Марта (энг баланд нуқтаси — 5800 м) жойлашган. Асосий дарёлари — Магдана, Кауга, Мета Гуавьяре. Колумбия фойдали қазилма захираларига бой: нефть, табиий газ, темир рудаси, кўмир, никель, мис, олтин, зумрад.

Иқлими — соҳил бўйларида ва соҳилга яқин ҳудудларда йиллик ўртача ҳарорат 24—27°С. Бирмунча баланд районларда иқлим совуқроқ. Йил давомида иккита ёмғирли мавсум алмашинади. Соҳил бўйларида асосий ўсимликлари монгола. Колумбиянинг ҳайвонот дунёси бой. Бу ерда маймун, оцелот, жайрон, чумолихўр, судралиб юривчилар, балиқлар, қушлар ва ҳашаротларнинг кўплаб турлари учрайди.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президентлик республикаси. Мамлакат 32 департаментга бўлинган. Колумбия 1910 йил 20 июлда (Миллий байрам — Мустақиллик куни) Испаниядан мустақилликни қўлга киритган. Давлат ва ҳуку-

мат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент — Сенат ва Вакиллар палатасидан иборат Конгресс. Асосий сиёсий партиялари — Либерал партия (ЛП), Консерватив партия (КП), Янги демократик куч (ЯДК).

Иқтисоди ва транспорт коммуникациялари.

Кейинги ўн йилликларда иқтисоднинг ривожига оқсатган, лекин ўсиш суръати бошқа Лотин Америкаси мамлакатларига нисбатан юқори. ЯММ 1994 йилда 172,4 млрд. долл. (аҳоли жон бошига — 4850 долл.)ни ташкил этган. Колумбиянинг асосий экспорт маҳсулотлари — қаҳва. Бирмунча ривожланган саноат тармоқлари: тўқимачилик, озиқ-овқат, металлургия, кимё саноати. Қишлоқ хўжалигида (ЯММнинг 15% и) ғалла маҳсулотлари етиштириш ва чорвачилик ривожланган.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 33,86 км. Автомобиль йўллари — 107300 км. Ички сув йўллари — 14300 км. Асосий портлари: Баранкилья, Буэнавентура, Картахена, Сан-Адрес, Санта-Марта, Тумако.

Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, ЕҲ мамлакатлари, Япония, Бразилия, Венесуэла.

Тарихи. Ҳозирги Колумбия ҳудудлари 1502 йилда Колумб томонидан очилган. 1510 йилга келиб испанлар мамлакатни мустамлакага айлантирдилар. Янги Гренада деб аталган Испания мустамлакаси Венесуэла ва Эквадор ҳудудларини ҳам қўшиб, 1717 йилда вице-қиролликка айлантирилди. 1810 йилдан мустақиллик учун кураш бошланди ва 1819 йилда мустақилликка эришди. 1830 йилда Венесуэла ва Эквадор, 1903 йилда Панама Буюк Колумбиядан ажралиб чиқди. 1948 йилда консерваторлар ва либераллар ўртасидаги турлича сиёсий қарашлар икки партия тарафдорлари ўртасида қонли тўқнашувларга олиб келди. 1953 йилда давлат тўнгарлиши натижасида мамлакатда ҳарбий диктатура ўрнатилди. 1957 йилда ҳокимиятни ўз қўлига олган фуқаролик ҳукумати бир қатор ички сиёсий ва иқтисодий муаммоларга дуч келди. 1998 йилги президентлик сайловларида консерваторлар вакили А. П. Аранго ғолиб чиқди.

КОМОР ОРОЛЛАРИ

Расмий номи — Комор Ороллари Федерал Ислох Республикаси. Пойтахти — Морони. Ҳудуди — 2236 км². Аҳолиси — 600000 киши (2001). Давлат

|| тили — араб ва француз. Дини — мусулмонлар (86%), католиклар (14%). Пул бирлиги — комор франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Давлат Мадагаскар ороллари ва Африка қитъаси оралигидаги ороллар (уч асосий — Гранд-Комор, Анжуан, Мохели ва бир қатор бошқа ороллар)да жойлашган. Қирғоқ бўйлаб чегара узунлиги — 340 км. Майотт ороли Францияга тегишли. Мамлакатнинг энг баланд нуқтаси — Картала фаол вулқони (1261 м). Ҳайдаладиган ерлари ҳудудининг 35%, ўрмон ва бутазорлар 16%, ўтлоқ ва майсазорлар 7% ини эгаллайди.

Иқлими — тропик.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президентлик республикаси. Комор ороллари 1975 йил 6 июлда Франциядан мустақилликка эришган (Миллий байрами — Мустақиллик куни). Ижро этувчи ҳокимият давлат ва ҳукумат бошлиғи — президентга тегишли. Асосий сиёсий партиялари: Прогресс учун Комор иттифоқи, Янгиланиш ва демократия учун ҳаракат.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисоди сустривожланган. ЯММ 1994 йилда 370 млн. долл. (жон бошига — 700 долл.)ни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиғи иқтисоднинг етакчи тармоғи ҳисобланади. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Франция.

Темир йўллари йўқ. Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 750 км. Асосий портлари: Дзаудзи, Морони.

Тарихи. XI асрда араблар Комор оролларида ўз салтанатига асос солдилар. XVI асрда оролларда европаликлардан биринчи бўлиб португаллар пайдо бўлдилар. 1841 йилдан Майотта ороли, 1886 йилдан эса қолган ороллар Франция қўл остига ўтди. Комор ороллари 1961 йилда ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга бўлди ва 1974 йилда мустақилликни қўлга киритди. 1978 йилдан Комор Ороллари Федерал Ислоҳ Республикаси.

КОНГО

|| Расмий номи — Конго Республикаси. Пойтахти — Браззавиль. Ҳудуди — 342000 км². Аҳолиси — 3100000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — хрис-

|| *тианлар (50%), маъжусийлар (48%), мусулмонлар (2%).
Пул бирлиги — африка франки.*

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Африканинг ғарбида жойлашган. Шарқда ва жанубда Зоир (чегара узунлиги — 2410 км), жануби-ғарбда Ангола (201 км), шимолда Камерун (523 км) ва Марказий Африка Республикаси (467 км), ғарбда Габон (1903 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги — 5504 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 169 км. Асосий дарёси — Конго. Асосий фойдали қазилмалари: нефть, табиий газ, қўрғошин, рух, уран, мис.

Иқлими — иссиқ ва сернам. Қизил дарахтнинг ҳар хил турлари, пальма, аюс, читола ва бошқалар ўсади. Филлар, бегемотлар, гепардлар, кўп турдаги маймунлар, ўрмон қушлари яшайди. Турли судралиб юрувчилар, илонлар кўп.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат таркибида 9 та провинция бор. Конго 1960 йил 15 август (Миллий байрам — Мустақиллик куни)да Франциядан мустақилликни қўлга киритган. Қонунчилик француз фуқаро ҳуқуқига асосланган. Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва премьер-министрга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни президент ва икки палатали (Сенат ва Миллий мажлис) парламент амалга оширади. Сиёсий партиялари: Социал демократия учун Панафрика иттифоқи, Конго меҳнат партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Конго асосан аграр давлатлигича қолмоқда. Саноатда индустриал сектор ривожланган. Саноатнинг ривожланаётган бошқа тармоқлари: ёғочни қайта ишлаш, пальма ёғи ишлаб чиқариш. ЯММ 1993 йилда 6,7 млрд. (жон бошига — 2080) долл.ни ташкил этди. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Франция, Италия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 797 км, автомобиль йўллари — 11960 км, ички сув йўллари — 1120 км. Асосий портлари: Пуэнт-Нуар (океан порти), Браззавиль (дарё порти).

Тарихи. XV—XVI асрларда ҳозирги Конго ҳудудларида Теке, Лаонго давлатлари бўлган. 1875 йилда французлар мустамлакага айлантира бошлади. 1891 йилда Француз Конгоси ташкил топди. 1910 йилда Француз Экваториал Африкаси тузилган вақтда мустамлака

худуди иккига бўлинди — Габон (ғарбий қисм) ва Конго (шарқий қисм). Конго 1960 йилда мустақилликка эришди. 1970 йилдан Конго Халқ Республикаси. 1990 йилда янги конституция қабул қилинди ва мамлакат Конго Республикаси деб номланди.

КОСТА-РИКА

Расмий номи — Коста-Рика Республикаси. Пойтахти — Сан-Хосе. Ҳудуди — 51100 км². Аҳолиси — 3700000 киши (2001). Давлат тили — испан. Дини — католик (95%). Пул бирлиги — коста-рика колони.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Америкадаги давлат. Жануби-шарқда Панама (чегара узунлиги — 330 км), шимолда Никарагуа (309 км) билан чегарадош. Ғарбда ва жануби-ғарбда Тинч океан, шарқда Кариб денгизи билан туташ. Чегарасининг умумий узунлиги — 639 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 1290 км. Ҳудудининг катта қисми тоғли. Шимол-ғарбдан жануби-шарққа томон Коста-Рикани учта тоғ тизмаси кесиб ўтган: Гуанакасте, Марказий ва Галаманка. Энг баланд тоғи — Чириппо (3820 м). Коста-Рикада вулқонлар кўп. Ҳайдаладиган ерлари — 6%, ўрмон ва чангалзорлар — 34%, ўтлоқ ва майсазорлар — 45% худудни эгаллайди.

Иқлими — Кариб денгизи соҳилларида иссиқ, ёмғирли ҳаво.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президентлик республикаси. Мамлакат 7 провинцияга бўлинган. Коста-Рика 1821 йил 12 сентябрда мустақилликка (аввал Испания мустамлакаси бўлган) эришган. 15 сентябр Миллий байрами — Мустақиллик куни. Қонунчилик испан фуқаролик ҳуқуқига асосланган. Президент — давлат ва ҳукумат бошлиғи. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Қонунчилик ассамблеяси. Бирмунча кўзга кўринган сиёсий партияси — Миллий Либерал партия (МЛП).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Қишлоқ хўжалиги иқтисодининг асосий сектори ҳисобланади. Экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг 70% и қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тўғри келади. Экспорти қаҳва, шакарқамиш, озиқ-овқат, тўқимачилик ва тиқувчилик билан чекланган. ЯММ 1994 йилда 16,9 млрд.

(жон бошига 5050) долл.ни ташкил этди. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Германия, Гватемала, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 950 км, автомобиль йўллари — 15400 км, ички сув йўллари — 730 км. Портлари: Голфито, Колдэро, Моин, Пуэрто-Лимон, Пунтаренас.

Тарихи. 1502 йили Колумб томонидан очилган. Ҳозирги Коста-Рика 1520 йилда Гватемала таркибидаги испан мустамлакасига айланди. Мустамлакачилардан озод қилинган Коста-Рика 1823 йилда Марказий Америка қўшма провинциялари таркибига кирди. 1839 йилда мустақилликни қўлга киритди.

КОТ-д' ИВУАР

Расмий номи — Кот-д' Ивуар Республикаси. Пойтахти — Ямусукро расмий, амалда Абиджан. Худуди — 322463 км². Аҳолиси — 16400000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — аҳолисининг кўпчилиги маҳаллий мажусийлар, мусулмонлар (24%), христианлар (12%). Пул бирлиги — африка франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Ғарбий Африкадаги давлат. Ғарбда Либерия (чегара узунлиги-716 км) ва Гвинея (610 км), шарқда Гана (668 км), шимолда Буркина-Фасо (584 км) ва Мали (532 км) билан чегарадош. Жанубда Гвинея қўлтиғи билан туташ. Чегарасининг умумий узунлиги — 3110 км, соҳил чизиги узунлиги — 515 км. Асосий дарёлари: Сосандра, Бандама, Комаэ. Ер ости бойликлари: олмос, темир рудаси, марганец, кобальт, мис, бокситлар.

Иқлими — мамлакат жанубида иссиқ ва сернам, шимолда кўпроқ қуруқ иқлим. Ўсимлик дунёси — жанубий районлар тропик ўрмонлар билан қопланган. Бу ерда дарахларнинг тахминан 600 та тури бор. Ҳайвонот дунёси бой: фил, бегемот, ўрмон антилопалари, леопард, гепардлар яшайди. Илонлар, қушлар кўп.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президентлик республикаси. Мамлакат 26 та департаментга бўлинган. 1960 йил 7 августда мустақилликка эришган (аввал — француз мустамлакаси). Қонунчилик француз фуқаролик ҳуқуқига асосланган. Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва премьер-министр бошчилигидаги ҳукуматга

тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Миллий мажлис. Асосий сиёсий партиялари: Кот-д' Ивуар демократик партияси (КИДП), Ивуар халқ фронти, Социал демократлар иттифоқи.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Кот-д' Ивуар — аграр мамлакат. ЯММнинг 35%, экспортнинг 70% дан ортиқроғи қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Какао етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Пальма ёғи, каучук экспорти бўйича Африкада биринчи ўринда туради. Саноатнинг бир қанча муҳим соҳалари: тўқимачилик, кимё, қурилиш саноати ривожланган. ЯММ 1994 йилда 20,5 млрд. долл. (жон бошига 1430 долл.)ни ташкил этди. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, Германия, Нидерландия, Нигерия, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 660 км, автомобиль йўллари — 46600 км, ички сув йўллари — 980 км. Асосий портлари — Абиджан, Гран-Басам.

Тарихи. XVI асрда Кот-д' Ивуар ҳудудлари европаликлардан биринчи бўлиб португаллар томонидан очилган. 1893 йилда французлар Фил суяги қирғоғи (мамлакатнинг аввалги номи)ни ўзларининг мустамлакаси деб эълон қилди. 1899 йил Француз Ғарбий Африкаси таркибига кирди. Уфуэ-Буаньи раҳбарлигидаги халқ озодлик ҳаракати натижасида 1958 йилда Француз Ҳамдўстлиги таркибидаги автономияга, 1960 йилда тўлиқ мустақилликка эришди. 1990 йили мамлакатдаги бир партияликдан кўп партияли тизимга ўтилди.

КУБА

Расмий номи — Куба Республикаси. Пойтахти — Гавана. Ҳудуди — 110860 км². Аҳолиси — 11300000 киши (2001). Давлат тили — испан. Дини — католик. Пул бирлиги — куба песоси.

Географик жойлашуви ва табиати. Куба Кариб ҳавзаси, Куба ороли ва унга яқин оролларда жойлашган давлат. АҚШ томонидан ижарага олинган Гуантанамо ҳарбий базаси (Куба ҳудуди ҳисобланади) билан чегара узунлиги — 29,1 км. Куба жанубда Кариб денгизи, шимолда Кубани Флорида штатидан (АҚШ) ажратиб турган Флорида қўлтиғи, жануби-ғарбда Юкатан қўлтиғи, шарқда сув орқали Гаити билан туташ. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 3735 км². Мамлакат

худуди асосан текисликлар ва тепаликлардан иборат. Тоғлар ҳудуднинг тўртдан бир қисмини эгаллайди. Асосий дарёси — Кауто. Асосий табиий ресурслари: никель, кобальт, мис, марганец, хром, ёғоч. Ҳайдалади- ган ерлари ҳудудининг 23%, ўтлоқ ва майсазорлар 23% ини эгаллайди.

Иқлими — тропик. Пальманинг ҳар хил турлари, цитрус ўсимликлари кенг тарқалган. Ҳайвонот дунёси камбағал. Йиртқич ҳайвонлар ва заҳарли илонлар йўқ. Кушлар, моллюскалар кўп.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика, амалда мамлакатда коммунистик авторитар режим ўрнатилган. Мамлакат таркиби 14 провинция ва Хувентуд муниципиясидан иборат. Куба 1898 йили Испаниядан мустақилликни қўлга киритди, лекин 1902 йил 20 майгача АҚШ бошқарувида бўлди. Миллий байрамлари: 26 июл — Халқ қўзғолони куни (1953 йил) ва 1 январь — Озодлик куни (1959 йил). Ижро этувчи ҳокимият Давлат Кенгаши раиси (давлат бошлиғи) ва Вазирлар Кенгаши раиси (ҳукумат бошлиғи)га тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Миллий Ассамблея. Ягона сиёсий партияси: Куба Коммунистик партияси.

Иқтисоди ва транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисоди инқирозни бошидан кечирмоқда. ЯММ 1994 йилда 14 млрд. долл. (жон бошига — 1260 долл.)ни ташкил этди. Кейинги йилларда ҳукумат ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтиришга, туризм ва саноат корхоналари учун чет эл инвестицияларини жалб этишга фаол ҳаракат қилмоқда. Асосий савдо ҳамкорлари: МДҲ мамлакатлари, Испания, Хитой, Аргентина.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 12947 км, автомобиль йўллари — 26477 км, ички сув йўллари — 240 км. Портлари — Гавана, Картинас, Мансанильо, Мантансас, Сантьяго де-Куба.

Тарихи. Куба 1492 йили Колумб томонидан очилган. Испан мустамлакачилари оролдаги маҳаллий аҳолини деярли йўқотиб, Кубага плантацияларда ишлатиш учун Африкадан қулларни олиб келдилар. АҚШ томонидан қўллаб-қувватланган мустақиллик учун уруш 1868 йилда бошланиб, муваффақиятсизлик билан тугади. 1898 йили АҚШ Испанияга уруш эълон қилиб,

ўз кўшинларини Кубага юборди ва Куба 1902 йилда мустақил Республика деб эълон қилинди. Куба АҚШга иқтисодий қарам бўлган ҳолда бир нечта диктаторлик режимларни бошидан ўтказди. 1959 йилда Фидель Кастро бошчилигидаги кубаликлар Батиста диктатурасини ағдариб ташлаб, мамлакатни социалистик йўлдан ривожланувчи давлат деб эълон қилди.

ЛАОС

Расмий номи — Лаос Халқ Демократик Республикаси (ЛХДР). Пойтахти — Вьентянь. Ҳудуди — 236800 км². Аҳолиси — 48 372 37 киши (1995). Давлат тили — лаос. Дини — буддизм. Пул бирлиги — кип.

Географик жойлашуви ва табиати. Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган. Жанубда Камбоджа (чегара узунлиги — 541 км), ғарбда Таиланд (1754 км), шарқда ва шимолда Вьетнам (2130 км), шимолда Хитой (423 км), шимоли-ғарбда Мьянма (235 км) давлатлари билан чегарадош. Умумий чегара узунлиги — 5083 км.

Ҳудудининг катта қисми тоғли; шимолида ва шарқда Аннамита ва Чионгшон тоғлари, жануби ва ғарбда Меконг дарёси водийси билан пасттекистиклар жойлашган. Табиий фойдали қазилма бойликлардан мис, темир, кўрғошин, қимматбаҳо тошлар, олтин кўпроқ учрайди.

Иқлими — муссонли субэкваториал.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузуми — республика. Мамлакат 16 та кхвенг (провинция)дан ташкил топган. Лаос 1953 йил октябрида мустақилликка эришган (илгари Франция мустамлакаси бўлган). ЛХДР эълон қилинган кун 2 декабр миллий байрам қилинади. Ижроия ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва премьер-министр бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Ягона сиёсий партияси: Лаос халқ инқилобий партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Лаос ҳукумати марказлашган режали иқтисодиёт давридан сўнг охириги йилларда хусусий секторни ривожлантириш сиёсатини рағбатлантирмоқда. Бироқ Лаос ҳали ҳам дунёнинг қолюқ давлатларидан бири бўлиб қолмоқда. 1994 йилда ялпи миллий даромад 4 млрд. долл.ни ташкил этди. Ишлаб чиқариш асосан саноатнинг енгил, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш соҳала-

ри билан чекланган. Қўрғошин қазиб олиш йўлга қўйилмоқда. Аграр соҳада (ЯММ 60%) меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми банд. Қишлоқ хўжалигида етиштириладиган асосий экинни — шоли (экин майдонларининг 90% и), шунингдек, маккажўхори, пахта, тамаки, қаҳва ва соя етиштирилади.

Асосий савдо ҳамкорлари: Таиланд, Малайзия, Вьетнам, Япония, Франция, АҚШ.

Темир йўллари мавжуд эмас, автомобиль йўллари-нинг умумий узунлиги 14130 км ни (60 км — қаттиқ қопламали), ички сув йўллари 4500 км ни ташкил этади.

Тарихи. 1353 йили ҳозирги Лаос ҳудудида Лансанг қироллигига асос солинган бўлиб, у XVI асрга келиб ўз ҳудудини сезиларли даражада кенгайтирган эди. XVI аср охирларига келиб Бирманинг вассалига айланган Лансанг тез орада икки қироллик — Вьентян ва Луанг-прабангга бўлиниб кетди. 1893 йили Франция Лаоснинг ички ишларига аралашиб, уни ўзининг протекторати деб эълон қилди. Лаос япон боққинчиларидан озод қилинганидан сўнг (1942—1945) мамлакатда французларга қарши Лао Иссор (Озод Лаос) ҳаракати бошланиб кетди. Бу қўзғолон 1946 йили мамлакатга жўнатилган экспедицион корпус томонидан бостирилди. 1949 йили ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини қўлга киритган Лаос 1955 йили мустақил давлат бўлди. 1959 йилдан бошлаб мамлакатда турли сиёсий гуруҳлар ўртасида жиддий можаролар бошланди. Бу можаролар 1973 йили Лаосда монархиянинг ағдарилиши ва Лаос Халқ Демократик Республикасининг эълон қилиниши билан яқунланди. 1980 йиллар охиридан бошлаб мамлакат иқтисодиётини ва сиёсий ҳаётини либераллаштириш бошланди, 1991 йилда эса Лаоснинг биринчи конституцияси қабул қилинди.

ЛАТВИЯ

Расмий номи — Латвия Республикаси. Пойтахти — Рига. Ҳудуди — 63700 км². Аҳолиси — 2400000 киши (2001). Давлат тили — латиш. Дини — лютеранлик, католик, православ. Пул бирлиги — лат.

Географик жойлашуви ва табиати. Болтиқ денгизи қирғоғида жойлашган. Жанубда Литва (чегара узунлиги 453 км) ва Беларусь (141 км), шарқда Россия

(217 км), шимолда Эстония (267 км) билан чегарadosh. Фарбий чегаралари Балтика денгизи билан тутaшиб кетган. Чегарасининг умумий узунлиги — 1078 км. Худудининг катта қисми пасттекисликлардан иборат. Фарбида ва шарқида тепаликлар мавжуд. Асосий дарёси — Даугава (Фарбий Двина), кўп сонли кўллар мавжуд. Табиий ресурслардан кам миқдорда торф, оҳак, ёғоч захиралари мавжуд. Худудининг 27% и экин экиладиган майдонлардан, 39% и ўрмон ва чангалзорлардан иборат.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Мамлакат тарихий 4 та туманга: Курзеле, Земгале, Видземе ва Лотгалеге бўлинган. 1991 йил 21 августда мустақилликка эришган. Латвия республикаси эълон қилинган кун 18 ноябр — Миллий байрам ҳисобланади. Ижроия ҳокимият президентга (давлат бошлиғига) ва премьер-министр бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Сеймга тегишли. Асосий партиялари: Латвия иттифоқи, «Латвия йўли», «Латвия мустақиллиги учун ҳаракат», Латвия фермерлари иттифоқи, Латвия христиан-демократлар иттифоқи, Латвия халқ фронти, Латвия социал-демократик ишчи партияси, Латвия меҳнат демократик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Охириги йилларда Латвия режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига аста-секин ўтмоқда. Иқтисодиётни шакллантиришдан ташқари, ҳукумат кам миқдордаги табиий ресурсларни ва ишчи кучларини максимал даражада сафарбар қилган ҳолда чет эл капиталини кўплаб жалб қилиш чора-тадбирларини кўрмоқда. 1994 йилда Ялпи миллий даромад 12,3 млрд. долл.ни ташкил этди. Саноатнинг машинасозлик, кимё, балиқ маҳсулотлари, енгил, фармацевтика, қоғоз-целлюлоза ишлаб чиқариш тармоқлари яхши тараққий этган. Қишлоқ хўжалиги ҳам мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутди (ЯММ — 21,5%). Асосий савдо ҳамкорлари — Россия, Германия, Швеция, Беларусь.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 2400 км, автомобиль йўллари — 59 500 км (33000 км — қаттиқ қопламали), ички сув йўллари — 300 км. Мамлакатнинг асосий портлари: Рига, Лиепая, Вентспилс.

Тарихи. X асрда мев қабилалари (латишларнинг аждодлари) Киев Русидан ўрнак олиб, православ динини қабул қилишди, бироқ XII асрдан бошлаб като-

лик динига ўтиш бошланди. Тевтон ордени 1242 йили Чуд кўлида мағлубиятга учраганлигига қарамасдан, XIII аср охирига келиб ҳозирги Латвия ҳудудларини эгаллашга муваффақ бўлди. XIII аср ўрталарида Латвияда протестантлик тарқалди. Тевтон ордени тарқалганидан сўнг Ливания ҳудуди Польша ва Швеция томонидан бўлиб олинди. XVIII асрда Латвия Россия томонидан аннексия қилинди.

Биринчи жаҳон уруши даврида мамлакатнинг анчагина қисми Германия томонидан оккупация қилинди. 1917 йили Латвияда совет ҳокимияти эълон қилинди, бироқ Брест-Литовск шартномасига кўра Совет Россияси Латвия ҳудудларини Германияга берди. 1918 йил 19 ноябрда Миллий Кенгаш Латвияни мустақил Республика деб эълон қилди. 1934 йили Ульманис томонидан содир этилган давлат тўнтариши натижасида мамлакатдаги парламент тартиби диктатура билан алмаштирилди. 1940 йил августида Латвия Совет Иттифоқи томонидан, 1941 йилда эса Германия томонидан оккупация қилинди. 1944 йили мамлакат яна СССР таркибига кирди. 1991 йил августида Латвия Республикаси мустақиллиги қайта тикланди.

ЛЕСОТО

Расмий номи — Лесото қироллиги. Пойтахти — Масеру. Ҳудуди — 30355 км². Аҳолиси — 2200000 киши (2001). Давлат тили — инглиз ва сесуто. Дини — христианлик (католиклар ва протестантлар). Пул бирлиги — лотин.

Географик жойлашуви ва табиати. Лесото Африка қитъасининг жанубида жойлашган бўлиб, ҳар томондан Жанубий Африка Республикасининг чегаралари билан ўралган. Давлат чегарасининг узунлиги — 909 км. Мамлакат ҳудудининг катта қисми Басуто ясси тоғлигининг чегараларида жойлашган. Ушбу ҳудудлар шарқ ва жанубдан Аждар тоғлари билан ўралган. Унинг энг юқори нуқтаси — Табана Нтленьян (3842 м).

Асосий дарёси — Тўқ-сарик. Лесото ҳудудида олмос, кварц, кўмир, уран конлари мавжуд. Ишлов бериладиган ерлар умумий ерининг 10% ини, ўтлоқ ва яйловлар 66% ини эгаллайди. Иқлими — океан яқин бўлишига қарамасдан континентал.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. 1966 йил 4 октябрда Лесото қироллиги эълон қилинган кун (олдин Буюк Британия мустамлакаси бўлган) Миллий байрам ҳисобланади. Давлат бошлиғи — қирол (қирол Мошин II 1995 йил февралдан буён давлатни бошқариб келмоқда). Ижроия ҳокимияти Ҳарбий Кенгашга ва премьер-министр бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият Ҳарбий Кенгаш ва бир палатали парламент — Миллий конституцион ассамблея томонидан амалга оширилади. Асосий партиялари — Басуто миллий партияси, Бирлашган демократик партияси, Басуто конгресси партияси, Марематлу озодлик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисодиёти асосан қишлоқ хўжалигига, енгил саноатга ва шартнома асосида ЖАРга бориб ишлаб келаётган ишчилардан олинadиган пул ўтказмаларидан тушадиган маблағларга асосланган. 1994 йили ЯММ 2,6 млрд. долл.ни ташкил этган. Унча катта бўлмаган фермер хўжаликлари (қишлоқ хўжалиги ЯММнинг 20% ини ташкил этган) маккажўхори, буғдой, арпа ва сорго етиштиради. Ишлаб чиқариш асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлариши қайта ишлаш ва олмос қазиб олиш билан боғлиқ. Туризм ривожланмоқда. Асосий савдо ҳамкорлари: ЖАР, ЕҲ.

Темир йўллари (умумий узунлиги 2,6 км) ЖАРга тегишли. Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 7215 км.

Тарихи. Ҳозирги Лесото ҳудудига келиб жойлашган қабилалар XIX асрнинг биринчи ярмида Мошин I ҳукмронлиги остига бирлаштирилган. Баустоленд (мамлакатнинг собиқ номи) 1871 йили Кейптаун протекторатига, 1884 йили эса Буюк Британия протекторатига айланди. 1966 йили мамлакат мустақилликка эришди ва Лесото қироллиги деб атала бошлади. 1970 йилги давлат тўнтариши натижасида ҳокимият тепасига ҳарбийлар келиши ва улар давлатни 1993 йилга қадар идора қилиши.

ЛИБЕРИЯ

Расмий номи — Либерия Республикаси. Пойтахти — Монровия. Ҳудуди — 111370 км². Аҳолиси —

3200000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — мажусийлик (70%), ислом (16%). Пул бирлиги — либерия доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Ғарбий Африкада жойлашган давлат. Шарқда Кот-д'Ивуар билан (чегара узунлиги 716 км), шимолда Гвинея (чегара узунлиги 563 км) ва Сьерра-Леоне (чегара узунлиги 306 км) билан чегарадош. Мамлакатнинг жанубий ва ғарбий қисмлари Атлантика океани билан туташиб кетган. Чегараларининг умумий узунлиги — 1585 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги эса 579 км. Мамлакат ҳудудининг катта қисмини пасттекисликлар ташкил этади. Шимолида мамлакатнинг энг юқори нуқтаси — Нимба тоғи (1752 м) жойлашган Леоно-Либер тепаликлари мавжуд. Асосий дарёлари — Моно, Лоффа, Сент-Пол, Сент-Жон. Табиий бойликлардан темир рудаси, олмос, олтин, ёғоч кўплаб учрайди. Мамлакат ҳудудининг 1/3 қисмини дарахтларнинг қимматбаҳо турлари кўп бўлган доимий яшил тропик ўрмонлар ташкил қилади.

Иқлими — субэкваториал, иссиқ ва нам.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат таркибида 13 та графлик бор. Либерия ўз мустақиллигига 1847 йил 26 июлда эришган (Миллий байрами — Мустақиллик куни). Мамлакатда қонунчиликнинг иккилик тизими амал қилади: Америка умумий ҳуқуқига асосланган ва қабилалар қонунларига асосланган, умумқабул қилинган ҳуқуқий тизим. Бутун ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимият раис бошчилигидаги Давлат кенгашига тегишли. Асосий партиялари: Либерия миллий ватанпарварлар fronti, Либерия демократия учун бирлашган озодлиқ ҳаракати.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. 1990 йилда фуқаролар уруши бошлангунга қадар мамлакат иқтисодиёти асосан каучук ишлаб чиқариш ва ёғочни қайта ишлаш (асосан экспорт учун) билан боғлиқ бўлиб, қишлоқ хўжалиги эса қулай иқлим шароити туфайли муваффақиятли ривожланиб келган. Этник қарама-қаршиликлар натижасида кўпчилик аҳоли мамлакатни тарк этишди, улар билан бирга капитал маблағларнинг чиқиб кетиши кузатилди. 1994 йили ЯММ 2,3 млрд. долл.ни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари — Нидерландия, ЕҲ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 490 км, автомобиль йўлларининг узунлиги — 10087 км. Мамлакатнинг асосий портлари: Бьюкенен, Кринвилл, Монровия, Харпер.

Тарихи. Португаллар томонидан XV асрда очилган Либерия тез орада қул савдоси марказларидан бирига айланди. XIX асрнинг 20-йилларида Африкага қайтиб келган қуллар 1847 йили мустақил Либерия республикасини туздилар. Бу республика конституцияси амалда АҚШ конституциясидан кўчириб олинган эди. 1985 йилги ҳарбий давлат тўнтариши мамлакатни ҳукмрон тартиб тарафдорлари ва Либерия ватанпарварлар миллий frontiга бўлиб юборди. Бу ҳолат 1990 йили мамлакатда фуқаролар урушининг бошланишига олиб келди. 2006 йил 16 январда Эллен Жонсон-Сирлиф хоним президент лавозимини бажаришга киришди.

ЛИВАН

Расмий номи — Ливан Республикаси. Пойтахти — Байрут. Худуди — 10400 км². Аҳолиси — 4300000 киши (2001). Давлат тили — араб. Дини — ислом (75%), бошқа динлар (25%). Пул бирлиги — ливан фунти.

Географик жойлашуви ва табиати. Жануби-Ғарбий Осиёда жойлашган. Шарқ ва шимолда Сурия билан (чегара узунлиги 375 км), жануб ва жануби-шарқда Исроил билан (79 км) чегаралош. Ливаннинг ғарбий чегаралари Ўрта ер денгизи билан туташиб кетган. Чегарасининг умумий узунлиги — 454 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги эса — 225 км. Исроил билан жанубий районлар масаласида ҳудудий қарама-қаршиликлар мавжуд. Ландшафти асосан тоғли: ғарбида денгиз олди пасттекистиклари мамлакатнинг Ливан чўққиси (3088 м) мавжуд бўлган баланд тоғи Эс-Сауда билан туташган, шарқда Антиливан тоғ тизмаси жойлашган. Ушбу тоғ тизмалари ўртасида Бекаа чуқурлиги жойлашган. Асосий дарёси — Эль-Литони. Асосий фойдали қазилмалари: темир рудаси ва оҳақтош. Ишлов бериладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 21% ини ташкил этади.

Иқлими — субтропик, иссиқ.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 6 та губернаторлик (мухафазот)дан ташкил топган. Ливан муста-

қил давлат сифатида 1943 йил 22 ноябрда эълон қилинган, бироқ француз қўшинлари 1946 йил охирига қадар Ливан ҳудудида ушлаб турилди (Миллий байрами — Мустақиллик куни). Ижроия ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва Вазирлар Кабинети бошлиғи ҳисобланган Бош вазир қўлида. Мамлакат конституциясига кўра фақат христиан-маронит — президент, мусулмон-сунний — Бош вазир бўлиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Депутатлар палатаси томонидан амалга оширилади. Мамлакат сиёсий ҳаётида анъанавий равишда икки сиёсий блок — христианлар ва мусулмонлар блоки шакллланган. Асосий сиёсий партиялари: Социалистик тараққиёт партияси, Ливан коммунистик партияси, Халқ носирийлар ташкилоти. Катаиб партияси, Амаль шиалар ҳаракати.

Иқтисоди, транспорт қолмуникациялари. Беқарор ички сиёсий ҳолат, Исроил томонидан Ливан жанубининг бир неча маротаба оккупация қилиниши мамлакат ичкарисида иқтисодий аҳволнинг оғирлашувига, тadbиркорликнинг кескин пасайишига, ташқи савдонинг камайишига олиб келди. Саноатнинг нисбатан яхшироқ тараққий этган соҳалари: нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат, тўқимачилик. Байрут ҳозирги кунда Яқин Шарқнинг молия марказларидан бири ҳисобланади (мамлакатнинг олтин-валюта захираси 4300 млн. доллар). Қишлоқ хўжалигида (ЯММ нинг 30% и) цитрус мевалар, зайтун, картошка, олма, тамаки, узум етиштирилади. 1994 йили ЯММ 15,8 млрд. доллар (ЯММ жон бошига — 4360 долл.)ни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Саудия Арабистони, Швейцария, Италия, Иордания, Франция.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 222 км, автомобиль йўллари — 7300 км (шундан 6200 км қаттиқ қопламали). Мамлакат портлари: Байрут, Триполи, Сайда.

Тарихи. М. а. 4 минг йилликда ҳозирги Ливан ҳудудида финикияликларнинг шаҳар-давлатлари шакллана бошлади. М. а. VIII асрдан I асрга қадар Ливан Шарқнинг турли давлатлари таркибида бўлиб келди. М. а. I асрда Ливан Рим империяси таркибига кирди. 637 йили араблар томонидан босиб олинган бўлса, 1098 йилдан 1289 йилга қадар Яқин Шарқда салибчи-рицарлар томонидан ташкил этилган христианлар давлати таркибида бўлди. Кейин мамлакат Миср мамлуқлари қўли-

га, XVI асрдан эса Усманийлар империяси таркибига кирди. Бироқ мамлакатдаги ҳокимият амалда XVI—XVII асрларда Маонлар сулоласи амирлари, XVII аср охиридан эса Шахобийлар сулоласи амирлари қўлида бўлиб келди. 1840 йили Башир Шахоб тахтдан ағдариб ташланди ва Ливан яна турклар қўл остига ўтди. 1860 йили Франция императори Наполеон III Ливанга экспедицион корпус жўнатди, натижада халқаро комиссия турк ҳукуматини Ливан мухториятини тан олишга мажбур қилди. Биринчи жаҳон уруши бошларида Туркия бу келишувни бекор қилди. Лекин Туркиянинг урушдаги мағлубиятидан сўнг бу ҳудуд Франция мандати остига ўтди (1920). 1926 йили Ливан республика деб эълон қилинди. 1943 йилда Ливан мустақилликни қўлга киритганидан сўнг мамлакат ички зиддиятларни бартараф қилишга муваффақ бўлди, фақат 1975 йили мамлакатда араблар ва христианлар ўртасида фуқаролар уруши бошланди. Унга Сурия ва Исроил аралашди. 1992 йили 1972 йилдан бери биринчи марта парламентга сайловлар бўлиб ўтди.

ЛИВИЯ

Расмий номи — Ливия Араб Социалистик Халқ Жамаҳирияси. Пойтахти — Триполи. Ҳудуди — 1759540 км². Аҳолиси — 5339000 киши (2001). Давлат тили — араб. Дини — ислом. Пул бирлиги — ливия динари.

Географик жойлашуви ва табиати. Шимолий Африкада жойлашган. Шарқда Миср билан (чегара узунлиги 1150 км), жанубда Чад республикаси (чегара узунлиги 1055 км) ва Нигер билан (чегара узунлиги 354 км), жануби-шарқда Судан билан (чегара узунлиги 383 км), ғарбда Жазоир билан (чегара узунлиги 982 км), шимоли-ғарбда Тунис билан (чегара узунлиги 459 км). Шимолида Ўрта ер денгизи билан туташиб кетган. Чегарасининг умумий узунлиги 4383 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги эса 1770 км. Мамлакат ҳудудининг катта қисмини ясси тоғлик, шимолини эса Ўрта ер денгизи билан туташган қирғоқ олди текисликлари эгаллайди. Шарқда эса Сива, Файюм, Жало, Куфра воҳалари билан бўлиниб турадиган Ливия чўллари жойлашган. Асосий табиий бойликлари: нефть ва табиий газ.

Иқлими — субтропик.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — жумҳурият (халқ давлатчилиги). Ливия 1951 йил 24 октябрда Италиядан мустақиллик олди. Қонунчилик итальян фуқаролик ҳуқуқига ва ислом қонунчилигига асосланган. Миллий байрами 1 сентябр — инқилоб куни (1969). Давлат ва ҳукумат бошлиғи — Ливия инқилоби йўлбошчиси Муаммар Каддафи (1969 йил сентябрдан бери ҳокимият тепасида). Қонун чиқарувчи ҳокимият Умумий Халқ Конгресси томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялар 1977 йили тарқатиб юборилган.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодиётнинг асосини нефть қазиб олиш саноати ташкил қилади. Мамлакатнинг асосий портлари: Тобрук, Триполи, Бенғози, Мореа-эль-Брейка ва бошқалар.

Тарихи. М. а. VIII асрда ҳозирги Ливия ҳудудида Финикия шаҳар-давлатлари шакллана бошлади, м. а. VII асрдан эса бу ҳудуд грек колонияларига айлантилди. М. а. I асрдан бошлаб Рим провинцияси, V асрда эса вандаллар томонидан босиб олинди. 533 йили Византия империясининг бир қисмига айланди. 643 йили мамлакатни араблар эгаллашди, улар бу ерда ўз тилларини ва ислом динини жорий қилишди. XVI асрда Ливия турк қорсарлари таъсирига тушиб, Усманийлар империясининг таркибий қисмига айланди. Италияликлар бу ерга XIX аср охирларида кириб келишди, 1911 йили эса Туркияга қарши уруш эълон қилиб, Ливиянинг айрим ҳудудларини эгалладилар. 1916 йили мамлакат яна турклар томонидан босиб олинди, лекин Биринчи жаҳон урушидан сўнг Италия бу ерда ўз ҳукмронлигини қайта тиклади.

1934 йили ҳозирги Ливия ҳудудлари Италия мустамлакаси деб эълон қилинди, лекин 1943 йили немис ва итальян қўшинларининг марлубиятидан сўнг Франция ва Буюк Британия бошқаруви остига ўтди. 1951 йили БМТ резолюциясига кўра Ливия мустақил давлат деб эълон қилинди. Ливия қироли Идрис I мамлакатни 1969 йилга қадар идора қилди. 1969 йили қирол Идрис I расмий таъриф билан Туркияга жўнаб кетганида бир гуруҳ офицерлар ҳокимиятни эгаллаб олишди ва мамлакатни Ливия Араб Республикаси деб эълон

қилишди. 1977 йил 3 мартдан бошлаб мамлакат Ливия Араб Социалистик Халқ Жамаҳирияси деб аталиб келмоқда.

ЛИТВА

Расмий номи — Литва Республикаси. Пойтахти — Вильнюс. Ҳудуди — 65200 км². Аҳолиси — 376396 киши (1995). Давлат тили — литва. Дини — католик. Пул бирлиги — лит.

Географик жойлашуви ва табиати. Европанинг Болтиқ денгизи қирғоғида жойлашган давлатларидан бири. Жануби ва шарқи Беларусь билан (чегара узунлиги 502 км), жануби-ғарби Россия (чегара узунлиги — 227 км) ва Польша (чегара узунлиги — 91 км) билан, шимоли Латвия (чегара узунлиги — 453 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги 1273 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги эса 108 км. Мамлакатнинг катта қисми текисликлардан иборат. Ғарби ва шарқида тепаликлар бор. Асосий дарёси Нямунас (Неман), жуда кўп кўллар бор. Ёқут мамлакатнинг муҳим табиий ресурсларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, торф ва қурилиш материалларининг захиралари бор. Умумий ерларнинг деярли тенг ярми ишлов бериладиган ерлар ҳисобланади. 22% ерлар ўтлоқ ва яйловлардан иборат.

Иқлими — ўзгарувчан, континентал.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузumi — республика. Мамлакат 44 та район ва марказга бўйсунувчи 11 та шаҳарга бўлинган. Литва 1991 йил 6 сентябрда ўз мустақиллигини эълон қилган (олдинги номи Литва ССР). Миллий байрами 16 феврал — Литва давлати тикланган кун (1918). Ижроия ҳокимияти президентга (давлат бошлиғи) ва премьер-министр бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Сейм томонидан амалга оширилади. Йирик партиялари: Литва демократик ишчилар партияси, Литва демократик партияси, Литва социал-демократлар партияси, Литва мустақиллиги партияси, Литва христиан-демократлар партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Литванинг аграр-индустриал иқтисодиёти ҳозирги вақтда марказлаштирилган бошқарув тизимидан бозор муносабатларига ўтиш даврини ўз бошидан кечирмоқда.

ЯММ 1994 йили 13,5 млрд. долларни (жон бошига 3500 долл.) ташкил этди. Саноатнинг нисбатан тараққий этган соҳалари: машинасозлик, металлга ишлов бериш, кимё, ёғочни қайта ишлаш, тўқимачилик, озиқ-овқат, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш. Қишлоқ хўжалигида (ЯММ — 23%) аҳолининг учдан бир қисми банд. Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири гўшт-сут ишлаб чиқариш соҳасидир. Картошка, қанд лавлаги, сабзавотлар етиштирилади. Асосий савдо ҳамкорлари: Россия, Германия, Польша, Беларусь ва Шимолий Европа мамлакатлари.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 2010 км, автомобиль йўллари — 44200 км (35500 км — қаттиқ қопламали). Ички сув йўллари — 600 км. Асосий денгиз порти — Клайпеда.

Тарихи. Ҳозирги Литва ҳудудида шаклланган дастлабки давлати — Буюк Литва князлиги эди. XIII аср ўрталарида пайдо бўлган бу князлик князь Гедиминас даврида Литва ва Беларусь ерларини, шунингдек, ҳозирги Украинанинг бир қисмини қўшиб олган. Литва князларининг Тевтон орденига қарши олиб борган кураши 1410 йилда Грюнвальд жангида мағлубият билан якунланди. 1569 йили Литва Буюк князлиги Люблин шартномасига кўра Речь Посполита таркибига кирди. 1795 йили Литва Россия томонидан аннексия қилинди ва 1918 йилга қадар Россия империяси таркибида бўлиб келди. 1918 йил декабрида мамлакатда совет тартиби ўрнатилди, бироқ 1919 йил кузида у бекор қилинди. 1926 йилги давлат тўнтариши натижасида ҳокимиятга диктатор Вольдеморас келди. 1940 йил июл ойида мамлакатга совет қўшинлари киритилди, Литва СССР таркибидаги Республикага айланди. 1941 йили Литва немис қўшинлари томонидан босиб олинди. 1944 йили мамлакат озод қилингандан сўнг совет ҳокимияти қайта тикланди. 1990 йили Совет Иттифоқи республикалари ичида биринчи бўлиб Литва ўз мустақиллигини қайта тиклади. Совет ҳукумати томонидан у 1991 йили тан олинган.

ЛИХТЕНШТЕЙН

Расмий номи — Лихтенштейн Князлиги. Поётмак-ти — Вадуц. Ҳудуди — 157 км². Аҳолиси — 30654

киши (2001). Давлат тили — немис. Дини — католиклар (87%), протестантлар (7%). Пул бирлиги — швейцария франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Европада жойлашган. Шимолда, ғарбда ва жанубда Швейцария билан (чегара узунлиги — 41 км), шарқда Австрия билан (чегара узунлиги — 37 км) чегарадош. Умумий чегара узунлиги — 78 км. Мамлакат Альп тоғларида жойлашган бўлиб, унинг энг баланд нуқтаси — 2599 м (Фордер-Грауспигитц тоғи). Ғарбда Рейн дарёси ҳавзасида тоғлар пасая боради. Швейцария билан чегара Рейн дарёси орқали ўтган. Лихтенштейннинг асосий табиий ресурси унинг гидроэнергетик потенциалидир.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Лихтенштейн тарихий икки қисм: Оберланд (юқори Лихтенштейн — маркази Валуц шаҳри) ва Унтерланд (қуйи Лихтенштейн — маркази Шелленберг шаҳри)дан иборат. Лихтенштейн 1866 йилдан буён мустақил давлат. Миллий байрами 14 феврал — ҳокимиятдаги князь Ганс-Адам II фон Лихтенштейннинг туғилган куни. Давлат бошлиғи — князь (князь Ганс-Адам II фон Лихтенштейн 1990 йили тахтга ўтирган, амалда 1984 йилдан буён давлатни бошқариб келмоқда), ижроия ҳокимият премьер-министр бошчилигидаги ҳукумат бошлиғига тегишли қонун чиқарувчи ҳокимият князь ва парламент — Ландтаг томонидан амалга оширилади. Мамлакатда қуйидаги сиёсий партиялар фаолият юритмоқда: Ватан иттифоқи. Бюргерлар тараққиёт партияси, Христиан ижтимоий партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисодиёти асосан енгил саноатнинг кичик корхоналари ва фермер хўжаликларига таяниб тараққий этади. Саноат тармоқлари орасида ускунасозлик, металлга ишлов бериш, вакуум техникаси ишлаб чиқариш, электрон системалар ва макропроцессорлар ишлаб чиқариш соҳалари яхши ривожланган. Шунингдек, анъанавий саноат тармоқлари, тўқимачилик, фармацевтика, керамик буюмлар ишлаб чиқариш тараққий этган. Туризмдан ташқари коллекционерлар учун почта маркалари ишлаб чиқариш ҳам давлат хазинасига сезиларли маблағлар келтиради. Тадбиркорлик фао-

лиятига паст солиқларнинг жорий қилиниши ва компанияларни рўйхатдан ўтказишнинг осонлиги сабабли Лихтенштейнда жуда кўплаб компанияларнинг идоралари пайдо бўлди (бундай компаниялар умумий давлат даромадининг 30% ини беради). Мамлакат иқтисодиёти Швейцария иқтисодиёти билан узвий боғлиқ, шунинг учун яшовчиларнинг яшаш даражаси Швейцарияникидан деярли фарқ қилмайди. ЯММ 1990 йили 630 млн. долларни ташкил этган (жон бошига — 22300 доллардан). Асосий савдо ҳамкорлари: ЕҲ мамлакатлари, Швейцария.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 18,5 км (Австриянинг федерал мулки), автомобиль йўллари — 32293 км (ҳаммаси қаттиқ қопламали).

Тарихи. XVII асрда Шелленберг ва Вадуцни сотиб олган австриялик Лихтенштейнлар оиласи 1719 йил 15 августда князлик мақомини олишган. Лихтенштейн князлиги 1808—1815 йилларда Рейн Иттифоқига, 1815—1866 йилларда Германия Иттифоқига кирди. 1866 йилдан буён мустақил давлат ҳисобланади. 1919 йилга қадар Австрия билан божхона иттифоқида бўлган бўлса, 1924 йилдан Швейцария билан умумий валюта ва божхона иттифоқида бўлиб келмоқда.

ЛЮКСЕМБУРГ

Расмий номи — Люксембург буюк герцоглиги. Пойтахти — Люксембург. Ҳудуди — 2587 км². Аҳолиси — 400000 киши (2001). Давлат тили — немис ва француз. Дини — католик дини (97%), бошқа динлар (3%). Пул бирлиги — евро.

Географик жойлашуви ва табиати. Ғарбий Европада жойлашган (Голландия ва Бельгия билан бирга Бенилюкс гуруҳига киради). Ғарби ва шимоли Бельгия билан (чегара узунлиги — 148 км), жануби Франция билан (чегара узунлиги — 73 км), шарқи Германия билан (чегара узунлиги — 138 км) чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги — 359 км. Шимолида Арденн тоғ тизмаси жойлашган бўлиб, унинг юқори нуқтаси Бургплатц тоғидаги Люксембург чўққиси (баландлиги — 559 м)дир. Қолган ҳудудлар тепаликли текисликлардан (Гутланд) иборат. Асосий дарёси — Мозель ва унинг ирмоғи — Зауэр. Мамлакат катта темир рудаси конларига эга.

Иқлими — мўътадил, континентал.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Герцогликнинг ҳозирги чегаралари ўрнатилган 1839 йили Люксембург мустақил давлат бўлди. 1867 йилги Лондон конференцияси Люксембургни суверен, бетараф давлат деб эълон қилди. Миллий байрами 23 июн — Люксембург буюк князи Жоннинг туғилган куни расмий байрам қилинади. Давлат бошлиғи — Буюк Люксембург герцоги (Буюк Люксембург герцоги Жон 1964 йил 12 ноябрдан бери ҳокимият тепасида). Қонун чиқарувчи ҳокимият Буюк герцог Люксембургский ва парламент — Депутатлар палатаси томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари: Христиан-ижтимоий халқ партияси, Люксембург социалистик ишчи партияси, Демократик партия, Яшиллар партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисодиёти инфляциянинг пастиги ва ишсизликнинг амалда йўқлиги билан характерланади. 1994 йили ЯММ 9,2 млрд. долларни (жон бошига 22830 доллар) ташкил этган. Саноатнинг нисбатан тараққий этган соҳалари: металлургия, кимё, озиқ-овқат, ойна ва алюминий ишлаб чиқариш. Охири ўн йилликда банк сектори фаол ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалиги оилавий фермерларга асосланган бўлиб, улар юқори даражада механизациялашган. Люксембург савдо ва молия масалаларида иқтисодий иттифоқ тузган, шунингдек, Нидерландия билан иқтисодий алоқаларда узвий боғланган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕҲ мамлакатлари, АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 271 км (243 км электрлаштирилган), автомобиль йўллари — 5108 км (5000 км қаттиқ қопламали). Дарё порти — Мертерт.

Тарихи. М. а. I асрда ҳозирги Люксембург ҳудудига Кельтларнинг Тревер қабиласи келиб жойлашган бўлиб, Лотарингиядаги Буюк Карл империясининг Бельгия провинцияси таркибига кирган эди. Люксембург герцоглигига 1354 йили асос солинган. Герцоглик дастлаб Бургундлар, кейин Габсбурглар мулки бўлди, кейинроқ Нидерландия, Франциянинг таркибига кирди. 1815 йили Вена конгрессининг қарорига кўра Германияга берилган Люксембург Буюк герцогликка айланди ва Голландия қироли Гийон I га совға қилинди. 1839 йили

герцогликнинг ҳозирги чегаралари ўрнатилди. 1867 йилда эса Лондон конференцияси Люксембургнинг суверенитетини белгилади ва бетараф давлат деб эълон қилинди. Шунга қарамасдан Люксембург ҳудуди немис қўшинлари томонидан Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушларида оккупация қилинди. 1946 йили Люксембург Буюк герцоглиги Голландия ва Бельгия билан Божхона иттифоқига кирди (Бенилюкс).

МАВРИКИЙ

Расмий номи — Маврикий Республикаси. Пойтахти — Порт-Луи. Ҳудуди — 2040 км². Аҳолиси — 1200000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — индуизм (50%), христианлик (32,2%), ислом (16,1%). Пул бирлиги — маврикий рупияси.

Географик жойлашуви ва табиати. Маврикий Ҳинд океанининг ғарбий қисмидаги оролларда жойлашган. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 177 км. Вулқонлар отилиши натижасида вужудга келган тепаликлар бу оролларда кўп бўлиб, денгиз сатҳидан 826 м баландликда жойлашган. Юқори нуқтаси — Питон-де-ла-Птит-Ривере-Нуар. Қирғоқлари коралл рифлари билан қопланган. Табиий ресурслари деярли йўқ. Ишлов бериладиган ерлар — 54%, ўрмон ва чангалзорлар 31% ни ташкил қилади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 10 та районга бўлинган. Маврикий 1968 йили 12 мартда Буюк Британия Ҳамдўстлигидан мустақиллик олди. 1992 йил 12 мартгача давлат бошлиғи Буюк Британия қироличаси бўлиб келди. Унинг ҳокимиятини генерал-губернатор амалга оширар эди. 1992 йил 12 мартда Маврикийда расмий равишда республика бошқаруви шакли жорий қилинди. 12 мартда иккита миллий байрами — Мустақиллик куни ва Республика куни нишонланади. Ижроия ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва премьер-министр (ҳукумат бошлиғи) томонидан, қонун чиқарувчи ҳокимият эса бир палатали парламент — Халқ йиғини томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Жанговар социалистик ҳаракат, Маврикий жанговар ҳаракати, Лейбористлар партияси, Маврикий ижтимоий-демократик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Иқтисодиётнинг нисбатан муҳим тармоқлари шакар ишлаб чиқариш, тўқимачилик ва туризм ҳисобланади. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари (тамаки, маккажўхори, картошка, гуруч, маниок, банан етиштириш) ривожланганлигига қарамасдан шакарқамиш асосий экин ҳисобланади ва экспортдан келадиган фойданинг 40% ини ташкил қилади. 1993 йили ЯММ 9,3 млрд. доллар (жон бошига — 8600 доллар)ни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари — ЕҲ мамлакатлари, АҚШ ва ЖАР.

Темир йўллари йўқ, автомобиль йўлларининг узунлиги 1800 км. Асосий порти — Порт-Луи.

Тарихи. Маврикий 1505 йили португаллар томонидан очилган эди, бироқ XVII асрдан голландлар бошқаруви остига ўтди. 1715 йили бу орол француз мустамлакасига айланди ва Иль-де-Франс деб аталди. 1810 йилда эса Буюк Британия томонидан босиб олинди. 1868 йилда мустақиллик олган Маврикий 1992 йили республика деб эълон қилинди.

МАВРИТАНИЯ

Расмий номи — Мавритания Ислом Республикаси. Пойтахти — Нуакиот. Худуди — 1030700 км². Аҳолиси — 2700000 киши (2001). Давлат тили — араб. Дини — ислом (давлат дини). Пул бирлиги — угия.

Географик жойлашуви ва табиати. Африка қитъасининг шимоли-ғарбида жойлашган. Шарқда Мали билан (чегара узунлиги — 2237 км), жанубда Мали ва Сенегал билан (чегара узунлиги — 813 км), шимолда Жазоир (чегара узунлиги — 463 км) ва Фарбий Сахара билан (чегара узунлиги — 1561 км) чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги — 5074 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 754 км. Мамлакат ҳудуди асосан пасттекикликлар ва унча баланд бўлмаган ясси тоғликдан иборат, шунингдек, Фарбий Сахаранинг қумли ва тошли чўллари билан туташиб кетган. Асосий табиий ресурслари: темир рудаси, мис, фосфоритлар, гипс. Иқлими — тропик, чўлли.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — ислом республикаси. Мамлакат губернаторлар бошчилигидаги 12 та маъмурий ҳудуд ва ало-

ҳида пойтахт ҳудудидан иборат. Мавритания 1960 йил 28 ноябрда тўлиқ мустақиллик олган (олдин — француз протекторати). Ушбу сана Мустақиллик куни — Миллий байрам ҳисобланади. Қонунчилик ислом қонунчилиги шариатга асосланган. Давлат бошлиғи ва ҳукумат бошлиғи — президент. Парламент икки палатадан Сенат (юқори палата) ва Миллий йиғин (қуйи палата)дан иборат. Йирик сиёсий партиялари: Республика ижтимоий-демократик партияси ва Демократик кучлар иттифоқи.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Мавритания темир рудасининг катта захираларига эга. Бу мамлакат экспортининг ярмини ташкил қилади. Тоғкон саноатидан ташқари нефтни қайта ишлаш ва тўқимачилик тармоқлари ҳам яхши ривожланган. Асосий қишлоқ ҳўжалиғи экинлари — хурмо, сорго, арахис, маккажўхори, тамаки, шунингдек, чорвачилик яхши тараққий этган. Балиқ мамлакатнинг муҳим экспорт маҳсулотларидан бири ҳисобланади, бироқ бошқа давлатлар томонидан Мавритания қирғоқларида балиқ захираларининг доимий ўзлаштирилиши мамлакатнинг бу даромад манбаига путур етказмоқда. 1994 йили ЯММ 2,4 млрд. доллар (жон бошига — 1110 доллар)ни ташкил этган. Муҳим савдо ҳамкорлари: ЕҲ мамлакатлари, Япония, Жазоир, Хитой, АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 670 км, автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 7525 км (1685 км асфальтланган).

Портлари: Нуакшот, Нуадибу.

Тарихи. VIII—XI асрларда Мавританиянинг жанубий қисми Ғарбий Африкадаги Гана, Текрур ва бошқа давлатлар таркибида бўлган, мамлакат шимоли эса барбар қабилалари назоратида эди. XI—XII асрларда Мавритания Альморавидлар давлати таркибига кирди, XIV—XV асрларда эса араблар ҳукмронлиги остига ўтди. 1855 йили мамлакат Франция томонидан оккупация қилинди. 1904 йили Франция Мавританияни ўз протекторати деб, 1920 йили эса ўз мустамлакаси деб эълон қилди. 1960 йили мустақилликка эришганидан сўнг мамлакат бир қатор давлат тўнтаришларини (1917, 1980, 1984) ҳамда 1989 йили Мавритания ва Сенегал жамоалари ўртасидаги этник қарама-қаршиликларни ўз бошидан кечирди.

МАДАГАСКАР

Расмий номи — Мадагаскар Республикаси. Пойтахти — Антананариву. Худуди — 587041 км². Аҳолиси — 16400000 киши (2001). Давлат тили — малагаси ва француз. Дини — мажусийлик (50%), христианлик (37%), ислом (5%). Пул бирлиги — малагаси франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Ҳинд океанининг жануби-ғарбий қисмидаги Мадагаскар оролида жойлашган давлат. Мадагаскар ороли Африканинг шарқий қирғоқларидан Мозамбик бўғози билан ажралган бўлиб, катталиги жиҳатдан дунёда 4-ўринда турадиган оролдир. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 4828 км. Оролниг бутун шарқий қисмида шимолдан жанубга қараб вулқон ясси тоғлиги чўзилиб кетган бўлиб, унинг энг юқори қисми шимолда жойлашган Царатона массивидир. Унда мамлакатнинг юқори нуқтаси Моромонотро тоғи (2876 м) бор. Шарқий соҳил бўйлаб ингичка қирғоқбўйи текислик ўтган. Оролниг ғарбида катта қуйи пасттекисликлар мавжуд. Мамлакатнинг асосий дарёлари — Мангуки, Бемориву, Бецibuка. Энг катта қўли — Алаотра. Оролда никель, кобальт, графит конлари бор. Бошқа табиий ресурслардан балиқ ва денгиз маҳсулотлари кўп олинади. Ишлов бериладиган ерлар умумий ерларнинг 4% ини, ўтлоқ ва яйловлар 58% ини, ўрмон ва чангалзорлар 26% ни ташкил қилади.

Иқлими — тропик.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат таркибида 6 та фаритани (провинция) бор. Мадагаскарнинг мустақиллиги 1960 йил 26 июнда эълон қилинган (илгари Франция мустамакаси бўлган). Бу сана миллий байрам сифатида нишонланади. Қонунчилик Франция фуқаролик ҳуқуқига асосланган. Ижроия ҳокимият президентга (давлат бошлиғи) ва премьер-министрга (Министрлар Кенгаши раиси) тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент — Сенат (юқори палата) ва Миллий йигин (қуйи палата) томонидан амалга оширилади. Асосий сиёсий партиялари: Тараққиёт ва демократия учун миллий иттифоқ, Мадагаскар мустақиллиги конгресси партияси, Мадагаскар янгиланиш Авангарди партияси, Фихаонан партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Мадагаскар — дунёнинг камбағал давлатларидан бири бўлиб, иқтисодийётида асосий сектор — аграр (ба-ликчилик ва ўрмончилик кўшилганда) сектор ҳисобланади. Бу тармоқ ЯММнинг 40% ини ва экспортдан тушадиган валюта тушумининг 70% ини беради. Асосий экспорт қилинадиган маҳсулотлари: қаҳва ва ширинликлар. Саноат (ЯММнинг 20% и) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва тўқимачилик билан чекланган. ЯММ 1994 йили 10,6 млрд. долларни (аҳоли жон бошига — 790 доллар) ташкил этган. Саноатни ривожлантириш давлат томонидан таъминланади. Чет эл инвестицияси билан ишлаётган корхоналар, четдан келтириладиган асбоб-ускуналар, уларнинг эҳтиёт қисмларига қаттиқ назорат ўрнатилган. Асосий савдо ҳамкорлари — Франция, Япония, Россия, Германия, АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 1020 км, автомобиль йўлларининг узунлиги — 40000 км (4694 км — қаттиқ қопламали йўллар).

Асосий портлари: Анцеранана, Махадзонга, Туамасина, Тулиара.

Тарихи. XII асрда келиб чиқиши индонезиялик ва африкалик бўлган халқлар келиб жойлашиши ва арабларнинг дастлабки шаҳар колониялари пайдо бўлди. XIV—XV асрларда эса оролнинг марказий қисмида Имерин давлати вужудга келди. Оролни европаликлардан биринчи бўлиб 1500 йили португал сайёҳи Диого Диас очди. XVII асрда орол ҳудуди кўплаб майда князликларга бўлиниб кетган эди. XVIII асрда улар ягона Мерино қироллигига бирлаштирилди. Мадагаскар 1885 йили Франция протекторати, 1896 йили эса мустамлакасига айланди. 1958 йили ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини қўлга киритган Мадагаскар 1960 йили мустақил давлат бўлди. 1972 йили мамлакатда ҳарбий тўнтариш ўтказилди, 1975 йили эса президент Ричирока мамлакатни Мадагаскар Демократик Республикаси деб эълон қилди. 1991 йили мамлакатда ҳукмрон авторитар тартибларга қарши чиқинлар бўлди, бироқ улар шафқатсиз бостирилди. 1993 йили президент сайловларида мухолифатчи кучлар лидери Зофи ғалаба қозонди.

МАЙОТТА

Расмий номи — Майотта денгиз орти худуди. Пойтахти — Мамоцу. Худуди — 374 км². Аҳолиси — 170000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — ислом (97%). Пул бирлиги — француз франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Африкадаги Мадагаскар ва Мозамбик ўртасидаги Мозамбик бўсағасида жойлашган. Майотта-Комар архипелагидаги тўрт оролдан энг жанубда жойлашган орол. Майотта 2 та асосий орол ва тахинан 30 та асосий қисм ороллардан иборат. Ороллар юзасининг асосий қисми чуқур даралар ва вулқонли тоғ чўққиларидан иборат. Энг юқори нуқтаси — Бехари (660 м).

Иқлими — тропик денгиз иқлими.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Майотта Франциянинг денгиз орти худуди ҳисобланади. Давлат бошлиғи — Франция президенти. Ҳукумат бошлиғи — Юқори Кенгаш президенти (кенгаш аъзоларидан 6 йил муддатга сайланади).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Майотта иқтисодида асосан қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутлади. Давлат ўз-ўзини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўла таъминлай олмайди. Майотта Франциянинг молиявий ёрдамига таянади. Четга ваниль, иланг-иланг, долчин, кокос ёнғоғининг мағзини экспорт қилади. Четдан кимё саноати маҳсулотлари, машина ва жиҳозлар келтирилади. Асосий савдо ҳамкорлари — Франция, Комор ороллари, Африка ва Жанубий Осиё мамлакатлари.

Тарихи. 1841 йилда Майотта султони оролни Францияга бой берди ва шу пайтдан бошлаб Майотта Француз империяси таркибига киритилди. 1946 йилда Комор ороллари денгиз орти худуди мақомини олди. 1974 йилда ўтказилган референдумда архипелагнинг 3 та ороли мустақиллик учун овоз бердилар, аммо Майотта Франция таркибида қолишга қарор қилди. 1998 йилдан бошлаб Майоттада унинг мақомини ўзгартириш ҳаракати (департамент мақомини олиш) давом этмоқда.

МАКЕДОНИЯ

Расмий номи — Македония Республикаси. Пойтахти — Скопье. Худуди — 25713 км². Аҳолиси — 2000000

киши (1995). Давлат тили — француз. Дини — ислом (70%), христианлик (5%) ва мажусийлик. Пул бирлиги — мали франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Ғарбий Африкада жойлашган давлат. Ғарбда Мавритания (чегара узунлиги 2237 км) ва Сенегал билан (419 км), шимоли-шарқда Жазоир билан (1376 км), шарқда Нигер билан (821 км), жанубда. Буркина-Фасо (1000 км), Гвинея (858 км) ва Кот-д'Ивуар билан (532 км) чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги — 7243 км. Мамлакатнинг катта қисмини денгиз сатҳидан ўртача 500—600 м баландликда бўлган текисликлар эгаллаган. Шимолий қисмида тошли чўл Сахара жойлашган. Жануби-ғарбида, жануби ва шарқда Бамбуа, Мондинг, шунингдек, энг юқори баландлиги 1155 м бўлган Хамбори тоғликлари жойлашган. Асосий дарёси — Нигер. Мамлакат фойдали қазилмалардан олтин, фосфатлар, уран, темир рудаси, бокситлар, марганец, литий ва кўрғошинга жуда бой.

Иқлими — тропик континентал, иссиқ ва қуруқ, чекка жануби эса — субэкваториал.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 1960 йил 22 сентябрда Франциядан мустақиллик олган (олдинги номи — француз Судани). Мустақиллик куни Миллий байрам сифатида нишонланади. Қонунчилик француз фуқаролик ҳуқуқига асосланган. Ижроия ҳокимият президентга (давлат бошлиги) ва премьер-министр бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият эса бир палатали парламент — Миллий йиғин томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партияси — Бирдамлик ва Адолат Африка партияси, Африка демократик бирлашуви — Судан иттифоқи.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мали дунёнинг қашшоқ давлатларидан бири. 1994 йили ЯММ 5.4 млрд. доллар (аҳоли жон бошига 600 доллар)ни ташкил этган. Ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва қазиб олиш корхоналари билан (олтин, фосфоритлар) чегараланган. Қишлоқ хўжалиги ЯММнинг 50% ини беради. Асосий экинлари — просо, сорго, маккажўхори, гуруч, маниок, ананаслар, манго, папая, цитрус экинлари, шакарқамиш, тамаки, ёнғоқ, пахта. Фермер хўжаликлари асо-

сан Нигер дарёси бўйларида жойлашган. Мали — Ғарбий Африканинг энг йирик чорвадор мамлакатларидан бири ҳисобланади.

Тарихи. XI асрда вужудга келган Мали қироллигини XIII асрда 1 минг йиллик бошларида пайдо бўлган ва император Мусо (1312—1337) даврида ўзининг гуллаб-яшнаган даврини бошидан кечирган Гана қироллиги тушкунликка учратди ва Сонгаи империяси таъсирига тушиб қолди. 1591 йили мамлакат Марокаш босқини натижасида бир неча майда бўлақларга бўлиниб кетди. XIX аср охирида ҳозирги Мали ҳудудлари Франция мустамлакасига айлантирилди ва 1920 йили француз Судани таркибига кирди. 1958 йили Судан Республикаси тузилди ва унга 1959 йили Сенегал билан Мали Федерацияси бирлашди. 1960 йили уларнинг мустақиллиги эълон қилинди. Федерация тарқалганидан сўнг 1960 йил сентябрида собиқ француз Судани мустақил Мали давлати бўлди. 1968 йили давлат тўнтарыши оқибатида ҳокимият тепасига ҳарбийлар келишди, 1969 йили Траоре президентликни эгаллади, у 1991 йили ўз вазифасидан олиб ташланди. 1992 йили мамлакатда эркин президент сайловлари бўлиб ўтди ва унда Конари давлат бошлиғи этиб сайланди.

МАЛЬДИВ

Расмий номи — Мальдив Республикаси. Пойтахти — Мале. Ҳудуди — 298 км². Аҳолиси — 300000 киши (2001). Давлат тили — мальдив (дивели). Дини — ислом (давлат дини). Пул бирлиги — мальдив рупияси.

Географик жойлашуви ва табиати. Осиёнинг жанубида, Ҳинд океанининг шимолий қисмидаги 2000 та маржон оролларда жойлашган давлат (бу ороллардан 112 таси ўзлаштирилган). Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 644 км. Асосий табиий ресурслари — балиқ.

Иқлими — жануби экваториал муссонли, шимоли эса субэкваториал муссонли. Усимлик дунёси — кокос пальмалари ва бананлар бор.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президент республикаси. 1965 йил 26 июлда Мальдив мустақиллиги эълон қилинган (илгари Буюк Британия протекторати бўлган). 1968 йили эса референдум ўтказиш йўли билан Мальдив Респуб-

лика деб эълон қилинган. 26 июл — Миллий байрами (Мустақиллик куни) ҳисобланади. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Мажлис томонидан амалга оширилади.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Иқтисодиётнинг асоси — балиқчилик (бу соҳада ишга яроқли аҳолининг 80% и банд, балиқчилик умумий экспортнинг 60% ини ташкил қилади) ва туризм. Кейинги пайтларда туризм соҳаси иқтисодиётнинг муҳим ва тез ривожланаётган сектори бўлиб қолди. Қишлоқ хўжалиги мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжининг 10% ини таъминлайди. ЯММ 1993 йили 360 млн. доллар (аҳоли жон бошига — 1500 доллар)ни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Таиланд, Шри-Ланка, Ғарбий Европа мамлакатлари, Япония.

Темир йўллари йўқ, мамлакат пойтахти Мале шаҳрида 9,6 км асфальтланган автомобиль йўллари бор. Мамлакатнинг асосий порти: Мале.

Тарихи. 1834 йили очилган Мальдив оролларида муслмон султонлиги ташкил топди, унинг устидан эса 1887 йили Буюк Британия протекторати ўрнатилди. 1965 йили мустақиллик олган Мальдив ороллари 1968 йили республика деб эълон қилинди.

МАЛЬТА

Расмий номи — Мальта Республикаси. Пойтахти — Валлетта. Ҳудуди — 316 км². Аҳолиси — 400000 киши (2001). Давлат тили — мальта. Дини — католик дини (давлат дини). Пул бирлиги — мальта лираси.

Географик жойлашуви ва табиати. Европанинг жанубида, Ўрта ер денгизидаги Сицилия оролининг жанубидаги ороллар (Мальта, Гоцо, Коминотто, Комино, Филфла)да жойлашган давлат. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 140 км. Мамлакатнинг катта қисмида оҳақтошли ясси тоғлик жойлашган. Қирғоқларида паст қоялар, кўп сонли соҳилбўйи қияликлари мавжуд. Мамлакат кўплаб кўрфазлар ва жуда қулай бўғозларга эга. Табиий ресурсларга бой эмас (оҳақтош, ош тузи). Ишлов бериладиган ерлар мамлакатнинг 38% худудини эгаллайди.

Иқлими — Ўрта ер денгизи иқлими қишда намгарчилик, ёзда иссиқ ва қуруқ.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мальта 1964 йил 21 сентябрда Англиядан мустақил бўлди, бироқ 1979 йилга қадар инглиз кўшинлари мамлакатда сақлаб турилди. Қонунчилик умумий инглиз ҳуқуқига асосланган. Миллий байрамлари: 21 сентябр — Мустақиллик куни, 13 декабр — Республика куни, 8 сентябр — ғалаба куни, 31 март — озодлик куни, 7 июн — уқубат чекувчилар куни. Ижроия ҳокимият президентга (давлат бошлиғи) ва премьер-министр бошчилигидаги ҳукуматга тегишли.

Асосий сиёсий партиялари: Миллий партия, Лейбористлар партияси, Социал-демократик партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Табиий ресурсларнинг етишмаслиги Мальтанинг қулай географик жойлашуви ва олий квалификацияли ишчи кучларининг мавжудлиги билан қопланади. 1994 йили ЯММ 3,9 млрд. доллар (аҳоли жон бошига — 10 760 доллар)ни ташкил этган. Хўжаликнинг асосий тармоқлари — транзит-транспорт операциялари, чет эл туризми. Саноатнинг яхши ривожланган тармоқлари (ишлаб чиқариш ЯММнинг 20% ини ташкил этади) кemasозлик, кема таъмирлаш, тўқимачилик, тикувчилик, пойабзал ишлаб чиқариш, электротехника, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, шунингдек, мамлакат иқтисодийётида оҳақтош қазиб олиш муҳим ўрин тутди. Қишлоқ хўжалигида (ЯММ — 4,1%) майда деҳқон хўжаликлари кўп, уларнинг асосий йўналишлари — ерга ишлов бериш (донли экинлар ва сабзавотлар етиштирилади), узумчилик, мевачилик, гулчилик. Чорвачиликда асосан сут ишлаб чиқаришга катта эътибор берилди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпчилиги четдан келтирилади. Мальтанинг ўзида ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари эҳтиёжининг 20% ини ташкил қилади. Мальта даромадининг муҳим манбаларидан бири чет эл туризми ҳисобланади.

Асосий савдо ҳамкорлари: Германия, Буюк Британия, Италия.

Темир йўллари йўқ, автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 1291 км (1180 км асфальтланган). Мамлакатнинг асосий порти — Валетта.

Тарихи. Мальта антик даврдаёқ муҳим стратегик ҳудудда жойлашганлиги учун м. а. IX асрда финикия-

ликларга, м. а. VIII асрда эса грекларга тегишли бўлган. Мальта Карфагенга м. а. VI асрдан қарам бўлган бўлса, м. а. 218 йили Пуни урушлари вақтида римликлар томонидан босиб олинди. Рим империяси қулаганидан сўнг Мальта вандаллар томонидан, кейин остготлар томонидан босиб олинди, 533 йили эса Византия империяси таркибига кирди. 869 йили орол араблар томонидан оккупация қилинди, XI асрда эса Мальтани Сицилияга қўшиб юборган норманлар қўлига ўтди. XVI асрда Мальтани Ионитлар ордени рицарларига беришди. 1680 йилдан бошлаб оролда французлар таъсири ошди, XVIII асрда эса Мальта Франциянинг Ўрта ер денгизидаги муҳим молиявий марказига айланди. 1798 йили Наполеон Бонапарт оролни босиб олди, бироқ 1800 йили Мальта инглизлар қўлига ўтди. Буюк Британия мустамлакаси бўлган Мальта Иккинчи жаҳон урушида немис ва италян ҳарбий ҳаво кучлари томонидан қаттиқ бомбардимон қилинди, бироқ таслим бўлмади ва 1943 йили иттифоқчиларнинг қўшинларини Сицилияга туширишда плацдарм вазифасини ўтади. 1964 йили мустақилликка эришган Мальта 1974 йили республика деб эълон қилинди, лекин инглиз қўшинлари бу ерда 1979 йилга қадар ушлаб турилди.

МАРКАЗИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ

Расмий номи — Марказий Африка Республикаси. Пойтахти — Банги. Ҳудуди — 199436 км². Аҳолиси — 3600000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — католиклар (25%), протестантлар (25%), мажусийлар (24%), мусулмонлар (15%). Пул бирлиги — африка франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Африканинг марказий қисмида жойлашган давлат. Жанубда Зоир (чегара узунлиги — 1577 км) ва Конго (467 км), шимолда Чад (1197 км), шарқда Судан (1165 км), ғарбда Камерун (797 км) давлатлари билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги — 5203 км. Мамлакат ҳудудининг катта қисмини Абурасейн ясси тоғлиги ва кенг водийлар эгаллайди. Энг баланд нуқтаси — Нгая тоғи (1388 м). Шимолда ботқоқли текисликлар мавжуд. Асосий дарёлари — Убанги, Санга. МАРда олмос, олтин, уран, нефть конлари бор. Ҳайдаладиган ерлар мамла-

кат ҳудудининг 3% ини, ўрмон ва бутазорлар 64% ини ташкил этади.

Иқлими — субэкваториал, муссонли. Саванналарда пишлоқ дарахти, тамаринт, карите, барасса пальмаси каби дарахтлар ва турли ўсимликлар ўсади. Ўрмонларида қимматбаҳо қора ва қизил дарахтлар ўсади. Фил, ёввойи ҳўкиз, антилопа, гепард, қоплон, арслон, жи-рафа, оқ ва қора каркидон, туяқуш, фламинго, май-мунлар, шоқоллар, тимсоҳ, қарқаралар ҳайвонот ола-мини ташкил этади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Дав-лат тузилиши — президент республикаси. Мамлакат 16 префектурага бўлинган. МАР мустақилликка Франция-дан 1960 йил 13 августда эришди (аввалги номи Мар-казий Африка Империяси). Қонунлари француз ҳуқуқига асосланган. Давлат бошлиғи — президент. Пре-зидент Бош вазир раҳбарлигидаги ҳукуматни тайин-лайди. Қонун чиқарувчи олий органи — Миллий маж-лис (бир палатали парламент). Йирик сиёсий партия-лари: Марказий Африка халқи озодлиги учун ҳаракат, Марказий Африка демократик бирлашмаси, Қора Аф-риканинг ижтимоий эволюцияси учун ҳаракат, Тарақ-қиёт учун ватанпарварлар ҳаракати.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Марказий Африка Республикаси Африканинг энг кам-бағал давлатларидан бири. ЯММ 1994 йилда 2 млрд. (аҳоли жон бошига — 700) долларни ташкил этган. Саноатининг энг муҳим тармоқлари — тоғ-кон саноа-ти (олмос умумий экспорт миқдорининг ярмидан кўпи-ни ташкил этади) ва ёғочни қайта ишлаш (экспорти-нинг чорак қисми) саноатидир. 66% меҳнатга лаёқатли аҳоли машғул бўлган қишлоқ хўжалиги ЯММнинг 40% ини таъминлайди. Экспорт қилинадиган муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — пахта, қаҳва, тамаки. МАРнинг иқтисодий тараққиётини ёмон инфраструк-тура, малакали ишчиларнинг етишмаслиги ва ҳуку-матнинг яхши ўйланмаган иқтисодий сиёсати тўхтатиб туради. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, Бельгия, Италия, Япония, АҚШ, Жазоир.

Темир йўллари йўқ, автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 2200 км, ички сув йўллари — 800 км.

Тарихи. Ҳозирги МАР ҳудуди 1895 йилда Убанги-Шари номли Франция мустамлакаси деб эълон қили-

нади. 1958 йилда Француз Ҳамдўстлиги доирасида мухториятга эга бўлган МАР 1960 йилда мустақилликка эришади. 1966 йилда давлат тўнтариши натижасида ҳокимиятга генерал Бокасса келади. У 1976 йилда МАР ни империя деб эълон қилади. Ҳуқмрон режимга қарши муҳолифатнинг кучайиши 1979 йилда Бокасса диктатурасининг қулашига ва республика ўрнатилишига олиб келади. 1981 йилда яна давлат тўнтариши бўлиб, ҳокимиятга генерал Колингба бошлиқ ҳарбий кўмита келади. 1992 йилда ҳарбийлар партиялар фаолиятини чеклаш тўғрисидаги қарорни бекор қилишди. 1998 йилнинг февраль — март ойларида Банги шаҳрида ўтказилган Миллатлараро келишувга бағишланган конференцияда ўзаро тотувлик ҳужжатлари имзоланди.

МАРОКАШ

Расмий номи — Марокаш қироллиги. Пойтахти — Рабат. Ҳудуди — 446550 км². Аҳолиси — 29168848 киши (2001). Давлат тили — араб. Дини — ислом (98,7%). Пул бирлиги — марокаш дирҳами.

Географик жойлашуви ва табиати. Шимоли-Ғарбий Африкада жойлашган давлат. Жануби-шарқда ва шарқда Жазоир билан (чегара узунлиги — 1559 км), жанубда Ғарбий Сахара билан (443 км) чегарадош. Мамлакат ғарбда Атлантика океани билан, шимолда Ўрта ер денгизи билан тутаниб кетган. Чегарасининг умумий узунлиги — 2002 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги эса — 1835 км. Қирғоқбўйи текисликларининг эни 1600 км гача боради. Жануби-ғарбдан жануби-шарққа қараб бутун мамлакат орқали тоғ тизмалари чўзилиб кетган бўлиб, уларга Эр-Риф, Ўрта Атлас, мамлакатнинг энг юқори тоғи Тубкаль (4165 м) жойлашган Юқори Атлас ва Антиатлас киради. Жанубида ва жануби-шарқида қумли ва тошли чўл Саҳрои Кабир жойлашган. Дарёлари — Мулуя ва Себу даврий равишда кучли ёмғирлар натижасида тўлиб оқади. Асосий табиий ресурслари: фосфоритлар, темир рудаси, қалайи, рух, кобальт, мис, кўмир, нефть, марганец, балиқ, туз. Шудгор қилинадиган ерлар умумий ерларнинг 18% ини, ўтлоқ ва яйловлар эса 28% ини ташкил қилади.

Иқлими — субтропик.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Мамлакат учта провинция (вилоят)га бўлинган. Улар ўз навбатида перфектура, округ ва коммуналарга бўлинади. Марокаш 1956 йили 2 мартда (илгари Франция мустамлакаси бўлган) Мустақилликка эришган. Қонунчилик ислом ҳуқуқига, француз ва испан фуқаролик қонунларига асосланган. Давлат бошлиғи — қирол Ҳасан II 1961 йил 3 мартдан буён ҳокимиятни эгаллаб турибди (бу кун Марокашнинг миллий байрам куни ҳисобланади). Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Вакиллар палатаси томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Мустақиллар миллий бирлашмаси, Миллий-демократик партия, Конституцион иттифоқ, Халқ ҳаракати, Миллий Халқ ҳаракати, Истикдод, Халқ кучларининг социалистик ҳаракати. Халқ кучларининг миллий иттифоқи, Халқ демократик ҳаракати ташкилоти.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисодиёти 90-йилларнинг бошида ЕҲ мамлакатларига тўқимачилик маҳсулотларини сотишнинг янгилиниши, четдан келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотларига нархларнинг туширилиши натижасида барқарорлаша бошлади. 1994 йили ЯММ 87,5 млрд. доллар (аҳоли жон бошига — 3060 доллар)ни ташкил этган. Саноатнинг нисбатан тараққий этган соҳалари: фосфоритларни қазиб олиш ва қайта ишлаш (фосфоритларни ишлаб чиқариш бўйича дунёда иккинчи ўринда туради), озиқ-овқат, тўқимачилик, терига ишлов бериш. Туризм ҳам фаол ривожланмоқда. Марокаш олдида чет мамлакатлардан олинган катта миқдордаги ташқи қарзларидан ташқари, юқори даражада ишсизлик, мамлакатнинг ташқи иқтисодий факторларга қарамлиги каби муҳим муаммолар турибди. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕҲ мамлакатлари, Ҳиндистон, Саудия Арабистони.

Асосий портлари: Касабланка, Танжер.

Тарихи. М. а. XII асрдаёқ ҳозирги Марокаш ҳудудида дастлабки Финикия колониялари пайдо бўлган эди. М. а. V асрда мамлакатнинг соҳилбўйи қисмлари Карфаген таъсирига тушиб қолди. М. а. I асрдан V асргача Марокаш ҳудуди Қадимги Рим ҳукмронлиги остида бўлди. 429 йили мамлакат вандаллар томонидан

босиб олинди, VI асрдан эса Византия империясининг бир қисмига айланди. Араблар Марокаш ҳудудига VII асрда кириб келишди, 868 йили эса арабларнинг Идрисийлар сулоласи маҳаллий барбар қабилаларини ўз ҳукмронлиги остига бирлаштирди. XI—XV асрларда ҳокимиятни барбарларнинг Алморавийлар сулоалари эгаллаб туришди. XV—XVI асрларда Марокашнинг бир қисми Португалия ва Испания томонидан босиб олинди. Саодатийлар сулоласи европаликларга қарши сулоланинг ёрқин вакилларида бири Аҳмад ал-Мансур подшолиги даври (1578—1603)да айниқса, муваффақиятли кураш олиб боришди. XVII асрда ҳокимиятга Алаудийлар сулоласи келган бўлиб, ҳозирги кунгача тахтни эгаллаб туришибди. Алаудийлар сулоласининг таниқли вакилларида бири Исмоил мамлакатни бирлаштиришга, мамлакат ичкарисидаги фитналарга барҳам беришга ва турклар ҳужумини қайтаришга муваффақ бўлди. XIX асрда Марокаш ҳудудини эгаллаб олиш учун Испания, Франция ва Буюк Британия давлатлари рақобат қилишди, 1912 йили эса мамлакатнинг катта қисми Франция протекторатига айланди, озгина ҳудуди Испания бошқаруви остига ўтди. XX асрнинг 20-йилларида мамлакатда бошланган Иккинчи жаҳон уруши йилларида кучайган миллий-озодлик ҳаракатлари 1956 йили 3 мартда Марокашнинг мустақил бўлишига олиб келди. Марокашнинг Испанияга тегишли қисми 1956 йил 7 апрелда мустақиллик олди, бироқ испанлар қирғоқ бўйидаги бир нечта шаҳарлар устидан ўз назоратини сақлаб қолди. Мустақилликка эришганидан сўнг Марокашда турли ички қарама-қаршиликлар ва давлат тўнтаришига уринишлар бўлди. 1975 йили Марокаш Ғарбий Сахарани босиб олди. Бироқ ҳозирги кунга қадар Марокаш кўшинлари Ғарбий Сахарадаги Полисарио Фронти кўзғолончиларига қарши тўхтовсиз кураш олиб бормоқда.

МАРТИНИКА

Расмий номи — Мартиника (Франциянинг денгизорти департаменти ва региони). Пойтахти — Форт-де-Франс. Ҳудуди — 1100 км². Аҳолиси — 400000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — католик (95%). Пул бирлиги — француз франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Мартиника Кариб денгиздаги Кичик Антиль ороллари архипелагида, Шимолий ва Жанубий Америка оралигида жойлашган. Пасттекисликлардан иборат водийда вулқонлар кўп. Ҳаракатдаги Монтань-Пеле вулқони 1851, 1902, 1930 йиллари отилиб чиққан.

Иқлими — тропик, пассатли. Тез-тез довуллар бўлиб туради. Пальма, қизил дарахт, манго, папоротниклар ўсади. Турли-туман қушлар (тўтиқуш, колибри), ҳашаротлар кўп.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Франциянинг денгизорти департаменти. Давлат бошлиғи — Франция президенти номидан — префект. Ҳукумат бошлиғи — Бош кенгаш президенти. Мартиника 2 та округга бўлинади. Сиёсий партиялари: Франция партияларининг маҳаллий бўлинмалари — Республикани қўллаб-қувватлаш бирлашмаси, Франция социалистик партияси, Мартиника социалистик федерацияси, Мартиника коммунистик партияси, Мартиника кучи, Мартиника прогрессив партияси ва бошқалар.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодиёт негизини қишлоқ хўжалиғи ва туризм ташкил этади. Ром, шакар, полиграфия, тўқимачилик, цемент, нефтни қайта ишлаш корхоналари мавжуд. Шакарқамиш, ананас, банан етиштирилади. Чорвачилик ва балиқчилик ривожланган. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Гваделула, Япония. Мартиникада Ламантен халқаро аэропорти мавжуд.

Тарихи. 1493 йили Х. Колумб кариблар яшаётган бу оролни кашф қилди. Кариб қабилалари қириб ташланиб, 1635 йилдан французлар босқини бошланди. 1762 ва 1794—1815 йиллар — инглиз мустамлакачилиғи даври. 1848 йили қуллик бекор қилинган. 1946 йили Мартиника Франциянинг денгизорти департаменти мақомини олди.

МАРШАЛЛ ОРОЛЛАРИ

Расмий номи — Маршалл ороллари республикаси. Пойтахти — Мажуро. Ҳудуди — 181,3 км² (ҳаммаси бўлиб 34 та орол). Аҳолиси — 100000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — протестантлик. Пул бирлиги — АҚШ доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Марокаш ороллари архипелагидаги ороллarda жойлашган давлат (Тинч океаннинг шимолий қисми). Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 370,4 км. Ороллarning рельефи маржон қоялардан пайдо бўлган бўлиб, асосан, пасттекисликлардан иборат. Асосий табиий ресурслари: фосфоритлар, денгиз маҳсулотлари.

Иқлими — тропик, пассат-муссонли. Асосий ўсимликлари — кокос пальмалари, ёнғоқлар. Мамлакатнинг ҳайвонот дунёси бутун Микронезиядаги каби жуда камбағал ва асосан денгиз фаунасиدير.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Маршалл ороллари 1991 йил 21 октябрда мустақилликка эришган (илгари улар Тинч океан таркибига кирган ороллр бўлиб, АҚШ бошқарувидаги, БМТ тасарруфидаги ҳудудлар бўлган). Маршалл ороллари республика деб эълон қилинган кун 1 май — Миллий байрам куни ҳисобланади. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент (юқори палата — Нитижела ва қуйи палата — Ироижлар кенгаши) томонидан амалга оширилади.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари — қишлоқ хўжалиги (кокос, томат, нон дарахти мевалари, қовун етиштириш) ва туризм (чет эл валютаси киримининг асосий манбаи). Бу соҳада ишга яроқли аҳолининг 10% и банд. Саноат балиқ ва копра (кокосдан ёғ олиш)ни қайта ишлаш билан чегараланган. ЯММ 1992 йили 75 млн. доллар (аҳоли жон бошига — 1500 доллар)ни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ ва Япония.

Мамлакатнинг асосий порти — Мажуро.

Тарихи. Маршалл ороллари 1526 йили испанлар томонидан очилган. 1788 йили капитан Маршалл тадқиқ қилган, 1803 ва 1823 йиллари эса рус денгизчилари Крузенштерн ва Кошбулар ҳам тадқиқ қилишган. 1885—1886 йиллари ороллр Германия томонидан аннексия қилинган. 1914 йилда ороллр япон қўшинлари томонидан оккупация қилинди, 1920 йилдан эса БМТ мандати асосида Япония бошқарган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ороллр уруш майдонига айланди, 1947 йилдан эса БМТ ҳомийлигида АҚШ бошқариб

келди. Атолл Бикини АҚШнинг ядро қурулларини си-
наб кўрадиган полигонларидан бири бўлган. 1979 йил-
да ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини олган Маршалл орол-
лари 1991 йили мустақил давлат деб эълон қилинди.

МЕКСИКА

*Расмий номи — Мексика Қўшма Штатлари. Пой-
тахти — Мехико. Ҳудуди — 1958201 км². Аҳолиси —
99600000 киши (2001). Давлат тили — испан. Дини —
католик. Пул бирлиги — янги песо.*

Географик жойлашуви ва табиати. Шимолий Америкада жойлашган давлат. Шимолда ва шарқда АҚШ (чегара узунлиги — 3326 км), жанубда Гватемала (962 км) ва Белиз (250 км) билан чегарадош. Ғарбда Тинч океан, шарқда Кариб денгизи ва Мексика кўрφαзи билан туташиб кетган. Чегарасининг умумий узунлиги — 4538 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги эса 9330 км. Мамлакатнинг катта қисмини вулқонлар отилиши натижасида вужудга келган ўртача 1000 м дан 2400 м гача бўлган баландликдаги Шарқий Сьерра-Мадра, Ғарбий Сьерра-Мадра ва Жанубий Сьерра-Мадра тоғликлари эгаллаган. Бу ерда Ситлальтепетль (5699 м), Попокатепетль (5452 м), Орисаба (5747 м) каби вулқон тепаликлари ҳам бор. Ушбу регион сейсмик фаол ҳудуд ҳисобланади. Мамлакат шарқидаги Юкатан ярим оролида улкан қирғоқбўйи текисликлари мавжуд. Мексиканинг ғарбий ҳудудлари Қуйи Калифорния ярим оролида жойлашган бўлиб, улар қирғоқбўйи текисликлари ва шарқида тоғ тизмалари бор. Асосий дарёси — Рио-Браво-дель-Норте. Мексикада нефть, табиий газ, кумуш, тошкўмир, олтин, мис, қўрғошин, рух конлари бор. Шудгор қилинадиган ерлар мамлакат ҳудудининг 12% ини, ўтлоқ ва яйловлар 39% ини, ўрмон ва чангалзорлар 24% ини ташкил этади.

Иқлими — шимолий қисми субтропик континентал, қолган ҳудудлари тропик поясда жойлашган.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — федератив республика. Мамлакат таркибида 31 штат ва пойтахт федерал округи киради. Мексика 1810 йил 16 сентябрда Испаниядан мустақилликка эришди. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — пре-

зидент. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент — Миллий конгресс томонидан амалга оширилади. Ҳаққон партиялари: Конституцион инқилобий партия, Демократик инқилоб партияси, Миллий ҳаракат партияси, Социалистик халқ партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мексика Латин Америкасининг нисбатан ривожланган давлати ҳисобланади. 1994 йили ЯММ 728,2 млрд. доллар (жон бошига — 7900 доллар)ни ташкил этган. Мамлакат кейинги йилларда ҳукумат томонидан ўтказилган структура ўзгаришлари, шунингдек, иқтисодиётни хусусийлаштириш ва чет эл инвестициялари учун қулай шароитларнинг яратилиши натижасида сезиларли муваффақиятларга эришди. Саноатнинг нисбатан ривожланган соҳалари орасида нефть, нефть кимёси (нефть ва нефть маҳсулотлари мамлакат экспортининг асосини ташкил қилади), машинасозлик (жумладан, автомобилсозлик), тоғ-кон, металлургия, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат ишлаб чиқариш тармоқлари бор. Қишлоқ хўжалигида (ЯММнинг 9% и) — буғдой, гурч, қаҳва, пахта етиштириш, чорвачилик ва балиқчилик яхши тараққий этган. Асосий савдо ҳамкори: АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 2680 км, автомобиль йўллари — 210000 км, ички сув йўллари — 2900 км. Энг муҳим портлари: Монсонильо, Сьюдад-Мадеро, Самано-Крус, Туспан.

Тарихи. Ҳозирги Мексика ҳудудида м. а. 20 минг йилликдаёқ архаик цивилизация мавжуд бўлган. М. а. 1400 йилдан м. а. 200 йилга қадар «ўрта цивилизация» даври давом этди. Бу даврда (м. а. I асрда) Ольмекларнинг биринчи давлати шаклланди. IV асрда мамлакат ҳудудида VII—VIII асрларда ўзининг гуллаб-яшнаган даврини бошидан кечирган Майялар империяси пайдо бўлди. IX асрда тольтеклар цивилизацияси пайдо бўлди, бу эса X асрда майялар маданиятининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатди. Натижада тольтеклар ва майяларнинг аралаш маданияти вужудга келди. XIII асрда шимолдан келган чичимека қабилалари тольтекларни сиқиб чиқара бошлади, бироқ XIV асрда уларни ўз навбатида ацтек қабилалари сиқиб чиқаришди. Ацтеклар маҳаллий қабилалар ўртасидаги келишмовчиликлардан фойдаланиб ушбу регионда кучли сиёсий мав-

қега эришдилар ва улкан империяни вужудга келтиришди. Бу империя XV аср ўрталаридан 1521 йилга қадар гуллаб-яшнади. 1521 йили ацтеклар давлати Кортес бошчилигидаги испан мустамлакачилари томонидан босиб олинди. 1535 йили Мексика Янги Испаниянинг више-қироллигига айланди. Шундай бўлса-да, мамлакатни мустамлакалаштириш ҳиндуларни қириб ташлаш, зўрлик билан христианилаштириш йўли орқали XVII аср охирига қадар давом этди. XIX аср бошларида мамлакатни мустамлакачилардан озод қилиш учун ҳаракат бошланди ва 1821 йили Мексика мустақилликка эришди, 1824 йили эса республика деб эълон қилинди. 1836 йили Мексикадан Техас ва Калифорния ажралиб чиқиб, ўзларини мустақил республика деб эълон қилишди, АҚШ билан уруш натижасида эса мамлакат Рио-Гранда дарёсидан шимолдаги ерларни бой берди. 1861 йили Хуарес ҳукумати томонидан ташқи қарзларни тўлашнинг тўхтатилиши натижасида мамлакатга Буюк Британия, Испания ва Франция кўшинлари киритилди. 1862 йил февралда Англия ва Испания Хуарес билан келишув имзолашди, бироқ Франция Мексикадаги ҳарбий операцияларни давом эттирди, натижада 1867 йили француз кўшинлари мағлубиятга учради. Ижтимоий адолатсизлик ва ҳинду деҳқонларининг шафқатсиз эксплуатация қилиниши халқ оммасининг инқилобий кўтарилишига олиб келди. 1877 йили мамлакатда инқилобий вазият вужудга келган эди. Мексика инқилобидаги қонли воқеалардан сўнг қабул қилинган янги конституция 1920—1924 йилларда сиёсий ўзгаришлар ва аграр ислоҳотлар ўтказиш имконини берди. 1928 йилдан бошлаб мамлакат ҳокимияти тепасида конституцион инқилобий партия турибди. 1994 йили Мексика ҳукумати Чьяпас штатида сиёсий ислоҳотлар ўтказиш талаби билан чиққан Запатистлар озодлик армиясига қарши кураш олиб боришга тўғри келди.

МИКРОНЕЗИЯ

Расмий номи — Микронезия Федератив Штатлари. Пойтахти — Паликир. Ҳудуди — 702 км². Аҳолиси — 100000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — протестантлик ва католик дини. Пул бирлиги — АҚШ доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Тинч океаннинг гарбий қисмида, Каролин оролларида жойлашган давлат. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 6112 км. Ороллар геологик келиб чиқишига кўра бир хил эмас: баланд тоғли ороллардан то маржон атолларгача бор. Оролларнинг айримларида вулқонлар фаолияти давом этмоқда. Асосий табиий ресурслари: дентиз маҳсулотлари, ёғоч, фосфоритлар.

Иқлими — архипелагнинг гарбий қисми экваториал ва субэкваториал, шарқда тропик пассат-муссонли.

Вулқонли ва маржон ороллар фаунаси бир-биридан фарқ қилади. Вулқонли оролларнинг қирғоқларида мангро бутазорлари, кокос пальмалари, бамбук ўсади. Маржон оролларида эса кокос пальмалари кўп.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — федератив республика. Мамлакат таркибига 4 та штат: Чуук, Косрае, Понпей, Яплар қиради. Микронезия 1991 йил 17 сентябрда мустақил бўлган (илгари — БМТ тасарруфида, АҚШ бошқарувида бўлган Тинч океан оролларининг бир қисми бўлган). Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Миллий конгресс томонидан амалга оширилади.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодиётининг асосий секторларидан бири — балиқчилик. Бундан ташқари, Микронезия қирғоқбўйи экваториясида балиқ овлаш ҳуқуқини берувчи лицензиялар сотишдан сезиларли даромад олади. Туризмнинг ривожланиши оролларнинг бир-биридан узоқда жойлашганлиги ва зарурий инфраструктуранинг йўқлигидан орқада қолмоқда. 1994 йили ЯММ 160 млн. доллар (аҳоли жон бошига — 1500 доллар)ни ташкил этган.

Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Япония, Австралия, Жанубий Корея.

Темир йўллари йўқ, асосий оролларда 39 км асфалтланган йўллар бор. Мамлакат портлари: Колониа, Окак, Трук, Текетик.

Тарихи. XVII асрда испанлар томонидан очилган Каролин ороллари 1899 йили Германияга сотилган эди. 1919 йилдан 1945 йилга қадар ороллар мандат асосида Япония томонидан идора қилинди. 1947 йилдан ҳозирги Микронезия БМТ тасарруфида бўлган

АҚШ бошқарувидаги Тинч океани ороллари таркибига кирди. 1986 йили АҚШдан озод ассоциация мақомини олган Микронезия 1991 йили ўз мустақиллигини эълон қилди.

МИСР

*Расмий номи — Миср Араб Республикаси (МАР).
Пойтахти — Қоҳира. Худуди — 1001450 км². Аҳолиси — 69 800000 киши (2001). Давлат тили — араб.
Дини — ислом (94% и суннийлар). Пул бирлиги — миср фунти.*

Географик жойлашуви ва табиати. Миср икки қитъада: Африканинг шимоли-шарқи ва Осиёнинг жануби-ғарбида жойлашган давлат. Жанубда Судан, ғарбда Ливия, шарқда Исроил ва Фаластин билан чегаралони. Бундан ташқари шимолда Ўрта ер денгизи, шарқда Қизил денгиз сувлари Миср соҳилларини ювиб туради. Мисрнинг стратегик жиҳатдан қулай жойлашуви бутун Синай ярим оролини назорат қилиш имконини беради. Бундан ташқари, дунёнинг энг муҳим сув йўллари-дан бири бўлган Сувайш канали ҳам Миср назорати остида. Мамлакат майдонининг 96% и чўллардан иборат. Ғарбда Ливия чўли, шарқда Арабистон чўли, жанубда Нубия чўли ястаниб ётади. Мисрнинг энг баланд нуқтаси Синай ярим оролидаги Жебель-Катрина тоғи, баландлиги — 2637 м.

Мамлакатнинг энг йирик дарёси Нил дарёси бўлиб, у мамлакат халқ хўжалигида жуда катта аҳамиятга эга. Миср жанубида Нил дарёсига Осуан тўғони қурилган бўлиб, у мамлакатнинг электр энергетика манбаи ҳисобланади.

Миср континентал тропик иқлим ҳудудида жойлашган. Мамлакат ҳудудининг асосий қисми чўллардан иборат бўлганлиги сабабли ҳайвонот ва ўсимлик дунёси унчалик бой эмас.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузуми — президентлик республикаси. Давлат бошлиғи — президент. Ижро ҳокимияти президент ва Бош вазир бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Мамлакат 26 та мухофазатларга бўлинган. Улар ўз навбатида марказларга, марказлар эса ноҳияларга бўлинган. Асосий сиёсий партиялари: Миллий Демократик Партия, Меҳ-

нат Социалистик Партияси, Миллий Тараққиёт Партияси, Ал-Умма.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Миср халқ хўжалиги асосий соҳаларининг барчаси давлат тасарруфида. Саноатнинг озиқ-овқат, кимё, тўқимачилик, нефтни қайта ишлаш, металлургия каби соҳалари яхши ривожланган. Миср жаҳон туризми марказларидан бири ҳисобланади. Мамлакат бюджетига тушадиган хорижий валютанинг асосий қисми туризм орқали келади. Қишлоқ хўжалигида шоли, арпа, турли мевалар ва сабзавотлар етиштирилади. Балиқчилик яхши ривожланган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Япония ва Шарқий Европа давлатлари.

Тарихи. Миср инсоният цивилизациясининг энг қадимги ўчоқларидан биридир. Миср 6000 йиллик тарихга эга. М. а. 4 минг йиллик охирларида бугунги Миср ҳудудларида 2 та давлат — жанубда Некхан ва шимолда Буто давлатлари мавжуд бўлган. М. а. IV аср иккинчи ярмида, яъни 341 йили Миср форслар томонидан истило қилинган. М. а. 332 йилда Александр Македонский форсларни бу ерлардан қувиб чиқариб, ўз ҳукмронлигини ўрнатди ва м. а. 331 йилда Александрия шаҳрига асос солди. Эллин даври Миср тарихида Птолемей ва унинг авлодлари ҳукмронлиги йилларида м. а. 31 йилгача давом этди. Шундан сўнг Миср қадимги Рим империясининг истибдодига тушиб қолди. 395—639 йилларда Миср Византия империяси таркибида бўлди. VII—VIII асрларда мамлакатни мусулмон араблар босиб олди. Фотимийлар сулоласи ҳукмронлиги йилларида (969—1171) Мисрнинг сиёсий-иқтисодий мавқеи ошди. Шу даврда Қоҳира шаҳри мамлакат пойтахтига айланди. Фиюбийлар (1171—1250) сулоласидан сўнг мамлук султонлари даврида Миср қудратли давлатга айланди. 1517 йилдан Усмонли Турклар империяси таркибига кирди. 1798—1801 йилларда Наполеон Бонапарт бу ерда ҳарбий ҳаракатларни амалга оширди. Миср 1914 йилгача Усмонлилар империясининг таркибий қисми бўлиб қолган бўлса-да, амалда 1805 йилдан мустақил эди. 1882 йилда инглизлар Мисрни босиб олишди. Шу даврдан бошлаб мамлакатни инглиз консули бошқаради. 1914 йили I жаҳон урушининг бошланишидан фойдаланган Англия Мисрда ўз ҳукмронлигини ўрнатди. 1922 йили Миср ўзини мустақил давлат деб эълон

қилган бўлсада, ҳарбий ва сиёсий соҳаларда инглиз назорати сақланиб қолди. Жамол Абдул Носир бошчилигидаги «Озод офицерлар» махфий ташкилоти 1952 йил 22—24 июл кунлари давлат тўнтаришини амалга оширди. Натижада қирол Фаррух ағдарилди. 1953 йили Миср республика деб эълон қилинди. Шу йили инглиз қўшинлари Мисрдан чиқиб кетди. 1956 йили Сувайш канали давлат тасарруфига ўтказилди. 1967 йили Миср ва Исроил ўртасидаги уруш ҳаракатлари Мисрнинг мағлубияти билан якунланди. Икки давлат ўртасидаги низога барҳам бериш мақсадида 1979 йили АҚШнинг Кемп-Дэвид шаҳарчасида Миср Президенти Анвар Саодат АҚШ ва Исроил билан Кемп-Дэвид шартномасини имзолади. Бу шартнома араб давлатларида норозилик ҳаракатларига сабаб бўлди. 1981 йили Анвар Саодат суиқасд натижасида отиб ўлдирилди. Унинг ўрнига президентлик лавозимини Хусни Муборак эгаллади.

МОЗАМБИК

Расмий номи — Мозамбик Республикаси. Пойтахти — Мапуту. Ҳудуди — 802000 км². Аҳолиси — 19400250 киши (2001). Давлат тили — португал. Дини — мажусийлик (60%), христианлик (30%), ислом (10%). Пул бирлиги — метикал.

Географик жойлашуви ва табиати. Африка қитъасининг жануби-шарқида жойлашган давлат. Ғарбда Малави (чегара узунлиги — 1569 км), Зимбабве (1231 км) ва Замбия (419 км), жанубда ЖАР (491 км) ва Свазиленд (105 км), шимолда Танзания (756 км) билан чегарадош. Шарқда мамлакат ҳудуди Мозамбик кўрфазига туташиб кетган. Чегарасининг умумий узунлиги — 4571 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги эса 2470 км. Мамлакат шимолида баландлиги 2419 м гача бўлган Шарқий Африка ясси тоғлиги жойлашган. Ғарбда мамлакатнинг юқори нуқтаси (2436 м) бўлган Метебеле тоғи бор. Шарқда қирғоқбўйи қуйи пасттекиликлари жойлашган. Мамлакатнинг марказий қисмини тепаликлар эгаллаган. Асосий дарёлари — Замбези ва Лимпопо. Мамлакатнинг энг йирик Ньяса кўлининг бир қисми Малави ҳудудида жойлашган. Асосий фойдали қазилмалари: кўмир, титан, темир рудаси, бокситлар, мис.

Иқлими — шимолда субэкваториал муссонли, жанубда тропик пассатли.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 11 та провинциядан иборат, жумладан, пойтахти — Мапуту шаҳри ҳам провинция мақомига эга. 1975 йил 25 июнда Мозамбик Португалиядан мустақиллик олди. Мустақиллик куни миллий байрам сифатида нишонланади. Қонунчилик португал фуқаролик ҳуқуқига асосланган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Премьер-министр эса Министрлар Кенгашини бошқаришда президентга ёрдам беради. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Республика Ассамблеяси томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Мозамбикни озод қилиш fronti (ФРЕЛИМО), Мозамбик миллий иттифоқи (УНАМО), Мозамбик либерал-демократик партияси (ПАЛМО), Мозамбик миллий ҳаракати (МОНАМО).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мозамбик қишлоқ хўжалигида ва гидроэнергетикада иқтисодий потенциалга эга бўлишига қарамасдан Африканинг энг қашшоқ давлатларидан бири бўлиб қолмоқда. 1994 йили ЯММ 10,6 млрд. доллар (аҳоли жон бошига — 610 доллар)ни ташкил этган. Саноатнинг нисбатан тараққий этган соҳалари — нефтни қайта ишлаш, кимё, тўқимачилик, тамаки, озиқ-овқат ишлаб чиқариш. Қишлоқ хўжалиги ЯММнинг 50% ини, экспортнинг 90% ини таъминлайди. Асосий экинлари: пахта, шакарқамиш, чой, маниок, маккажўхори, шолдан иборат, кеилью ёнғоқлари ва криветкалар экспортининг асосини ташкил қилади. Кейинги йилларда ҳукумат томонидан чет эл инвестицияларининг кириб келишини қўллаб-қувватланиши иқтисодий ўсиш суръатларининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Асосий савдо ҳамкорлари: Испания, ЖАР, Франция, Япония, Буюк Британия, Португалия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 3288 м, автомобиль йўллари — 26498 км, ички сув йўллари — 3750 км. Мамлакатнинг асосий портлари: Бейра, Мапуту, Накала.

Тарихи. Ўрта асрларда ҳозирги Мозамбик қирғоқларида араб савдогарлари ўз колонияларига асос солганлар. 1498 йили Мозамбик қирғоқларига Васко да Гама бошчилигидаги экспедиция келди ва порту-

галлар маҳаллий қабила бошлиқлари билан Португалия мамлакатнинг фақат соҳилбўйи ҳудудларини назорат қилиши ҳақида келишиб олишди. Мозамбикнинг марказий қисмини португаллар томонидан тадқиқ қилиниши Серпа Пинту йўлбошчилигида XIX аср охирида бошланди, 1951 йили эса Мозамбик Португалиянинг денгизорти провинциясига айланди. 1962 йилда ташкил топган ФРЕЛИМО (Мозамбикни озод қилиш fronti) қуролли таъкилоти португалларга қарши кураш олиб борди. 1975 йил 25 июнда Португалия Мозамбик мустақиллигини тан олди.

Мамлакатда 16 йил давом этган фуқаролар уруши 1992 йили ҳукумат ва Мозамбик Миллий қаршилик ҳаракати ўртасида тинчлик шартномасининг имзола-ниши билан якунланди.

МОЛДОВА

Расмий номи — Молдова Республикаси. Пойтахти — Кишинёв. Ҳудуди — 33700 км². Аҳолиси — 4300657 киши (2001). Давлат тили — молдаван. Дини — православ. Пул бирлиги — лей.

Географик жойлашуви ва табиати. Шарқий Европа текислигининг жануби-ғарбида жойлашган давлат. Жанубда, шарқда ва шимолда Украина (чегара узунлиги 939 км), ғарбда Руминия билан (450 км) чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги — 1389 км. Мамлакат ҳудудини ясси текисликлар, дарё водийлари ва жарликлар эгаллайди. Энг баланд қисми (429 м) мамлакат марказида жойлашган Кодри тепаларидир. Асосий дарёлари — Днестр, Прут. Асосий фойдали қазилмалари — фосфоритлар, соз тупроқ, оҳактош. Мамлакат ҳудудининг ярми ҳайдаладиган ерлар ҳисобланади.

Иқлими — юмшоқ, муътадил, континентал.

Ҳудудининг 10% қисми ўрмонлар билан қопланган. Мамлакат фаунаси 400 турдан ошиқ умуртқали, 4500 турдан ошиқ умуртқасиз ҳайвонлардан иборат.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. 1990 йили Молдова Республикаси таркибидаги икки район — Гагауз Республикаси ва Приднестровье ўзларини мустақил давлат

деб эълон қилишди, бироқ улар жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинмади. Молдова мустақиллиги 1991 йил 27 августда эълон қилинган (олдинги номи — Молдавия Совет Социалистик Республикаси). Мустақиллик куни миллий байрам сифатида нишонланади. Ижроия ҳокимият президентга (давлат бошлиғи) ва премьер-министр бошчилигидаги Министрлар Кабинетига тегишли. Олий қонун чиқарувчи органи — бир палатали парламент (Юқори кенгаш).

Йирик сиёсий партиялари: Аграр демократик партияси, Христиан-демократик халқ фронти, Демократик партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Саноатнинг пешқадам тармоғи — озиқ-овқат ишлаб чиқариш, шунингдек, оғир ва енгил саноат ҳам ривожланган. Кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги ЯММнинг 40% (вино ва тамаки энг муҳим экспорт маҳсулотлари ҳисобланади)ини ташкил қилади. 1994 йили ЯММ 11,9 млрд. доллар (аҳоли жон бошига — 2670 доллар)ни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: Россия, Украина, Ўзбекистон, Руминия, Германия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 1150 км, автомобиль йўллари — 20000 км ни (13900 км — қаттиқ қопламали йўллар).

Тарихи. XII асрдан XIV асргача Молдова скиф, готг, гуни ва славян давлатларининг таркибида бўлиб келди. XIV асрга келиб волохлар ва шарқий славянлар билан алоқалар натижасида Молдова халқи шаклланди, 1359 йили эса Богдан I мустақил Молдавия князлигини тузди. Бу князлик шу даврда ҳам маданий, ҳам иқтисодий жиҳатдан юксалди. XV асрда Стефан Буюқнинг қаҳрамонларча кўрсатган қаршилигига қарамасдан Молдова князлиги турклар томонидан бўйсундирилди ва Усманийлар империясининг бир қисмига айланди. 1774 йили Молдова Австрия ҳукмронлиги остига, 1806 йили эса Россия империяси таркибига қўшилди. 1859 йили Молдава Валахия билан бирлашди ва Румин князлигини ташкил этди. Бу князликни Молдаван князи Александру Куза идора қилган. 1924 йили тузилган Молдова мухтор республикаси ва 1940 йили Руминиянинг аннексия қилинган Бессарабия ҳудудларида 1940 йил 2 августда Молдавия Совет Социалистик Республикаси тузилди. Молдавия 1941 йили румин

ва немис қўшинлари томонидан босиб олинди, озод қилинганидан сўнг 1944 йили Совет Иттифоқи таркибига қайтди. 1947 йилги Париж шартномасига кўра Руминия Молдавия ҳудудларига бўлган даъвосидан татомила воз кечди. Молдавия 1991 йил мустақилликка эришди, бироқ мамлакатнинг шарқий қисми, жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинмаган Приднестровье Республикаси мамлакатнинг янги ҳукуматини тан олишдан бош тортиб келмоқда.

МОНАКО

Расмий номи — Монако князлиги. Пойтахти — Монако. Ҳудуди — 1,9 км². Аҳолиси — 30000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — католик (95%). Пул бирлиги — евро.

Географик жойлашуви ва табиати. Европанинг жанубида, Ўрта ер денгизи қирғоқларида жойлашган давлат. Ғарбда, шимолда ва шарқда Франция билан чегарадош. Чегарасининг узунлиги — 4,4 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги эса — 4,1 км. Монако ҳудуди бўйича дунёнинг энг кичик давлатларидан бири ҳисобланади. Мамлакат ландшафти тепаликлардан иборат.

Иқлими — қишда юмшоқ ва зах, ёзда иссиқ ва қуруқ.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Мамлакат Монако, Монте-Карло, Ла-Кандамин, Фонтевей каби маъмурий ҳудудларга бўлинган. Монако 1419 йилдан буён мустақил давлат ҳисобланади. Қонунчилик француз қонунларига асосланган. Миллий байрами 19 ноябр — Миллий байрам куни. Давлат бошлиғи — князь (князь Ренье III Гримальди мамлакатни 1949 йил ноябрдан 2005 йилга қадар идора қилган). Ҳозирги кунда князь Альберт I (1958 йил 14 мартда туғилган) мамлакатни идора қилмоқда. Ижроия ҳокимият, шунингдек, ҳукумат кенгашининг бошлиғи давлат министрига ҳам тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият Миллий кенгаш томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Миллий демократик иттифоқ, Демократик иттифоқ ҳаракати, Монегас социалистик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Давлат хазинасига даромад асосан чет эллик сайёҳлар (Монако Европанинг энг яхши курортларидан бири ҳисобланади) ва казиноларга ташриф буюрувчилардан келади. Давлат ўз фуқароларидан даромад солиғи олмайди, бироқ бу ерда доимий истиқомат қиладиган тадбиркорлардан, шунингдек, Монако билан имтиёзли солиқлар асосида ҳамкорлик қиладиган чет эл компанияларидан олинadиган солиқлар ҳисобидан қопланади. Монако даромадининг қарийб ярмини қорхоналар, банклар ва меҳмонхоналардан олинadиган қўшимча қиймат солиғи ташкил қиладди. Монакода яшовчиларнинг яшаш даражаси Фарбий Европа давлатларидаги яшаш даражаси билан тенглаша олади. ЯММ 1993 йили 558 млн. доллар (аҳоли жон бошига — 8000 доллар)ни ташкил этган. Франция билан тузилган Божхона иттифоқи орқали Монако ЕҲ давлатлари билан ҳамкорлик қиладди.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 1,7 км, автомобиль йўллари йўқ, фақат шаҳар кўчаларида бор. Асосий порти: Монако.

Тарихи. Ҳозирги Монако ҳудудидаги биринчи давлат тузилмаси финикияликларнинг шаҳар давлати бўлиб, у кейинчалик грекларнинг мустамлакасига айлантирилган. 1070 йили Монако генуялик Гримальдилар оиласининг мулкига айланди. 1524 йилдан 1641 йилгача Монако Испания томонидан аннексия қилинган, 1873 йили эса Франция бошқаруви остига ўтди. Монако 1861 йили мустақил князлик бўлди, бироқ тез орада Франция протекторатига айланди. 1949 йилдан бери Гримальдиларнинг герби ва номини сақлаб қолган Полиньяклар оиласи Монакога эгалик қилиб келмоқда.

МОНГОЛИЯ

Расмий номи — Монголия Республикаси. Пойтахти — Улан-Батор. Ҳудуди — 1566000 км². Аҳолиси — 2493615 киши (2001). Давлат тили — монгол. Дини — ламаизм (тибет буддизми). Пул бирлиги — тугрик.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Осиёда жойлашган давлат. Фарбда, жанубда ва шарқда Хитой (чегара узунлиги — 4673 км), шимолда Россия билан (3441 км) чегарадош. Чегарасининг умумий узун-

лиги — 8114 км. Ғарбида ва жануби-ғарбида Монголия Олтойи (баландлиги — 438 м), Гоби Олтойи ва Хонгай тоғлари, мамлакатнинг марказий қисмида Хонгай тоғлари жойлашган. Жанубида ва жануби-шарқида Гоби саҳроси мавжуд. Асосий дарёлари — Селенга, Керулен, Кобдо. Нисбатан йирик кўллари — Убсунур, Хубсу-гул. Мамлакат ҳудудида нефть, кўмир, мис, темир рудаси, вольфрам, молибден, фосфоритлар, кўрғошин, никель, олтин конлари бор. Мамлакат ҳудудининг катта қисмини ўтлоқ ва яйловлар (79%) эгаллайди.

Иқлими — кескин континентал.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 18 та район (аймоқлар)га ва 3 та муниципалитет (Улан-Батор, Дархан, Эрдэнэт)га бўлинади. Монголия 1924 йил ноябр ойида мустақилликка эришган (илгари Хитой таркибидаги ташқи Монголия провинцияси). Миллий байрам 11 июл — Халқ инқилоби куни. Ижроия ҳокимият президентга (давлат бошлиғи) ва премьер-министр бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Олий қонун чиқарувчи орган — Давлат Буюк Хурали (бир палатали парламент). Йирик сиёсий партиялари: Монголия Халқ инқилобий партияси, Монголия Миллий-демократик партияси, Монголия Социал-демократик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Иқтисодий фаолият анъанавий равишда қишлоқ хўжалигига асосланган (Монголия дунёда жон бошига энг кўп сигир туғри келадиган мамлакат ҳисобланади). Тоғ-кон саноати (кўмир, темир рудалари, мис, молибден, вольфрам, кўрғошин, олтин қазиб олиш) асосий тармоқ ҳисобланади. Иқтисодиётининг бошқа муҳим тармоқлари — ўрмон хўжалиги ва балиқчилик. Ҳозирги вақтда мамлакат иқтисодиёти марказий режалаштиришдан бозор муносабатларига ўтиш даврини бошидан кечирмоқда. ЯММ 1994 йили 4,4 млрд. доллар (аҳоли жон бошига — 1800 доллар)ни ташкил этган.

Асосий савдо ҳамкорлари: Россия, Хитой, Япония, Қозоғистон.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 1750 км. Автомобиль йўллари — 46700 км (1000 км қаттиқ қопламали йўллар), ички сув йўллари — 397 км.

Тарихи. VI асрдан XII асргача ҳозирги Монголия ҳудуди турк, уйғур, қирғиз хонлиқларининг ва Лао давлатларининг таркибида бўлиб келди. XIII асрда Чингизхон мўғул қабилаларини бирлаштириб, жуда кўп мамлакатларни босиб олди ва Буюк Мўғул империясини вужудга келтирди. XVI асрга келиб мўғуллар олдинги қудратини йўқотди ва будда динини қабул қилишди, 1635—1911 йилларда эса мўғул қабилалари Маньчжур ҳукмдорлари таъсири остига тушиб қолдилар. 1911 йили ташқи (шимолий) Монголия Хитой протекторатига айланди. Россияда инқилоб амалга ошганидан кейин 1918 йили хитойликлар Монголиянинг бутун ҳудудларини босиб олишга ҳаракат қилишди, бироқ 1921 йили мамлакатга совет кўшинлари киритилди. 1924 йили эса Монголия Халқ Республикаси деб эълон қилинди. 1939 йили Халхин-Гол дарёси районида Қизил Армия япон кўшинларининг ҳужумларини қайтарди. 1946 йили Монголия мустақиллиги Хитой томонидан тан олинди. 1991 йили ҳокимият тепасидаги коммунистик партия марксизм-ленинизм тамойилларини рад этиб, мамлакатда сиёсий ва иқтисодий ислохотлар ўткази бошлади. Шу даврдан бошлаб Монголия Республикаси деб аталади.

МОНТСЕРРАТ

Расмий номи — Монтсеррат (Буюк Британия мулк). Пойтахти — Плимут. Ҳудуди — 102 км². Аҳолиси — 6 400 киши (2000). Давлат тили — инглиз. Дини — христианлик. Пул бирлиги — шарқий кариб доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Монтсеррат — Кариб денгизининг шарқий қисмида жойлашган Вест-Индиядаги орол. Шимолий ва Жанубий Америка орасидаги Кичик Антиль ороллари архипелагидаги Шамолли ороллар гуруҳига киради. Ҳаракатдаги вулқон — Чансес Пик. Монтсеррат — ҳаракатдаги вулқон жойлашган тоғ тизимидан иборат текисликдаги орол.

Иқлими — тропик, иссиқ. Ўсимлик дунёси доим яшил ўрмонлар ва бошқа тропик ўсимликларга жуда бой. Ҳайвонот дунёси қушлар, судралиб юрувчилар ва ҳашаротларга бой. Соҳилбўйи сувларида денгиз жониворларини кўплаб учратиш мумкин.

Давлат тузлиши ва сиёсий партиялари. 1960 йил конституциясига кўра Буюк Британия қиролчаси томонидан тайинланадиган губернатор бошқарувидаги орол. Губернатор Ижро этувчи кенгаш раиси ҳисобланади. Сиёсий партиялари: Миллий прогрессив партия, Озодлик Халқ Ҳаракати, Прогрессив демократик партия, Миллий ривожланиш партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Электрон асбоблар йиғиш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисосланган корхоналар мавжуд. Пахта, мева ва сабзавотлар етиштирилади. Чорвачилик, ёғоч тайёрлаш ва уни қайта ишлаш ривожланган. Унча катта бўлмаган денгиз ҳайвонларини овлаш хўжалигига эга. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Буюк Британия, Канада, Антигуа ва Барбуда.

Тарихи. Орол Х. Колумб томонидан 1493 йилда кашф қилинган. 1632 йилда сургун қилинган католиклар томонидан биринчи инглиз манзилгоҳига асос солинди. XVII—XVIII асрларда Англия ва Франция оролга эгалик қилиш учун ўзаро кураш олиб борган. 1871 йилдан 1958 йилга қадар Монтсеррат Шамолли ороллар, 1958 йилдан то 1962 йилгача эса Вест-Индия федерацияси таркибида бўлган. Монтсеррат — Шарқий Кариб давлатлари ташкилоти Минтақавий хавфсизлик тизими уюшмасининг аъзосидир.

МУҚАДДАС ЕЛЕНА ОРОЛИ

Расмий номи — Муқаддас Елена Ороли (Буюк Британия мулки). Пойтахти — Жеймстаун. Ҳудуди — 0,4 минг км². Аҳолиси — 7200 киши (2000). Давлат тили — инглиз. Дини — христианлик (протестантлар). Пул бирлиги — Муқаддас Елена ороллари фунт стерлинги.

Географик жойлашуви ва табиати. Муқаддас Елена ороли, шунингдек, Вознесение, Тристан-да-Кунья ороллари ва одам яшамайдиган 5 та орол Атлантика океанининг жанубий қисмида жойлашган. Муқаддас Елена ороли вулқонлар натижасида пайдо бўлган. Унинг жанубий қисмида баландлиги 858 метргача бўлган сўнган вулқон оғзи бор.

Иқлими — пассатли ва тропик. Муқаддас Елена оролининг катта қисмини майсазор ва чангалзорлар эгаллаган. Оқ қарағай, эвкалипт ва сарв дарахтлари

ўсади. Вознесение ороли ўтсимон ўсимликлар билан қопланган.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Давлат бошқарувини Қонунчилик ва Ижроия Кенгаши фаолиятини бевосита бошқарадиган англиз губернатори амалга оширади. Маъмурий жиҳатдан мустамлака битта маъмурий ҳудуд (Муқаддас Елена ороли) ва 2 та тобе ҳудудлар (Вознесение ва Тристан-да-Кунья ороллари)га бўлинади.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Картошка, сабзавотлар, олма, олхўри, галла маҳсулотлари, зиғир етиштирилади. Балиқчилик ва денгиз овчилиги, чорвачилик ривожланган. Экспорти: зиғир, импорти: саноат маҳсулотлари, ёқилғи. Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, ЖАР.

Асосий порти — Жоржтаун.

Тарихи. Орол 1502 йил 21 майда португаллар томонидан Муқаддас Елена куни кашф этилган. Тристан-да-Кунья ороли 1506 йили португалиялик денгизчи Тристан-да-Кунья томонидан очилган. Оролларга эгалик ҳуқуқини қўлга киритиш учун бўлган қизгин курашларда Англия Голландия устидан ғалаба қозонди ва 1659 йилда Муқаддас Елена оролига ҳарбий базасини жойлаштирди. 1815 йили Муқаддас Елена ороли Наполеон Бонапартнинг (1821 йил шу оролда вафот этган) сургун жойига айланди. Сувайш каналининг очилиши оролларнинг стратегик аҳамиятини пасайтирди. 1942 йили Вознесение оролига АҚШнинг ҳарбий-ҳаво базаси жойлаштирилди. Бу ерда 1954 йилда АҚШнинг Флорида ярим оролидан учириладиган фазовий-ракета техникалари учун кузатув станцияси жойлаштирилди. 1966 йилда Вознесение оролида англиз радиостанцияси фаолият кўрсата бошлади. Фолкленд можароси даврида 1982 йили Вознесение ороли Аргентинага қарши урушда англиз қуролли кучларининг асосий базаси бўлди.

МЬЯНМА (БИРМА)

Расмий номи — Мьянма иттифоқи. Пойтахти — Янгон. Ҳудуди — 676577 км². Аҳолиси — 47800000 киши (2001). Давлат тили — бирман. Дини — буддавийлик (85%), христиан, индуизм, ислом. Пул бирлиги — чжа (кьят).

Географик жойлашуви ва табиаати. Осиёнинг жануби-шарқида жойлашган давлат. Мьянма шимол ва шарқда Хитой (чегара узунлиги 2185 км), шарқда Таиланд (1800 км) ва Лаос (235 км), ғарбда эса Ҳиндистон (1463 км) ва Бангладеш (193 км) билан чегарадош. Мамлакат ғарбда Бенгал кўрфазига, жанубда Андаман денгизига туташиб кетган. Чегаранинг узунлиги 5876 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги эса 1930 км, ҳудудининг катта қисмида тоғлар ва ясси тоғликлар жойлашган: ғарбида Ракхайн ва Пакхайн тоғликлари, шарқда Биалуктон тоғлиги жойлашган. Мамлакатнинг ва Жануби-Шарқий Осиёнинг энг юқори нуқтаси — Кхакоборазу (5881 м) тоғидир. Мамлакатнинг марказий ва жанубий қисмида Мьянманинг асосий дарёси Иравади ҳавзасида кенг водий текислиги жойлашган. Мамлакат фойдали қазилмаларидан нефть, қўрғошин, вольфрам, цинк, мис, қўрғошин, кўмир, табиий газ, қимматбаҳо тошларга жуда бой. Ҳайдаладиган ерлар ҳудудининг 15% ини, ўрмон ва тўқайзорлар 49% ини ташкил этади. Иқлими — асосан тропик муссонли, жанубида эса субэкваториал.

Мьянманинг ўсимлик дунёси жуда қадимий. Бу ерда ролодендронларнинг 700 дан ошиқ тури (ер юзида уларнинг мингдан ошиқ тури мавжуд), орхидеяларнинг 700 дан ошиқ тури, калидияларнинг 80 дан ошиқ тури, пальмаларнинг 70 дан ошиқ тури, бамбуқларнинг 70 дан ошиқ тури, папоротникларнинг 700 дан ошиқ тури учрайди.

Мьянмада ер юзида истиқомат қиладиган жониворларнинг нисбатан қадимийлари — малайя тапири, ҳиндмалай типратиканлари, лангарқанотлилар сақланиб қолган.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат таркибига 7 та маъмурий ва 7 та миллий вилоятлар киради. 1948 йил 4 январда Буюк Британиядан мустақилликка эришган (Миллий байрами — Мустақиллик куни). Давлат бошлиғи — қонунчилик ва тартибни қайта тиклаш давлат кенгашининг раиси ва премьер-министр генерал Тан Шве ҳисобланади. Ҳукумат томонидан чекланган ҳолда фаолият юритиш учун бир неча сиёсий партияларга рухсат берилган. Улардан энг йириклари: демократия учун Миллий лига, Демократик партия, Халқ демок-

ратик партияси ва Миллий бирлик партияси. Мамлакатда махфий равишда партиялар ва ташкилотлар, кўзғолончи гуруҳлари ҳукуматга қарши қуролли курашни давом эттиришмоқда.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мьянма иқтисодиёти асосан қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлиб, кейинги 10 йилликда инқирозни бошдан кечирмоқда. 1994 йили ЯММ 41,4 млрд. доллар (аҳоли жон бошига 930 доллар)ни ташкил этган. Ҳукумат кейинги 40 йил ичида жорий қилинган қатъий давлат бошқарувидан сўнг тадбиркорларни қўллаш ва чет эл инвестицияларини киритиш йўли билан иқтисодиётни жонлантиришга ҳаракат қилмоқда. Саноатнинг асосий тармоқлари: тоғ-кон, нефть қазиб олиш ва ўрмончилик, қишлоқ хўжалигида (ЯММнинг 40% и, балиқчилик ва ўрмончиликни қўшиб ҳисоблаганда). Қишлоқ хўжалигида асосий тармоқ — шолчилик, бундан ташқари, буғдой, шакарқамиш, маккажўхори, каучук ва жут ҳам етиштирилади. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕҲ мамлакатлари, Ҳиндистон, Япония, Хитой.

Темир йўлларининг умумий узунлиги 3991 км, автомобиль йўллари — 27 000 км (320 км бетонлаштирилган йўллар), ички сув йўллари 12 800 км. Асосий порти — Янгон.

Тарихи. Ҳозирги Мьянма ҳудудида дастлабки давлат бирлашмалари милоннинг бошларида вужудга келган (Мон, Пиу). XI аср бошларида Паган қироллиги ўз атрофига мамлакат марказидаги майда қиролликларни бирлаштирди. XIII аср охирида Бирма бирлашган қироллигига мўғуллар босқини бошланди. 1824 йили Буюк Британия Жануби-Шарқий Осиёда Франция экспансиясини тўхтатиб қолиш мақсадида Куйи Бирмани босиб олди, 1855 йили эса бутун мамлакатни аннексия қилди. II жаҳон уруши даврида 1942 йилдан 1945 йилга қадар мамлакат япон босқинчилари қўл остида бўлди. Мамлакат озод қилинганидан сўнг Бирма ҳудудида истиқомат қилаётган бир қатор майда миллатлар мухторият талаб қилишди. Натижада 1948 йил 4 январда мустақил давлат деб эълон қилинган Бирма давлатлари федерацияси тузилди. 1962 йили давлат тўнтариши натижасида мамлакатда ҳокимият тепасига ҳарбийлар келишди. Улар ушбу тартибдан норози бўлган

бирмаликларнинг қўзғолонларини шафқатсизлик билан бостирдилар. 1989 йили мамлакат Мьянма иттифоқи деган янги ном олди. 1990 йили мамлакатда дастлабки эркин сайловлар ўтказилди. Бу сайловларда бош мухолифатчи партия ғалаба қозонди, бироқ ҳокимиятни бошқараётган ҳарбий тартиб тарафдорлари давлат бошқарувини фуқаролик ҳукуматига топширишдан бош тортди.

НАМИБИЯ

Расмий номи — Намибия Республикаси. Пойтахти — Виндхук. Ҳудуди — 824269 км². Аҳолиси — 1800545 киши (2001). Давлат тили — инглиз, немис, африкаанс, банту. Дини — христианлик. Пул бирлиги — Жанубий Африка рэнди.

Географик жойлашуви ва табиати. Африканинг жануби-ғарбида жойлашган давлат. Намибия жанубда ва шарқда Жанубий Африка Республикаси (чегара узунлиги 855 км), шарқда Ботсвана (1360 км), шимолда Ангола (1376 км) ва Замбия (233 км) билан чегарадош. Мамлакатнинг ғарбий чегаралари Атлантика океани билан туташиб кетган. Чегарасининг умумий узунлиги 3824 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги 1572 км. Мамлакат ҳудудининг катта қисмини баландлиги 2000 м дан ошмайдиган ясси тоғлар эгаллаган бўлиб, ғарбий қирғоқларда жойлашган Намиб чўлига туташиб кетган. Намиб чўли ер юзининг энг қурғоқ жойларидан бири ҳисобланади. Шарқда бошқа бир чўл — Калахари ҳам мавжуд. Асосий дарёлари — Тўқ-Сариқ ва Кунэня. Намибияда турли фойдали қазилмалар — олмос, мис, уран, олтин, қўрғошин ва бошқалар бор. Иқлими — тропик, қуруқ.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 13 та маъмурий ҳудудга бўлинган. Намибия 1990 йил 21 март куни мустақилликка эришган (илгари мамлакат Жанубий Африка Республикаси бошқаруви остида бўлган). Ушбу сана мустақиллик куни — Миллий байрам сифатида нишонланади. Ижроия ҳокимият президентга (давлат бошлиғи) ва премьер-министр бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият Миллий ассамблея ва Миллий йиғиндан иборат 2 палатали пар-

ламент томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Жануби-Ғарбий Африка халқлари ташиқилоти (СВАПО), Турнхалье демократик альянси (ДАТ), Демократлар Конгресси, Бирлашган демократик фронт.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисодиётининг асоси тоғ-кон саноатидир (Намибия ёқилги бўлмаган фойдали қазилмалар экспорти бўйича 4-ўринда ва уран ишлаб чиқариш бўйича дунёда 5-ўринда туради). Намибия бой олмос конларига эга бўлганлиги сабабли заргарлик буюмлари учун олмос етказиб берувчи асосий давлатлардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида асосий тармоқ чорвачилик ҳисобланади. 1994 йили ЯММ 5,8 млрд. доллар (аҳоли жон бошига 3600 доллар)ни ташкил этган.

Асосий савдо ҳамкорлари — Швейцария, ЖАР, Германия, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиги 2341 км, автомобиль йўллари 54500 км. Мамлакатнинг асосий порти — Людеритц.

Тарихи. Ҳозирги Намибия ҳудудлари 1883 — 1884 йилларда Германия томонидан мустамлакалаштирилди. Герман жануби-ғарбий Африкаси номи билан протекторатга айлантирилди. Мамлакат 1915 йили ЖАР томонидан босиб олинди. 1920 йили эса ЖАР Миллатлар Лигасидан Жануби-Ғарбий Африкани бошқариш мандатини олди. 1949 йили ЖАР Жануби-Ғарбий Африкани БМТ руҳсатисиз ўзига қўшиб олди. 1968 йили мамлакат БМТ қарори билан Намибия деб номланди. 1966 йили тузилган СВАПО қуролли ташкилоти озодлик урушларини олиб борди. Бу кураш 1990 йилда Намибия Республикасини эълон қилиш билан тугади.

НАУРУ

Расмий номи — Науру Республикаси. Пойтахти — Янгор (Ярен). Ҳудуди — 21 км². Аҳолиси — 10 000 киши (2001). Давлат тили — науру, инглиз. Дини — христианлик. Пул бирлиги — Австралия доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Тинч океаннинг жануби-ғарбий қисмидаги Науру оролида жойлашган Океания давлати ҳисобланади. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги 30 км. Маржон орол овал шаклида

бўлиб, қумлик қирғоқлари бор. Оролнинг юза қисми баландлиги 65 м гача бўлган фосфоритли оҳақтош ясси тоғликлардан иборат. Асосий табиий ресурслари — фосфоритлар.

Иқлими — экваториал муссонли.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Науру Буюк Британия Ҳамдўстлиги давлатлари таркибига киради. Науру 1968 йил 31 январда мустақилликка эришган (олдинги номи Ёқимли орол — Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия биргаликда бошқарган). Давлат ва ҳукумат бошлиғи президент. Сиёсий партиялари: Науру партияси, Науру демократик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисодиётининг асосини фосфатлар қазиб олиш ва уни экспорт қилиш ташкил этади. Бу маҳсулотни четга экспорт қилиш катта даромад келтирганлиги боис аҳолининг яшаш даражаси етарлича юқори. 1993 йили ЯММ 100 млн. доллар (аҳоли жон бошига 10000 доллар)ни ташкил этган. Қишлоқ хўжалиги тараққий этмаган. Мамлакат ҳамма озиқ-овқат маҳсулотларини, жумладан, чучук сувни ҳам четдан келтиради.

Асосий савдо ҳамкорлари — Австралия, Янги Зеландия, Буюк Британия.

Темир йўллари йўқ. Автомобиль йўллари — 27 км. Порт — Науру.

Тарихи. Орол 1798 йили инглизлар томонидан кашф этилган бўлиб, 1888 йили Германия томонидан босиб олинган. 1914 йили Науруни Австралия босиб олди. 1920 йили эса Буюк Британия оролни бошқариш ҳуқуқини берувчи мандатни қўлга киритди. 1947 йили Науру Австралия, Янги Зеландия ва Буюк Британия давлатлари томонидан бошқариладиган БМТ ҳомийлигидаги ҳудудга айланди. 1968 йили мамлакат Буюк Британия Ҳамдўстлиги таркибида мустақилликни қўлга киритди.

НЕПАЛ

Расмий номи — Непал қироллиги. Пойтахти — Катманду. Ҳудуди — 147181 км². Аҳолиси — 23590869 киши (2001). Давлат тили — непали. Дини — индуизм (расмий дини 90%). Пул бирлиги — непал рупияси.

Географик жойлашуви ва табиати. Осиё қитъасининг жанубий қисмида жойлашган давлат. Ғарбда, жанубда ва шарқда Ҳиндистон (чекгара узунлиги 1690 км), шимолда Хитой билан (1236 км) чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги 2926 км. Мамлакат жанубида кенг Ҳинд-Ганг текислиги жойлашган. Марказий қисмида баландлиги 2500 м бўлган Маҳабхорат ва Чурия тепалик ва тоғликлари жойлашган. Шимолида Ҳимолай тоғлари жойлашган. Непалда дунёнинг 7 та энг баланд чўққилари тўлиқ ёки қисман жойлашган. Жумладан, ер юзининг энг баланд чўққиси — Жомолунгма (Эверест — 8848 м) ҳам Непалда жойлашган. Непалнинг асосий дарёлари — Карнали, Кали-Гандак, Аруклар Ганг ҳавзасига кирувчи дарёлар ҳисобланади. Мамлакат юқори гидроэнергетик потенциалга эга бўлиш билан бирга, бир қатор табиий ресурслар — ёғоч, мис, кобальт, лигнит ва темир рудаси конларига ҳам эгаллик қилади. Ишлов берадиган ерлар мамлакат ҳудудининг 17% ини, ўрмон ва тўқайзорлар 33% ини ташкил этади.

Иқлими — тропик иқлим зонасидан Арктик иқлим зонасигача давом этади. Шунга кўра ўсимлик дунёси ҳам хилма-хилдир.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Мамлакат таркибига 14 та зона (вилоят) киради. Улар ўз навбатида 75 та дистринтга (туман) бўлинади. Непал 1768 йилдан буён мустақил давлат ҳисобланади. Қонунчилик ҳинд қонунларига ва инглиз умумий ҳуқуқига асосланади. Давлат бошлиғи — монарх (қирол Бирендра Бир Бикрам Шах Дэв 1985 йил 24 февралда тахтга ўтирган). Ҳозирги қиролнинг туғилган куни 28 декабр — Миллий байрам ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият монарх ва 2 палатали парламент томонидан амалга оширилади. Парламент Миллий кенгаш (юқори палата) ва депутатлар палатаси (қуйи палатаси)дан иборат. Йирик сиёсий партиялари — Непал конгресси, Миллий демократик партия, Непал коммунистик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Непал жаҳоннинг кам ривожланган давлатларидан бири ҳисобланади. ЯММ 1994 йили 22,4 млрд. доллар (аҳоли жон бошига 1060 доллар)ни ташкил этган. Иқтисодётнинг асосини қишлоқ хўжалиги (ЯММнинг 60% и)

ташкил қилади. Асосий қишлоқ хўжалик экинлари — шоли, буғдой ва бошқа донли экинлар — шакарқамиш, жут, шунингдек, гўшт ва сут етиштириш яхши тараққий этган. Шундай бўлса-да, мамлакат ўзининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондира олмайди. Саноат ишлаб чиқариши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан чегараланган. Тўқимачилик маҳсулотлари ва гилам экспорт қилишдан ҳам сезиларли даражада фойда олинади. Кейинги йилларда мамлакат бюджетига даромад туширишнинг муҳим манбаларидан бири туризм ҳам яхши ривожланмоқда.

Асосий савдо ҳамкорлари — АҚШ, Ҳиндистон, Германия, Буюк Британия, Сингапур, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиги 101 км, автомобиль йўллари эса 71 400 км.

Тарихи. VII асрда Непал ҳудудида Тхакур сулоласига асос солинган бўлиб, улар XVIII асрга қадар ҳукмронлик қилган. XIV асрдан бошлаб Непал ҳудудида мусулмонлар ҳукмронлигидан сақланиш мақсадида ҳинд шаҳзодалари ўз князликларини тузишди. XVI асрда Непал ҳудудида Нашпут кастасига мансуб бўлган рожа ўз сулоласига асос солди ва у 1768 йилга келиб бутун Непал князликларини бўйсундиришга муваффақ бўлди. 1814 — 1816 йилларда инглизлар билан олиб борилган урушларда Непал ўз ҳудудининг бир қисмини бой берди. 1847 йили ҳокимиятга Рань сулоласи келди ва улар Непални 1947 йилга қадар идора қилишди. 1960 йили Непалда сиёсий партияларнинг фаолият юритиши таъқиқланган эди, бироқ 1990 йили бу таъқиқ янги конституция қабул қилиниши билан қирол томонидан бекор қилинди. 1991 йили эса демократик ҳукумат шакллантирилди.

НИГЕР

Расмий номи — Нигер Республикаси. Пойтахти — Ниамей. Ҳудуди — 1267000 км². Аҳолиси — 10400000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — мусулмон суннийлари (80%), мажусийлик (14%), христианлик (1%). Пул бирлиги — африка франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Африканинг ғарбида жойлашган давлат. Жанубда Нигерия (чегара узунлиги 1497 км) ва Бенин (266 км), шарқда

Чад (1175 км), шимолда Жазоир (956 км) ва Ливия (354 км), гарбда Мали (821 км) ва Буркина-Фасо (628 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги 5697 км. Нигернинг катта қисми дунёдаги энг йирик чўл — Саҳрои Кабир ҳудудида жойлашган. Рельефи 200—500 м гача бўлган ясси тоғликдан иборат. Мамлакатнинг марказий қисмида тоғли массивлари бўлган Аир ясси тоғлиги жойлашган. Бу ерда Нигернинг энг юқори нуқтаси Индукальн-Тагес (222 м) жойлашган. Мамлакатнинг шарқий қисмини қумли чўл — Тенера эгаллаган. Асосий дарёси — Нигер. Мамлакат ҳудудида уран, темир рудаси, қўрғошин ва фосфат конлари мавжуд.

Иқлими — тропик. Нигернинг ўсимлик дунёси ва ҳайвонот дунёси жуда камбағал.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 7 та департаментга бўлинган. Мамлакат 1960 йил 3 августда мустақиллик олган (илгари Франциянинг денгизорти ҳудуди бўлган). Қонунчилик француз умумий ҳуқуқига асосланган. Мамлакат республика деб эълон қилинган кун 18 декабр (1958 йил) — Миллий байрам сифатида нишонланади. Ижроия ҳокимият президентга (давлат бошлиғи) ва премьер-министр бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Олий қонун чиқарувчи орган — Миллий йигин. 30 дан ортиқ сиёсий партиялардан энг йириклари — Раҳама ижтимоий ва демократик конвенци, Насара жамият тараққиёти миллий ҳаракати. Демократия ва социализм учун Тарая Нигер партияси, Ватанларварлар демократик ва тараққиёт партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодиётнинг асосий тармоғи — қишлоқ хўжалиғи бўлиб, у ЯММнинг 40% ини таъминлайди. Аҳолининг 90% и қишлоқ хўжалигида банд. Муҳим қишлоқ хўжалиғи экинлари пахта, сорго, миль, ньебе, шоли, ёнғоқ ҳисобланади. Саноатнинг асосий соҳаси тоғ-кон саноатидир (уран қазиб олиш). 1993 йили ЯММ 4,6 млрд. доллар (аҳоли жон бошига — 550 доллар)ни ташкил этган. Муҳим савдо ҳамкорлари — Франция, Нигерия, Италия, Германия.

Автомобиль йўлларининг узунлиги 39970 км (шундан 371 км қаттиқ қопламали йўллар), ички сув йўллари — 300 км.

Тарихи. Ҳозирги Нигернинг шарқий қисми Х асрдан XIX асргача Борну қироллигининг маркази бўлган. Жанубида эса Х асрдан бошлаб Хаус империяси ўз ҳудудларини кенгайтирган. Европаликлардан биринчи бўлиб мамлакатга 1795 йили шотландлар келишди. XIX аср охирида Нигер Франция томонидан босиб олинди ва 1922 йили француз Ғарбий Африкаси таркибига қўшилди. 1946 йили унга Франциянинг денгизорти ҳудуди мақоми берилди. Нигер 1963 йили 3 августда мустақил республика деб эълон қилинди.

НИГЕРИЯ

Расмий номи — Нигерия федератив республикаси. Пойтахти — Абуджа. Ҳудуди — 923768 км². Аҳолиси — 126600000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — ислом (50%), христианлик (40%), мажусийлик (10%). Пул бирлиги — найра.

Географик жойлашуви ва табиати. Африка қитъасининг марказий қисмида жойлашган. Шарқда Камерун (чегара узунлиги 1690 км) ва Чад (87 км), шимолда Нигер (1497 км), ғарбда Бенин (773 км) билан чегарадош. Жанубда Нигерия Гвинея кўрфази билан туташиб кетган (чегара узунлиги 4047 км). Соҳил бўйлаб чегара узунлиги 853 км, жанубда қирғоқ бўйи текислиги жойлашган бўлиб, унинг кенлиги Нигер дарёси дельтасида 100 км гача боради. Мамлакат марказида юза қисм кўтарилиб боради ва баландлиги 1735 м бўлган Жос ясси тоғлигига ўтади. Ясси тоғликдан шимолга қараб юза пасайиб боради. Шимоли-ғарбда Сокота текислиги, шимоли-шарқда эса Борну текислиги жойлашган. Шарқда Нигериянинг энг юқори нуқтаси Фогель чўққиси (2420 м) жойлашган Адамов тоғлари бор. Нигерия ҳудудида Чад кўлининг бир қисми жойлашган. Мамлакатнинг асосий дарёси Нигер. Мамлакат фойдали қазилмаларга жуда бой. Улар орасида нефть, табиий газ, темир рудаси, кўмир, кўрғошин, рух кўплаб учрайди. Ишлов бериладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 31% ини, ўтлоқ ва яйловлар 23% ини ташкил қилади.

Иқлими — экваториал муссонли.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат таркибига 36 та

штат ва Абужа федерал пойтахт округи киради. Нигерия 1960 йил 1 октябрда мустақилликка эришган (илгари Буюк Британия протекторати бўлган). Мустақиллик куни миллий байрам ҳисобланади. Бутун ҳокимият бошқарув кенгашининг бошлиғи — президентга тегишли. Сиёсий партиялари — Умумхалқ партияси, Халқ демократик партияси, Демократия учун иттифоқ.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Сиёсий беқарорлик туфайли мамлакат иқтисодиёти турғунликни ўз бошидан кечирмоқда. 1994 йил ЯММ 122,6 млрд. доллар (аҳоли жон бошига 1250 доллар)ни ташкил этган. Саноатининг нисбатан тараққий этган соҳалари: нефтни қайта ишлаш (нефть муҳим экспорт товарларидан бири ҳисобланади), металлургия, кимё, озик-овқат ишлаб чиқариш. Нефтдан ташқари какао, пальма маҳсулотлари ва каучук ҳам экспорт қилинади. Бошқа қишлоқ хўжалиғи экинлари: ёнғоқ, пахта, шакарқамиш.

Асосий савдо ҳамкорлари — ЕҲ давлатлари, АҚШ, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиғи 3567 км, автомобиль йўллари 107 990 км (шундан 30019 км асфальтланган йўллар), ички сув йўллари 8 575 км. Мамлакатнинг асосий портлари Лагос, Порт-Харкорт.

Тарихи. XVII асрда ҳозирги Нигерия ҳудудига дастлабки европаликлар келганида мамлакатда 2 та цивилизация, шимолда Хауса Борну, Соното каби мусулмон давлатлари ҳамда жанубда Иоруба ва Бенин қиролликлари бор эди. XVIII асрда мамлакатни инглизлар томонидан мустамлакалаштириш бошлангандан сўнг Нигерия ҳудудида 2 та Британ протекторати — Жанубий ва Шимолий Нигерия пайдо бўлди. Улар 1919 йил бирлаштирилди. 1954 йили протекторат 4 давлат федерациясига айлантирилди, 1960 йили эса Нигерия мустақил республика деб эълон қилинди. 1967 йили мамлакат шарқда Биафра республикаси эълон қилинди. Бироқ 1973 йили у ҳукумат қўшинларидан мағлуб бўлди. Мамлакатда 1966 йили ўрнатилган ҳарбий тартиб 1979 йили фуқаролик ҳукумати билан алмаштирилди. Бироқ 1983 йили мамлакатда навбатдаги давлат тўнтариши ўтказилди. 1999 йил 29 майда Нигерия фуқаролик ҳукумати бошқарувига ўтди.

НИДЕРЛАНДИЯ

Расмий номи — Нидерландлар қироллиги. Пойтахти — Амстердам. Ҳудуди — 41548 км². Аҳолиси — 16000000 киши (2001). Давлат тили — голланд. Дини — католиклар (34%), протестантлар (25%), ислом (3%). Пул бирлиги — евро.

Географик жойлашуви ва табиати. Европанинг шимоли-ғарбида жойлашган давлат. Жанубда Бельгия билан (чегара узунлиги 450 км), шарқда Германия билан (чегара узунлиги — 577 км) чегарадош. Шимолда ва ғарбда Нидерландия (бошқа номи — Голландия). Шимолий денгизга туташиб кетган. Чегарасининг умумий узунлиги — 1027 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги эса — 451 км. Мамлакат асосан қирғоқбўйи паст текисликларида ва қуритилган ер (польдера) участкаларида жойлашган. Мамлакат ҳудудининг 2/5 қисми денгиз сатҳидан пастда (айрим жойлари — денгиз сатҳидан 5 м пастда) жойлашган. Жануби-шарққа қараб бу сатҳ юқорилаб боради. Мамлакатнинг энг юқори нуқтаси — Ваалсерберг (321 м).

Асосий дарёлари — Рейн (ирмоқлари билан), Маас, Шельда. Энг йирик кўли — Эйсселмер (ҳудуди 1210 м²). Мамлакат ҳудудида табиий газ ва нефть конлари бор. Ишлов бериладиган ерлар умумий ҳудудининг 26% ини (серҳосил, унумдор ерлар мамлакатнинг энг муҳим табиий ресурсларидан бири ҳисобланади), ўтлоқ ва яйловлар эса 32% ини ташкил қилади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Мамлакат таркибида 12 та провинция бор. Мамлакат пойтахти Амстердам бўлишига қарамасдан ҳукумат Гаагада жойлашган. Голландия 1579 йили Испаниядан мустақиллик олган. Миллий байрами — 30 апрел Қиролича куни. Давлат бошлиғи — монарх (Қиролича Беатрикс Вильгельмина Аригорд 1980 йил 30 апрелдан буён ҳокимият тепасида). Ижроия ҳокимият Министрлар Кабинетининг бошлиғи бўлган премьер-министрга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият монарх ва парламент (Генерал Штатлар) томонидан амалга оширилади. Парламент 2 палатадан — Биринчи ва Иккинчи палатадан иборат. Сиёсий партиялари: Христиан демократик қақриқ, Меҳнат партияси, Озодлик ва демократия учун халқ партияси, Сўл яшиллар.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Мамлакатнинг юқори тараққий этган иқтисодиётида савдо ва молиявий хизматлар сектори ЯММнинг ярмидан кўпроғини таъминлайди. Саноатда эса (ЯММнинг 1/4 қисми) табиий газ, нефть қазиб олиш ва нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, металга ишлов бериш ва машинасозлик (электротехника ва радиотехника саноати, кемасозлик) соҳалари пенжадам ҳисобланади. Юсак механизациялаштирилган қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 5% и банд бўлса-да, бу соҳа нафақат мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайди, балки етиштирилган маҳсулотнинг катта қисмини (сут маҳсулотлари, гуллар, гул қаламчалари, сабзавотлар) четга экспорт қилиш имконини беради. 1994 йили ЯММ 275,8 млрд. доллар (аҳоли жон бошига 17400 доллар)ни ташкил этган.

Асосий савдо ҳамкорлари — ЕҲ мамлакатлари, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 2757 км (шундан 1991 км электрлаштирилган). Голландия кенг тармоқли автомобиль йўлларига эга бўлиб, уларнинг умумий узунлиги 104831 км (шундан 9251 км қаттиқ қопламали йўллар). Ички сув йўлларининг умумий узунлиги — 6340 км.

Асосий портлари — Амстердам, Роттердам.

Тарихи. Кельт қабилалари келиб ўрнашган ҳозирги Нидерландия ҳудудлари м. а. I асрда римликлар томонидан босиб олинган. IV—V асрларда варварлар босқинидан сўнг этник гуруҳлар қуйидагича жойлашдилар: саклар — шарқда, фризлар — қирғоқ бўйида ва франклар — мамлакат жанубида. Христианлик мамлакатга Буюк Карл бошқаруви даврида кириб келди. Империя қулаганидан сўнг Голландия 1843 йили Латорингия таркибига кирди. XIV асрда голланд ерлари Бургундия герцоги Филипп Довюррак Фландрия графиняси Маргаритага уйланганидан сўнг Бургундияга қўшилди. XV аср охирида Голландия габсбурглар қўл остига, кейинроқ французлар қўл остига ўтди. Француз қироли Филипп Чиройли испан тахти вори сифатида уйланганлиги сабабли Голландия Испания ҳукмронлиги остига ўтиб қолди. Испания қироли Карл V 1555 йили Филипп II фойдасига тахтдан воз кечди.

1579 йили протестантлик черкови тарафдорлари 7 республикадан иборат федерация — Утрехт иттифоқини туздилар. 1581 йили бу иттифоқ ўз мустақиллигини эълон қилди. 1648 йили Испания Шимолий Брабант ва Фландрияни Нидерландияга берди. XVII асрда Нидерландия кучли денгиз давлатига айланди ва тез орада унинг манфаатлари Британ империяси манфаатлари билан тўқнашди. 1794 йили Нидерландияни Франция босиб олди ва унинг ҳудудида Батавия республикасини тузди, 1806 йилда эса Голландия қироллигини тузди ва уни Наполеон Бонапартнинг акаси Людовик идора қилди. 1814 йили Вена конгресси қарорига кўра Нидерландия қироллиги тузилиб, унга бирлашган провинциялардан ташқари Бельгия ва Люксембург ҳам кирди. 1830 йилги инқилоб натижасида католиклар Бельгияси қиролликдан ажралиб чиқди ва ўз мустақиллигини эълон қилди. 2 та жаҳон урушлари оралигида Нидерландия иқтисодий кўтарилишлар даврини ўз бошидан кечирди. 1940 йили Германия томонидан босиб олинган Голландия 1945 йилда озод қилинди. 1949 йили Нидерландия Бельгия ва Люксембург билан Божхона шартномасини имзолади (Бенилюкс).

НИКАРАГУА

Расмий номи — Никарагуа Республикаси. Пойтахти — Манагуа. Ҳудуди — 129494 км². Аҳолиси — 5200000 киши (2001). Давлат тили — испан. Дини — католиклар (95%), протестантлар (5%). Пул бирлиги — олтин кардоба.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Америкада жойлашган давлат. Шимолда Гондурас (чегара узунлиги 922 км), жанубда Коста-Рика (309 км) билан чегарадош. Мамлакат ғарбда Тинч океанга, шарқда Кариб денгизига туташиб кетган. Чегарасининг умумий узунлиги — 1231 км. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги эса — 910 км. Никарагуа қирғоқлари бўйлаб текисликлар жойлашган. Мамлакат ичкарасидаги ҳудудларнинг катта қисмини баландлиги 2438 м гача бўлган тоғлар ва тоғолди ҳудудлари эгаллаган. Тоғли ҳудудлардан ғарбдаги тектоник чуқурикларда йирик кўллари — Никарагуа (80029м³) ва Манагуа жойлашган. Мамлакат ғарбида сўнган ва ҳаракатдаги вулқонлар занжири чўзилиб

кетган. Асосий табиий ресурслари: олтин, кумуш, мис, қўрғошин, цинк, вольфрам, ёғоч, балиқ. Мамлакат худудининг деярли ярмини ўтлоқ ва яйловлар, 35% ини эса ўрмон ва тўқайзорлар эгаллаган.

Иқлими — шимоли-шарқида тропик пассат, жану-би-ғарбида эса субэкваториал иссиқ.

Никарагуанинг шарқий қисми, қирғоқ бўйлари қалин тропик доимий яшил ўрмонлар билан қопланган. Улар орасида дарахтларнинг қимматбаҳо турлари — қизил (махагонлар) дарахтлар, чиримайдиган нисперо, саподил ва бошқалар бор. Тоғларнинг юқори қисмида сосна ва дуб ўрмонлари бор. Мамлакат ғарбида саванналар ва ксерофит тўқайзорлари бор. Никарагуада жуда бой ҳайвонот дунёси сақланиб қолган: бу ерда маймун, шунингдек, кийик, ёввойи чўчқа, тапир, қора айиқ, ягуар, катта игуаналар бор. Жуда кўплаб тўтилар, тукан ва фазанлар бор. Никарагуа дарёларида кўплаб балиқлар, тошбақа, тимсоҳлар бор, лимонтин учрайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 16 та маъмурий районларга бўлинган. Никарагуа 1821 йил 15 сентябрдан мустақил бўлган (илгари Испания мустамлақаси бўлган). Бу кун миллий байрам ҳисобланади. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Олий қонун чиқарувчи органи — Миллий Ассамблея. Йирик сиёсий партиялари: Сандиночилар миллий-озодлик fronti, Сандиночилар янгиланиш ҳаракати, Миллий иттифоқ, Консерватив-демократик партия, Эркин либерал партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодиётининг милитарлашуви, Америка савдо-иқтисодий эмбаргоси, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий сиёсатда сандинистлар томонидан йўл қўйилган хатолар қишлоқ хўжалигида ва саноатда ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келган. Бу эса аҳоли турмуш даражасининг пасайишига, шунингдек, ташқи қарзларининг ўсишига сабаб бўлди. ЯММ 1994 йили 6.4 млрд. доллар (аҳоли жон бошига — 1570 доллар)ни ташкил этган. Ишлаб чиқариш саноатнинг қишлоқ хўжалиги хом ашёларини қайта ишлаш, кимё ва тўқимачилик каби тармоқлари билан чекланган. Қишлоқ хўжалиги қаҳва, шакарқамиш, пахта (асосан экспорт

учун) етиштиришга ихтисослаштирилмоқда. Кейинги йиллар давомида ҳукумат гипперинфляцияга қарши чоралар кўрмоқда, миллий валюта қадрини кўтаришга ҳаракат қилипти, шунингдек, мамлакат структурасида қайта қуриш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш амалга оширилмоқда, хусусий-молиявий сектор шакллантирилмоқда. Асосий савдо ҳамкорлари — ЕҲ мамлакатлари ва Лотин Америкаси.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 376 км. Автомобиль йўлларининг узунлиги — 15286 км (1598 км қаттиқ қопламали йўллар), ички сув йўллари эса — 2220 км. Мамлакатнинг асосий портлари — Коринто, Блуфилдс.

Тарихи. Колумб томонидан 1502 йили кашф қилинган ҳозирги Никарагуа ҳудудлари Испания мустамлакасига айлантирилди ва 1560 йили Гватемала суперинтендантлиги таркибига киритилди. 1821 йили мустақилликни қўлга киритганидан сўнг Никарагуа Марказий Америка қўшма провинциялари таркибига кирди. 1838 йили тўлиқ мустақил бўлгунга қадар Никарагуа бир қатор ички можароларни, шунингдек, чет мамлакатларнинг — Буюк Британиянинг 1848 йили ва АҚШнинг 1912—1933 йилларда интервенциясини бошидан кечирди. 1936 йилдан бошлаб мамлакатни Самос оиласи бошқарди. 1979 йили у Сандинистлар миллий-озодлик fronti томонидан ағдариб ташланди. Сандинистлар ҳукуматининг иқтисодий соҳадаги муваффақиятсизликлари 1990 йилги президент сайловларида мухолифатчиларнинг ғалаба қозонишларига ва Виолетта Чаморронинг ҳокимият тепасига келишига сабаб бўлди.

НОРВЕГИЯ

Расмий номи — Норвегия қироллиги. Пойтахти — Осло. Ҳудуди — 387000 км². Аҳолиси — 4500000 киши (2001). Давлат тили — норвег. Дини — Евангелия Лютеранлик черкови (87,8%) давлат дини ҳисобланади. Пул бирлиги — норвег кронаси.

Географик жойлашуви ва табиати. Скандинавия ярим оролининг шимолий ва ғарбий қисмида ҳамда Шпицберген архипелагида жойлашган Шимолий Европа давлати ҳисобланади. Шарқда Швеция (чегара

узушлиги — 1619 км), шимоли-шарқда Финландия (729 км) ва Россия билан (167 км) чегарадош. Норвегия ғарбда Атлантика океани билан, шимолда Баренц денгизи билан, жанубда Шимолий денгиз ва Скагеррок бугози билан тутаниб кетган. Чегарасининг умумий узушлиги 2515 км, соҳил бўйлаб чегара узушлиги эса 21925 км (йирик ва кўп сонли майда ороллар билан қўшиб ҳисоблаганда). Норвегия ҳудудининг катта қисмини Скандинав тоғлари эгаллаган. Энг юқори нуқта-си — Гальхёпигген тоғи (2469 м). Баланд ясси тоғлар (фьельдлар) ва тик тоғлардан кейин ҳосилдор дарё водийлари бошланади. Соҳил чизиги фьордлар билан бўлинган. Мамлакат шимолида арктик тундра зонасида жойлашган. Асосий дарёлари — Логен, Бегна, Глома. Мамлакатда жуда кўплаб кўллар бор. Норвегия нефть, табиий газ, темир рудаси, мис, никель каби фойдали қазилма конларига ва муҳим табиий ресурслардан ба-лиқ, ёғоч, гидроэнергетик потенциалга эга.

Иқлими — мўътадил океан иқлими, чекка шимоли-да эса субарктик иқлим. Норвегиянинг ўсимлик дунёсида асосан тоғли ҳудудлардаги нинабаргли ўрмонлар устун-лик қилади. Ўрмонлар Норвегия ҳудудининг 23% ини эгаллаган бўлиб, асосан, арча, қарағай, оқ қайин дарахт-лари кўпроқ учрайди. Чекка жанубий ҳудудларида эса унча катта бўлмаган бук ва дуб ўрмонлари учрайди. Скандинавия тоғларида нинабаргли ўрмонлар жанубда 1100 м дан, шимолда 300 м гача баландликларда жой-лашган. Норвегия жониворлари орасида ўрмон ва тундра турлари кўпчиликни ташкил қилади. Ўрмонларда буғу, кийик, бўрсиқ, сувсар, ласка, кундуз, силовсин, олма-хонни учратиш мумкин. Тундрада эса шимол буғуси, оқ ва кўк тундра тулкиси, қуён, шунингдек, Норвегия сичқони деб аталувчи лемминглар кенг тарқалган.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Дав-лат тузилиши — конституцион монархия. 19 та про-винциядан ташқари Норвегия таркибида Буве, Ян-Майен, Шпицберген ороллари каби қарам ҳудудлар ҳам бор. Норвегия 1905 йил 26 октябрда Швециядан мустақиллик олган. Миллий байрами — 17 май кон-ституция куни (1814). Давлат бошлиғи — Монарх (қирол Хорольд V мамлакатни 1991 йил 17 январдан буён идора қилиб келмоқда, тахт вориси — шаҳзода Хаакон Магнус 1973 йил 20 июлда туғилган). Ижроия ҳокими-

ят Давлат кенгаши (кабинет)нинг бошлиғи бўлган премьер-министрга тегишли. Олий қонун чиқарувчи орган — икки палатали парламент (стортинг). Йирик сиёсий партиялари: Норвег ишчи партияси, Тараққиёт партияси, Марказ партияси, Венстре партияси, Христиан халқ партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Ҳар хил табиий ресурсларга бой бўлган Норвегияда иқтисодиёти эркин тадбиркорлик ва ҳукумат назорати остида ривожланади. 1994 йил ЯММ 95,7 млрд. (ЯММ жон бошига — 22170 доллар)ни ташкил этган. Саноатининг муҳим тармоқлари: нефть ва газ, бундан ташқари. озиқ-овқат ишлаб чиқарини, целлюлоза-қоғоз, металлургия, кимё, ёғочни қайта ишлаш, кemasозлик ҳам яхши ривожланган. Норвегия дунёнинг жуда кўплаб мамлакатларига балиқ ва балиқ маҳсулотларини экспорт қилувчи йирик давлатлар қаторига киради. Қишлоқ хўжалигида (ЯММнинг 3% и) бош сектор чорвачилик ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ярмидан кўпроғи четдан келтирилади.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 4026 км, автомобиль йўллари — 88922 км (61356 км — қаттиқ қопламали йўллар), ички сув йўллари — 1577 км. Мамлакатнинг асосий портлари: Берген, Кристиансанн, Осло, Тронхейм.

Тарихи. Қадимда Норвегия ҳудудида герман қабилалари жойлашаган. V асрда бу ҳудудда готларнинг дастлабки давлати вужудга келади. VIII аср охири — XI аср ўрталаригача норвеглар викингларнинг ҳарбий юришларида қатнашди. IX аср охири — X аср бошларида конунг Харальд I Харфагер ҳукмронлиги остида мамлакатнинг сиёсий бирлашув жараёни бошланиб, шу вақтнинг ўзида христианлик қабул қилинди. 1262—1264 йилларда Исландия Норвегия мулкига айланди. 1397 йилдан бошлаб Кальмар унисига кўра Норвегия Дания ҳукмронлиги остига тушиб қолди. 1814 йили Киль шартномасига мувофиқ Норвегия Швеция бошқаруви остига ўтди, бироқ норвег халқининг миллий ўзлигини англаш жараёнининг ўсиши Швеция билан иттифоқнинг бузилишига ва 1905 йили мустақил Норвегия қироллигининг тузилишига олиб келди. I жаҳон уруши йилларида Норвегия ўз нейтралитетини сақлаб қолишга муваффақ бўлди, бироқ

1940 йили мамлакат немис кўшинлари томонидан босиб олинди. Ҳукумат Лондонга қочди. 1945 йил 8 май куни Норвегия фашистлардан озод қилинди. Норвегия ҳаётидаги муҳим воқеалар 1949 йили унинг НАТОга ва 1952 йили Шимолий кенгашга кириши бўлди. 1994 йилда мамлакат аҳолиси умумхалқ референдуми натижаларига кўра Европа Иттифоқига киришга қарши овоз берди.

ОЗАРБАЙЖОН

Расмий номи — Озарбайжон Республикаси. Пойтахти — Боку. Ҳудуди — 86600 км². Аҳолиси — 8100000 киши (2001). Давлат тили — озарбайжон. Дини — мусулмонлар (88%), православлар (12%). Пул бирлиги — озарбайжон манати.

Географик жойлашуви ва табиати. Озарбайжон Жануби-Ғарбий Осиёда, Кавказортида, Каспий денгизи соҳилларида жойлашган. Шимолда Россия билан, шимоли-ғарбда Грузия билан, жануб ва жануби-ғарбда Арманистон билан чегарадош. Шарқда Озарбайжон Каспий денгизи билан туташган. Мамлакат ҳудудининг 50% и тоғлардан иборат. Шимолда Катта Кавказ, жанубда Кичик Кавказ, улар оралиғида Кура водийси жойлашган. Жануби-шарқда Толиш тоғлари, жанубда Ўрта Аракс чўкмаси ва унинг шимолий чеккаси Даралагез ва Зангезур тизмалари ястаниб ётади. Мамлакат ҳудудида жойлашган Толиш тоғларининг баландлиги 2477 м га етади. Шеки-Шемаха ҳудудлари ҳамда Аракс водийси сейсмик фаол ҳудудлар ҳисобланади.

Иқлими — субтропик. Мамлакатда 1250 га яқин дарё бор. Улардан йириги — Кура. Озарбайжонда 250 га яқин кўл мавжуд бўлиб, улардан энг йириклари — Беркшор ва Ҳожиқабул кўллари. Асосий қазилма бойликлари — нефть, табиий газ, темир, алюминий, мис, қимматбаҳо металллар. Озарбайжон ўсимлик дунёси ўта ранг-баранг. Тоғли ҳудудлари бутазор ва ўрмонзорлар билан қопланган.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 67 та маъмурий ҳудуд ва Нахичеван (автоном) республикасидан ташкил топган. Давлат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи олий органи бир палатали парламент — Мил-

лий Мажлис. Асосий сиёсий партиялари: Озарбайжон Халқ Фронти (ОХФ), Янги Озарбайжон. Озарбайжон Коммунистик Партияси (ОКП), Мусулмон Демократик Партия (МДП), Ислом иттифоқи.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Саноатнинг асосий соҳалари: нефть қазиб олиш ва уни қайта ишлаш. Бундан ташқари, кимё, машинасозлик ва қора металлургия ҳам яхши ривожланган. Қишлоқ хўжалигининг асосий экинлари: буғдой, шоли, пахта ва тамаки. Боғдорчилик ва узумчилик яхши ривожланган. Анор, хурмо, анжир ва цитрус мевалар етиштириш яхши йўлга қўйилган. Чорвачилик асосан қорамол ва қўйларни боқишга ихтисослашган. Ипакчилик қадимий соҳалардан ҳисобланади. Экспорт маҳсулотлар: нефть ва нефть маҳсулотлари, рангли металл, пахта. Импорт маҳсулотлари: машина ва эҳтиёт қисмлар, озик-овқат, саноат хом ашёси. Асосий савдо ҳамкорлари — Россия ва МДҲ давлатлари, Эрон. Туркия.

Тарихи. М. а. VI—II асрларда Озарбайжоннинг асосий қисмида Кавказ Албанияси давлати мавжуд бўлган. III—IX асрларда бу ҳудудлар форслар ва Араб халифалиги ҳукмронлиги остида бўлган. Бугунги Озарбайжон халқи XI—XIII асрларда шаклланган. XIII—XIV асрларда мўғуллар томонидан босиб олинган. Кейинчалик Амир Темур давлати таркибига кирган. XVIII асрга келиб Эронга тобе бўлган 15 та давлатчага бўлиниб кетган. 1922 йилдан 1991 йилгача Озарбайжон Совет давлати таркибида бўлди. 1991 йили ўз мустақиллигини эълон қилди. 1992—1994 йилларда А. Элчибей, 1994—2003 йилларда Г. Алиев президентлик қилди. 2003 йилги сайловларда И. Алиев голиб чиқди ва президент этиб сайланди.

ПАЛАУ

Расмий номи — Палау Республикаси. Пойтахти — Корор. Ҳудуди — 508 км². Аҳолиси — 20000 киши (2001). Давлат тили — инглиз (бундан ташқари, маҳаллий тиллардан — чаморро, белау, каролина). Дини — христиан (католиклар — 40%, протестантлар — 20%). Пул бирлиги — АҚШ доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Каролин ороллари гуруҳидаги Палау архипелагида жойлашган Океания давлати. Мамлакат ҳудуди ўз ичига 200 га

яқин оролни қамраб олади, улар орасида маржон ва вулқонлар натижасида вужудга келган тоғли ороллар ҳам мавжуд. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 1519 км. Оролларда фосфоритлар, олтин каби қазилма бойликлар билан бир қаторда ёғоч ва денгиз маҳсулотлари каби табиий ресурслар ҳам мавжуд.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президентлик республикаси. Мамлакат таркибига 16 та штат киради. Мамлакат мустақилликни 1994 йил 1 октябрда қўлга киритган (илгари — БМТ ҳомийлигидаги ҳудуд, АҚШ бошқаруви остида). Миллий байрами 9 июл — Конституция куни. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Олий қонун чиқарувчи органи — икки палатали парламент: Миллий Конгресс (Сенат) ва Депутатлар палатаси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисоди асосан қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини етиштириш ҳамда балиқчиликка асосланган. Туризмнинг ривожланмаганлигининг асосий сабаби, мамлакатнинг йироқда жойлашганлиги ва унинг тараққий этиши учун зарур бўлган инфраструктуранинг йўқлигидадир. ЯММ 1994 йилда 81,8 млн. (жон бошига — 5000) долл.ни ташкил этган.

Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Япония. Автомобиль йўлларининг узунлиги — 223 км. Порт шаҳри — Корор.

Тарихи. Каролин ороллари XVII асрда испанлар томонидан очилган. 1899 йилда испанлар мустамлакаси Германияга сотиб юборилган. 1919 йилдан то 1945 йилнинг охирларигача ороллар Япония бошқаруви остида бўлган. 1947 йилда замонавий Палау бошқа Каролин ороллари билан бир қаторда БМТ ҳомийлигидаги Тинч океан ороллари таркибига қўшилиб, умумий бошқарув эса АҚШ томонидан амалга оширилган. Мустақил Палау давлати 1994 йилда ташкил топди.

ПАНАМА

Расмий номи — Панама Республикаси. Пойтахти — Панама. Ҳудуди — 77100 км². Аҳолиси — 2900000 киши (2001). Давлат тили — испан (инглиз тили ҳам кенг тарқалган). Дини — католиклар 90%, протестантлар — 6% га яқин. Пул бирлиги — бальбоа.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Америкадаги давлат. Ғарбда Коста-Рика (чегара узунлиги — 330 км), шарқда — Колумбия (225 км) давлатлари билан чегарадош. Мамлакатнинг жанубий қирғоқлари Тинч океан, шимолий қирғоқлари эса Қирғи денгизи билан туташган. Қуруқликдаги чегара чизигининг умумий узунлиги — 555 км, қирғоқ бўйлаб чегара узунлиги эса — 2490 км. Мамлакат ҳудудининг тенг ярим қисмини тоғликлар эгаллаган. Фаол Бару вулқони (3475 м) — Панаманинг энг юқори нуқтаси ҳисобланади. Қирғоқ ҳудудлари асосан пасттекистик ва тепаликлардан иборат. Мамлакат сейсмик беқарор ҳудудда жойлашган, вулқон портлашлари ва zilzilалар тез-тез бўлиб туради. Энг катта кўли — Баяно. Асосий табиий бойликлари — мис, қизил дарахт, криветкалар.

Иқлими — тропик. Ўсимлик дунёсида банаут дарахти, тропик ўрмон дарахтлари ҳамда Панама кўрки ҳисобланган орхидеялар кенг тарқалган. Ҳайвонот олами ранг-баранг капалаклар (турлари сони 1100 га яқин), гигант капалакларининг беш тури (қанот узунлиги 15 см га етади), бундан ташқари, ўрмонларда ягуар, пума каби йиртқич ҳайвонлар мавжуд. Қушларнинг 850 тури, илон, чаён, ўргимчаклар ва турли ҳашаротлар кенг тарқалган. Тоғли ўрмон ҳудудларида кийиклар ҳам мавжуд.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — Президент Республикаси. Мамлакат 9 та провинциядан иборат. Панама 1903 йил 3 ноябрда ўз мустақиллигини эълон қилган (илгари Колумбия таркибида эди), шу сана унинг миллий Мустақиллик куни байрамига айланди. Давлат ва ҳукумат бошлиғи президент. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали — Қонунчилик Ассамблеясидан иборат. Йирик сиёсий партиялари — Демократик мухолифатчилар Ассамблеяси блоки, Арнульфист партияси, Лейбористлар партияси, Либерал республикачилар партияси, Панама халқ партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Саноатда ва қишлоқ хўжалигида ўсиш деярли сезилмаётган бир вақтда мамлакат иқтисодида банк секторининг фаол ривожланиши сезилмоқда. Саноат асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ишлов бериш ва

қайта ишлаш билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ЯММнинг 12% ини таъминлайди. Қишлоқ хўжалигида шоли, банан, донли ўсимликлар, қаҳва, шакарқамиш етиштирилади. ЯММ 1994 йилда 12,3 млрд. (аҳоли жон бошига — 4670) долл.ни ташкил этган.

Асосий савдо ҳамкорлари — АҚШ, Марказий Америка давлатлари, Япония, ЕҲ мамлакатлари.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 238 км, автомобиль йўллари — 8530 км, ички сув йўллари узунлиги — 800 км (шундан 82 км Панама каналига тегишли, ушбу канал Тинч океанни Атлантика океани билан боғлаб туради). Асосий портлари — Колон, Кристиобал, Панама.

Тарихи. 1502 йилда испанлар томонидан очилган Панама 1510 йилда Испания мустамлакасига айланди. 1513 йилда Панама бўйинини кесиб ўтиб, Тинч океан қирғоқларига биринчи бўлиб европалик Бальбао етиб борди. Ҳозирги Панама Перу вице-қироллиги, Янги Гренада, 1821 йилда испан ҳукмронлигидан озод бўлганидан сўнг Буюк Колумбия таркибига кириди. 1903 йилда Панама ўз мустақиллигини эълон қилди. 1904 йилда Панама ва АҚШ ўртасида Панама каналининг катта қисмини АҚШга топшириш тўғрисида шартнома имзоланди. 1965 йилда янги шартнома имзоланиб, унга кўра АҚШ Панаманинг Панама канали устидан суверен назоратини тан олди. 1968 йилда генерал О. Торрихос томонидан ўрнатилган ҳарбий тузум 16 йилдан сўнг, 1984 йилда фуқаролик ҳукумати қўлига ўтди. 1988 йилдан буён АҚШ ҳукумати томонидан наркотик молдалар савдо-сотиғида айбланаётган генерал Норьега давлат тўнтаришини амалга оширди. Бироқ Панамага АҚШ қўшинлари киритилди ва 1990 йилнинг январида Норьега уларга таслим бўлди.

ПАПУА — ЯНГИ ГВИНЕЯ

Расмий номи — Папуа — Янги Гвинея мустақил давлати. Пойтахти — Порт-Морсби. Ҳудуди — 462840 км². Аҳолиси — 5000000 киши (2001). Давлат тили — инглиз, шунингдек, папуас ва меланезия тили оиласига кирадиган 700 дан ортиқ маҳаллий тиллар

|| *мавжуд. Дини — протестантлик, аҳолининг 22% и католиклар. Пул бирлиги — кина.*

Географик жойлашуви ва табиати. Тинч океаннинг жануби-ғарбида Янги Гвинея оролининг шарқий қисми, шу билан бирга Бугенвиль ва Бука (Соломон) ороллари ҳамда Пуизиада ва Бисмарк архипелаги оролларидаги давлат. Янги Гвинея оролининг ғарбий қисмини эгаллаган. Индонезия билан чегарадош. Папуя — Янги Гвинея қирғоқларини шарқдан Соломон денгизи, жанубдан — Коралл денгизи, Торрес бўғози ва Папуя кўрфази, шимолдан — Бисмарк денгизи сувлари юшиб туради. Чегара чизигининг умумий узунлиги 820 км, қирғоқ чизиги узунлиги 5152 км. Мамлакат ҳудудида асосан қирғоқ олди текисликлари ва тоғлар билан бирга тоғ олди пасттекистикларидан иборат. Мамлакат ер ости қазилмаларига бой: булар: олтин, кумуш, мис, табиий газ ва ҳ. к. Бошқа табиий ресурслардан ёғоч (ҳудуднинг 71% и ўрмонлардан иборат) мавжуд.

Иқлими — нам субэкваториал. Ўсимлик дунёси жуда бой, бу ерда ўсимликларнинг 6872 тури мавжуд. Ҳайвонот дунёси халтали ҳайвонлардан иборат.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия, Британ Ҳамдўстлиги аъзоси. Мамлакат 19 провинция ва 1 пойтахт округидан иборат. Папуя — Янги Гвинея 1975 йил 16 сентябрда давлат мустақиллигини қўлга киритган бўлиб (илгари БМТ ҳомийлигида, Австралия умумий бошқаруви остида бўлган), шу кун унинг миллий байрами сифатида нишонланади. Қонунчилик инглиз умумий ҳуқуқига асосланган. Давлат бошлиги инглиз монархлари (қиролича Елизавета) томонидан тайинланадиган генерал-губернатор ҳисобланади. Ижро этувчи ҳокимият ҳукумат бошлиғи бўлган премьер-министрга тегишли. Олий қонун чиқарувчи орган — Миллий парламент. 20 та сиёсий партиялари ичида энг йириклари: Миллий демократик ҳаракат, Халқ партияси, Миллий прогрессив партия, Лангу пати, Бирлашган партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат табиий ресурсларга бой, бироқ улардан фойдаланиш ҳудудининг мураккаб рельефга эгаллиги ва зарур инфраструктуранинг шакланмаганлиги сабабли деярли тараққий этмаган. Саноат асосан олтин, кумуш ва мис қазиб олиш ҳамда пальма ёғини қайта ишлаш-

га ихтисослашган. Унумдор ерлар ва қулай иқлим қишлоқ хўжалигининг ривожланиши учун яхши омил ҳисобланади. Папуа — Янги Гвинея қаҳва, какао, пальма ёғи, кокос ёнғоқлари, каучук, чой каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилади. ЯММ 1994 йил 9,2 млрд. долларни ташкил қилган (аҳоли жон бошига 2200 доллар). Асосий савдо ҳамкорлари: Япония, Янги Зеландия, Австралия, Буюк Британия.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 19200 км, ички сув йўллари — 10940 км. Портлари: Лае, Порт-Морсби.

Тарихи. Янги Гвинея ороли 1526 йилда португалияликлар томонидан очилган бўлиб, ўз номини маҳаллий аҳоли африкаликлар билан ўхшаш бўлганлиги учун олган. 1828 йилда Голландия оролнинг ғарбий қисмини (1962 йилда Индонезияга ўтиб кетган) ўз мулки деб эълон қилди. Оролнинг шарқий қисми Папуа (ҳозирги Папуа — Гвинея ҳудуди) 1885 йилда иккига бўлинган бўлиб, шимоли-шарқий қисми немис протекторати, жануби-шарқий қисми эса Австралия томонидан қўшиб олинган ҳудудлардан иборат эди.

Иккинчи жаҳон уруши бошларида Австралия немис протекторатини босиб олди ва 1921 йили Миллатлар Лигаси томонидан унга шарқий Янги Гвинеяни бошқариш учун мандат берилди. 1973 йилда ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини қўлга киритган мамлакат Британия Ҳамдўстлигида аъзолигини сақлаган ҳолда 1975 йил 16 сентябрда мустақил Палуа — Янги Гвинея давлатига айланди.

ПАРАГВАЙ

Расмий номи — Парагвай Республикаси. Пойтахти — Асунсьон. Ҳудуди — 406752 км. Аҳолиси — 5700000 киши (2001). Давлат тили — испан. Дини — католиклар (90%), протестантлар (5%). Пул бирлиги — гуарани.

Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Американинг марказий қисмидаги давлат. Жанубда ва жануби-ғарбда Аргентина (чегара узунлиги 1880 км), шимолда ва шимоли-ғарбда Боливия (1290 км) давлатлари билан чегарадош. Чегараларининг умумий узунлиги — 3920 км. Мамлакат ҳудуди асосан текислик

лардан иборат. Асосий дарёси — Парагвай мамлакатни икки қисмга ажратиб туради. Шарқий ҳудудлари ўрмонзор тепаликлардан иборат Бразил текис тоғликлари туркумига киради. Гран Чано вилояти асосан паст ботқоқ дарё текисликларидан иборат. Асосий табиий бойликлари: темир рудаси, марганец, оҳақтош, ёғоч. Ишлов бериладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 20%, яйлов ва ўтлоқлар 39%, ўрмонлар ва даштзорлар 35% ини ташкил этади.

Иқлими — тропик. Парагвайнинг доимий яшил ўрмонлари ва даштзорларида дараукария, ербя каби дарахтлар ўсади. Фарба пальма ўрмонзорлари кенг тарқалган. Ёввойи апельсин дарахтлари ҳам кўплаб учрайди, ҳайвонот дунёси жуда бой. Бу ерда пума, ягуар, бўри, ботқоқ буғуси, чумолихўр, суб свиннаси ва ҳоказолар бор.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президентлик республикаси. 19 департаментдан ташкил топган. Парагвай 1811 йил 14 майда мустақилликка эришган (илгари Испанияга қарашли ҳудудлар бўлган). Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали (Сенат ва депутатлар палатаси) Бош Ассамблея амалга оширади. Энг йирик сиёсий партиялари: Миллий республика ассамблеяси, Колорадо партияси, Ҳақиқий либерал-радикал партия, Инқилобий лейбористик партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Ишга яроқли аҳолининг ярми банд бўлган қишлоқ хўжалиғи ва ўрмончилик мамлакат экспортининг катта қисмини таъминлайди. Асосий экспорт маҳсулотлари — пахта, қаҳва, шакарқамиш. Чорвачилик ҳам ривожланган. Саноат асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ва ёғочни қайта ишлашга асосланган. Парагвай йирик гидроэнергетик салоҳиятга эга. XX асрнинг 90-йиллари бошларида Парагвайнинг Аргентина, Бразилия ва Уругвайларни ўз ичига олган Умумий бозорнинг жанубий бўлимига қўшилиши региондаги иқтисодий фаолликнинг ошишига ижобий таъсир кўрсатди. Асосий савдо ҳамкорлари: Бразилия, ЕҲ, АҚШ, Аргентина.

Темир йўлларининг умумий узунлиғи — 1,3 минг км, автомобиль йўллари — 11,3 минг км, ички сув йўллари — 3100 км. Асосий порт — Асунсьон.

Тарихи. Гуарани ҳинду қабилалари яшовчи Парагвай ҳудуди 1515 йилда Диас де Соли томонидан кашф қилинган эди. 1525 йили Диего Гарсиа томонидан мамлакат ўрганилгандан сўнг Парагвай Перу вице-қироллиги таркибига кирган испан мустамлакасига айланди. 1610 йилда Испаниядан келган иезуитлар 1767 йилга қадар мавжуд бўлган ўзига хос давлат ичидаги давлатни ташкил қилишди. 1811 йилда Парагвай испан мустамлакачиларига қарши курашда ғалаба қозониб, мустақилликка эришди. Мамлакат президенти Салоно Лопес 1865 йилда Парагвайни Аргентина, Бразилия ва Уругвайга қарши қонли урушга тортди. Бунинг оқибатида Уругвай ўз ҳудудларининг катта қисмидан маҳрум бўлди. 1928 йилда Чано провинциясида нефть конларининг очилиши Боливия давлати билан 1950 йилгача давом этган ҳарбий тўқнашувга сабаб бўлди. 1954 йилда Парагвайда генерал Стресснернинг ҳарбий диктатураси ўрнатилди. 1989 йилдаги давлат тўнтариши оқибатида генерал Стресснер генерал Бодриж томонидан афдарилиб, ҳокимият фуқаролик ҳукумати қўлига топширилди.

ПЕРУ

Расмий номи — Перу Республикаси. Пойтахти — Лима. Ҳудуди — 1285215 км². Аҳолиси — 26100000 киши (2001). Давлат тили — испан, кечуа ва аймара. Дини — католик. Пул бирлиги — нуэво соль.

Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Америка континентининг ғарбий қисмида жойлашган давлат. Шимолда Колумбия (чегара узунлиги — 2900 км) ва Эквадор (1420 км), шарқда Бразилия (1506 км) ва Боливия (900 км), жанубда Чили (160 км) давлатлари билан чегарадош. Ғарбда мамлакат қирғоқлари Тинч океан билан туташган. Чегараларининг умумий узунлиги 6940 км, қирғоқ бўйлаб чегара узунлиги — 2414 км. Мамлакат ҳудуди равшан акс эттирилган уч топографик ҳудуддан ташкил топган. Шарқий қисми яхши ўрганилмаган. Амазонка ҳавзасида пастлик ўрмонзорлари ястаниб ётибди. Перу марказида баланд тоғ тизмаларидан иборат Анд тоғлари жойлашган бўлиб, унинг асосий тоғ занжирлари: Ғарбий Кордильера, Марказий Кордильера ва Шарқий Кордильерадир. Мамлакатнинг

ва Анд тоғларининг энг юқори нуқтаси — Оқ Кордельерада жойлашган Уаскаран (6768 км) тоғи. Перу Андларининг жанубида вулқонлар ҳам мавжуд. Уларнинг энг баланди Мисти (5822 км) вулқонидир. Энг йирик қўли қисман Перуга қарашли бўлган Титикакадир. Мамлакатнинг асосий дарёси Амазонка ва унинг Мараньон, Путумайло, Упаяли ирмоқлари. Перу бой ер ости қазилмаларига эга, улардан мис, тилла, кумуш, нефть, темир рудаси қазиб олинади, бошқа табиий ресурслардан ёғоч, балиқ ишлаб чиқарилади ва овланади.

Иқлими — ўзига хос уч топографик ҳудудга бўлинади (Коста, Сьерра, Сельва). Коста ҳудудлари иқлими нисбатан иссиқ ва қуруқ. Сьерра, Анд тоғ тизмаларидан ташкил топганлиги сабабли бу ерда доимий паст ҳарорат ҳукм суради. Сельва нам ва йил давомида иссиқликнинг тенг тақсимланганлиги билан тавсифланади. Ҳайвонот дунёси: Сьеррада ламалар, Сельвада ўрмонларида маймунлар, йиртқичлардан ягуар ва ацелотлар мавжуд. Бундан ташқари, кўпгина заҳарли ва бўғма илонлар мавжуд бўлиб, улар ичида дунёдаги энг йирик илон — анаконда ҳам бор.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 24 та департаментга бўлинган бўлиб, бундан ташқари, унинг таркибига битта конституциявий провинция киради. Перу 28 июл 1821 йилда мустақилликка эришди. Илгари — Испания мустамлакаси. Миллий байрами — мустақиллик куни. Конституциянинг амал қилиши 5 апрель 1992 йилда тўхтатилди. Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва Министрлар Кенгаши бошлиғи, премьер-министр қўлида жамланган. Олий Қонунчилик органи — Конгресс (икки палатали парламент) 1992 йил 5 апрелда тарқатиб юборилган. Йирик сиёсий партиялари: «Янги кўпчилик» — Ўзгариш 90, Христиан демократик партия, Халқ ҳаракати.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Банк иши, энергетика ва тоғ-кон саноатида давлат улуши йирик, бироқ мамлакат иқтисоди кўпроқ бозор муносабатларига мослаштирилиб бормоқда. ЯММ 1994 йилда 73,6 млрд. (аҳоли жон бошига — 3,110) долл.ни ташкил этган. Асосий саноат тармоқлари — қазиб олувчи (нефть ва нефть маҳсулотлари, кўрғошин, рух, тозаланган кумуш (Перу кумуш қазиб олиш бўйича

дунёда учинчи ўринда туради), мис — асосий экспорт маҳсулотлари, бундан ташқари, автомобилсозлик ва кемасозлик саноатлари ривожланган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Япония, Колумбия, Аргентина.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 1801 км, автомобиль йўллари — 69,942 км, ички сув йўллари — 8800 км га яқин. Мамлакатнинг асосий портлари — Кальяо, Талара, Сан-Николас, Чимботе.

Тарихи. Замонавий Перу ҳудуди 1531—1536 йилларда Писарро бошчилигидаги испан конкистадорлари томонидан босиб олинган инклар империяси маркази эди. 1543 йилда Жанубий Америкадаги барча испан мустамакаларини ўз ичига олган Перу вице-қироллиги ташкил этилди. 1821 йилги миллий-озодлик ҳаракатлари мустақиллик эълон қилинишига олиб келган, бироқ 1825 йилда мустақил Боливия давлати номини олган мамлакатнинг юқори қисми ажралиб чиқди. Тинч океан урушлари (1879—1883) оқибатида Боливия ва Чилига қарши урушган Перу ўз ҳудудининг селитра конлари жойлашган қисмини бой берди. 1990 йилда Перу президенти этиб сайланган, япон оиласидан чиққан А. Фукимори мамлакатда қатъий иқтисод тизимини ўрнатиб, 1992 йилда парламентни тарқатиб юборди ва Конституциянинг амал қилинишини тўхтатди. 1998 йилда Эквадор билан чегара муаммолари ҳал этилди. 2000 йили А. Фукимори Японияга қочиб кетди ва истеъфога чиқди.

ПОКИСТОН

Расмий номи — Покистон Ислом Республикаси. Пойтахти — Исломобод. Ҳудуди — 796095 км². Аҳолиси — 145000000 киши (2001). Давлат тили — урду ва инглиз. Дини — ислом. Пул бирлиги — покистон рупияси.

Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Осиёдаги давлат. Шарқда, шимоли-шарқда ва жануби-шарқда Ҳиндистон (чегара узунлиги 2,912 км), шимолда Афғонистон (2430 км), ғарбда Эрон (909 км) давлатлари билан чегарадош. Мамлакатнинг жанубий қисми Арабистон денгизи билан туташиб кетган. Қуруқликдаги чегараларининг умумий узунлиги — 6251 км, қирғоқ чизиғи узунлиги — 1046 км. Покистон Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир вилоятлари хусусида кўшни давлати

Ҳиндистон билан кураш олиб бормоқда. Шарқда ва жануби-шарқда Ҳинд дарёси ҳавзасининг текисликлари жойлашган. Шимолда ва шимоли-ғарбда Ҳимолай тоғи тик қоялари ҳамда баландлиги 7690 м бўлган Ҳиндиқуш тоғ тизмаси ястаниб ётибди. Мамлакатнинг ғарбий қисмини Сулаймон, Табакакар, Макрон, Киртхор тоғ тизмалари билан Белужистон ясси тоғлиги эгаллаган. Асосий дарёси Ҳинд ва унинг ирмоқлари. Покистон табиий газнинг салмоқли захираларига эга бўлиб, фойдали қазилмалардан мис, нефть, кўмир, темир рудаси ҳам қазиб олинади.

Иқлими — муссон, мамлакат ҳудудининг катта қисмида тропик-континентал. Ўсимликлар дунёси бирмунча бой ҳисобланади. Ҳайвонот дунёсида йирик сўт эмизувчи ҳайвонлар кўп эмас. Табиати учун ёввойи тоғ эчкилари, тўнғизлар ва ёввойи қўйлар ҳамда текисликларда ёввойи эшаклар (хачирлар) хос. Маймунлар кўп, сиртлонлар ҳам учраб туради, бундан ташқари, белужистон тулкиси, қашқирлар ва шақоллар кенг тарқалган. Қушлардан бургут, тустовуқ, тўтилар ҳам кўп.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президентлик республикаси. Мамлакат таркибига 4 та провинция (Белужистон, Шимоли-ғарбий Чегара, Панжоб, Синдх), қабилалар ҳудуди ва пойтахт Федерал ҳудуди киради. Жамму ва Кашмир низоли ҳудудларининг шимолий қисмида Покистон бошқаруви ўрнатилган. 1947 йил 14 августда Покистон давлат мустақиллигини қўлга киритди (илгари инглиз мустамакаси — Ғарбий Покистон). Миллий байрамлари: 14 август — Мустақиллик куни ва 23 март — Покистон куни. Ижро этувчи ҳокимият президентга (давлат бошлиғи) ва премьер-министр бошчилигидаги ҳукуматга тегишлидир. Қонун чиқарувчи ҳокимият президент ва икки палатали парламент (Сенат ва Миллий ассамблея) томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари: Покистон мусулмон лигаси, Жамоат-ул-Исломия, Покистон Халқ партияси, Миллий халқ партиялари, Покистон социалистик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Покистон сўнгги йилларда иқтисодни либераллаштириш, бир қатор давлат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқаришни ўз ичига киритган дастурни амалга ошириб келмоқда. Ҳукуматнинг савий-ҳаракатлари чет

эл ҳамда ички инвестициялар салмоғини оширишга қаратилган. Ишлаб чиқариш тармоғида асосан тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноатлари яхши ривожланган. Қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари: пахта, шоли (асосий экспорт маҳсулотлари), бугдой, қанд лавлаги, мева ва полиз экинлари маҳсулотлари, шунингдек, чорвачилик ҳам ривожланган. ЯММ 1994 йилда 248,5 млрд. (аҳоли жон бошига — 1,930) долл.ни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Япония, Гонконг, Германия, Буюк Британия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 8773 км, автомобиль йўллари — 101 315 км. Порт шаҳарлари — Гвадар, Карачи.

Тарихи. Замонавий Покистон ҳудудида м. а. 3—2 минг йилликларда дунёдаги энг қадимгилардан бири ҳисобланган Харапп цивилизацияси мавжуд бўлган. М. а. 1500 йилда Ҳинд цивилизациясини ташкил қилган орий қабилалари мамлакатнинг форслар томонидан босиб олингунига қадар бўлган Покистон тарихи ҳамда м. а. VI асргача бўлган Ҳиндистон тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. М. а. IV асрда Покистон Буюк Александр (Искандар Зулқарнайн) империяси таркибига кирган. Замонавий Покистон ҳудудида ислом дини VIII асрда тарқала бошлади. Темурийлар, Бобур Мирзо ва унинг авлодлари (1526—1857) даврида эса Шимолий Ҳиндистоннинг мусулмон ҳукмдорлари бошқаруви ҳинд князликларининг катта қисмига тарқалди. XIX асрда Ҳиндистон ҳудуди инглиз қўшинлари томонидан босиб олиниб, Британ Ҳиндистони мустахлакаси таркибига кирди. 1885 йилда ҳиндлар томонидан Ҳиндистон Миллий конгрессини ташкил этиш жараёнига қўшилмаган мусулмонлар 1940 йилда автоном мусулмон давлатини ташкил этиш талаби билан чиққан ва ўзларининг Ҳинд мусулмонлари лигасини ташкил қилишган. 1947 йилда Ҳиндистон мустақилликка эришгандан сўнг Покистон давлати шу йили ташкил этилиб, 1956 йилда эса янги қабул қилинган конституциясига асосан Покистон Ислом Республикаси деб эълон қилинди. Покистон ва Ҳиндистон ўртасида қуроли тўқнашувлар бошланди. 1965 ва 1971 йилларда ҳинд қуроли кучлари Покистоннинг шарқий қисмини ишғол қилганидан сўнг 1974 йилда шу ҳудудда мустақил Бангладеш

давлати ташкил этилди. Шу билан бирга Покистон Ҳиндистон билан Жамму ва Кашмир штатлари хусусида ҳам баҳс олиб бормоқда. 1977 йилда ҳарбий тўнтариш оқибатида мамлакатда ҳокимият тепасига генерал Зиё ул-Ҳақ келди. Зиё ул-Ҳақ вафотидан сўнг 1988 йилда Покистонда эркин парламент сайловлари ўтказилиб, уларда Беназир Бхутто бошчилигидаги Халқ Партияси ғалаба қозонди. 1990 йилда мамлакат президенти Исҳоқ Хон муддатидан илгари парламент сайловларини белгилаб, унда Ислох демократик альянси ғалаба қозонди.

ПОЛЬША

Расмий номи — Польша Республикаси. Пойтахти — Варшава. Ҳудуди — 312683 км². Аҳолиси — 38600000 киши. Давлат тили — поляк. Дини — католик. Пул бирлиги — злотий.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Европа давлати. Жанубда Чехия (чегара узунлиги — 790 км) ва Словакия (539 км), шарқда Украина (529 км), Белорусь (416 км) ва Литва (103 км), ғарбда Германия (416 км), шимолда Россия (Калининград области, 210 км) давлатлари билан чегаралаш. Шимолда мамлакат Болтиқ денгизи билан туташган. Чегарасининг умумий узунлиги — 3582 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 788 км. Мамлакат ҳудуди асосан текисликда жойлашган, мамлакатнинг 2/3 қисмига яқини Польша пасттекислигида ястаниб ётибди. Польша Шимолида Болтиқ тизмаси жойлашган. Жанубда ва жануби-шарқда Кичик поляк ва Люблин тепаликлари ястаниб ётади. Жанубий чегара бўйлаб Карпат ва Судет тоғлари чўзилиб кетган. Мамлакатнинг энг юқори нуқтаси — Рисий тоғи (2499 м). Асосий дарёлари — Висла ва Одер. Мамлакат шимолида кўлллар кўп. Польшада кўмир, табиий газ, мис, кумуш ва қўрғошин конлари мавжуд. Ҳайдаладиган ерлар ҳудуднинг 46% ини эгаллаган, ўрмон ва даштзорлар — 28%, ўтлоқ ва яйловлар — 13%.

Иқлими — континентал. Мамлакат ҳудудининг чорак қисми ўрмонлардан иборат. Польша ҳудудининг 58000 гектарини эгаллаган Беловежск Пушчаси ўрмони, ёнғойи ўрмонлар, флорасини яхши сақлаб қол-

ган, ўзига хос миллий кўриқхона ҳисобланади. Ҳайвонот дунёсида ёввойи тўнғиз, буғу, сиртлон, ёввойи мушук, кийик ва тоғли ҳудудларда қўнғир айиқ, бўри каби жониворларни учратиш мумкин. Беловежск Пушчасида ҳайвонот дунёсининг ноёб намунаси бўлган зубрлар, яъни Европа бизони сақланиб қолган.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. 1998 йилда Польшада маъмурий бошқарув қайта тузилиб, илгариги 49 та воеводалик ўрнига 1999 йил 1 январдан бошлаб мамлакат таркибига 16 та воеводалик киритилди. Польша мустақил республика сифатида 1918 йили 11 ноябрда эълон қилинди. Миллий байрам 3 май — Конституция куни (1791). Ижро этувчи ҳокимият президентга (давлат бошлиғи) ва Министрлар Кенгаши раҳбари премьер-министрга тегишли. Олий қонун чиқарувчи орган икки палатали парламент (Миллий йиғин): юқори палата (сенат) ва қуйи палата (Сейм)дан ташкил топган. Сиёсий партиялар: Демократик уния, Христиан миллий бирлиги, Келишув марказ, Мустақил Польша конфедерацияси, Либерал демократик конгресс, Польша деҳқон партияси, Польша республикаси социал-демократияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. XX асрнинг 90-йилларида иқтисодий ислохотларнинг ўтказилиши бозорни барқарорлаштириш, миллий валютани мустаҳкамлаш ва давлат бюджети дефицитини камайтириш ҳамда ташқи қарзнинг ўсишини тўхтатиш имконини берди. ЯММ 1994 йили 191,1 млрд. (аҳоли жон бошига — 4990) долл.ни ташкил қилди. Саноат ва қурилишда ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигига эришилди. Саноатнинг ривожланган соҳалари — машинасозлик, кemasозлик, металлургия, кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик. Ишлаб чиқариш тизимининг ўзгартирилиши, модернизация қилиниши ва ҳукумат томонидан экологик дастурларнинг бажарилиши сўнгги йилларда атроф-муҳитнинг сезиларли яхшиланишига олиб келди. Қишлоқ хўжалигида хусусий сектор устундир. Польша жавдар, буғдой, картошка, рапс маҳсулотларининг йирик етиштирувчиларидан бири. Чорвадорлик анча ривожланган. Иқтисодий жонланиш бандлик бозоридаги аҳволни бирмунча яхшилади, ammo ишсизлар сони ҳали ҳам юқори ҳисобланади. Иқтисодий ҳамкорлари: Германия, Голландия, Италия, Россия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 24313 км (11613 км электрлаштирилган), автомобиль йўллари — 352802 км, ички сув йўллари — 3997 км. Асосий порт шаҳарлари: Гданьск, Гдиня, Шчецин.

Тарихи. V асрда замонавий Польша ҳудудига ғарбий славян қабилалари (поляклар, висланлар, мазовшан, померанлар) кириб келиб, ўтроқ ҳаёт тарзига ўтишди. IX асрда Пястлар династияси атрофида Польша князларининг бирлашуви бошланди. X асрда христиан динини қабул қилган ва тарқатган қирол Мешко I томонидан поляк ерлари ҳудуди кенгайтирилди. Унинг ўғли Болеслав I Богемия, Моравияни ҳамда Словения ва Киев князлиги ерларининг бир қисмини босиб олган, бироқ унинг ҳукмдорлик давридан сўнг Польша қироллиги инқирозга юз тутиб, бу тушкунлик XIV аср бошларигача, Казимир III Буюк Польша қироллиги қудратини тиклашга қадар давом этди.

1384 йилдаги Польша қироличаси Ядвига ва Литва буюк князи Владислав II Ягайло ўртасида тузилган никоҳ Польша қиролларининг янги Ягайлолар сулоласига асос солди. 1410 йилда Грюнвалд ёнидаги жангда Тевтон рицарларини тор-мор қилган Польша ва Литва Буюк князлиги бирлашган қўшинларига бошчилик қилди. 1569 йилда Польша ва Литва Буюк князлигини ягона давлат — Речь Посполитага бирлаштирган Литва униясини имзолади. Иқтисодий ва маънавий ўсиш давридан сўнг Польша XVI—XVII асрларда бир неча урушларни (Россия, Швеция, Туркия билан) бошдан кечириш билан бир қаторда ички ихтилофларни ҳам бартараф қилинганга тўғри келди ва оқибатда давлат заифлашиб, 1772 йилда Россия, Пруссия ва Австрия ўртасида бўлиб олинди. Иккинчи (1793 йил) ва учинчи (1795 йил) бўлинишдан сўнг Польша давлат сифатида барҳам топди. 1807—1814 йилларда Наполеон Бонапарт мамлакат ҳудудининг бир қисмида Польшанинг тўртинчи бўлинишидан сўнг (1815) Россия империяси таркибига қўшилган Варшава Буюк Князлигини ташкил этган, нисбий мухториятдан фойдаланган Краков республикаси эса Австро-Венгрия империясининг бир қисмига айланди. XIX асрда поляклар бир неча мартаба қўзғолон кўтардилар (1830—1831, 1846, 1848, 1863—1864), аммо уларнинг барчаси чор Россияси тузуми томонидан шифқатсизлик билан бостирилган.

Биринчи жаҳон уруши даврида Пильсудский томонидан ташкил этилган Польша ҳудуди Австро-Венгрия тарафида Россия қўшинларига қарши жангларда иштирок этган. 1916 йилда Германия ва Австрия босиб олинган зоналарнинг бирлашгандан ҳамда Польшанинг бўлинишида иштирок этган барча давлатларнинг мағлубиятга учрагандан сўнг, 1918 йилда Польша мустақиллиги эълон қилинди. 1919 йилнинг январида эса Пильсудский бошчилигида мустақил ҳукумат ташкил этилди. 1939 йил 1 сентябрда Польшанинг ғарбий қисми немис қўшинлари томонидан босиб олинса-да, шарқий қисми Совет Иттифоқи томонидан 1939 йил 17 сентябрда қўшиб олинган. 1945 йили мамлакат озод қилингандан сўнг ҳокимият тепасига ишчи партияларининг «Демократик блок»и келди. 1947 йилда улар ягона ишчи партиясига бирлашиб, 40 йилдан зиёд давр мобайнида Польшада ҳукмронлик қилди. 1990 йилда илк эркин сайловлар ўтказилди. Унда Лех Валенса ғолиб чиқиб, мамлакат президенти бўлди. У «Солидарность» касаба уюшмаси етакчиси бўлиб, 1980 йилдан бошлаб ҳукмрон синфга қарши чиқа бошлаган. 1995 йилда сўл қанот партиялари вакили Польшада демократик ислохотлар ўтказилиши таклифи билан чиқди. С. Квасьневский давлат бошлиғи этиб сайланди. 2005 йилги президентлик сайловларида Л. Качиньский ғолиб чиқди.

ПОРТУГАЛИЯ

Расмий номи — Португалия Республикаси. Пойтахти — Лиссабон. Ҳудуди — 91985 км². Аҳолиси — 10000000. Давлат тили — португал. Дини — католиклар (97%), протестантлар. Пул бирлиги — евро.

Географик жойлашуви ва табиати. Пиреней ярим оролида жойлашган жануби-ғарбий Европадаги давлат. Атлантика океанидаги Азор ва Мадера ороллари ҳам Португалияга тегишли ҳисобланади. Шарқда ва шимолда Испания билан чегаралош. Ғарбда ва жанубда Атлантика океани сувлари унинг қирғоқларини ювиб туради. Чегараларининг умумий узунлиги — 1214 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 793 км. Португалиянинг шимолий ва шимоли-шарқий қисми тоғлар билан тугалланган. Асосий тоғ тизмаси — Серра-де-Эштрела. Мамлакатнинг энг юқори нуқтаси — Эштрела

(1551 м) тоғи. Португалиянинг маркази ва жанубида ясси тоғликлар ва тепаликлардан иборат Португал паст-текислиги ястаниб ётади. Асосий дарёлари: Дору (Духро), Тежу (Тахо), Гвадиана. Қазилма бойликлардан темир рудаси, уран рудаси, вольфрам, табиий бойликлардан эса мрамор, ёғоч мавжуд. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 32%, ўрмонлар ва даштлар 40% ини эгаллаган.

Иқлимга Атлантика океанининг таъсири кучли. Ўсимлик дунёси дарахларга бой — асосан йирик баргли ва нинабаргли дарахлардан иборат. Ҳайвонлардан бўри, тулки ва бошқалар учрайди.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 22 та округга бўлинган. Португалия 1143 йилда мустақилликка эришиб, 1910 йили 5 октябрда республика деб эълон қилинди. Миллий байрами 10 июн — Португалия кун. Ижро этувчи ҳокимият президентга (давлат бошлиғи) ва премьер-министрга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали Республика Йиғини томонидан амалга оширилади. Мамлакатда 18 та сиёсий партия рўйхатга олинган. Уларнинг энг йириклари: Португалия социал-демократик партияси, Социалистик партия, Португалия коммунистик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Португалия Европа Ҳамдўстлигига аъзо бўлиб кирганидан буён сўнгги ўн йилликда кучли иқтисодий ўзгаришни бошдан кечирди. Бироқ Европа Ҳамдўстлиги аъзолари ичида аҳолининг яшаш даражаси ҳали ҳам паст бўлиб қолмоқда. Саноатнинг энг ривожланган соҳалари: металлга ишлов бериш, кимё, нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, балиқни консервалаш, виночилик. Туризмдан тушадиган маблағ давлат бюджетининг катта қисмини ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигида меҳнатга яроқли аҳолининг 20% и банд бўлиб, асосий етиштириладиган маҳсулотлар: донли экинлар, картошка, узум, шунингдек, чорвачилик ривожланган. ЯММ 1994 йилда 107,3 млрд. (жон бошига 10190) долл.ни ташкил этди. Савдо ҳамкорлари — ЕҲ мамлакатлари, АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 3613 км, автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 73661 км, ички сув йўлларининг узунлиги — 820 км. Мамлакатнинг йирик портлари: Лиссабон, Порту, Сетубал.

Тарихи. Ибериялик лузитан қабилалари яшаган замонавий Португалия ҳудудлари м. а. I асрда Рим империяси таркибига кирган. V—VII асрларда қадимги Рим империясидан сўнг Лузитания, Провинсия вандаллар ва вестготлар босқинига дучор бўлди. 713—718 йилларда мамлакат араблар томонидан босиб олинди. 1095 йилда ташкил топган Португалия графлиги аста-секинлик билан маврлар (араблар) босиб олган ҳудудларни қайта ишғол қилди. 1493 йилда Алфонсо I бошчилигида мустақил Португалия қироллиги ташкил топди ва арабларга қарши кураш давом этди. V асрда мамлакатда ҳокимият тепасига Авишлар сулоласи келган даврда Португалия йирик денгиз флотига эга бўлган давлатга айланди. XV аср охирилари ва XVI аср бошларида португалиялик денгизчилар (Диаш, Васко да-Гама, Кабрал ва бошқалар) бир қатор географик кашфиётлар қилишган, аммо Португалия том маънодаги Испания ва Буюк Британия каби империяга айлана олмади. XVI асрнинг иккинчи ярмида Португалия монархияси заифлашиб, 1580 йилда испан ҳукмронлиги остига тушиб қолди. 1840 йилгача, яъни Ремельс ташаббуси билан мамлакатдан испанлар қувилиб, қирол тахтига Бруганса сулоласи асосчиси Жуан VI ўтиргунига қадар, 1668 йилда Португалия янгидан мустақил давлат деб эълон қилинди. Бироқ 1703 йилги Англия билан тузилган шартнома идора қилиш иттифоқ муносабатларини ўрнатишни назарда тутиб, Португалия унинг таъсирида XX асргача яшади. Наполеон урушлари даврида қирол сулоласи Португалиянинг Бразилиядаги колонияларининг бирига қочиб ўтиб, у ерда Португалия француз қўшинларидан озод қилингунига қадар истиқомат қилди. 1822 йилда монарх тахтга қайтганидан сўнг мамлакатнинг сиёсий ҳаёти беқарор бўлиб, қирол ҳокимияти тарафдорлари ва сентабриетлар (республикачилар) ўртасидаги доимий кураш билан тавсифланди. 1910 йилда Португалия Республика деб эълон қилинди, бироқ 1932 йилда қатъий авторитар бошқарувиغا асосланган Эстадо Набо (Янги давлат) тузумини эълон қилган Салазар диктатураси ўрнатилди. 1968 йилда Салазар ўрнига келган М. Каэтану унганча мавжуд бўлган сиёсатини давом эттирди, бироқ 1974 йил 25 апрелда генерал Спинола бошчилигидаги бир гуруҳ офицерлар томонидан афдарилди. Шундан сўнг мамлакатда муҳим ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар рўй берди.

ПУЭРТО-РИКО

Расмий номи — Пуэрто-Рико Ҳамдўстлиги. Пойтахти — Сан-Хуан. Ҳудуди — 9100 км². Аҳолиси — 3900000 киши (2001). Давлат тили — испан, инглиз. Дини — католиклар (85%), протестантлар (10%), вуду. Пул бirlиги — АҚШ доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Ҳамдўстлик Пуэрто-Рико, Вьекас, Кулебра, Мона ва бошқа Катта Антиль ороллари архипелагида, Шимолий ва Жанубий Америка ўртасида жойлашган. Шимолда Атлантика океани, жанубда Кариб денгизи билан туташган. Ороллар тоғли ҳудудлардан (энг баланд чўққиси — 1338 м) иборат, zilзилалар бўлиб туради.

Иқлими — тропик, пассатли. Орол шимолида аралаш ўрмонзорлар, жанубда чангалзорлар мавжуд. Ҳайвонот олами кўршаналак, судралиб юрувчилар, моллюскалардангина иборат.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — АҚШнинг маъмурий-ҳудудий бирлиги. Давлат бошлиғи — АҚШ президенти. Маъмурий жиҳатдан Пуэрто-Рико 8 та округга бўлинади. Сиёсий партиялари: Халқ демократик партияси, Давлат республика партияси, Янги прогрессив партия, Пуэрто-Рико мустақиллиги партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодиёт асосини қайта ишлаш саноати ташкил этади. Енгил, озиқ-овқат, нефтни қайта ишлаш корхоналари мавжуд. Машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, туризм ривожланган. Кема қатновига яроқсиз тезоқар дарёлари мавжуд. Марганец ва темир рудаси захираларига эга. Йирик шаҳарлари: Байамон, Понсе. 16 та АҚШ ҳарбий базалари жойлашган. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ (70% дан ортиқ экспорти ва 50% импорти), Япония, Венесуэла, Доминикан Республикаси.

Тарихи. 1493 йил 19 ноябрда Х. Колумб томонидан кашф қилинган ва Испания мулки деб эълон қилинган. 1508 йили Колумб томонидан орол губернатори этиб тайинланган Хуан Понс де Лейн биринчи шаҳарга асос солди. 1898 йили Испания — АҚШ уруши натижасида Пуэрто-Рико Қўшма Штатлар мулкига

айланди. 1917 йили орол аҳолиси АҚШ фуқаролигига эга бўлди. 1952 йилдан Пуэрто-Рико ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга «эркин қўшилган» давлат.

РЕЮНИОН

(Реюньон)

Расмий номи — Реюнион (Реюньон) (Франциянинг денгиз ортидаги департаменти). Пойтахти — Сен-Дени. Ҳудуди — 2502 км². Аҳолиси — 721000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — ислом, христианлик (католиклар), буддавийлик, ҳиндуийлик. Пул бирлиги — француз франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Реюнион — Малагаскардан шарқда жойлашган Ҳинд океанидаги вулқонли орол.

Иқлими — тропик. Оролнинг жануби-ғарбий қисми чўл-биёбонлардан иборат. Шимоли-шарқий томонида ҳинд хурмоси, темир ва зайтун дарахтлари, дарахтсимон папоротниклар ва пальмалар ўсади.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — Франциянинг денгизорти департаменти. Оролни Франция томонидан тайинланадиган префект бошқаради. Ўз-ўзини бошқариш органлари — Бош ва Минтақавий кенгашлар. Ҳудудий жиҳатдан икки округга бўлинади. Сиёсий партиялари: Коммунистик партия, Демократик ташкилотлар.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Қурилиш маҳсулотлари, шакар ишлаб чиқариш заводлари, консерва корхоналари фаолият кўрсатади. Балиқчилик ва овчилик ривожланган. Шакарқамиш, ваниль ва бошқа экинлар етиштирилади. Мамлакат иқтисодиётида туризм ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Импорт: истеъмол ва саноат маҳсулотлари. Экспорт: шакар, ваниль, ёронгул ёғи ва бошқалар. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция ва ЕҲ мамлакатлари.

Асосий порти — Ле-Пор.

Тарихи. Орол 1513 йил португаллар томонидан очилган ва бунгача бу ер кимсасиз бўлган. Реюнионнинг географик жиҳатдан қулай (Европа ва Африка ўртасидаги денгиз савдо йўлида) жойлашганлиги ривожланишини таъминлади. 1869 йил Сувайш канали-

нинг ишга туширилишига қадар орол стратегик жиҳатдан аҳамияти юқори эди. 1642 йили француз денгизчиларининг оролга тушиши натижасида орол Францияга қўшиб олинди ва Бурбон деб номланди. XVII аср охирида қаҳва плантацияларида ишлатиш учун Мадагаскардан қуллар олиб келинди. Франциянинг республика деб эълон қилиниши билан орол номи Реюнион деб ўзгартирилди. 1946 йил мартида Реюнион «денгизорти департаменти» мақомини олди.

РОССИЯ

Расмий номи — Россия Федерацияси. Пойтахти — Москва. Ҳудуди — 17075000 км². Аҳолиси — 145000000 киши (2002). Давлат тили — рус. Дини — православ (бундан ташқари ислом, католик, иудаизм, буддизм динларига эътиқод қилувчилар ҳам мавжуд). Пул бирлиги — рубль.

Географик жойлашуви ва табиати. Европа ва Осиё қитъаларида жойлашган давлат. Жанубда ва жануби-ғарбда Хитой (чегара узунлиги — 36456846 км), Монголия (3441 км), Грузия (723 км) ва Озарбайжон (284 км), жануби-ғарбда Украина (1567 км), ғарбда Финляндия (1313 км), Белорусь (959 км), Эстония (290 км), Латвия (217 км) ва Норвегия 167 км) давлатлари билан чегарадош. Россиянинг Калининград вилояти Болтиқбўйидаги Польша (432 км) ва Литва (227 км) билан чегарадош. Шу билан бир қаторда Россияга Янги ер ороллари, Шимолий ер, Войгач, Франц-Иосиф ерлари архипелаги, Янги Сибирь ороллари, Шимолий Муз океанидаги Врангель ороли, Курил ороллари (Курил ороллариининг бир қисми — Итуруп, Кунашир, Шикотан, Хабомаи ороллари учун Япония баҳс олиб бормоқда) ва Тинч океанидаги Сахалин ороли қарашлидир. Россия қирғоқлари шарқда Япон, Охота ва Беринг денгизи ҳамда Беринг бўғози сувлари, шимолда Баренц, Карск, Чукотка ва Шарқий Сибирь денгизи, Лаптевлар денгизи, жанубда Қора ва Азов денгизлари, ғарбда Болтиқ денгизи ва Фин бўғози билан тутшиб кетган. Чегараларининг умумий узунлиги — 20139 км. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 37653 км. Россия Федерацияси майдон жиҳатдан дунёдаги энг йирик давлат ҳисобланади. Ғарбда дунёдаги

текисликларнинг энг йириги — Шарқий Европа текислиги ястаниб ётибди. Россиянинг деярли бутун Европа қисми жойлашган шимоли-ғарбида (энг баланд нуқтаси 1191 км) Хибин тоғлари, жанубда Кавказ тоғлари бор. Кавказ тоғларида мамлакат ва Европанинг энг баланд нуқтаси Эльбрус (5642 м) чўққиси жойлашган. Текислик майдонлари ўртача олганда денгиз сатҳидан 170 м баландликда жойлашган. Бу ҳудудда Ўрта Русь, Валдай. Волга баландликлари жойлашган. Жанубда ва жануби-шарқда Қора денгиз бўйлари ва Каспий денгиз бўйлари пасттекисликлари мавжуд. Уралдан шарқда майдонларининг баландлиги 1894 м бўлган йирик ботқоқлик ҳудудларига эга Ғарбий Сибирь текислиги ястаниб ётибди. Енисей ва Лена дарёлари орасида ўртача баландлиги 500—700 метр бўлган ҳамда баъзи ҳудудларида тоғли массивлар қад кўтарган Ўрта Сибирь тоғ текислиги жойлашган. Ҳудуднинг энг юқори майдони — Путоряня ясси тоғлиги (баландлиги 1701 м). Тоғ текисликнинг жанубида Ғарбий ва Шарқий Саян тоғ тизмалари қад кўтарган. Шарқда тоғ текисликлари Марказий Ёқут текислиги билан алмашинади. Лена дарёси ҳамда Тинч океан қирғоқлари орасида тоғ тизмалари ва тоғ текисликларидан иборат бўлган Шимоли-Шарқий Осиё ҳудуди жойлашган. Мамлакатнинг шарқий қисми, йирик дарёларнинг воҳаларини ҳисобга олмаганда, тоғлик ҳудудлардан иборат. Камчатка ярим оролида 120 та вулқон бўлиб, улардан 23 таси фаолдир. Улардан энг йириги — Ключевская Сопка вулқони (баландлиги 4750 м). Мамлакатнинг йирик дарёлари — Волга, Шимолий Двина, Дон, Иртиш, Обь, Ангара, Енисей, Лена, Амур. Йирик кўллари — Каспий денгизи дунёда майдон жиҳатидан энг йириги (376000 км²), Байкал — дунёдаги ҳажми (23000 км³) ва чуқурлиги (1620 м) бўйича энг йирик кўлдир. Россия турли-туман қазилма бойликларининг йирик захираларига эга. Уларнинг ичида энг асосийлари — нефть, газ, темир, кўмир, олтин ва бошқа стратегик қазилма бойликларидир. Мамлакат ҳудудининг йириклигига қарамай қишлоқ хўжалигида ерларнинг нисбатан оз қисмидан фойдаланилади. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 8% ини ташкил қилади. Ҳудуднинг катта қисми доимий музлик зонасига тўғри келади.

Иқлими — мамлакатнинг катта қисми мўтадил иқлим доирасида. Шимолининг чекка ҳудудлари ва шимолий ороллар арктик иқлимга яқин. Мамлакатнинг деярли бутун ҳудудида континентал иқлим ҳукм суради. Россия ҳудудининг катта қисми ўрмонлар билан қопланган. Бу ўрмонларда арча, пихта, кедр, эман, оқ қайин ва ҳоказо дарахтлар ўсади. Арктика кенгликларида замбуруғлар, қутб полалари, ива, ольха каби ўсимликлар ва дарахтлар ўсади. Мамлакат фаунаси бой ва ранг-барангдир. Арктика ва тундра ҳудудларида шимолий бугу, қутб қуёни, тюленлар, моржлар, оқ айиқлар кенг тарқалган. Тайгада айиқ, силовсин ва ҳоказолар бор. Узоқ Шарқ ўрмонларида айиқ, «Қизил китоб»га киритилган ва кам сонли бўлган уссурий йўлбарслари, буғулар кенг тарқалган. Чўл зоналарида жайрон, чиябўри, кўп сонли кемирувчилар мавжуд. Кавказ регионида тоғ эчкиси, кавказ бугуси, айиқ, барс, сиртлонлар кенг тарқалган.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — Федератив Республика. Россия Федерацияси таркиби 89 та субъект, жумладан, 49 та вилоят, 21 та Республика (Адигея, Олтой, Бошқирдистон, Бурятия, Дағистон, Ингушетия, Кабардин-Балкар, Қалмиқ, Қорачой-Черкес, Карелия, Коми, Мари Эл, Мордовия, Саха (Якутия), Шимолий Осетия, Татаристон, Тува, Удмуртия, Хакасия, Чеченистон, Чувашистон), 1 та автоном вилоят (Яхудий), 10 та округ (Агин-Бурят, Коми-Пермяк, Коряк, Ненец, Таймир, Усть-Ординск, Бурят, Ханти-Манси, Чукотка, Эвенк, Ямал-Ненец), 6 та ўлка (Олтой, Краснодар, Красноярск, Приморск, Ставрополь, Хабаровск)лардан иборат. Ҳозир субъектларнинг қўшилиш жараёни юз бермоқда. Россия Федерацияси 1991 йил 24 августда ўз мустақиллигини эълон қилди. Собиқ Иттифоқ тарқалгунга қадар аввалги номи РСФСР. Миллий байрамлари — 12 июн (Давлат суверенитети тўғрисидаги Декларация қабул қилинган кун) ва 12 декабр (Конституция кун). Давлат бошлиғи — президент. Ижро этувчи ҳокимият премьер-министр бошчилигидаги ҳукуматга тегишлидир. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент, юқори палата — Федерация кенгаши ва қуйи палата — Давлат Думаси томонидан амалга оширилади.

Асосий сиёсий партиялари: Россия — бизнинг уйимиз, Яблоко, Россия Федерацияси коммунистик партияси, Россия либерал-демократик партияси, Россия аграр партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Собиқ Иттифоқ тарқалиб кетганидан сўнг Россия совет иқтисодиёти потенциали билан бирга бир қатор жиддий муаммоларни, ҳарбий эҳтиёжларни қондиришга ихтисослашган иқтисод, самарадорлиги паст бўлган ишлаб чиқаришни мерос қилиб олди. ЯММ 2000 йилда 1442,4 млрд. (жон бошига 8377) долл.ни ташкил қилган. Саноатнинг деярли барча тармоқлари мавжуд (қазиб олувчи, қайта ишлаш, ишлаб чиқариш). Экспорт асосини нефть ва нефть маҳсулотлари, табиий газ, кўмир, рангли металл, химикатлар, ҳарбий техника, ёғоч ва ундан ясалган буюмлар ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотларининг 40% ини, чорвачилик 60% дан зиёд қисмини етиштиради. Асосий қишлоқ хўжалик ўсимликлари: буғдой, қанд лавлаги, кунгабоқар, картошка, шоли, арпа. Ўтиш даврида иқтисодиётда тизим ўзгаришлари амалга оширилмоқда, хусусийлаштириш жараёни бошланди. Шу вақтнинг ўзида аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиши ва ишсизлар сонининг ортиши кўзга ташланди. 1995 йили қаттиқ монетар сиёсатининг ўтказилиши натижасида ҳукумат инфляция даражасини ойига 4—5% га пасайтиришга муваффақ бўлди, бироқ мамлакат иқтисодида чет эл сармояси кириб келишига тадбиркорлик учун зарур бўлган ҳуқуқий базанинг яратилмаганлиги ва сиёсий хатарларнинг юқорилиги тўсқинлик қилмоқда. Асосий савдо ҳамкорлари: МДҲ, Европа мамлакатлари, Шимолий Америка, Япония, Учинчи дунё мамлакатлари.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 87180 км, автомобиль йўллари — 879100 км (652500 км асфальтланган). Россияда 120 та (узунлиги 10 км дан зиёд бўлган) умумий узунлиги 2300000 км дарёлар мавжуд (баъзилари йил бўйи кема қатнови учун яроқлидир). Мамлакатнинг йирик портлари — Архангельск, Владивосток, Калининград, Мурманск, Новороссийск, Находка, Магадан, Санкт-Петербург, Туапсе; ички портлари — Астрахань, Волгоград, Қозон, Красноярск, Москва, Нижний Новгород, Ростов, Самара, Хабаровск.

Тарихи. Замонавий Россия ҳудуди Европа қисмининг жанубида қадимда қабилалар ҳукмронлик қилиб, уларнинг баъзилари қудратли ва йирик империяларга асос солган эди: киммерийлар тахминан м. а. 1000 йилдан 700 йилгача, скифлар м. а. 700 йилдан 300 йилгача, сарматлар м. а. 300 йилдан 200 йилгача. III асрда готлар Дондан то Дунайгача бўлган ҳудудларда, хуннлар томонидан 375 йилда тор-мор қилинган, гуллаб-яшнаган империяга асос солган. 560 йилда хуннларни аварлар алмаштирди, VII аср бошларида эса хазарлар ўз империясига асос солди. Шу вақтнинг ўзида замонавий Россия ҳудудининг шимолий ва марказий қисмларига славян қабилалари кириб кела бошлади. Ўз ерларини хазар ва булғорлардан ҳимоя қилиш учун славян қабилалари ёрдам сўраб IX асрда Новгород ва Киевда муқим жойлашган варягларга мурожаат қилдилар. Варяг княzlари Олег, Ольга, Святославлар печенеглар, булғорлар ҳамда рус князликларининг маданий ҳаётига катта таъсир кўрсатаётган Византия империясига қарши ҳам муваффақиятли ҳарбий ҳаракатлар олиб бордилар. 988 йилда Владимир I улуг христианликни қабул қилди ва уни рус аҳолиси ўртасида тарқатди. Киев руси XI асрга келиб, Владимир II Мономах даврида ўз тараққиётининг юқори нуқтасига етди, бироқ XII асрда рус давлатлари ўртасида Владимир-Суздаль князлиги ва Новгород Республикаси етакчи ўринларга эга эдилар. XIII асрда рус князликлари мўғул-татарлар босқинига дучор бўлишди. Чингизхон невараси Ботухон Москва, Суздаль, Киевни босиб олиб, икки ярим аср давомида кўпгина рус князликлари қарам бўлган Олтин Ўрдага асос солди. Шу вақтнинг ўзида Новгород аввал шведларга, кейинчалик Тевтон ордени рицарларига (Нева жанги — 1240 йил, Муз устидаги жанг — 1242 йил) қарши кураш олиб боришга мажбур бўлди. XIV асрда Москва Руснинг диний марказига айланди ва унинг атрофида мўғул-татарларга қарши курашиш ғояси остида кўпгина рус князликлари бирлаша бошлади (Куликово жанги — 1380 йил). XV асрда Москва князлигининг мавқеи кескин ўсди, Иван III даврида эса Московия таркибига Ярослав, Ростов ва Новгород ерлари кирди, 1547 йилда ўзини царь деб эълон қилган Иван IV Грозний Москва давлати ҳудудларини сезиларли даражада кен-

гайтиришга муваффақ бўлди. XVI асрда кучли марказлашган давлатга айланган Москва князлиги Волгабўйи, Урал ва Ғарбий Сибирь ҳудудларини ўзига бўйсундирди. Реч Посполита билан олиб борилган уруш Москва князларининг муваффақиятсизлиги билан тугаб, XVII аср бошларида аввал шведлар, ундан сўнг эса Польша бошқинчиларига қарши курашишига тўғри келди. 1613 йилдан 1917 йилгача Россияда ҳукмронлик қилган сулолага асос солган Михаил Романов Рус подшоси этиб сайланди. XVII аср охирида рус тахтига ўтирган Пётр I мамлакатда бир қатор жиддий иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширди; таълим, армия, флот ва маъмурий бошқарув идоралари тизими қайта ташкил қилиниб, Шимолий уруш (1700—1721) натижасида Россия Болтиқ денгизига чиқиш йўлига эга бўлди. Россия тарихининг ёрқин намояндаларидан бири Екатерина II 1762 йилда ўз эри Пётр III га қарши қаратилган давлат тўнтариши натижасида ҳокимият тепасига келди. Мамлакатни 1796 йилгача бошқарган Екатерина II Россия империяси ҳудудларини сезиларли даражада кенгайтиришга эришди. 1812 йил 14 сентябрда Москвани ишғол қилган Наполеон Бонапарт бошчилигидаги француз кўшинлари Россияга кириб келди. Москва ишғол қилинганлигига қарамай, французларнинг рус компанияси тўла муваффақиятсизлик билан тугади. 1825 йили Петербургдаги Декабристлар кўзғолони рус инқилобий ҳаракатига асос солди. Ўз ҳукмронлигини 1825 йилда Декабристлар кўзғолонини бостиришдан бошлаган Николай I Россияни полициячи давлатга айлантириб қаттиқ реакцион тузум ўрнатди. Николай I 1855 йили Россия ҳалокатли мағлубиятга учраган Крим уруши даврида вафот этди. Унинг ўғли Александр I 1861 йилда крепостнойлик ҳуқуқини бекор қилиб, судлов, таълим ва армияни ислоҳ қилди. XIX асрда Россия ўз ҳудудларини (Польша, Финляндия) шарққа (Ўрта Осиё, Сибирь), жанубга (Кавказ) қараб кенгайтиришни давом эттирди. Япония билан олиб борилган урушдаги мағлубият чор тузумининг заифлигини намоён қилди ва жиддий ички сиёсий инқирозга (1905 йилги рус инқилобига) олиб келиши билан бирга шу вақтнинг ўзида муҳим иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун замин яратди. Столипиннинг ислоҳотчилик сиёсати саноат ва савдо тез

суръатлар билан ўсиб бораётган мамлакатда сезиларли иқтисодий ўсишга олиб келди. 1914 йилда Австрия — Венгрия қўшинлари томонидан Сербия босиб олинганидан сўнг Россия Франция ва Буюк Британия тарафида I жаҳон урушига қўшилди. 1917 йил февралда уруш натижасида заифлашган Россияда инқилоб бошланди ва унинг оқибатида Николай II тахдан воз кечиб, мамлакатдаги ҳокимият Муваққат ҳукумат қўлига ўтди. Урушни давом эттириш тарафдорлари ва қаршилар ўртасидаги сиёсий кураш, инқилобий кайфиятнинг ўсиб бориши 1917 йил октябрида бўлиб ўтган инқилобга олиб келди ва унинг оқибатида мамлакатдаги ҳокимиятни большевиклар қўлга киритди. Бир неча миллион киши ҳалок бўлган фуқаролар уруши тугаганидан сўнг совет ҳокимияти собиқ Россия империясининг катта қисмида ўрнатилган эди. «Ҳарбий коммунизм» сиёсати даврдан сўнг 1921 йили мамлакатда янги иқтисодий сиёсат эълон қилинди, натижада Совет Россияси 1927 йилга келиб ишлаб чиқаришнинг урушгача бўлган кўрсаткичларига ета олди. 1922 йил 30 декабрда Совет Иттифоқи ташкил этилиб, унинг таркибига Россия, Украина, Белоруссия ва Кавказorti Республикалари кирди. 1924 йилда эса СССР таркибига Ўзбекистон ва Туркменистон, 1929 йилда Тожикистон, 1940 йилда Эстония, Латвия, Литва ва Молдавиялар қўшилди. 1927 йилга келиб мамлакатдаги бутун ҳокимиятни ўз қўлига йиға олган Сталин НЭПдан воз кечиб, иқтисодни қатъий режалаштириш ва ерларни коллективлаштириш режасини амалга оширишга киришди. Сталин томонидан ўзгача фикрловчиларга қарши ўтказилаётган қатағонлар 1934 йилда Киров ўлдирилганидан сўнг янада кучайди. 1941 йил 22 июнда мамлакат ҳудудига Совет Иттифоқи ҳудудларининг Европа қисмини тез фурсатда ишғол қилган немис қўшинлари бостириб кирди. Бироқ 1941 йил қишидаги Москва остоналаридаги ва айниқса, Сталинград бўсағасидаги 1943 йилги немис қўшинларининг мағлубияти урушнинг боришида туб бурилиш ясаб, СССР ва унинг иттифоқчилари ғалабасини таъминлади. Уруш тугагандан сўнг тез орада Шарқий ва Марказий Европада ўз таъсир доирасини кенгайтирган СССР ва ғарб мамлакатлари ўртасида «совуқ уруш» даври бошланди (Берлин қамали — 1947 йил, Корей

уруши — 1950—1953 йиллар). Ғарб билан муносабатларнинг илиқлануви Сталин вафотидан сўнг Сталин шахсига сиғинишни қаттиқ қоралаган Н. С. Хрущёвнинг ҳокимият тепасига келганидан бошланади. 1960 йилларда иқтисодда ислоҳотларнинг ўтказилиши маълум оқибатларга олиб келди. Бироқ ҳамон давом этаётган саноат ва қишлоқ хўжалигининг марказдан туриб қатъий режалаштирилиши иқтисодий турғунликка олиб келди ҳамда 1980 йилларнинг бошларига келиб мамлакат иқтисоди паст меҳнат самарадорлиги ва бюджетнинг ҳарбий саноат томонга оғиб кетганлиги билан тавсифланади. Н. С. Хрущёв даврида, кейинчалик Л. И. Брежнев ҳокимияти (1964—1982) даврида ҳам СССР ғарб мамлакатларига нисбатан «тинч ҳамжиҳатликда яшап» сиёсатини ўтказди ва Шарқий Европа мамлакатларидаги ўз таъсирини қийинчилик билан ушлаб турарди (Венгриядаги кўзғолон — 1956 йил, Чехославакия — 1968 йил, Польшада ҳарбий ҳолатнинг жорий қилиниши). 1979 йилда СССР коммунистик тузумни қўллаб-қувватлаш учун Афғонистонга ўз қўшинларини киритди, бироқ Совет Иттифоқининг бу ҳаракати мамлакат аҳолиси қаршилигига ва мусулмон дунёсида катта эътирозларга сабаб бўлди. 1980 йил ўрталарида М. С. Горбачёв ташаббуси билан амалга оширилган қайта қуриш мамлакатдаги иқтисодий муаммоларни ҳал эта олмади, иттифоқдош республикалар аҳолисининг миллий ўзини англаш ҳисси ўсиши Иттифоқ маркази заифлашувига олиб келди. 1991 йилги август тўнтариши Совет Иттифоқининг тарқалиб кетишига туртки берди. 8 декабрда Россия, Белоруссия ва Украина, кейинчалик қолган республикалар таркибига кирган, Болтиқбўйи давлатларидан ташқари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил этилганлиги эълон қилинди. Мустақил Россиянинг биринчи президенти этиб Б. Н. Ельцин сайланди ва у 1996 йилда бўлиб ўтган сайловларда иккинчи бор қайта сайланди. Сўнгги йилларнинг залворли ва шу вақтнинг ўзида фожиали воқеаларидан бири сифатида Россия парламенти тарафдорлари ва ҳукумат қўшинлари ўртасидаги 1993 йилги қурулди тўқнашувни ҳамда 1995 йилги Чеченистондаги урушни таъкидлаш лозим. 2001 йили В. В. Путин президент этиб сайлангандан сўнг Россияда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш бошланди.

РУАНДА

Расмий номи — Руанда Республикаси. Поштахти — Кигали. Худуди — 26340 км². Аҳолиси — 7300000 киши (2001). Давлат тили — англиз, француз ва киньяруанда (энг катта этник гуруҳлар — хуту (70%), пигмей (14%) ва тутсилар (9%). Дини — католиклар (65%), мажусийлар (25%), протестантлар (9%), мусулмонлар (1%). Пул бирлиги — руанда франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Африка давлати. Жанубда Бурунди (чегара узунлиги — 290 км), шарқда Танзания (217 км), ғарбда Зоир (217 км), шимолда Уганда (169 км) давлатлари билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги — 893 км. Мамлакат Шарқий Африка пасттекислигининг ғарбий қисмида жойлашган. Устунлик қилувчи тепаликлар денгиз сатҳидан 1500 — 2000 м баландликда жойлашган. Руанданинг юқори нуқтаси — Харисимби тоғи (4507 м). Асосий дарёси Коира — Нилнинг ирмоғи. Мамлакатнинг йирик қўли Киву кема қатнови учун яроқлидир. Асосий табиат ресурслари: олтин, вольфрам рудаси, табиий газ, қалайи.

Иқлими — субэкваториал. Ўсимлик дунёси бой эмас — инсон фаолияти таъсирида ўрмонлар ўрнини саванналар ва эвкалипт экинзорлари эгаллади. Тоғ ён бағирларида фикус, пальма, бамбук каби дарахтлар учрайди. Йирик ҳайвонларни фақат Миллий боғда учратиш мумкин. Булар тимсоҳлар, бегемотлар, филлар, антилопалар ва энг асосийси, одамсимон қора гориллалар.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат бошқарув шакли — республика. Мамлакат таркиби 11 та префектурадан иборат. Руанда мустақилликни 1962 йил 1 июнда қўлга киритди (бундан олдин Бельгия мустамлакаси) ва шу кун миллий байрам сифатида нишонланади. Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ҳамда премьер-министрга тегишлидир. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали Миллий йиғин амалга оширади. Сиёсий партиялари: Демократия ва тараққиёт учун миллий республикачилар ҳаракати, Хуту партияси, Руанда ватанпарварлар fronti, Христиан-демократлар партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Қишлоқ хўжалиги иқтисодийнинг асосини (ЯММ —

50%) ташкил қилиб, қаҳва ва чой умумий экспорт ҳажмининг 90% ини ташкил қилади. Саноат ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш (ЯММ — 17%) ва тоғ-кон саноати, вольфрам ва қалайи рудасини қазиб олиш билан чекланган. 1994 йилда бошланган фуқаролар уруши ҳам иқтисоднинг умумий аҳволига салбий таъсир қилди. 1993 йилда ЯММ 7,9 млрд. (аҳоли жон бошига — 950) долларни ташкил қилган. Асосий савдо ҳамкорлари — Германия, Бельгия, АҚШ, Италия.

Тарихи. XVI асрга келиб ҳозирги Руанда худудида бошқарув шаклига кўра абсолют монархия бўлган давлат ташкил топди. Европаликлар Руандани 1858 йилда кашф қилишган. 1898 йилда эса мамлакат худуди Урунди қироллиги билан биргаликда Германия Шарқий Африкаси таркибига кирди. 1923 йилда Бельгия Миллатлар Лигасидан Руанда — Урунди худудларини бошқаришга мандат олди. 1946 йилда Бельгия ҳомийлигидаги ва бошқаруви остидаги худудга айланган Руанда — Урунди 1960 йилда Конго мустақиллиги эълон қилингандан сўнг Зоир таркибига қўшилган ва шу йилнинг ўзида ундан ажралиб чиққан. 1961 йилда ўтказилган референдум оқибатида Руанда — Урунди шу йилнинг ўзида республика деб эълон қилинган ва Бурунди ҳамда Руандага ажралиб кетди. 1962 йилда эса тўла мустақилликни қўлга киритди. 1973 йилги давлат тўнтариши оқибатида ҳокимият тепасига ҳарбийлар келиб, парламентни ҳам, сиёсий партияларни ҳам тарқатиб юборишди. 1990 йилда кўпчилиги 1959 йилда Угандадан иммиграция қилган тутси ва хуту этник гуруҳлари ўртасида қонли тўқнашувлар бошланиб кетди. 1992 йилда можарони бостиришга эришилди ва мамлакатда демократиялаштириш жараёни бошланди. Бироқ 1994 йилда этник тўқнашувлар янги куч билан авж олди. Угандадаги фуқаролар уруши ўзи билан минглаб қурбонлар ва қўшни мамлакатларга, асосан, Бурунди ва Зоирга миллионлаб эмигрантларнинг қочиб чиқишига олиб келди.

РУМИНИЯ

Расмий номи — Руминия Республикаси. Пойтахти — Бухарест. Худуди — 237500 км². Аҳолиси — 22400000 киши (2001). Давлат тили — румин. Дини —

|| православлар (70%), католиклар (6%), қолганлари
яҳудийлар ва мусулмонлар. Пул бирлиги — лей.

Географик жойлашуви ва табиати. Европа қитъасининг жануби-шарқида жойлашган давлат. Шарқда Молдова (чегара узунлиги — 450 км), шимолда Украина (1531 км), жанубда Болгария (608 км), жануби-ғарбда Югославия (1476 км), ғарбда Венгрия (443 км) давлатлари билан чегарадош. Жануби-шарқда Руминия Қора денгиз билан туташиб кетган. Чегараларнинг умумий узунлиги — 2508 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 234 км. Руминия Болқон ярим оролининг шимолида, Қуйи Дунай ҳавзасида жойлашган. Мамлакатнинг марказий ва шимолий қисмида Шарқий ва Жанубий Карпат тоғлари ҳамда Трансильван ясси тоғлиги ястаниб ётибди. Руминиянинг юқори нуқтаси Молдовеанул тоғи (2544 м). Ғарбда Ғарбий Румин тоғлари жойлашган. Мамлакатнинг жануби-шарқида Добружа ясси тоғлиги мавжуд. Қуйи Дунай текислиги мамлакатнинг жанубини эгаллаган. Шундай қилиб, рельефи турфа ва уйғунлашган ҳолда тақсимланган. Мамлакат марказида Карпат тоғлари ярим айлана ҳосил қилиб ҳудуднинг 31% ини эгаллаган, тепаликлар ва тоғ текисликлари 33%, пастликлар эса 36% ини эгаллайди. Мамлакатнинг асосий дарёси — Дунай. Асосий табиий ресурслари — нефть, табиий газ, кўмир, темир рудаси, рангли металллар. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 63% ини, яйлов ва ўтлоқлар 33% га яқин, ўрмонлар ва ўрмонзорлар 28% ини ташкил қилади.

Иқлими — мўътадил континентал. Ўрмонларда бук, эман, оқ қайин, граб ва арча дарахтлари ўсади. Ҳайвонот дунёсида айиқ, буғу, тоғ эчкилари, қуён, қушлардан ўрдаклар, ғозлар, оқ қушлар, лайлак ва Аугринадан ёзда учиб келадиган пеликанлар ҳамда фламинголар мавжуд.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 40 та уезд, маҳус мақомга эга бўлган Бухарест муниципиясига бўлинган. Усмонийлар империясидан Руминия 1878 йилда мустақиллик олади. Миллий байрам 1 декабр — барча тарихий румин ҳудудларининг ягона давлатга бирлашган куни. Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва ҳукумат бошлиғи премьер-министрга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Сенат (юқори

палата) ва Депутатлар палатаси (қуйи палата) дан иборат парламент амалга оширади. Йирик сиёсий партиялари: Руминиянинг социал-демократик партияси, Румин миллий бирлиги партияси, Руминия Марс партияси, Меҳнат Социалистик партияси, Руминия венгрларининг демократик иттифоқи, Руминия аграр-демократик партияси, Демократик партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Руминия иқтисоди бозор иқтисодига ўтиш босқичидадир. Руминиянинг сўнги йиллардаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари мамлакатда иқтисодий ўсиш жараёни давом этаётганлигини тасдиқламоқда. Саноатнинг яхши ривожланган тармоқлари: тоғ-кон саноати, ёғочни қайта ишлаш, кимё саноати, машинасозлик, металлургия, нефть қазиб олиш ва нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат. Руминия буғдой ва маккажўхорининг йирик етиштирувчисиدير. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕҲ мамлакатлари, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 11380 км (3758 км электрлаштирилган), автомобиль йўллари — 72816 км. Асосий портлари: Констанца, Сулина (денгиз порти), Брэила, Галау (Дунай дарёсида).

Тарихи. II асрда ҳозирги Руминия ҳудудини римликлар босиб оладилар ва ўзларининг Дакия вилоятини ташкил қилади. III асрдан бошлаб мамлакат ҳудудига гот, хунн, скиф, авар қабилалари ҳужум қилиб турдилар. VI—VII асрларда эса бу ерларга славян қабилалари кириб келиб, ўтроқ ҳаёт кечира бошлайди. XIII асрда венгрлар Трансильванияни босиб олди ва румин аҳолисини Дунай водийсига сиқиб чиқарди. XIV асрда юқори иқтисодий ва маданий тараққиёт даражасига эга бўлган Молдавия ва Валахия румин князликлари таркиб топди.

Стефан Буюк ва Миной Жасурларнинг қаҳрамонона қаршилигига қарамасдан, Молдавия ва Валахия турклар томонидан босиб олинди. Бу жойлар XVI аср охирларигача, яъни бошқарув турклар томонидан тайинланган грек-фолатлари қўлига топширилгунга қалар турк ҳукмронлиги остида қолиб кетди. XIX аср бошларида Молдавия ва Валахия Россия ёрдами билан автономияни қўлга киритди, 1859 йилда эса Александр Куза бошқарган ягона Руминия давлатига бирлашти-

рилди. 1878 йилда Россия — Туркия уруши даврида тўла мустақилликни қўлга киритди ва 1881 йилда Австро — Венгрия ва ҳамда Германия билан иттифоқчилик шартномасини имзолаган Руминия қироллик деб эълон қилинди. Бироқ XX аср бошларига келиб бу иттифоқ заифлашди ва Биринчи жаҳон уруши даврида Руминия қироли Фердинанд Россия ва унинг иттифоқчилари тарафида туриб жанговар ҳаракатларда иштирок этди. Уруш тугагач, Руминия ўз таркибига Трансильванияни, Буковина, Баната ва Бессарабияни қўшиб олишга муваффақ бўлди. 1929 йилда парламент бошқаруви Жема-Кодреану бошчилигидаги «Темир гвардия» профашистик тузуми билан алмашинди, 1938 йилда мамлакатда Антонеску диктатураси ўрнатилди. 1939 йилда немис қўшинлари Шимолий Трансильванияни босиб олгани билан бир вақтда СССР Бессарабияни қўшиб олди (аннексия). Фашистик Германия тарафида уруш домига тортилган Руминия Сталинград жангидан сўнг қирол Михай давлатининг ташқи сиёсий йўналишини ўзгартириб, иттифоқчилар тарафида жанг қила бошлади. Шу вақтнинг ўзида Антонеску диктатураси ағдарилди ва мамлакатда Миллий бирдамлик ҳукумати тузилди. Мамлакат озод қилинганидан сўнг СССР таъсири доирасига тушиб қолди ва 1947 йилда қирол Михай тахтдан воз кечгач, Руминия республика деб эълон қилинди. Ҳокимият тепасига 1965 йилда келган Чаушеску Совет Иттифоқи ва социалистик мамлакатлар сиёсатидан фарқ қиладиган ташқи сиёсат юрита бошлади ва шу вақтнинг ўзида мамлакатда диктаторлик коммунистик тузумини ўрнатди. Бу тузум 1989 йилда армия қўллаб-қувватлаган халқ қўзғолони оқибатида ағдарилди. 1989 йил 25 декабрда «Миллий Қутқарув Кенгаши» Чаушеску ва унинг хотини Еленани отиб ўлдириш ҳақида буйруқ берди. 1990 йилнинг май ойида эркин сайловлар ўтказилиб, унда президентлик лавозимига Илиеску сайланди.

САЛЬВАДОР

Расмий номи — Эль-Сальвадор Республикаси. Пойтахти — Сан-Сальвадор. Ҳудуди — 21393 км². Аҳолиси — 6400000 киши (2001). Давлат тили — испан. Дини — католик. Пул бирлиги — сальвадор колони.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Америкадаги давлат. Шарқ ва шимол томондан Гондурас (чегаранинг узунлиги 342 км), ғарб ва шимоли-ғарбда Гватемала билан (203 км) чегарадош. Мамлакат жанубда Тинч океан, жануби-шарқда эса Фонеска қўлтиги сувлари билан тутшиб кетган. Чегараларнинг умумий узунлиги 545 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 307 км. Мамлакат ҳудуди асосан вулқон этакларидан иборат. Энг баланд нуқтаси — Санта-Ана вулқони (2381 м). Қирғоқ бўйлаб торгина қирғоқбўйи текислиги чўзилган. Унинг эни 10—20 км дан ошмайди. Мамлакатнинг асосий дарёси — Лемпа. Асосий табиий бойликлари: нефть ва гидроэнергетик ресурслар. Ишлов бериладиган майдони — 27%, ўтлоқ ва яйловлар 29% ни ташкил этади.

Иқлими — тропик. Мамлакатда сийрак паст бўйли дарахтлар (чапарро, мимоза ва б.) учрайдиган қуруқ саванналарга тез-тез дуч келиш мумкин. Тинч океан қирғоқларида дуб ва қарағайзор ўрмонлар сақланиб қолган, қирғоққа яқин ерларда эса бамбукзорлар мавжуд. Сальвадорда ноёб бальзамли (малҳамли) дарахтлардан бир неча ўн минглаб ўсади. Бошқа қимматбаҳо турлардан испан корди, сариқ дарахт, саподилья, қизил дарахт ҳам учрайди. Мамлакатнинг ҳайвонот олами анча хилма-хил. Марказий Америка тапири, чумолихўр, бўрсиқ, дангаса, жайра ва маймунлар кўп учрайди, шунингдек, қоплон, пума, оцелотлар ҳам бор, судралувчилардан эса бўғма ва заҳарли илонларнинг бошқа турлари мавжуд. Саванналарда калтакесак, мексика бугуси, кайот ва хилма-хил майда кемирувчилар яшайдилар. Дарёларида тимсоҳлар бор. Қушларнинг бир неча юз хиллари (тўтиқуш, туқанлар, қарғалар, ёввойи ғозлар, колибрилар ва б.) ни учратиш мумкин.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президентлик республикаси. Мамлакат 14 департаментга бўлинган. Сальвадор Испаниядан мустақилликни қўлга киритиш учун 1821 йилнинг 15 сентябридан кураша бошлаган, бироқ фақат 1841 йилдагина тўла мустақилликка эришган. Миллий байрами 15 сентябр — Мустақиллик куни. Мамлакат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Олий қонунчилик органи — Қонунчилик ассамблеяси (бир палатали парламент). Энг йирик сиёсий партиялари: Миллий респуб-

лика иттифоқи (АРЕНА), Христиан-демократик партия (ХДП), Демократик конвергенция (ДК), Сальвадор Коммунистик партияси (КПС).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Иқтисодиётнинг асосий тармоғи — қишлоқ хўжалиги бўлиб, у ички миллий ишлаб чиқариш (ЯММ)нинг 25% и ва экспортнинг 66% га яқинини таъминлайди (асосий экспорт маҳсулоти — қаҳва, у умумий экспорт ҳажмининг 45% ини ташкил қилади). Бошқа қишлоқ хўжалик экинлари — шакарқамиш, шоли, бошоқли, донли ва ёғ олинадиган экинлар. Озиқ-овқат саноатидан (ЯММнинг 18% и) ташқари тўқимачилик, нефть ва кимё саноати ҳам ривожланган. Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) 1994 йили 9,8 млрд. (жон бошига -- 1710) долл.ни ташкил қилди. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Германия, Венгрия, Мексика.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 302 км, автомобиль йўллари — 10000 км (шундан 1500 км асфальтланган). Мамлакатнинг асосий портлари: Акахутла, Кутуко, Ла-Уньон.

Тарихи. Аввал майялар, кейин ацтеклар империяларининг қаттагина қисми бўлган ҳозирги Сальвадор ҳудуди испанлар томонидан 1523 йили кашф қилинган. Альварадо бошчилигидаги конкистадорлар маҳаллий ҳиндуларнинг қарийб ҳаммасини қириб ташладилар, 1528 йили эса Сан-Сальвадор ва Сонсонате шаҳарларига асос солдилар. Сальвадор то 1821 йилгача Гватемала мустамлакасининг бир қисми бўлиб, ўша йили Испаниядан мустақилликка эришди.

1823 йили Сальвадор Марказий Америка Бирлашган ҳудудлари таркибига кирди. Тўла мустақилликни эса Сальвадор республикаси 1841 йили қўлга киритди. Мустақилликка эришгандан сўнг мамлакат бир нечта ҳарбий диктатураларни бошидан ўтказди. Уларнинг орасида Мартинес тузуми (1933—1944) алоҳида ўрин тутади. 1969 йили Сальвадор билан Гондурас ўртасида ҳарбий можаро бўлиб ўтди. 1979 йили мамлакатда ҳокимиятни ҳарбий хунта эгаллаб олди. Хунтанинг Фарабундо Марти номидаги Миллий-озодлик fronti исёнчиларига қарши уруш олиб боришига тўғри келди. Ўн йилдан кўпроқ давом этган фуқаролар уруши 75000 кишининг ўлимига, лагерларда минглаб қамалганларнинг азоб чекишига, шунингдек, жиддий иқтисодий

инқирозга сабаб бўлди. 1992 йили қарама-қарши томонлар ўртасида тинчлик шартномасининг имзоланиши мамлакатда демократиялаштириш йўлида маълум бир қадамлар қўйилишига имкон яратди.

САН-МАРИНО

Расмий номи — Сан-Марино Республикаси. Пойтахти — Сан-Марино. Худуди — 61 км². Аҳолиси — 30000 киши (2001). Давлат тили — итальян. Дини — католик. Пул бирлиги — евро.

Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Европадаги давлат. Италия худудида, Апеннин ярим оролининг шимолий қисмида жойлашган (чегарасининг узунлиги — 39 км). Мамлакат тик қояли тоғларда жойлашган. Энг баланд чўққиси — Титанонинг (738 м) яқинида пойтахти Сан-Марино жойлашган.

Иқлими — субтропик. Мамлакат худудида бир нечта дуб ва каштан дарахтзорлари сақланиб қолган. Тоғ этакларида Маквис чангалзорлари (дрок, мирт, лавр, бодом) бор. Ёқимли ҳидли, эфир мойли ўсимликлар кўп.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 9 округдан иборат. Сан-Марино давлатига, афсоналарга кўра, милоннинг 301 йили асос солинган. Миллий байрами 3 сентябр — Республикага асос солинган кун. Ижроия ҳокимияти иккита тенг ҳуқуқли капитан — регентларга (давлат бошлиқлари) ва Давлат конгрессига (Вазирлар Маҳкамаси) тегишли. Олий қонунчилик органи — Катта генерал кенгаш (бир палатали парламент). Энг эътиборли сиёсий партиялари: Сан-Марино прогрессив-демократик партияси (СМПДП), Сан-Марино социалистик партияси (СМСП), Сан-Марино христиан-демократик партияси (СМХДП).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Туризм — иқтисодининг энг муҳим соҳаларидан бири (Сан-Маринога ҳар йили 2 млн дан зиёдроқ саёҳатчилар ташриф буюради). Бу ички миллий даромаднинг 60% ини ташкил қилади. Даромадларнинг яна бир муҳим манбаи — чет эллик коллекционерларга маркалар сотиш. Аҳолининг турмуш даражасини Фарбий Европа мамлакатларининг шу соҳадаги кўрсаткичларига қиёс-

лаш мумкин. ЯММ 1993 йили 380 млн. (аҳоли жон бошига — 15800) долларни ташкил қилди. Асосий савдо ҳамкори — Италия.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 104 км.

Тарихи. Афсоналарга кўра Сан-Маринога 301 йилда тарки дунё қилган авлиё Маринус асос солган. IX асрда ҳозирги Сан-Марино ҳудуди автоном давлат бўлди. XIII асрда эса мустақил республика деб эълон қилинди. Уни Рим папаси Николай IV 1291 йили тан олди. Сан-Марино Наполеон урушлари даврида ҳам ўз мустақиллигини сақлаб қолди, унинг мустақиллиги Вена конгресси томонидан 1815 йили ҳам тан олинган. 1862 йилдан буён мамлакат амалда Италия протекторати.

САН-ТОМЕ ВА ПРИНСИПИ

Расмий номи — Сан-Томе ва Принсипи Демократик Республикаси. Пойтахти — Сан-Томе. Ҳудуди — 964 км². Аҳолиси — 200000 киши (2001). Давлат тили — португал. Дини — католик. Пул бirlиги — добра.

Географик жойлашуви ва табиати. Африка қитъаси қирғоқларидан унча узоқ бўлмаган Гвинея қўлтиғидаги вулқондан ҳосил бўлган Сан-Томе, Принсипи ва бир қатор майда оролларда жойлашган давлат. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 209 км. Мамлакатнинг рельефи — тоғли. Мамлакатнинг энг баланд чўққиси Пико де-Томе (2024 м) бўлиб, у Сан-Томе оролида жойлашган. Асосий табиий бойлиги — балиқ. Мамлакат ҳудудининг 75% ини ўрмон ва чангалзорлар эгаллаган.

Иқлими — экваториал ва тропик. Ороллар қуюқ экваториал ўрмонлар билан қопланган, қирғоқ бўйларида қалин мангро чангалзорлари бор. Мамлакатнинг ҳайвонот дунёси унчалик бой эмас: ўрмонларда маймунлар — гверешлар, дриллер, макакалар кўп; қушлар ҳам кўп (каттакон бананхўрлар, нишли қушлар); хилма-хил калтакесаклар, ҳамелеонлар, илонлар мавжуд. Денгиз фаунаси бой: кўплаб қисқичбақасимонлар ва чиганоқдилар бор.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Сан-Томе ва Принсипи

давлати ўз мустақиллигини 1975 йилнинг 12 июлида қўлга киритган (аввал Португалиянинг денгизорти мустамлакаси эди). Бу сана миллий байрам — Мустақиллик куни сифатида нишонланади. Қонунчилик португал умумий ҳуқуқига асосланган. Ижроия ҳокимияти президентга (давлат бошлиғи) ва Бош вазир бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонунчилик ҳокимияти бир палатали парламент — Миллий Ассамблея томонидан амалга оширилади. Энг йирик сиёсий партияси — Сан-Томе ва Принсипини озод қилиш Ҳаракати — Социал-демократик партияси (МСЛТП — СДП).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг энг муҳим тармоғи ҳисобланади: какао экспорти умумий экспортнинг 85% ини ташкил қилади. Бошқа экспорт маҳсулотлари — кокос ёнғоғи, пальма меваси, копра. Айни пайтда, Сан-Томе ва Принсипи озик-овқат маҳсулотларининг 90% ини четдан олиб келади. Балиқчилик ривожланган. Туризмни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд. ЯММ 1993 йилда 133 млн. долларни ташкил қилган (аҳоли жон бошига — 1000 долл.). Асосий савдо ҳамкорлари: Германия, Португалия, Голландия, Хитой.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 300 км. Портлари — Санто-Антонио, Сан-Томе.

Тарихи. Сан-Томе ва Принсипи ороллари 1471 йили португалияликлар томонидан кашф қилинган. Улар бу колонияларни жиноятчилар сургун қилинадиган жойга айлантирганлар. 1951 йили Португалиянинг денгизорти провинцияси (вилоят) мақомини олган Сан-Томе ва Принсипи 1975 йили мустақил давлат бўлди.

САУДИЯ АРАБИСТОНИ

Расмий номи — Саудия Арабистони Қироллиги. Пойтахти — Эр-Риёд. Ҳудуди — 2200000 км². Аҳолиси — 21100000 киши (2001). Давлат тили — араб. Дини — ислом. Пул бирлиги — саудия риали.

Географик жойлашуви ва табиати. Бу давлат Жануби-Ғарбий Осиёда, Арабистон ярим оролида жойлашган. Жанубда Яман (чегара узунлиги 1458 км), шимолда Ироқ (814 км), Иордания (728 км) ва Қувайт (222 км), жануби-шарқда Омон (676 км) ва Бирлаш-

ган Араб Амирликлари (457 км), шарқда Қатар билан (60 км) чегарадош. Ғарбда мамлакат Қизил денгиз ва Акаба қўлтиғи ҳамда шарқда Форс қўлтиғи билан туташиб кетган. Чегараларнинг умумий узунлиги — 4415 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 640 км. Мамлакат ҳудуди асосан саҳродан иборат. Қирғоқ бўйлаб торгина водийлар жойлашган. Жануби-ғарбида унча катта бўлмаган тоғ тизмалари бор. Мамлакатнинг энг баланд нуқтаси — Дака чўққиси (3353 м). Шимолда Сурия чўлининг бир қисми жойлашган. Мамлакатнинг жануби-шарқий қисмини Катта саҳро (Руб-эл-Хали) эгаллаган. Мамлакатнинг сув ресурслари жуда кам. Ҳудудининг марказий қисмидаги бир неча дарёлар ёзга бориб қуриб қолади. Мамлакат ҳудудида бой нефть, табиий газ конлари мавжуд, шунингдек, темир рудаси, мис, олтин ҳам бор. Ишлов бериладиган ерлар ҳудудининг фақатгина бир фоизини эгаллайди, ўтлоқ ва яйловлар 39% қисмида жойлашган.

Иқлими — континентал, субтропик ва тропик. Ўсимликлари асосан ярим саҳро ва саҳро характерига эга. Қишки, баҳорги ёмғирлар даврида ёввойи аччиқ тарвузлар, астрагал, саксовуллар ўсади. Таль ва судр деб аталувчи ёлғиз дарахтлар онда-сонда учрайди. Мамлакатнинг ҳайвонот дунёси анча хилма-хил. Бўри, шоқол, фенек тулкиси, қум кийиги, нубия тоғ эчкиси учрайди. Кемирувчи ва судралувчилар — кичик бўғма илонлар, эфа, агама ва калтакесаклар кўп. Қушлар олами ҳам бой: бургутлар, қалхатлар, грифлар, сапсан — йиртқичлар сероб. Қирғоқ пасттекисликлари чигирткалар кўпайиш маконидир. Қизил денгизда ва Форс қўлтиғида маржонларнинг 2000 дан зиёд тури бор, айниқса, қора маржонлар қиммат баҳоланади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — мутлақ теократик монархия. Мамлакат таркибига 13 та вилоят киради. Саудия Арабистони 1932 йилнинг 23 сентябрида мустақил давлат бўлган (Миллий байрами — Қироллик эълон қилинган кун). Қонунчилик ислом дини қонунларига асосланган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — қирол.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодиётининг асосий соҳаси — нефть қазиб чиқарувчи саноат (ЯММнинг 35% ини ва амалда экспорт-

дан келадиган даромадларнинг ҳаммасини ташкил қилади). Дунёда нефтнинг энг катта захирасига эга. Саудия Арабистони нефтнинг энг йирик экспортчиси ҳисобланади ва ОПЕКда етакчи роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалиги жуда тез ривожланмоқда (ЯММнинг 10% и), асосий қишлоқ хўжалик экинлари — буғдой, арпа, цитрус, хурмо (хурмо етиштириш бўйича жаҳонда иккинчи ўринда). 1994 йил ЯММ 173,1 млрд. (аҳоли жон бошига 9510) долларни ташкил қилди. Макка шаҳри бутун дунё мусулмонлари учун муқаддас зиёратгоҳ ҳисобланади, чунки бу ерда ислом динининг асосчиси Муҳаммад пайғамбар дунёга келган. Энг муҳим савдо ҳамкорлари: АҚШ, Англия, Буюк Британия, Германия, Франция.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 886 км, автомобиль йўлларининг узунлиги — 74000 км (қаттиқ қопламали йўллари — 35000 км).

Мамлакатнинг асосий портлари: Жидда, Рас-Танура, Янбу.

Тарихи. Ҳозирги Саудия Арабистони ҳудудига араб чорвадор қабилалари м. а. IX асрдан бошлаб ўрнашганлар. Арабистон ярим оролининг шимолий қисмини эгаллаган араб қабилалар яҳудий, бобил ва форс маданияти таъсирида бўлган бир пайтда Арабистоннинг жанубидаги қабилалар ўзларининг алоҳида маданиятини яратдилар. 570 йили Маккада Оллоҳ томонидан пайғамбарлик нозил қилинган ва барча араб қабилаларини янги, мусулмон давлати Мадинага бирлаштирган Муҳаммад с. а. в. дунёга келди. Муҳаммад пайғамбарнинг издошлари бўлган халифалар VII асрда ислом динини Яқин Шарққа ва Мисрга тарқатдилар. VIII асрда эса янги дин Осиёнинг каттагина қисми ва Шимолий Африкага тарқалди. Бағдод халифалиги пайдо бўлгандан кейин Саудия Арабистонининг роли сезиларли даражада пасайди, аммо Макка мусулмонларнинг диний маркази бўлиб қолаверди. XIII асрда ҳозирги Саудия Арабистони ҳудуди Миср мамлуклари ҳукмронлиги остида қолди. 1517 йили эса Усмонийлар империяси таркибига кирди. XIX аср бошларига келиб Саудия Арабистонида ваҳҳобийлар давлати ташкил топди ва мустақил давлат деб эълон қилинди. Тез орада ваҳҳобийлар Миср аскарлари томонидан ярим оролнинг марказий қисмига сиқиб қўйилдилар, аммо XX аср

бошларига келиб улар мамлакатнинг қарийб барча ҳудудларида ўз назоратларини ўрнатдилар. 1932 йили Ибн Сауд Саудия Арабистони қироллиги тузилганлигини эълон қилди. 1982 йили шаҳзода Фахд тахтга чиқди ва у Форс қўлтигидаги можаролар пайтида мамлакат ҳудудига Ироққа қарши иттифоқ қўшинларини жойлаштиришга рухсат берди. Улар эса бу ердан 1991 йилнинг январида Кувайтни озод қилиш бўйича ҳаракатларини бошладилар.

СВАЗИЛЕНД

Расмий номи — Свазиленд Қироллиги. Пойтахти — Мбабана. Ҳудуди — 17363 км². Аҳолиси — 1100000 киши (2001). Давлат тили — инглиз ва свази. Дини — христианлик (60%) ва мажусийлар (40%). Пул бирлиги — лилангени.

Географик жойлашуви ва табиати. Африка қитъасининг жануби-шарқий қисмида жойлашган давлат. Жанубда, жануби-шарқда, ғарбда ва шимолда ЖАР (чегара узунлиги — 430 км), шарқда эса Мозамбик (105 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги — 535 км. Мамлакат ғарбидан шарққа томон тепаликлари пасайиб борувчи Велд қирликларида жойлашган. Энг баланд чўққиси — 1445 м. Свазилендда бир неча пасттекисликлар бор. Асосий дарёлари — Усуту, Камати, Умбелузи. Асосий табиий бойликлари: кўмир, ёғоч, гидроэнергетик имкониятлари, ўрмонлари, шунингдек, унча катта бўлмаган олтин ва олмос конлари бор. Ҳудудининг 11% и ҳайдаладиган ерлар, 62% и эса яйлов ва ўтлоқлар.

Иқлими — субтропик ва тропик. Свазиленднинг ўсимлик дунёси ғарбда саванна, шарқда эса ксерофит чангалзорлари билан характерланади. Флораси жуда бой: 2400 га яқин ўсимлик тури мавжуд — лишайниклар ва папоротниклардан тортиб, магнолия ва фикусларгача ўсади. Фақат алоэнинг 25 тури, орхидеяларнинг 12 тури, нилуфар гулларининг 10 тури бор. Йирик сут эмизувчилардан «кўк» кўтослар учрайди. Шунингдек, айлана шоҳли антилопалар, зебралар, бегемотлар ҳам бор. Дарёларида тимсоҳлар кўп.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Свазиленд

1968 йил 6 сентябрдан мустақил давлат бўлди (ундан олдин — Буюк Британия протекторати). Бу сана Миллий байрами — Мустақиллик куни сифатида нишонланади. Давлат бошлиғи — қирол. Ижроия ҳокимият Бош вазир бошчилигидаги ҳукумат томонидан бошқарилади. Қонунчилик ҳокимиятини қирол ва икки палатали парламент амалга оширади. Сиёсий партиялари: Имбокодво миллий ҳаракати, Свазиленд бирлашган fronti, Нгване миллий-озодлик конгресси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодиётининг асосий бўғини — қишлоқ хўжалиғи (ЯММнинг чоракка яқин қисми). Унда меҳнатга яроқли аҳолининг асосий қисми банд. Асосий қишлоқ хўжалиғи экинлари — шакарқамиш, маккажўхори, пахта, тамаки, цитрус, ананас. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноатидан ташқари кончилик (кўмир ва асбест), ёғоч саноати ривожланган. ЯММ 1994 йили 3,3 млрд. (жон бошига 3490) долларни ташкил қилди. Асосий савдо ҳамкорлари: ЖАР, Япония, Бельгия, Буюк Британия, Канада.

Тарихи. Свазиленд қироллиғи ҳозирги Свазиленд худудида XVI асрда ташкил топган. 1906 йили Британия протекторати бўлишидан аввал 1902 йилда Трансваал бошқарувида эди. 1969 йили Свазиленд мустақил давлат деб эълон қилинди. 1973 йилда эса қирол Собхуза II конституцияни бекор қилди ва барча сиёсий партиялар фаолиятини тақиқлади. Ҳозирги кунда Свазиленд демократик ўзгаришлар йўлидан бормоқда.

СЕЙШЕЛЬ ОРОЛЛАРИ

Расмий номи — Сейшель Ороллари Республикаси. Пойтахти — Викториа. Ҳудуди — 405 км². Аҳолиси — 100000 киши (2001). Давлат тили — инглиз, француз ва креол. Дини — католик. Пул бирлиги — сейшель рупияси.

Географик жойлашуви ва табиати. Ҳинд океанининг ғарбий қисмида, Мадагаскар ороллари-нинг шимоли-шарқидagi Сейшель ва Амирант оролларида жойлашган давлат. Соҳил бўйлаб чегара узун-

лиги — 491 км. Маэ, Праслен, Силуэт, Ла-Диг сингари йирикроқ ороллариға мармар тошларидан иборат торгина қирғоқ бўйлари ва тепаликлар характерлидир. Майдароқ ороллар эса текис маржон баландликларидан иборат. Мамлакатнинг энг баланд нуқтаси 915 м. Асосий табиий бойликлари: балиқ, копра.

Иқлими — субэкваториал. Йирик оролларда доимий кўм-кўк тропик ўсимликлар сақланиб қолган, пальмаларнинг ноёб турлари ўсади, уларнинг орасида яланғочсимон сейшель пальмаси, денгиз кокоси ҳам бор. Шунингдек, дарахтсимон папоротниклар ҳам учраб туради. Ороллар анча четда жойлашганлиги туфайли фақат шу архипелаггагина учрайдиган қушлар ва судралиб юривчилар жуда кўп. Фақат Альдабренинг ўзиде улкан тошбақалар, қушларнинг 14 та камёб тури учрайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Малалакат 13 та кичик маъмурий ҳудудларга бўлинган. Сейшель ороллари 1976 йилнинг 29 июнида Буюк Британиядан мустақил бўлади. Миллий байрами 18 июн — Миллат куни (1993 йили янги конституция қабул қилинган кун). Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Олий қонунчилик органи — Халқ мажлиси (бир палатали парламент). Рўйхатга олинган еттита сиёсий партиялардан энг йириклари — Сейшель халқининг прогрессив fronti (СХПФ), Демократик партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 30% га яқини банд бўлган туризм индустрияси валютасининг 70% дан кўпроғини таъминлайди. Ишлаб чиқариш балиқчилик ва қишлоқ хўжалиғи билан чекланган. Қишлоқ хўжалиғида (ЯММнинг 7% га яқини) асосий савдо экинлари — кокос ёнғоғи, корица, ваниль. Зарурий озиқ-овқатнинг кағта қисми четдан олиб келинади. 1993 йили ЯММ 430 млн. долларни ташкил қилди (аҳоли жон бошига — 6 минг долл.). Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, Буюк Британия, Баҳрайн, Кения.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиғи — 260 км. Асосий порти — Виктория.

Тарихи. Португаллар томонидан 1505 йили очилган Сейшель ороллари 1742 йили Франция томони-

дан мустамлака қилиб олинди. 1794 йили ороллар Буюк Британия бошқарувиغا ўтди. Англия 1903 йили оролларни ўз мустамлакаси деб эълон қилди. 1976 йили Сейшель ороллари Буюк Британия Ҳамдўстлиги аъзоси бўлиб қолган ҳолда мустақилликка эришди. 1977 йилги давлат тўнтариши оқибатида социалистик давлат қурилишини эълон қилган А. Рене мамлакат президенти бўлди. 1991 йили мамлакат бошқарувининг бир партияли тизими кўппартиявийлик билан алмаштирилди.

СЕНЕГАЛ

Расмий номи — Сенегал Республикаси. Пошта-ти — Дакар. Худуди — 196200 км². Аҳолиси — 9700000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — ислом. Пул бирлиги — африка франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Африка қитъасининг ғарбий қисмида жойлашган давлат. Шимолда Мавритания (чегара узунлиги — 813 км), жанубда Гвинея-Бисау ва Гвинея (330 км), шарқда Мали (419 км) билан чегарадош. Мамлакатнинг марказий қисмида Гамбия дарёси бўйлаб Гамбия давлати жойлашган (Гамбия билан чегара узунлиги 740 км). Ғарбда Сенегал Атлантика океани билан туташиб кетган. Чегараларининг умумий узунлиги — 2640 км, қирғоқ бўйлаб чегара узунлиги — 531 км. Мамлакат ҳудудининг катта қисми пасттектисликлардан иборат. Сенегалнинг фақатгина жануби-ғарбида баландлиги 500 метрга етадиган Фута-Жаллон тепаликлари бор. Асосий дарёси — Сенегал. Мамлакат ҳудудида фосфорит ва темир рудаси, мармар конлари бор. Ҳудудининг 27% и ишлов бериладиган ерлар, 20% и эса ўтлоқ ва яйловлар.

Иқлими — субэкваториал, муссонли. Сенегал ҳудуди асосан саванналардан иборат. Кўп асрлардан буён ўрмонли мавзеларда экин экиш учун олов қўйиб ер тозалаш усули дарахтзорларнинг тез йўқолишига олиб келди. Фақатгина жануби-ғарбда аралаш ўрмонлар қисман сақланиб қолган. Яшаш шароитлари ўзгариши туфайли йирик ёввойи ҳайвонлар қарийб қолмаган. Миллий боғларда филлар, жирафалар, қўтослар ва бегемотларни учратиш мумкин.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат таркибида 10 та вилоят бор. Сенегал Франциядан мустақилликни 1960 йили қўлга киритган. 1982 йили Сенегал ва Гамбия конфедерацияси тузилди, лекин у 1980 йили 30 сентябрда тарқалиб кетди. Миллий байрами 4 апрел — Мустақиллик куни (1960). Қонунчилик француз фуқаролик ҳуқуқига асосланган. Ижроия ҳокимияти президент (давлат бошлиғи) ва Бош вазир (Вазирлар Кенгаши бошлиғи) қўлида. Қонунчилик ҳокимиятини бир палатали парламент — Миллий Кенгаш амалга оширади. Ўн саккизта сиёсий партиялардан энг йириклари: Сенегал Социалистик партияси (ССП), Сенегал демократик партияси (СДП), Сенегал мустақиллик ва меҳнат партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодиётининг асосий соҳаси — балиқчилик. Ишлаб чиқариш балиқни қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, нефтни тозалаш ва фосфорит қазиб чиқариш билан чекланган. Қишлоқ хўжалигида (балиқчилик билан бирга ЯММнинг 20% и) меҳнатга лаёқатли аҳолининг 75% и банд. Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — ерёнгоқ (экин майдонларининг 40% га яқини мамлакат экспорти учун жуда муҳим бўлган ана шу экинни етиштириш учун фойдаланилади). маккажўхори, тарик, сорго, шоли, пахта. Сўнгги йилларда туризм тез ривожланмоқда. 1993 йилда ЯММ 12,3 млрд. долларни ташкил қилди (аҳоли жон бошига — 1450 долл.). Асосий савдо ҳамкорлари: ЕҲ мамлакатлари (асосан Франция), Мали, Кот-д'Ивуар, Нигерия, Жазоир.

Темир йўллариининг умумий узунлиги — 1034 км, автомобиль йўллари — 14 700 км (қаттиқ қопламали йўллари — 3777 км), ички сув йўллари — 897 км. Мамлакатнинг асосий портлари: Дакар, Каолак.

Тарихи. IX асда тукулер қабилалари яшайдиган ҳозирги Сенегал ҳудудида Текрур қироллиги шаклланган бўлиб, XIV асда ундан Серер ва Уолоф қиролликлари ажралиб чиққан. XVI асда ҳозирги Сенегал ҳудудидаги давлатлар Мали империяси таркибига киради. XV асрдан бошлаб мамлакат португал денгизчилари томонидан тадқиқ этилди, бироқ мамлакатни мустамлакага айлантириш XVII аср бошларида французлар

томонидан бошланди. Инглизлар икки марта — 1758—1779 йиллари ва 1807—1817 йилларда французларни Сенегалдан қувиб чиқаришди, лекин 1854 йили Буюк Британия билан рақобатда Франция енгиб чиқди. 1895 йили эса Сенегал француз мустамлакаси деб эълон қилинди. Дакар Француз Ғарбий Африкаси пойтахти бўлиб қолди. 1958 йили Француз Ҳамжамияти таркибида ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқини қўлга киритган бу мамлакат 1959 йили Мустақил Мали федерацияси таркибига кирди, лекин 1960 йили федерациядан чиқди ва мустақил давлат деб эълон қилинди. 1963 йили мамлакатнинг янги конституцияси қабул қилинди. Унга биноан Сенегал президентлик республикаси деб эълон қилинди. 1982 йили Сенегал Гамбия билан Сенегамбия федерациясига бирлашди. Бироқ мавритан ва сенегал жамоалари ўртасидаги келишмовчиликлар 1989 йили федерациянинг тарқалиб кетишига олиб келди.

СЕН-ПЬЕР ВА МИКЕЛОН

Расмий номи — Сен-Пьер ва Микелон (Франциянинг ҳудудий бирлиги). Пойтахти — Сен-Пьер. Ҳудуди — 242 км². Аҳолиси — 6914 киши (2000). Давлат тили — француз. Дини — католик. Пул бирлиги — Франция франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Франциянинг ҳудудий бирлиги бўлиб, Ньюфаундленд (Канада) оролининг жанубида, Атлантика океанининг шимоли ғарбида 8 та майда (энг йириклари — Сен-Пьер, Ланглад, Микелон) ороллардан иборат архипелагда жойлашган давлат. Ороллар тоши пасттекислик ва ясси тоғликлардан иборат.

Иқлими — денгиз иқлими. Оролларда тўтиқуш, колибри, ҳашаротлар кўп. Денгизда кўплаб балиқ турлари учрайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Сиёсий тузилиши — Франциянинг ҳудудий бирлиги. Бошқарув раҳбари — префект, Франция ҳукумати томонидан тайинланади. Маъмурий ҳудудларга бўлинмаган. Сиёсий партиялари: Франция партияларининг маҳаллий бўлимлари амал қилади.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Аҳолининг асосий машғулоти — балиқ овлаш. Маҳал-

лий саноат асосини балиқни қайта ишлаш ташкил этади. Машинасозлик, кemasозлик корхоналари мавжуд. Иқлими ва ернинг унумсизлиги сабабли қишлоқ хўжалиги ривожланмаган. Микелон оролида қорамол, чўчқа, қўй боқилади. Асосий савдо ҳамкорлари: Канада, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Нидерландия.

Асосий порти: Сен-Пьер. Халқаро аэропорт мавжуд.

Тарихи. 1520 йили португаллар томонидан қанф қилинган. 1604 йили французлар томонидан эгаллаб олинган. 1816 йилгача Буюк Британия таркибига ҳам ўтиб турган. 1946 йили Франциянинг денгизорти ҳудуди. 1976 йили денгизорти департаменти, 1985 йили Франция ҳудудий бирлиги мақомини олди.

СЕНТ-ВИНСЕНТ ВА ГРЕНАДИН

Расмий номи — Сент-Винсент ва Гренадин. Пойтахти — Кингстаун. Ҳудуди — 389 км². Аҳолиси — 100000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — христианлик. Пул бирлиги — шарқий кариб доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Кариб денгизининг жануби-шарқий қисмидаги Сент-Винсент ва Гренадин оролларида жойлашган давлат. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 84 км. Мамлакат ҳудуди вулқон отилишидан ҳосил бўлган тепаликлардан иборат ороллар.

Иқлими — тропик мўътадил. Оролларнинг ўрта қисми бутунлай ўрмон билан қопланган, бироқ қимматли турлари кам, асосан, пальма, нон дарахтлари учрайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия, Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. Сент-Винсент 1979 йилнинг 27 октябрида мустақил давлат бўлди (аввал Буюк Британия мустамлакаси). Миллий байрамлари: 22 январь — Сент-Винсент ва Гренадин куни, 27 октябр — Миллат куни. Қонунчилик инглиз умумий ҳуқуқига асосланган. Давлат раҳбари — Британия монархи (айни пайтда қиролича Елизавета II), унинг ваколатларини генерал-губернатор амалга оширади. Ижроия ҳокимият Бош вазир бошчилигидаги Вазирлар Маҳкамасига тегишли. Олий қонунчилик органи — Мажлис палатаси. Энг йирик сиёсий партиялари: Янги демократик партия

(ЯДП), Сент-Винсент лейбористик партияси (СВЛП), Бирлашган халқ ҳаракати (БХХ), Прогрессив демократик партия (ПДП).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодиётининг энг муҳим соҳаси — қишлоқ хўжалиги (банан — асосий экспорт маҳсулотларидан бири). Ривожланиб бораётган туризм ҳам даромаднинг энг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқариши асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдан иборат. ЯММ 1994 йили 235 млн. долларни ташкил қилди (аҳоли жон бонига — 2000 доллар). Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, АҚШ, Кариб ҳавзаси давлатлари.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 1184 км. Порти — Кингстаун.

Тарихи. Сент-Винсент ороли Колумб томонидан кашф қилинган ва XVII асргача испан мустамлакаси бўлиб ҳисобланган. XVII—XVIII асрларда орол Франция билан Буюк Британия ўртасида талаш бўлди. Сент-Винсент ва Гренадин 1762 йили Буюк Британиянинг тўла ҳукмронлиги остига ўтди ва 1783 йили мустамлака деб эълон қилинди. 1958—1962 йилларда ороллар Вест-Индия Федерациясига кирди. 1979 йили эса мустақил давлат деб эълон қилинди.

СЕНТ-КИТС ВА НЕВИС

Расмий номи — Сент-Китс ва Невис Федерацияси. Пойтахти — Бастер. Ҳудуди — 281,6 км². Аҳолиси — 40992 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — христианлик. Пул бирлиги — шарқий кариб доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Кариб ҳавзасидаги икки оролда (Сент-Китс ва Невис) жойлашган давлат. Шамолли ороллар гуруҳига киради. Қирғоқ бўйлаб чегара узунлиги — 135 км. Ички қояли қисмга эга ороллар вулқон оқибатида пайдо бўлган. Мамлакатнинг энг юқори нуқтаси — Мизери тоғи (1155 м) Сент-Китс оролида жойлашган.

Иқлими — тропик, мўътадил иссиқ. Оролларнинг ўрмон билан қопланган тоғлари жуда кўркам.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия, Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. Мамлакат Буюк Британиядан мус-

тақилликни 1983 йил 19 сентябрда қўлга киритган. Бу кун Миллий байрам (Мустақиллик куни) сифатида нишонланади. Қонунчилик инглиз умумий ҳуқуқига асосланган. Давлат бошлиғи — Британия монархи (айни дамда қиролича Елизавета II). Ижроия ҳокимияти ҳам Бош вазир бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Олий қонунчилик органи — Миллий мажлис (бир палатали парламент). Энг йирик сиёсий партиялари: Халқ бирлиги ҳаракати (ХБХ), Лейбористик партия (ЛП), Бирлашган миллий ҳаракат (БМХ), Невис реформистик партияси (НРП).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Мамлакат иқтисодиёти анъанавий тарзда шакарқамиш етиштириш ва қайта ишлаш билан боғлиқ (шакар — асосий экспорт маҳсулоти). Бошқа қишлоқ хўжалик экинлари: шоли, ямс, банан. Сўнгги йилларда туризм тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. 1994 йили ЯММ 210 млн. долл.ни ташкил қилди (жон бошига 5300 долл). Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, КАРИКОМ мамлакатлари, Буюк Британия.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 300 км. Асосий портлари: Бастер (Сент-Китс), Чарлстаун (Невис).

Тарихи. 1493 йили Колумб кашф этган бу ороллар Испания мустамлакасига айланди. XVII аср бошларида эса Буюк Британия қўл остига ўтди. XVII — XVIII асрларда ороллар Буюк Британия ва Франция ўртасида талаш бўлди, бироқ 1783 йили Париж шартномаси Буюк Британиянинг Сент-Китс ва Невисга бўлган ҳуқуқини тасдиқлади. Британия Ҳамдўстлиги доирасида 1967 йили мухториятни қўлга киритган ороллар 1983 йили сентябрда мустақил давлат деб эълон қилинди.

СЕНТ-ЛЮСИЯ

Расмий номи — Сент-Люсия. Поїтахти — Кастри. Ҳудуди — 616 км². Аҳолиси — 200000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — католик. Пул бирлиги — шарқий кариб доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Кариб денгизининг жануби-шарқий қисмидаги Сент-Люсия оролида (Шамолли ороллар) жойлашган давлат. Қирғоқ

бўйлаб чегара узунлиги — 158 км. Вулқондан пайдо бўлган орол. Шимолдан жанубга томон ўрмон билан қопланган тоғлар ҳалқаси чўзилган. Мамлакатнинг энг баланд нуқтаси — Жими (950 м). Оролда бир неча кенг, ҳосилдор водийлар бор. Асосий табиий бойлиги — ёғоч.

Иқлими — тропик, мўътадил. Ўсимлик олами жуда бой, бу ерда дарахтларнинг қимматли турлари ва кўплаб орхидеяга эга бўлган нам тропик ўрмонлар сақланиб қолган. Ҳайвонот олами асосан қушлардан иборат. Қирғоққа яқин денгиз сувлари балиқ, қисқичбақасимонлар ва маржонларга бой.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия, Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. Мамлакат 1979 йилнинг 22 февралда мустақиллик олган (олдин Буюк Британия мустамлақаси). Миллий байрами 13 декабр — Миллат куни. Қонунчилик инглиз умумий ҳуқуқига асосланган. Давлат бошлиғи — Британия монархи (айни пайтда қиролича Елизавета II), унинг ваколатини генерал-губернатор бажаради. Ижроия ҳокимияти Вазирлар Маҳкамасига тегишли. Қонунчилик ҳокимияти Сенат (юқори палата) ва Мажлис палатаси (қуйи палата)дан иборат икки палатали парламент томонидан амалга оширилади. Энг йирик сиёсий партиялари: Бирлашган ишчилар партияси, Прогрессив лейбористлар партияси (ПЛП), Лейбористлар тараққиёт партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодиётининг ривожига асосан қишлоқ хўжалиғи ва туризм соҳасида кузатилади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 43% и банд бўлган қишлоқ хўжалиғи ЯММнинг 16% ини ташкил этади. Банан ва кокос ёнғоқлари энг муҳим экспорт маҳсулотларидан ҳисобланади. Саноат тармоқлари орасида энг ривожланганлари — тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати. 1994 йили ЯММ 610 млн. долларни ташкил қилди (жон бошига 4200 долл.). Энг муҳим ҳамкорлари: Буюк Британия, АҚШ, Кариб ҳавзаси мамлакатлари.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 760 км. Порти — Кастри.

Тарихи. 1502 йили Колумб очган Сент-Люсия ороли 1635 йили француз мустамлақаси бўлиб қолди. XII асрда орол навбати билан французлар қўлидан инглизлар

қўлига ўтиб юрди, аммо 1814 йили Сент-Люсия бутунлай Буюк Британия қўлига ўтди. 1958–1967 йилларда Сент-Люсия Вест-Индия Федерациясига кирди. 1979 йилнинг февралда эса мустақил давлат деб эълон қилинди.

СИНГАПУР

Расмий номи — Сингапур Республикаси. Пойтахти — Сингапур. Ҳудуди — 622 км². Аҳолиси — 4100000 киши (2001). Давлат тили — инглиз, хитой (мандарин лаҳжаси), малай, тамил. Дини — буддавийлик (30%), христианлик(20%), ислом (18%), конфуцийлик (15%), индуизм, таоизм. Пул бирлиги — сингапур доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Мамлакат Сингапур ороли ва 50 дан зиёд кичик оролларда жойлашган Жануби-Шарқий Осиёдаги давлат. Сингапур ороли Малай ярим оролидан Жоҳор бўғози, Суматра оролидан Сингапур бўғози билан ажралиб туради. Қирғоқ бўйлаб чегара узунлиги — 193 км. Мамлакат ландшафти — пасттекисликлар. Марказда тепаликлар жойлашган. Асосий миллий бойлиги — балиқ. Иқлими — муссонли, экваториал. Ўсимликлар асосан тропик ўрмонлар қолдиқларидан иборат, қирғоқ бўйларида манго чангалзорлари бор. Оролларда папоротниклар ва бамбукларнинг жуда кўп хиллари мавжуд, орхидеяларнинг кўплиги ҳайратга солади. Сингапур фаунаси, энг аввало, қўшларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Сут эмизувчилардан маймунлар ва ноёб жонзотлар — лемурлар яшайдилар.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Малайзиядан мустақиллигини 1965 йил 9 августда қўлга киритган (Миллий байрами — Республика Миллий куни). Қонунчилик инглиз умумий ҳуқуқига асосланган. Ижроия ҳокимияти президентга (давлат бошлиғи) ва Бош вазирга (ҳукумат бошлиғи) тегишли. Қонунчилик бир палатали парламент томонидан амалга оширилади. Йигирмата сиёсий партиялардан энг йириги — Халқ ҳаракати партияси (ХҲП) бўлиб, у мустақилликни қўлга киритгандан буён ҳукмрон партия ҳисобланади.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Сингапурда саноат, айниқса, электроника ва кemasозлик соҳалари яхши ривожланган. Сингапур — жаҳоннинг энг йирик савдо портларидан бири. Қишлоқ хўжалигида асосан каучук етиштирилади. Каучук Сингапурнинг асосий экспорт маҳсулоти ҳисобланади. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Малайзия, Япония, Гонконг.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 38 км, автомобиль йўллари узунлиги — 2597 км.

Тарихи. XIV асргача бугунги Сингапур ҳудудлари Шри-Виджая империяси таркибига кирган. Ундан сўнг Мажапа Хит подшолиги томонидан босиб олинган. XIV асрда бу ерларни Малакка султонлиги ўз мулкига айлантирган. 1819 йили инглиз Томас Рефлз бу ҳудудларни султон Жоҳордан сотиб олиб Сингапур шаҳрига асос солган. Шундан сўнг Сингапур Британия мустамлакачилик сиёсатининг асосий таянч нуқталаридан бирига айланди. II жаҳон уруши йилларида мамлакат япон босқинчилари томонидан босиб олинди. Урушдан сўнг Сингапур Британия мустамлакаси бўлиб қолаверди. 1959 йил мухторият ҳуқуқини олди. 1965 йил августида Сингапур ўзини мустақил республика деб эълон қилди.

СЛОВАКИЯ

Расмий номи — Словакия Республикаси. Пойтахти — Братислава. Ҳудуди — 49035 км². Аҳолиси — 5400000 киши (2001). Давлат тили — словак. Дини — католиклар (60%), протестантлар (23%), православлар (12%). Пул бирлиги — словак кронаси.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Европада жойлашган. Жанубда — Венгрия, шимолда — Польша, ғарбда — Чехия ва Австрия, шарқда — Украина билан чегарадош. Мамлакатнинг марказий ва жанубий қисми текисликлардан иборат. Шимоли-ғарбида ва шарқда Ғарбий ва Шарқий Карпат тоғлари жойлашган. Шимолда баланд Татра тоғлари бор. Асосий дарёлари: Дунай, Грон, Ваг, Бодрог.

Иқлими — мўътадил, континентал. Асосий ер ости бойликлари: темир рудаси, сурма, магнезий, марганец. Мамлакатнинг 1/3 қисми ўрмонзорлардир (дуб, бук, арча, қарағай). Ҳайвонот олами камбағал (бўри,

тулки, айиқ, қуён, бугу, типратикан, тустовуқ, каклик).

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Словакиянинг давлат тузилиши — республика. БМТ ва ХВФ аъзоси. Давлат бошлиғи — президент. Ҳукумат бошлиғи — Бош вазир. Олий қонун чиқарувчи органи — Миллий кенгаш. Маъмурий жиҳатдан 8 та худудга бўлинади. Сиёсий партиялари: Демократик Словакия учун ҳаракат, Демократик сўллар партияси, Словакия миллий партияси, Христиан-демократик ҳаракат.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Словакия — аграр-индустриал мамлакат. Гандлов ва Мадри-Каменда иқтисодиёти учун муҳим бўлган кўмир конлари мавжуд. Россиядан келадиган газ ва нефть трассалари ўтади. Тоғ-кон саноати ривожланган. Гидроэлектростанциялар кўп. Словакиянинг деҳқончилик учун яроқли ерлари худудининг 1/3 қисмини ташкил этади (буғдой, арпа, лавлағи, маккажўхори, картошка етиштирилади). Ваг водийсида тамакичилик ва боғдорчилик ривожланган. Мамлакатда чорвачилик ҳам тараққий этган. Тоғли курортлар мавжуд. Асосий савло ҳамкорлари: Германия, Чехия, Россия, Италия, Польша.

Асосий дарё портлари: Братислава, Комарно.

Тарихи. М. а. V асрда мамлакат худудида фракий қабилалари яшаган. М. а. III асрда бу ерда кельтлар пайдо бўлди. I асрда мамлакат худуди римликлар томонидан эгалланган. VI асрдан бошлаб Словакияга славян қабилалари кўчиб кела бошлади. X асрда Буюк Моравия давлати таркибига қўшилди. XI асрда Венгрия қироллигига тобе бўлди. XVI асрда Жанубий Словакия усмонийлар томонидан истило қилинди, қолган қисми Габсбурглар империяси таркибига ўтди. XVII асрда мамлакат тўлиқ Габсбурглар Австрияси таркибига киритилди. 1867 йилдан Словакия янги ташкил топган Австро-Венгрия таркибида бўлди. 1918 йили Австро-Венгрия тарқатилиши билан Словакия Чехия билан бирлашди ва Чехословакия давлатини ташкил этди. 1939 йили Германия, «Мюнхен битими»га кўра, Чехословакияни эгаллаб, «мустақил Словакия» давлатини ташкил этгирди. Словакия II жаҳон урушида Германия тарафида туриб урушди. 1945 йили Словакия совет

қўшинлари томонидан озод этилди ва коммунистик режим ўрнатилди. 1968 йили Чехословакияда демократик ислохотлар ўтказилди, цензура бекор қилинди. Бунга жавобан мамлакатга СССР, ГДР, Польша ва Болгария қўшинлари киритилди. Бу сиёсий ҳолат «Прага баҳори» номини олган. Коммунистик режим қайта тикланди. 1989 йили «юмшоқ инқилоб» натижасида коммунистлар ҳокимияти ағдарилди. 1992 йили Чехия билан бўлган узоқ тортишувлардан сўнг давлат икки қисмга — Чехия ва Словакияга ажратилди. 1993 йил 1 январда Словакия мустақиллик декларациясини эълон қилиб, БМТга аъзо бўлди.

СЛОВЕНИЯ

Расмий номи — Словения Республикаси. Пойтахти — Любляна. Ҳудуди — 20250 км². Аҳолиси — 2000000 киши (2001). Давлат тили — словен. Дини — католиклар (96%), православлар (1%), мусулмонлар (1%). Пул бирлиги — толар.

Географик жойлашуви ва табиати. Болқон ярим оролининг шимолий қисмида Европанинг жануби-шарқида жойлашган давлат. Жанубда ва жануби-шарқда — Хорватия, ғарбда — Италия, шимолда — Австрия, шимоли-шарқда — Венгрия билан чегарадош. Ғарбий соҳиллари Адриатика денгизи билан туташган. Мамлакат ғарбида Юлий Альплари вилояти жойлашган. Шарқда тоғлар, дарё водийлари билан алмашилиб туради. Мамлакат марказида баланд бўлмаган тоғлар устунлик қилади. Мамлакатнинг энг баланд нуқтаси Триглав (2863 м) тоғидир. Асосий дарёлари: Драва ва Сова. Карет қўллари ва тоғ музликлари учраб туради.

Иқлими — мўътадил континентал. Фойдали қазилмалардан кўнғир кўмир, кўрғошин, рух, симоб, уран ва кумуш мавжуд. Мамлакат ҳудудининг 50% ини ўрмонлар эгаллаган. Эман, арча каби дарахтлар кенг тарқалган. Ҳайвонлардан айиқ, қобон, силовсин, кийик ва охуларни учратиш мумкин.

Давлат тuzилиши, сиёсий партиялари. Давлат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали парламент амалга оширади. У Давлат Кенгаши ҳамда Давлат йиғинидан ташкил топган.

Маъмурий жиҳатдан мамлакат 60 та провинцияга бўлинган. Йирик сиёсий партиялари: Христиан-Демократлар партияси, Либерал демократик партия, Социал демократик партия, Халқ демократик партияси, Словения миллий партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Словения — аграр-индустриал давлат. Унинг иқтисоди саноат ишлаб чиқаришга асосланган. Кўмир, қўрғошин, рух рудалари қазиб олинади ва қайта ишланади. Пойтахт Люблянада ва Есенице шаҳрида оғир саноат корхоналари жойлаштирилган. Аммо саноат тармоқлари асосини машинасозлик, кимё, енгил саноат ташкил этади. Металлургия, ёғочни қайта ишлаш, терига ишлов бериш, спорт моллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш яхши тараққий этган. Бу маҳсулотлар ташқи бозорларга чиқарилади. Янги саноат тармоқлари электрон ускунасозлик, кимё ва фармакология саноати, транспорт машинасозлиги кабилардан иборат. Полиграфия соҳасини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг 40% ини ўсимликлар ўстириш, 55% ини чорвачилик, 5% ини узумчилик ва мевачилик ташкил этади. Яйлов чорвачилиги Альп ва Субальп вилоятлари ҳамда Каретда кенг тарқалган. Ўрмончилик иқтисоднинг фавқулодда муҳим соҳаларидан бўлиб қолмоқда. Ҳукумат кейинги йилларда туризм соҳасидаги хусусий тадбиркорликни рағбатлантирмоқда. Туризмдан келиб тушадиган даромадлар асосий валюта тушумлари манбаларидан биридир. Асосий савдо ҳамкорлари: Германия, Италия, Франция, Хорватия, Австрия.

Асосий портлари: Копер, Пиран.

Тарихи. М. а. I асрда бу ерлар Рим империяси таркибига кирган. Словения ҳудудига славянлар VI асрда кириб келишган. 628—258 йилларда бу ҳудудлар Само давлати, кейинчалик Кариптония таркибига кирган. XI—XIII асрларда Словения ҳудудида бир қатор феодал князликлар — Штирия, Крайна ва бошқалар вужудга келган. XVI аср бошларидан мамлакатнинг деярли бутун ҳудуди Австрия Габсбурглари томонидан босиб олинган. 1809—1813 йилларда Илмирий провинциялари сифатида Наполеон давлати таркибига кирган. XIX асрнинг 70-йилларида маданий ва миллий автономия шиорлари остидаги миллий-озодлик ҳара-

катлари кучайиб борди. 1918 йили Словения Серблар, Хорватлар ва Словенлар қироллиги таркибига қўшилди (1929 йилдан Югославия давлати номини олди). 1941 йилда Югославия Германия, Италия, Венгрия қўшинлари томонидан ишғол қилинди. Немис босқинчиларига қарши курашга Югославия Халқ Озодлик Армияси отланди. II жаҳон урушидан сўнг Словения Югославия Федерацияси таркибига кирди. Италия билан имзоланган тинчлик шартномасига кўра, словенлар кўпчиликини ташкил қилган ҳудудларнинг барчаси Югославия тасарруфига топширилди. Югославия таркибида Словения кенг маданий ва иқтисодий автономияга эга бўлди. 1980 йиллар охирида Словения сиёсий раҳбарияти кўппартиявийлик асосидаги сайловларни ўтказишга қарор қилди. 1990 йил апрелида Югославияда биринчи бор кўппартиявийлик асосида демократик сайловлар ўтказилди. 1991 йил 21 августда Словения мустақиллик тўғрисидаги декларацияни қабул қилди. 1991 йил октябрида тўла мустақил давлатга айланди. Словения 1992 йил май ойида БМТга аъзо бўлди.

СОЛОМОН ОРОЛЛАРИ

Расмий номи — Соломон ороллари. Пойтахти — Хониара. Ҳудуди — 28370 км². Аҳолиси — 500000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — христианлик. Пул бирлиги — соломон ороллари доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Тинч океанининг жанубий қисмида, Соломон оролларида (Гвадалканал, Нью-Жоржия, Малайта, Санта-Изабель, Санта-Крус ороллари ва бошқ.) жойлашган давлат. Кўпчилик оролларнинг рельефи тоғли. Маржон атолларида текисликлар бор. Асосий табиий ресурслари: балиқ, ёғоч, олтин, кўрғошин, рух, никель, фосфоритлар.

Иқлими — узоқ давомли намлик мавсуми ва иссиқ. Ороллارнинг катта қисми ноёб дарахт турлари мавжуд бўлган ўрмонлар билан қопланган. Нисбатан қуруқ ерларда саванналар, қирғоқ бўйларида мангро ўсимликлари бор. Оролларнинг ҳайвонот дунёси анча камбағал: ҳалталилар, кўришапалаклар ва кемирувчилар учрайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Мамлакат 7 та округга бўлинган. Соломон ороллари 1978 йил 7 июлда мустақил давлат бўлган (илгари Буюк Британиянинг протекторати эди). Давлат бошлиғи — Британия монархи (ҳозирги вақтда қиролича Елизавета II), ижроия ҳокимият премьер-министрга тегишли. Қонунчилик Миллий парламент томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялари: Халқ иттифоқи партияси, Соломон ороллари бирлашган партияси, Соломон ороллари либерал партияси, Соломон ороллари лейбористлар партияси, Соломон ороллари миллий ҳаракати партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалиғи, балиқчилик ва ўрмончилик (ЯММнинг 70% и) ташкил этади. Асосий экспорт қилинадиган маҳсулотлари — балиқ, ёғоч, копра, пальма ёғи. Саноат маҳсулотларининг катта қисми ва нефть маҳсулотларини четдан келтиради. ЯММ 1992 йили 1 млрд. (аҳоли жон бошига — 2590) долларни ташкил этган.

Асосий савдо ҳамкорлари — Япония, Буюк Британия, АҚШ, Таиланд.

Темир йўллари йўқ, автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 1300 км. Порти — Хониара.

Тарихи. Соломон ороллари 1568 йили испан денгизчиси Мендонья де Нейра томонидан кашф қилинган. Оролларнинг шимолий қисми 1885 йили Германия протекторати деб эълон қилинган, жанубий қисми эса Буюк Британия мулкларига кўшилди. 1899 йили Германия Буганвиль ва Бука оролларида бошқа ҳамма ороллари Буюк Британияга берди. Бунинг эвазига инглизлар Германиянинг Ғарбий Самоани босиб олиш ҳуқуқини тан олишди. 1914 йили Буганвиль ва Бука Австралия кўшинлари томонидан босиб олинди ва 1920 йили Австралия бошқаруви остига ўтди. Иккинчи жаҳон урушида оролларнинг бир қисми япон кўшинлари томонидан ишғол қилинди, урушдан кейин эса Соломон ороллари яна Британия протекторатига айланди. 1978 йили Соломон оролларининг мустақиллиги эълон қилинди ва Британ Ҳамдўстлиги давлатлари сафига кирди.

СОМАЛИ

Расмий номи — Сомали Демократик Республикаси. Пойтахти — Могадишо. Худуди — 637657 км². Аҳолиси — 7500000 киши (2001). Давлат тили — сомали ва араб. Дини — ислом (99% аҳоли муслмон, суннийлар). Пул бирлиги — сомали шиллинги.

Географик жойлашуви ва табиати. Африканинг шарқий қисмида, Сомали ярим оролида жойлашган давлат. Ғарбда Эфиопия (чегара узунлиги 1600 км), жануби-ғарбда Кения (682 км), шимоли-ғарбда Жибути (58 км) билан чегарадош. Шарқда ва жанубда мамлакат Ҳинд океани билан, шимолда Аден кўрфази билан туташиб кетган. Чегарасининг умумий узунлиги — 2340 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги эса — 3025 км. Мамлакат рельефи текис ва тепаликли текисликлардан, шимолда эса тепаликлардан иборат. Сомалида уран, темир рудаси, бокситлар, қўрғошин, сурма, мис захиралари бор.

Иқлими — қуруқ ва иссиқ тропик. Сомалининг деярли 90% худуди ярим чўллар ва қуруқ саванналардан иборат. Бу ерда кўп йиллик ўтлар, акациялар кўп. Ўрмонларда пальмалар, 20 метрли фикуслар бор. Саванналарда антилопалар, зебралар, жирафалар ва леопардлар яшайди. Дарё ҳавзаларида филлар, каркидонлар учрайди. Маймунлар кўп. Сомалининг марказий қисмида баландлиги 7 метргача бўлган термит уялари бор.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 18 та вилоятга бўлинган. Сомали 1960 йил 1 июлдан мустақил (илгари Буюк Британия мустамаккаси бўлган) давлат ҳисобланади. Бу сана Миллий байрам — Мустақиллик куни сифатида нишонланади. Ижроия ҳокимият мамлакат конституциясига кўра президентга ва премьер-министр бошчилигидаги Министрлар Кенгашига тегишли. Фуқаролар уруши туфайли ҳукумат амалда мамлакатни назорат қила олмаяпти. Мамлакатда 15 дан ортиқ уруғ-қабилачилик асосида тузилган ҳарбий-сиёсий ташкилотлар бор. Улардан энг йириклари — Бирлашган Сомали конгресси, Сомали миллий ҳаракати, Сомалини қутқариш демократик фронти, Сомали миллий альянси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Дунёнинг энг камбағал давлатларидан бири бўлган Сомалида иқтисодийётнинг муҳим сектори қишлоқ хўжалиги (ЯММнинг 40% и ва тахминан экспортдан келадиган фойданинг 65% ини ташкил қилади) ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида асосан чорвачилик билан шуғулланилади. ЯММ 1994 йили 3,3 млрд. доллар (аҳоли жон бошига 500 доллар)ни ташкил этган. Асосий экспорт қиладиган маҳсулоти бананлар, бундан ташқари, шакарқамиш, сорго ва маккажўхори ҳам етиштирилади. Саноати унча катта бўлмаган шакар, тўқимачилик ва нефть корхоналари билан чекланган. XX асрнинг 90-йиллари бошида юритилган беқарор сиёсий ҳолат ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли даражада камайишига олиб келди. Асосий савдо ҳамкорлари — АҚШ, Италия, Германия, Саудия Арабистони.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 15215 км. Мамлакат портлари: Барбара, Могадишо.

Тарихи. II—VII асрларда ҳозирги Сомали ҳудудлари эфиопларнинг Аксум давлати таркибига кирган. VII асрдан Сомалига араблар кириб келишди. Улар бу ерда ислом динини ва араб тилини ёйишди, XIX асргача сақланиб турган бир қатор султонликларини тузишди. XIX аср охирларида мамлакатни европаликлар томонидан мустамлакаланштириш бошланди. Ҳозирги Сомали ҳудудлари Буюк Британия, Италия ва Франция давлатлари ўртасида бўлиб олинди. Британия Сомалиси 1960 йил 26 июнда мустақиллик олди. 1960 йил 1 июлда Италия Сомалисининг мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг эса ягона Сомали давлати тузилди. 1969 йили ҳарбийлар давлат тўнтариши ўтказиб, мамлакат президентини ўлдиришди. 1977 йили Сомали Эфиопияга қарши уруш бошлади, бироқ унда мағлубиятга учради. Мамлакатда бошланган фуқаролар уруши 1991 йили генерал Барренинг қулашига ва БМТ ҳомийлигидаги ҳарбий интервенциянинг бошланишига олиб келди. Бироқ бу ҳам Сомалидаги урушаётган уруғларни ўзаро яраштира олмади.

СУДАН

Расмий номи — Судан Республикаси. Пойтахти — Хартум. Ҳудуди — 2505813 км². Аҳолиси — 31800000

киши (2001). Давлат тили — араб. Дини — мусулмонлар (70%), мажусийлар (25%), христианлар (5%). Пул бирлиги — судан динари.

Географик жойлашуви ва табиати. Африка қитъасининг шимоли-шарқида жойлашган давлат. Шарқда Эфиопия ва Эритрея (чегара узунлиги — 2221 км), ғарбда Чад республикаси (1360 км), Марказий Африка республикаси (1165 км) ва Ливия (383 км), шимолда Миср (1273 км), жанубда Зоир (628 км), Уганда (435 км) ва Кения (232 км) билан чегарадош. Шарқда Судан Қизил денгиз билан туташиб кетган. Чегарасининг умумий узунлиги — 7697 км. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги эса — 853 км. Судан Африка давлатлари орасида ҳудуди бўйича энг йириги ҳисобланади. Уни 3 та физик-географик регионга бўлиш мумкин: шимолда Ливия ва Нубия чўллари 30% ҳудудини эгаллаган; марказида Кардофан ва Дарфур текисликлари бор; жанубини кенг ботқоқлар ва чангалзорлар эгаллаган. Мамлакатнинг энг юқори нуқтаси Киньети тоғи (3187 м) бўлиб, у Суданнинг жануби-шарқида жойлашган. Мамлакатнинг асосий дарёлари — Нил, Оқ Нил, Мовий Нил. Асосий фойдали қазилмалари: нефть, темир рудаси, рух, мис, хром, вольфрам, кумуш. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 5% ини, ўтлоқ ва яйловлар 24% ини, ўрмон ва тўқайзорлар 20% ини эгаллайди.

Иқлими — иссиқ ва қуруқ.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 9 та вилоятга бўлинган. Судан 1956 йил 1 январда Миср ва Буюк Британиядан мустақиллик олган. Бу сана Миллий байрам сифатида нишонланади (Мустақиллик куни). Қонунчилик инглиз умумий ҳуқуқшунослигига ва ислом ҳуқуқшунослигига асосланган. Ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимият президентнинг (давлат ва ҳукумат бошлиги) ва Миллий Ассамблеянинг қўлида тўпланган. 1989 йил 30 июндаги давлат тўнтаришидан сўнг сиёсий партиялар фаолияти тақиқлаб қўйилган.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Судан иқтисодиёти фуқаролар уруши, доимий сиёсий беқарорлик ва юқори инфляция туфайли чуқур инқирозни бошидан кечирмоқда. ЯММ 1994 йили 23,7 млрд. доллар (аҳоли жон бошига 870 доллар)ни ташкил эт-

ган. Иқтисодиётда давлат сектори устунлик қилади. Хусусий секторнинг асосини қишлоқ хўжалиги ва савдо ташкил қилади. Иқтисодиётнинг асосий сектори бўлган қишлоқ хўжалиги (ЯММнинг 35% и)да ишга яроқли аҳолининг 80% и банд (экспортнинг ярмидан кўпроғи — пахта). Ишлаб чиқариш асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ. Ноқулай об-ҳаво шароити мамлакатнинг иқтисодий аҳолини янада оғирлашгирмоқда. Ҳозирги кунда Судан аҳоли даромадининг кўрсаткичлари бўйича дунёда охириги ўринларидан бирини эгаллайди. Асосий савдо ҳамкорлари: Ғарбий Европа, Саудия Арабистони, АҚШ, Япония, Шарқий Европа мамлакатлари.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 5516 км, автомобиль йўллари — 20703 км, ички сув йўллари — 5310 км. Мамлакатнинг асосий порти — Порт-Судан.

Тарихи. М. а. III минг йилликда ҳозирги Судан ҳудудида Нубия цивилизацияси шаклланган бўлиб, қадимги Миср тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Нубия шоҳлиги Миср цивилизацияси билан муносабатларини узганидан сўнг м. а. 350 йили Эфиопия шоҳи томонидан босиб олинди. VI асрга келиб ҳозирги Судан ҳудудида бир нечта христиан давлатлари шаклланди. Бироқ улар XV асрда қора танли мусулмонлар томонидан бўйсундирилиб, Сеннар султонлигини тузишди, бу вақтда мамлакат ғарбида Дарфур султонлиги ҳам тузилган эди. XVIII аср охириларида ушбу мусулмон давлатларининг заифлашганлигидан фойдаланиб, 1820 йили Миср Суданни босиб олди. XIX асрнинг 60-йилларида Суданда Мисрнинг босиб олиниши билан Буюк Британиянинг таъсири кучая бошлади. 1951 йил октябрида Миср қироли Фаррух Британия билан келишувни бузиб, ўзини Суданнинг қироли деб эълон қилди. 1956 йилда Судан мустақилликка эришди. Судан мустақилликка эришганидан сўнг бир нечта давлат тўнтаришларини ўз бошидан кечирди. Улардан бири 1971 йили содир бўлиб, унинг натижасида генерал Нимейра ҳокимият тепасига келди. Нимейра тез-тез содир бўлиб турадиган қурғоқчилик ва очлик туфайли мамлакатни инқироздан олиб чиқа олмади. Фуқаролар уруши 1985 йили Нимейра ҳукуматининг қулашига олиб келди. 1986 йилда эса мамлакатда демократик сайловлар бўлиб ўтди. Янги тузилган ҳукумат 1989 йили гене-

рал Ал-Башир томонидан ағдарилди. Шундан сўнг фуқаролар уруши яна бутун мамлакатни қамраб олди. 2000 йил декабр ойида ўтказилган сайловларда Ал-Башир яна президентликка сайланди.

СУРИНАМ

Расмий номи — Суринам Республикаси. Пойтахти — Парамарибо. Ҳудуди — 163820 км². Аҳолиси — 400000 киши (2001). Давлат тили — голланд. Дини — индуизм (27%), протестантлик (25%), католиклар (23%), мусулмонлар (20%), мажусийлар (5%). Пул бирлиги — суринам гульдени ёки флорин.

Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Американинг шимоли-шарқида жойлашган давлат. Жанубда Бразилия (чегара узунлиги — 597 км), ғарбда Гайана (600 км), шарқда француз Гвианаси (510 км) билан чегарадош. Шимолда Суринам Атлантика океани билан тутаниб кетган. Чегарасининг умумий узунлиги — 1707 км. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги эса 386 км. Мамлакатнинг катта қисми баландлиги 1280 м гача бўлган Гвиан ясси тоғлигининг шимоли-шарқида жойлашган. Ҳудуди асосан тепаликлардан иборат. Шимолда қирғоқбўйи ботқоқлик текисликлар бор. Бош дарёлари — Марони, Каронтейн. Асосий табиий ресурслари: бокситлар, темир рудаси, ёғоч, балиқ, креветкалар.

Иқлими — субэкваториал иссиқ. Дарахтларнинг ноёб турлари мавжуд бўлган доимий яшил ўрмонлар Суринам ҳудудининг 90% ини эгаллайди. Шимолда саванналар бор. Мамлакат фаунаси тропик сельвасига хос.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 10 та округга бўлинган. Суринам 1975 йили 25 ноябрда Нидерландиядан мустақиллик олган (илгари Нидерланд Гвианаси бўлган). Миллий байрамлари: 25 феврал — Озодлик ва янгилик куни (1980), 25 ноябр — Мустақиллик эълон қилинган кун (1975). Ижроия ҳокимият президентга (давлат бошлиғи) ва вице-президентга (унинг ўзи премьер-министр) тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Миллий Ассамблея томонидан амалга оширилади. Энг йирик сиёсий партиялари: Демократия ва тараққиёт учун янги фронт,

Миллий демократик партия, Суринам миллий партияси, Ислохотлар тараққиёт партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Суринам иқтисодиёти 1982 йили Голландия молиявий ёрдам беришни тўхтатганидан сўнг оғир қийинчиликларни бошдан кечирди, шунингдек, сиёсий беқарорлик ҳам саноат тараққиётига ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Саноатининг етакчи тармоқлари алюминий ишлаб чиқариш (умумий экспорт ҳажмининг 70% и), бокситлар қазиб олиш, ёғочни қайта ишлаш. Қишлоқ хўжалигида (ЯММнинг 11% и) асосий етиштирилادиган экин шולי (қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 60% и) ҳисобланади. 1994 йили ЯММ 1,2 млрд. доллар (аҳоли жон бошига 2800 доллар)ни ташкил этган.

Асосий савдо ҳамкорлари — Норвегия, Нидерландия. АҚШ, Германия, Бразилия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 166 км, автомобиль йўллари — 8300 км, ички сув йўллари эса — 1200 км. Асосий порти — Парамарибо.

Тарихи. Ҳиндуларнинг аравак, варау ва кариб қабиалари истиқомат қилиб келган ҳозирги Суринам ҳудудлари илгари инглизларга тегишли бўлган, 1667 йили эса Голландияга берилган. 1954 йили мухтор провинция мақомини олган Суринам 1975 йил ноябрида мустақил республика бўлди. 1980 йилги ҳарбий тўнтариш оқибатида мамлакатда ҳокимият ҳарбийлар қўлига ўтди. 1988 йили ҳарбийлар ҳокимиятни фуқаролик ҳукуматига берганидан сўнг демократияга қайтиш бошланди ва мамлакатда эркин президент сайловлари бўлиб ўтди.

СУРИЯ

Расмий номи — Сурия Араб Республикаси. Пойтахти — Дамашқ. Ҳудуди — 185200 км². Аҳолиси — 17100000 киши (2001). Давлат тили — араб. Дини — ислом. Пул бирлиги — сурия фунти.

Географик жойлашуви ва табиати. Сурия Жануби-Ғарбий Осиёда жойлашган давлат. Шимолда Туркия (чегара узунлиги — 822 км), шарқда Ироқ (605 км), жанубда Иордания (375 км) ва Исроил (79 км), ғарбда Ливан билан (375 км) чегарадош. Мамлакат ҳуду-

дининг асосий қисмини текисликлар эгаллаган. Жанубда Сурия чўллари жойлашган. Ғарбда Сурия Ўрта ер денгизи билан туташиб кетган.

Мамлакатнинг ғарбий қисмида Ансория ва Антиливан тоғ тизмалари жойлашган. Суриянинг энг баланд чўққиси Херман (2814) ҳам шу ерда жойлашган. Асосий дарёлари: Фрот ва Ал-Аси. Мамлакат нефть, фосфат, марганец конларига бой. Худудининг 28% ида деҳқончилик қилинса, 46% и яйловлардан иборат.

Сурия иқлими анча илиқ бўлиб, Ўрта ер денгизи соҳиллари бошқа худудлардан кескин фарқ қилади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президентлик республикаси. Мамлакат 14 та маъмурий худудга бўлинган. Сурия 1946 йил 17 апрелда ўз мустақиллигини қўлга киритган. Давлат ва ижро ҳокимият раҳбари — президент. Олий қонун чиқарувчи органи бир палатали парламент — Халқ кенгаши. Йирик сиёсий партиялари: Араб социалистик уйғониш партияси, Миллий социалистик партия, Тараққиёт миллий fronti (7 та партияни бирлаштирган).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. 1991 йили бўлиб ўтган Ироқ — Қувайт урушидан сўнгра Сурия араб ва Ғарбий Европа давлатларидан сезиларли даражада молиявий ёрдам олди. Бу нарса мамлакатнинг ташқи қарзларини тўлашга ва нефтни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга ёрдам берди. Нефть ва фосфорит қазиб олиш Сурия саноатининг асосини ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги умуммиллий маҳсулотнинг 30% ини етиштиради. Асосий экинлар: пахта, буғдой, арпа. Сурия ўз-ўзини озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмайди. Асосий савдо ҳамкорлари: Европа Иттифоқи давлатлари.

Темир йўлларининг узунлиги — 1998 км, автомобиль йўллари — 31569 км. Асосий портлари — Тартус ва Банияз.

Тарихи. Бугунги Сурия худудлари тарихнинг турли давларида турли хил давлатлар таркибига кирган. М. а. XVI асрда Қадимги Миср, м. а. XIV асрда Хетт подшолиги, м. а. XII асрда яҳудийлар томонидан ишғол қилинган. М. а. VII—VI асрларда бу худудлар оссурияликлар томонидан эгалланган. М. а. 539 йилда форслар, м. а. 333 йилда Александр Македонский империяси таркибига

кирди. М. а. III асрда Салавкийлар сулоласи Сурия подшолигига асос солди. М. а. 64 йилдан бу подшолик Рим империяси таркибига киритилди. 636 йилда бу ҳудудлар араблар томонидан босиб олинди. Кейин Сурия салибчилар томонидан ташкил этилган Қуддус подшолиги таркибига кирди. 1516 йилдан 1920 йилгача Сурия Усманийлар империясининг таркибий қисми бўлиб қолди. 1920 йили Франция Сурияни бошқариш ҳуқуқини олди. 1914 йил сентябрида Сурия ўз мустақиллигини эълон қилган бўлса-да, амалда 1946 йилнинг 17 апрелидан тўла мустақилликка эришди. 1971—2000 йилларда Х. Асад президентлик қилди. 2000 йилги сайловларда унинг ўғли Б. Асад шу лавозимга сайланди.

СЬЕРРА-ЛЕОНЕ

Расмий номи — Сьерра-Леоне Республикаси. Пойтахти — Фритаун. Ҳудуди — 71740 км². Аҳолиси — 5400000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — мажусийлик (52%), ислом (40%), христианлик (8%). Пул бирлиги — леоне.

Географик жойлашуви ва табиати. Африка қитъасининг ғарбий қисмида жойлашган давлат. Шимолда ва шарқда Гвинея (чегара узунлиги 652 км), жануби-шарқда Либерия (306 км) билан чегарадош. Ғарбда ва жануби-ғарбда мамлакат Атлантика океани билан тутшиб кетган. Чегарасининг умумий узунлиги — 958 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги эса 402 км. Мамлакат ҳудудининг катта қисми Леон-Либерия тепалигида жойлашган. Ғарбида ва жанубида қирғоқбўйи мангро ботқоқликлари бор. Табиий ресурсларидан нисбатан муҳимлари — олмос, бокситлар, титан рудаси, темир рудаси, олтин. Ишлов бериладиган ерлар умумий ҳудудининг 25% ини, ўтлоқ ва яйловлар 31% ини, ўрмон ва тўқайзорлар 29% ини эгаллайди.

Иклими — экваториал нам. Сьерра-Леоне ҳудудларининг тахминан ярми саванналар, шарқда тоғлар ва жанубида экваториал ўрмонлари бор. Ўрмонларда жуда кўп маймунлар (шимпанзе, бабуинлар, макакалар), қоплон, гиена, антилопа, зебралар бор, кичик бегемотлар сақланиб қолган. Шунингдек, ноёб денгиз ҳайвони — ламантин ҳам учрайди.

Давлат тузулиши, сиёсий партиялари. Давлат тузуми — ҳарбий тартиб. Мамлакат таркибида Фарбий вилоят ва 3 та провинция (шарқий, шимолий, жанубий) бор. Сьерра-Леоне 1961 йил 27 апрелда мустақилликка (илгари Буюк Британиянинг протекторати бўлган) эришган. Бу кун Миллий байрам (Республика кун) сифатида нишонланади. Қонунчилик инглиз ҳуқуқшунослигига ва маҳаллий қабилалар қонунларига асосланган. Бутун ҳокимият Муваққат Миллий Бошқарув Кенгашига тегишли. Мамлакат парламенти (Депутатлар палатаси) 1992 йил 29 апрелда содир бўлган давлат тўнтаришидан сўнг тарқатиб юборилган. Сиёсий партиялари: Сьерра-Леоне халқ партияси, Халқ демократик партияси, Миллий бирлик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги илғор тармоқ ҳисобланади (ЯММнинг 1/3 қисмини ташкил қилади). Асосий экспорт қиладиган маҳсулотлари — қаҳва ва какао. ЯММнинг 10% ини ташкил қиладиган саноат (олмос, бокситлар, рутил) ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан чекланган. ЯММ 1993 йили 4,5 млрд. (жон бошига 1000) долларни ташкил этган. Асосий савдо ҳамкорлари — АҚШ, Буюк Британия, Бельгия, Германия, Япония, Хитой, Нигерия.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 7400 км (шундан 1150 км тош ётқизилган йўллар), ички сув йўллари — 800 км. Асосий портлари — Бонте, Пепел, Фритаун.

Тарихи. 1460 йили португаллар томонидан очилган ҳозирги Сьерра-Леоне ҳудудлари узоқ вақт давомида Фарбий Африканинг қул савдоси марказларидан бири бўлиб келди. 1787 йили Америкада озодликка эришган собиқ қуллар Сьерра-Леоне қирғоқларида инглизлар ёрдамида ўз турар жойларига асос солдилар. 1808 йили Буюк Британия мустамлакасига айлантрилган бу мамлакат 1961 йили Британия Ҳамдўстлиги доирасида мухториятга эришди. 1971 йилги давлат тўнтариши натижасида Сьерра-Леоне мустақил давлат деб эълон қилинди. 1992 йили навбатдаги давлат тўнтариши ўтказилди ва ҳокимиятга ҳарбийлар келишди. Улар парламентни тарқатиб юборишди ва сиёсий партиялар фаолиятини тақиқлаб қўйишди.

ТАИЛАНД

*Расмий номи — Таиланд қироллиги (Пратет-Таи).
Пойтахти — Бангкок. Ҳудуди — 513115 км². Аҳоли-
си — 62400000 киши (2001). Давлат тили — тай.
Дини — буддавийлик (95%). Пул бирлиги — бат.*

Географик жойлашуви ва табиати. Жануби-Шарқий Осиёдаги давлат. Шимол ва ғарбда Таиланд Мьянма (чегара узунлиги — 1800 км), шимоли-шарқда Лаос (1754 км), жануби-шарқда Камбоджа (803 км), жанубда Малайзия (506 км) билан чегаралаш. Мамлакатнинг жануби-ғарбида Андаман денгизи, жануби-шарқда Сиам қўлтиғи жойлашган. Чегарасининг умумий узунлиги — 4863 км. Қирғоқ чизигининг узунлиги — 3219 км. Мамлакат ҳудудининг ярми пасттекисликлардан иборат. Улардан энг йириги Менам пасттепалиги бўлиб, у мамлакатнинг асосий дарёси Менам-Чао-Прал ҳавасида жойлашган. Мамлакатнинг шарқий қисмини Корат ясси тоғлиги эгаллайди. Таиланднинг шимолий ва ғарбий қисми тоғлар билан ўралган. Асосий тоғ тизмаси — Танентаунжи. Энг баланд чўққиси — Интханон (2595 м). Асосий табиий бойликлари: табиий газ, қалайи, каучук, вольфрам, қўрғошин, ёғоч, балиқ. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 34% ини, ўрам ва яйловлар 30% ини ташкил қилади.

Иқлими — тропик. Таиланднинг флораси тропик бўлиб, ўсимликларнинг 10000 га яқин тури мавжуд. Ўрмонларда янг. такьян, турли хил пальмалар, терокарпус бамбуғи ўсади. Ҳиндистон фили, йўлбарс, қолон, бенгал мушуги, ҳимолай айиғи, ҳиндистон бўрсиги, кийикнинг бир неча тури, 70 турга яқин илон, қушхўр ўргимчак, 600 га яқин капалак, турли ҳашаротлар ҳайвонот дунёсини ташкил этади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Мамлакат таркибига 73 та провинция (чангвада) киради. Мустақил Таиланд давлати 1238 йилда тузилган. 5 декабр — қиролнинг туғилган куни Миллий байрам ҳисобланади. Давлат бошлиғи — қирол. Ижро этувчи ҳокимият Бош вазир бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият Сенат (юқори палата) ва Вакиллар палатаси (қуйи палата)дан иборат Миллий Ассамблея томонидан амалга оширилади. Асосий сиёсий

партиялари: Демократик партия, Тай миллий партияси, Халқ партияси, Янги умид партияси, Ижтимоий ҳаракат партияси, Паоангтам партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Таиланд Осиёдаги иқтисодий ривожланган давлатлардан бири. 1994 йилда ЯММ 355,2 млрд. (жон бошига — 5970) долл.ни ташкил этди. Сўнгги йилларда иқтисодий ўсиш саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кузатилмоқда. Жадал ривожланаётган туризм мамлакатнинг асосий валюта манбаларидан бирига айланди. Саноатнинг тўқимачилик, заргарлик, электрон, қазиб олиш (Таиланд вольфрам ишлаб чиқариш бўйича иккинчи, қалайи ишлаб чиқариш бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллайди), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳалари ривожланган. Қишлоқ хўжалиги ҳозирги кунда иқтисодда муҳим ўринни эгалламайди. Шунга қарамай, қишлоқ хўжалигида (ЯММнинг 12% и) меҳнатга яроқли аҳолининг 60% и банд. Таиланд дунёда гуруч ва каучукнинг асосий ишлаб чиқарувчиси ва экспортчиси ҳисобланади. Асосий савдо шериклари: АҚШ, Япония, Сингапур, Гонконг, Германия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 3940 км, автомобиль йўллари — 44534 км, ички сув йўллари — 4000 км. Асосий портлари: Бангкок, Саттахип, Паттонни, Пхукет.

Тарихи. I асрда ҳозирги Таиланд ҳудудининг жанубида Мон қироллиги вужудга келади ва VI—VII асрларда ўз қудратининг чўққисига кўтарилади. IX асрдан мамлакат ҳудуди кхмерлар империяси ҳукмронлиги остида қолади. VIII асрда ҳозирги Хитойнинг жанубий қисмларида ўз давлатларига асос солган тай қабилалари XIII асрда Менам дарёси бўйлаб жанубга силжийди ва 1220 йилда Сиам қироллигини ташкил этишади. Сиам қироллиги 1569—1584 ҳамда 1767—1782 йилларда Бирмага қарам бўлган. 1782 йилда тахтга ҳозирги кунгача ҳукмронлик қилаётган Рама сулоласи ўтиради. Инглиз ва Француз мустамлакалари билан ўралган Сиам мустамлакага айланишдан қутилиб қолади ва XIX аср ўрталарида Буюк Британия ҳамда Франция билан фойдали битимлар имзолайди. 1932 йилда янги Конституция қабул қилинади. Конституцияга кўра парламент тузилиб, давлат бошқаруви конституцион монархияга айлантирилди. 1939 йилдан давлат Таиланд деб атала бош-

лайди. II жаҳон урушига Таиланд Япония тарафидан киради, лекин 1944 йилда ўзининг ташқи сиёсатини ўзгартириб, АҚШнинг иттифоқчисига айланади. 1976 йилнинг октябрида ҳарбий хунта ҳокимиятни эгаллаб, парламентни тарқатиб юборади ва янги Конституцияни қабул қилади. Қўшни Камбоджанинг Вьетнам қўшинлари томонидан оккупация қилиниши Таиланд ҳукуматига иккита йирик муаммони келтириб чиқаради: камбоджалик имигрантларнинг оммавий оқими ва Вьетнам билан чегарадаги ҳарбий тўқнашувлар. 1980 йилда ҳокимиятга фуқаролар ҳукумати қайтади, лекин навбатдаги давлат тўнгариши (1932 йилдан бери 16-си)дан сўнг ҳокимиятга яна ҳарбийлар келади. 1997 йил 27 сентябрда конституция қабул қилиниб, ҳокимият фуқаролик ҳукумати қўлига ўтди.

ТАЙВАНЬ

Расмий номи — Тайвань Республикаси (Хитой Республикаси). Пойтахти — Тайбэй. Ҳудуди — 36002 км². Аҳолиси — 22500000 киши (2001). Давлат тили — хитой (мандарин). Дини — буддавийлик (45%), конфуцийлик ва даосийлик (33%) уйғунлашган динга эътиқод қилади. Пул бирлиги — янги тайвань доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Шарқий Осиёда, Тайвань оролида жойлашган давлат. Соҳилининг узунлиги — 1448 км. Оролнинг шарқий соҳиллари Тинч океан, шимоли Шарқий Хитой денгизи, жануби Жанубий Хитой денгизи билан туташиб кетган. Материкдан оролни Тайвань бўғози ажратиб туради. Тайваннинг шимолидан жанубига қадар Тайваншань тоғи жойлашган. Энг юқори чўққиси — Юйшань (3997 м). Оролнинг гарбий қисми текисликдан, шарқий қисми эса қир-адирлардан иборат. Асосий дарёлари — Чжосуйси, Доньшуйхэ. Оролда катта бўлмаган нефть, табиий газ, кўмир конлари бор. Ҳайдаладиган ерлар 24% ни ташкил этади.

Иқлими — муссон. Мамлакатнинг флораси хилма-хил бўлиб, 3800 га яқин ўсимлик турлари мавжуд. 2000 метргача бўлган баландликда тропик ва субтропик ўрмонлар, 2000 метрдан юқори баландликда баргли ва нинабаргли дарахтлар ўсади. Хайвонот олами вакилларида олмахон, кийик, формоза қора айиғи,

тўнғиз каби 60 га яқин сут эмизувчилар учрайди. Суд-
ралувчилар ва ҳашаротлар кўп.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Кон-
ституцияга кўра Тайвань республика ҳисобланади.
Тайваннинг Хитойдан мустақил эканлигини жаҳон
ҳамжамияти тан олмаган. Ижро этувчи ҳокимияти
президент (давлат бошлиғи) ва юань (палата) Бош
вазирига тегишли. Қонун чиқарувчи олий органи —
Миллий мажлис (қонун чиқарувчи юань). Сиёсий
партиялари: Гоминьдан, Демократик прогрессив
партия, Янги партия, Ишчи партияси, Социал-де-
мократик партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.
Тайвань иқтисоди барқарор тараққиёт билан харак-
терланади. 1994 йилда ЯММ 257 млрд. (аҳоли жон бо-
шига — 12070) долл.ни ташкил этади. Сўнгги ўттиз
йил ичида ЯММнинг йиллик ўсиши ўртача 9% ни
ташкил этган. Саноатнинг ривожланган тармоқлари:
электрон, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат, кemasоз-
лик, нефть саноати. Қишлоқ хўжалигининг (ЯММ
нинг 4% и) асосий экинлари: шоли, мевалар, чой.
Чорвачилик ва балиқ овлаш ривожланган. Ташқи сав-
до бўйича Тайвань ҳозирги кунда дунёда 13-ўринни
эгаллайди. Асосий савдо шериклари: АҚШ, Гонконг,
Япония, ЕҲ давлатлари.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 1600 км,
автомобиль йўллари — 20041 км. Портлари: Гаосюн,
Цзилун, Хуалянь.

Тарихи. XIII асрда Тайванга кириб кела бошлаган
хитойликлар (хань элати) секин-аста келиб чиқиши
малайяликлардан бўлган маҳаллий аҳоли билан чати-
шиб кетади. Тайвань 1590 йилда португаллар томони-
дан эгалланади. Португаллар оролга Формоза (ажойиб)
деб ном беришади. 1662 — 1682 йилларда Тайвань гол-
ландларга қарам бўлган. 1683 йили эса орол Хитой
империяси таркибига кирган. 1895 йилда оролни Япо-
ния босиб олган ва 1945 йилгача орол японларга қарам
бўлган. 1949 йилги Хитой инқилобидан сўнг Чан Кай-
ши бошлиқ ҳукумат оролга қочади ва Чан Кайши ум-
рининг охиригача (1975) Тайвань республикаси пре-
зиденти бўлади. 1955 йилда Тайвань АҚШ билан ўзаро
хавфсизлик тўғрисида шартнома имзолайди.

ТАНЗАНИЯ

Расмий номи — Танзания Бирлашган Республикаси. Пойтахти — Додома. Худуди — 945050 км². Аҳолиси — 36200000 киши (2001). Давлат тили — инглиз ва суахили. Дини — ислом, христиан ва маҳаллий динлар. Пул бирлиги — танзания шиллинги.

Географик жойлашуви ва табиати. Африканинг жануби-шарқий қисмидаги давлат. Шимолда Кения (чегаранинг узунлиги — 769 км) ва Уганда (396 км), жанубда Мозамбик (756 км), Малави (475 км) ва Замбия (338 км), ғарбда Бурунди (451 км) ва Руанда (217 км) билан чегарадош. Ғарбда Танганьика кўли Танзанияни Зоирдан ажратиб туради. Мамлакатнинг шарқида эса Ҳинд океани жойлашган. Чегарасининг умумий узунлиги — 3402 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 1424 км. Соҳилбўйи текисликлардан иборат. Мамлакат худудининг асосий қисмини денгиз сатҳидан ўртача 1200 баланд бўлган ясси тоғлик ташкил қилади. Шимоли-шарқ ва жануби-ғарбда кичик тоғлар бор. Африканинг энг баланд чўққиси — Килиманжаро вулкони (5895 м) Кения билан чегарада жойлашган. Африканинг энг йирик учта кўли — Танганьика, Виктория, Ньяса қисман Танзанияга тегишли. Қазилма бойликлардан қалайи, темир рудаси, кўмир, фосфоритлар, олмос, олтин бор. Мамлакат худудининг 5% ини ҳайдаладиган ерлар, 17% ини ўрмон ва тўқайлар, 40% ини ўтлоқ ва яйловлар ташкил этади.

Иқлими — экваториал муссон. Ўсимлик дунёсининг асосини саванна ўсимликлари ва ўрмонлар ташкил этади. Ҳайвонлардан жирафа, оқ каркидон, фил, зебра, антилопалар ва турли маймунлар учрайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузуми — президент республикаси. Мамлакат таркибига 25 та вилоят (20 таси материкда, 5 таси оролларда) киради. Танганьика мустақилликка 1961 йилнинг 9 декабрида эришади. 1963 йилнинг 19 декабрида эса Занзибар мустақиллика эришади. 1964 йилнинг 26 апрелида Танганьика билан Занзибар бирлашади. 1964 йилнинг 29 октябридан бу давлат Танзания Бирлашган Республикаси деб атала бошлайди. Миллий байрамлари: 9 декабр — Мустақиллик эълон қилинган кун (1961), 26 апрел — Иттифоқ куни (1964). Ижро

этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва Бош вазирга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият президент ва Миллий Ассамблея (парламент) томонидан амалга оширилади. Сийсий партиялари: Инқилобий партия (Чама Ча Мипиндузи), Қайта тиклаш ва тараққиёт учун миллий конвенция, Бирлашган фуқаролар fronti.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Танзания иқтисоди сезиларли даражада қишлоқ хўжалиғи (ЯММнинг 58% и) билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари (асосан қаҳва, чой, пахта, сизаль, кешью, тамаки, чиннигул) экспортнинг 85% ини ташкил этади. Саноат қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини қайта ишлаш, олмос ва нефть қазиб олиш ҳамда нефтни қайта ишлаш билан чегараланган. 1994 йилда ЯММ 21 млрд. долл.ни ташкил этди (жон бошига — 750 долл.). Асосий савдо шериклари: Германия, Буюк Британия, АҚШ, Япония, Италия.

Темир йўлларининг умумий узунлиғи — 3555 км, автомобиль йўллари — 81900 км. Портлари: Дор-ус-Салом, Мтвара, Ианга ва Занзибар (океан), Мвенда ва Кигома (ички).

Тарихи. Танганьика соҳиллари ва унга яқин оролларда (Занзибар) VII—VIII асрлардаёқ араблар ўрнашишган эди. 1505 йилда бу ҳудудларга португаллар кириб келади, аммо улар ўз таъсирини XVII аср охириларида йўқотишади. XVIII асрда Занзибар Уммон султонларига қарам бўлади. Уммон султонлари 1832 йилда ўз қароргоҳларини Занзибарга кўчиришади. 1856 йилда мустақил Занзибар султонлиғи ташкил топади. 1890 йилда султонлик Британия протекторати деб эълон қилинади. Мамлакатнинг банту қабилалари истиқомат қиладиган марказий вилоятларини мустамлакага айлантириш XIX асрда инглизлар ва немислар томонидан бошланади. 1885 йилда Танганьика ҳудудида Германия Шарқий Африкаси Компаниясига асос солиниб, 1891 йилда бу ҳудудлар Германия мустамлакасига айлантирилади. 1920 йилда Миллатлар Лигаси Танганьикани бошқариш мандатини Буюк Британияга топширади. 1947 йилда бу ерлар БМТ оталиғидаги ҳудудлар мақомини олади. Танганьика (1961) ва Занзибар (1963) мустақиллика эришгандан сўнг, 1964 йилнинг апрелида ягона давлат — Танзания ташкил топади.

ТЕРКС ВА КАЙКОС ОРОЛЛАРИ

Расмий номи — Теркс ва Кайкос ороллари (Буюк Британия мулки). Пойтахти — Кокберн-Таун. Ҳудуди — 430 км². Аҳолиси — 17500 киши (2000 йил). Давлат тили — инглиз. Дини — христианлик (аҳолининг кўп қисми протестантлар). Пул бирлиги — АҚШ доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Атлантика океанида Багам ороллари архипелагининг жануби-шарқий қисмида, Шимолий ва Жанубий Америка ўртасида жойлашган, 30 оролдан иборат (шулардан 8 тасида одам яшайди). Ороллар маржонли оҳақтошлар билан қопланган, қоялар билан ўралган. Теркс ва Кайкос оролларини Теркс-Айленд қўлтиғи ажратиб туради.

Иқлими — тропик, пассатли. Оролларда мангрзорлар, қарағайли ўрмонлар бор. Тўтиқуш, колибри ва бошқа турдаги қушлар яшайди, ҳашаротлар кўп.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — Буюк Британиянинг денгиз орти ҳудуди. Мулкни Буюк Британия қироличаси томонидан тайинланадиган губернатор бошқаради. Маъмурий-ҳудудий жиҳатдан бўлинмаган. Сиёсий партиялари: Халқ демократик ҳаракати, Миллий тараққиёт партияси.

Иқтисоди ва транспорт коммуникациялари. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган, балиқконсерва маҳсулотлари тайёрлайдиган корхоналар бор. Маккажўхори, мева-сабзавотлар, агава етиштирилади. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Буюк Британия, Ямайка.

Асосий портлари: Кокберн-Таун, Провиденсьялес, Сол-Кей, Кокберн-Харбор.

Тарихи. Ороллар 1512 йилда испанлар томонидан кашф этилган ва бу ерда одам яшамаган. XVII асрда бу ерга Бермуд оролларида мустамлакачилар келиб жойлаша бошлаган. 1766 йилда ороллар Буюк Британия тасарруфига ўтган, лекин 1873 йилдан 1962 йилгача Ямайка таркибида бўлган. 1959 йилда ички ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга бўлди.

ТОГО

Расмий номи — Тоголез Республикаси. Пойтахти — Ломе. Худуди — 56785 км². Аҳолиси — 5200000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — маҳаллий динлар (50%), христианлик (35%), ислом (15%). Пул бирлиги — африка франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Африканинг ғарбида жойлашган давлат. Ғарбда Гана (чегаранинг узунлиги — 877 км), шарқда Бенин (644 км), шимолда Буркина — Фасо (126 км) билан чегарадош. Жанубда мамлакат соҳиллари Гвинея кўрфазининг сувлари билан ювилади. Чегарасининг умумий узунлиги — 1647 км. Соҳилининг узунлиги — 56 км. Соҳил бўйлари пасттексисликдан иборат. Мамлакат шимолида кичик тепаликлари мавжуд саванналар жойлашган. Марказий қисм қир-адирлардан иборат. Жанубда баландлиги 986 метргача бўлган ясси тоғликлар жойлашган. Асосий дарё — Моно. Табиий бойликлар: фосфоритлар, мрамар. Ҳайдаладиган ерлар ҳудуднинг 25% ини, қолган ҳудудларни ўрмон ва тўқайлар ташкил этади.

Иқлими — субэкваториал. Мамлакатнинг жанубий қисмида кокос пальмалари билан баобаблар ўсади. Марказий ва шимолий қисмларда саванна ўсимликлари ўсади. Ҳайвонот олами қоплон, фил, бегемот, арслон, антилопа, тимсоҳ ва маймунлардан иборат.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Того 1960 йилнинг 27 апрелида мустақиллика эришади (аввал — Франция мустамлакаси). Миллий байрами — 27 апрел (Мустақиллик куни). Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва Вазирлар Кенгашини бошқарадиган Бош вазирга тегишли. Мамлакатда рўйхатдан ўтган 40 дан ошиқ сиёсий партиялардан энг йириклари — Адолат ва демократия учун иттифоқ, Демократик оппозиция жамоаси, Янгиланиш учун фаолият қўмитаси, Тоголез халқи бирлашмаси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисоднинг асосий сектори — қишлоқ хўжалиги (ЯММнинг 35% и). Қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 78% и банд. Экспорт умумий ҳажмининг тахминан учдан бир қисми какао, қаҳва, пахтага тўғри келади. Саноатнинг асосий тармоғи — фосфо-

ритларни қазиб олиш (экспортнинг 40% и). ЯММ 1993 йилда 3,3 млрд. (жон бошига 800) долларни ташкил этади. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕХ, Африка давлатлари, АҚШ, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 515 км, автомобиль йўллари — 6462 км. Порти — Ломе.

Тарихи. Ҳозирги Тогонинг соҳилбўйи ҳудудлари португаллар томонидан XVI асрда кашф этилади. XVIII асрда бу ҳудуд Ғарбий Африка қул савдосининг асосий савдо марказларидан бирига айланади. 1884 йилда Того Германиянинг протекторати деб эълон қилинади. Биринчи жаҳон уруши даврида Того британ ва француз қўшинлари томонидан эгалланади. 1919 йилдан Буюк Британия ва Франциянинг ҳамкорлигидаги бошқаруви остида қолади. 1956 йилда Тогонинг Британия қисми Олтин Қирғоқ (ҳозирги Гана) таркибига киради, Франция Тогоси эса мухториятга эришади. 1960 йилда Франция Тогоси ўз мустақиллигини эълон қилди. Того Республикасида 1960 йилдан кейин бир неча бор ҳарбий давлат тўнтаришлари бўлиб ўтди. 1991 йилдан бери мамлакатда фуқаролик ҳукумати ўрнатилган.

ТОЖИКИСТОН

Расмий номи — Тоҷикистон Республикаси. Пойтахти — Душанбе. Ҳудуди — 143100 км². Аҳолиси — 6200000 киши (2001). Давлат тили — тожик. Дини — ислом. Пул бирлиги — сомоний.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Осиёда жойлашган давлат. Жанубда Афғонистон (чегаранинг узунлиги — 1206 км), шимол ва ғарбда Ўзбекистон (1161 км), шимолда Қирғизистон (870 км), шарқда Хитой (414 км) билан чегарадош. Чегараларнинг умумий узунлиги — 3651 км. Тоҷикистон ҳудудининг 90% дан ошиғини тоғлар ташкил қилиб, мамлакат ҳудудининг ярмидан ошиғи денгиз сатҳидан 3000 м баландликда жойлашган. Тоҷикистоннинг шимоли-ғарбий ва марказий қисмларида Зарафшон, Туркистон, Ҳисор, Олтой тоғ тизмалари, жанубий шарқда Помир тоғ тизмаси жойлашган. Энг баланд чўққиси 7498 м. Тоғ тизмалари бир-бирдан водийлар билан ажралган. Йирик водийлари — Ҳисор ва Вахш. Асосий дарёлари — Сирдарё, Амударё. Йирик кўли — Қорақўл. Асосий

табiiй бойликлари: нефть, газ, кумир, уран. Гидроресурсларга бой.

Иқлими — континентал. Ўсимлик дунёси бой. Яйлов ва тоғолди ўсимликлари, арча, ёнғоқ, олча, жийда кўплаб ўсади. Шоқол, жайра, кўён, хонгул, тўнғиз, ёввойи мушук, қор барси, архар, ёввойи паррандалар, калтакесак, илонлар (капча, гюрза, эфа) фауна асосини ташкил этади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат таркибига Суғд ва Хатлон вилоятлари ҳамда Тоғли Бадахшон вилояти киради. 1991 йил 9 сентябрда Тожикистон мустақиллиги эълон қилиниб, ушбу кун миллий байрам — Мустақиллик куни деб қабул қилинган. Ижро этувчи ҳокимият президент (Олий Кенгашнинг раиси) ва Бош вазир бошчилигидаги Вазирлар Маҳкамасига тегишли. Қонун чиқарувчи олий орган — Олий Кенгаш. Энг йирик сиёсий партиялари: Эркин меҳнат партияси, Тожикистон халқ партияси, Коммунистик партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Тожикистон — аграр-индустриал давлат. Фуқаролар уруши натижасида Тожикистон иқтисоди чуқур инқирозни бошидан кечирмоқда. Ҳукумат бозор муносабатларига ўтишни қўллаяпти. Лекин мамлакат иқтисодида давлат улуши ҳанузгача асосийдир. Кимё, енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик озиқ-овқат саноатлари яхши ривожланган. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи пахтачиликдир (пахта толаси асосий экспорт маҳсулотидир). Пахтачиликдан ташқари ипакчилик, боғдорчилик, сабзавотлар ва узум етиштириш яхши йўлга қўйилган. Асосий савдо шериклари: Россия, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон.

Темир йўллارининг умумий узунлиги — 480 км, автомобиль йўллари — 29 900 км.

Тарихи. Ҳозирги Тожикистон ҳудуди м. а. VI асрда Аҳамонийлар давлати таркибига, м. а. IV асрда эса македониялик Искандар империяси таркибига кирган. М. а. III асрдан Грек-Бақтрия, кейинроқ Кушон давлатига қарам бўлган. VIII асрда ҳозирги Тожикистон ҳудудига араблар бостириб киради. IX—X асрларда бу ҳудудлар Сомонийлар давлати, XII асрда Хоразмшоҳлар давлати, XIII асрда Мўғуллар давлати, XIV асрнинг иккинчи ярмида Темур ва Темурийлар давлатига қарам бўлган.

XVI асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача Бухоро хонлиги (амирлиги) таркибига кирган. 1868 йили Россия империяси ҳозирги Тожикистон ҳудудларини босиб олади. 1917 йилги давлат тўнтаришидан сўнг Тожикистон ҳудудида совет ҳокимияти ўрнатилди. 1924 йилдан Тожикистон АССР Ўзбекистон ССР таркибига кириди. 1929 йилдан Тожикистон ССР мақоми олади. 1991 йили мустақилликка эришгандан сўнг Тожикистонда фуқаролар уруши бошланади. Ҳозирги кунда Тожикистон демократик жамият қуриш йўлидан бормоқда. 1994 йилги сайловларда И. Раҳмонов президент этиб сайланди.

ТОНГА

Расмий номи — Тонга Қироллиги. Пойтахти — Нукуалофа. Ҳудуди — 748 км². Аҳолиси — 100000 киши (2001). Давлат тили — тонга ва инглиз. Дини — протестантлик (методист) (50%), католик. Пул бирлиги — паанга.

Географик жойлашуви ва табиати. Тинч океаннинг жануби-ғарбий қисмидаги давлат. 150 дан ошиқ оролларда жойлашган. Соҳилларининг умумий узунлиги — 419 км. Оролларнинг аксарияти кораллардан, қолганлари вулқон натижасида вужудга келган.

Иқлими — тропик. Тонганинг ўсимлик дунёси асосан дарахтсимон папоротник ва казуаринларнинг тропик ўрмонларидан иборат. Ҳайвонот дунёсини калтакесаклар, илонлар ва ҳашаротлар ташкил этади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузumi — конституцион монархия. Тонга мустақилликка 1970 йилнинг 4 июнида эришди (аввал Буюк Британия мустамлакаси). 4 июн — Миллий байрами (Мустақиллик куни). Давлат бошлиги — монарх. Ижро этувчи ҳокимият Бош вазир бошчилигидаги Вазирлар Маҳкамасига тегишли. Қонун чиқарувчи олий орган — Қонун чиқарувчи Ассамблея (бир палатали парламент). Сиёсий партиялари: Инсон ҳуқуқлари учун ҳаракат, Халқ партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисоднинг асосий тармоғи қишлоқ хўжалигидир (ЯММнинг 50% и). Кокос ёнғоғи, банан, ванил до-

налари умумий экспорт ҳажмининг 2/3 қисмини ташкил этади. Балиқчилик ривожланган, озиқ-овқат маҳсулотлари чет элдан, асосан, Янги Зеландиядан импорт қилинади. Саноат соҳаси ЯММнинг 11% ини ташкил этади. Чет эл валютасини келтирадиган асосий манба туризмдир. 1994 йилда ЯММ 214 млн. (аҳоли жон бошига — 2050) долларни ташкил этди. Асосий савдо шериклари: Янги Зеландия, Австралия, АҚШ, Япония.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 198 км. Асосий порт — Нукуалофа.

Тарихи. Аҳолиси полинезияликлардан иборат бўлган ҳозирги Тонга ҳудудига кировчи ороллар 1616 йилда голландлар томонидан кашф этилади. Узоқ давом этган тўқнашувлардан сўнг Тонга 1845 йилда мустақил қиролликка айланади. Лекин 1900 йилда Тонга Буюк Британия протекторати деб эълон қилинади. 1970 йилда Тонга мустақилликка эришди. Тонга Британия Ҳамдўстлиги таркибига киради.

ТРИНИДАД ВА ТОБАГО

Расмий номи — Тринидад ва Тобаго Республикаси. Пойтахти — Порт-оф-Спейн. Ҳудуди — 5130 км². Аҳолиси — 1300000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — католик (32%), индуизм (24%), англикан (14%), бошқа протестант динлари (14%), ислом (6%). Пул бирлиги — тринидад ва тобаго доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Кариб денгизи ҳавзасида, Тринидад, Тобаго ва бир қатор майда оролларда жойлашган давлат. Соҳилининг узунлиги — 362 км. Мамлакат ҳудудининг асосини кам сонли қир ва паст тоғлардан иборат текисликлар ташкил этади. Асосий табиий бойликлари: нефть ва табиий газ. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 14% ини, ўрмон ва тўқайлар 44% ини ташкил этади.

Иқлими — субэкваториал. Тринидаднинг шарқий қисмида тропик ўрмонлар бўлиб, бу ўрмонларда испан кедри, махогони, қизил сандал, бальса каби дарахтлар ўсади. Буталардан бугенвиллей, пуйя, ёввойи пойнеттия кенг тарқалган. Пекари, оцелот, опоссум, агупи, маймунлар, кўршапалаклар оролнинг ҳайвонот

дунёсини ташкил этади. Тошбақа, калтакесак, илонлар кўп. Тимсоҳлар ҳам учрайди. Оролда колибрининг 40 дан ортиқ тури бор.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат таркибига 9 графлик киради. Тринидад ва Тобаго мустақиллика 1962 йилнинг 31 августида эришди (илгари Буюк Британиянинг мустамлакаси бўлган). Бу сана миллий байрам ҳисобланади (Мустақиллик куни). Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва Бош вазир бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи Олий орган — икки палатали парламент. Парламент юқори — Сенат ва қуйи — Вакиллар палаталаридан иборат. Йирик сиёсий партиялари: Миллий халқ ҳаракати, Бирлашган Миллий конгресс, Бирлик ва тараққиёт учун ҳаракат.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Тринидад ва Тобагонинг иқтисоди асосини нефть қазиб чиқариш (ЯММнинг чорагини, умумий экспорт ҳажмининг 80% и) ташкил этади. Қишлоқ хўжалигининг (ЯММ 5%) асосий экинлари: какао донлари, қаҳва, шакарқамини, цитруслар. 1994 йилда ЯММ 15 млрд. (жон бошига 11280) долл.ни ташкил этган. Асосий савдо шериклари: АҚШ, Венесуэла, Кариб ҳавзаси давлатлари, ЕҲ давлатлари.

Автомобиль йўллارининг умумий узунлиги — 8000 км (4000 км асфальтланган). Мамлакатнинг асосий порти — Порт-оф-Спейн.

Тарихи. Тринидад ороли 1498 йилда Колумб томонидан кашф этилади. Орол 1552 йилда Испания, 1797 йилда Буюк Британия мустамлакасига айланади. Тобаго ороли голландлар томонидан 1632 йилда мустамлакага айлантирилади. Кейинчалик оролга эгалик қилиш ҳуқуқи французларга ўтади. 1814 йилда Наполеон мағлубиятга учрагач, орол Буюк Британия мустамлакасига айланади. 1888 йилда икки оролнинг бошқаруви бирлаштирилади. 1950 йилда Тринидад ва Тобаго ўзини-ўзи бошқарув ҳуқуқига эга бўлади. 1962 йилда Британия Ҳамдўстлиги таркибидаги мустақил давлатга айланади. 1976 йилда Тринидад ва Тобагода республика тузуми ўрнатилди.

ТУВАЛУ

Расмий номи — Тувалу. Пойтахти — Фунафути. Худуди — 25,9 км². Аҳолиси — 10000 киши (2001). Давлат тили — тувалу ва инглиз. Дини — протестантлик. Пул бирлиги — австралия доллари ва тувалу доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Тинч океаннинг жануби-ғарбий қисмидаги давлат. Соҳилининг умумий узунлиги — 24 км. Шимоли-ғарбдан жануби-шарққа томон 600 км узунликдаги масофада жойлашган 9 та маржон (коралл) ороллар Тувалуни ташкил этади. Асосий орол — Фунафути. Асосий табиий бойлиги — балиқ.

Иқлими — субэкваториал. Ўсимлик дунёси асосан папоротник ва мангрозорлардан иборат. Ҳайвонот дунёсина чўчқа, ит, каламуш, денгиз қушлари, калтаке-сақлар ташкил этади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Британия Ҳамдўстлиги таркибидаги мустақил давлат. Тувалу мустақилликка 1918 йилнинг 1 октябрида эришди (аввалги номи — Эллис ороллари). 1 октябр — Миллий байрам (Мустақиллик куни). Давлат бошлиғи — Британия монархи (ҳозирги кунда қиролича Елизавета II). Ижро этувчи ҳокимият Британия монархининг вакили — генерал-губернатор ва ҳукумат бошлиғи — Бош вазирга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент томонидан амалга оширилади. Сиёсий партиялар йўқ.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисоди асосан балиқчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашдан иборат. ЯММ 1993 йилда 7,8 млн. (аҳоли жон бошига — 800) долл.ни ташкил этган. Экспорт қилинадиган асосий маҳсулотлар — кокос ёнғоғи ва копра (кокос ёнғоғининг мағзи). Туризмнинг ривожланишига оролларнинг жуда узоқда жойлашганлиги тўсқинлик қилади. Ҳукумат марка ва тангалар сотишдан ҳам катта даромад олади. Асосий савдо шериклари: Фижи, Австралия, Янги Зеландия.

Автомобиль йўллارининг умумий узунлиги — 8 км. Портлари: Фунафути, Нукуфетау.

Тарихи. Никунуа ороли инглиз Ж. Байрон томонидан 1764 йилда кашф этилади. Ҳозирги Тувалу худуди-

ни ташкил этувчи қолган ороллар 1788 йилда Гилберт томонидан кашф этилади. 1892 йилда Гилберт ва Эллис ороллари Британиянинг протекторати деб эълон қилинади. 1915 йилда бу ороллар Буюк Британиянинг мустамлакасига айланади. 1974 йилда ўтказилган референдум натижасига кўра Эллис ороллари Тувалу деб номланган мустақил давлатга айланади. Гилберт ороллари 1979 йилда мустақиллика эришиб Кирибати республикасини ташкил этади.

ТУНИС

Расмий номи — Тунис Республикаси. Пойтахти — Тунис. Худуди — 164150 км². Аҳолиси — 9700000 киши (2001). Давлат тили — араб. Давлат дини — ислом. Пул бирлиги — тунис динори.

Географик жойлашуви ва табиати. Шимолий Африкада жойлашган давлат. Фарбда Жазоир (чегаранинг узунлиги — 965 км), жанубда Ливия (459 км) билан чегарадош. Шимол ва шарқдан мамлакат соҳилларини Ўрта ер денгизининг сувлари ювиб туради. Чегаранинг умумий узунлиги — 1424 км. Соҳилининг узунлиги — 1148 км. Мамлакат ҳудудининг 1/3 қисмини Атлас тоғлари ва мамлакат шимолидаги баландлиги 1520 метргача бўлган ясси тоғлик ташкил этади. Марказий қисмида айримлари денгиз сатҳидан пастда жойлашган шўр кўллар (шотт ёки чотт) мавжуд бўлган текислик ва пасттекисликлар бор. Жанубда Саҳрои Кабирнинг шимолий қисми жойланган. Асосий дарёси — Мажарда. Тунисда нефть, темир рудаси, фосфоритлар, қўрғошин конлари бор. Ҳайдаладиган ерлар ҳудудининг 20% ини, ўтлоқ ва яйловлар 19% ини ташкил этади.

Иқлими — субтропик. Мамлакат шимолида агава, опунца, ёввойи зайтун, эман ўсади. Жанубда тиканли буталар, линпайниклар, саҳро дарахтларидан талха ва этал ўсади. Йирик ҳайвонлардан Тунисда қора қоплон, тоғ қўйи учрайди. Саҳрода қорахал силовсин, ёввойи мушук, гепард, шоқол, тулки каби йиртқичлар, кичик гекконлар, эчкиэмарлар, илонлар (қум бўғма илони, эфа, шохдор қора илон) учрайди. Айрим йилларда мамлакат ҳудуди чигиртка босқинига дучор бўлади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президент республикаси. Давлат 20 та

провинцияга бўлинган. Ўз навбатида провинциялар 212 туманни ўз ичига олади. Тунис 1956 йил 20 мартда мустақилликка эришади (аввал Франция мустамлакаси бўлган). 20 март — Миллий байрам (Мустақиллик куни) ҳисобланади. Қонунчилиги француз фуқаролик умумий ҳуқуқига ва ислом қонунларига асосланган. Давлат бошлиғи — президент. Президент Бош вазир ва ҳукуматни тайинлайди. Қонун чиқарувчи ҳокимият Депутатлар палатаси (бир палатали парламент)га тегишли. Энг йирик сиёсий партиялари: Демократик конституцион уюшма, Янгиланиш ҳаракати, Демократлар ва социалистлар ҳаракати, Халқ бирлиги партияси, Прогрессив социалистик ҳаракат.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Табиий бойликларга бой эмаслигига қарамасдан, Тунис Африканинг тараққий этган давлатлари қаторига киради. ЯММ 1993 йилда 37,1 млрд. (жон бошига — 4250) долл.ни ташкил этади. Саноатнинг энг ривожланган тармоқлари: тоғ-кон (фосфоритлар), тўқимачилик, озиқ-овқат. Қишлоқ хўжалиги (ЯММнинг 16% и) мамлакатни 80% озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайди. Қишлоқ хўжалигида буғдой, арпа етиштириш ва зайтун мойини ишлаб чиқариш муҳим ўрин эгаллайди. Жадал ривожланаётган туризм иқтисоднинг асосий тармоқларидан бирига айланмоқда. Асосий савдо шериклари: ЕҲ давлатлари, Яқин Шарқ давлатлари, АҚШ, Жазоир.

Темир йўллари умумий узунлиги — 2115 км, автомобиль йўллари — 33000 км. Портлари: Бизерта, Сус, Тунис.

Тарихи. М. а. XII асрдаёқ Тунис соҳилларида дастлабки финикия колониялари, энг машҳури Карфаген вужудга келади. Мамлакатнинг марказий қисмларида эса барбар қабилалари яшаган. М. а. VI асрда Карфаген империяси ўз қудратининг чўққисига кўтарилади. М. а. 146 йилда Карфаген Қадимги Рим билан курашда кулайди. Қадимги Рим бу ҳудудга лотин тили ва Рим маданиятини, III асрда эса христианликни олиб киradi. V асрда вандаллар томонидан эгалланиб талон-тарож қилинган ҳозирги Тунис ҳудуди 633 йилда Византия империяси таркибига киради. 647 йилдан Тунисга араблар бостириб киради ва ўз ҳокимиятини ўрнатади. IX—XII асрларда Тунисда аббосийлар ва фотимийлар-

нинг шарқий сулоалари ҳукмронлик қилади. 1159—1160 йилларда Абдулмўмин Шимолий Африканинг ғарбий қисмидаги мусулмонларни ўзига бўйсундиради ва барбарларнинг алмуҳйлар сулоласига асос солади. 1574 йилда Тунис ҳудуди турклар томонидан эгалланиб, XIX аср охирига қадар Усмонийлар империяси таркибига киради. 1830 йилда Европа давлатлари бу ҳудудга интервенция уюштиришади. XIX аср охирида Тунис Францияга қарам бўлади. Лекин бей расман давлат бошлиғи ҳисобланган. 1925 йилда Дастур партиясининг тузилишиндан бошланган озодлик кураши натижасида Тунис 1956 йилнинг март ойида мустақилликка эришади. 1957 йилнинг 25 июлида Ҳабиб Бурғиба бейни ҳокимиятдан четлаштириб, Тунисни республика деб эълон қилади.

ТУРКИЯ

Расмий номи — Туркия Республикаси. Пойтахти — Анқара. Ҳудуди — 779452 км². Аҳолиси — 66300000 киши (2001). Давлат тили — турк. Дини — ислом. Пул бирлиги — турк лираси.

Географик жойлашуви ва табиати. Жануби-Ғарбий Осиё (ҳудудининг катта қисми) ва Жануби-Шарқий Европада жойлашган давлат. Мамлакатнинг Европа ва Осиёдаги ҳудудларини бир-биридан Босфор, Дарданелл бўғозлари ҳамда Мармар денгизи ажратиб туради. Жанубда Сурия (чегарасининг узунлиги — 822 км) ва Ироқ (331 км), шарқда Эрон (499 км), шимоли-шарқда Арманистон (268 км), Грузия (252 км), Озарбайжон (Нахичеван вилояти — 9 км), шимоли-ғарбда Болгария (240 км) ва Греция (206 км) билан чегарадош. Шимолда Қора денгиз, ғарбда ва жануби-ғарбда Ўрта ер денгизи жойлашган. Чегарасининг умумий узунлиги — 2627 км. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 7200 км. Ҳудуднинг катта қисмини Кичик Осиё ва Армон тоғликлари эгаллаган. Мамлакатнинг энг баланд чўққиси Катта Арарат тоғидир (5165 км). Мамлакатнинг марказий қисмида Анатолия ясси тоғлиги, жанубда Тавр тоғлари, шимолда Понт тоғлари жойлашган. Асосий дарёлари: Форт, Дажла, Қизил Ирмоқ. Йирик кўллари: Ван, Туз (шўр кўллар). Туркияда кўмир, темир рудаси, хром, мис конлари бор. Ҳайдаладиган

ерлар мамлакат ҳудудининг 30% ини, ўрмон ва тўқайлар 26% ини, яйлов ва ўтлоқлар 12% ини ташкил этади.

Иқлими — субтропик, ғарбий ва жанубий соҳиллари Ўрта ер денгизи иқлимига хос, мамлакат ичкари-сида континентал. Туркиянинг флораси бой бўлиб, унда ўсимликларнинг 6700 тури учрайди. Шуларнинг учдан бир қисми Туркия ҳудудидан бошқа жойда учрамайди. Оху, тўнғиз, қоплон, айиқ, бўрсиқ, муфлон, кемирувчилар, Кичик Осиё қора илони, Ўрта ер денгизи тошбақаси, калтакесак, ағамалар ҳайвонот дунёсининг асосини ташкил этади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат таркибига 75 вилоят киради. 1923 йилнинг 29 октябридан республика ҳисобланади (аввал — Усмонийлар империяси). 29 октябр миллий байрам — Республика эълон қилинган кун. Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи), Президент Кенгаши ва Бош вазирга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент Буюк миллат мажлиси амалга оширади. Йирик сиёсий партиялари: Тўғри йўл партияси, Социал-демократик Халқ партияси, Ватан партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Туркия ҳозирги кунда иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатлар қаторига киради. Саноатнинг ривожланган тармоқлари: тоғ-кон (кўмир, хромит, мис, бор), металлургия, нефть, тўқимачилик, озиқ-овқат, қурилиш. Қишлоқ хўжалигида (ЯММнинг 18% и) тамаки, пахта, донли ўсимликлар, дуккаклилар, цитруслар, қанд лавлаги етиштирилади. Чорвачилик ривожланган. Туркия озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини ўзи қоплайди. Туризм ривожланган. 1994 йилда ЯММ 305.2 млрд. (аҳоли жон бошига — 4910) долл.ни ташкил этади. Асосий савдо шериклари: Германия, АҚШ, Россия, Буюк Британия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 8401 км, автомобиль йўллари — 49615, ички сув йўллари — 1200 км. Асосий портлари: Истанбул, Измир.

Тарихи. Ҳозирги Туркия ҳудудида м. а. 1900 йилда Хетт давлати, м. а. XII асрда Фригия, м. а. VII асрда Лидия давлатлари вужудга келади. М. а. VI асрда бу ҳудудлар форслар давлати, м. а. 333 йилдан македония-

лик Искандар томонидан босиб олинади. М. а. II асрда Рим империяси таркибига киради. V асрда ҳозирги Туркия ҳудудлари Византия империяси таркибига киради. XI асрда Туркия ҳудудларини салжуқийлар эгаллаб, Эгей денгизидан Туркистонгача бўлган ҳудудларда улкан империя ташкил қилинади. XIII аср охирида Салжуқлар давлати бир нечта кичик давлатларга бўлиниб кетади. XIV асрда усмонийлар барча кичик давлатларни бирлаштиришга эришади. 1453 йилда Византиянинг пойтахти Константинополь (Истанбул) забт этилади. Сулаймон даврида (1520—1566) усмонийлар Жанубий Европа, Ўрта Шарқ ва Шимолий Африка (Марокашдан ташқари)ни бўйсундирадilar. XVII аср бошларида Усмонийлар давлати ўз қудратини йўқота бошлайди ва Болқон ҳамда Арабистон ярим оролларидаги озодлик курашларига старли қаршилик кўрсата олмайди. XIX аср охири — XX аср бошларида Усмонийлар империяси ҳудуд жиҳатдан анча қисқаради. Биринчи жаҳон урушидан сўнг Усмонийлар давлати барча мустамлакаларидан айрилади. Султон Маҳмуд VI томонидан имзоланган Севр шартномасидан (1920) норози бўлган Мустафо Камол 1918 йилда Туркияга бостириб кирган юнон қўшинларига қарши курашни бошлайди. 1923 йилда Мустафо Камол Отатурк Туркияни Республика деб эълон қилади ва 1938 йилга қадар мамлакатни бошқаради. Иккинчи жаҳон уруши даврида Туркия ўз нейтралитетини эълон қилади. 1959 йилда Кипр можароси натижасида турк-юнон муносабатлари ёмонлашади. 1974 йилда Туркия қўшинлари томонидан Кипр ороли бир қисмининг босиб олиниши икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада кескинлаштиради. Иқтисодий инқирозлар натижасида 1971 ва 1980 йилларда ҳарбийлар ҳокимиятни эгаллашади. Ҳозирги кунда Туркия ҳукуматининг асосий муаммоларидан бири мустақил Курдистон давлатини тузишга ҳаракат қилаётган курдлар масаласидир.

ТУРКМАНИСТОН

Расмий номи — Туркменистон Республикаси. Пойтахти — Ашхобод. Ҳудуди — 488100 км². Аҳолиси — 5500000 киши (2001). Давлат тили — туркман. Дини — ислом. Пул бирлиги — манат.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Осиёдаги давлат. Шимолда ва шарқда Ўзбекистон (чегаранинг узунлиги — 1621 км), шимолда Қозоғистон (379 км), шарқда ва жанубда Афғонистон (744 км), жанубда Эрон (922 км) билан чегаралаш. Ғарбда мамлакат Каспий денгизининг сувлари билан туташган. Чегаранинг умумий узунлиги — 3736 км. Соҳилнинг узунлиги — 1768 км. Мамлакат ҳудудининг катта қисми пасттепалик бўлиб, унда Қорақум саҳроси жойлашган. Саҳронинг майдони — 375 минг км. Мамлакатнинг шимоли-ғарбида, Каспий денгизи бўйида Қора-Бўғоз — Кўл кўрфази жойлашган. Кўрфаз денгиз сатҳидан 35 м. паст. Жануб ва жануби-ғарбда Копетдоғ тоғлари бор. Йирик кўл — Сарикамиш шўр кўли. Асосий дарё — Амударё. Туркменистон нефть, газ, калий ва ош тузлари, рангли ва ноёб металлларга бой. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 2% ини, яйловлар 69% ини ташкил этади.

Иқлими — кескин континентал. Ўсимлик дунёсини чўл ва адир ўсимликлари ташкил этади. Саҳрода жайрон, шоқол, тулки, эчкиэмарлар, панча илон, агама, текислик ва тоғларда тоғ эчкиси, гурза, тошбақа, турли кемирувчилар яшайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президент республикаси. 1991 йилнинг 27 октябрида Туркменистон мустақил бўлди. Мустақиллик куни (27 октябр) Миллий байрам ҳисобланади. Давлат бошлиғи — Президент. Президент Бош вазир (Вазирлар Кенгаши раиси)ни тайинлайди. Қонун чиқарувчи олий орган — Мажлис (бир палатали парламент). Рўйхатдан ўтган ягона сиёсий партия — Туркменистон демократик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. ЯММ 1994 йилда 13,1 млрд. (жон бошига — 3280) долл.ни ташкил этади. Саноатнинг асосини нефть ва газ қазиб чиқариш ҳамда нефтни қайта ишлаш ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида пахта, мевалар, сабзавотлар етиштирилади. Экспорт қилинадиган асосий маҳсулотлар — пахта толаси, дизел ёқилғиси, мазут, қўлда тўқилган гиламлар. Асосий савдо шериклари — Россия, Украина, Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Туркия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 2120 км,

автомобиль йўллари — 13000 км. Асосий порти — Туркманбонни.

Тарихи. М. а. I минг йилликда ҳозирги Туркменистон ҳудудида Марғиёна, Парфия, Мидия давлатлари мавжуд эди. М. а. VI асрларда бу ҳудудлар Форслар давлати, м. а. IV асрда македониялик Искандар давлати таркибига киради. VIII асрда бу ҳудудга араблар бостириб киради ва маҳаллий аҳоли орасида ислом динини тарғиб этади. IX—X асрларда бу ҳудудлар Тоҳирийлар ва Сомонийлар давлатлари, XI—XIII асрларда Салжуқийлар давлати таркибига киради. XIII асрда мўғуллар бостириб киради ва ҳозирги Туркменистон ерларини ўз империясига қўшиб олади. XIV асрнинг иккинчи ярмидан XV аср охириларигача Туркменистон ҳудудлари Темур ва Теурийлар давлатига киради. XVII—XIX асрларда ҳозирги Туркменистон ҳудудлари Эрон шоҳлари, Хива ва Бухоро хонлари ўртасида талаш бўлган. XIX асрнинг 80-йилларида бу ҳудудлар Россия империяси томонидан босиб олинади. 1917 йилги давлат тўнтаришидан сўнг Совет ҳокимияти ўрнатилади. 1991 йилда Туркменистон мустақилликни қўлга киритади. 1990 йилдан бери С. Ниёзов президентлик қилиб келмоқда.

УГАНДА

Расмий номи — Уганда Республикаси. Пойтахти — Кампала. Ҳудуди — 236600 км². Аҳолиси — 24000000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — католик (33%), протестанлик (33%), маҳаллий динлар (18%), ислом (16%). Пул бирлиги — уганда шиллинги.

Географик жойлашуви ва табиати. Африканинг шарқидаги давлат. Шарқда Кения (чегара узунлиги — 933 км), ғарбда Зоир (765 км), шимолда Судан (435 км), жанубда Танзания (396 км) ва Руанда (169 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги — 2698 км. Мамлакат асосан баландлиги 1100—1500 м бўлган ясси тоғликда жойлашган. Ғарбда Рувензори тоғ массиви бўлиб, унда мамлакатнинг энг баланд чўққиси Маргарита тоғи (5109 м) жойлашган. Угандада қўллар кўп. Уларнинг йириклари — Мобуту-Сесе-Секо, Кьога, Эдуард ва Виктория (қисман). Асосий дарё — Аил (ирмоқлари билан). Асосий қазилма бойликлари: мис, кобальт. Мамлакат ҳудудининг

23% ини ҳайдаладиган ерлар, 30% ини ўрмон ва тўқайлар, 25% ини ўтлоқ ва яйловлар ташкил этади.

Иқлими — субэкваториал. Уганданинг асосий қисмини саванналар ташкил этади. Алоэ, зонтсимон оқмия, бассий ёнғоғи, кигемия, темир дарахт ўсади. Ҳайвонот оламини фил, бегемот, жирафа, арслон, маймунлардан тоғ горилласи, оқ-қора колобус, церкопитекус (камдан-кам учрайди) ташкил этади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 10 та провинцияга бўлинган. Мустақилликка Уганда 1962 йилнинг 9 октябрида эришган (аввал Буюк Британиянинг протекторати). Бу кун миллий байрам (Мустақиллик куни) ҳисобланади. Давлат бошлиғи — президент. Ижро этувчи ҳокимият президент ҳамда Бош вазирга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Миллий Кенгаш томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Демократик партия, Уганда Халқ конгресси, Консерватив партия, Ҳаракат.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Саноатининг асосий тармоқлари — тоғ-кон, озиқ-овқат ва енгил саноат, тупроқнинг унумдорлиги ва қулай иқлим шароити туфайли қишлоқ хўжалиги ривожланмоқда (ЯММ 57%). Мамлакат энг кўп даромадни асосий экспорт маҳсулоти қаҳвадан олади. Қаҳвадан ташқари чой, пахта, тамаки экспорт қилинади. Мамлакат ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайди. ЯММ 1994 йилда 16,2 млрд. (аҳоли жон бошига — 850) долл.ни ташкил этган. Асосий савдо шериклари: АҚШ, Буюк Британия, Кения, Франция, Италия, Испания.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 1300 км, автомобиль йўллари — 26200 км (2000 км га яқини қаттиқ қопламали). Асосий порт: Джинджа (Виктория кўлида).

Тарихи. Ҳозирги Уганда ҳудудида дастлаб Китара давлати вужудга келади. XV асрда марказий Угандада Уньрор давлати етакчилик қилади. XIX аср ўрталарига келиб Уганда қироллигининг мавқеи ортади. 1862 йилда инглизлар Угандага кириб келишади. 1890 йилдан Уганда Британия протекторатига айланади. 1962 йилда Уганда мустақилликка эришади. 1963 йилдан республика

лика деб эълон қилинади. Мустақилликка эришилгандан сўнг мамлакатда бир неча бор ҳарбий тўнтаришлар бўлиб ўтади. Шундай тўнтаришлардан бирида 1971 йили ҳокимиятга генерал Амин келади. Диктатор Амин ҳукмронлиги йилларида 300000 га яқин аҳоли қириб юборилади, мамлакат иқтисодийёти инқирозга юз тутди. Амин 1979 йилда Танзания армияси ёрдамида ҳокимиятдан четлаштирилади. Шундан сўнг ҳам мамлакатда давлат тўнтаришларини келтириб чиқарадиган фуқаролар уруши давом этади. Сўнгги давлат тўнтариши Угандада 1986 йилда амалга оширилган.

УКРАИНА

Расмий номи — Украина Республикаси. Пойтахти — Киев. Ҳудуди — 603700 км². Аҳолиси — 49100000 киши (2001). Давлат тили — украин. Дини — православ. Пул бирлиги — гривна.

Географик жойлашуви ва табиати. Шарқий Европадаги давлат. Шимолда ва шарқда Россия (чегара узунлиги — 1576 км), шимолда Белорусь (891 км), жануби-ғарбда Молдова (939 км), ғарбда Польша (428 км), Венгрия (103 км) ва Словакия (90 км) билан чегарадош. Жанубда Украина Азов ва Қора денгизлари билан туташган. Мамлакат ҳудудининг асосий қисмини Шарқий Европа текислиги ташкил этади. Шимолда Помсск, марказий қисмида Днепрбўйи, жанубда Қора денгиз бўйи пасттекисликлари мавжуд. Жануби-ғарбда баландлиги 2061 м гача бўлган Украина Карпати, жанубда баландлиги 1545 м гача бўлган Қрим тоғлари жойлашган. Асосий дарёлари — Днепр, Шимолий Донец, Прут, Жанубий Буг, Дунай. Бир нечта йирик сув омборлари бор. Асосий қазилма бойликлари: қўнғир кўмир, тошкўмир, нефть, табиий газ, темир, марганец, симоб, рух, қўргошин, титан, магний, алюминий, цирконий рудалари. Мамлакат ҳудудининг 56% ини ҳайдаладиган ерлар, 12% ини ўтлоқ ва яйловлар ташкил этади.

Иқлими — континентал. Украинада 4000 хилга яқин гул ва папоротниксимон ўсимликлар ўсади. Мамлакат ҳудудининг 15% га яқинини ўрмонлар ташкил этади. Ўрмонларда қарағай, эман, қора қайин, арча, терак, жўка, ольха, оқ қайин, граб (қайинсимонлар), оққара-

гай, қайрағоч ўсади. Украинада сут эмизувчиларнинг 100 га яқин, қушларнинг 360, балиқларнинг 200 га яқин тури учрайди. Ўрмонларида лось, косуля, тўнғиз, олмахон, қундуз, силовсин, ўрмон сувсари, Европа оҳуси, айиқ, ёввойи мушук, Қрим оҳуси, тулки, бўрсиқ, қизилиштон, қораялоқ, қур, қарқур, кўк турна учрайди. Катта қўшоёқ, кўрсичқон, юмронқозик, дашт бургути, безгалдоқ, тўрғай, дашт қора илони, сариқ илон, калтакесаклар дашт фаунасини ташкил этади. Дарё бўйларида ондатра, дарё тошбақаси, сувилон, қурбақа, ёввойи ўрдак, қарқара учрайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат таркибига 24 вилоят ва Қрим автоном республикаси киради. Украина 1991 йил 24 августда ўз мустақиллигини эълон қилади (аввал СССР таркибида). 24 август — миллий байрам (Мустақиллик куни). Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва Вазирлар Маҳкамасини бошқарадиган Бош вазирга тегишли. Қонун чиқарувчи олий орган — Рада. Йирик сиёсий партиялари: Украина Халқ Руҳи, Украина республика партияси, Украина демократик партияси, Демократик тикланиш партияси, Украина деҳқон-демократик партияси, Украина Халқ партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Украина ривожланган саноат тармоқларига эга. Саноатнинг асосий тармоқларини қора металлургия, рангли металлургия, машинасозлик, энергетик машинасозлик ва электротехника саноати, радиоэлектрон саноат, авиация, тракторсозлик, кemasозлик, кимё саноатлари ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги асосан донли экинлар, техник экинлар ва чорвачиликка ихтисослашган. Бугдой, маккажўхори, арпа, тарик, қанд лавлаги, кунгабоқар, каноп, картошка етиштирилади. Узумчилик ва боғдорчилик ривожланган. ЯММ 1994 йилда 189,2 млрд. (аҳоли жон бошига — 3650) долл.ни ташкил этади. Асосий савдо шериклари: МДҲ ва Болтиқбўйи республикалари, Германия, Польша, Чехия, Хитой, Италия, Швейцария.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 22800 км, автомобиль йўллари — 273700 км, ички сув йўллари — 4500 км. Асосий портлари: Николаев, Одесса, Херсон, Севастополь.

Тарихи. Ҳозирги Украина ҳудуди м. а. VII асрда скифлар империяси таркибига кирган. III асрда готлар Дондан Дунайгача бўлган ҳудудларда ўз давлатларини ташкил этишади. Хуннлардан сўнг бу ҳудудларга шарқий славянар ва хазарлар кириб келишади ва икки ўртада кураш бошланади. Ўз ҳудудларини хазарлардан ҳимоя қилиш мақсадида славянар варягларни ёрдамга чақиришади. Варяг князи Олег 882 йилда Киев Русига асос солади. 988 йилда Владимир Буюк христианликни қабул қилади. Киев Руси Ярослав Мудрий (1019—1054) ва Владимир II Мономах (1113—1125) даврида гуллаб-яшнади. XIII асрда Ботухон бошчилигидаги мўғул-татар қўшинлари Киев давлатини тугатади. Киев давлати ерлари Польша ва Буюк Литва Князлиги ўртасида бўлиб олинади. 1647 йилда Андрусов шартномасига кўра шарқий Украина ерлари Россия таркибига киради. 1793 йилда Екатерина бутун Украина ерларини (Галициядан ташқари, Галиция 1919 йилгача Австро-Венгрия империяси таркибига кирган) босиб олади. 1917 йилнинг ноябрида Винниченко ва Петлюра Киевда Украина Автоном Республикасини тузишади. Улар билан бир вақтда Харьковда большевиклар Украина Совет Республикасини тузишади. Брест — Литва шартномасидан сўнг 1918 йилнинг мартада немис қўшинлари Украинани оккупация қилади ва 1918 йилнинг декабригача Петлюра ҳокимиятни ўз қўлига олгунча қолишади. 1920 йилда Петлюра ва большевиклар ўртасидаги курашга Польша қўшилади ва Рига шартномасига кўра Фарбий Украина ерлари 1921 йилда Польшага ўтади. Совет Украинаси эса 1922 йилда Совет Иттифоқи таркибига киради. Иккинчи жаҳон уруши даврида Украина немис қўшинлари томонидан оккупация қилинади. 1944 йилда Совет қўшинлари Украинадан немисларни қувиб чиқаради. 1945 йилда Украинага Шарқий Галиция, Рутеня, Шимолий Буковина ва Бессарабиянинг бир қисми қўшилади. 1954 йилда Қрим вилояти Украина таркибига киради. 1986 йилнинг 26 апрелида Украина ҳудудида инсоният тарихидаги энг фожиали ҳалокатлардан бири — Чернобиль атом электростанциясида портлаш рўй беради. 1991 йилда Украина ўз мустақиллигига эришади. 2004 йил охирида навбатдаги президент сайловларида президентликка номзодлардан бирининг тарафдорлари сайлов натижаларидан норози эканликларини билдириб, тартибсиз-

ликлар уюштиришади. Мамлакатда «тўқ сариқ инқилоб» деб ном олган сиёсий инқироз вужудга келади. Қайта ўтказилган сайловларда муҳолифатчилар вакили В. Юшченко ғалаба қозонди.

УММОН

Расмий номи — Уммон Султонлиги. Поётахти — Маскат. Ҳудуди — 306000 км². Аҳолиси — 2400000 киши (2001). Давлат тили — араб. Дини — ислом. Пул бирлиги — уммон риали.

Географик жойлашуви ва табиати. Арабистон ярим оролида жойлашган Жануби-Ғарбий Осиё давлати. Ғарбда Саудия Арабистони (чегара узунлиги 676 км), жануби-ғарбда Яман (288 км) давлати билан чегарадош. Мамлакатнинг шарқий ва жанубий қирғоқларини Араб денгизи сувлари, шимолий қирғоқларини Уммон кўрфази сувлари ювиб туради. Қуруқликдаги чегараларининг умумий узунлиги 2,092 км. Мамлакатнинг катта қисми тоғли ҳудудлардан иборат. Уммон кўрфази қирғоқлари бўйлаб Ҳожар тоғи тик қоялари ястаниб ётибди. Тоғлар ва Уммон кўрфази ўртасида тор Ал-Ботина паст текислиги жойлашган. Мамлакатнинг марказий қисмида Руб-ал-Холи қумли чўлининг шарқий чегараси жойлашган. Уммон бой нефть захираларига эга бўлиб, фойдали қазилмалардан мис, хром ва табиий газ ҳам қазиб олинади.

Иқлими — қуруқ чўл зонаси.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — мутлақ монархия (султонлик). Мамлакат таркибига 3 та губернаторлик (вилоят) — Маскат, Мусондам, Зуфар киради. Уммон 1650 йилда мустақилликка эришган (илгари португалия мустамлакаси). 18 ноябр — амалдаги султоннинг туғилган куни миллий байрам сифатида нишонланади. Қонунчилик ислом қонунлари ва инглиз умумий ҳуқуқига асосланган бўлиб, султон олий суд инстанцияси ҳисобланади. Давлат ва ҳукумат бошлиғи султон (султон Қабус ибн Саид ибн Теймур давлатни 1970 йилдан буён бошқариб келмоқда). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий йиғин амалга оширади. Сиёсий партиялар тақиқланган.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисоди нефтни қазиб олиш саноатига

асосланган. Нефть ялпи миллий маҳсулотнинг 40% га яқин қисмини, экспортдан тушадиган даромадларнинг 20% дан зиёдрогини ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигида, балиқчиликни киритган ҳолда, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 60% и банд. Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: хурмо, банан. Чорвачилик ҳам ривожланган. Йилига 100 минг тоннага яқин балиқ овланади. Асосий савдо ҳамкорлари: Япония, Жанубий Корея, Буюк Британия, Сингапур, АҚШ.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 26000 км (шундан 6000 км асфальт йўллар). Порт шаҳри — Маскат.

Тарихи. М. а. 536 йили замонавий Уммон ҳудуди форслар томонидан босиб олинган эди. Янги давр бошларида Ўрта ер денгизи ҳамда Осиё давлатлари ўртасидаги савдонинг асосий қисми Уммон орқали ўтарди. VII аср ўрталарида Уммон мамлакатга исломни олиб кирган араблар томонидан босиб олинади. XVI асрда португалияликлар Маскатни ишғол қиладилар, бироқ 1650 йилда мамлакатдан европаликларни ҳайдаб чиқариб, Уммон мустақилликни қўлга киритади. 1741 йилда мамлакатдан эронлик босқинчиларни қувиб юборган Аҳмад ибн Саид авлоди 1733 йили Маскат султонлигига асос солади. Ибн Саидлар ҳозирги кунларда ҳам шу шаҳарларда ҳукумронлик қилмоқдалар. 1798 йили Маскат ва Буюк Британия ўртасида дўстлик, савдо ҳамда кема қатновлари тўғрисидаги шартнома имзоланган. Бу шартнома муддатлари 1891 ҳамда 1970 йилларда — мамлакат раҳбари «Уммон султони» унвонини олганидан сўнг икки мартаба қайта узайтирилган.

УРУГВАЙ

Расмий номи — Шарқий Уругвай Республикаси. Пойтахти — Монтевидео. Ҳудуди — 176200 км². Аҳолиси — 3400000 киши (2001). Давлат тили — испан. Дини — католик. Пул бирлиги — уругвай песоси.

Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Американинг жануби-шарқий қисмида жойлашган давлат. Шарқда ва шимолда Бразилия (чегара узунлиги — 985 км), ғарбда Аргентина (579 км) билан чегарадош. Жануб ва шарқ томонида Атлантика океани билан туташган. Чегарасининг умумий узунлиги — 1564 км,

соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 660 км. Уругвай ҳудуд жиҳатидан Жанубий Америкадаги кичик давлатлардан биридир. Мамлакат рельефи кичик тепаликлари бўлган текисликдан иборат. Ҳудуднинг ўртача баландлиги 200—300 м. Соҳил бўйида унумдор паст тепаликлар мавжуд. Асосий дарёлари — Уругвай, Рионегро. Қазилма бойликлари жуда кам. Асосий табиий ресурсларини унумдор тупроқ ва гидроэнергетик имкониятлар ташкил этади. Мамлакат ҳудудининг 22% и ҳайдаладиган ерлар, 78% и ўтлоқ ва яйловлардир.

Иқлими — субтропик. Ўсимлик дунёсини асосан яйлов ўсимликлари ташкил этади. Ўрмонларида тропик дарахтлар ўсади. Пума, тапир, тўнғиз, тулки, кийик, ёввойи мушук, чумолихўр, колибри, америка страуси, бойўёли, жўрчи, йирик ўргимчаклар ва судралувчилар фаунани ташкил этади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат таркибига 19 та департамент киради. Уругвай Бразилиядан 1828 йил 25 августида мустақилликка эришади. Шу сана миллий байрам — Мустақиллик куни ҳисобланади. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Сенат (юқори палата) ва Вакиллар палатаси (қуйи палата)дан иборат Генерал Ассамблея амалга оширади. Йирик сиёсий партиялари: Миллий партия (Бланко), Колорадо партияси, Христиан демократик партия, Уругвай социалистик партияси, Уругвай коммунистик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. ЯММ 1994 йилда 23 млрд. (аҳоли жон бошига — 7200) долларни ташкил этган. Саноат гўшт ва балиқни қайта ишлаш, жун, тери, шакар, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида катта майдонлар чорва боқиш учун ажратилган. Асосий экинлари — буғдой, шоли, сорго. Регионал иқтисодий ҳамкорлик доирасида Уругвай Бразилия, Аргентина ва Парагвай билан иқтисодий алоқалар ўрнатган. Асосий савдо шериклари: Бразилия, АҚШ, Аргентина, Хитой, Италия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 3000 км, автомобиль йўллари — 49900 км (6700 км қаттиқ қопламали), ички сув йўллари — 1600 км. Порти — Монте-видео.

Тарихи. Чарруа ва Гуарани ҳудудлари ўрнашган ҳозирги Уругвай ҳудуди 1516 йилда испаниялик Диас де Солис томонидан кашф этилади. XVII асрда бошланган мустамлакачилик ҳиндулар орасида христианликни тарғиб этиш билан давом этган. 1726 йилда Монтевидеога асос солган испанлар XVIII асрда ҳозирги Уругвай ҳудудини Рио-ле-Ла-Плата вице-қироллиги таркибига киритади. XIX аср бошларида мамлакатда мустақиллик учун кураш бошланади, лекин 1816 йилда Уругвай португаллар томонидан босиб олинди, Бразилияга қўшиб юборилади. 1828 йилда мустақилликка эришгандан сўнг Уругвайда баланкос (консерваторлар) ва колорадос (либераллар) тарафдорлари ўртасида фуқаролар уруши бошланади. Мамлакатнинг йирик сиёсий арбобларидан бири Батлье-Ордокес 1903—1915 йилларда демократик жамиятнинг пойдевориغا асос солади. Лекин унинг вафотидан сўнг Уругвайда ҳарбий диктатура ўрнатилади. 1952 йилдан 1966 йилгача мамлакатни коллегиял ҳукумат бошқаради. 1970 йилда мамлакатда тупамарос — миллий-озодлик ҳаракати тарафдорларининг қўзғолони бошланади. Қўзғолон 1972 йилда ҳукумат қўшинлари томонидан бостирилади. 1973 йилда Уругвайда навбатдаги ҳарбий давлат тўнтариши бўлиб, 1984 йилдагина ҳарбийлар ҳокимият-ни фуқаролар ҳукуматига топширади.

ФАЛАСТИН

Расмий номи — Фаластин давлати. Пойтахти — йўқ (ҳукумат Рамоллоҳ шаҳрида жойлашган), мамлакат иккига бўлинган — Иордан дарёси ғарбий соҳили ва Ғазо секторига. Ҳудуди — 26000 км². Аҳолиси — 2133313 киши (1995). Давлат тили — араб ва иврит. Дини — ислом. Пул бирлиги — исроил шекели ҳамда иордан динари.

Географик жойлашуви ва табиати. Яқин Шарқдаги мамлакат. Узоқ муддат давомида Исроил томонидан босиб олинган Фаластин давлати ҳудуди ҳозирги кунда Фаластин маъмурияти бошқаруви остидадир. Мамлакат икки қисмга бўлинган: 1) Иордан дарёси ғарбий соҳили (майdonи — 5873 км) шимолда, ғарбда ва жанубда Исроил, шарқда эса Иордания билан чегардон; 2) Ғазо сектори (майdonи 378 км) жанубда

Миср билан чегарадош. Чегараларининг умумий узунлиги — 468 км, соҳил чизигининг узунлиги — 40 км. Мамлакат ҳудуди тепаликлардан иборат. Фаластин табиий бойликларга бой эмас. Ишлов бериладиган ерлар ҳудудининг 27% ини ташкил этади, 32% и эса ўтлоқлар ва яйловлардан иборат.

Фаластин иқлими Ўрта ер денгизи ҳудудига хос иссиқ, ёзда қуруқ, қишда ёмғирли. Ўсимлик дунёсида яшил эман, терпентин дарахти, иерусалим соснаси, ясси тоғлик, тоғли ҳудудларда эса табор эмани ва синмора кенг тарқалган. Ҳайвонот дунёси ҳам бой ҳисобланиб, 400 га яқин қуш турлари мавжуд, шулардан бойўғли, лайлак кўп учрайди. Ҳайвонот дунёсида сиртлонлар, ёввойи чўчқалар, қуёнлар, типратиканлар, илонлар, калтакесаклар кенг тарқалган.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Ҳозирги кунда Фаластинда мамлакат ҳудудининг Фаластин маъмурияти бошқаруви остига ўтиш жараёни ҳамда давлат органларини ташкил қилиш ва шакллантириш ишлари олиб борилмоқда. Асосий сиёсий партияси — Фаластин Озодлиги ташкилоти.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Фаластиннинг иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қилган омил — бу унинг узоқ давр Исроил қуроли кучлари босқини остида бўлганлигидадир. Фаластин аҳолисининг катта қисми пул топиш учун Исроил ва Форс кўрфази мамлакатларига бориб ишлайдилар. 1990 йилги Форс кўрфазидаги инқироз кўпгина фаластинликларни ортга қайтиб, Фарбий соҳил ишсизлари сонини тўлдиришга мажбур қилди.

Тарихи. М. а. III минг йилликда замонавий Фаластин ҳудудида қадимги Ханаан цивилизацияси ташкил этилди. М. а. XII асрда Фаластиннинг қирғоқбўйи ҳудудлари филистимлянлар томонидан, қолган қисми эса Исроил — Иудей давлатига асос солган иудей қабилалари томонидан босиб олинди. Иудей давлатлари қулаганидан сўнг Фаластин Аҳамонийлар, Птоломейлар, Салжуқийлар, Нем империяси, Византия давлатлари таркибига кирган. VII асрда Фаластин араблар, XI асрда салибчилар томонидан ишғол қилинган. 1516 йилда Фаластин Усманийлар империясининг бир қисми, унинг инқирозидан сўнг инглиз протекторати бўлган. 1947 йилда БМТ Фаластин давлати ҳудудида икки дав-

лат — араб ва яҳудийлар давлатлари ташкил этилиши ҳақида қарор қилди. Бироқ Фаластин давлатига тегишли ерларнинг катта қисми Исроил томонидан ишғол қилинган бўлса, қолган қисми Иордания давлати томонидан қўшиб олинди. 1964 йилда ташкил этилган Фаластин Озодлиги ташкилоти Ясир Арофат бошчилигида 1989 йилда Фаластин давлати тузилиши ҳақида эълон қилди. 1997 йилда Исроил ва Фаластин Озодлиги ташкилоти ўртасида келишув имзоланиб, унга кўра Исроил Фаластиннинг автоном бўлиш ҳуқуқини тан олган. Бироқ давлат институтларини ташкил қилиш ҳозирги кунда мураккаб ички сиёсий шароитда олиб борилмоқда.

ФАРЕР ОРОЛЛАРИ

Расмий номи — Фарер ороллари (Дания мулки). Маъмурий маркази — Торсхван. Худуди — 1400 км². Аҳолиси — 41900 киши (2001). Давлат тили — дат, фарер. Дини — лютеранлик (95%). Пул бирлиги — дания кронаси.

Географик жойлашуви ва табиати. Атлантика океанининг шимоли-шарқий қисмида, Норвегия денгизида жойлашган давлат. Фарер ороллари ўз ичига 18 та ўрганилган ва бир нечта ўрганилмаган оролларни қамраб олади. Ороллар вулқонли келиб чиқишга эга бўлиб, уларнинг юзаси асосан чўққилидир. Энг баланд нуқтаси — 882 м. Мамлакат иқлими юмшоқ қиш ва салқин ёз билан тавсифланади. Оролларда асосан яйлов ўсимликлари, торфяникларда мох ва лишайниклар кўплаб учрайди. Қирғоқ сувларида турли-туман балиқлар ҳамда китлар учраб туради. Қирғоқларида кушлар колониялари кенг тарқалган.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Фарер ороллари — Дания Қироллигининг ўз-ўзини бошқарадиган денгизорти маъмурий бирлиги. Давлат бошлиги — Дания монархи. Коммиسیونер унинг манфатларини оролларда ифода қилади. Ҳукумат раҳбари — премьер-министр. Қонун чиқарувчи органи — 32 депутатдан иборат парламент. Олий ижро этувчи органи — Ландстюр (коалицион ҳукумат). Маъмурий жиҳатдан 49 та муниципалияга бўлинган.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Иқтисоднинг асосий тармоқлари балиқ овлаш ва қайта ишлаш, кemasозлик, қурилиш ва ҳунармандчилик. Ноқулай иқлим шароити ва ҳайдаладиган ерларнинг йўқлиги туфайли қишлоқ хўжалиги заиф ривожланган. Балиқнинг жаҳон бозорларидаги нархи ўсиши ороллар иқтисодининг тез суръатлар билан ўсишига олиб келди. Бу ўз навбатида ишсизликни камайтирди ҳамда ишчи кучи етишмовчилигини вужудга келтирди. Балиқ оролларнинг асосий экспорт маҳсулотидир. Ороллар атрофида яқинда очилган нефть захиралари иқтисод тузилишини аста-секинлик билан ўзгартириш ва унинг Данияга қарамлигини камайтириш ишончини бермоқда. Асосий савдо ҳамкорлари: Дания, Германия, Франция.

Тарихи. Ороллар VI асрда Ирландия монахлари томонидан кашф қилинган бўлиб, бу ерда улар дастлабки маконларга асос солишган. IX асрда оролларга норвегияликлар кириб келди. 1035 йилдан бошлаб Фарер ороллари Норвегия Қироллигининг таркибий қисмига айланди. Шундан сўнг 1380 йилда Норвегия билан биргаликда ороллар Дания Қироллигига қўшилиб кетди. Иккинчи жаҳон уруши даврида ороллар немис босқинчиларини тўхтатиш мақсадида инглизлар томонидан эгалланди. 1948 йилда эса ороллар ҳозирги кундаги мақомини қўлга киритди.

ФИДЖИ

Расмий номи — Фиджи Республикаси. Пойтахти — Сува. Ҳудуди — 18333 км². Аҳолиси — 800000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — протестантлик, иудаизм. Пул бирлиги — фиджи доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Тинч океаннинг жанубий қисмида Фиджи оролларида (жами 844 та орол) жойлашган давлат. Энг йирик ороллари — Вити-Леву ва Вануа-Леву. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 1129 км. Оролларнинг рельефи вулқонлар натижасида пайдо бўлган тоғ тизмалари мавжуд ясси тоғликлардан иборат. Асосий табиий бойликлари: балиқ, олтин, мис. Ҳудуднинг 8% ини ҳайдаладиган ерлар, 65% ини ўрмон ва тўқайлар ташкил этади.

Иқлими — тропик, океан иқлими. Тоғ ёнбағирлари тропик ўрмонлар билан қопланган. Текис ҳудудларида яйлов ўсимликлари ўсади. Фиджининг ҳайвонот олами

камбағал. Кўп тарқалган сүт эмизувчилар — кўршапалак ва учар тулки. Оролларга олиб келинган ҳайвонлардан мангусталар кенг тарқалган.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Фиджи мустақилликка 1970 йилнинг 10 октябрида эришди (аввал Буюк Британия мустамлакаси). Шу сана миллий байрам ҳисобланади (Мустақиллик куни). Қонунчилиги инглиз умумий ҳуқуқига асосланган. Ижро этувчи ҳокимият Президент (давлат бошлиғи) ва Бош вазир бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Фиджи сиёсий партияси, Фиджи миллий бирлашган fronti, Ер эгалари партияси, Миллий федератив партия, Лейбористик партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисодининг асосий тармоғи — қишлоқ хўжалиги (ЯММнинг 23% и). Асосий экспорт маҳсулотлари — шакар ва копра (кокос мағзи). Ишлаб чиқариш асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва балиқни қайта ишлаш билан боғлиқ. Асосий валюта манбаи туризм ҳисобланади. ЯММ 1994 йилда 4,3 млрд. (аҳоли жон бошига — 15650) долларни ташкил этди. Асосий савдо ҳамкорлари: Австралия, Янги Зеландия, Япония, ЕҲ давлатлари.

Тарихи. Оролларнинг бир қисми 1634 йилда Тасман томонидан, қолган қисми 1774 йилда Кук томонидан кашф этилган. 1874 йилда Фиджи Буюк Британия мустамлакасига айланади, лекин маълум маънода ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқини сақлаб қолади. Британия Ҳамдўстлиги аъзоси Фиджи мустақилликка 1970 йилда эришади. 1987 йилда подполковник Рабук бошчилигидаги давлат тўнтаришидан сўнг Фиджида республика тузуми ўрнатилади.

ФИЛИППИН

Расмий номи — Филиппин Республикаси. Пойтахти — Манила. Ҳудуди — 299765 км². Аҳолиси — 77200000 киши (2001). Давлат тили — филиппин. Дини — католик. Пул бирлиги — филиппин песоси.

Географик жойлашуви ва табиати. Тинч океаннинг ғарбий қисмида, Малайя архипелагининг Филип-

пин оролларида жойлашган давлат. Филиппинга тегишли 7100 дан ортиқ ороллар бор. Энг йирик ороллари — Лусон, Минданао, Самар, Панай, Палаван, Негрос, Миндоро, Лейте. Мамлакат гарбда Жанубий Хитой, шарқда Филиппин, жанубда Сулавеси денгизлари билан туташган. Шимолда Филиппин оролларини Тайвань оролидан Баши бўғози ажратиб туради. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 36289 км. Энг йирик ўн бир орол мамлакат ҳудудининг 92% ини ташкил этади. Энг баланд чўққиси Минданао оролидаги Апо тоғидир (2954 м). Асосий табиий бойликлари: ёғоч, нефть, никель, кобальт, кумуш, олтин, мис. Мамлакат ҳудудининг 26% и ҳайдаладиган ерлар. 40% и ўрмон ва тўқайлардир.

Иқлими — тропик. Филиппин ҳудудининг деярли ярмини тропик ўрмонлар ташкил этиб, бу ўрмонларда пальма, каучук дарахти, баньян, апитонг, майяпис, лауан, бамбук ўсади. Денгиз сатҳидан 1200 м баландликда бута ва яйлов ўсимликлари ўсади. Оҳу, мангуст, қобон, турли қушлар ва судралувчилар ҳайвонот оламини ташкил этади. Соҳилбўйи сувларида турли хил балиқлар ва моллюскалар учрайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президент республикаси. Мамлакат таркибига 74 та провинцияни ўз ичига олган 12 та маъмурий район киради. Филиппин АҚШдан ўз мустақиллигига 1946 йилнинг 4 июлида эришади. Миллий байрами 12 июн — Мустақиллик куни (1898 йили Испаниядан). Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи олий орган Сенат (юқори) ва Вакиллар палатасидан (қуйи) иборат Конгрессдир. Йирик сиёсий партиялари: Филиппинликларнинг демократия учун кураши, Лакас — Филиппин демократик партияси, Миллатчилар партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Саноатнинг энг ривожланган тармоқлари (ЯММнинг 35% и): электрон, тўқимачилик, кимё, ёғочни қайта ишлаш, озиқ-овқат, фармацевтика. Қишлоқ хўжалиги (ЯММнинг 30% и) ҳам мамлакат иқтисодида муҳим ўрин эгаллайди. Филиппин кокос ёнғоқлари ва кокос маҳсулотларини экспорт қилувчи йирик давлат ҳисобланади. Шоли, маккажўхори, шакарқамиш, банан, ананас, манго етиштирилади. Чорвачилик ривожланган. ЯММ 1994 йилда 161,4 млрд. (аҳоли жон бошига —

2310) долл.ни ташкил этди. Асосий савдо шериклари: АҚШ, Германия, Япония, Гонконг, Буюк Британия, Тайвань, Сингапур.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 378 км, автомобил йўллари — 156200 км, ички сув йўллари — 3219 км. Асосий портлари: Давао, Манила, Себу.

Тарихи. V асрдан бошлаб ҳозирги Филиппин ҳудудида турли халқлар ва маданиятларнинг қоришган цивилизацияси шаклланади. VI—XV асрларда Филиппин ҳинд-малая денгиз қиролликларига қарам бўлган. 1521 йилда португалиялик Магеллан томонидан кашф этилган. XVI асрнинг дастлабки чорагида испан мустамлакасига айланади ва шу даврдан шаҳзода Филипп (келяжақда қирол Филипп II) шарафига Филиппин деб аталади. Испан-Америка уруши даврида Филиппин АҚШга қарам бўлади (1898). Филиппин қўшинлари курашга киришиб, 1899 йилнинг январида мамлакатни республика деб эълон қилишади. Лекин амалда Филиппин АҚШга қарамлигича қолаверади. 1942 йилда Филиппин япон қўшинлари томонидан босиб олинади. 1946 йилда расман мустақиллик эълон қилинса ҳам, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан Филиппин узоқ муддат АҚШ таъсири остида қолади. 1968 йилдан 1972 йилгача христиан ва мусулмонлар ўртасида фуқаролар уруши бўлади. 1965 йилда президентликка сайланган Маркос 1979 йилда ҳарбий давр қонунини қабул қилади. 1986 йилда у ҳокимиятни Корасон Акинага топширади. 1992 йилда Фидель Рамос президент этиб сайланади.

ФИНЛЯНДИЯ

Расмий номи — Финляндия Республикаси. Поштах-ти — Хельсинки. Ҳудуди — 338145 км². Аҳолиси — 5200000 киши (2001). Давлат тили — фин ва швед. Дини — лютеранлик (90%). Пул бирлиги — евро.

Географик жойлашуви ва табиати. Шимоллий Европадаги давлат. Жануб ва шарқда Россия (чегаранинг узунлиги — 1313 км), шимолда Норвегия (729 км), ғарбда Швеция (586 км) билан чегарадош. Мамлакатнинг ғарбини Ботник қўлтиғи, жанубини Фин қўлтиғи сувлари ювиб туради. Чегаранинг умумий узунлиги — 2628 км, соҳилнинг узунлиги — 1126 км. Мамлакат ҳудудининг катта қисми текисликлардан иборат. Ҳудуднинг 30% ини

ботқоқликлар ташкил этади. Мамлакатнинг шимоли-ғарбида Лапландия жойлашган, рельеф тоғли худудларга ўзгаради. Шу тоғларда мамлакатнинг энг юқори нуқтаси — Халтиотунтури (1328 м) тоғи жойлашган. Финляндия — кўллар мамлакати. 60000 га яқин кўл бор. Кўлларнинг энг йириклари — Пяйяйне, Сайма, Инари, Пиелленен. Асосий дарёлари — Торнио, Кеми, Оулу. Мамлакат худудида титан, магний, мис, рух, темир, никель рудалари топилган. Муҳим табиий бойликларидан бири ёғочдир. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат худудининг 8% ини, ўрмонлар 76% ини ташкил этади.

Иқлими — мўътадил, шимолида континентал. Финляндия худудининг катта қисмини ўрмонлар ташкил этади. Ўрмонларда қарағай, арча, эман, заранг, қорақайин, қорақарағай, шимолида тундра ўсимликлари ўсади. Шимол буғуси, лось, олмахон, қуён, тулки, қундуз, айиқ, бўри, силовсин, 250 га яқин парранда ва қуш турлари ҳайвонот оламини ташкил этади. Дарё ва кўлларида турли балиқлар кўп.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — парламент республикаси. Финляндия маъмурий жиҳатдан 5 та лян (губерния)га, мухторият ҳуқуқига эга бўлган Аланд оролларига бўлинади. Ляндлар кихлакунта (уезд)ларга бўлинган. Финляндия 1917 йил 6 декабрда мустақилликка эришади (аввал Россия мустамлакаси). 6 декабр миллий байрам — Мустақиллик куни ҳисобланади. Қонунлар швед умумий ҳуқуқига асосланган. Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва Бош вазир бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи олий орган — парламент (бир палатали). Йирик сиёсий партиялари: Финляндия маркази, Финляндия социал-демократик партияси, Миллий коалицион партия, Либерал халқ партияси, Финляндия қишлоқ партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Финляндия қайта ишлаш тармоқларига асосланган ривожланган бозор иқтисодига эга. Бундан ташқари машинасозлик, кemasозлик, кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик саноатлари ривожланган. Ёғоч ва бир қатор қазилма бойликларни ҳисобга олмаганда, Финляндия хом ашё ва энергия импортига қарам. Иқлим шароити туфайли қишлоқ хўжалиги дон етиштириш ва чорвачилик билан чекланган. ЯММ 1994 йилда 81,8 млрд.

(аҳоли жон бошига — 22300) долларни ташкил этди. Асосий савдо ҳамкорлари: Германия, Швеция, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Япония, Россия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 5924 км, автомобиль йўллари — 78400 км, ички сув йўллари — 3700 км. Асосий портлари: Котка, Турку, Хельсинки.

Тарихи. I аср охирларида Эстониядан келган финлар ҳозирги Финляндиянинг жанубий ҳудудида ўрнашишади. 800 йилларга келиб финлар Карелиягача етиб боришади ва фин-угор гуруҳига мансуб бошқа элатлар билан аралашиб кетишади. Кейинроқ мамлакат жанубини викинглар эгаллашади. 1150 йилда Финляндия тўлиқ Швецияга қарам бўлади. Швеция Финляндияга христианликни олиб келади. 1809 йилда Финляндия рус подшоиси Александр I томонидан босиб олинади. Аввалига Финляндия маълум автономияга эга бўлади. XIX аср охирларида Финляндияда мажбурий руслаштириш сиёсати амалга оширила бошлайди. Россияда инқилоб бўлгач, Финляндия мустақилликка эришади ва қисқа муддатли монархиядан сўнг мамлакат республика деб эълон қилинади. Совет-фин урушида Финляндия мағлубиятга учрайди. Икки ўртада тузилган сулҳга кўра Финляндия Карелия ва Лапландиядан ажралади. 1960 йилда Финляндия Скандинавия давлатларининг умумий бозорига аъзо бўлади.

ФОЛКЛЕНД ОРОЛЛАРИ

Расмий номи — Фолкленд (Мальвин) ороллари. Пойтахти — Порт-Стенли. Ҳудуди — 12200 км². Аҳолиси — 2800000 киши (2000). Давлат тили — инглиз. Дини — христианлик. Пул бирлиги — фолкленд фунти.

Географик жойлашуви ва табиати. Фолкленд ороллари — Атлантика океанининг жануби-ғарбий қисмидаги архипелаг. Архипелаг икки йирик — Соледад ва Гран-Мальвин оролларида ташкил топган. Бундан ташқари 200 га яқин майда ороллар ҳам унинг таркибига қиради. Ороллар чўкма жинслардан ташкил топган. Ғарбий Фолкленд оролининг энг юқори нуқтаси — Адам тоғи (706 м).

Иқлими — салқин океан иқлими. Ўсимлик дунёси камбағал, торф ботқоқликлари мавжуд. Ҳайвонот дунёсида денгиз жониворлари устунлик қилади. Бу ерда

туленлар, қисқичбақалар, балиқларнинг кўплаб турлари ва қушлар жуда кўп.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Ороллари Буюк Британия қироличаси томонидан тайинланадиган губернатор бошқаради. Маъмурий-худудий бўлинишга эга эмас. Оғир самолётларни қабул қилиш учун қўниш майдони ва базаси мавжуд. Сиёсий партиялари: Фолкленд оролларининг миллий тараққиёт партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Маҳаллий аҳолининг асосий машғулоти — қўйчилик, балиқчилик. Қорамол ва отлар ҳам боқилади. Озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва жунга қайта ишлов бериш фабрикалари ҳам мавжуд. Картошка, карам, пиёз, лавлаги, арпа каби маданий ўсимликлар етиштирилади. Асосий савдо ҳамкорлари: Буюк Британия, Аргентина.

Тарихи. Архипелагни ўрганиш учун биринчи жиддий уриниш голланд денгизчиси Себальд Веерт томонидан амалга оширилди. Оролларга Себальдин ороллари номи берилиб, улар географик хариталарга киритилди. 1760 йил январда англизлар ғарбий ва шарқий ороллари ажратиб турган бўғозни кашф қилишди ва унга англиз флоти ғазначиси лорд Фолкленд номини берадилар. Кейинчалик бутун архипелаг шу ном билан атала бошланди. XVIII асрда оролларга Сан-Мало портидан йўлга чиққан француз денгизчилари серқатнов бўлиб қолишди. Шу тариқа бу архипелаг ўзининг иккинчи, Мальвин ороллари номига эга бўлди. Бу ном расман Аргентина ва Лотин Америкасининг бошқа мамлакатларида ишлатилади. 1764 йилда Мальвин оролларига машҳур денгизчи Луи Антуан де Бугенвиль бошчилигидаги денгиз экспедицияси келиб тушди. У Солледаднинг шарқий қирғоқларида доимий манзилгоҳ — Порт-Сен-Луиға асос солди. Айнан шу ердаги ороллар Франция мулки деб эълон қилинди. Буюк Британия Францияни архипелагдан сиқиб чиқаришга уринган. 1765 йилда англиз денгизчиси Жон Байрон Шарқий Фолклендга қуролланган отряд тушириб, Порт-Эгмонт портиға асос солиб, ороллари англиз мулки деб эълон қилди. Англия ва Германия билан олиб борилган етти йиллик урушда банд бўлган Франция архипелагни Испанияға 25 минг фунт стерлингга сотиб юборди. Испания ва Англия муносабатлари шу даражада кескинлашидики, ҳарбий тўқнашув юз бериши тайин бўлиб

қолди. Узоқ давом этган можаролардан сўнг Испания Англияга Порт-Эгмонтни қайтариб бериши учун расмий Лондон архипелаг суверенитетидан воз кечишга мажбур эди. Бироқ англизлар 1774 йили оролларни Буюк Британия мулки деб эълон қилган ҳолда ўз гарнизонини олиб чиқиб кетди. Кейинги йилларда Рио-де-ля-Плата вице-қиролигининг таркибий қисми деб эълон қилинган Мальвин оролларига Испания ва Жанубий Америкадан кўчманчилар келиб ўрнаша бошлади. XIX аср бошларида Буюк Британия бутун Ла-Плата ҳудудини босиб олишга уринди. Бироқ англизлар маҳаллий аҳолининг жиддий қаршилигига дуч келди. 1816 йили Ла-Платанинг бирлашган провинциялари Испаниядан мустақиллигини эълон қилиб, 1826 йилда Аргентина республикасини таъсис этган конституцияни қабул қилди. Мальвин ороллари ва континентал шельф доирасидаги барча испан ороллари республика таркибига киритилди. 1820 йилда капитан Девид Жуитт бошчилигидаги «Эроина» аргентин фрегати Мальвин оролларига етиб келди ва бу ерда Аргентина республикаси байроғи кўтарилди. 1833 йилнинг 3 январидан англизлар Соледаддан ҳарбий ва фуқаролик Х. М. Минеда бошчилигидаги ҳукуматни ва шу ерда қолган аргентиналикларни қувиб чиқарди. Аргентина ҳеч қачон Буюк Британиянинг архипелагга бўлган ҳудудий ҳуқуқларини тан олмаган ва бир ярим аср давомида оролнинг мустақиллиги тикланишини талаб қилиб келмоқда.

ФРАНЦИЯ

Расмий номи — Франция Республикаси. Пойтахти — Париж. Ҳудуди — 551000 км². Аҳолиси — 59200000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — католик (90%). Пул бирлиги — евро.

Географик жойлашуви ва табиати. Европанинг ғарбидаги давлат. Жанубда Испания (чегара узунлиги — 623 км) ва Андорра (60 км), жануби-шарқда Монако (4,4 км), шимоли-шарқда Бельгия (620 км) ва Люксембург (73 км), шарқда Швейцария (573 км) ва Италия (451 км) давлатлари билан чегарадош. Жанубда мамлакат Ўрта ер денгизи, ғарбда Бискай кўрфазини, шимоли-ғарбда Ла-Манш ва Па-де-Кале бўғозлари билан туташган. Ўрта ер денгизидаги Корсика оро-

ли, тўртта денгизорти департаментлари — Мартиника, Гваделупа, Реюньон, Француз Гвианаси ҳамда денгизорти ҳудудлари — Франция Полинезияси, Янги Каледония, Сен-Пьер ва Микелон, Тинч океанидаги бир қатор архипелаглар Францияга тегишли. Чегарасининг умумий узунлиги (метрополия ва Корсика) — 2892,4 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 3427 км. Мамлакатнинг ғарби ва шимоли текисликлардан иборат. Марказ ва шарқда ўрта баландликдаги Марказий массив, Вогез, Юра тоғлари жойлашган. Жануби-ғарбда Испания билан табиий чегара ҳосил қилган Пиреней тоғлари ётади. Бу тоғ тизмасининг энг баланд нуқтаси — Пик-де-Винмаль (3298 м). Мамлакатнинг жануби-шарқида Франция ва Ғарбий Европанинг энг баланд чўққиси Монблан тоғи (4807 м) жойлашган Француз Альплари ётади. Асосий дарёлари — Сена, Рона, Луара, Гаронна. Кўллар Францияда кўп эмас, энг йирик кўли — Женева (аксарияти Швейцарияда жойлашган). Асосий табиий бойликлари: кўмир, темир рудаси, бокситлар, рух, балик, ёғоч. Ҳайдаладиган ерлар ҳудуднинг 32% ини, ўрмон ва тўқайлар 27% ини, ўтлоқ ва яйловлар 23% ини ташкил этади.

Иқлими — мўътадил, Корсика оролида субтропик. Мамлакатнинг тўртдан бир қисмини ўрмонлар ташкил этади. Ўрмонларда эман, қарағай, қорақайин, қайрағоч, оқ қайин, арча, каштан каби дарахтлар, Ўрта ер денгизи бўйларида зайтун, ток, пальма, агавалар ўсади. Ҳайвонот дунёсини айиқ, тоғ эчкиси, муфлон, тулки, бўрсиқ, оху, косуля, тўнғиз, олмахон, каклик, бургут, фламинго (жанубда) ташкил этади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президент республикаси. Мамлакат таркибига 96 та департаментга бўлинган 22 та вилоят киради. Бундан ташқари, денгизорти департаментлар ва денгизорти ҳудудлар ҳам Франция таркибига киради. Франклар қироллиги V асрда ташкил топади. Биринчи республика 1792 йилда эълон қилинган. Сўнги Конституция (V республика) 1958 йил 28 сентябрда қабул қилинган. Миллий байрами 14 июл — Бастилия олинган кун (1789). Давлат бошлиғи — президент. Президент Бош вазир (Министрлар Кенгаши раиси)ни тайинлайди. Қонун чиқарувчи ҳокимият Сенат (юқори палата) ва Миллий мажлис (қуйи палата)дан иборат

парламент томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Республикани қўллаш бирлашмаси, Француз демократик иттифоқи, Республикачилар партияси, Француз социалистик партияси, Сўл радикал ҳаракат, Франция коммунистик партияси, Миллий фронт.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Франция дунёнинг юқори тараққий этган саноатга, катта қишлоқ ҳўжалиги ресурсларига эга бўлган мамлакатларидан биридир. ЯММ 1994 йилда 10801 млрд. (аҳоли жон бошига — 18670) долларни ташкил этди. Саноатнинг асосий тармоқлари (ЯММнинг 1/4 қисми): машинасозлик, кимё, автомобиль, самолёт-созлик, электрон, металлургия, тоғ-кон, тўқимачилик, озиқ-овқат. Унумдор ерларнинг катта майдонлари, замонавий технологияларнинг қўлланилиши, ҳукумат субсидиялари Францияни Ғарбий Европада қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи етакчи давлатга айлантирди. Мамлакат иқтисодида тобора хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғи ортмоқда. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕҲ давлатлари, АҚШ, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 34568 км (11674 км электрлаштирилган), автомобиль йўллари — 1551400 км (803000 км асфальтланган), ички сув йўллари — 15000 км. Асосий портлари: Бордо, Гавр, Дюнкерк, Нант-Сен-Назер, Руан.

Тарихи. М. а. I аср ўрталарида Галлия (ҳозирги Франция) Қадимги Рим томонидан босиб олинади. Франклар Галлияга V асрда кириб келишади. Франк қироллиги Каролинглар сулоласи вакили Карл Буюк даврида қудрат чўққисига кўтарилади. 987 йилда ҳокимиятга Капетинглар сулоласи келади. Ғарбий Европада Франциянинг таъсири XIII асрда Филлип II Август ва Людовик IX даврида ортади. XIV асрда ҳокимиятга Валуа сулоласи келади. 1337 йилдан 1453 йилгача Франция Англия билан «Юз йиллик уруш» олиб боради. Шу даврда инглиз қўшинларига қарши озодлик курашини Жанна д'Арк бошлайди. XVIII аср охирида абсолютизмнинг кризисга учраши аввалига подшо ҳокимиятининг чекланишига (1789 йилда Бастилиянинг олинishi, Миллий Ассамблеянинг тузилиши), кейинчалик эса I республиканинг тузилишига (1792) олиб келди. 1793 йилда крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилинди. 1799 йили Наполеон Бонапарт давлат тўнтариши ўтказиб, диктатура ўрнатди ва 1804 йилда ўзини Наполеон I

номи билан император деб эълон қилди. Босқинчилик урушлари натижасида Франция деярли бутун Марказий ва Ғарбий Европани ўзига бўйсундирди. 1812 йилги Россияга юриш «Буюк армия»нинг яқсон қилиниши билан тугади. 1814 йилда рус қўшинлари Парижни босиб олишди, бу ҳолат Францияда Бурбонлар реставрациясига олиб келди. 1815 йилда Наполеон қисқа муддатга ҳокимиятга қайтди (100 кун) ва Ватерлоо мағлубиятидан сўнг у бутунлай ҳокимиятни қўлдан бой берди. Франция инқилобдан олдинги чегараларга қайтди. 1830 йилги инқилоб буржуа монархиясининг ўрнатилишига олиб келди. Навбатдаги 1848 йилги инқилоб натижасида Францияда II республика эълон қилинди. Император Наполеон III 1852 йили монархияни қайта тиклади, 1853—1856 йилларда Франция Россияга қарши Крим урушида иштирок этди. 1870—1871 йиллардаги Франция—Пруссия уруши Эльзас ва Лотарингиянинг бой берилиши билан тугади. 1871 йил — Париж Коммунасининг тузилиши ва ҳалокати. 1875 йилда III Республика Конституцияси қабул қилинди. 1914—1918 йилларда Франция I жаҳон урушида иштирок этди ва ғалаба қозонди. Унинг натижаларига кўра Версаль шартномаси бўйича Эльзас ва Лотарингияни ўзига қайтариб олди. Шунингдек, Саар вилояти, Того ва Камерун ҳам Францияга ўтди. II жаҳон уруши даврида Франция немис қўшинлари томонидан оккупация қилинди: мамлакат 2 қисмга бўлинди (босиб олинган ҳудудлар ва Мухтор Франция давлати). 1944 йили Нормандияга иттифоқчи қўшинлар туширилди ва Франция озод қилинди. 1946 йили IV Республика Конституцияси қабул қилинди. Франция 1949 йили НАТОга аъзо бўлиб кирди. 1945—1954 йилларда Вьетнамдаги мустамлака урушлари натижасида Франция Ҳиндихитойни бой берди. 1957 йилда мамлакат ЕҲ аъзоси бўлди. 1958 йилда ижроия ҳукумат ҳуқуқларини кенгайтирган янги Конституция (V Республика) қабул қилинди. 1960 йили Франция мустамлака тизимининг парчаланиш жараёни бошланди. 1962 йили Жазоир мустақилликка эришди. 1966 йили Франция НАТО ҳарбий ташкилотидан чиқди. Франция 1970—1990 йилларда Европа интеграциясининг фаол тарафдори бўлиб келди. 2005 йили келиб чиқиши Осиё ва Африкадан бўлган муҳожирларнинг норозилик чиқишлари қатор тартибсизликларни келтириб чиқарди.

ФРАНЦУЗ ПОЛИНЕЗИЯСИ

Расмий номи — Француз Полинезияси. Пойтахти — Папеэте. Худуди — 4200 км². Аҳолиси — 257 минг киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — протестант-кальвинистлар (54%), католиклар (30%). Пул бирлиги — африка франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Француз Полинезияси — Океанияда, Тинч океanning шарқий қисмида жойлашган. Француз Полинезияси бир-биридан узоқ масофада жойлашган, жами 130 оролдан иборат, 5 архипелагдан ташкил топган. Француз Полинезиясининг бир қисми вулқонлар натижасида пайдо бўлган, бир қисми эса маржон ороллари ҳисобланади. Шамол йўлидаги тоғ ёнбағри ороллар, доим яшил ўрмонлар, шамолдан панадаги ороллар қоялар билан ўралган.

Иқлими — экваториал, тропик пассатли. Фойдали қазилмалардан фосфат ва кобальт конларига эга. Ўсимлик дунёси оролларникига хос. Панданус, какос, нон дарахти, пальма ўсади. Водийлари тропик ўрмонлар билан банд. Ҳайвонот дунёси судралиб юривчилар ва қушларга бой. Бу ерда альбатрос, чайка, тўти, булбул, кабутар ва бошқалар кўн тарқалган.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Француз Полинезияси — Франциянинг денгизорти автоном худуди. Бошқарув бошлиғи — олий комиссар. Ижроия ҳокимияти раис бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи органи — Худудий Ассамблея (41 депутат). Маъмурий-худудий жиҳатдан 5 та округга бўлинади. Сиёсий партиялари: Социалистик партия, Полинезия иттифоқи, Полинезия республикаси учун бирлашув.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодининг асосини чет эллик туристларга хизмат кўрсатиш, шунингдек, гавҳар экспорти ташкил этади. XX асрнинг 80-йилларида оролларда фосфат ва кобальт конлари очилди. ЯММда қишлоқ хўжалигининг улуши кам, маҳсулотларининг асосий қисмини майда хўжаликлар беради. Ваниль, ананас, банан етиштирилади. Балиқчилик ривожланган. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, АҚШ.

Асосий денгиз порти — Папеэти (Томти оролида).

Тарихи. Тахминан 2000 йил олдин бу оролларга

одамлар дастлаб Самоа архипелагидан сузиб келишган. 1995 йили европаликлар (испан Менданья) томонидан Француз Полинезияси ороллари таркибига кирувчи Марказ ороллари кашф этилди. Европаликлар дастлаб XIII асрда келиб ўрнашганлар. XIX асрнинг 40-йилларида оролларнинг асосий қисмини Франция босиб олди ва ўз назоратини ўрнатди. 1885 йилдан 1958 йилгача босиб олинган ҳудудлар Француз Океанияси деб номланди. 1958 йили мамлакат Франциянинг денгизорти ҳудуди мақомини олди. Полинезия Француз губернатори томонидан 1977 йил мартигача бошқарилди, кейин ички ўз-ўзини бошқарув ҳуқуқини қўлга киритди, губернатор олий комиссарга алмаштирилди. 1996 йилда Полинезия Франциянинг автоном ҳудуди мақомини олди. Франция ороллар устидан тўла назоратни ўз қўлида ушлаб қолди.

ХИТОЙ

Расмий номи — Хитой Халқ Республикаси. Пойтахти — Пекин. Ҳудуди — 9597000 км². Аҳолиси — 1273000000 киши (2001). Давлат тили — хитой тилининг мандарин диалекти. Дини — конфуцийлик, даосийлик, буддавийлик, христианлик, ислом. Пул бирлиги — юань.

Географик жойлашуви ва табиати. Осиёнинг шарқдаги давлат. Шимоли-шарқда (чегара узунлиги — 36,5 км) ва шимоли-ғарбда Россия (40 км), шимолда Монголия (4670 км), шимоли-шарқда Шимолий Корея (1416 км), шимоли-ғарбда Қозоғистон (1533 км) ва Қирғизистон (858 км), ғарбда Покистон (523 км), Тожикистон (414 км), Афғонистон (76 км), жануби-ғарбда ва жанубда Ҳиндистон (3380 км), жанубда Мьянма (2185 км), Вьетнам (1281 км), Непал (1236 км), Бутан (470 км), Лаос (423 км) жануби-шарқда Макао (0,34 км) билан чегардош. Жанубда Жануби-Хитой денгизи, шарқда Сарик ва Шарқий Хитой денгизлари билан туташ. Чегарасининг умумий узунлиги — 2214334 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 14500 км. Хитой ҳудудининг катталиги жиҳатидан дунёда учинчи ўринда туради. Хитойнинг жанубида Наньлин ва Юньнань-Туйчжоу тоғлари қад кўтарган. Жануби-ғарбда Ҳимолай — Қорақурум, Наньшаня,

Куньлени тоғлари билан ўралган. Ўртача баландлиги тахминан 4500 м бўлган Тибет тоғлари жойлашган. Непал билан чегарада дунёдаги энг баланд чўққи Жомолунгма (Эверест — 8848 м) жойлашган. Ғарбда ва шимоли-ғарбда Токла-Макан чўли ётади. Хитойнинг шимолида Гоби чўли ёйилган. Шимоли-шарқда Катта Хинган, Кичик Хинган тоғлари жойлашган. Асосий дарёлари — Янцзи, Хуанхе, Сунгари, Синцзян. Ер ости бойликлари қуйидагиларга бой: темир рудаси, кўмир, нефть, ртут, вольфрам, қалайи, сурма, марганец, молибден, рух, кўргошин, алюминий, уран. Ҳайдаладиған ерлар умумий майдоннинг — 10%, ўтлоқ ва майсазорлар 31% ини эгаллайди.

Иқлими — худудининг катталиги туфайли иқлим турлича: мўтадил, субтропик ва тропик. Хитойнинг ўсимлик дунёси характер жиҳатдан икки зонага: шарқий ва ғарбий қисмларга бўлинади. Шарқий қисмда ўсимликлар тури 25000 дан ортиқ. Ғарбий қисмда ўсимликлар кўпроқ бир хилликга эга. Брахмапутра водийсида игнабаргли ўрмонлар: қарағай ва кедрнинг ҳар хил турлар ўсади. Бўри, тулки, айиқ, йўлбарс, қундуз, колонок, оқ сичқон, олмахон ва бошқалар яшайди.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Хитой Халқ Республикаси (ХХР) Конституцияга кўра халқ демократик диктатураси ўрнатилган социалистик давлат. Мамлакат таркибида 22 та провинция, 5 та автоном район ва 3 та марказий шаҳар — Пекин, Шаньхай ва Тяньцзинь бор. Хитой Халқ Республикаси 1949 йил 1 октябрда ташкил топган. 1 октябрь Миллий байрам — ХХР эълон қилинган кун. Ижро этувчи ҳокимият ХХР раиси (давлат бошлиғи)га, Умумхитой халқ вакиллари йиғилиши доимий кўмитаси раиси, Давлат кенгаши раиси (ҳукумат бошлиғи)га тегишли. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи олий органи — Умумхитой халқ вакиллари йиғилиши. Мамлакатда бошқа сиёсий партиялар пайдо бўлганига қарамай, сиёсий ҳаётни Хитой Коммунистик партияси белгилайди.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. XX асрнинг 80-йилларида Хитой раҳбарлари марказлаштирилган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишга киришди. Бунинг учун қишлоқ хўжалигида коллективлаштиришдан фермерлик тизимига ўтилди. Қишлоқ хўжалиги ялпи миллий маҳсулотнинг 30% ини таъминлайди. Саноатнинг бирмунча ривожланган тармоқ-

лари — металлургия, машинасозлик, кўмир қазиб олиш, нефть қазиб олиш, тўқимачилик, кимё, ҳарбий саноат. ЯММ 1994 йилда 2,9788 трлн. (жон бошига 2500) долл.ни ташкил этди. Асосий савдо ҳамкорлари: Гон-конг, Япония, АҚШ, Россия, Тайвань, Германия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — тахминан 54000 км. Автомобиль йўллари — 1300000 км, ички сув йўллари — 138600 км. Асосий портлари: Гуанчжоу, Далянь, Циндао, Шаньхай.

Тарихи. Биринчи Хитой сулоласи — Цинь (м. а. XVIII — XI асрлар) м. а. XIV асрда Инь номини олган. М. а. 1111 йилда давлат чжоу қабилалари томонидан забт этилган. М. а. VII асрда Чжоу давлати бир нечта подшоликларга бўлиниб кетган. М. а. III асрда 36 та провинцияга бўлинган марказлашган Цинь империяси пайдо бўлди. Бу империя даврида хуннлар ҳужумидан ҳимояланиш мақсадида Буюк Хитой девори қурилган. М. а. 206 йилда Цинь империяси ўрнида пайдо бўлган Хань империяси м. а. 140—87 йилларда ўз ривожланишининг энг юқори чўққисига чиққан. «Уч қироллик» давридан кейин мамлакатда ҳокимият 907 йилгача ҳукмронлик қилган Тан сулоласи қўлига ўтган. 1226 йилда мўғуллар босқинидан кейин мамлакатда мўғуллардан бўлган Юань сулоласи ҳукм сурган. 1368 йилда ҳокимият Хитой императори қўлига ўтади ва Минь династияси даври бошланади. Хитой ҳукмронлари 1628—1645 йилларда кўтарилган кўзғолонларни бостириш учун манчжур қабилалари кўмагига таянади. Манчжурлар 1644 йилда ҳокимиятни қўлга киритади ва 1912 йилгача мамлакатни идора қилади. Империя ҳудудини Сибирь, Олтой, Помир ва Непалгача кенгайтирган манчжурлар ҳукумати XIX асрда кўплаб ички ва ташқи муаммоларга дуч келади. 1912 йилда Сунь Ятсен Гоминьдан ҳукуматига асос солади. Сунь Ятсен ўлиmidан кейин Чан Кайши гуруҳи коммунистлар билан алоқани узиб, Нанкинда миллий ҳукумат тузади. 1938 йилда япон қўшинларининг бостириб киришидан кейин гоминьданчилар босқинчиларга қарши курашиш учун коммунистлар билан бирлашадилар. Гоминьданчилар мағлубиятга учраб Тайванга қочади, коммунистлар эса Мао Цзе Дун бошчилигида 1949 йил 1 октябрда Хитой Республикасининг ташкил топганини эълон қилади. Мао Цзе Дун вафотидан сўнг ХХР раиси этиб сайланган Дэн Сяопин мамлакатни сиёсий ва иқтисодий ис-

лоҳотлар йўлига бошлади. Натижада ХХР дунёнинг энг жадал ривожланаётган давлатлари қаторига қўшилди.

ХОРВАТИЯ

Расмий номи — Хорватия Республикаси. Пойтахти — Загреб. Ҳудуди — 56538 км². Аҳолиси — 4000000 киши (2001). Давлат тили — хорват. Дини — католиклар (77%), православлар (12%), мусулмонлар (1,5%). Пул бирлиги — куна.

Географик жойлашуви ва табиати. Европанинг жануби-шарқида, Болқон ярим оролида жойлашган давлат. Шарқда ва жануби-шарқда — Босния ва Герцоговина (чегара узунлиги — 842 км), шимолда — Словения (455 км) ва Венгрия (292 км), шарқ ва жанубда — Югославия (254 км) билан чегарадош. Хорватияга Адриатика денгизидаги энг йирик Крк, Црес, Хвар, Корчула, Брач каби бир қатор ороллар тегишли. Чегарасининг умумий узунлиги — 1843 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 5090 км (материк қисми — 1078 км, оролларники — 4012 км). Мамлакат ҳудуди асосан текислик ва пасттекисликлардан иборат. Адриатика денгизи соҳилида Динор тоғи (энг баланд нуқтаси Троглав чўққиси — 1913 м), Велебет тизмаси ва Капела тизмаси жойлашган. Асосий дарёлари: Сава, Дунай. Хорватия нефть, табиий газ, кўмир, марганец, хром, темир рудаларига эга. Ҳудуднинг 32% и ҳайдаладиган ерлар, 18% и ўтлоқ ва яйловлар, 15% и ўрмон ва тўқайлардир.

Иқлими — Ўрта ер денгизи типигади иқлим. Ҳудуднинг катта қисми игнабаргли ўрмонлар билан қопланган. Баргли ўрмонлар ҳам учрайди. Адриатика денгизи соҳилларида асосан буталар ўсади. Ҳайвонот олами бой. Далматин оролларида мангустлар учрайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузуми — парламент республикаси. Мамлакат таркибига 102 жупаний (район) киради. Хорватия мустақилликка 1991 йилнинг 26 июнида эрипти (аввал ЮСФСР таркибида бўлган). Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва раис бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи олий орган — Хорватия Собори (юқори ва қуйи палатадан иборат). Йирик сиёсий партиялари: Христиан-демократик ҳам-

дўстлик, Социал-демократик партия, Халқ партияси, Демократик партия, Социал-либерал партия, Социалистик партия, Христиан-демократик партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Югославия тарқалгунча Хорватия Словения каби иқтисодий жиҳатдан тараққий этган ҳудуд ҳисобланарди. Сербия билан уруш тугагандан сўнг Хорватия катта миқдордаги ташқи қарз, вайрон этилган инфраструктура, собиқ югослав республикалари билан иқтисодий алоқаларнинг узилганлиги каби муаммоларни муваффақиятли бартараф этди. ЯММ 1994 йилда 12,4 млрд. (аҳоли жон бошига — 2640) долл.ни ташкил этди. Саноатнинг тараққий этган тармоқлари: кemasозлик, нефтни қайта ишлаш, машинасозлик, кимё, ёғочни қайта ишлаш, электротехника, электрон, фармацевтика, озик-овқат, тўқимачилик. Қишлоқ хўжалигида деҳқончилик (маккажўхори, бугдой, қанд лавлаги, кунгабоқар, каноп) етакчи. Узум етиштириш ривожланган. Этник гуруҳлар ўртасидаги низолар тугагандан сўнг туризм мамлакатнинг асосий даромад манбаига айланмоқда. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕҲ давлатлари, собиқ Югославия Республикалари.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 2698 км, автомобиль йўллари — 32071 км (23305 км қаттиқ қопламали), ички сув йўллари — 785 км. Портлари: Дубровник, Риека, Сплит (денгиз), Вуковар, Осиек (ички).

Тарихи. I асрда ҳозирги Хорватия ҳудуди Рим провинцияси Паннония таркибига кирган. VII асрда Карпат тоғларидан кўчиб келган хорватлар бу ҳудудда 925 йили Хорват қироллигига асос солади. 1102 йилда Хорватия Венгер қироллиги таркибига кирази ва, турк (1526—1599) ҳамда француз (1809—1813) оккупацияларини ҳисобламаганда, 1918 йилгача бу қиролликка тобе бўлади. 1919 йилда мамлакат серблар, хорватлар ва словенлар қироллиги таркибига кирази. 1941 йилда Павелич раҳнамолигидаги усташларнинг миллатчилик ҳаракати Германия ва Италия тан олган мустақил Хорватия давлатини ташкил этади. Фашистлар Германиясининг мағлубиятидан сўнг Хорватия Югославия таркибига кирди. 1991 йилда Хорватия ўз мустақиллигини эълон қилади, натижада серблар ва хорватлар ўртасида ҳарбий низо келиб чиқади. БМТ аралашувида низо ҳал қилинган.

ЧАД

Расмий номи — Чад Республикаси. Пойтахти — Нджамена. Худуди — 1284000 км². Аҳолиси — 8700000 киши (2001). Давлат тили — француз ва араб. Дини — мусулмонлар (50%), христианлар (25%), мажусийлар (25%). Пул бирлиги — африка франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Африкадаги давлат. Шарқда — Судан (чегара узунлиги — 1360 км), жанубда — Марказий Африка Республикаси (1197 км), ғарбда — Нигер (1175 км), Камерун (1094 км) ва Нигерия (87 км), шимолда — Ливия (1055 км) давлатлари билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги — 5968 км. Катта сувсиз текисликлар мамлакатнинг марказий қисмида жойлашган. Шимолдаги ҳудудлар Саҳрои Кабир доирасида. Шимоли-ғарбда мамлакатнинг энг баланд нуқтаси Эми Куси (3415 км) бўлган Тибести тоғлари мавжуд. Жанубда пасттекисликлар жойлашган. Энг катта кўли — Чад. Мавжуд нефть конлари эксплуатация қилинмайди, уран конлари бор. Ҳудудининг катталигига қарамай, ҳайдаладиган ерлар 2%, яйлов ва ўтлоқлар 36%, ўрмон ва тўқайлар 11% ни ташкил қилади.

Иқлими — тропик чўл иқлимидир. Асосан чўл ва саванна ўсимликлари ўсади. Дарахтлардан дум пальмаси ва боабаб учрайди. Фил, каркидон, ёввойи ҳўкиз, жирафа, антилопа, арслон, қоплон, гепард, шоқол, гиена, бегемот, тимсоҳ, фламинго, сақоқуш, маймунлардан павиан ва колобуслар ҳайвонот оламини ташкил этади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 14 та префектурага бўлинган. Чад мустақилликка 1960 йилнинг 11 августида эришди (аввал француз Экваториал Африкаси ҳудудининг бир қисми бўлган). 11 август — Миллий байрами (Мустақиллик куни). Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва Бош вазир бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи олий орган — Миллий Конфедерация. Сиёсий партиялар орасида энг обрўлиси ҳўкмрон Нажот ватанпарварлик ҳаракатидир.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Чад Африканинг фуқаролар уруши, Ливия билан низолар, тез-тез бўладиган қурғоқчиликлар туфайли но-

чор аҳволдаги иқтисодга эга бўлган камбағал давлатлардан биридир. ЯММ 1993 йилда 2,8 млрд. (аҳоли жон бошига — 530) долларни ташкил этган. Иқтисоднинг асосий тармоғи — 80% и меҳнатга лаёқатли аҳоли банд бўлган қишлоқ хўжалиги (ЯММнинг 45% и)дир. Пахта умумий экспорт ҳажмининг 48% ини ташкил этади. Сорго, ерэнғоқ, шоли, тариқ, картошка, маниок экилади. Чорвачилик ривожланган. Саноат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва тўқимачилик билан чегараланган. Асосий савдо ҳамкорлари — Франция, Нигерия, Камерун, АҚШ.

Темир йўллари йўқ, автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 31322 км (асосан тупроқ йўллар), ички сув йўллари узунлиги — 2000 км.

Тарихи. IX аср бошларида ҳозирги Чад ҳудудида Канем қироллиги ташкил топади. XI асрда ушбу қироллик ҳукмдорлари исломни қабул қилишади ва ўз ҳудудларини кенгайтиришади. Чад кўлидан ғарбда XIV асрда вужудга келган Борно қироллиги XVI асрда Канемни ўзига бўйсундиради. XIX аср охирида ҳозирги Чад ҳудуди Судан императорига қарам бўлади, кейинроқ эса Франция бу ҳудудларни босиб олади ва 1910 йилда Чадни Француз Экваториал Африкаси таркибидаги мустамлака деб эълон қилади. 1958 йилда француз Ҳамдўстлиги доирасидаги мухториятни қўлга киритган Чад 1960 йил августда мустақилликка эришади. 1968 йилги Миллий-озодлик fronti ва ҳукумат ўртасидаги тўқнашувлардан сўнг мамлакатга француз кўшинлари киритилади. Француз кўшинлари Чадни 1975 йилда давлат тўнтариши натижасида ҳокимиятга генерал Малум келганидан сўнг тарк этишади. 1973 йилдан 1989 йилгача Чад Ливия билан ўзининг шимолий ҳудудлари учун уруш олиб боради. 1979 йилда Миллий-озодлик fronti ва ҳукумат ўртасида тинчлик шартномаси тузилади, лекин бу шартнома тез орада бузилади ва мамлакатда давлат тўнтаришлари бўлиб турган (1982 ва 1990 йилларда), натижада фуқаролар уруши бошланади.

ЧЕХИЯ

Расмий номи — Чехия Республикаси. Пойтахти — Прага. Ҳудуди — 78864 км². Аҳолиси — 10300000 киши (2001). Давлат тили — чех. Дини — католик (65%),

|| протестантлар (15%), православлар(13%). Пул бирлиги — чех кронаси.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Европадаги давлат. Шимолда — Польша (чегара узунлиги — 658 км), шимолда ва ғарбда — Германия (646 км), жанубда — Австрия (362 км), шарқда — Словакия (214 км) давлатлари билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги — 1880 км. Мамлакат ҳудудини шартли равишда иккига бўлиш мумкин: ғарбда — Богемия, шарқда — Моравия. Ҳудуднинг ғарбий қисми паст тоғлар билан ўралган текисликлар, тепаликлар ва ясси тоғликлардан иборат. Бу ҳудудларда руда тоғлари, Чех ўрмони, Шумава жойлашган. Судетдаги Снежка тоғи (1602 м) мамлакатнинг энг баланд нуқтаси ҳисобланади. Шарқий ҳудудлар тепаликлардан иборат. Асосий дарёлари — Влтава, Морава, Лаба (Эльба), Одер. Асосий табиий бойликлари — кўмир, каолин, графит.

Иқлими — мўътадил континентал. Тоғларда нинабаргли ўрмонлар, текис ҳудудларда эман, заранг, қорақайин ўсади. Кўнғир айиқ, тулки, тўнғиз, бўри, серналар ҳайвонот оламини ташкил этади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 8 та ўлкага бўлинган. Чехия 1993 йил 1 январда Чехославакиянинг парчаланишидан сўнг мустақил давлатга айланди. Миллий байрамлари — Кирилл ва Мефодий кўни, 6 июл — Ян Гус ёндирилган кун, 28 октябр — Чехославакия озод этилган кун. Давлат бошлиғи — президент, ижро этувчи ҳокимият раис бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият Сенат (юқори палата) ва Депутатлар палатаси (қуйи палата)дан иборат парламентга тегишли. Йирик сиёсий партиялари: Фуқаролик демократик партияси, Чехия ва Моравия коммунистик партияси, Чехославак халқ партияси, Фуқаролик демократик альянси, Чехославак социал-демократик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Чехия собиқ социалистик блок давлатлари орасида иқтисодда сезиларли ўзгаришларга эришган давлатдир. 1994 йилда ЯММ 76,5 млрд. (жон бошига 7350) долларни ташкил этган. Саноатнинг энг ривожланган тармоқлари: ёқилғи-энергетика, машинасозлик,

кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат. Машинасозлик ва транспорт ускуналари, ёқилғи, кимёвий моддалар, минераллар, металллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинади. Ривожланган қишлоқ хўжалиги Чехияга озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз эҳтиёжларини қондириш имконини беради. Асосий савдо ҳамкорлари: Германия, Словакия, Австрия, Италия, Россия.

Темир йўллارининг умумий узунлиги — 9434 км, автомобиль йўллари — 55890 км.

Тарихи. М. а. V асрда кельт қабилалари ўрнашган ҳозирги Чехия ҳудуди V — VI асрларда славян қабила-си чехлар томонидан эгалланади. IX асрда Кирилл ва Мефодий томонидан христианлик тарқатилган Богемия IX аср охирларида Буюк Моравия қироллиги таркибига киради. Чех қироллиги ўзининг қудрат чўққисига Муқаддас Рим империяси императори Карл IV ҳукмронлиги даврида чиқади. XV аср бошларида Прага университетининг ректори Ян Гус католик черковини реформация қилиш ташаббуси билан чиқади, лекин 1415 йил 6 июлда инквизиция томонидан у ёқиб юборилади. 1620 йилда Богемия ўзининг автономиясини йўқотиб, Габсбургларга тобе бўлади. 1918 йилда Австрия-Венгрия империяси парчалангандан сўнг мустақил Чехославакия Республикаси эълон қилинади. 1939 йилда Судет вилояти Германия томонидан босиб олинади, мамлакатнинг қолган ҳудудлари Германия прогекторати деб эълон қилинади. Мамлакат немис кўшинларидан озод этилгач, коммунистларнинг таъсири кучаяди ва 1948 йилда улар ҳокимиятни ўз қўлларига олишади. 1968 йилда Чехославакия коммунистик партиясининг биринчи қотиби А. Дубчек «одамбашара социализм» куриш тўғрисида эълон қилади, лекин мамлакатни либераллаштириш 1968 йил 21 августда Варшава Шартномаси (Руминиядан ташқари) давлатларининг қўшинлари томонидан тўхтатилади. Парламент раислигига А. Дубчек, Республика президентлигига В. Гавел сайланади. Мамлакат аҳолиси 1992 йилги референдумда Чехославакиянинг икки давлатга бўлиниши учун овоз беради ва 1993 йил 1 январда Чехия Республикаси ташкил топади.

ЧИЛИ

Расмий номи — Чили Республикаси. Пойтахти — Сантьяго. Худуди — 756626 км². Аҳолиси — 15400000 киши (2001). Давлат тили — испан. Дини — католик. Пул бирлиги — чили песоси.

Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Американинг жануби-ғарбий соҳилида жойлашган давлат. Шарқда — Аргентина (чегара узунлиги — 5150 км) ва Боливия (861 км), шимолда — Перу (160 км) давлатлари билан чегаралош. Ғарбда ва жанубда мамлакат Тинч океан билан туташган. Чегарасининг умумий узунлиги — 6171 км. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 6435 км. Мамлакат шимолдан жанубга Тинч океан бўйлаб 4300 км чўзилган. Чили худудини 3 та физик-географик ҳудуд ташкил этади: шарқда — Анд тоғлари, марказда — Узун водий ва паст тоғлар, шимолда — Атакама чўли жойлашган. Мамлакат марказида жойлашган водийнинг узунлиги 1000 км, эни 40–80 км бўлиб, аҳоли зич жойлашган ҳудуд ҳисобланади. Энг баланд нуқтаси — Охос-дель-Саладо (6880 м) тоғи. Вулқонлар кўп, zilзилалар тез-тез бўлиб туради. Асосий дарёлари: Лоа, Элки, Майпо, Аконгагуа. Чилининг жанубида қўллар бор. Асосий табиий бойликлари: мис, темир рудаси, қимматбаҳо металллар, молибден, ёғоч. Ҳайдаладиган ерлар ҳудудининг 7%. ўрмон ва тўқайлар 21%, яйлов ва ўтлоқлар 18% ини ташкил этади.

Иқлими: шимолда — тропик чўл, марказда — субтропик ва ўрта денгиз типли, жанубида — мўътадил океан типли. Тамаруго, нотофагус, канело, алерсе дарахтлари мавжуд. Ҳайвонот дунёси пума, тулки, броненосец, кийик, колоколо мушуги, скунс, магеллан ити, калтакесаклар, тўтиқуш, ўрдак, кондорлардан иборат.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. 12 та регион ва алоҳида пойтахт округи мамлакат таркибига киради. Мустақилликка Чили 1810 йилнинг 18 сентябрида эришди (аввал Испания мустамлакаси). Ушбу кун миллий байрам — Мустақиллик куни деб қабул қилинган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи олий орган — Сенат (юқори палата) ва Де-

путатлар (қуйи палата)дан иборат Миллий Конгресс. Асосий сиёсий партиялари: Христиан-демократик партия, Чили бирлашган социалистик партияси, Демократия учун партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Мамлакат саноатининг асосий тармоғи тоғ-кон саноатидир. Чили мис экспорт қилиш бўйича дунёда етакчилардан ҳисобланади. Саноатнинг бошқа тармоқларини металлургия, ёғочни қайта ишлаш, озиқ-овқат, тўқимачилик ташкил этади. Ҳормончилик ва балиқчиликни ўз ичига олган қишлоқ хўжалиги ЯММнинг 7% ини ташкил этади. Чорвачилик ривожланган. Бугдой, дуккакдилар, қанд лавлаги, картошка, узум, мевалар етиштирилади. Чили мевалар, балиқ ва ёғоч маҳсулотларининг йирик экспортчисидир. ЯММ 1994 йилда 97,7 млрд. (аҳоли жон бошига — 7010) долларни ташкил этди. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕҲ давлатлари, АҚШ, Япония, Бразилия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 7766 км, автомобиль йўллари — 79025 км, ички сув йўллари — 725 км. Асосий портлари: Икике, Вальпараисо.

Тарихи. Арауқанлар яшаган ҳозирги Чили худуди 1520 йилда португалиялик денгизчи Ф. Магеллан томонидан кашф этилади. 1536 йилдан испанлар мустамакачилик сиёсатини бошлашади. 1541 йилда Сантьягога асос солинади, Чили эса Перу вице-қиролиги таркибига киритилади. Нодир металлларнинг йўқлиги ва мамлакат материкнинг асосий коммуникацияларидан узоқлиги туфайли метрополия Чилига катта қизиқиш билдирмасди. 1818 йилда Испаниядан мустақилликка эришгандан сўнг Чилида бир неча бор давлат тўнтаришлари бўлади. 1879—1883 йиллардаги Тинч океани уруши натижасида Чили мис конларига бой бўлган Атакамага эга бўлади. Мис конларидан унумли фойдаланиш иқтисодий тараққиётни юқори даражага олиб чиқади. 1964—1970 йиллардаги христиан-демократлар ҳукмронлигидан сўнг ҳокимиятга С. Альенде бошлиқ социалистлар келади. Бу ҳукумат иқтисодни давлат мулкига айлантириш ва ер ислоҳоти ўтказишини эъдон қилади. 1973 йилнинг сентябрида мамлакатда ҳарбий тўнтариш бўлади. Президент С. Альенде ўлдирилади, ҳокимиятни эса генерал Пиночет бошлиқ ҳарбий хунта эгаллайди. Иқтисодий ислоҳотларнинг ўтказилиши ва чет эл инвестицияларининг жалб

қилиниши Пиночетга Чилини Жанубий Америкада иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш имконини беради. Бироқ Чили халқининг ички сиёсатдан норозилиги ва жаҳон ҳамжамиятининг ҳарбий хунтани қоралаши Пиночетни конституцияга ўзгартиришлар киритишга мажбур этади. 1990 йилда парламент сайловлари ўтказилади ва унда христиан-демократлар ғолиб чиқади. 1994 йилги президент сайловларида ҳам христиан-демократлар ғалаба қозонади.

ШАРҚИЙ ТИМОР

Расмий номи — Шарқий Тимор. Пойтахти — Дили. Худуди — 14925 км². Аҳолиси — 800000 киши (2001). Давлат тили — индонезия. Дини — ислом. Пул бирлиги — индонезия рупияси.

Географик жойлашуви ва табиати. Тимор оролининг шарқий қисмида жойлашган, Индонезия билан чегарадош.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат органлари ва сиёсий партиялари шаклланиш жараёнида.

Тарихи. 1999 йилда референдум ўтказилиб, аҳолининг 78% и Индонезиядан ажралиб чиқиш ва мустақиллик учун овоз берди. 2002 йил май ойида БМТ дунё харитасида янги Шарқий Тимор давлатининг пайдо бўлганлиги ҳақида эълон қилди.

ШВЕЙЦАРИЯ

Расмий номи — Швейцария Конфедерацияси. Пойтахти — Берн. Худуди — 41288 км². Аҳолиси — 7300000 киши (2001). Давлат тили — немис, француз, итальян, ретороман. Дини — католиклар (50%), протестантлар (48%). Пул бирлиги — швейцария франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Европадаги давлат. Жанубда ва жануби-шарқда — Италия (чегаранинг узунлиги 740 км), ғарбда, жануби-ғарб ва шимоли-ғарбда — Франция (573 км), шимолда — Германия (334 км), шарқда — Австрия (164 км) ва Лихтенштейн (41 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги — 1852 км. Швейца-

рия — тоғли мамлакат. Унинг катта қисмида Альп тоғлари жойлашган. Мамлакатнинг энг баланд нуқтаси — Дюфур тоғи (4634 м). Альп музликларининг майдони — 2000 км². Шимоли-ғарбда Юра тоғлари бор. Марказий қисмда Швейцария ясси тоғлиги жойлашган. Асосий дарёлари: Рейн, Рона, Тичино. Йирик кўллари: Женева, Боден. Асосий табиий ресурслари: ёғоч, гидроэнергетик потенциал. Мамлакат ҳудудининг 10% и ҳайдаладиган ерлардан, 40% и яйлов ва ўтлоқлардан иборат. Атлантика океанининг таъсири ва мамлакат орфографик тузилишининг мураккаблиги кўпинча иқлимнинг нам бўлишига сабаб бўлади. Швейцариянинг ўсимлик дунёси асосини игнабаргли ва субальп ўрмонлар ташкил этади. Тоғларда сальданелла, примула ҳамда Швейцариянинг норасмий рамзи ҳисобланган эдельвейс ўсади. Ёввойи эчки, сувсар, қуён, сугур, айиқ, тулки, бўри, тўнғиз, бургут, карқур ҳайвот оламини ташкил этади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — федератив республика. Мамлакат таркибида 23 та кантон бор (улардан учтаси ярим кантонларга бўлинган). Швейцария Конфедерацияси 1291 йилнинг 1 августида ташкил топган. Ушбу кун миллий байрам — Конфедерация ташкил топган кун ҳисобланади. Федерал конституция 1874 йилда қабул қилинган. Ҳар бир кантон ўзининг конституцияси, парламенти ва ҳукуматига эга. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — конфедерация президенти. Ҳукумат Федерал кенгаш деб номланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият Кантонлар сенати (юқори палата) ва Миллий кенгаш (қуйи палата)дан иборат икки палатали парламент — Федерал мажлис томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Швейцария радикал-демократик партияси, Швейцария христиан-демократик партияси, Швейцария социал-демократик партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Юқори даражада ривожланган саноат давлати. Швейцария аҳоли бошига даромад даражаси бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. ЯММ 1994 йилда 148,4 млрд. (аҳоли жон бошига — 22080) долларни ташкил этди. Қазилма бойликларнинг йўқлигига қарамай Швейцария жаҳон бозорларида кучли рақобатчи ҳисобланади, бундан ташқари бу давлат иқтисодий барқарорлик ва аҳолининг бандлигини юқори даражада

ушлаб туради. Металлга ишлов бериш, машинасозлик, ускунасозлик, компьютер техникаси, транспорт воситалари, соатсозлик, кимё, озиқ-овқат, фармацевтика саноатининг энг тараққий этган тармоқларидир. Иқтисодининг муҳим тармоқларидан бири — банк иши. Швейцария дунёнинг молиявий марказларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги (ЯММнинг 5% и) асосан чорвачиликка ихтисослашган. Асосий савдо ҳамкорлари: ЕХ давлатлари, АҚШ, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 5174 км (99% и электрлаштирилган), автомобиль йўллари — 61500 км, ички сув йўллари — 65 км. Асосий дарё порти — Базель.

Тарихи. Кельт қабилалари — рет ва гелветлар яшаган ҳозирги Швейцария I асрда қадимги Рим томонидан босиб олинади. V асрда бу ҳудудга герман қабилаларидан бургундлар ва аллеманлар кириб келишади ва ҳозирги Роман Швейцарияси ҳамда Аллеман Швейцарияси жойлашган ҳудудларда ўрнашишади. VI асрдан ҳозирги Швейцария ҳудуди Франклар қироллиги, кейинроқ Бургундия, 1032 йилдан Муқаддас Рим империяси таркибига кирган. XII—XIII асрларда бу ҳудудда бир қатор мустақил князликлар шаклланади. Шулар орасида XIII аср охирига келиб Габсбург князлиги обрў қозонади. 1291 йилда учта швейцар кантони (Ури, Швиц ва Унтервальден) иттифоқ тузиб, Габсбургларга қарши курашадилар. Қатор мағлубиятлар (1315 йил — Моргатан, 1351 йил — Цюрих, 1386 йил — Земпахдава ва бошқалар)дан сўнг Габсбурглар 1389 йилда Конфедерацияни тан оладилар. 1498 йилда Конфедерацияга яна беш кантон қўшилади. Швейцария Конфедерациясининг ҳарбий қудрати Европа давлатлари томонидан тан олинади (Швейцариянинг расман тан олинishi 1648 йилги Вестфалия шартномаси билан мустақамланган) ва улар XV—XVI асрларда ёлланма швейцар қўшинларини ҳарбий юришларга жалб қила бошлашади. Реформация XVI асрда мамлакатни иккига бўлиб, фуқаролар урушини келтириб чиқаради. Католик ва протестантлар ўртасидаги жанглардан бирида протестант руҳонийси У. Цвингли ҳалок бўлади. Шундан сўнг икки ўртада шартнома тузилиб, унга кўра тўрт кантонда кальвинизм, етти кантонда католик дини тан олинади. Швейцария XVII асрда нейтралитет эълон қилади.

Нейтралитет бир маротаба, 1798—1814 йилги Наполеон уруши даврида бузилади. Лекин 1815 йилги Вена конгресси Швейцариянинг халқаро мақомини тасдиқлаб, унинг нейтраллиги ва чегараларининг дахлсизлигини кафолатлайди. Шу даврдан қўшилмаслик сиёсати мамлакат ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолади ва Швейцария бу сиёсатга иккита жаҳон урушларида ҳам амал қилди.

ШВЕЦИЯ

Расмий номи — Швеция Қироллиги. Пойтахти — Стокгольм. Худуди — 449964 км². Аҳолиси — 8900000 киши (2001). Давлат тили — швед. Дини — лютеранлар (94%), католиклар (1,5%). Пул бирлиги — швед кронаси.

Географик жойлашуви ва табиати. Скандинавия ярим оролининг катта қисмини эгаллаган Шимоллий Европадаги давлат. Швецияга Болтиқ денгиздаги Готланд ва Аланд ороллари ҳамда мамлакат соҳили яқинидаги қатор майда ороллар тегишли. Швеция ғарбда ва шимолда Норвегия (чегара узунлиги — 1619 км), шимол-шарқда Финляндия (586 км) давлатлари билан чегарадош. Шарқда Швеция Болтиқ денгизи ва Ботника кўлтиги, жануби-ғарбда Каттегат ва Скагеррак бўғозлари билан туташган. Эресунн тор бўғози Швецияни Данияга тегишли бўлган Зеландия оролидан ажратиб туради. Чегарасининг умумий узунлиги — 2205 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 3218 км. Мамлакат худудининг асосий қисми ясси тоғликлар ва тепаликлари бор текисликлардан иборат. Шимол ва ғарбда Скандинав тоғлари (энг баланд нуқтаси Кебнекайсе тоғи — 2123 м) жойлашган. Мамлакат шарқда Норланд ясси тоғлиги жойлашган. Швециянинг жанубий қисмида кўп сонли кўллардан иборат водий бор. Йирик кўллари — Веттерн ва Венерн. Асосий дарёлари — Каликс-Эльв, Шеллефте-Эльф, Уме-Эльф, Турне-Эльф. Мамлакат темир рудаси, қўрғошин, рух, мис, кумуш ва ёғочга бой. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат худудининг 7%, ўрмонлар ва тўқайлар 64% ини ташкил этади.

Иқлими — мўътадил. Мамлакат худудининг ярмидан кўпроғи ўрмонлардан иборат (23 млн. га). Игнабаргли

ўрмонлар кўп. Мамлакат жанубида аралаш ўрмонлар мавжуд. Шимолда асосан мох ва лишайниклар ўсади. Буғу, кийик, тулки, ўрмон сувсари, олмахон, куён, ўрдак ва оққушлар ҳайвонот дунёсини ташкил этади. Дарёлари ва Болтиқ денгизи турли балиқларга бой.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Мамлакат таркибига 24 лен (губерния) киради. Миллий байрами 6 июнь — Швед Байроғи куни. Давлат бошлиғи — қирол. Ижро этувчи ҳокимият — Вазирлар Маҳкамасини бошқарадиган Бонн вазирга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Риксдаг томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Швеция халқ-демократик ишчи партияси. Мўътадил коалицион партия, Халқ партияси — либераллар, Сўл партия, Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Швеция самарали ижтимоий таъминот, аҳолининг юқори турмуш даражаси ҳамда фуқароларнинг иш билан тўла бандлигини таъминлайдиган иқтисодиётга эга. ЯММ 1994 йилда 163 млрд. (жон бошига — 18580) долларни ташкил этган. Мамлакат зўр транспорт коммуникациясига ва малакали ишчи кучига эга. Иқтисодининг асосини ёғочни қайта ишлаш, қоғоз-целлюлоза саноати, металлургия, гидроэнергетика ва автомобилсозлик ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида чорвачилик муҳим ўрин тутди. Дон маҳсулотлари, қанд лавлағи, картошка асосий экинлар ҳисобланади. Сўнгги йилларда ҳукумат томонидан ўтказилаётган ислохотлар — солиқларни камайтириш, давлат корхоналарини хусусийлаштиришдан иборат бўлиб, улар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига, нархларнинг барқарорлигини сақлаб қолишга, ишсизлик даражасини камайтиришга қаратилган. Асосий савдо ҳамкорлари: Германия, Буюк Британия, Дания, АҚШ, Норвегия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 12000 км, автомобиль йўллари — 135819 км (97818 км қаттиқ қопламали), ички сув йўллари — 2052 км. Портлари — Евле, Гётеборг, Кальмар, Мальмё, Стокгольм, Хельсингборг.

Тарихи. Ҳозирги Швеция ҳудудида қадимда герман қабилалари яшаганлар. VII—X асрларда викингларнинг (шарқда уларни варяглар деб аташган) таъси-

ри шарққа, аввалига Болтиқбўйига, кейинроқ Россияга (IX асрда варяг князлари Новгород ва Киевни бошқаришга таклиф этилган) тарқалган. 860 йилга келиб варяглар Константинополь билан савдо қилишган. Христианликни мамлакатга 830 йилда франк миссионерлари олиб киришган. Бу дин дастлабки христиан қироллар Олафе, Скотконунге (XI аср) ва, айниқса, XII асрда ҳукмронлик қилган Эрик IX (Авлиё) даврида кенг тарқалган. Эрик IX (1150—1160) Финляндияга қарши уруш бошлайди. Финляндия XIII асрда Швеция томонидан босиб олинади. 1359 йилда Швециянинг Дания ва Норвегия билан бирлашиши (Кальмар унияси) Швецияни XVI аср бошигача Данияга қарам қилиб қўяди. Карл XII Россия, Дания ва Польшага қарши курашган Шимолий урушда (1700—1721) швед армияси Полтава яқинида мағлубиятга учрайди ва Швеция XVII асрда Густав II Адольф даврида эгаллаган ҳудудларни қўлдан бой беради. Карл XIII 1814 йилда Норвегияни Швецияга қўшиб олади (1905 йилгача). XX асрда иккала жаҳон урушларида нейтралитет эълон қилган Швециянинг сиёсий ҳаётида социал-демократлар макеи ортади. Социал-демократик партиянинг ёрқин намояндаларидан бири 1986 йили террорчи томонидан ўлдирилган Швеция Бош вазири Улоф Пальмедир.

ШИМОЛИЙ КОРЕЯ

Расмий номи — Корея Халқ Демократик Республикаси. Пойтахти — Пхеньян. Ҳудуди — 120538 км². Аҳолиси — 22000000 киши (2001). Давлат тили — корейс. Дини — будда ва конфуцийлик (бирок диний фаолият амалда деярли йўқ). Пул бирлиги — вон.

Географик жойлашуви ва табиати. Шарқий Осиёдаги давлат. Корея ярим оролнинг шимолий қисмида жойлашган. Шимолда Хитой (чегара узунлиги — 1416 км), жанубда Жанубий Корея (238 км), шимоли-шарқда Россия билан (17 км) чегарадош. Ғарбдан Сарик денгиз, шарқдан Япон денгизи ўраб туради. Чегарасининг умумий узунлиги — 1671 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 3495 км. Мамлакат ҳудудини асосан тепалик ва тоғлар ташкил қилади, уларнинг оралиғи торгина водийлардан иборат. Мамлакатнинг энг баланд нуқтаси — Пэктусан тоғи (2750 м). Асосий дарё-

лари: Амноккан, Тэдонган, Туманган. Асосий табиий бойликлари: кўмир, кўрғошин, вольфрам, темир рудаси, мис, олтин, рух, графит, магнезит. Ҳудудининг 20% и ҳайдаладиган ерлар, 74% и ўрмон ва чангалзорлар.

Иқлими — мўътадил муссонли. Мамлакатнинг тоғли туманлари учун игнабаргли ўрмонлар характерли: қарағай, арча, корейс оқ қарағайи, шунингдек, тол, терак, гужумлар кўпроқ бўлган аралаш ўрмонлар бор. Водийлар амалда тўлалигича қишлоқ хўжалик экинлари билан банд. Бу ерларда шоли, соя, жавдар, маккажўхори ва бошоқли экинлар экилади. Мамлакат ҳайвонот дунёсида йўлбарс, қоплон, айиқ, тулки, бўриларни учратиш мумкин. Қушлар оламида бургут, бекас, турна ва қирғийлар бор.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — КХДР конституциясига биноан суверен социалистик давлат ҳисобланади, амалда эса мамлакатда коммунистик режим ўрнатилган. Мамлакат таркибида 9 та вилоят ва иккита марказга бўйсунувчи шаҳар бор. КХДР 1948 йил 9 сентябрда мустақил давлат бўлди (авваллари Япония империясининг Чосун вилояти эди). 9 сентябр Миллий байрам — Мустақиллик куни. Давлат бошлиғи — амалда чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган президент (Ким Ир Сеннинг вафотидан сўнг 1994 йилдан бери мамлакатни президент Ким Чен Ир бошқаради). Иккита вице-президент, Маъмурий кенгаш раҳбари ва тўққизта вице-раҳбарлар президентга бўйсундилар. Юқори қонунчилик органи — Халқ Олий мажлиси. Мамлакатда фақат битта сиёсий партия — Корея Меҳнат партияси рўйхатга олинган.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Фойдали қазилмалар ва гидроэнергетик ресурсларнинг катта ҳажми мамлакат саноат тараққиётининг асосини ташкил қилади. Асосан қазиб чиқариш саноати (кўмир, темир, магнит рудалари, графит, мис, рух, кўрғошин) ва оғир саноат ривожланган. Иқтисодийёт устидан ўрнатилган давлат назорати ҳатто коммунистик режим учун ҳам жуда қаттиқ. Қишлоқ хўжалиғи учун яроқли ерларнинг барчаси коллективлаштирилган. Қишлоқ хўжалиғида (ЯММнинг чорак қисмига яқини) меҳнатга лаёқатли аҳолининг 36% и банд, асосий экинлари — шоли, маккажўхори, соя, картонка, бошоқли экинлар. Иқтисодий ривожланиш ва турмуш даражаси

бўйича Шимолий Корея Жанубий Кореядан анча орқада. 1994 йили ЯММ 21,3 млрд. (аҳоли жон бошига 920) долларни ташкил қилди. Асосий савдо ҳамкорлари: Россия, Хитой, Япония, Германия, Гонконг, Сингапур.

Темир йўлларининг умумий узунлиги 4915 км, автомобиль йўллари узунлиги 30000 км га яқин. Мамлакат портлари: Вонсан, Нампхо, Чхонжин, Хиннам.

Тарихи. М. а. II — I асрларда ҳозирги Кореянинг ҳудуди Хитойнинг мустахлакаси эди. М. а. 37 йили Корея ярим оролининг шимолида Корейс давлати Когуре пайдо бўлади, жанубий қисми эса иккита қиролликка: Пэкчэ ва Силлага бўлинганди. X аср охирида корейс давлатлари Корё династияси ҳукмронлиги остида бирлаштирилди. 1321 йили мўғуллар Кореяни босиб олганларида қирол саройидагилар Чезудо оролига бекиндилар. Ли династияси ҳукмронлиги йилларида (1392—1910) мамлакатга японлар (XVI аср охири) ва манчжурлар (XVIII аср) ҳужум қилдилар, XIX асрда эса Хитой, Япония ва Россия ўртасида талаш бўлди. 1910 йили Япония томонидан босиб олинган Корея 1938 йили япон босқинчиларига қарши кураш бошлади ва 1943 йили мустақилликка эришди. Бироқ совет ва америка кўшинлари босиб олган икки зона 38-параллел бўйича икки қисмга бўлинди. 1948 йили мамлакатнинг шимолий қисмида Корея Халқ Демократик Республикаси эълон қилинди. 1950 — 1953 йилларда Шимолий ва Жанубий Корея ўртасида уруш давом этди. Бу уруш тугагандан кейин ҳам иккала корейс давлатлари ўртасида чегара можаролари бўлиб турди. Шимолдаги корейс давлатининг дастлабки давридаёқ ундаги ҳокимият бир киши — Ким Ир Сеннинг қўлида бўлди, у мамлакатда коммунистик диктатура ўрнатди. Ким Ир Сеннинг ўлиmidан сўнг ҳокимиятни унинг ўғли Ким Чен Ир эгаллади. Унча кўп давом этмаган мотам давридан сўнг у КХДРнинг президенти деб расман эълон қилинди.

ШРИ-ЛАНКА

Расмий номи — Шри -Ланка Демократик Социалистик Республикаси. Пойтахти — Коломбо. Ҳудуди — 65610 км². Аҳолиси — 19500000 киши (2001). Давлат тили — тамил, сингал. Дини — буддавийлик

|| (69%), ҳиндуийлик (15%), христианлик (8%), ислом (7%). Пул бирлиги — шри-ланка рупияси.

Географик жойлашуви ва табиати. Ҳиндистоннинг жанубий соҳиллари яқинидаги оролда жойлашган Ҳинд океанидаги давлат. Осиё қитъасидан Шри-Ланкани Полк бўғози ва Манар қўлтиги ажратиб туради. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 1340 км. Мамлакат ҳудуди асосан текисликлардан иборат. Жанубий ва марказий қисмларида зинасимон тоғлар бор. Энг баланд нуқтаси — Пидуруталагала чўққиси (2524 м). Асосий дарёси — Махавели-Ганга. Асосий табиий ресурслари: олмос ва бошқа қимматбаҳо тошлар, фосфатлар, мармар тоши ва балиқ. Мамлакат ҳудудининг 16% ини ҳайдаладиган ерлар, 32% ини ўрмон ва тўқайлар ташкил этади.

Иқлими — экваториал, субэкваториал. Баньян, дарахтсимон папоротниклар, турли хил пальмалар, атлас, сандал, эбен дарахтлари флорасининг асосини ташкил этади. Ҳайвонот дунёсини фил, қоплон, силовсин, шоқол, тимсоҳ, турли маймунлар, илонлар, калтакесаклар ташкил этади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президент республикаси. Мамлакат 8 та провинцияга бўлинган. Шри-Ланка 1948 йилнинг 4 февралда мустақилликка эришган (аввал: Цейлон — Буюк Британия мустамлакаси). 4 феврал Миллий байрам — Мустақиллик куни. Ижро этувчи ҳокимият президент ва Вазирлар Маҳкамасини бошқарадиган Бош вазирга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Шри-Ланка озодлик партияси, Бирлашган миллий партия, Шри-Ланка халқ партияси, Шри-Ланка социалистик партияси, Янги сиёсий партия, Шри-Ланка коммунистик партияси. Тамил бирлашган озодлик fronti, Миллий-озодлик fronti, «Тамил Иламни қутқариш йўлбарслари».

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодининг ривожланган тармоқларидан бири — қишлоқ хўжалиги. Шоли, шакарқамиш, дон экинлари, дуккакли экинлар, зираворлар етиштирилади. Чой (дунёда 3-ўринда), кокос ёнғоғи (умумий экспорт ҳажмининг 1/3 қисми) экспорт қилинади. Ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, балиқни қайта

ишлаш билан чегараланган. Туризм асосий валюта манбаларидан биридир. ЯММ 1996 йилда 57,6 млрд. (жон бошига — 600) долларни ташкил этди. Асосий савдо ҳамкорлари: АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия, Ҳиндистон, Эрон, Тайвань.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 1948 км, автомобиль йўллари — 75749 км (27637 км га тош ётқизилган), ички сув йўллари — 430 км. Портлари — Галее, Коломбо, Жафна, Негомбо, Тринкомали.

Тарихи. Тахминан м. а. V асрда Шри-Ланкага Ганг ва Ҳинд дарёлари водийларидан ҳинд-европа тил оила-сига мансуб қабилалар кириб келишади ва оролларда Сингал давлатига асос солади. Орол буддавийликни тарғиб этиш марказларидан ҳисобланган. Афсоналарга кўра буддавийликни оролга Ашоканинг ўғли (ёки укаси) олиб келган. М. а. III аср бошларидан Шри-Ланкага Ҳиндистоннинг жанубидан тамиллар кириб кела бошлайди. Тамиллар Шри-Ланкада XII асргача ҳукмронлик қилади. 1505 йилда оролда португаллар пайдо бўлишди ва XVI аср охирида оролни мустамлакага айлантиришди. XVII асрда Шри-Ланкани голландлар эгаллаб олишди. 1802 йилда орол Буюк Британияга тобе бўлди. 1948 йилда Цейлон Британия Ҳамдўстлиги таркибидаги мустақил давлат деб эълон қилинди. 1972 йилдан мамлакат Шри-Ланка Республикаси деб атала бошлайди. Тамиллар ва сингаллар ўртасидаги этник можаролар XX асрнинг 80-йиллари бошларида фуқаролар урушига айланди. Фуқаролар урушига барҳам берилган бўлса-да, ҳанузгача икки томон ўртасида кескинликлар мавжуд.

ЭКВАДОР

Расмий номи — Эквадор Республикаси. Пойтахти — Кито. Ҳудуди — 283600 км². Аҳолиси — 12900000 киши (2001). Давлат тили — испан. Дини — католик. Пул бирлиги — сукре.

Географик жойлашуви ва табиати. Жанубий Американинг шимоли-ғарбидаги давлат. Жануб ва шарқда Перу (чегаранинг узунлиги — 1420 км), шимолда Колумбия (590 км) билан чегарадош. Ғарбда Тинч океан билан туташган. Чегарасининг умумий узунлиги — 2010 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 2237 км.

Мамлакат учта географик ҳудудга бўлинади. Фарбда максимал кенлиги 150 км бўлган соҳилбўйи текислиги — Коста жойлашган. Мамлакат марказида, Шарқий Кордильера ва Фарбий Кордильера тоғлари орасида узунлиги 600 км, кенлиги 100—200 км, ўртача баландлиги — 2500 км бўлган Сьерра тоғлиги ётади. Шарқий Кордильерада ҳаракатдаги вулқонлар кўп бўлиб, улар орасида 5230 м баландликдаги Сангай вулқони фаоллиги билан ажралиб туради. Фарбий Кордильерада мамлакатнинг энг баланд нуқтаси — Чамборосо (6310 м) жойлашган. Эквадорнинг шарқий қисмини, деярли ярим ҳудудини Орьенде — Шарқий чангалзорлари эгаллайди. Бу жойларга инсон қадами етмаган, аҳоли яшамайди. Чангалзорнинг кўп қисми тадқиқ этилмаган. Чангалзордан Амазонкага қуйиладиган дарёлар — Напо, Пасгаса, Тигре ва бошқа дарёлар оқиб ўтади. Асосий табиий ресурслари: нефть, ёғоч, балиқ. Ҳудуднинг 6% ини ҳайдаладиган ерлар, 51% ини ўрмон ва тўқайлар, 17% ини яйлов ва ўтлоқлар ташкил этади.

Иқлими — соҳилбўйида экваториал, тоғли ҳудудларда салқин. Текислик ва тоғ ён бағирлари экваториал ўрмонлар билан қопланган. Тоғларда адир ўсимликлари ўсади. Ҳайвонот оламини ягуар, айиқ, ёввойи мушук, скунс, ласка, Галапагосс оролларида гигант денгиз тошбақаси, денгиз игуанаси, пингвинлар ташкил этади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари.

Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 21 та провинцияга бўлинган. Галапагосс ороллари ҳам провинция мақомига эга. 1822 йилнинг 24 майида Эквадор Испаниядан ўз мустақиллигига эришган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи олий орган — Миллий конгресс (бир палатали парламент). Йирик сиёсий партиялари: Республика бирлиги партияси, Социал-христиан партия, Консерватив партия, Эквадор рольдосистлар партияси, Демократик сўл партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Саноатнинг асосий тармоғи — нефть қазиб олиш. Бошқа тармоқлари — металлургия, қоғоз-целлюлоза, озиқ-овқат, тўқимачилик. Қишлоқ хўжалиги (балиқчилик ва ўрмончилик билан бирга) ЯММнинг 18% ини ташкил этади. Банан, қаҳва, какао донлари, балиқ, креветка экспорт қилинади. Чорвачилик ривожланган. ЯММ

1994 йилда 41,1 млрд. (аҳоли жон бошига — 3 480) долл.ни ташкил этди. Асосий савдо шериклари: АҚШ, Лотин Америкаси давлатлари, Кариб ҳавзаси давлатлари, ЕҲ давлатлари, Япония.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 965 км, автомобиль йўллари — 28 000 км (3 600 км асфальтланган), ички сув йўллари — 1500 км. Асосий портлари: Гуайякиль, Эсмеральдас.

Тарихи. XV асрда ҳозирги Эквадор ҳудуди инклар империяси таркибига кирган. 1526 йилда испанлар томонидан кашф этилган Эквадор Писсаро ва Белалкасара бошлиқ конкистадорлар томонидан 1533 йилда забт этилади. 1822 йилда мамлакат испан қўшинларидан озод бўлиб, Кито номи билан Буюк Колумбия таркибига киради. 1830 йилнинг 13 майидан Эквадор мустақил республикадир. 1941 — 1942 йиллардаги Перу билан урушдан сўнг мамлакат қатор ҳарбий тўнтаришларни бошидан кечирди. 1979 йилда ҳарбийлар ҳокимиятни фуқаролик ҳукуматига топширади.

ЭКВАТОРИАЛ ГВИНЕЯ

Расмий номи — Экваториал Гвинея Республикаси. Пойтахти — Малабо. Ҳудуди — 28051 км². Аҳолиси — 500000 киши (2001). Давлат тили — испан. Дини — католик. Пул бирлиги — эквеле.

Географик жойлашуви ва табиати. Африка қитъасининг ғарбидаги давлат. Шарқ ва жанубда Габон (чегара узунлиги — 350 км), шимолда Камерун (189 км) билан чегарадош. Ғарбда мамлакат Гвинея кўрфази билан туташган. Чегарасининг умумий узунлиги — 539 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 296 км. Материкдаги ҳудуддан ташқари Экваториал Гвинеяга Биок, Аннобон ва қатор майда ороллар тегишли. Экваториал Гвинея — тоғли мамлакат. Соҳил бўйидаги текисликлар аста-секин паст тоғларга айланиб боради. Ороллар вулқон жисмларидан иборат. Асосий дарёлари — Мителеме ва Бенито. Асосий табиий ресурслари: марганец, уран, ёғоч, нефть.

Иқлими — экваториал. Ўсимлик дунёси эбена, окуме, акажу, овенка, акога, нон, сандал дарахтлари, мимоза, фикуслардан иборат. Ҳайвонот дунёсини турли маймунлар, қоплон, фил, антилопа, кийик, ман-

густ, бир неча тур илон, қуш, ҳашаротлар ташкил этади. Биоко оролида жайра учрайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президент республикаси. Мамлакат таркибига 7 та провинция киради. 1968 йилнинг 12 октябрида Экваториал Гвинея Испаниядан мустақилликка эришди (аввалги номи — Испания Гвинеяси). Шу кун миллий байрам — Мустақиллик куни ҳисобланади. Давлат бошлиғи — президент, ҳукуматни Бош вазир бошқаради. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни президент парламент — Халқ вақиллари палатаси билан биргаликда амалга оширади. Йирик сиёсий партиялари: Экваториал Гвинея демократик партияси, Халқ иттифоқи. Либерал-демократик конвенция, Социал-демократик партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Мамлакат иқтисоди қишлоқ хўжалиғи, ўрмончилик, балиқчиликка асосланган (ЯММнинг ярми, экспорт ҳажмининг деярли ҳаммаси). Асосий экспорт маҳсулотлари — қаҳва, ёғоч, какао донлари. Ишлаб чиқариш ёғочга ишлов бериш ва балиқни қайта ишлаш билан чегараланган. Нефть конлари ўрганилмоқда. Титан, темир, уран, олтин, марганец конлари очилмаган. ЯММ 1993 йилда 280 млн. (аҳоли жон бошига — 700) долл.ни ташкил этди. Асосий савдо шериклари: Испания, Нигерия, Франция, Камерун.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 2760 км. Портлари: Бата, Малабо.

Тарихи. Ҳозирги Экваториал Гвинея ҳудуди XV аср охирида португаллар томонидан кашф этилган. 1778 йили Португалия ўз мустамлакасини Испания тасарруфига ўтказишга мажбур бўлади. Мамлакат мустақилликка эришгунига қадар (1968) Испан Гвинеяси деб аталган. Президент Нгуэма томонидан ўрнатилган авторитар тузум 1979 йилда полковник Мбасого бошчилигидаги ҳарбий тўнтаришда ағдарилади.

ЭРИТРЕЯ

Расмий номи — Эритрея давлати. Пойтахти — Асмэра. Ҳудуди — 125000 км². Аҳолиси — 4300000 киши (2001). Давлат тили — араб, тигре. Дини — ислом, христиан. Пул бирлиги — эфиопия бири.

Географик жойлашуви ва табиати. Шарқий Африкадаги давлат. Ғарбда ва жанубда Эфиопия (чегаранинг узунлиги — 912 км), шимолда ва шимоли-ғарбда Судан (605 км), жануби-шарқда Жибути (113 км) билан чегарадош. Шарқда мамлакат Қизил денгиз билан туташган. Чегарасининг умумий узунлиги — 1630 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 1151 км. Эритрея тоғли мамлакатдир. Унинг ҳудуди Эфиопия тоғлигининг бир қисми ҳисобланади. Ғарбда тоғлик секин-аста пасайиб Судан текислигига айланади. Шарқда эса соҳилбўйи текислиги жойлашган. Эритреяда олтин, мис, темир, никель, хром, титан, нефть конлари бор. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 3% ини, яйлов ва ўтлоқлар 40% ини ташкил этади.

Иқлими — қуруқ ва иссиқ. Ўсимлик дунёсини чўл ўсимликлари ташкил этади. Ҳайвонот олами тимсоҳ, туяқуш, бургут, марабу, калхат ва турли денгиз баликларидан иборат.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Эритрея ўз мустақиллигини 1993 йилнинг 24 майида эълон қилган (аввал Эфиопиянинг бир қисми). Миллий байрамлари: 24 май — Мустақиллик куни ва 1 сентябр — Мустақиллик учун қуролланган кураш бошланган кун (1961). Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи олий органи — Эритрея Миллий Ассамблеяси. Ягона сиёсий партияси — Эритреяни озод қилиш миллий фронти.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Эритрея жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган давлатларидан биридир. ЯММ 1994 йилда 1,8 млрд. (жон бошига — 500) долл.ни ташкил этди. Иқтисоднинг асосий тармоғи аҳолининг 60% и банд бўлган қишлоқ хўжалигидир (ЯММнинг 50% и, экспортнинг 70 % и). Саноатнинг ривожланган тармоқлари: нефтни қайта ишлаш, ёғочни қайта ишлаш, тўқимачилик, тери-пойабзал, тикувчилик, озиқ-овқат. Портлари: Асэб, Массаяу.

Тарихи. Эритрея м. а. вужудга келган эфиоп қироллиги — Аксум таркибига кирган. 1890 йилдан Италия мустамлакаси. 1941 йилдан, БМТ мандатига кўра, Буюк Британия томонидан бошқарилган. 1952 йилда Эритрея федерация аъзоси сифатида эфиоп империяси таркибига кирган. 1962 йилда Эфиопия Эритреяни провинция деб эълон қилгандан сўнг мамла-

катда мустақиллик учун ҳаракат бошланиб, бу ҳаракат 1975 йилда кенг миқёсга кўтарилади. Эритреялик қўзғолончилар ҳукумат қўшинларидан устун келгач, 1993 йилда Эритрея референдум натижаларига кўра мустақил бўлди.

ЭРОН

Расмий номи — Эрон Ислом Республикаси. Пойтахти — Теҳрон. Ҳудуди — 1648000 км². Давлат тили — форс. Аҳолиси — 66100000 киши (2001). Дини — ислом. Пул бирлиги — Эрон риали.

Географик жойлашуви ва табиати. Эрон Жануби-Ғарбий Осиёда жойлашган. Ғарбда Ироқ (чегара узунлиги 1458 км) ва Туркия (499 км) шимолда Туркменистон (992 км), Озарбайжон (611 км) ва Арманистон (35 км), шарқда Афғонистон (936 км) ва Покистон (909 км) билан чегарадош. Жанубда Форс ва Ормуз қўлтиқлари, шимолда Каспий денгизи билан туташ. Чегарасининг умумий узунлиги — 5440 км. Эроннинг катта қисмини Эрон тоғлиги эгаллайди. Шимолда Каспий денгизи қирғоқлари бўйлаб Эльбурс тоғлари қад кўтарган. Шимоли-шарқда Копетдоғ тизмаси жойлашган. Ғарбий чегаралар бўйлаб шимоли-ғарбдан жануби-шарққа томон Загрос тоғлари чўзилган. Ғарбда Ҳузистон текислиги жойлашган. Мамлакат марказида Дашти Кабир ва Дашти Лут чўллари жойлашган. Эронда катта дарёлар кам. Асосий дарёси — Корун. Энг катта кўли — шимоли-ғарбда жойлашган Урмия. Нефть ва табиий газ конларига бой. Шунингдек, кўмир, темир рудаси, хром, мис, рух, қалайи, марганец, олтингургурт каби фойдали қазилмаларга ҳам эга.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — ислом республикаси. Маъмурий жиҳатдан 24 та провинция (остона)га бўлинади. 1906 йилда Конституцион монархия, 1979 йил 1 апрелда Эрон Ислом Республикаси деб эълон қилинган (1 апрел — Миллий байрам). Ижроия ҳокимияти Оятуллоҳ (давлатнинг диний бошлиғи) ва президентга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали парламент — Ислом кўмитаси Кенгаши (мажлис). Эрон Ислом Республикаси (ЭИР) Конституциясига кўра Эронда ноисломий сиёсий партия ва ташкилотлар фаолияти та-

қиқланади. Шунга қарамасдан, мамлакатда бир қатор муҳолифатдаги партиялар: Эрон Курдистони демократик партияси (ЭКДП), Эрон халқ партияси (ЭХП) ва бошқалар фаолият кўрсатади.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Эрон иқтисодиётида ишлаб чиқариш воситалари, биринчи навбатда нефть қазиб олиш ва нефтни қайта ишлаш саноат қорхоналари давлат мулкани ташкил этади. ЯММ 1994 йилда 310 млрд.ни (аҳоли жон бошига — 4728) долл.ни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги мамлакатнинг асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга эмас. Асосий савдо ҳамкорлари: Япония, Италия, Германия.

Темир йўлларининг узунлиги — 4850 км, автомобиль йўллари — 140072 км, ички сув йўллари — 904 км. Мамлакатнинг асосий порти Эрон — Ироқ уруши даврида кучли вайрон қилинган.

Тарихи. Форслар дастлаб м. а. IX асрларга оид Осурия манбаларида тилга олинади. М. а. 556—550 йилларда Буюк Кир II қадимги дунёда буюк империяни яратган форс подшолари сулоласига асос солди. Доро I (м. а. 522—486 йиллар) даврида империя ўзининг ривожланиш чўққисига кўтарилди. Империя ҳудуди Ҳиндистондан Ўрта ер денгизигача кенгайди. Миср, Кичик Осиё ва Фракия ерлари империя таркибига киритилди. М. а. V аср охирида форсларнинг экспансияси греклар томонидан тўхтатилди. М. а. 330 йилда Форс империяси Александр Македонский қўшинлари томонидан забт этилди. М. а. 224 йилда мамлакатни тўрт аср давомида идора қилган Сосонийлар сулоласи ҳокимият тепасига келди. Форс империяси VI аср охирида ва VII аср бошларида ривожланишнинг энг юқори даражасига кўтарилди.

Араблар босқини империяни заифлаштирди, ислом дини киритилди. XI асрда мамлакат салжуқий турклар томонидан забт этилгандан сўнг ислом-форс цивилизацияси инқирозга учради. 1221—1222 йилларда Чингизхон, XIV асрда Амир Темур томонидан босиб олинди. XVI аср бошларида мамлакат яна форслар — Сафовийлар сулоласи томонидан бошқарилди. XVIII—XIX асрларда бу ҳудудлар ўз таъсир доираларига эга бўлиш учун интилган Россия ва Буюк Британияга қарши курашишга тўғри келган бир қанча форс сулолалари алмашди. 1925 йилда ҳокимиятга келган Паҳлавий-

лар сулоласи мамлакатни 1979 йилгача, шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавий ҳукуматга қарши чиқишлар натижасида тахтдан ағдарилганига қадар идора қилди. 1934 йилдан бошлаб мамлакат Эрон деб номлана бошланди. 1980 йилда Эрон Ислом Республикаси деб эълон қилинди.

ЭСТОНИЯ

Расмий номи — Эстония Республикаси. Пойтахти — Таллин. Худуди — 45000 км². Аҳолиси — 1400000 киши (2001). Давлат тили — эстон. Дини — лютеран, православ. Пул бирлиги — эстон кронаси.

Географик жойлашуви ва табиати. Шарқий Европанинг шимоли-ғарбидаги давлат. Шарқда Россия (чегаранинг узунлиги — 280 км), жанубда Латвия (267 км) билан чегарадош. Ғарбда Эстония Болтиқ денгизи, шимолда Фин кўрфази билан туташган. Чегарасининг умумий узунлиги — 557 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 1393 км. Мамлакат худудининг катта қисмини текисликлар ташкил этади. Мамлакатнинг жануби-шарқида қир бор. Асосий табиий ресурслар: ёнғунчи сланешлар, фосфоритлар, торф, нефть, каҳрабо. Ҳайдаладиган ерлар худуднинг 22% ини, ўрмон ва тўқайлар 35% ини ташкил этади. Иқлими денгиз иқлимидан континенталга ўтувчи. Эстониянинг шимолида ва ғарбида кенг баргли ўрмонлар, жануби ва жануби-шарқида нина баргли ўрмонлар ўсади. Лось, косуля, қобон, қуён, тулки, силовсин, бўрсиқ, бўри, айиқ, турли қушлар ва балиқлар фаунани ташкил этади.

Давлат тuzилиши, сиёсий партиялар. Давлат тuzилиши — республика. Мамлакат таркибига 15 та уезд ва марказга бўйсунувчи 6 та шаҳар киради. 1991 йилнинг 20 августида Эстония ўз мустақиллигини эълон қилган (аввал СССР таркибига кирган). Миллий байрами 24 феврал — Мустақиллик куни (1918) ҳисобланади. Ижро этувчи ҳокимият президент (давлат бошлиғи) ва Бош вазир бошлиқ ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи олий орган — Рийгикогу (парламент). Йирик сиёсий партиялари: Эстония социал-демократик партияси, Қишлоқ партияси, Эстония ер иттифоқи.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Ҳозирги кунда Эстония иқтисодида бир қатор исло-

хотлар ўтказилмоқда. ЯММ 1994 йилда 10,4 млрд. (аҳоли жон бошига — 6460) долл.ни ташкил этди. Саноатнинг ривожланган тармоқлари: сланец қазиб олиш ва қайта ишлаш, ёғочни қайта ишлаш, кимё, машина-созлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, енгил саноат, озиқ-овқат саноати. Қишлоқ хўжалиги асосан гўшт-сут чорвачилигига ихтисослашган. Асосий савдо шериклари: Россия, Финляндия, Швеция, Германия.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 1000 км, автомобиль йўллари — 14800 км, ички сув йўллари — 500 км. Асосий порт — Таллин.

Тарихи. XIII асрда эстонлар аввал немислар, кейинроқ данияликлар томонидан бўйсундирилади. Данияликлар 12—13 йиллари Таллинга асос солишади. 1346 йилда ҳозирги Эстония ҳудудини Тевтон ордени Даниядан сотиб олади. Иван Грозний ҳукмронлиги даврида Россия Нарва ва Тартуни босиб олади. Тевтон ордени парчалангандан сўнг (1561) Эстония Швеция, Дания ва Речь Посполита ўртасида бўлиб олинади. XVII асрда Эстония мамлакатга лютеранликни олиб келган Швецияга қарам бўлади. Шимолий уруш (1700—1721) даврида Эстония Пётр I томонидан забт этилиб, Ништадт шартномасига кўра Россия тасарруфига ўтади. 1917 йилнинг феврал инқилобидан сўнг Эстония мустақилликка эришади, лекин 1917 йилнинг ноябрида большевиклар мамлакатда совет ҳокимиятини ўрнатади. Немислар Эстонияни 1918 йилда босиб олади ва Эстония муваққат ҳукуматини эълон қилади. Бу мустақиллик Германиянинг капитуляциясидан сўнг, 1920 йилда тан олинади. 1934 йилда мамлакатда диктатура, 1940 йилда совет кўшинлари бостириб кириши оқибатида совет ҳокимияти ўрнатилади. 1944 йилда немис кўшинларидан озод қилинган Эстония 1991 йилгача СССР таркибига қиради. 1991 йилда Эстония яна ўз мустақиллигини қайта тиклади.

ЭФИОПИЯ

Расмий номи — Эфиопия Федератив Демократик Республикаси. Пойтахти — Аддис-Абеба. Ҳудуди — 1221894 км². Аҳолиси — 65400000 киши (2001). Давлат тили — амхар. Дини — православ (45%), ислом (35%), мажеусийлик (12%). Пул бирлиги — бир.

Географик жойлашуви ва табиати. Африканинг шарқдаги давлат. Шарқда ва жануби-шарқда Сомали (чегара узунлиги — 1626 км), ғарбда ва шимоли-ғарбда Судан (1606 км), шимоли-шарқда Эритрея (912 км) ва Жибути (337 км), жануби-ғарбда Кения (830 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги — 5311 км. Мамлакат ҳудудининг катта қисмини Эфиоп тоғлиги (энг баланд нуқтаси Рас-Дашен тоғи — 4623 м) эгаллайди. Эфиопия оз миқдордаги олтин, платина, мис захираларига эга. Мамлакат ҳудудининг 12% ини ҳайдаладиган ерлар, 41% ини ўтлоқ ва яйловлар, 24% ини ўрмон ва бутазорлар ташкил этади.

Иқлими — субэкваториал. Ҳимлик дунёси турли бўлиб, тропик ва чўл ўсимликларидан альп ўсимликларигача ўсади. Ҳайвонот дунёсини арслон, қолон, фил, гиппопотам, жирафа, каркидон, антилопа, силовсин, маймун, турли қушлар ва ҳашаротлар ташкил этади.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 9 та миллий-маъмурий штатларга ва пойтахт ҳудудига бўлинган. Ҳозирги Эфиопия ҳудуди м. а. I минг йилликдаёқ Сава подшолиги бўлган. 1889 йилда Эфиопия Италиянинг протекторатига айланган. 1895 йилда мустақилликка эришган. Миллий байрамлари: 2 март — Адуа яқинидаги ғалаба куни (1896) ва 6 апрел — Ғалаба куни (1941). Ижро этувчи ҳокимият Муваққат ҳукуматга, қонун чиқарувчи ҳокимият — Муваққат ҳукумат ва Вакиллар кенгашига тегишли. Давлат бошлиғи — президент. Мамлакатда 100 дан ортиқ турли сиёсий партиялар рўйхатдан ўтган. Улардан энг йириги — Эфиопия халқлари инқилобий-демократик фронти.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисоди қишлоқ хўжалигига (ЯММнинг 45% и, экспортнинг 90% и) асосланган Эфиопия Африканинг қашшоқ мамлакатлари қаторига киради. ЯММ 1993 йилда 20,3 млрд. (жон бошига — 380) долл.ни ташкил этди. Асосий экспорт маҳсулоти — қаҳва (экспорт тушумларининг 60% ини). Ишлаб чиқариш, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда олтин қазиб чиқариш билан боғлиқ. Асосий савдо шериклари: Германия, Япония, Франция, Италия, Саудия Арабистони.

Темир йўллариининг умумий узунлиги — 988 км,

автомобиль йўллари — 44300 км (3650 км асфальтланган).

Тарихи. Ривоятларга кўра қадимда ҳозирги Эфиопия ҳудуди Сава подшолигининг бир қисми ҳисобланган. II аср охирларида шаклланган Аксум подшолиги VI—VII асрларда заифлашади. Мусулмон сулоласи Загве (X—XIII асрлар) ҳукмдорлигидан сўнг ҳокимиятга 1270 йилда христиан (конт) Сулаймонийлар сулоласи келади. Ислом таъсирига қарши туриш мақсадида Эфиопия ҳукмдорлари XVI—XVII асрларда Европа давлатларидан ёрдам сўрашади. XIX аср охирида Сувайш канали очилгандан сўнг Эфиопия ўзига Италия, Франция, Англия каби давлатларнинг эътиборини жалб қила бошлайди. 1889 йилда Италия ва Эфиопия ўртасида имзоланган шартномани икки томон ўзича тушунадди. Эфиопияни ўз протекторати сифатида кўришни хоҳлаган Италия мамлакатга ўзининг ҳарбий экспедициясини жўнатади. Аммо бу экспедиция 1896 йилда мағлубиятга учрайди. 1935 йилда Муссолини Сомалида яшаётган италияликларнинг манфаатини ҳимоя қилиш баҳонасида Эфиопияга ўз қўшинларини киритади. Натижада, Эфиопия ва Сомали бирлашиб, Италиянинг Шарқий Африка мустамлакасини ҳосил қилади. 1941 йилда британияликлар Эфиопияни озод қилишади. Эритреяда миллий кайфиятларнинг кўтарилиши, Сомали билан ҳарбий тўқнашувлар, очарчилик ва курфоқчилик мамлакатда чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий инқирозни келтириб чиқаради. 1974 йилда ҳарбий тўнтариш орқали император Селассие тахтдан ағдарилади. 1975 йилда Эфиопия республика деб эълон қилинади. 1977 йилда навбатдаги ҳарбий тўнтариш оқибатида ҳокимиятга Мэнгисту келади. Совет тузуми тарафдори бўлган бу ҳокимият 1991 йилнинг 28 майигача ҳукмронлик қилади. 1993 йилда Эритрея мустақил давлат сифатида Эфиопиядан ажралиб чиқади.

ЮГОСЛАВИЯ

Расмий номи — Югославия Федератив Республикаси. Пойтахти — Белград. Ҳудуди — 102173 км². Аҳолиси — 10700000 киши (2001). Давлат тили — серб. Дини — православ (80%), ислом (10%), католик (8%). Пул бирлиги — янги югославия динари.

Географик жойлашуви ва табиати. Европанинг жануби-шарқида Болқон ярим оролида жойлашган давлат. Ғарбда Босния ва Герцеговина (чегара узунлиги — 527 км) ва Хорватия (239 км, Хорватия билан жанубда ҳам 15 км ли чегара бор), шарқда Руминия (476 км) ва Болгария (318 км), жанубда Альбания (287 км), Македония (221 км), Венгрия (151 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги — 2234 км, соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 199 км. Мамлакатнинг шимолида текисликлар, шарқда қир ва тепаликлар, жануби-шарқида Шарқий Сербия тоғлари жойлашган. Энг катта қўли — Альбания билан чегарада жойлашган Скадар қўли. Мамлакатнинг қазилма бойликларини нефть, газ, кўмир, қўрғошин, олтин, сурма, рух, никель, хром ташкил этади. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 30% ини, ўрмон ва тўқайлар 25% ини, яйлов ва ўтлоқлар 20% ини эгаллайди.

Иқлими — шимолда континентал, жанубда Ўрта ер денгизи иқлими. Эман, тол, шумтол, пальма, сарв, зайтун дарахти, цитруслар ўсади. Ҳайвонот олами бўри, бугу, тоғ-кийиги, ёввойи эчки, юмронқозиқ, турли қушлардан иборат.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат таркибига икки республика (Сербия ва Черногория) ва икки мухтор ўлка (Косово, Воеводина) киради. Мустақил давлат деб Югославия 1992 йилнинг апрелида эълон қилинган. Давлат бошлиғи — президент, бироқ ҳар бир республикада ўзининг президенти (давлат бошлиғи) ва Бош вазири (ҳукумат бошлиғи) бор. Қонун чиқарувчи ҳокимият парламентга тегишлидир. Йирик сиёсий партиялари: Серб радикал партияси, Серб уйғониш партияси, Коммунистик партия.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Сербия ва Черногориянинг иқтисодий аҳволи элатлараро можаролар туфайли барқарор эмас. ЮСФР нинг парчаланиши оқибатида савдо алоқалари узилди, маҳсулот ишлаб чиқариш кескин камайди, саноат корхоналари бозорларини йўқотди. ЯММ 1994 йилда 10 млрд. (аҳоли жон бошига — 1000) долл.ни ташкил этди. Вазиятни ривожланган давлатларнинг Югославияга нисбатан қўлланган иқтисодий санкциялари оғирлаштиради. Югославияда машинасозлик, металлургия, тоғ-кон, тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё, фармацевтика сано-

атлари ривожланган. Пахта, дон, экинлари, мевалар, узум, цитрус мевалар етиштирилади. Чорвачилик ривожланган. Асосий савдо шериклари: собиқ Югославия давлатлари, Италия, Германия, Шарқий Европа давлатлари.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 3960 км, автомобиль йўллари — 46019 км. Портлари: Бар (денгиз), Белград (дарё).

Тарихи. Ҳозирги Сербия ҳудуди м. а. I асрда Рим провинцияси Мезия таркибига кирган. VII асрда бу ҳудуд серблар томонидан эгалланган. XI — XIV асрларда мустақил Серб қироллиги мавжуд бўлган. XIV асрнинг охири XV асрнинг бошларидан XIX асргача Сербия ва Черногория Усманийларга қарам бўлган. 1918 йилда Сербия ва Черногория серб, хорват ва словенлар қироллиги таркибига кирган. 1929 йилда қирол Александр I қироллик номини Югославияга ўзгартирган. 1944 йилда Югославия немис-фашист қўшинларидан озод қилингандан сўнг ҳокимиятга Иосиф Броз Тито бошлиқ ҳукумат келади. 1945 йилда таркибига Босния ва Герцеговина, Хорватия, Сербия, Черногория, Словения, Македония кирган ЮСФР эълон қилинади. 1991 йилда ЮСФР парчаланиб, бу давлатлар ўз мустақилликларини эълон қилади. 1992 йилда Сербия ва Черногория Югославия Республикасини эълон қилади. Югославияда миллатлар ўртасида можаролар бўлиб туради. Шундай можароларнинг сўнггиси асримиз бошида Косоводаги этник албанлар ва серблар ўртасида бўлиб ўтди.

ЯМАЙКА

Расмий номи — Ямайка. Пойтахти — Кингстон. Ҳудуди — 10957 км². Аҳолиси — 2600000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — протестантлик. Пул бирлиги — ямайка доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Кариб денгизида, Ямайка ороли ва бир қанча майда оролларда жойлашган давлат. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 1022 км. Оролнинг катта қисмини ясси тоғлик ва баландлиги 2256 м гача бўлган тоғлар эгаллайди. Қирғоқ атрофлари тор текисликдан иборат. Асосий табиий ресурслари: бокситлар, гипс, оҳақтош, мармар. Ҳудуд-

нинг 19% ини ҳайдаладиган ерлар, 28% ини ўрмон ва тўқайлар, яйлов ва ўтлоқлар 18% ини ташкил этади.

Иқлими — тропик. Ўсимлик дунёси инсон фаолияти туфайли қаншоқлашган. Ҳозир ўрмонлар мамлакат ҳудудининг 1/5 қисмини эгаллайди. Тоғ атрофларида адир ўсимликлари ўсади. Турли қушлар ва кўршапалаклар кўплаб учрайди. Ёввойи сут эмизувчилар деярли йўқ. Судралувчилардан тошбақа, заҳарсиз илон, тимсоҳ, калтакесаклар учрайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия, Британия Ҳамдўстлиги аъзоси. Мамлакат 14 та округга бўлинган. Ямайка 1962 йилнинг 6 августида мустақил бўлди (аввал Буюк Британия мустамлакаси). Қонунлари инглиз умумий ҳуқуқига асосланган. Давлат бошлиғи — Британия монархи (ҳозирги кунда — Елизавета II). Оролни унинг вакили генерал-губернатор бошқаради. Ижро этувчи ҳокимият генерал-губернатор билан Бош вазир бошлиқ ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият Сенат (юқори палата) ва Вакиллар палатасидан (қуйи) иборат парламентга тегишли. Иирик сиёсий партиялар: Миллий халқ партияси, Ямайка лейбористлар партияси, Миллий Демократик ҳаракат.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Саноатнинг асосий тармоқлари — бокситлар қазиб олиш ва алюминий ишлаб чиқариш. Чет эл валютасининг асосий манбаи туризм ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги (ЯММнинг 10% ини) умумий экспорт ҳажмининг 17% ини таъминлайди. Экспорт қилинадиган асосий экинлар — шакарқамиш, банан. ЯММ 1994 йилда 3,6 млрд. (аҳоли жон бошига — 1400) долл.ни ташкил этди. Асосий савдо шериклари: АҚШ, Буюк Британия, Канада, Тринидад ва Тобаго.

Темир йўллارининг умумий узунлиги — 294 км, автомобиль йўллари — 18200 км. Асосий порт — Кингстон.

Тарихи. 1494 йилда Колумб томонидан кашф этилган орол ҳиндуларнинг катта қисмини қириб ташлаган испанларнинг мустамлакасига айланади. XVI аср бошларида оролга Африкадан қуллар келтирила бошланади. 1655 йилдан Британия мустамлакаси бўлган. Ямайка 1958 йилдан ўзини-ўзи бошқариши ҳуқуқига эга бўлди. 1962 йилдан Британия Ҳамдўстлиги таркибидаги мустақил давлат.

ЯМАН

Расмий номи — Яман Республикаси. Пойтахти — Сана. Ҳудуди — 527970 км². Аҳолиси — 18000000 киши (2001). Давлат тили — араб. Дини — ислом. Пул бирлиги — яман риали.

Географик жойлашуви ва табиати. Жануби-Ғарбий Осиёда, Арабистон ярим оролида жойлашган давлат. Шимолда ва шимоли-шарқда Саудия Арабистони (чегара узунлиги — 1458 км), шарқда Уммон (288 км) билан чегаралош. Ғарбда Қизил Денгиз, жанубда Аден кўрфази билан туташ. Чегарасининг умумий узунлиги — 1746 км. Ҳудудининг катта қисмини тоғли ерлар (энг баланд нуқтаси Эн-Наби-Шаиб тоғи — 3600 м) эгаллаган. Шимолда ва шарқда чўллар жойлашган. Фойдали қазилмалари: нефть, табиий газ, олтин, темир, мис, гипс, тошкўмир, кварц, олтингурт, ярим қимматбаҳо тошлар.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Маъмурий жиҳатдан 17 провинцияга бўлинади. Яман Республикаси Яман Араб Республикаси (ЯАР) ва Яман Халқ Демократик Республикаси (ЯХДР)нинг бирлашиши билан 1990 йил 22 майда ташкил топди. Бу кун «Яман бирлиги куни» сифатида нишонланади. Бошқа миллий байрамлари — 26 сентябр — Инқилоб куни, 30 ноябр — Мустақиллик куни. Ижро этувчи ҳокимият — Президент кенгаши (Президент кенгаши раиси катта ваколатга эга) ва премьер-министр раҳбарлигидаги Вазирлар Кенгашига тегишли. Қонун чиқарувчи органи — бир палатали парламент — Депутатлар палатаси. Асосий сиёсий партиялари: Умумий халқ конгресси (УХК) ва Яман социалистик партияси (ЯСП).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Ҳукумат сиёсатининг стратегик йўналишлари нефть саноатини ривожлантириш, шунингдек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини яхшилаш, эркин иқтисодий ҳудудлар яратиш. Қишлоқ хўжалиги ЯММнинг 25% ини таъминлайди. Шунга қарамасдан, Яман озиқ-овқат маҳсулотларининг 70% ини четдан келтиришга мажбур. ЯММ 1994 йилда 23,4 млрд. (жон бошига — 1955) долл.ни ташкил этди. Агар Сана шаҳри мамлакатнинг сиёсий маркази бўлса, жанубий шаҳар Аден Яманнинг

иктисодий ва савдо марказидир. Асосий савдо ҳамкорлари — Германия, Буюк Британия, АҚШ.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 51390 км. Портлари: Аден, Аль-Мукалло, Салиф, Ходейдо.

Тарихи. М. а. I минг йилликда Яман ҳудудида қуйидаги: Хадрамаут, Катабан, Аусан, Саба, Маин давлатлари вужудга келган. Яман IV асрда Эфиопия, VI асрда форслар томонидан забт этилган. VIII асрда мамлакат ҳудудида ислом дини тарқалди. X асрда мамлакатда Зейдийлар сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилди. XVI асрда Яман Усманийлар империяси таркибига киритилди. 1633 йилда Яман ҳудудида яна мустақил давлат — Зейдийлар имомлиги ташкил топди. 1839 йилда Аден инглизлар томонидан оккупация қилинди. Яманнинг шимолида XIX асрнинг 70-йилларида инглизлар ҳукмронлиги ўрнатилди. XX асрнинг бошларида мамлакат Шимолий Яман ва Жанубий Яманга бўлинади. 1918 йилда Шимолий Яман мустақилликка эришди. 1962 йилда конституцион монархия республикага айланди. Жанубий Яман мустақилликка 1967 йилда эришди. 1970 йилдан бошлаб Яман Халқ Демократик Республикаси деб атала бошлади. 1980 йилларда бошланган икки давлат ўртасидаги музокаралар натижасида 1990 йил 21 майда икки давлат бирлашиб, ягона давлат ташкил топди.

ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ

Расмий номи — Янги Зеландия. Пойтахти — Веллингтон. Ҳудуди — 268680 км². Аҳолиси — 3900000 киши (2001). Давлат тили — инглиз. Дини — христианлик. Пул бирлиги — янги зеландия доллари.

Географик жойлашуви ва табиати. Тинч океаннинг жанубий қисмида иккита йирик оролда (Кук бўғози ажратиб турадиган шимолий ва жанубий оролларда) ва бир нечта майда оролларда (Стьюарт, Чатем, Кермадек, Кемпбелл) жойлашган давлат. Шарқда Тинч океан, шимолда Фиджи денгизи, ғарбда эса ороллари Австралия материгидан ажратиб турадиган Тасман денгизи билан тутшиб кетган. Бундан ташқари, Янги Зеландия Тинч океаннинг марказий қисмида жойлашган Токелау, Кук, Ниуэ оролларига ҳам эгалик қилади. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 15134 км². Қир-

ғоқлари жойларда фьордлар билан ажралган. Худудининг катта қисмини тоғлар, қоялар ва тепаликлар эгаллаган. 200 дан кўпроқ чўққиларнинг баландлиги 2300 м дан ошиқ. Энг юқори нүқтаси Кук тоғи (3754 м)да жойлашган. Фаол ҳаракатдаги вулқонлар, гейзерлар, иссиқ минерал булоқлар бор. Тез-тез zilзила бўлиб туради. Мамлакатда вулқонлар натижасида пайдо бўлган кўллар жуда кўп бўлиб, улардан энг йириги — Таупо (606 м²) кўлидир. Бош дарёси — Уаикато. Асосий табиий ресурслари — табиий газ, темир рудаси, кўмир, свинец, мис, олтин, гидроэнергетик ресурслар. Умумий ерларининг ярмидан кўпроғи (53%)ни ўтлоқ ва яйловлар, 38% худудини ўрмон ва тўқайзорлар эгаллайди.

Иқлими — мўтадил. Жанубий оролнинг текисликлари ва шимолий оролнинг бир қисми тассек (қумликда ўсадиган ўсимликлар) билан қопланган. Тоғларда жануб буки ўрмонлари, шимолий оролда эса субтропик ўрмонлар бор. Оролларнинг фаунаси жуда ўзига хос. Янги Зеландиядаги қушларнинг 90% и эндемиклардир. Бу ерда ҳайвонларнинг айрим гуруҳлари умуман йўқ. Кам учрайдиган, учмайдиган қушларнинг кўшлаб турлари — киви, какапо тўтиси, жуда кам учрайдиган такахе қуши ҳам учрайди. Янги Зеландияда энг қадимги умуртқалилардан туатара ёки гаттериялар бу ерда мамонтлар пайдо бўлганга қадар ҳам истиқомат қилишган.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Мамлакат Буюк Британия Ҳамдўстлиги таркибига киради. Янги Зеландия 10 та провинцияга бўлинган. Мамлакат 1907 йил 26 сентябрда Буюк Британиядан мустақиллик олган. Қонунчилик инглиз умумий ҳуқуқига асосланган. Миллий байрами 6 феврал — Вайтонги куни (1840). Давлат бошлиғи расмий равишда Британия монархи (ҳозирги кунда қиролича Елизавета II) ҳисобланади, унинг номидан генерал-губернатор иш юритади. Амалда ижроия ҳокимият премьер-министр бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Олий қонун чиқарувчи органи Вакиллар палатаси (бир палатали парламент)дир. Йирик сиёсий партиялари: Янги Зеландия Миллий партияси, Янги Зеландия лейбористлар партияси, Мана Мотухаке (Бизнинг мерос).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари.

Охирги ўн йиллик давомида ҳукумат Буюк Британияга боғлиқ бўлган ва аграр иқтисодиёт йўналишини эркин бозор муносабатларига асосланган жаҳон иқтисодиётига мослаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширомоқда. 1994 йил ЯММ 56,4 млрд. (жон бошига — 16640) долларни ташкил этган. Саноатнинг нисбатан тараққий этган тармоқлари: озиқ-овқат ишлаб чиқариш, целлюлоза-қоғоз, кимё, машинасозлик, тўқимачилик. Юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалигида (ЯММ 9%) пешқадам ўринни чорвачилик эгаллайди (қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 80% ини беради). Мамлакат иқтисодиётида ўрмончилик ва бадиқчилик ҳам муҳим ўрин тутади. Муҳим савдо ҳамкорлари — ЕҲ мамлакатлари, Япония, Австралия, АҚШ.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 4716 км, автомобиль йўллари — 92648 км (49547 км — қаттиқ қопламали йўллар), ички сув йўллари эса — 1609 км. Мамлакатнинг асосий портлари — Веллингтон, Окленд.

Тарихи. Маори халқлари истиқомат қилиб келган Янги Зеландия 1642 йили А. Тасман томонидан кашф этилган. XIX асрда инглизлар томонидан мамлакатни мустамлакалаштириш маорилар қаршилик кўрсатганлиги туфайли (1842 — 1846, 1860 — 1868 йиллардаги маори урушлари) жуда секинлик билан борди. 1851 йилда Буюк Британия мустамлакаси деб эълон қилинган Янги Зеландия 1907 йили доминион мақомини қўлга киритди. Британ Ҳамдўстлиги таркибида мустақилликка эса 1931 йили эришди. Франция томонидан Тинч океанида ядро синовларининг ўтказилиши Янги Зеландия томонидан қаттиқ қаршиликка дуч келди, 1985 йилги «Гринпис иши»дан кейин эса икки давлат ўртасидаги муносабатлар янада кескинлашди.

ЯНГИ КАЛЕДОНИЯ

Расмий номи — Янги Каледония. Пойтахти — Ну-меа. Ҳудуди — 19100 км². Аҳолиси — 207000 киши (2001). Давлат тили — француз. Дини — католиклар (60%), протестант — кальвинчилар (30%). Пул бирлиги — каледония франки.

Географик жойлашуви ва табиати. Франциянинг мулки, Океанияда, Тинч океанининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган. Франциянинг «денгизорти ҳудуди» Янги Каледония (асосий орол), Луайоте ва Четерфилад ороллари гуруҳидан, Пен ва бошқа ороллардан иборат. Оролларнинг қирғоқлари маржон рифлари билан ўралган бўлиб, дунёда энг узун (600 км) тўсиқли рифларни ташкил этади. Янги Каледония оролининг шарқида вулқон отилиши натижасида пайдо бўлган ясси тоғлик мавжуд. Энг юқори чўққиси — Панье тоғи (1628). Майда дарёлар тармоғи мавжуд. Асосий қазилма бойликлари: никель (дунё захираларининг 20% и), кобальт, хром, темир рудаси, марганец, мис, кўмир.

Иқлими — тропик. 3000 га яқин ўсимлик турлари мавжуд. 10% ҳудуди ўрмонлар билан қопланган (араукария, агатис ва бошқа дарахтлар). 61 турдаги қушлар, кўплаб илонлар мавжуд.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. 1946 йилдан Франция мулки. Ҳудуд бошқарувини Олий коммиссар амалга оширади. Қонун чиқарувчи ҳокимият — Ҳудуд Конгресси (54 депутат 6 йилга 3 та провинция номидан сайланади). Франция парламенти — Миллий йиғинда Янги Каледония 2 депутат ва 1 сенатор вакилликка эга. Маъмурий жиҳатдан 3 та провинцияга бўлинган. Сиёсий партиялари: Республика таркибида Каледония учун бирлашма, Канақлар озодлиги миллий социалистик fronti, Янги Каледония барча учун.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодиёт асосини тоғ-кон саноати ташкил этади. Янги Каледония никелнинг энг йирик захиралари эгасидир (никель экспорти валюта даромадларининг 75% ини ташкил этади). Металлургия, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ва мебель ишлаб чиқариш корхоналари бор. Қишлоқ хўжалигида аҳолининг 70% и банд. Чорвачилик ва балиқчилик ривожланиб бормоқда. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, АҚШ, Австралия, Япония.

Асосий денгиз порти: Нумеа.

Тарихи. 1774 йили меланезияликлар яшаётган бу ороллар инглиз сайёҳи Ж. Кук томонидан кашф қилинган ва Шотландиянинг эски номи билан Каледония деб аталган. 1843 йили оролларга француз католик миссионерлари етиб келишди. 1853 йилдан Францияга

қарашли. 1860 йилдан эса мустамлакага айлантирилган. 1864—1896 йилларда Янги Каледония сиёсий маҳбустлар сургун қилинадиган жойга айлантирилди. Бу ерга 4000 га яқин Париж Коммунаси иштирокчилари ҳам сургун қилинганлар. 1879 йили маҳаллий аҳолининг йирик қўзғолони французлар томонидан аёвсиз бостирилди. Янги Каледония 1946 йилдан Франциянинг «денгизорти ҳудуди» мақомига эришди. 1984 йил ноябригача Франция ҳукуматининг Олий комиссари томонидан бошқарилган. 1988 йили Францияда ўтказилган референдумга кўра 1989 йилдан бевосита бошқарув бекор қилиниб, автономия кучайтирилди. 1998 йили Франция Бош вазири Л. Жоспен имзолаган шартномага кўра Янги Каледонияда 20 йиллик мустақилликка ўтиш даври эълон қилинди.

ЯПОНИЯ

Расмий номи — Япония. Пойтахти — Токио. Ҳудуди — 377535 км². Аҳолиси — 127100000 киши (2001). Давлат тили — япон. Дини — синтоизм, буддавийлик, христианлик. Пул бирлиги — йена.

Географик жойлашуви ва табиати. Шарқий Осиёда, Тинч океандаги Хонсю, Кюсю, Хоккайдо, Сикоку ва қатор майда оролларда (ҳаммаси бўлиб 3900 орол) жойлашган давлат. Соҳил бўйлаб чегара узунлиги — 29751 км. Мамлакат ландшафти тоғлар ва текисликлардан иборат. Баланд тоғларнинг аксариятида ҳаракатдаги вулқонлар бор, мамлакатда ҳаммаси бўлиб 60 та фаол вулқонлар мавжуд. Мамлакатнинг энг катта текислиги — Канто (Хонсю о.). Энг узун дарёси — Синано (Хонсю о.). Энг йирик кўли — Бива (672 км²). Асосий табиий бойликлари: тошкўмир, мис, қўрғошин, рух рудаси, балиқ. Ҳайдаладиган ерлар ҳудуднинг 13% ини, ўрмон ва тўқайлар 67% ини эгаллайди.

Иқлими — муссонли, шимолида мўътадил, жанубида субтропик. Япония ҳудудининг 2/3 қисми ўрмонлар билан қопланган. Мамлакатнинг маркази субтропик, жануби тропик, Хоккайдо ороли аралаш ўрмонлар билан қопланган. Ўрмонларда эман, қарагай, бир неча тур пальма, банан, фукус, бамбук, дарахтсимон палоротниклар, эндемик дарахтлар, 1500—2000 м баландликда адир ўсимликлари ўсади. Япон ороллари-

нинг ҳайвонот олами бир-биридан фарқ қилади. Жанубий ороллар учун тропик фауна хос бўлиб, бу оролларда бир неча тур маймунлар, кўршапалаклар, қоракуён — «нуро — ўсаш», кўк куш «рури — касегу», «хабу» заҳарли илони учрайди. Япон архипелагининг марказий оролларида бўри, тулки, ёкутсимон ит, бўрсиқ, кийик, қуён, олмахон, япон манакаси, япон қора айиғи, улкан саламандра ҳайвонот оламини ташкил этади. Хоккайдо оролининг ҳайвонот олами қўнғир айиқ, ларик сичқони, оқсувсар, сибирь соболи, тюлень, денгиз мушукларидан иборат. Япония атрофидаги денгизларда турли балиқлар кўплаб учрайди.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Мамлакат таркибига 47 та префектура киради. Афсоналарга кўра, Япон давлатига м. а. 660 йилда император Дзимму асос солган. Миллий байрами 23 декабр — Император туғилган кун. Давлат бошлиғи — император (император Акихито мамлакатни 1989 йилнинг 7 январидан бошқармоқда). Амалда ижро этувчи ҳокимият Вазирлар Маҳкамасини бошқарадиган Бош вазирга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимият Маслаҳатчилар палатаси (юқори) ва Вакиллар палатаси (қуйи)дан иборат парламент томонидан амалга оширилади. Йирик сиёсий партиялари: Япония демократик партияси, Либерал-демократик партия, Япония коммунистик партияси, «Сакигаке» партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодий қудрати жиҳатдан жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Иқтисодининг асосий тармоғи бўлган саноат хом ашё ва ёнилғи импортига қарам. ЯММ 1994 йилда 2527,4 млрд. (жон бошига — 20200) долл.ни ташкил этди. Юксак технологияларга асосланган алоқа информатика воситаларини ишлаб чиқариш, биотехнология тармоқлари тараққий этмоқда. Япония кема, автомобиль, трактор, металлга ишлов берувчи ускуналар, турмуш электроникаси, роботларни ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Япония жаҳонда ишлаб чиқариладиган рангли телевизорларнинг 60% ини, пўлатнинг 14,3% ини, сунъий толарларнинг 12,3% ини ишлаб чиқаради. Қишлоқ хўжалигининг ЯММдаги улуши — 2,2%. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импорт қилинади. Жаҳонда овланадиган балиқнинг 15% и япон балиқчилик флотига тегишли.

дир. Асосий савдо шериклари: Жануби-Шарқий Осиё давлатлари, АҚШ, Фарбий Европа давлатлари, Хитой.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 27327 км, автомобиль йўллари — 1111974 км (4400 км — тез юрак йўллар, 46805 км — давлат йўллари, 128539 км — префектура йўллари), ички сув йўллари — 1770 км. Асосий портлари: Муроран, Китакинсю, Кобе, Осака, Токио, Йокогама, Кавасаки, Кагосила, Нагоя, Нагасаки.

Тарихи. М. а. 660 йилда император Дзимму дастлабки давлатга асос солади. Бир неча асрлар мобайнида Япония Хитой ва Корея маданияти таъсири остида қолган. Айнан шу давлатлардан VI асрда Японияга буддавийлик дини кириб келади. 522 йилда Ямато сулоласи ҳокимиятга келади ва Нара шаҳрини пойтахт деб эълон қилиб, Хитой маъмурий бошқарув тизимини Японияда жорий этишади. 794 йилдан Хейан даври бошланиб, пойтахт Киотога кўчирилади. IX асрда япон ёзуви шаклланади. XI асрдан расман ҳукмдор бўлиб, амалда ҳокимият сёгун қўлига ўтади. Мамлакат пойтахти Камакурага кўчирилади. Самурайлар мамлакатда дзен — буддизмнинг тарқалишига ўз ҳиссаларини қўшишади. 1274 ва 1281 йилларда японлар мўғуллар ҳужумини қайтаришади. Ўзаро урушлардан сўнг 1615 йилда Токугава сёгунати бошланади. XVII асрда Японияда европаликлар — аввал португаллар, кейинроқ голландлар пайдо бўлади. Шунга қарамай, Япония XIX аср ўрталаригача чет элликлар учун ёпиқ бўлган. 1867 йилда Токугава сулоласининг сўнгги сёгуни Есинобу ҳокимиятни император Мукихотога топширади. Пойтахт Эду (Токио)га кўчирилади. Япония кучли давлатга айлانгач, 1894 йилда Тайванни, 1905 йилда Россияни Цусима жангида мағлуб этиб, Порт-Артур ва Жанубий Сахалинни эгаллаб олади. 1910 йилда Кореяни, иккала жаҳон урушлари оралиғида Тинч океанидаги қатор ороларни босиб олади. 1931 йилда япон қўшинлари Манчжурияга бостириб киради, 1937 йилда Хитойнинг қолган ҳудудларига босқинчилик бошланади. Иккинчи жаҳон урушига Япония 1941 йилнинг 7 декабрида АҚШнинг Пёрл-Харбор ҳарбий базасига ҳужум қилиш билан киради. Уруш даврида Япония Англия ва Франциянинг Жануби-Шарқий Осиёдаги мустамлакаларини босиб олади. Иттифоқчи қўшинларнинг ҳужуми, Хиросима ва Нагасакига атом бомбаларининг ташланиши натижасида Япония 1945 йилнинг 2 сентябри-

да таслим бўлганини эълон қилади. Ўз мустамлакаларини йўқотганлиги ва урушдан оғир аҳволда чиққанлигига қарамай, сиёсий ҳаётнинг демократлаштирилиши ва жадал технологик тараққиёт оқибатида Япония иқтисодий жиҳатдан тараққий этган ҳамда энг бой давлатлардан бирига айланди.

ҚАТАР

Расмий номи — Қатар давлати. Пойтахти — Доха. Худуди — 11437 км². Аҳолиси — 600000 киши (2001). Давлат тили — араб. Дини — ислом. Пул бирлиги — қатар риали.

Географик жойлашуви ва табиати. Қатар Осиёнинг жануби-ғарбида, Қатар ярим ороли (Арабистон ярим оролининг шарқий соҳиллари)да жойлашган. Жанубда Саудия Арабистони (чегара узунлиги — 40 км) ва БАА (Бирлашган Араб Амирликлари) (20 км) билан чегарадош. Қатар ярим ороли ҳамма томонидан Форс қўлтиғи сувлари билан ўралган. Чегарасининг умумий узунлиги — 60 км. Ланднафти чўлли текисликлардан ташкил топган. Асосий табиий ресурслари: нефть ва табиий газ.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — мутлақ монархия. 1971 йил 3 сентябрда мустақил давлатга айланган (аввал Буюк Британия протекторати эди). Миллий байрами 3 сентябр — Мустақиллик куни. Давлат бошлиғи — амир. Сиёсий партиялар фаолияти тақиқланган.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Нефть қазиб олиш иқтисоднинг асосини ташкил этади. Табиий газ қазиб олиш ва экспорт қилиш ҳам иқтисодда муҳим ўрин тутди. ЯММ 1994 йилда 10,7 млрд. (жон бошига — 20820) долл.ни ташкил этди. Асосий савдо ҳамкорлари: Япония ва Буюк Британия. Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 1500 км. Портлари: Доха, Умм-Саид, Халул.

Тарихи. VII асрдан Араб халифалигининг бир қисми XIII—XIV асрларда Баҳрайн амирлари ҳукмронлигида бўлган. XVI асрда Қатар Усманийлар империяси таркибига киритилди. 1916 йилда Британия протекторатига айлантирилган. 1971 йилда Қатар мустақил давлат деб эълон қилинди.

ҚИРҒИЗИСТОН

Расмий номи — Қирғизистон Республикаси. Пойтахти — Бишкек. Худуди — 198500 км². Аҳолиси — 5000000 киши (2001). Давлат тили — қирғиз. Дини — ислом, шунингдек, христианлар ҳам бор. Пул бирлиги — сом.

Географик жойлашуви ва табиати. Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқидаги давлат. Фарбда Ўзбекистон (чегара узунли — 1099 км), шимолда Қозоғистон (1051 км), жанубда Тожикистон (870 км) ва Хитой (858 км) билан чегарадош. Мамлакатнинг шимоли-шарқида Тянь-Шань (энг баланд нуқтаси — 7439 м), жануби-фарбида Помир-Олтой тоғ тизмаси жойлашган. Асосий дарёси Норин. Энг катта кўли — Иссиқкўл. Ер ости бойликлари — олтин, сурма, ртуть, кўмир, нефть, газга бой. Ҳайдаладиган ерлар худуднинг 7% ини, ўтлоқ ва майсазорлар 42% ини эгаллайди.

Иқлими — континентал.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — республика. Мамлакат 6 та вилоятга бўлинади. Қирғизистон 1991 йилда СССРнинг парчаланишидан кейин мустақилликка эришган. Миллий байрами 31 август — Мустақиллик куни. Ижро этувчи ҳокимият — президент (давлат бошлиғи) ва ҳукумат бошлиғи премьер-министрга тегишли. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент амалга оширади. Сиёсий партиялари: Қирғизистон Демократик ҳаракати, Қирғизистон Республика партияси, Эркин Қирғизистон, Қирғизистон коммунистлар партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникацияси. Мамлакат бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида турибди. Бирмунча ривожланган саноат тармоқлари — рангли металлургия, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари — чорвачилик, пахтачилик ва бошқалар. ЯММ 1994 йилда 8,4 млрд. (аҳоли жон бошига — 1790) долларни ташкил этади. Асосий савдо ҳамкорлари — Россия, Украина, Ўзбекистон, Қозоғистон ва бошқа МДҲ мамлакатлари.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 370 км, автомобиль йўллари узунлиги — 30300 км.

Тарихи. VI асрдан XII асргача ҳозирги Қирғизистон худудлари Турк хоқонлиги таркибига кирган. XIII асрда мўғуллар томонидан босиб олинган Қирғизистон XVII асрда Ойрат хонлиги, XIX аср бошларида

Қўқон хонлиги таркибига киритилди. 1870 йили Россия империясининг Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди. 1918 йилда Туркистон Республикасининг бир қисми, 1924 йилдан Қора-Қирғиз Автоном вилояти, 1924 йилдан Қирғизистон автоном вилояти (области), 1936 йилда Иттифоқ Республикаси мақомини олди. Совет Иттифоқи парчаланиб кетгандан кейин, 1991 йил 31 августда Қирғизистон мустақиллиги эълон қилинди. 2005 йил баҳорида парламент сайловлари жараёнида мамлакатда сиёсий инқироз вужудга келди. Натижада «Лола инқилоби» деб аталган тартибсизликлар юз берди ва президент А. Акаев истеъфога чиқди. 2005 йил июндаги сайловларда К. Бакиев президент этиб сайланди.

ҚОЗОҒИСТОН

Расмий номи — Қозоғистон Республикаси. Пойтахти — Астана. Худуди — 2717300 км². Аҳолиси — 14800000 киши (2001). Давлат тили — қозоқ. Дини — ислом (47%), православ (44%), протестантлик (2%). Пул бирлиги — тенге.

Географик жойлашуви ва табиати. Марказий Осиёдаги давлат. Шимолда Россия (чегара узунлиги — 6846 км), жанубда Ўзбекистон (2203 км), Қирғизистон (1051 км) ва Туркменистон (379 км), шарқда Хитой билан чегарадош. Қозоғистоннинг ғарбий қисми Каспий денгизи, жанубда Орол денгизи билан туташ. Умумий чегара узунлиги — 12012 км. Мамлакат худуди шарқда Олтойдан ғарбда Волганинг қуйи қисмигача, шимолда Ғарбий Сибирь текислигидан жанубда Тянь-Шань тоғларигача чўзилган. Ғарбда Каспий бўйи пасттекислиги ва Манғишлоқ ярим ороли жойлашган. Шимоли-ғарбдан Урал ва Муғожар тизма тоғларининг жанубий тармоқлари ётибди. Муғожардан шимоли-шарқда Тўрғай ясси тоғлиги, жанубда Турон пасттекислиги ва Қизилқум чўли жойлашган. Шарқда ва жануби-шарқда Олтойнинг жанубий тизмалари қал кўтарган. Жанубда Бетпак-Дала ва Муюнқум чўллари бор. Асосий дарёлари — Иртиш, Урал, Чу, Сирдарё. Қозоғистон худудида Балхаш кўли ва қисман Орол ва Каспий денгизи жойлашган. Ер ости бойликлари кўплаб фойдаланма қазилмаларга бой: уран, рух, олтин, мис, молибден, нефть, фосфорит, боксит, темир, марганец, қўрғошин.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президент республикаси. Маъмурий жиҳатдан 20 та область (вилоят)га бўлинади. Қозоғистон ўз мустақиллигини 1991 йил 16 декабрда Совет Иттифоқи тарқалгандан кейин эълон қилган. 16 декабр Миллий байрам — Республика куни. Давлат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи олий орган бир палатали парламент — Юқори Кенгаш. Асосий сиёсий партиялари: Қозоғистон халқ бирлиги иттифоқи (ҚХБИ), Қозоғистон социалистик партияси (ҚСП), Қозоғистон халқ конгресси (ҚХК), Республикачилар партияси.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. СССР тарқалиб кетгандан кейин Қозоғистонда ишлаб чиқаришнинг инқирозга юз тутиши кузатилади. Лекин хом ашё захираларига бойлиги ва ишлаб чиқариш базасига эга эканлиги Қозоғистон иқтисодиётининг бошқа МДХ давлатларига нисбатан яхшироқ аҳволда бўлишига ёрдам берди. ЯММ 1994 йилда 55,2 млрд. (жон бошига — 3200) долл.ни ташкил этган. Бирмунча ривожланган саноат тармоқлари: рангли ва қора металлургия, тоғ-кон саноати, машинасозлик, нефтни қайта ишлаш саноати. Қозоғистон кўп миқдорда жун, пахта, картошка, ғалла етиштиради. Асосий савдо ҳамкорлари: Россия, Украина, Ўзбекистон, Хитой.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 14460 км, автомобиль йўллари — 189000 км.

Тарихи. Ҳозирги Қозоғистон ҳудудида туркий қабилалар VI—VIII асрларда Турк хоқонлиги, IX—XII асрларда Қорахонийлар подшолиги ҳукмронлигида яшaganлар. XIII асрда мўғуллар босқинидан кейин Қозоғистон Мўғул империяси таркибига киритилади. XIX асрда мамлакатни мустамлакага айлантириш учун ҳаракат фаоллашади, ҳозирги Олма-Ота, Астана қалъалари барпо этилади. 1886 йили Қозоғистоннинг бутун ҳудуди Россиянинг Туркистон провинциясига киритилади. 1917 йил ноябрида Али Хон Букей Қозоғистонни мустақил давлат деб эълон қилади ва миллий давлатга асос солади. Лекин 1919 йилда Қизил Армия мамлакатни босиб олиб, 1920 йилда Совет автоном республикаси, 1936 йилдан бошлаб Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси деб эълон қилинади. 1991 йилда — СССР тарқалгандан кейин Қозоғистон мустақил давлатга айланади. 1991 йилдан бери президентлик қилиб келаётган Н. Назарбоев 2005 йил декабрида етти йиллик муддатга қайта сайланди.

ҚУВАЙТ

Расмий номи — Қувайт давлати. Пойтахти — Ал-Қувайт. Худуди — 17818 км². Аҳолиси — 2300000 киши (2001). Давлат тили — араб. Дини — ислом. Пул бирлиги — қувайт динари.

Географик жойлашуви ва табиати. Осиё қитъасининг жануби-ғарбий қисмидаги давлат. Жанубда Саудия Арабистони (чегара узунлиги — 222 км), шимолда ва шимоли-ғарбда Ироқ (242 км) билан чегарадош. Чегарасининг умумий узунлиги — 499 км. Худудининг катта қисми чўдли пасттекиликлардан иборат. Асосий табиий ресурслари: нефть, табиий газ.

Иқлими — йилнинг катта қисмида иссиқ ҳаво ҳукмронлик қилади.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Мамлакат таркиби 5 та губернаторликдан иборат. Қувайт 1961 йил 19 июнда Буюк Британиядан мустақилликни қўлга киритган. Миллий байрами 25 феврал — Миллий кун. Давлат бошлиғи — амир. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни амир ва бир палатали парламент — Миллий мажлис амалга оширади. Сиёсий партиялари йўқ.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. ЯММ 1994 йил 30,7 млрд. (жон бошига — 16900) долл. ни ташкил этади. Иқтисодининг асосини нефть қазиб олиш ва нефтни қайта ишлаш саноати ташкил этади. Асосий савдо ҳамкорлари: Франция, АҚШ, Италия, Япония.

Темир йўллари йўқ. Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 4270 км. Муҳим портлари: Мина Сауд, Мина Абдуллоҳ, Мина ал-Аҳмади.

Тарихи. Қувайт VII асрдан араб халифалиги таркибига, XVI асрдан бошлаб Усмонийлар империяси таркибига кирган. 1756 йилда автономия мақомини олган Қувайт амирлиги 1899 йил Британия протекторатига айланди. 1961 йилда мустақилликни қўлга киритади. 1990 йили мамлакат Ироқ томонидан босиб олинади ва Ироқнинг 19-провинцияси деб эълон қилинади. 1991 йил январида БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарори билан иттифоқчилар кўшинлари Қувайтни озод қилиш ҳаракатини бошлайди ва бу ҳаракат февралда муваффақиятли якунланади.

ҒАРБИЙ САМОА

Расмий номи — Самоа мустақил давлати. Пойтахти — Апиа. Ҳудуди — 2831 км². Аҳолиси — 200360 киши (1995). Давлат тили — Самоа ва инглиз тили. Дини — аҳолисининг ярмидан кўпроғи протестантлар (55%), католиклар (45%). Пул бирлиги — тала.

Географик жойлашуви ва табиати. Самоа архипелагининг ғарбий қисмидаги оролларда жойлашган. Океаниянинг жануби-шарқидаги давлат. Ороллар рельефи соҳил текисликларидан ва вулқонли тоғлардан иборат.

Давлат тузилиши ва сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — конституцион монархия. Мамлакат маъмурий жиҳатдан 11 та округга бўлинган. 1962 йилда мустақилликка эришган. Қонунчилик инглиз умумий ҳуқуқи ва маҳаллий анъаналарга асосланган. Давлат бошлиғи 5 йилга парламент томонидан сайланади. Ижро этувчи ҳокимият премьер-министр бошчилигидаги ҳокимиятга тегишли. Асосий сиёсий партиялари: Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш партияси (ИХҲП), Христиан-демократик партия (ХДП), Ғарбий Самоа миллий партияси (FCMP).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Иқтисодининг асосини қишлоқ хўжалиги ташкил этади. Саноат ишлаб чиқаришни кичик корхоналар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва б. билан чекланган. Туризм мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоғига айланиб бормоқда. Асосий савдо ҳамкорлари: Янги Зеландия, Австралия, Германия.

Темир йўллари йўқ. Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 2242. Асосий портлари: Апиа, Асоу.

Тарихи. 1722 йилда голландлар томонидан очилган. Самоа ороллари Буюк Британия, АҚШ ва Германия ўртасидаги тортишувларга сабаб бўлган. 1899 йил декабрида оролларнинг ғарбий қисми Германия қўл остига ўтди. 1914 йил августда Ғарбий Самоа ўз ҳукмронлигини 1962 йилгача ўрнатган Янги Зеландия томонидан босиб олинди. 1962 йилда мустақилликни қўлга киритди.

ҒАРБИЙ САХАРА

Расмий номи — Ғарбий Сахара. Пойтахти — Эль-Аюн. Ҳудуди — 266000 км². Аҳолиси — 217211 киши

|| (1995). *Давлат тили — араб. Дини — ислом. Пул бирлиги — неста.*

Географик жойлашуви ва табиати. Ғарбий Африкада жойлашган. Жанубда ва жануби-шарқда Мавритания (чегара узунлиги — 1561 км), шарқда Жазоир (42 км), шимолда Марокаш (443 км) билан чегарадош. Умумий чегара узунлиги — 2046 км. Мамлакат ҳудудининг асосий қисми сув манбалари кам бўлган қумликлардан иборат. Асосий фойдали қазилмалари: темир рудаси, фосфарит,

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — президент республикаси. Давлат бошлиғи — президент, қонун чиқарувчи ҳокимият — Сахара Миллий кенгаши. Ҳудуднинг ҳуқуқий статуси ва мустақиллиги ҳақидаги савол ҳозирги кунда ўз ечимини топгани йўқ. Давлатни 70 дан ортиқ давлат тан олган.

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Аҳоли даромадининг асосий манбаи — балиқ овлash ва фосфаритлар қазиб олиш. Савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар Марокаш ҳукумати томонидан назорат қилинади. Марокаш Ғарбий Сахарага даъвогар ва уни бошқарувда раҳбарлик қилади. Шунинг учун ҳам асосий савдо ҳамкорлари Марокаш савдо ҳамкорларининг умумий рўйхатига киради.

Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги — 6200 км. Асосий портлари — Эль-Аюн, Ад-Дакла.

Тарихи. Ҳозирги Ғарбий Сахара ҳудуди XIX аср охириларигача, яъни Испания қироллиги қўл остига ўтгунга қадар Шимоли-Ғарбий Африкадаги турли давлатлар таркибида бўлган. 1975 йилда Испания, Мавритания ва Марокаш ўртасида Испаниянинг Ғарбий Сахара ҳудудларини Мавритания ва Марокашга беришга розилиги тўғрисида битим имзоланди. 1976 йил Жазоир мамлакатнинг Мавритания ва Марокаш ўртасида бўлиб олинishiга қарши чиқди. ПОЛИСАРИО озодлик Фронтини ва 1976 йил 28 февралда эълон қилинган Сахара Араб Демократик Республикаси (САДР)ни қўллаб-қувватлади. 1979 йилда Мавритания Ғарбий Сахаранинг жанубий қисмларидан воз кечганидан кейин мамлакатнинг бутун ҳудуди Марокаш назорати остига ўтди. 1991 йили БМТ раҳбарлигида ПОЛИСАРИО Фронтини ва Марокаш кўшинлари ўртасида ҳарбий ҳаракатларининг тўхтатилиши ҳақидаги битимнинг имзоланишига эришилди.

ҲИНДИСТОН

Расмий номи — Ҳиндистон Республикаси. Пойтахти — Деҳли. Ҳудуди — 3287732 км². Аҳолиси — 936545814 киши (1995). Давлат тили — ҳинд ва англиз тиллари, яна 14 та тил (бенгал, тамил, теллугу ва бошқалар) мамлакатнинг турли штатларида расмий тил сифатида ишлатилади. Дини — ҳиндуизм (82,6%), ислом (11,4%), христиан (2,4%), сикх (2%), буддизм (0,7%). Пул бирлиги — ҳинд рупийси.

Географик жойлашуви ва табиати. Ҳиндистон — Жанубий Осиёдаги давлат. Шарқда Бангладеш (чегара узунлиги — 4053 км) ва Мьянма (1463 км), шимолда Хитой (3380 км), Непал (1690 км) ва Бутан (605 км), ғарбда Покистон (2912 км) билан чегарадош. Мамлакат ҳудудини учта табиий зонага ажратиш мумкин. Декан ясси тоғлари деярли бутун Ҳиндистон ярим оролини эгаллаган Ғарбий ва Шарқий Гат тоғ тизмаларини ўз ичига олган. Ҳинд-Ганг текислиги ўз навбатида икки қисмдан иборат: шарқда Ганга ва Брахмапутра водийси, шимоли-шарқда Тар саҳроси. Шимолий қисми дунёнинг энг баланд тоғлари — Ҳимолай билан ўралган. Мамлакатнинг асосий дарёлари — Ганга, Ҳинд, Брахмапутра, Годовари. Фойдали қазилмалари: кумир (кўмир захиралари бўйича дунёда 4 ўринда), темир рудаси, табиий газ, нефть, марганец, титан, хромит, олма, оҳактош, боксит. Ҳудудининг 55% и экин экиладиган ерлар, 23% и ўрмон ва чангалзорлардан иборат.

Давлат тузилиши, сиёсий партиялари. Давлат тузилиши — федератив республика. Мамлакат 25 та штат ва 7 та иттифоқдош ҳудудга бўлинади. 1947 йил 15 августда мустақилликка эришган. Қонунчилик англиз умумий ҳуқуқига асосланган. Миллий байрами 26 январ — республика эълон қилинган кун (1950 йил). Ижроия ҳокимияти президент (давлат бошлиғи)га ва премьер-министр бошчилигидаги ҳукуматга тегишли. Қонун чиқарувчи олий орган икки палатали парламент (Сансад). Асосий партиялари: Ҳиндистон Миллий Конгресси (ҲМК), Бхаратия джаната парти (БДП).

Иқтисоди, транспорт коммуникациялари. Ҳиндистон саноатида тўқимачилик, машинасозлик, тоғ-кон, нефтни қазиб олиш, нефтни қайта ишлан,

фармашевтика, электроника ва кимё саноати муҳим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ЯММнинг 30% ини ташкил этади. 1994 йилда ЯММ 125390 млрд. (жон бошига — 1360) долларни ташкил қилган.

Темир йўлларининг умумий узунлиги — 61850 км. Автомобиль йўллари — 1970000 км (960000 км — қаттиқ қопламали). Ички сув йўллари — 16180 км. Асосий портлари: Бомбей, Мадрас.

Тарихи. Ҳозирги Ҳиндистон ҳудудида инсониятнинг қадимги цивилизацияларидан бири пайдо бўлган. М. а. 3 минг йиллик ўрталаридан м. а. 2 минг йиллик ўрталаригача Ҳиндистон ҳудудида ҳинд-орий қабила-лари вайрон қилган Ҳараппа цивилизацияси ривожланди. М. а. VI асрда Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисми Форс империяси ҳукмронлигига ўтди. Мусулмон босқинчилари босқинига қадар (X аср охири) Ҳиндистон ҳудудида ҳиндуизм маданияти ва дини ривожланган турли давлатлар ҳукмронлик қилган. 1398—1399 йилларда Амир Темур томонидан Ҳиндистоннинг катта қисми босиб олинди ва Деҳли салтанати ўзининг кўпгина вассалларидан ажралиб, кучsizланиб қолди. Заҳириддин Бобур 1526 йилда Деҳлини босиб олиб, мамлакат ҳудудида XVIII асргача, яъни европаликлар томонидан босиб олингунига қадар, ўзининг ривожланиши чўққисига эришган буюк империяга асос солди. Бу ҳудудда ўз таъсир доирасига эга бўлиш учун кураш Франция ва Англия ўртасида кечди ва Англиянинг ғалабаси билан тугади. Британия томонидан янги мустамакани ўзлаштириш XVIII аср охири ва XIX аср бошларида фаоллашди. 1818 йилда ҳиндларнинг охириги қаршилиги синдирилди. XX асрнинг 40-йилларида Махатма Ганди раҳбарлигидаги Миллий озодлик ҳаракати 1947 йили мамлакатнинг мустақилликка эришишига олиб келди, лекин мамлакат икки қисмга — Ҳиндистон ва Покистон Ислом Республикасига бўлинди. Ҳиндистон мустақилликка эришгандан кейин 1960 йилда Хитой, 1965 йилда эса Покистон билан ҳарбий можароларга (Покистон билан Жамму ва Кашмир штатлари ҳудуди бўйича можаро ҳозирги вақтда ҳам давом этмоқда) тортилди. Ҳиндистонда бир неча марта диний ва миллий можаролар ҳам (1984 йилда премьер-министр Индира Ганди ва 1991 йилда унинг ўғли Раджив Гандининг ўлдирилиши) юзага келди.

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ

Қисқа маълумотнома

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2006

Муҳаррирлар *Б. Эшпўлатов, Д. Исмоилова*
Бадий муҳаррир *М. Самойлов*
Техник муҳаррир *Л. Хижова*
Саҳифаловчи *Т. Огай*
Мусаҳҳиҳ *Н. Ёролова*

Теришга берилди 11.11.2005. Босишга рухсат этилди 31.01.2006.
Бичими 84x108 ¹/₃₂, «Таймс», «Петербург» гарнитураси. Офсет босма.
Шартли босма табағи 23,16. Нашриёт-ҳисоб табағи 22,8. Адади 5000
нуса. Буюртма № 2036. Баҳоси келишилган асосда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.